


СА
ТУРГУН ФАЙЗИЕВ

920

Шемуринлаф шажағасы



СН0000014209

ТЕМУРИЙЛАР ШАЖАРАСИ





РД
Турғун ФАИЗИЕВ



ТЕМУРИЙЛАР ШАЖАРАСИ



•
1995


ТОШКЕНТ
«ЕЗУВЧИ» НАШРИЁТИ – «Хазина»
1995

63.3(2Ўз)
Ф 20

Ушбу китоб
Соҳибқирон Амир Темур
таваллудининг 660- йиллигига
багишланади.

«ХАЗИНА» ИЖОДИЙ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИ БҮЮРТМАСИГА БИНОАН НАШР ЭТИЛДИ.

Масъул мухаррир Асрор САМАД



4702620200—9
Ф — катъий буюртма — 1994
М 362 (04) — 95

ISBN 5—8255—0207—6

© Турғун Файзиев,
«Езувчи», «Хазина»
нашириёти, 1995 йил.

ҲАММАГА КЕРАК КИТОБ

Кўп шинг йиллик тарихимиз жуда кўп сулолаларни бошдан кечирди. Лекин ўзидан катта ёдгорлик қолдирган ва кўй йиллар хукм сурган сулола — бу темурийлар сулоласи бўлди. Бу сулола вакиллари Моварооннахр, Эрон, Озарбайжон, Ирок, Афғонистон ва Ҳиндистонни 488 йил (1370—1506; 1526—1858 йиллари) идора қилдилар, ўша мамлакат ҳаликлари тарихида сезиларли из қолдирдилар.

Лекин афсуски. Темур ва темурийларнинг улкан тарихи, айниқса бизнинг мамлакатимизда, ҳазрати соҳибқироннинг она юргида, етарли даражада ўрганилмади. Бунинг асосий сабаблари бугун эди ҳаммага аён. Бу — Русиянинг қарийб 130 йилдан бери изчил ўтказиб келган мустамлакачилик ва улуг давлатчилик сиёсатининг оқибати бўлди. Фожиа шундаки, ҳозиргача биз Темур ва темурийлар ҳакида қўлга илинадиган биронта-китобга эга эмасмиз. Ваҳоланки, хорижий мамлакатларда ва тили, дини бошқа бўлган Орупода — Инглистанда, Фарангистонда, Олмония ва Амрико Кўшма Штатларида Амир Темур ҳакида катта-катта илмий асарлар яратилди. Инглиз олимаси Хилда Ҳукэм ёзган «Жаҳонтир Темур» (Лондон, 1962), немис олими Ханс Роберт Ремернинг «Темурийлар давлатининг маъмурӣ тузилиши» (Висбаден, 1952), Фарангистонлик Люсъен Керэннинг «Тамерлан» (Париж, 1978) ва Жан Поль Рокснинг Парижда 1991 йили чоп этилган шу номдаги китоби, Амриқолик шарқшунос олимлар Беатрица Форбес Маноннинг «Темур давлатининг бошқарилиши ва маъмурӣ тузилиши» (Кембриж, 1989) ва Жон Вудснинг «Темурийлар сулоласи» (Блюмингтон, 1990), китоблари шулар жумласидандир.

Сўнгги китоб, яъни Жон Вудснинг китоби Амир Темурнинг наслу наслаби ва авлодини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур асарда Амир Темурнинг Коҷули баҳодирдан то унинг улуг отаси Тарагай баҳодиргача бўлган аждоди, ҳазрати соҳибқироннинг хотинлари ва фарзандларининг исмлари, туғилган ёки вафот этган йиллар кўрсатилган. Мазкур шажарани маълум даражада номаълум муаллиф (Хоғизи Абру деб ҳам тахмин килинади) тарафидан тузилган «Муъизз ул-ансоб фи шажарат ул-атрок» (бошқа бир номи «Муъизз ул-ансоб фи шажарати салотини мӯгул»)нинг зарур изоҳлар ва қайдлар билан инглиз тилига қилинган таржимаси дейиш мумкин. «Муъизз ул-ансоб»да Чингизхон ва Амир Темурнинг шажараси келтирилган.

«Муъизз ул-ансоб» бицнинг замонимизгача факат уч нусхада етиб келган. Улардан бири Туркияда, Стамбул шаҳаридаги Тўпқопи кутубхонасида 2152 рақам билан сақланмоқда. Тўла эмас, ҳажми ҳаммаси бўлиб 24 варакдан иборат. Лекин, нотамом бўлса-да зўр бадиий кимматга эга — чиройлик килиб ишланган миниатюра ва бошқа безаклари бор. Шоҳруҳнинг учинчи ўғли, маърифатпарвар ва илм-фан, маданият ҳомийси Бойсунгур Мирзо (1397—1433) кутубхонасида кўчирилган ва ўша Мирзоннинг «Мажмуъа»сига киритилган. Иккинчи нусха Фарангистонда, Париж миллый кутубхонасида Оч. 467 рақамда сақланади; XVI аср бошида кўчирилган: тўла 164 варакдан иборат. Ва ниҳоят, асарнинг учинчи нусхаси Инглистанда машҳур Британия музейида сақланади, 129 варак; миниатюралар билан bezatilgan; XVIII асрда Ҳиндистонда кўчирилган. Мазкур асарнинг Чингизхон ва авлоди шажарасига багишланган қисми унчалик кимматга эга эмас — у эронлик машҳур тарихчи Рашидуддин (1247—1318) нинг «Шуъаб-и панжона» сига асосланган.

Тургун Файзиевнинг «Темурийлар шажараси» асарига келсак, бу Амир Темур ва унинг наслу наслаби ва авлоди ҳакида ёзилган муфассал

тадқиқотдир. Унинг афзал тарафлари кўп. Биринчидан, бу асар шунчаки «Муъизз ул-ансоб» каби шажара эмас, балки ҳазрати соҳибқирон ва авлодининг қисқача таржими ҳолини ўз ичига олади, иккинчидан, унда нафақат тож-тахт соҳиби бўлганлар, балки шундай бахтга мусассар бўлолмаган темурийлар ҳақида ҳам қисқа лекин эътиборга молик маълумотлар келтирилди. Ва, ниҳоят, учинчидан, Амир Темур наслидан бўлган аёлларга ҳам мазкур асарда урин берилган.

Тургун Файзиевнинг мазкур асари, қолаверса, кўп йиллик оғир илмий изланишлар маҳсулидир. Ушбу асар XV—XVI асрларда битилган ва Темур ҳақида темурийлар тарихини, ўз ичига олган бир талай катта асарлар: «Темур тузуклари», Фасих Аҳмад Ҳавоғий (1375 йилда Ҳиротда таваллуд топған)нинг «Мужмал-и Фасихий» (Фасихийнинг тарихлар мажмуъаси), Шарафуддин Али Яздий (1454 йилда вафот этган)нинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳ (1389—1450)нинг «Ажойиб ул — мақдур фи ахбори Таймур» («Амир Темур тарикида тақдир ажойиботлари»), Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482)нинг «Матлаъ ус-саъдайн ва мајмамъ ул-баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки дентизининг қўшилиш жойи»), Захирiddин Муҳаммад Бобур (1483—1530)нинг жаҳонга машҳур «Бобурнома»си, Фиёсiddин Муҳаммад Ҳондамир (1475—1535)нинг кўп жилдлик «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар» («Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржими ҳоли») ва «Хуносат ул-ахбор» и, Гулбадан бегим (1529—1603)нинг «Хумоюннома»си, Абулфазл Алломий (1551—1602)нинг «Акбарнома»си ва бошқа асарлар, шунингдек Кастилия кироли Генрих III (1390—1410)нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундакликлари», В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовский, А. А. Семенов, М. Е. Массон, С. П. Толстов, И. М. Мўминов, Х. Вэмбери, Барбара Брэй ва бошқа ийрик тарихчи тадқиқотчиларнинг китоблари асосида ёзилган.

«Темурийлар шажараси»ни ўштари равишда Муқаддима (Амир Темур ва унинг улуг аждоди) ҳамда тўрут қисмга: 1) Амирзода Жаҳонгир (1356—1376) ва унинг авлоди; 2) Умар Шайх (1356—1393) ва унинг ўғил-қизлари; 3) Мирзо Мироншоҳ (1366—1408) ва авлодининг шажараси ва ниҳоят 4) Хоқони Сайд Шоҳруҳ Мирзо (1377—1447)нинг авлоди ва хотинлари баёни қисмларига бўлиш мумкин. Бу, шубҳасиз, асаддан фойдаланишини бирмунча енгиллаштиради.

Амир Темур ана шу тўрут ўғли ва қизларидан тарқалган авлод, юкорида айтиб ўтганимиздек, Моварооннаҳдан ташқари, Ўтра Осиё ва Яқин Шарқдаги бир талай мамлакатларни Ирок, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонни қарийб беш аср мобайнида идора қилдилар. Лекин буларнинг орасида энг кўп — 347 йил ҳукмронлик қилгани Мироншоҳ авлоди бўлди. Шуни алоҳида таъқидлаб ўтиш керакки, Мироншоҳнинг Захирiddин Муҳаммад Бобурдан тарқалган авлоди факат Ҳиндистонда 332 йил (1526—1858) подшолик қилди. Булар тарихда Ғарбий Оврупода «Улуг мӯгуллар», Шарқда «Қурагонийлар» ёки «Бобурийлар» сулоласи номи билан аталади. Баҳодиршоҳ II (1837—1858) бобурийларнинг Ҳиндистонда тожу тахт соҳиби бўлган охирги намояндаси бўлди. Лекин, қўрқоқ ва ташаббусиз, бунинг устига ниҳоятда картайиб колган Баҳодиршоҳ (у бу вақтда 82 ёшда эди)нинг ҳуқми «Шажара» муаллифи жуда тўғри айтганидек, саройдан нарида ўтмас эди. Бир вақтлар яхлит ва куч-кудратга эга бўлган бобурийлар империяси аллақачонлар, Аврангаеб Оламгир вафотидан (1707) кейинроқ майда-майда қисмларга бўлинib кетган эди. Маратҳадар, сикхлар, жотлар ўзларини мустакил деб зълон килиб, марказий ҳукуматга итоат этмай кўйдилар. Инглиз

мустамлакачилари бўлса аста-секин Бенгалия, Марказий Ҳиндистон ва Ражпутанда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб оғидилар. 1858 йилинг 21 сентябрида эса инглизлар Дехлини эгалладилар. Баҳодиршоҳ II Рангун (Бирма)га сургун қилийди ва мусофирилик ҳамда қувгинликда 1862 йили 87 ёшида вафот этди. Унинг икки ўгли — Мўгул Мирзо (1796—1858), Хизр Султон (1799—1859) ва набираси Абубакр Мирзо (1821—1858)лар Дехли йўлида инглиз ҳарбийлари тарафидан отиб ташланди.

Карангки, бу тақдирми ё бўлмаса тасодифми, Амир Темурнинг уч асрдан кўп ҳукмронлик қилган бу авлодининг ибтидоси Мироншоҳнинг тақдери билан унинг сўнгги намояндаси Баҳодиршоҳ II нинг тақдери айнан бир хил бўлди. Масалан, Мирзо Мироншоҳ 1408 йилинг 21 апрелида Табризга қаравали Сардруд деган жойда кора қўюнлилар подшоси Кора Юсуф (1389—1420) билан бўлган урушда ҳалок бўлган эди. Баҳодиршоҳ II ва унинг авлоди эса инглизлар қўлида курбон бўлди.

Биз юқорида «Темурийлар шажараси»нинг афзал тарафлари ҳақида гапирганимизда, унда тожу тахт соҳиблари билан бир каторда, бу шарафга мұлассар бўлолмаган темурийзодалар ҳақида ҳам маълумот келтирилганлигини айтиб ўтган эдик. Ваҳоланки, мавжуд «Шажара»ларнинг (Стенли Лэн Пул, Е. Цамбаур, Клиффорд Эдмунд, Босворт ва б. к.) биронтасида бунақа тафсилот учрамайди. Уларда асосан ҳукмронлик қилганларнинг номлари ва тахтга ўлтирган ийллари қайд қилинган, холос. Бирон бир лавозим соҳиби бўлмаган, кўп ҳолларда «гариблик»да кун кечирган шаҳзодалардан Умар Шайх Мирзонинг набиралари Солих Мирзо (1406—1452), Пир Али Мирзо (1400—1415), ўша Умар Шайхнинг бешинчи ўғли Сайди Аҳмад (1391—1429) ва набиралари Аҳмад Мирзо (1414—1498), эвараси Кичик Мирзо (1458—1484), Умар Шайхнинг олтинчи ўғли Бойқаро Мирзо (1393—1423)нинг ўғли Гиёсиддин Мансур (1413—1445), Шоҳруҳ Султоннинг набиралари Абу Исҳоқ Мирзо (1419—1427) ва Али Мирзо (1422—1447) ана шундай «ишизи» қолган темурийзодалар жумласидандир. Муаллиф уларни ҳам четда қолдирмаган ва имкони борича уларнинг ҳаётига оид маълумогларни ҳам «Шажара»га киритган. Бир-инкита мисол келтирамиз. Кичик Мирзо ҳақида, масалан, мана буларни ўқиймиз: «Аҳмад Мирзонинг Мұхаммад Султон Мирзо исмли ўғли бор эди. У 1458 йилда туғилган бўлиб, ёшлигидан унга Кичик Мирзо деб лақаб қўйган эдилар. Кичик Мирзо ақлли, зеҳни ўткир, фаросатли ва билимдон йигит эди. Мавлоно Қамолиддин Шайх Ҳусайн қўлида маърифат гулцанидан баҳраманд бўлган эди. Унинг одоби, аҳлоқи ва билимини сарой аҳли, шу жумладан тогаси Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳам юқсак кадрлади». Султон Ҳусайн Бойқаронинг отаси Гиёсиддин Мансур (1413—1445) ҳам ўша «ишизи» темурийзодалар жумласидандир. «Гиёсиддин Мансур Мирзо,— деб ёзади «Темурийлар шажараси» муаллифи,— Бойқаро Мирзонинг учинчи ўғли бўлиб, 1413 йилда туғилган. Унинг онаси Қутлуғ Султон бегим эди. Гиёсиддин Мансур Мирзо ҳукмронлик қилмаган. У умрининг охиригача Ҳиротда оддий кишилардек ўрта ҳол бўлиб ҳаёт кечирган». Яна бир мисол келтирамиз. «Султон Валад Мирзо Султон Абу Сайд мирзонинг ўглидир. Аммо, Султон Валад Мирзонинг таржимиҳо ҳоли, ҳақида ҳозиргacha маълумот учрамайди. Фақат тарихиҳо Ҳондамирнинг «Хуло sat ул-ахбор» асарида қисқача маълумот учрайди. У ҳам бўлса Султон Валад Мирзо умрининг охиригача орлот¹ умаролари орасида оддий одамлардек ҳаёт кечирган.

¹ Мавлоно Қамолиддин Шайх — Султон Яъқуб оқ куюнлу (1478—1490) ва Султон Ҳусайн Бойқаро даврида ўтган иирик тасаввуф олими. Ҳиротлик машхур илоҳият олими қожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Манозил ас-сайирин» асарига ўз вактида шарқ ёзган.

² Орлот — куфузли турк қабилаларидан. Ўз вақтида (1499 йили куэда) Султон Абу Сайд ҳам шу қавмнинг ёрдамига таянган.

«Темурийлар шажараси»да Сарой Мулк хотини (Амир Темурнинг хотини), Уга бегим (Амир Темурнинг кизи), Гавқаршод бегим (Шохруҳ Мирзонинг хотини), Гулбадан бегим (Бобур Мирзонинг кизи), Феруза бегим (Амир Темурнинг эвараси), Ҳадича бегим (Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотини) ва бошқа кўплаб аёллар ҳакида ҳам қискача, лекин ўта муҳим маълумотлар келтирилган. Шулардан биринкитасига, хусусан Мулкат оғо, Гавқаршод бегим ва Феруза бегимлар ҳакида келтирилган маълумотлардан айрим парчалар келтирамиз. Масалан, Мулкат оғо ҳакида «Шажара»да мана буларни ўқиймиз: «Мулкат оғо бегим Ҳизр хожа Ҷуглоннинг¹ кизи бўлиб, аввал Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзога турмушга чиқкан. У Умар Шайх Мирзодан икки ўғил: Искандар Мирзо ва Бойқаро Мирзони туққан. 1394 йилда Умар Шайх Мирзо вафот этгач, соҳибқирон Амир Темурнинг хоҳишига кўра, Шохруҳ Мирзонинг никоҳига кирган. Мулкат оғо 1398 йилда Шохруҳ Мирвога бир ўтил ҳадя қиласи. Унинг исмини Суюргатмиш Мирзо деб атайдилар. Мулкат оғо бегимнинг асли исми Мулк оғо... Ҳиротда шифохона, Дор ул-қадим номли хонақоҳ, иккита ҳаммом, Ҳиротдан 8 фарсах нарида, Амударёга борадиган йўл устида битта работ ҳам бино қўлдирган... Балх шаҳарида ҳам мадраса қурдирган. 1440 йилда Қобулда вафот этган. Шохруҳ Мирзонинг катта нуфузга эга бўлган ва салтанатнинг ижтимоий-сиёсий ҳётида катта рол ўйнаган хотини Гавқаршод бегим, хусусан унинг насл-насаби ҳакидаги маълумот ҳам эътиборга сазовардир. «Гавқаршод бегим,— деб ёэзи Турғун Файзиев,— Шохруҳ Мирзонинг биринчи хотини бўлиб, Чигатой зодагонларидан (яъни турк демокчи — Б. А.) Ғиёсиддин тархоннинг кизи эди. Ривонт қилишларича, Ғиёсиддин тархоннинг Бобокалони Кушлук² бир вакътлар Чингизхон хизматида бўлиб, жанг аноссида уни ўлимдан сақлаб қолган экан. Ана шундан бўён бу авлод Чигатой улусида махсус эътиборга сазовар бўлган...»

Султон Ҳусайн Бойқаронинг онаси Феруза бегим ҳакидаги маълумот ўта муҳим. «Шажара»да бу ҳакда хусусан, бундай деб ёэилган: «...Феруза бегим ота тарафидан Амир Темурнинг катта кизи Ото бегимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзонинг кизи эди. Феруза бегимнинг онаси Кутлук Султон бегим эса Мироншоҳ Мирзонинг кизи эди...»

Альбатта, бобурийлар даврини Ҳиндистоннинг ўзида XVI — XIX асрларда ёэилган тарихий асарлар («Тарихи Фаришта», «Хулосат ут-таворих», «Жаҳонгирнома», «Подшоҳнома», «Оламгирнома», шунингдек, Франсуа Бернье ва бошқаларнинг эздаликлари) асосида бир оз тўлатилса бўларди. Ундан ташқари, иақл-ривоятларга (масалан, Ғиёсиддин тархоннинг ажоди ҳакидаги) асосланган фикрлар (бундай фактлар кам) ишончли манбалар асосида текширилиши керак эди. Лекин шунга қараем, Турғун Файзиевнинг мазкур асари муҳим ва ҳамма учун, тарихшунос учун ҳам, олий ўкув юртларининг талабалари ва аспирантлари учун ҳам, шунингдек, Амир Темур ва унинг улуғ авлоди тарихи билан қизиқувчилар учун ҳам ўта зарур қўлланма бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

БЎРИБОЙ АҲМЕДОВ —,
Узбекистон республикаси Фанлар Академиясининг
мухбир аъзоси.

¹ Ҳизр хожа Ҷуглон — Мўгулистон хотини (1390—1399). Кушлук найман подшоси Тоёнхоннинг ўғли; 1218 йили Жэбэ нўён бошлиқ мўгул кўшини уни Коштардан Бадахшонга олиб борадиган йўл устида жойлашган Сарикўл деган мавзеда кувиб етиб ўлдирган. Кушлукнинг Чингизхонга содик қолиб хизмат қилгани ҳакидаги ривоят афсонадир. Асл манба хисобланган Жувайний ва Рашидуддиннинг асарларида бундай гап йўқ.

СҮЗ БОШИ

Жаҳон тарихи замирида қўҳна Шарқ тарихи алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, ҳар бир давр ўзининг тарихий шахсларини яратган ва мазкур шахслар тарих силсиласини вужудга келтирганлар. Бинобарин, Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда Темур ва темурийлар даврини муфассал ўрганимай туриб бу минтақанинг тарихига баҳо бериш мумкин эмас. Зоро, Марказий Осиё халқлари тарихида Темур ва темурийлар даври мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёнида улкан ижобий бурилишлар даври бўлган.

Мўгуллар истилосидан сўнг кул тепага айланган Туркистон замини 150 йил давомида истибодод занжирiga ўралди. Меҳнаткаш халқ оммаси қуллик исканжасига солиниб, озодликдан маҳрум қилинди. Мўгул истибододига қарши озодлик байробини жасурона баланд кўтариб майдонга чиққан ва халқнинг асрий эзгу нияти — мустақилликни қўлга киритган етук тарихий шахс Амир Темурдир.

Амир Темур 1370 йилда Мовароуннаҳрни мўгул хонларидан тозалаб, Самарқанд таҳтига ўтиради. У салтанатни бошқараркан, XIV асрнинг 80-нчи йилларигача мамлакат ичкарисидаги тажовузкор қора кучлар билан муросасиз кураш олиб боради ва ягона марказлашган ҳокимият барпо этишга муваффақ бўлади. 80-нчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб қўшни мамлакатларга қарши ўзининг машҳур уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик ҳарбий юришларини амалга ошириб, ўттиздан ортиқ жанг олиб боради ва бу жанглар натижаси ўлароқ қўпгина мамлакатларни

ўзига тобеъ этиб, ўзи барпо этган улкан империянинг қудрати ва шон-шүҳратини жаҳонга таратади.

Соҳибқирон Амир Темур 1370 йилдан 1405 йилгача Хурсон, Эрон, Ирок, Озарбайжон, Гуржистон, Арманистон, Шимолий Ҳиндистон, Олтин Ўрда ва Туркия билан жанг қилиб, ўз салтанати ҳудудини Шарқда Хитой деворига қадар, шимолда — Москвага, гарбда — Үрта ер денизига, жанубда эса Миср чегарасига қадар кенгайтирди.

Маълумки, Амир Темур вафотидан сўнг бу улкан империя майда-майда бўлакларга бўлиниб кетган бўлса-да, ҳар ҳолда темурий шаҳзодалар қўл остида қолди. Бу сулола Мовароуннаҳр ва Хурсонда XVI асрнинг бошларигача, Ҳиндистонда эса XIX асрнинг 50-инчи йилларигача давом этди. Темурий шаҳзодалар мазкур маврусий салтанатда қарийб 488 йил ҳукмрон бўлиб турдилар. Зоро жаҳон тарихида бунчалик узоқ умр кўрган сулола кам топилса керак. Зотан, мозийнинг ҳар бир даври тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллаган. Жумладан, Темур ва темурийлар даврига оид маълумотлар тарихий қўллэзма асарларда ёзиб қолдирилган. Афсуски, кейинги қарийб бир ярим асрлик мустамлакачилик сиёсати бизни тарихимиздан, қадриятларимиздан ва миллий маданиятимиздан маҳрум қилди. Мажхудлик натижаси ўлароқ, ватанимиз тарихида олтин давр ҳисобланган Темур ва темурийлар тарихига доир тўлиқроқ китоб эмас, ҳатто мўъжазгина рисолага ҳам эга эмас эдик. Ваҳоланки, темурийлар орасидан етишиб чиқсан бунёдкор шоҳлар, моҳир саркардалар, буюк олиму мутафаккирлар, сужандон шоирлар ва қўли гул меъморларнинг донғи оламга таралгандир.

Бинобарин, қарийб 500 йил ҳукмронлик қилган темурийлар сулоласи жусусида эса, жаҳон адабиётида илмий асарлар, романлар ҳамда саҳна асарлари яратилиб келинди ва яратилмоқда. Шунингдек, жаҳон олимлари томонидан темурийлар сулоласининг шажраси инглиз, француз ва немис тилларида ёзилган ва нашр қилинган. Бизда эса Темур шахсига ва унинг авлодига нисбатан «босқинчи», «қонхўр» ва «жаллод» каби иборалар билан тамға босиб, ҳалқ назаридан четлатиб келинди. Ҳолбуки, соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги қўллэзма манбаларни чуқурроқ таҳлил қилинса, унинг «босқинчилик» ҳарбий юришларининг туб моҳияти нимадан иборат эканлиги бир қадар ойдинла-

шади. Зотан, Амир Темур Мовароуннаҳрда йирик марказлашган давлатни барпо этгач, эндиликда бутун куч-гайратини туркий халқларни бирласитиришига, яъни Турк ҳоқонлиги (552—745) давридаги турк халқининг мавқетини қайта тиклаб, Улуг Турон давлатини барпо этишига қаратган эди. Табийки, унинг мазкур режасига қаршилик кўрсатган хукмдорлар соҳибқирионнинг гафабига дучор бўлардилар.

Хурматли китобхон! Қўлингиздаги «Темурийлар шажараси» номли китобни яратиш менинг учун тасодифий фикр маҳсули эмас 1961 йилда ЎзФА Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтига ишга келганимдан сўнг турли-туман қўлёзма асарларни мутолав қилиш бахтига муяссар бўлдим. Табийки, хилма-хил қўлёзма манбалар орасида соҳибқирион Темур ва унинг авлодига оид катта-кичик маълумотлар учрай бошлади. Кейинчалик манбаълардан олган маълумотларни фикран жамлаб мушоҳада қилганимда, темурийлар сулоласига мансуб бўлган шаҳзода ва маликаларнинг сон-саноги йўқдек туюлди, шунингдек уларнинг ҳар бирининг мамлакат ҳаётида тутган мавқеъи турлича эканлиги кўз ўнгимда гавдалана бошлади. Ача шундан сўнг, темурийлар шажарасини тузиш масаласи бутун вужудимни қамраб олди. Аммо у замонлар бошқа давр эди. Зоро Темур ва темурийлар ҳақида китоб чоп этириш ўёқда турсин, ҳатто ошкора фикр юритишнинг ўзи ҳам оғир мусибатларни келтириб чиқаради.

Бинобарин, ҳазрат соҳибқирион Амир Темурга бўлган эҳтиромим ўлароқ, «фарзандларимга мендан хотира бўлиб қолар» — деган умид билан мазкур асарни хуфиёна уйда ишлашга жазм қилдим. Аллоҳга шукрлар бўлсинким, замонлар ўзгарди, ватанимиз завол тунидан қутилиб, мустақиллик тонгига етишди. Шу боис мен ҳам мазкур асаримни Сиз азизларнинг муҳокамангизга ҳавола этиш бахтига мушарраф бўлдим.

Ушбу асар Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафуддин Али Яздийнинг (1454 вафоти) «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг (1389—1450) «Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Таймур» (Темур ҳақидағи хабарларда тақдир ажойиботлари), Камолиддин Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413—1482) «Матдан саъдайн ва мажмаи баҳрайн» (Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки дengизнинг қўшилиш жойи). Фасиҳ Ҳавоғий-

нинг (1375 йилда таваллуд топган), «Мужмал-и Фасиҳий» (Фасиҳийнинг тарихлар мажмуаси), Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483—1530) «Бобурнома», Фиёсиддин Муҳаммад Хондамирнинг (1475—1535) «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул башар (Инсон хабарларида дўстларнинг таржимаи ҳоли) ва «Хулосат ул-ахбор», Гулбадан бегимнинг (1523—1603) «Хумоюннома», «Темур тузуклари», Абулфазл Алломийнинг (1551—1602) «Акбарнома», бобурийлар салтанатининг тўртинчи ҳукмдори Жаҳонгиршоҳнинг (1569—1627) «Жаҳонгирнома» (Жаҳонгир тузуклари) ҳамда қатор катта-кичик ҳажмдаги қўлёзма манбалар асосида ёзилди.

Шунингдек, мазкур манбаларни таҳлил қилиш жараёнида Кастилия қироли Генрих III нинг (1390—1407) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундакликлари», X. Вамбери, В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовский, А. А. Семенов, М. Е. Массон, И. М. Мўминов, Барбара Брей ҳамда Оврупо, Хитой, Эрон ва Афғонистон тарихчи олимларининг асарларидан ҳам фойдаланилди.

Юқоридаги манбалар асосида темурийлар сулоласи шажарасининг мухтасар тарихини ҳам ёритишга жазм қилдим. Бинобарин, Темур ва темурийлар даврини ўрганар эканмиз, мазкур сулолага мансуб бўлган 192 шаҳзода ва 300 дан ортиқ маликаларнинг шахси ва исм-шарифларини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Биз асадан фойдаланишни бирмунча енгиллаштириш мақсадида, «Темурийлар шажараси» ни Муқаддимадан (Соҳибқирон Амир Темурни қисқача тарихи) сўнг, шартли равишда тўрт қисмга бўлдик. Чунончи: I) Жаҳонгир Мирзо (1356—1376) ва унинг авлоди; 2) Умар Шайх Мирзо (1356—1394) ва унинг авлоди; 3) Мироншоҳ Мирзо (1366—1408) ва унинг авлодига мансуб бўлган бобурийлар сулоласи (1526—1858) ва ниҳоят: 4) Шоҳруҳ Мирзо (1377—1447) ва унинг наслига доир шажарадан иборатdir.

Шуни таъкидлаш лозимки, шу кунгача темурийлар шажараси устида иш олиб борган олимлар, ўз асарларида фақат таҳтга ўтириб ҳукмронлик қилган шаҳзодаларнигина эътиборга олиб, ҳукмронлик қилмаган ёки кичикроқ лавозимларда бўлган шаҳзодаларни эса шажара рўйхатига киритмаганлар. Биз мазкур иши-мизда мамлакатда ҳукмронлик қилган-қилмаганидан қатъи назар, ущбу сулолага мансуб бўлган барча

шахзодаларни шажара рўйхатига киритдик. Зеро сулола тарихини ўрганишда уларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Ҳолбуки ана шундай четлаб ўтилган шахсларнинг айримлари, гарчи сиёсат майдонида от сурмаган бўлсалар-да, бироқ илм маърифатда донг таратганлар.

Темур ва темурийлар тарихини ўрганар эканмиз, мазкур сулолага мансуб бўлган шахзодалар ва маликалар ҳақидаги маълумотларни тўплаб, таҳлил қилиш жарабёнида кўпгина қийинчилкларга дуч келдик. Зеро Жаҳонгир, Бойқаро, Умар Шайх, Бобур, Шоҳруҳ, Бойсунгур ва Муҳаммад Султон каби исмларнинг ҳар бири бир неча шахзодаларда учрайди. Ана шундай чигалликлардан яна бири ҳар бир шахзоданинг отаси ким, у қайси йўл билан Соҳибқиронга бориб туташади. Шунингдек онаси ким ва қайси авлодга мансуб эканини аниқлашдан иборатдир. Бинобарин, айрим шахзодаларнинг насл-насабини аниқлаш учун бир неча манбаъларга мурожаат қилишга тўғри келди.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, темурий шахзодаларнинг айримларини таваллуд йили маълум бўлса, вафот йили номаълум. Айримларининг туғилган йиллари номаълум, лекин вафот қилган йили аниқ кўрсатилган. Айрим ҳолларда «фалон жангда фалончи шахзода катл қилинди», дейилади-ю, аммо йили кўрсатилмайди. Еки «Фиёсиддин Мансур Мирзо вафот этганда, унинг ўғли Ҳусайн Бойқаро етти ёшда эди», деб ёзилган. Ана шундай ҳолларда, биз бўлиб ўтган жанг ёки воқеанинг қайси йилда содир бўлганини аниқлаб билганимиздан сўнг, мазкур шахзодаларнинг таваллуд ёхуд вафот йилларини белгилашга муваффақ бўлдик. Масалан, «Соҳибқирон Амир Темур вафот қилганда, Мироншоҳ Мирзонинг учинчи ўғли Халил Султон Мирзо 21 ёшда эди», деб ёзилган. Демак, Халил Султон Мирзо 1384 йилда туғилган дейишга асос бор. Ана шу йўл билан мазкур шахзодалар ва маликаларнинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни ва мавқеъига қараб, шунингдек улар ҳақида ёзиб қолдирилган маълумотларнинг салмогига суюнган ҳолда ҳар бир шахснинг қисқача таржимаи ҳолини яратишига ҳаракат қилдик.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, «Темурийлар шажараси» номли мазкур китоб ўзбек тилида биринчи марта яратилган асар бўлиб, темурийлар сулоласининг шажарасини ўрганишда қўйилган пойдевордир.

Маълумки, ҳар қандай мукаммал асарларда ҳам камчиликлар учраб туради. Бинобарин, ҳурматли китобхонлар мени кечирсинлар, зеро мазкур асар ҳам нуқсон ва камчиликлардан мустасно эмасдир. Чунки шажара туркумига киритилган шаҳзодаларнинг рўйхати янада ортиқроқ бўлиши мумкин. Буни келажак илмий-тадқиқот ишлари ҳал қилишига имоним комил. Зотан, мазкур шаҳзодалар ва маликаларнинг ҳар бирининг ҳаёт тарзи, фикрлаш савияси ва фаолияти ўзига хос қисса, китоб ёки илмий асар бўлиши шубҳасиздир. Бу томони келажак тадқиқотчиларга ҳавола.

Ушбу асарни ёзиш жараёнида ўз маслаҳатларини дариг тутмаган Б. А. Аҳмедов, Қ. Муниров ва бошқа ўртоқларга чуқур миннатдорчилик билдираман.

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР КУРАГОН

Амир Темур 1336 йил, 8 апрелда (736 йил 25 Шаъбон) Кеш (Шахрисабз) вилоятининг Хўжа Илгор қишлоғида дунёга келган. Унинг отаси амир Муҳаммад Тарагай барлос қабиласига мансуб беклардан бўлган. «Мужмали Фасиҳий» номли асар муаллифининг берган маълумотига қараганда, амир Тарагайнинг насл-насаби жаҳонгир Чингизхонга бориб тақалади. Мазкур асар муаллифи Фасиҳ ал-Хавофий амир Тарагайнинг шажарасини қўйидагича баён қиласди: амир Тарагай ибн Баркал ибн Илангиз Ижик ибн Қорачор нўён ибн Суку Сижон ибн Ирумчи ибн Қочули нўён ибн Туминахон ибн Бойсунтурхон ибн Қайдухон ибн Дутам Мэнги Буқой ибн Бузанжир ибн Алон Қува. «Жангномайи Амир Темур Курагон»да ёзилишича, онаси Бухоро фузалоларининг энг улуғи — садр ул-шаръия (шариат қонунларини шарҳловчи)нинг қизи — Такина Моҳ бегим бўлган.

Амир Муҳаммад Тарагай аввало комил мусулмон ва баҳодир жангчи бўлган. Шунингдек, уламою фузалога ихлосманд, илм аҳлига ҳомий ва иштиёқманд киши эди. Амир Тарагай баҳодир замонасининг мулкдор кишиларидан бўлиб, Чигатой улусига мансуб ҳукмдорлар билан яқин муносабатда эди. У Шахрисабз (Кеш)нинг маълум қисмida ҳокимлик қилди. Темур кейинчалик ўз отасининг мол-мулки ҳақида қўйидагиларни битган: «Мен 21 ёшга тўлган эдим. Шу йил отамнинг деҳқончилиги яхши бўлди. Қорамоӣ ва йилқилар ҳам кўп болаладилар. Мен ҳар бир ўн қулга бир бошлиқ тайинладим, ҳар бир йигирма отни бир уюр қилдим. Ҳар бир ўн уюрни бир қулга топширдим, ҳар бир ўн туяни ва

ҳар бир минг қўйни боқиши учун бир қул тайинладим. Ўэимга тегишли мулкни идора қилишни эса маҳсус ишончли қулимга топширдим». Амир Темурнинг юқоридаги сўзларидан маълум бўладики, Тарагай баҳодир замонасининг давлатманд кишиларидан бўлган.

Амир Темурнинг туғилиши ҳамда гўдаклик даври ҳақида аниқ ва муайян маълумот кам учрайди. Ҳозирги кунгача етиб келган маълумотлар эса, нихоятда чалкаш ва ишончли манбалардан ажраб қолган. Масалан, Амир Темурнинг туғилишидан то вафотигача бўлган давр ҳамда соҳибқироннинг барча фаолиятини ўз қамровида мужассамлаштирган «Темурнома» номли асарда Амир Темур шахси ўта илоҳийлаштирилиб, ўқувчидаги шубҳага мойиллик түғдиради. Шунинг учун Амир Темурнинг ўзи ҳақида айтган сўзларга суюнмоқ ҳар томонлама ишонччироқ туюлади.

Амир Муҳаммад Тарагай баҳодир ўз замонасининг анъаналарига кўра, ўғлига от миниш, ов қилиш, хат-савод чиқариш ҳамда Ислом аҳкомларини ўргатувчи мураббийлар тайинлади. Шунинг натижаси ўлароқ, ёш Темурни етти ёшидаёқ мадрасага ўқишига берадилар. У мадрасага келганда алифбодан мукаммал хабардор бўлган, ўз она тили — турк тилидан ташқари форс тидини ҳам мукаммал эгаллаган эди. Аммо кўпчилик рус ва Европа олимлари Амир Темурни саводсиз деб ёзиб келганлар ва бу ақида кўпчиликнинг назаридаги «ҳақиқат»дек ўрнашиб қолган. Аммо кейинги текширишлар шуни аниқладики, Амир Темур ўз замонасининг ўқимишли ва уқувли ҳукмдорларидан бўлган экан. Дарҳақиқат, Амир Темур мамлакатни ривожлантиришда илму фаннинг ахамияти бекиёс эканлигини яхши тушунган ҳукмдор бўлиб, олиму уламоларга эҳтиром билан қараган. Зеро ўзи ҳам тиббиёт, математика, фалакиёт, меъморчилик ва тарих илмидан тузўкинина хабардор бўлган. Амир Темур билан юзма-юз ўтириб сұхбатлашиш шарафига мұяссар бўлган буюк араб файласуфи Ибн Халдуннинг таъкидлашича, жаҳонгир, турк, араб, форс халқлари тарихини чукур ўрганган, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларигача яхши ўзлаштира олган зот экан.

Шунингдек, Шарафуддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Амир Темурнинг бош девонида «Манзумайи турк» номли асар туэилган бўлган мазкур асарнинг ёзилиш жараёнида унинг ҳар бир парчасини шахсан

Амир Темурнинг ўзи неча марталаб ўқиб чиққан, баъзи жойларни тузатиб таҳир қилган, қўшимча далиллар зарур бўлиб қолганда эса, воқеа содир бўлган жойларга маҳсус одамлар юбориб аниқлаттирган ҳамда воқеаларнинг тўғри, давомий тартибда ва тарихий ҳақиқатга мос равишда ёритилишини талаб қилган. Ана шундай шахсни саводсиз деб бўладими?

Амир Темур 12 ёшидан бошлаб болаларга хос бўлган эрмак ўйинлардан воз кечиб, эндиликда ўз тенгқурлари билан сипохийликка оид ўйинлар билан шугулланди. Ривоят қилишларича, Эрон шаҳаншоҳларидан — аҳмонийлар сулоласига асос солган Кайхусрав болалик чоғларидаги ўйинларда ўзини шоҳ ва тенгқурларини турли мансабларга тайинлаб, қалтанат ишларини машқ қилган экан.

Темур 16—18 ёшида қиличбозлик, найзабозлик ва ширкор (ов) қилиш санъатини моҳирона згаллади ва 20 ёшида эса абжир чавандоз бўлиб етишади. Энди у ўз тенгқурларини гуруҳларга бўлиб, жанг машқларини ўтказа бошлайди. Дарвоҷе, Темурдан қарийб 280 йил кейин дунёга келган рус подшоси Петр Биринчи, шунингдек, Темурдан қарийб 400 йил кейин оламга келган бўлажак машҳур саркарда Суворов ҳам ана шундай машқлар билан шугулланишган эди.

Амир Темур сиёsat майдонига кириб келган пайтда, Мовароуннаҳр мўгуллар истибоди остида инграмоқда эди. Дарҳақиқат, Чингизхон ва Ботухон босиб ўтган ерларни кули кўкка соврилган, шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланган, сув иншоотлари бузиб ташланган ёки ишга яроқсиз ҳолга келтирилган эди. Чингизхон Мовароуннаҳрни ўзининг иккинчи ўғли Чигатойхонга суюргол сифатида инъом қилган эди. Чигатой улусига мансуб бўлган мўгул ҳонлари Мовароуннаҳрда бир ярим аср мобайнида ҳукмронлик қилдилар. Улар мамлакатни ободонлаштириш, сув иншоотлари қуриш ва меҳнаткаш ҳалқ аҳволини яхшилашга асло қизиқмадилар. Аксинча, мамлакат моддий бойлигини талаш, қашшоқ ҳалқ оммасини янада эзиб, турли-туман солик ва ўлпонлар йигиш билан шугулланилар. Мўгул ҳонлари аввалги пайтларда бир-бирлари билан то тувиликда ҳукмронлик қилган бўлсаларда, кейинчалик XIV асрнинг иккинчи чорагига келиб, уларнинг ораларида низолар чиқиб, ўзаро қонли урушларнинг кўпайишига олиб келди. Табиийки, тинимсиз давом этган бундай қирғинбарот урушлар қашшоқлашган ҳалқ

оммасини ҳолдан тойдирган эди. Хуллас, Амир Темур сиёсат майдонига кириб келган пайтдаги Мовароуннахр билан Ҳурсоннинг ахволи ана шундай эди.

Амир Темур балогатга етгач, ватани мүғул истибодидан халос қилиш йўлларини қидира бошлайди. Дастреб у, ўз тенгқурларини атрофига йигиб, манфур ҳукмронликка қарши исён кўтариш пайига тушади. Аммо кутилмаганда онаси Текина бегимнинг вафоти туфайли исён қолдирилади ёхуд маълум муддатга кечиктирилади. Бу ҳақда аниқ маълумот учрамайди. Лекин тақдир тақозоси билан шу кезларда навқирон Темур отаси Мұхаммад Тарагай Баҳодир билан бирга Мовароуннахр ҳукмдори амир Қозогоннинг қабулида бўлади. Ҳар ҳолда амир Қозогон Темурнинг кайфиятини сезибми ёки унинг баҳодирлигини назарда тутибми, унга илтифотлар кўрсатиб, ҳатто ўз набираси Ўлжаойни (амир Ҳусайннинг синглиси) унинг аҳдига киритади. Амир Қозогоннинг бундан кузатган мақсади исёнкор Темурни ўз тарафига оғдириш эди. Дарҳақиқат, натижада амир Қозогон кутгандек бўлиб чиқди. Кейинчалик Темур амир Қозогон ҳақида гапиргандаги шундай дерди: «Амир Қозогон унчалик қудратга молик ҳукмдор эмасди. Ундан ҳокимиятни осонгина тортиб олишим мумкин эди. Лекин менга кўрсатган лутфу эҳтиромига хиёнат қилиш — кўрнамаклик бўлур эди». Темур аста-секин амир Қозогоннинг ишончига кириб, унинг энг яқин кишилари қаторига киради. Ўз мавқеидан усталик билан фойдаланган Темур амир Қозогонга қарши қаратилган суиқасдни фош этиб, янада юксак ишончга сазовар бўлади. Амир Қозогон Темурга Шибирғон вилоятини, кейинчалик эса Хоразм ҳокимилигини инъом қиласди.


Амир Қозогон ўша замон ҳукмдорларига нисбатан соддароқ ва сиёсат бобида ўз бурни тагидан нарини пайқамайдиган ҳукмдор эди. Ана шу туфайли ҳам ўзига энг яқин бўлган маслақдоши ва қўдаси (ўғли Абдуллонинг қайнитаси) амир Ҳусрав Баёнкулини ранжитиб, қаттол душманга айлантириб қўяди. Амир Темур ҳукмдорлар орасида узлуксиз радишда давом этаётган сиёсий можаролардан моҳирона фойдаланиб амир Қозогондан Мовароуннахр амирлигига тавсиянома олади. Дарҳақиқат, амир Ҳусрав Баёнкули тез кунда Туглуқ Темурхон билан бамаслаҳат амир Қозогонга қарши суиқасд уюштиради. 1357 йилда навбатдаги ўзаро жанглардан бирида Мўгулистон ҳони Кутлуг

Темур Булдой ўз қайинотаси амир Қозогонни ҳалокатға етказади. Мовароуннахр таҳтига эса амир Қозогоннинг ўғли Абдуллони ўтқазадилар. Абдулло ҳокимиятга келгач, саройда фисқу фужур кўпаяди. Фасиҳ Ҳавофийнинг ёзишича, Абдулло Баёнкулихонни ўз хотинларидан бири билан бўлган ишқий можаро туфайли қатл этдиради. У Бухорода Шайх Сайфуддин ал-Бокарзи қабристони яқинига дағн қилинади.

1358 йилда Баён Сулдуз ва амир Ҳожи Барлос биргалашиб Абдулло ибн Қозогонга қарши уруш очадилар. Жангда Абдулло ибн Қозогон енгилиб, таҳтни ташлаб Андаробга қочади ва ўша ерда вафот этади. Амир Абдулло ибн Қозогон қочиб кетгач, Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлос Мовароуннахрнинг бир қисми-ни қўлга киритиб, уни ўзаро тақсим қиласдилар. Хусусан, Ҳожи Барлосга Кеш вилояти тегади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1358 йилда Кеш вилояти ҳокимлигининг Ҳожи Барлос қўлига ўтиши — ҳокимият қарийб бир ярим асрдан сўнг мўгул босқинчилари қўлидан маҳаллий аҳоли қўлига ўтишининг дебочаси эди.

Аммо Мўгулистон ҳукмдори Туглук Темурхонга Мовароуннахрдаги сўнгги воқеалар, яъни маҳаллий аҳолининг ҳокимиятга интилиб, жойларда вужудга келаётган халқ ҳаракатлари тинчлик бермай қўйганди. Туглук Темурхон Чигатой наслидан Дувахоннинг набираси бўлиб, Мовароуннахр — Чигатой улусини ўз тасарруфига киритишни режалаштирган эди. Айни пайтда Мовароуннахрда кечеётган сиёсий аҳвол, унинг ўз режаларини амалга ошириши учун туртки бўлади. У 1359 йилда катта қўшин билан Мовароуннахрга босиб киради. Кеш вилоятининг ҳукмдори Ҳожи Барлос Туглук Темурхонга бардош бераолмаслигини фаҳмлаб, ўз яқинлари билан Хурсонга қочади. Табиийки, ўз амакиси Ҳожи Барлос билан бирга 24 ёшли Амир Темур ҳам сафар тараддуудида эди. Аммо жувонмардлик руҳида тарбияланган Темурда орият, ҳамият кучли бўлиб, ватани, халқи бошига оғир кунлар соя солиб келаётган бир пайтда юртни душман иродасига ташлаб, ўзи четда тўмошабин бўлиб туролмасди. Бинобарин, у қатъий фикрга келиб, амакиси Ҳожи Барлосга, «Сиз бораверинг, қийин кунда мен эл ичида бўлишим керак», деб, амакисини Хурсонга кузатиб, ўзи Кешга қайтиб келади.

Бу ҳақда «Темур тузуклари»да мазкур воқеа қуйидагича тасвирланган: «...Туглук Темурхон Моваро-



4

17

У-5351

уннахр мамлакатини олиш мақсадида қўшин тортиб, Хўжанд сувидан кечиб ўтгач, менга амир Ҳожи Барлосга ва амир Боязид Жалойир номига ёрлик жўнатиб, унинг ҳузурига келишимизни талаб қилганди. Улар мен билан кенгашилар. Ўз улуслари билан Хурсонга кетиш ёки Туглуқ Темурхон олдига бориш ҳақида маслаҳат сўрадилар. Мен уларга шундай йўл кўрсатдим: Туглуқ Темурхоннинг ҳузурига борсангиз икки фойда, бир зиёни бордир, Хурсон томонга ўтиб кетишнинг (эса) икки зиёни, бир фойдаси бордир, дедим. Улар менинг кенгашимга кирмай (эл—юрти билан кўчиб) Хурсон томонга кетдилар. Мен ҳам Хурсонга ёки бўлмаса Туглуқ Темурхоннинг олдига бориш-бормаслигимни билмай иккиланиб қолдим. Шу ҳол асносида ширимдан маслаҳат сўраб хат ёзган эдим, ушбу мазмунда жавоб ёзиб юбордилар: «Тўртинчи халифа ҳазрати Али ибн Абу Толибдан, унга тангрининг карому марҳамати бўлсин. бир киши сўрабдики, осмонлар — камон, ер камон ипи, ҳодисалар (ва офату қулфатлар эса) — ўқ бўлса, инсонлар ул ўқ-ёйларга нишон бўлса, отгувчи — худойи таолло бўлса, унинг қудрати яна ҳам улуғ бўлсин, одамлар қаерга ҳам қочадилар? Халифа жавоб қилиб, одамлар тангрининг қошига қочсинлар,— дебдилар. Шунга ўхшаш сен ҳам ҳозир Туглуқ Темурхоннинг олдига қочгил ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олгил». Бу жавоб қелиши билан кўнглим кўтарилиб, юрагим бундан кувват олди ва Туглуқ Темурхон қошига боришга аҳд қилдим».

Ҳақиқатан ҳам Амир Темур ё ҳаёт ё мамот иборасини дилига жо қилиб, ўлимни бўйнига олган ҳолда Туглуқ Темурхон даргоҳига боради. Толе ёр бўлиб, Амир Темурнинг ўз ҳоҳиши билан келганини кўрган Туглуқ Темурхон, унга илтифотлар кўрсатади. Аммо Туглуқ Темурхон амирлари ўртасида ҳамжиҳатлик етишмас эди. Бу иллат айниқса Мовароуннахр юришида яқъол намоён бўлади. Бу ҳақда Темур ўзининг «Тузуклар»ида шундай ёзади: «Яна шу вактда Туглуқ Темурхоннинг Даشت қипчоқдаги амирлари ҳам исен тугини кўтаргани ҳақида хабар олинди. Бундан хон ташвишга тушди, мендан маслаҳат сўради ва Жете (Мўгулистан) тарафига қараб юзланди. Мовароуннахрни (эса) менга қолдирди ва бу хусусда ёрлиғ ва аҳднома ёзиб берди, Амир Қорачор нўённинг Мовароуннахрдаги тумонини ҳам менга топширди». Дарҳақиқат, амир Абдулло ибн Қозогондан кейинги давр Мовароун-

нахрда Амир Темур салтанатининг бошланиш даври бўлди.

Амир Қозогон ғафотидан сўнг Мовароуннахрда кудратли ҳукмдор қолмаганди. Мамлакатда тарқоқлик ҳолати ҳукмрон эди. Чунончи, Кеш вилоятида Ҳожи Барлос, Хўжанд вилоятида Боязид Жалойир, Шибирғонда Муҳаммад Ҳўжа Опардий, Балх вилоятида амир Ҳусайн ибн Мусаллаб, Бадахшонда маҳаллий шоҳлар ва Ҳутталонда эса амир Кайхусрав ҳукмронлик қилардилар. Низомиддин Шомийнинг таъкидлашича, мазкур ҳукмдорлар орасида ҳамжиҳатлик йўқ эди. Аксинча улар бир-бирларига ўта кибр-ҳаво билан қарап ва натижада турли-туман келишмовчиликлар, исён, галаён ва қирғинлар, келиб чиқишига сабаб бўлардилар.

Аммо 1361 йилда Туғлуқ Темурхон Мовароуннахрга иккинчи марта кўшин тортиб келади. «Темур тузуклари»да Амир Темурнинг ўз икрорича, «ҳижрий 762 (милодий 1360—61) йили Туғлуқ Темурхон иккинчи марта Мовароуннахрга кўшин тортиб келиб, мени ўз ҳузурига чорлаб нома жўнатди. Мен (рози бўлиб) унинг истиқболига чиқиб, у билан кўришдим. У орамиздаги аҳдни бузиб, Мовароуннахрни ўғли Илёсхўжага топшириди, мени эса сипоҳсолар қилиб белгилади. Бу ишга ортиқча рўйхушлик билдирмаётганимни кўриб, менинг бобом Қочувли баҳодир ва ўзининг бобоси Қобулхонларнинг аҳдномасини кўрсатди. Пўлат тахтага имзолangan аҳдномада «хонлик Қобулхон авлодининг кўлида, сипоҳсоларлик эса Қочувли баҳодирхон болаларида бўлсин, улар бир-бирлари билан ёвлашмасин», деган сўзлар битилгац экан. Буни ўқиб кўргач, улуглар аҳдига вафо қилиш юзасидан сипоҳсоларликни қабул қилдим», дейди. Бундан маълум бўладики, ана шу аҳдномага амал қилган Амир Темур, умрининг охиригача ўзи барпо қилган улкан давлатга ўзини хон деб эълон қилишга журъят қилолмади. Балки хон лавозимини номигагина жорий қилиб, мўгул хонлари авлодидан бирини хон тайинлаб, салтанат ишларини мустақил рафишда ўзи бошқарди.

Фасих Ҳавофийнинг ёзишича, Мовароуннахрда осойишталик барқарор бўлгач, Ҳурсонга қочиб кетган амир Ҳожи Барлос яна Кешга қайтиб келади. Бир йил давомида Кешни бошқариб турган Амир Темур Кеш ҳокимлигини амакиси амир Ҳожи Барлосга топшириб, ўзига яқин кишиларини олиб Балх ҳукмрони қайногаси

амир Ҳусайн ибн Мусаллоб ибн Қозогон ҳузырига кетади. Амир Ҳусайн Чигатой улусининг собиқ амири Қозогоннинг набираси бўлгани туфайли ўзини Мовароуннахр таҳтига шаръян даъвогар деб биларди. Амир Темур Мовароуннахрни мўгул ҳукмронлигидан озод қилишда амир Ҳусайн билан иттифоқ тузиб, биргаликда ҳаракат қилишни режалаштиради. У амир Ҳусайннинг Мовароуннахр таҳтига бўлган даъвосидан моҳирлик билан фойдаланади. Тарихчи Шарафуддин Али Яздиининг ёзишича, Амир Темур ва амир Ҳусайн Мовароуннахр ҳукмдори мўгул Илёсхўжага қарши бир неча марта жант қиласидилар. Бу икки амирнинг ўзаро иттифоқи Мовароуннахр тарихида умидли имкониятларни вужудга келтиради. Аммо амир Ҳусайннинг очкўзлик ва Амир Темурга нисбатан ғаразгўйлиги кўзланган мақсадни амалга ошишига ҳалақит берарди. 1362 йили Амир Темур ва амир Ҳусайн Моҳон (Марв) қишлоғида Алибек номли туркман қўлида 62 кун асирикда ётадилар. Асирикдан қочиб Сеистонга кетадилар. Ана шу пайтда Сеистон учун бўлган жангда Амир Темур ўнг қўли ва ўнг оёғидан оғир ярадор бўлади. Кейинчалик ўнг қўли деярли қуруқшаб қолади ва ўнг оёғи оқсаб қолади. Тарихий манбаларда туркчада «Оқсоқ Темур», форсчада «Темурланг» ва Оврупода «Тамерлан» номини олганлиги шундандир.

Мўгулистон хони Туғлук Темурхон вафотидан сўнг унинг ўғли Илёсхўжа Мовароуннахрдан қувиб чиқарилади. Бироқ, Илёсхўжа Мовароуннахрдек бой ўлкадан умидини узаолмайди ва 1365 йили Мўгулистондан катта қўшин тўплаб, Мовароуннахрга бостириб келади. Амир Темур ва амир Ҳусайн ўз қўшинлари билан Илёсхўжа қўшинига қарши қурашадилар. Мазкур жанг ҳозирги Чиноз билан Тошкент оралигига бўлиб, тарихга машхур «Лой жангиги» бўлиб киргандир. Бу жанг пайтида қаттиқ жала ёғиб, ер сирғанчик ва ёпишқоқ лой бўлиб, отлиқ учун ҳам, пиёдалар учун ҳам юриш мушкуллашади. Қўпгина отлиқ ва пиёда жангчилар лойга ботиб, ҳатто Амир Темур ҳам оти билан ийқилиб тушган, деган ривоятлар ҳам бор. Бунинг устига Амир Темур қўшини душман устидан ғалабага зришиб турган паллада амир Ҳусайн қатъиятсизлик қилиб, жанг майдонини ташлаб кетади. Натижада душман жангда голиб келиб, ҳар икки амир Самарқандга, кейинчалик Балхга қараб қочадилар.

Илёсхўжа қўшинининг Самарқандга яқинлашаётганини эшитган шаҳар ҳалқи масжиди жомъега йигилиб,

ёвга қарши курашишга даъват қиласилар. Йигилишни Самарқанд сарбадорларининг раҳнамоларидан бири Мавлонозода бошиғарди. Халқ шаҳар қўчаларини беркитиб, душман йўлига пистирмалар қўйиб, жанг тараддудига тушади. Мўгул қўшини шаҳарни осонгина қўлга киритишга ишонган эди. Аммо шаҳар остонасида бўлган биринчи жангдаёқ душман қўшини катта талофат кўриб, парокандаликка юз туттади. Шаҳар халқи сарбадорлар етакчилигига душман устидан порлоқ ғалабага эришадилар. Илёсхўжа Мовароуннахрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Илёсхўжанинг Самарқанд сарбадорларидан енгилиб орқага чекинганлиги ҳақидаги хабар атрофга тарқаганда Амир Темур Қаршида, амир Ҳусайн Амударё қирғогида қишлоамоқда эдилар. 1366 йили баҳорда Амир Темур ва амир Ҳусайн яна биргалашиб, Самарқанд шаҳрининг Кони-гил мавзесига келиб тушадилар ва у ердан сарбадорларнинг қўлга киритган ғалабаларини табриклаб, уларнинг раҳнамоларини ўз лашкаргоҳларига таклиф қиласилар. Сарбадорларнинг бошлиқлари амирларнинг «бегораз» таклифига ишониб, лашкаргоҳга келадилар. Бироқ амир Ҳусайн сарбадорларни тутдириб қатлга буюради. Факат Мавлонозодагина Амир Темурнинг қилган жонбозлиги натижасида қатлдан омон қолади. Шундан маълум бўладики, ҳархолда сарбадорлар ҳақида Амир Темур билан Ҳусайннинг фикрлари бошқа-бошқа бўлган. Сарбадорлар ҳаракати қонга белангач, ҳар икки амир Самарқандни ўз тасарруфларига киритадилар.

Лекин шу воқеадан сўнг Амир Темур билан амир Ҳусайн ўртасида ўнгланмас низо вужудга келади.

Шуниси дикқатга сазоворки, айрим тарихий маълумотларда сарбадорлар ҳаракатининг айрим бошлиқлари билан Амир Темур орасида олдиндан муносабатлар бўлганлиги ҳақида ривоятлар учрайди. Бундай ақидалар машҳур шарқшунос Ю. А. Якубовский асарларида ҳам ёзилган. Бироқ сарбадорларнинг раҳнамолари билан Амир Темур ўртасидаги мазкур алоқа қандай вужудга келган ва нимадан иборат эканлиги ҳали тўлиқ аниқланмаган. Етук аллома Иброҳим Мўминов ёзади: «Бизнинг фикримизча, мўғул зулми асоратига қарши кураш ва Мовароуннахрда мустақил давлат тузиш учун олиб борилган ҳаракатлар сарбадорларнинг айрим раҳбарларини, биринчи навбатда, уларнинг илҳомчиси ва идеологи Мавлонозода ва Темурни бир-бирларига

яқинлаштирган, күмәкдош эттан; худди шу сабабдан сарбадорлар бошлиқлари Темур фаолиятининг асосан биринчи даврида юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун Темурни құллаб - қувватлаганлар, унға ёрдам берганлар». Бу фикрнинг түғрилигига яна бир далил шуки, Амир Темур билан Ҳусайн ўртасида вужудға келған душманлық ана шу сарбадорларни қирғин қилишдан сүңг авжига чиқади.

Сарбадорлар воқеасидан сүңг Ҳусайн Амир Темурға нисбатан зимдан душманлық хатти-харакатларини бошлайды. Амир Ҳусайннинг қалтис ниятини тущунған Амир Темур ундан илгарироқ жанг тараддудига киришади. 1370 йили Амир Темур ўзининг яхши қуролланған қүшини билан Балхни қамал қилади. Бир неча күн давом эттаң жанг-жадалдан сүңг шаҳарға ёриб кириб, шаҳар құргонини ҳам құлға олади. Амир Ҳусайн асирға олинади. Амир Темур ўз иттифоқчиси хутталонли Кайхусравға амир Ҳусайнни топширади.

Шарафуддин Али Яздийнинг хабарига қараганда, 1360 йилда амир Ҳусайн хутталонли Кайхусравнинг акаси Кайқубодни қатл қилдирған. 1361 йили мүгүлларға қарши жанг пайтида Кайхусрав хон томонига ўтиб, хоннинг холаваччаси Туман Күтлүкқа уйланиб күёв бўлади. 1366 йилда Кайхусрав Тошкентга келганида Амир Темур Ҳусайн билан ёвлашиб юрган эди. Амир Темур Кайхусрав билан яқинлашади ва унинг Туман-Күтлүк номли хотинидан туғилған қизи Рокия Хоноғони ўз ўгли Жаҳонгир Мирзога унаштиради. 1369 йилда эса Амир Темур Ҳусайннинг содиқ кишиси сифатида қўзғолон кўтарған Кайхусравни тинчитиб, уни Олойга қочишга кўндиради. 1370 йили Кайхусрав Ҳусайнга қарши бош кўтарған Амир Темурға келиб қўшилади. Амир Ҳусайн асирға олингач, Амир Темурнинг ижозати билан акаси Кайқубоднинг қасосини олишга муваффақ бўлади. Амир Ҳусайн Кайхусрав қўлида қатл этилади.

Амир Ҳусайн қатлидан сүңг Амир Темур Мовароуннахр таҳтининг ҳақиқий соҳиби бўлди. Бироқ мамлакатда аҳвол оғир эди. Мовароуннахр худуди ҳали мўгул истилочиларидан батамом халос бўлмаган, қашшоқликка маҳқум этилған меҳнаткаш ҳалқ оғир кунларни бошдан кечирмоқда эди. Амир Темур таҳтга ўтиргач, биринчи ҳаракатни мамлакатни мўгул истилочиларидан озод қилиб, мустақил марказлашган давлатни барпо қилишга қаратди. Салтанатни бошқаришда

янги ва мукаммал тартиб-қоидалар жорий қилди. Мовароуннахрда Кепакхон (1318—1326 й) томонидан жорий қилинган маъмурий туманларни сақлаб қолиб, мазкур туманларга янги мингбоши ва туманбошилар тайинлайди.

1370 йилда ёқ Амир Темур Самарқанд шаҳар деворини қурдишга киришади. Шунингдек, қўргон ва саройлар бино қилдиради. Бу қурилишлар — мўгуллар истилосидан 150 йил кейинги биринчи қурилишлар эди.

Академик Иброҳим Мўминов таърифлагандек, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади.

Биринчи давр 1360—1386 йилларни ўз ичига олади. Темур бу даврда Мовароуннахрда мўгул хонлигидан мустақил, кучли марказлашгани давлат тузиш йўлида курашди, Мовароуннахрни бирлаштиришдан манфатдор бўлган турк ва тоҷик зодагонлари — оқсуюклари каби социал кучлар билан биргаликда ўрта аср ўзбошимча феодалларига, марказлашиш ва бирлашишга зид ҳаракатларга, мамлакатни парчаланганд ҳолатда сақлашга интилувчиларга, ўзаро урушларга ундовчиларга қарши кураш олиб борди.

Амир Темур Амударё ва Сирдарё ўрталиғидаги ерларни, шунингдек Фаргона ва Тошкент вилоятларини осонлик билан ўз ҳукмига киритди. Аммо Хоразм масаласи анча мушкул эди. Мўгуллар даврида Хоразм икки қисмга бўлинганди; Шимолий Хоразм Урганч шаҳри билан Олтин Ўрда таркибига, Жанубий Хоразм Киёт шаҳри билан бирга Чигатой улуси таркибига киради. Олтин Ўрда хони Бердикеннинг вафотидан (1359) сўнг, турли галаёнлар бошланиб, Олтин Ўрда ўзи билан ўзи овора бўлиб тургани бир пайтда, Қўнгирот қабиласидан Сўфи сулоласи майдонга чиқади. Сулоланинг улуғи Ҳусайн Сўфи Шимолий ва Жанубий Хоразмни бирлаштириб, Киёт ва Хива шаҳарларини босиб олади. Чигатой улусининг барча ерларига ўзини ворис деб ҳисоблаган Амир Темур Ҳусайн Сўфининг бундай ўзбошимча сиёсатини қонундан ташқари деб билади ва 1372 йилда босиб олган ерларни қайтариб беришни талаб қилиб, элчи юборади. Табиийки, Ҳусайн Сўфи бу талабномани бажаришдан бош торгади. Шунда Амир Темур дарҳол ўз аскари билан Ҳусайн Сўфи устига юради. Ҳали жанг бошланмасданоқ йўл устида жойлашган Киёт шаҳрини Темур аскарлари ишғол қиладилар. Киёт қўлдан кетгач Ҳусайн Сўфи тушкун-

ликка учраб, Темурнинг барча талабларини сўзсиз бажаришга рози бўлади. Аммо Амир Темурнинг лашкар бошиларидан хутталонли Кайхусрав Амир Темурнинг кучайиб кетишини истамас ва унга нисбатан зимдан кўнгилда адоват сақларди. Бинобарин, Кайхусрав Ҳусайн Сўфи билан маҳфий музокара юритиб, уни Темурга таслим бўлмасликка кўндиргач, бу хусусда ўзининг ҳам ёрдам беражагини билдиради. Кайхусрав сўзига ишонган Ҳусайн Сўфи Темурга қарши жанг бошлайди. Бироқ биринчи зарбадаёқ чилпарчин бўлади. Ҳусайн Сўфи Темурдан қочиб, Урганч қалъасига беркинади ва кўп ўтмай ўша ерда вафот этади. Унинг ўрнига укаси Юсуф Сўфи (1373—1380) тахтга ўтиради. Амир Темур Юсуф Сўфига сулҳ тақлиф қиласиди. Сулҳнинг шартларидан биттаси Ҳусайн Сўфининг қизи Севин бека (Ўзбекхоннинг набираси)ни ўзининг тўнгич ўғли Жаҳонгир Мирзога хотинликка олиб бериш эди. Юсуф Сўфи рози бўлади. Кайхусравнинг сотқинлиги ошкор бўлиб, ўлимга маҳкум қилинади. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида ҳамда Абдураззок Самарқандийнинг берган маълумотига қаранди, Амир Темур томонидан тайинланган хон-мўгул Суюрготмишхоннинг фармонига кўра, Кайхусрави Самарқандга келтириб, бир вақтлар у қатл қилган амир Ҳусайннинг навкарлари қўлига топширдилар. Бу тадбир қудратли ҳукмдорнинг исёнкор саркардага қарши биринчи қўллаган жазоси эди.

Амир Темур сулҳ тузиб қайтиб кетгач, Юсуф Сўфи сулҳ шартларини бажариш ўрнига, 1373 йилда Қиётни қайтадан ўз тасарруфига киритади. Бу хабарни эшишган Амир Темур яна Хоразмга юриш қиласиди. Бироқ иш жангу жадалга бориб етмайди. Юсуф Сўфи дарҳол Амир Темурга бўйсуниб, барча шартларни бажаришга ваъда беради. Натижада жанубий Хоразм Амир Темур салтанатига қўшиб олинади. Аммо галаба узоққа бормайди. 1375 йили Амир Темур Оқ Ўрда хони Ўрускон билан жанг қилаётганидан фойдаланган Юсуф Сўфи жанубий Хоразмни қайтадан босиб олади. Икки орада давом этган тўқнашувлар 1379 йилгacha давом этади. Нихоят Амир Темур Урганчни уч ой қамалдá тутгач, шаҳарни ўз тасарруфига киритади ва жанубий Хоразм бутунлай қўшиб олинади. Аммо 1388 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхоннинг қутқуси билан Хоразмда яна исён бошланади. Зотан, 1372 йилдан то 1388 йилгача Амир Темур Хоразмга беш марта юриш қиласиди. Нихоят,

энг сўнгиси 1388 йилги исёндан багоят газабланган соҳибқирон Урганч шаҳрини ер билан яксон қилиш ва ўрнига арпа экишга фармон беради. Натижада шаҳар вайрон қилиниб, аҳолиси Самарқандга қўчириб юборилади ва шаҳарнинг маълум бир қисмини шудгорлаб, арпа экилади. Амир Темур шаҳарни 1391 йилдагина қайта тиклашга руҳсат этади.

Соҳибқирон Темур Мовароуннахр тупрогини босқинчи мўғул галаларидан тозалаб, бир бутун қудратли марказлашган ҳокимият барпо этишга муваффақ бўлади. Ана шундан сўнг 1386 йилдан то умрининг сўнгги кунларигача қўшни мамлакатларга қарши «босқинчилик» урушини олиб борди. Мазкур давр мобайнида соҳибқироннинг учта асосий ҳуружи — уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик юришларидан иборатdir.

Соҳибқирон Темур 1370 йилдан 1402 йилгача Хурсон, Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Гуржистон, Арманистон, Ҳиндистон, Олтин Ўрда ва Туркия билан жанг қилиб, Карл Маркс таъбири билан айтганда, салтанат худудини шарқда Хитой деворига қадар, шимолда — Москвага, гарбда — Ўрта ер денгизига, жанубда эса Миср чегараларига қадар кенгайтирди. Бунинг учун 18 марта жанг қилишга тўғри келган, дейилган. Бироқ Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» асарида воқийй йиллар мажмуаси (хронология) асосида ҳисоблаб чиқилса, Амир Темурнинг 1370 йилдан то умрининг охиригача 30 мартадан кўпроқ ҳарбий юриш қилганлиги маълум бўлади.

Амир Темурнинг «босқинчилик» юришлари ҳақида гапирганда шуни эсдан чиқармаслик лозимки, қайси даврда қайси ҳукмдор жангу жадалсиз салтанат бошқарган? Тарихда қайси жанг талафотсиз, қурбонсиз ёхуд қиргинсиз тугаган? Шунингдек, қайси халқ ўз ватанига четдан бостириб кирган фотихни қулоч ёзиб кутиб олган, ёхуд унинг қилмишларини ўз солномасига эзгу фазилат деб қайд қилган? Тарихдан маълумки, ҳар қандай халқ ўз тупрогига бостириб кирган фотихни у адолатлими, адолатсизми — босқинчи деб қараган ва душманлик кайфиятида бўлган.

Табиийки, Амир Темурнинг ҳам ҳарбий юришлари босқинчилик юришлар деб талқин қилинган. Шулар асосида тарихий ва илмий асарлар яратилиб, айrim шахслар тарафидан Темур шахсига нолойиқ иборалар ишлатилиб, бўхтон ва нафратдан иборат қиссалар, китоблар битилди. Ҳолбуки, Амир Темур ҳам ўша давр

хукмдорларига ўхшаш феодал хукмдор эди. У Мовароуннахрда марказлашган давлат барпо этиш учун курашди. Амир Темурдан қарийб 200 йил кейин Россия хукмдори Рюрихлар сулоласига мансуб бўлган Иван IV (даҳшатли Иван) бобоси Иван III нинг бошлаган ишини давом этдириб, бир неча майда рус князликлари ни бирлаштириб, марказлашган ягона рус давлатини барпо этишга муваффақ бўлди. Шу билан чекланиб қолмай, неча асрлардан буён мустақил яцаб келаётган Қозон хонлиги (1552), Астрахон хонлиги (1556) ва Ғарбий ҳамда Шарқий Сибирь хонликларини ҳам қилич кучи билан ўз тасарруфига киритди. Иван IV нинг қилган қонхўрлиги ва жабр-зулмининг чеки йўқ. Ёки Романовлар сулоласига мансуб бўлган Россия подшоси Улуг Петрни олайлик. Россиянинг истиқболи учун Швеция билан 21 йил (1700—1721), Жанубда Туркия билан 6 йил жанг қилди. Туяга мингину — узоқни кўзла, деганлариdek, Петр ҳам келажакда Ҳиндистонга кириб бориш мақсадида Ўрта Осиёдаги феодал хонликларни Россия тасарруфига киритишдек босқинчилик режаларини тузди. Россия империяси мазкур режа асосида XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиё хонликларини бирин-кетин босиб олди. Агар тарихий манబаларда келтирилган маълумотларга ишонилса, у ҳодда Чор Россиясининг биргина Ўрта Осиёдаги қирғинларининг салмоғи Амир Темурнинг барча қирғинларидан кўплик қиласди. Шунга қарамай, рус ҳалқи ўз ватанининг равнақи йўлида ноҳақ қон тўкишга жазм қилган ҳукмдорларининг номларини ҳурмат билан тилга олиб ифтихор билан алқайдилар.

Тўғри, Амир Темур олиб борган жангу жадаллар натижасида минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилган. Аммо инсоният тарихида бўлиб ўтган урушлар сабаби, тўб моҳиятини илмий асосда таҳлил қилинса, барча чигалликлар бирин-кетин ечила боради. Бинобарин, соҳибқирон Темур яшаган давр, тарихий шароит ўзига хослиги билан ажралиб туради. У даврда ўнчандай вазият устивор эдикни, ё сен душманингни маглуб этиб, салтанатнинг қудратини оширасан, ёки ганимларинг сени мажақлаб, давлатингни босиб оладилар. Табиийки, Амир Темур ҳам ўша давр фарзанди, ўшандай ижтимоий ҳаёт вакили, аниқроги ўша замон ҳукмдорларидан бири эди.

Амир Темур XIV асрнинг 80-нчи йиллардан бошлаб ўзининг жаҳонгирилик юришларини бошлайди. Бироқ унинг барча ҳарбий юришларига туртки бўларлик

бирон-бир сабаб мавжуд бўлган. Машҳур венгер сайёҳи Герман Вамбери ўзининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳар тарихи» номли асарида Амир Темурга баҳо бераркан, «У Бурса кутубхонасидаги китобларни юқ ташийдиган ҳайвонларга ортиб, Самарқандга кўчиртирган. Энди шу кишини ваҳший, марҳаматсиз деб аташ мумкинми? Бинобарин, Темурни Чингиз ила бир сафга қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки мартаба хатодир. У аввало Осиё саркардаси эди. Ўзининг голиб аскарлари ва қуролларидан ўз замонасининг таомилича фойдаланган. Унинг душманлари тарафидан айбга саналган ишлари ва урушларини синчилаб қаралса, доимо бирор жиноятга жазо тарзида юз берган. Тўғри, жазо қаттиқ, лекин доимо ҳаққониятли бўлган. Исфаҳонда, Шерозда ул хиёнат ила мақтул бўлгон аскарлари учун интиқом (қасос) олғон. Димишқ аҳолиси эса Маовиянинг қадимги муҳлислари бўлиб, Ҳусайн (Али ибн Абу Толибининг ўғли Имом Ҳусайн) оиласининг шаҳодати учун ҳеч шубҳасиз жазо кўуруга тегишли эдилар. Аниг фожиали хотимаси Темурнинг газабини келтирган эди. Шунга ўхшаш воқеалар нақадар бўлса ёки душман қалами или муболагали тасвир этилган. Ёхуд бизга мастур (маълум) бўлмаган сабаблар ила вужудга келганлардир»— деб ёзади.

Зотан Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши юриши (1395) ана шундай жазо бериш тариқасида кечган эди. 1376 йили Оқ Үрданинг ҳукмдори Үрусхон Олтин Үрдага қарши ҳарбий юриш қилади. Мазкур юришда Мангышлоқ (Мингқишлоқ) ҳокими Тўйхўжа ўғлон қатнашмайди. Бундан газабланган Үрусхон Тўйхўжа ўғлонни қатл қилдиради. Тўйхўжа ўғлоннинг ўғли Тўхтамишхон Темур ҳузурига қочиб келади ва ўз хизматини таклиф қилади. Темур бу масаланинг моҳиятини атрофлича ўрганиб, Оқ Үрдада ўз одами бўлишини назарда тутиб, Тўхтамишхонга Үрусхонга қарши катта қўшинни ҳамроҳ қилиб, Оқ Үрда тахтини қўлга киритишни таъкидлаб жўнатади. Аммо Тўхтамишхон енгилиб қайтади. 1376 йил қиши фаслида Амир Темурнинг шахсан ўзи Оқ Үрдага қарши жангга отланади. Бироқ совуқнинг забтига олиши туфайли жанг ҳаракатлари тўхтатилади. Факат 1379 йилдагина Амир Темур Үрусхонни енгиб, Оқ Үрда тахтига Тўхтамишхонни ўтқазади ва Үрусхонни қатл қилдирив ўзи Самарқандга қайтади.

Аммо Тўхтамишхон Оқ Ўрда хони бўлиб олгач, Амир Темурнинг умидларини пучга чиқарди. Тўхтамишхон дастлабки йилларда Темур томонидан берилган ҳар қандай ёрдамни бажонидил қабул қиласа ва четдан қараганда ўз ҳомийсига миннатдор ва содикдек кўринарди. Амалда эса сиёсий найрангбоз сифатида иш кўрарди. Орадан бироз вакт ўтгач, мустақил сиёсат юргазиб, ҳатто валинеъмати Темурнинг манфаатларига зид келадиган ҳаракатларни ҳам бошлаб юборди. Айниқса 1381 йилда Олтин Ўрда ҳукмдори Мамайни енгиб, Жўжи улусида ҳокимиятни қўлга киритгандан сўнг, Олтин Ўрданинг қудратини ошириш ва унинг улуғ давлатчилик сиёсатини қайта тиклаш учун ҳаракат қилади.

1387 йилда Тўхтамиш Мовароуннаҳрга талончилик ниятида бостириб киргандан сўнг, Темурда ҳам унга қарши, жанг қилиш мажбурияти вужудга келади. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Тўхтамиш 1388 йил охирида катта қўшин тўплаб, турк-мўгул қўшинларидан ташқари, рус, булгор, черкас, алан, мокша, бошқирд ва қрим халқларидан олинган аскарлардан маҳсус отрядлар тузган. Тўхтамиш қишида жангга отланиб, қўшинининг бир қисмини Темур салтанатининг чегара шаҳари бўлмиш Савронни қашал қилиш учун юбориб, иккинчи қисмини эса, Арис дарёсининг Сирдарёга келиб қуйиладиган жойи яқинидаги Зернуқ қалъасига жўнатган. Темур Сирдарё яқинида Тўхтамиш қўшинининг олдинги қисмлари билан тўқнашиб, уларни тор-мор қилиб, қолганларини дарёning нариги томонига қочишга мажбур қилган. 1389 йил баҳорида Темур Оқ Ўрдага қўшин тортади ва Тўхтамиш қўшини билан шу ерда учрашимоқчи бўлади. Бироқ, Тўхтамиш Саврон қамалини ташлаб, қўшинини даштиликниг ичкарисига олиб кириб кетади.

Амир Темур Тўхтамиш билан бўлажак жанг ҳозирлигини кўриб бўлгач, 1390-1391 йилнинг қиши фаслида ҳарбий юришни бошлаган эди. У Самарқанддан чиқиб, Тошкент томон йўл оларкан, қишини бутун аскари билан Чиноэ ёнида ўтказди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур жанг олдидан Шайх Маслаҳаддин мақбарасини зиёрат қилиш учун Тошкентдан Хўжандга бориб, мақбарани тавоғ қилади, 10000 кебек динор назр-ниёзини бергач, Тошкентга қайтиб келади. Амир Темур Тошкентда бетобланиб, 40 кун ётиб қолди. 1391 йил январининг иккинчи ярмида бирмунча

согайиб, жанг тараддудига тушди. Низомиддин Шомийнинг айтишича, у барча яқин кишилари, кўшин амирларига катта совғалар улашган. Шундан сўнг Чўлпон Мулк Оғодан бошқа барча хотинлари ва маликаларни Самарқандга жўнатди-да, 1391 йил 22 январда Тошкентдан чиқиб, Ўтрор томонга йўл олади. Шарафуддин Али Яздий эса бу сафарни 1391 йил 19 январ деб кўрсатади. Амир Темур Ўтрор яқинидаги Қора Саман мавзеига етганда, унинг ҳузурига Тўхтамишхоннинг элчилари келган.

Амир Темур Тўхтамишхон элчиларини яхши кутиб олишни буюради. Қабул маросимда элчилар Амир Темурга кўплаб ҳаджалар, шу жумладан бир лочин ва 9 йўрга от тортиқ қилганлар. Амир Темур қабул расмрусларини бузмаслик учун лочинни олиб қўлига қўндиргану лекин лочинга ҳатто қарамаган ҳам. Бу билан мазкур совғалар уни мутлақо қизиқтирмаслигини намойиш этади. Элчилар мулизимат билан тиз чўкиб, Тўхтамишхоннинг мактубини Амир Темурга топширадилар. Мактубда Тўхтамишхон Амир Темур томонидан ўзига кўрсатилган яхшиликлари ва қилган марҳаматларини унутмаганлигини, Темурга нисбатан ёмон ният билан беъмани ҳаракатлар қилгани учун кечиришини сўраган. Шунингдек, нома охирида Тўхтамишхоннинг буадан буён содиқ киши сифатида қолиб, Темурнинг барча буйруқларини сўёсиз бажаришга жазм қилгани ҳақидаги ваъдалари билан якунланган. Бу мактубдан маълум бўлишича, айни пайтда катта жанг қилиш Тўхтамишхон учун негадир ноқулай эканлигини Темур жуда яхши англар эди. Темур Тўхтамишхонга қайтарган жавоб хатида, унинг ярамас ишлар қилганини юзига солиб, қаттиқ койийди ва Тўхтамишхоннинг Оқ Ўрда, кейинроқ эса Олтин Ўрда тахтини эгаллаш учун олиб борган курашларида унга ҳандай ёрдамлар кўрсатганини эслатиб ўтади. Шунингдек, Тўхтамишхон қудратли хон бўлиб олгандан сўнг, Темурнинг орқасига ханжар ургани, яъни Темур Форс ва Ироқ жангидаги банд бўлган вақтида Тўхтамишхон Мовароуннаҳр устига кўшин тортиб келганлиги устида тўхталади. Бинобарин, Тўхтамишхоннинг ваъдаларига бутунлай ишонмаслигини ҳамда ярашиш ҳақидаги таклифни қабул этолмаслигини билдириб, жавоб хатини тугатади.

Дарҳақиқат, Амир Темур Тўхтамишхоннинг найрангини яхши тушуниб етгани сабабли, жанг тараддудини тўхтатмайди ҳамда 1391 йил 22 апрелда 200 минг-

лик қўшин билан Тўхтамишонга қарши ҳарбий юришни бошлайди. Амир Темур ўз қўшини билан ҳозирги Куйбишев вилоятидаги Черемшан дарёсининг ирмоги Кундуурча дарёсидаги Кундуурча ёки Кундузча деган жойда Тўхтамишон қўшинлари билан тўқнашади. Жангда Тўхтамишон батамом тор-мор қилинади. Шарафуддин Али Яздийнинг ибораси билан айтганда, «Тўхтамишоннинг олд томонида Итиль дарёси, орқа томонида эса ҳалокатли қилич турар эди.

Тўхтамишоннинг 1391 йилги мағлубияти қанчалик оғир бўлмасин, у ҳали батамом янчилмаган эди. Араб муаллифлари ал-Мақризий, ал-Асадий ва ал-Айнийларнинг ҳикоя қилишларича, 1394 ва 1395 йиллар давомида Тўхтамишон Миср султони ал-Малик аз-Зоҳир Берпук билан яқинлашиш йўлини қидирган ва уни икки томон учун бир хилда ҳавфли бўлган Темурга қарши курашда ёрдам беришга унданаган. Шунингдек, 1393 йилдаётк Тўхтамишон Литва улуг князи Витовт билан яқинлашиб, унинг укаси поляк қироли Ягелло билан ҳам битим имзолаган.

1394 йилда Амир Темур Шекида (ҳозирги Озарбайжонда) турган пайтида, Тўхтамишоннинг қўшини Дарбанддан ўтиб, Ширвоннинг шаҳар ва қишлоқларини талай бошлайди. Амир Темур Тўхтамишон билан тўқнашиши муқарар эканлигини ва уни кечиктиришдан фойда йўқлигини билиб, ҳарбий юришга тайёрланиш ҳақида ўз қўшинларига буйруқ берган ҳамда элчилик қонун-қоидаларини яхши билган ақлли ва тажрибали Шамсiddин Олмалиқни Тўхтамишон ҳузурига элчи қилиб жўнатади. Элчи Тўхтамишон ҳузурига бориб, Темурнинг мактубини унга топширади. Низомиддин Шомийнинг ёзишича, Тўхтамишон ўзининг жавоб мактубида узр сўраб, ярашишга тайёр эканлигини билдиради. Шарафуддин Али Яздийнинг хабарига кўра, Тўхтамишон Темур билан ярашмоқчи бўлади-ю, бироқ ўз амирларининг қутқуси билан фикри ўзгариб, қўпол иборалар билан ёйилган мактубни элчи қўлига топширади. Ана шундан сўнг ҳар икки томонда уруш ҳаракатлари бошланаб кетади.

1395 йилнинг 15 апрелида Терек дарёси водийсида Амир Темур қўшини билан Тўхтамишон қўшини ўртасида ҳал қилувчи ҳёт-мамот жангти бошланади. Бу жанг фақат Тўхтамишоннинг тақдирини ҳал қилиб қўяқолмай, балки бутун Олтин Ўрда тақдирини ҳам ҳал қилди.

Тўхтамишоннинг қўшини щиддатли ҳужумларга

бардош беролмай, қоча бошлайди. Тўхтамишхоннинг сўл қаноти синдирилиб, қўшинлари парокандаликка учраб, натижада бу жанг — Тўхтамишхоннинг қочиши билан тугалланади. Амир Темур Тўхтамишхоннинг қароргоҳини босганда, жуда катта бойлик ва хазинани қўлга киритади. Тўхтамишхонни тутиб асирга олиш ва қолган қўшинини янчидан ташлаш учун орқасидан сараланган қўшин билан кечаю кундуз қувиб бориб: Итиль дарёсининг сўл қирғогига ўтади, аммо Тўхтамишхонни қўлга тушираолмайди.

Эндилиқда Амир Темур Тўхтамишхонни сиёсат таҳтасидан бутунлай суриб ташлашга жазм қилиб, Олтин Ўрданинг Днепр томонидаги гарбий улусларига боришга қарор қиласди. Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларнинг маълумотига қараганда, Амир Темур Тўхтамишхонни қувиб бораракан, йўлида учраган шаҳар ва қишлоқларни талон-тарож қиласди. Амир Темур жумладан Москвага ҳам босиб кирган деб ёзади Шарафуддин Али Язди. Аммо бир қатор рус тарихчилари Амир Темурни Москвага босиб кирганини инкор қиласдилар. Мисол учун «Куликовская битва» номли китобда, муаллиф «Темур Москвани олмаган. У факат Елецгача бориб қайтган. Москвага боришга буюк княздан қўрқкан шекилли», деган кулгили фикрни ёзади. Шунингдек «Олтин Ўрда ва унинг қўлаши» номли асарнинг муаллифлари ҳам шу ҳақда сўз юритиб, «Мусулмон халқлар яшайдиган Ўрта Осиё ва олд Осиёнинг жуғрофияси ва тарихини яхши билган Темурнинг Рус юрти тўғрисида, рус князликлари ва Москва тўғрисида ҳатто жуда элементар маълумоти ҳам йўқ эди», деб ёзганлар.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур ҳам тарихдан яхшигина хабардор шахс бўлган. Чингиэхон ва Ботухоннинг Рус тупроғига бостириб кириш тарихидан Амир Темур бехабар деб ким айта олади? Ёки Олтин Ўрда давлатининг барпо этилиши ҳамда унинг қўл остидаги қарам халқлар тарихини билмаслиги мумкинми? Ҳолбуки, Амир Темур Мовароуннаҳр таҳтига ўтирган кундан бошлаб Олтин Ўрдани ўз салтанатининг энг асосий хавфли душмани деб билган, бинобарин ўта эҳтиёткорлик билан муросаю мадоро услубида сиёсат юритган. Демак, Амир Темур Олтин Ўрданинг ички ва ташқи сиёсатидан доим хабардор бўлиб турган. Шунингдек, қарийб 170 йил давомида мўғул истибоди асоратида яшаб келаётган рус князликларининг тари-

хидан ҳам қисман хабардор бўлганлигини мантиқий далилларнинг ўзи айтиб турибди.

Амир Темур Тўхтамишонни таъқиб этиш билан баробар, унинг моддий, маданий ва ҳарбий таянчларини йўқ қилишга ҳаракат қилди. Бинобарин, Олтин Ўрданинг қон томири бўлмиш йирик савдо ва маданий марказлардан бири Ҳожи Тархон (Астрахон)ни ўз аскарларига ўн кун давомида талатиб, сўнгра шаҳарга ўт қўйишини буюрган. Ана шундай қисмат Олтин Ўрданинг собиқ пойтахти Сарой (Сарой Боту) ҳамда янги пойтахти Сарой Берка бошига ҳам тушди. Шунингдек, Амир Темур Олтин Ўрданинг энг бой ўлкалари — Қрим, Шимолий Кавказ ва Куйи Поволжьенинг иқтисодий қудратини батамом путурдан кетказди. Бу билан Олтин Ўрданинг пойдеворига раҳна солиб, уни секин аста емирилиб, барбод бўлишига маҳкум этди.

Амир Темурнинг 1395-йилда Тўхтамишхон устидан қозонган ғалабаси тарихан жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Зеро, Амир Темур томонидан Тўхтамишхонга берилган сўнгги зарбадан сўнг Олтин Ўрда қайта ўзига келаолмади ва иккинчи даражали давлатга айланаб қолди. Унинг қўл остида қарийб 170 йилдан буён асоратда ётган ҳалқлар, жуўлладан рус ҳалқи учун ҳам истиқбол йўллари очилди. Бу ҳақда А. Ю. Якубовский шундай деб ёзади: «1395 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, Астрахан ва айниқса Олтин Ўрда пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Ўрта Осиё ва ўша вактдаги жануби-шарқий Европа учунгина эмас, балки Русь учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Рязань ерини талонтарож қилиб вайрон этган оқсок Темур, гарчи ёвуз қилмишлари билан рус ҳалқи хотирасида ёмон ном қолдирган бўлса-да, аммо Тўхтамишни енгиш билан рус ерига объектив суратда катта хизмат кўрсатган, лекин шундай бўлиб чиқишини унинг ўзи мутлақо пайқамаган».

1402 йилда Амир Темур Туркия ҳукмдори Боязид Йилдирим (Яшин) билан жанг қиласи. Аслида Боязиднинг жizzакилигидан келиб чиқсан бу тўқнашув, Анқара шаҳри яқинида Боязиднинг икки, юз минглик қўшинини ўраб олиб, тор-мор қилиниши ва асирга олиниши билан якунланади.

Амир Темур ўзининг «Тузуклари»да Боязид Йилдирим билан бўлган жангнинг келиб чиқиш сабаблари ва тафсилотини қўйидагича изоҳлади: «Мениңг шон-

шавкат ва қудратим овозаси Рум қайсарининг қулогига етди. У ўзига қарашли Сивос ҳамда Малатия қалъалари ва уларга тобеъ ерларни забт этганим, қалъалар ичидаги аскарларининг барчасини тарқатиб, теварак атрофга сочиб ташлаганим ҳақидаги хабарни эшитгач, томирларидаги гайрат ҳаракатга келди ва аскарим зарбасидан қочиб, қайсар қошида паноҳ топган Қора Юсуф туркман иғвоси билан устимга лашкар тортишга қарор қилди. Қайсар балога гирифтөр бўлиб, давлати вайрон бўлиши яқинлашиб қолган эди. Чунки у Қора Юсуфнинг иғвосига учиб, менга қарши лашкар тортган эди. Қолаверса Миср ва Шом аскарларини ҳам ёрдамга чақирган эди.

Мен кенгашиб лашкаримни уч фавжга бўлсан яхши бўлар дедим. Бироқ жангда енгиш-енгилиш иши тақдир пардаси остида яширин бўлганлиги сабабли, бу тўғрида амирларим билан кенгашиб ўтказдим. Улар сипоҳийларга хос ишни тутиб, уруш очмоқни маслаҳат бердилар. Шундай бўлса ҳам қайсарининг гайрат ўтини аччик-чучук гап билан сўндиримоқни маслаҳат кўрдим ва қайсарга мактуб йўлладим. Хатнинг қисқача мазмуни шундай эди: «Еру кўкни яратган Тангри таъология чексиз шукурлар бўлсинки, етти иқлим мамлакатларининг кўпини менинг фармонимга киргизди ва олам султонлари ва ҳокимлари менга эгилиб, итоат қилиш ҳадқасини жон қулоқларига тақдилар. Ўз қадрини билиб, ҳаддидан ошмай жасорат оёқларини тийган бандасини Тангри ёрлақасин. Сенинг насли насабинг ким эканлиги жаҳон ҳалқи олдида маълумдир. Шундай экан, ҳолингга муносиб иш тутиб, журъят оёгини олдинга қўймаки, ранжу меҳнат балчигига ботиб, бало чукурига йиқилгайсен. Икбол ӯшигидан ҳайдалган бир тўда иғвогар кишилар гаразли ишларини бажариш учун сенинг паноҳиянгдан жой олиб, ухлаб ётган фитнани уйғотмишлар. Яна ўшаларнинг иғвоси билан офат ва бало эшигини давлатинг юзига очмагил. Мазкур мактуб етиши билан Қора Юсуфни менинг олдимга юборгил. Йўқ эса тақдир пардаси икки лашкар сафлари тўқнашганда юзингга очилғусидур».

Амир Темурнинг Боязид Йилдиримга юборган элчиси рад жавобини олиб келади. Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, Боязид ўзининг жавоб хатида ўз ҳузурига Амир Темурнинг бўйин эгиг келишини талаб қилган, акс ҳолда Амир Темурнинг аёллари уч талоқ (талоқ би-с-салоса) бўлсин деган ҳақоратли сўзларни

ёзган. Табийики, бундай қалтис жавобдан сўнг Амир Темурнинг жангга кирмаслиги мумкин эмас эди. 1401 йил февраляда Амир Темур Озарбайжондан Боязид устига лашкар тортиб боради. Ниҳоят, 1402 йил 25 июля Анқара яқинида бўлган муҳорабада Боязид қўшини мағлубиятга учраб, Боязид ва унинг ҳарами асирга олинади. Ўгли шаҳзода Сулаймон жанг майдонини ташлаб қочади.

Тарихий маълумотларга қараганда, шунингдек мазкур жангда ўз кўзи билан кўрганларини ёзиб қолдирган Шарафуддин Али Яэдий гувоҳлик беришича, Туркия султони Боязид Йилдириим жангда мағлубиятга учраб, жанг майдонидан чиқиб кетаётган пайтида, Мовароннахрнинг хони Султон Маҳмудхон (Амир Темур томонидан тайинланган хон) уни асирга олиб, Амир Темур ўрдугоҳига жўнатади. Қўли боғлиқ Боязидни хуфтон вактида Амир Темурнинг хузурига олиб келишади. Шу аснода Амир Темурда шоҳона мурувват жўш уриб, Боязиднинг қўлларини ечиб, унга меҳрибонлик билан иззат-эҳтиром кўрсатишларини буоради. Сўнгра Боязидни ўзининг ёнига ўтказиб, дўстона сухбатлашади.

Султон Боязид жангда мағлуб бўлиб, асирга олингач, Амир Темур тарафидан унга кўрсатилган муносабат ҳақида Л. Лянглэ шундай ёзади: «Темур кун бўйи давом этган жангдан чарчаб, тўшакда ҳордик чиқараётган пайтда, унинг чодирига қўл-оёқлари боғланган Боязидни олиб киришади. Кутимагандан Боязидни қўриб ҳаяжонга тушган голиб Темур ўзини кўз ёшидан тутиб туролмайди. Боязиднинг истиқболига пешвоз чиқиб, уни банддан бўшатишларини буоради ва қабулхонасига олиб киради».

Темур ўз маҳбусини ёнига ўтиргизиб: «Бахтсизлигинизни ўзингиздан кўринг Боязид! Бу — ўзингиз эккан дарахтнинг меваси. Мен сизнинг олдингизга осонгина шарт қўйган эдим. Сизнинг рад жавобингиз мени сизга қарши ўзим ҳеч ҳам хоҳламаган ҳаракатни қилишга мажбур этди. Мен сизга заҳмат етказишни истамагандим, аксинча сизнинг душманларингизга қарши уришишингизга ёрдам беришни ҳам ният қилган эдим. Ўжарлигиниз ҳамма ишни барбод қилди. Ҳай аттанг! Мабодо ғалаба сиз томонда бўлганда эди, менга ва қўшинимга қандай муомала қилишингизни биламан. Шундай эса-да, хотиржам бўлинг, кўнглингиздан хавфхатарни чиқариб ташланг, мем ҳаётингизни сақлаб

қолиш билан ўз галабам учун Аллох-таъология ҳамду санолар айтмоқчимам», — дейди ҳамда ўз қароргоҳи ёнида Боязидга махсус чодир қуриб беришларини ва унга шоҳона илтифот кўрсатишларига амр қиласди.

Аммо Амир Темурни ёмон кўрадиган айрим тарихчилар Темур билан Боязид муносабатларини турлича бўёқларда акс эттиришга тиришганлар. Гўё Темур Боязидни занжирдан халос этган эмас, аксинча унга шу қадар оғир кишанлар солганки, маҳбус зўрга ҳаракат қилаолган. Яна бир ривоятда Темур Боязидни паст қилиб ишланган пўлат қафасга қамаб, отга минаётганида қафасни зинапоя ўрнида ишлатган эмиш. Уларнинг таъкидлашича, Темур Боязидни таҳқирлаш мақсадида ўз базмларига олиб кирав, Боявид базмаро ўз хотинлари ва қизларини ярим яланғоч ҳолда оқсочлик қилиб юрганларини кўраркан. Шу боис ўшандан бўён усмонли ҳукмдорлар хотин-қизларининг таҳқирланишларидан кўркишиб, уйланмасдан каниз саклашар эмиш.

Яна бир ривоятда нақл қилинишича, Боязиднинг жосусларидан бири Мовароуннахри кезиб, Амир Темурнинг тобора ўсиб бораётган шухрати ҳақида ўз ҳукмдорига тўлқинланиб сўзларкан, Темурга қарши эҳтиёт чораларини кўриш лозимлигини сўз орасида қистириб ўтади. Жосуснинг сўнгги ибораси магрур ва ўжар Боязидга ёқмайди ва дарғазаб бўлиб «Оқсоқ Темурнинг қўлидан не иш келур?!» — деб кичқиради. Иттифоқо, бу сўз қулоқма-қулоқ Темурга ҳам етиб боради. Тақдир тақозоси билан Темур Боязид билан жанг қилиб, Боязидни асирга олгач, ўзи билан бирга олиб келган бир кишилик олтин аравачага от ўрнида Боязидни қўшдириб, оғзига олтин сўлиқли юганни кийдириб аравага чиқиб ўтиргач, қўлига олтин дастали қамчинни ушлаб, Боязидга қарат: «Марҳаматли султон! Кўриб турганингиздек менинг бир оёғим чўлок, ногиронман, сиз эса соғсиз, бинобарин ушбу аравада юртингизни айлантириб тўмоша қилдирсангиз» — деган эмиш. Мана шунга ўхшаш қуюшқондан ташқари мантиқсиз нақл ва ривоятлар кўплаб учрайди.

Амир Темурнинг Боязид Йилдиримга қарши олиб борган кураши, ўз замонасининг тақозосига кўра, адолатли жанг бўлган. Машҳур олим А. Ю. Якубовский мазкур жангни шарҳларкан, Амир Темурнинг Европа халқларига кўрсатган яна бир хизмати ҳақида шундай дейди: «1400 йилда Темур аскарлари Ўрта Осиёдан узоқда — Фарбда турк султони Боязид I ва Миср султони Фаражга қарши кураш олиб боради. Ўша

вактда Темур кўп халқларни, масалан, Кичик Осиёдаги Сивасни, Суриядаги Ҳалаб (Алеппо) ни ўзига қаратиб олган эди. 1402 йилда Анқара ёнида Темур иккинчи марта Боязид билан жанг қилди. Бу жанг ўша даврдаги энг катта жанглардан бўлган эди. Ҳар икки томондан 200 мингдан ортиқ аскар қатнашади. Анқара ёнида бўлган бу жангда Усмон султони Боязид батамом тор-мор этилди ва Боязид асир олинди. Бу галаба фақат Осиё тарихи учунгина аҳамиятли бўлиб қолмади. Темур ўзининг бу галабаси билан Европа халқларига иккинчи марта хизмат этади. Анқара ёнида бу галаба ва Боязиднинг асир тушиши Константинополнинг (Стамбул) турклар — усмонлилар томонидан босиб олинишини қарийб 50 йил орқага суриб юборди».

Дарҳақиқат, Исломил Сулаймоновнинг «Оврўпанинг Амир Темурга миннатдорчилиги» номли мақоласида келтирилган ҳужжатларга мурожаат қисак, Европа мамлакатлари — Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV, Германия ҳукмдори, Италия ва Испания ҳукмдорлари ўз навбатида Амир Темурнинг Боязид устидан қозонган галабасини табриклаб, шунингдек Европани Боязид ҳавфидан қутқазганлиги туфайли, чуқур миннатдорчиликларини изҳор этувчи мактублар йўллаганлар. Чунончи, Британия музейида сақланадиган ва Амир Темур номига юборилган мактубда қирол Генрих IV жаҳонгир Амир Темурга мурожаат қилиб, Аллоҳ инояти билан бизнинг ва сизнинг умумий душманимиз Боязидни қисқа муддатда тор-мор этганингизни эшлитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдик ва енгил тортдик. Бунинг учун яратган эгамга сонсиз-саноқсиз шукроналар келтирдик,— дейилган. Ҳатто Европа қироллари бунга ҳам кифояланмай, жаҳонгирни Европа олдидаги хизматларини абадийлаштириш мақсадида маҳсус кўргазма музей зали барпо этишга қарор қилишган. Бу ишнинг ташаббускори Германия қироли ўзининг Потсдамдаги ёзги қароргоҳидаги саройлардан бирида, Амир Темур учун маҳсус шарқона услубда бир хона барпо этиб, хонанинг деворини бўйи басти билан француз рассоми бир сурат чизган. Расимда Амир Темур таҳтда, атрофида аркони давлати, саккиз хабаш елкасидаги қафасда Боязид голиб ҳукмдор ҳузурига келтириляпти. Жаҳонгир зафар қучганларга монанд мағрур ҳолатда.

Темур ёғига тиз чўкиб турган париваш гўзал хотин,— Боязиднинг суюкли көнжа хотини. Аёл ўз

хукмдорининг бир қошиқ қонидан кечишини, ҳәётини сақлаб қолиши худонинг зорини қилиб, Темурга ёлборяшти. Жаҳонгир эса унга қиё ҳам боқмаётир. Унинг икки кўзи Боязидда, худди: «Қайсар, гапимни қулоққа олмадинг, энди ҳолинг қалай», деяётгандек.

Жаҳонгир Амир Темур Мовароунахрни мўгул истилочиларидан тозалаб, марказлашган улуг давлатни барпо этди. Тарих унинг зиммасига Олтин Ўрдадек қудратли мўгул империясининг асосини емиришдек улкан вазифани қўйган эди. Соҳибқирон бу вазифани ҳам буюк жасорат билан адо этиб, Русь князликлари ва шарқий Европа ҳалқларини қарийб 170 йиллик мўгул асоратидан ҳалос бўлишларига йўл очиб берди. Ниҳоят, 1402 йилда турк султони Боязид устидан галаба қозониб, бутун Европа мамлакатларини даҳшатли таҳлиқадан ҳалос қилди. Буларнинг барчаси тарихий ҳақиқатдир, уларни асло инкор қилиб бўлмайди.

Айрим тарихчилар Амир Темурни қонхўр босқинчиликда Чингизхон билан бир ўринга қўядилар. Чингизхондан ўз юртида нима мерос қолди? Факат Керулен яйловида тошдан ўйиб ишланған баҳайбат тошбақагина қолган, холос. (Бу тошбақа Чингизхоннинг чодири ёнига ўрнатилган эди.) Амир Темур фаолиятидан эса тарихий ҳужжатлар ва осори атика обидалар гувоҳлик бераби турибди.

Жаҳонга машҳур буюк саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг шахси ҳақида сўз юритганда, унинг шакли шамойили қандай эканлигини тасаввур қилиш учун, аввало унинг душмани, таниқли араб тарихчиси Ахмад ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Таймур» номли асарида келтирилган маълумотларга мурожаат қилсак мақсаддага мувофиқ бўлса ажаб эмас.

«Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди. Пешонаси очик, калласи катта, овози жарангдор бўлиб, кучи жасурлигидан қолишмас эди. Оқиш юзини оч қизил ранг жилолантириб турарди. Елкалари кенг, бармоқлари тўлик, қовургалари узун, мускуллари кучли эди. Узун соқол қўйиб юрарди. Ўнг қўли ва ўнг оёғи майиб, қарашлари ёқимли, ўлимни писанд қилмасди. У қарийб 80 га кириб ўлим асносида ҳам ақлзаковати ва жасоратини йўқотмаган эди. У ёлғоняшиқнинг душмани бўлиб, ҳазилни ёқтирумасди. Ўзининг олдида қотиллик, аёллар номусига тажовуз қилганлик, мазлум ва мазлумаларни зўрлаш, талон-

тарож қилиш ҳақида гапиришга йўл қўймасди. У ҳақиқат қанчалик аччиқ ва оғир бўлмасин, уни эшитишин яхши кўрарди. Яхши ёкуд ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир қилмасди. Жасур аскарнинг дўсти, гоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсунишга мажбур этабиларди».

Амир Темурнинг сиймоси, хулқ-автори ва фазилатлари ҳақида унинг замондошлари кўпгина маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Барбара Брэй бир араб солномачисининг гувоҳлигига асосланиб, ўзининг «Ибн Халдун» сарлавҳали мақоласида қуидагиларни ёзади:

«Темур узун бўйли, кенг елкали ва бақувват, калласи катта, пешонаси кенг, жисмонан жуда кучли, териси оқ, юзи қизил, бармоқлари тўлик одам эди. Соқоллари ҳилпираб турарди, бир қўли фалаж, ўнг оёги оқсок, қарашлари ўтли, ёник, овози жарангдор, ўлимдан қўркиш нималигини билмайди. Саксон ёшга етса ҳам маънавий ва жисмоний кучини тўла сақлаб қолган эди».

Соҳибқирон Амир Темур серкиррали мураккаб шахсdir. Унинг хислатларидан бири шулки, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдан олимлари билан маслаҳатлашар, сўнгра аниқ ва қатъий қарор қабул қиласди. Унинг олиму фузалолар билан ўтказадиган анжуманлари ҳар хил мезонда ва турли шаклларда бўлган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, кўпинча Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих, адабиёт ва тилшунослик илми намояндлари, шунингдек илоҳиёт ва дин соҳасидаги машҳур кишилар билан шахсий сұхбатлар ўтказарди. Бу сұхбатларда ҳаётнинг мухим масалалари тўгрисида, Мовароуннахр ва Хоразмдан ташқари, Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Хуресон, Хиндистон, Эрон, Ирок, Туркия, шунингдек, бутун магрибни ўз ичига олган салтанатга оид ишлар ҳақида гап борарди.

Амир Темур саройида кўплаб илм-маърифат кишилари ҳукмдорнинг марҳаматидан баҳраманд бўлиб, хизмат қиласдилар. Чунончи, Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсаддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нўъмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳокийлар шулар жумласидандир. Амир Темур илм-фанинг риёзиёт, ҳандаса, меъморлик,

фалакиёт, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳаларнинг* равнақига катта эътибор берарди. У айниқса соҳиб ҳунар усталар билан жон-дилдан сұхбатлашарди. Бу ҳақда Лянглэ шундай ёзади: «Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда соғдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъоддли бўлган барча кишилар билан сұхбатлашиш учун кўпинча таҳтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга гамхўрлик қилишга асосий эътиборини берарди.

Шарафуддин Али Яздийнинг хикоя қилишича, 1403 йили Амир Темур Боилкон шахрида олимлар кенгашини чақириб, ўзи нутқ сўзлаган. У ўз нутқида шундай деган: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кенгайтириш, салтанатимизни ривожлантиришдир. Бу ишларни амалга оширишда сизлар ўз маслаҳатларингиз билан менга кўмаклашмогингиз лозим».

Маълум бўладики, Амир Темур одамлар билан яқин мулоқотда бўлиб, аҳли илм, аҳли ҳунар, аҳли дин ва аҳли меҳнатга умид кўзи билан қараб, уларга юксак илтифотлар кўрсатган. Алишер Навоийнинг ёзишича, Темур салтанати давридан бошлаб мамлакатда туркий адабиёт кенг кўламда ривожлана бошлаган. Амир Темурнинг ўзи ҳам шеъриятга зўр эҳтирос билан қараганлиги ҳақида Алишер Навоий қўйидагиларни ёзади: «Темур Курагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонича бор. Табаррук ҳайсиятиданким, ул ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай ва ул латойифдан бири била ихтисор қилинур. Мундоқ нақл қилурларким, чун, Мироншоҳ Мирзо Табризда чогирга кўп иштиғол кўргузди, димоғ ва мизожи эътидол тариқидин инҳироф топиб, андин номулойим амр кўп сурат тутабошлади. Самарқандда ул ҳазрат арзига бу навъ еткурдиларким, уч надими бор ким, муфрит (ҳаддан ташқари — Т. Ф.) чогир ичмакка боис алардурлар. Ҳукм бўлдиким, тавочи (адютант — Т. Ф.) миод (муддат — Т. Ф.) била чопиб бориб

учаласининг бошин келтурсун. Алардин бири Ҳожа Абдулқодир эрди, бири Мавлоно Мұхаммад Кохий эрди ва бири Устод Қутб нойи, Тавочи бориб иккисини ясоққа (жазо — Т. Ф.) еткуруди. Аммо Ҳожа Абдулқодир қочиб, қаландар бўлиб, ўзин девоналиғга солиб, мулқдин мулкка мутавори (беркиниб — Т. Ф.) бўлуб юрур эрди, то улким, ул ҳазрат яна Ироқ юруши қилди, ул мамоликда Ҳожанинг ул ҳоли баъзига маълум бўлиб, юқори арз қилдилар. Ҳукм бўлдики, тутуб келтурсунлар. Ул ҳазрат таҳтда эрдиким, Ҳожа факирни девоналиға қўймай, судраб таҳт илайига келтурдилар. Андин бурунким, сиёsat ҳукми бўлгай, чун Ҳожанинг камолотидин бири қуръон ҳифзи ва қироат илми эрди, филҳол бийик ун (баланд овоз — Т. Ф.) била қуръон ўқумоқ бунёд қилди. Ул ҳазратнинг газаби лутфга мубаддал бўлуб, фазл ва камол аҳли сари боқиб, бу мисрани ўқудиким:

Абдол зи бийм чанг дар мусҳаф зад.

Мазмуни:

Қаландар қўрқувдан қуръонга чанг солди.

Андин сўнгра Ҳожага илтифот ва тарбиялар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулоzим қилди».

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мовароннаҳарда мўгулларнинг қарийб 150 йиллик ҳукмронлик даврида бирорта ҳам кўзга қўринарли қурилиш ёки сув иншоотлари вужудга келмаган. Амир Темурнинг ташаббуси билан 1365 йилда Қаршининг, 1370 йилда Самарқанднинг, 1380 йилда эса Кеш (Шахрисабз)нинг атрофи қайтадан мудофаа деворлари билан ўралган. Шунингдек, ҳалқ фаровонлигию мамлакат ободончилиги йўлида сув омборлари, тўғонлар қуришга, ариқлар қазишга, янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида зътибор берилган. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволини кўтаришда савдонинг аҳамияти бекиёс эканлигини тушунган ҳукмдор бозорлар, расталар ва тимлар қурдиради ҳамда турли-туман устахоналар барпо этиб, ҳалқ хунармандчиллик санъатини тараққий эттиради.

Амир Темур ўз пойтахти Самарқанд жамолини тубдан ўзгартиришга қарор қилган. Бинобарин, Самарқандда Кўксарой, Бибихоним масжиди ва мадрасаси, Шоҳи-зинда мақбараси каби қатор қурилишлар вужудга келдиким, мазкур биноларнинг айримлари ҳозиргача ўз салобатини кўз-кўз қилиб турибди. Шунингдек, Самарқанд атрофида Боги Шамол, Боги Дилқушо, Боги

Чинор, Боги Биҳишт ва Боги Нав каби бир неча боғ-рөгларни қурдирди.

Амир Темур Самарқандни жаҳондаги энг катта ва гўзал шаҳарга айлантироқчи эди. Шаҳар атрофига майда қишлоқлар барпо этиб, уларга дунёнинг энг катта шаҳарларининг номини берган эди. Чунончи: Бағдод, Дамашқ, Миср, Шероз Султония, Мадрид, Париж шулар жумласидандир. Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, Андижон вилоятидаги Асака шаҳрининг номи Япониянинг Осака шаҳридан олинмаганмикан деган тахминлар ҳам бор.

Соҳибқирон мамлакат ободончилиги йўлида хазинани аямади. Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурилди. Тошкент атрофига каналлар ўтказилиб, Оҳангарон қишлоғига асос солинди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистон (Ясса) ва бошқа шаҳарларда карвонсаройлар, ҳаммомлар, макбаралар, мадрасалар, шунингдек, шаҳарлараро карвон йўлларида работлар, сардобалар қурилиб, савдо-тижорат ишларининг ривожланишига шароит яратиб берди.

Амир Темур фақат Мовароуннахрда эмас, балки Мовароуннахрдан анча узоқда бўлган ерларда ҳам ободончилик ва қурилиш ишларини олиб борган. Жўмладан, Кобул водийси ҳамда Муғон чўлида қурилган улкан сугориш иншоотлари соҳибқироннинг буюк қалб эгаси эканлигидан далолат беради. Таниқли шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд Амир Темурнинг қурувчилик фаолияти ҳақида гапириб; «Темур гўё Самарқанддан бошқа ҳамма ерда вайронгарчилик билан шугулланган, деган фикр мублагали; у Кобул водийси ва Муғон чўли каби Самарқанддан узоқ бўлган жойларда ҳам улкан сугориш ишлари олиб борди», деб айнан тарихий ҳақиқатни ифодалаган эди. Аммо В. В. Бартольд асалари 2-жилдининг I қисмини нашрга тайёрлаган В. А. Ромодин «В. В. Бартольд Темурнинг босиб олган мамлакатлардаги қурувчилик фаолиятини бўрттириб кўрсатган, зеро Темурнинг бу ерда айтиб ўтилган озгина ижобий ҳаракатлари билан чегараланиб ва ундан келиб чиқсан натижалари билан унинг қилган вайронагарчиликларини тақдослаб бўлмайди», деб ёzáди. Фикримизча, В. А. Ромодин Амир Темургача ва ундан кейин ўтган ҳукмдорларнинг ўз қўл остидаги мамлакатларда ўрнатган тартиб ва қоидаларини изчиллик билан ўрганмаган.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур 1399 йилда набираси Абу Бакр Мирзога (Мироншоҳ Мирзонинг ўғли) бир йил мобайнида Бағдод шаҳрини қайта тиклаш ҳақида фармон беради. Шунингдек, муҳандислар тарафидан тайёрланган аниқ лойиҳа асосида Боилкон қўргон — шаҳарни ҳам қайтадан тиклайди. Пишиқ гиштдан кўпгина турар жой бинолари, бозор, майдон, ҳаммомлар қурилиб, боғлар, хиёбонлар барпо этилади. Аракс дарёсидан канал чиқариб, шаҳар сув билан таъминланади. Боилкон қўргон-шаҳар бир ой ичida қайта қурилиб битказилади. Шаҳар мудофаа айланма девори ҳамда бошқа иншоотлар бир йил давомида ниҳоясига етади. Айланма деворнинг узунлиги икки юз минг тўрт юз газдан иборат эди.

Юқорида зикр этилган тарихий маълумот ва аниқ далилларга суюнган ҳолда, «Темур босиб ўтган ерларда фақат вайроналар қолди», — деган бир ёқлама салбий фикрлар асоссиз эканлиги, аксинча, Амир Темур буюк ижодкор қурувчи ҳам бўлганлигига шак-шубҳа қолмайди.

Амир Темур ҳарбий салоҳиятда жаҳонга машҳур саркарда ва ўз замонасининг энг қудратли ҳукмдори эди. Амир Темурнинг ҳарбий назарияси ва у қўллаған амалий ҳарбий санъати ўз даврининг нодир мўъжизаси эди. Билишимча, Амир Темурнинг ҳарбий назариясидан Иттифоқ ҳарбий Академияларида 500 соат махсус курс ўқитилиади. Бундан чет эл ҳарбий илмгоҳлари ҳам мустасно эмас, албатта.

Зотан, ҳарбий тарих Амир Темурни ўрта аср Осиёсида энг йирик лашкарбошилардан деб ҳисоблайди. Унинг ҳарбий маҳорати икки йўналишда, аскарий қисмларни қайта ташкил этишда ҳамда лашкарбоши — кўмондонликда намоён бўлди.

Амир Темурнинг аскари ўнлик, юзлик, минглик бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар қайсисига махсус ҳарбий бошлиқлар раҳбарлик қиласарди. Бўлинма бирлашмаси — қўшин деб аталган. Бир неча қўшинни ўз ичига олган бирлашмани — қўшинот деб аталган. Бу қисмларнинг ҳар бири шароитга қараб, ўнг қўл — буронгур, сўл қўл — жувонгур, илғор (авангارد) — манглай деб аталган. Қўшин турлари ичida отлиқ аскар, пиёда аскар ҳамда илгор (разведка) бўлинмалари юксак қадрланган.

Амир Темур боргоҳида амир Хўжа Сайфуддин, амир

Бурундуқ, Худой Ҳусайн Баҳодир, амир Сулаймон^{*}
Хош, амир Оқбуғо, амир Сарибуғо, Шайх Али Баҳодир,
Темур Тош, Барот Ҳўжа, амир Довуд барлос, Умар
Аббос, Маҳмудшоҳ Бухорий, амир Муаййид Арлот,
Туман Бердивек, амир Шоҳ Малик, амир Шайх
Нуридин ва бошқа ҳарбий бошлиқлар хизмат қилган-
лар.

Амир Темур 1404 йилда машҳур етти йиллик юрищдан галаба билан қайтиб келгач, ўз галабасининг шарафига катта сайл ташкил қилади. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, мазкур сайт-зиёфат асносида ўзининг 9 ёндан 17 ёшгача бўлган 5 нафар набиралари-ни унаштириш тўйини ҳам қўшиб ўтказади. Уша давр тарихчиларининг ҳамжиҳатлик билан хабар беришича, мазкур сайт ғоят катта тантана билан ўтган. Бу ҳақда Кастилия қиролининг Самарқандга — Темур саройига жўнатгач элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам ўзининг «Кундалик»ида батафсил ёзил қолдирган.

Аммо соҳибқирон Амир Темур етти йиллик юришдан келгач, хали хордик чиқариб улгурмасданоқ, тарихда машҳур Хитойга қарши юришга тараддулданади. Зоро, 1368 йилда Хитойда давлат тўнтариши бўлиб, ҳокимиятга Мин сулоласи келган эди. Натижада собиқ «мўғул ҳукмдорлар» Хитой худудидан ҳайдаб чиқарилади. Империянинг пойтахти Пекин (Хонбалиқ)дан Нанкинга кўчирилади. Мовароуннаҳр билан Хитой ўртасида гавжум тижорат карвон қатнови мавжуд бўлиб, мазкур карвон йўлини Шарафуддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида моҳирона тасвиirlаб берган.

Ўрта Осиё тарихининг билимдони академик В. В. Бартольднинг Амир Темур ҳамда Мин сулоласининг тарихий манбаларидан олиб берган маълумотига қаранганд, 1387 йилда Амир Темур Мавлоно Ҳофиз номли кишини элчи килиб Хитойга юборган. Хитой императорига элчи билан бирга бож тариқасида 15 та от ва икки тую жўнатган. Шундан сўнг ҳар йили от ва туялар бож тариқасида жўнатиб турилган. 1392 йилдаги божнинг ёнига бир тўп мато ҳам қўшиб юборилган. Мазкур элчилар Хитойдан қайтаётгандан, Хитой императори собиқ мўғул сулоласи ҳукмронлиги даврида Гансу вилоятида ўрнашиб қолган 1200 кишидан иборат мусулмонларни элчиларга қўшиб Самарқандга жўнатган. 1394 йилда Амир Темур Хитойга 200 та от жўнатган. Шунингдек, Амир Темурнинг Хитой императори номига

юборган ёрлигининг Хитой тилига таржимаси келтирилган. Яна манбада келтирилишича, қайси йилда әканлиги номаълум, Темур тарафидан Хитойга жўнатилган отларнинг сони 1000 га етган. Хитой тарафи ҳам мазкур совгалар эвазига қимматбаҳо тошлар ва қоғоз пуллар жўнатган (қоғоз пуллар элчилар томонидан Хитойнинг ўзида сарф қилинган бўлса керак). Қанчалик тўғри, Хитойдан Темурга биринчи элчи 1395 йилда келган. Элчиларнинг номи Ань Чжи-дао ва Го Цзи бўлган. Элчилар Самарқандга одатдагидек Қашқар ва Фаргона орқали эмас; балки Семиречье орқали келган. Бироқ, мазкур элчиларга Хитойга қайтиш факат Темур вафотидан сўнг насиб қилган.

Амир Темурга оид тарихий манбалардан маълум бўлишича, Амир Темур Хитой элчиларини 1397 йил охирида Сирдарё бўйида қишлоётган вақтида қабул қилган эди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, элчилар кўп тухфалар келтирғанлар ва ҳукмдорнинг марҳаматига сазовор бўлиб, қайтиб кетишга ижозат олганлар. Агар биз хитой элчиларини ушланиб қолганини ҳақидаги маълумотни билмаганимизда эди.— деб ёзади В. В. Бартольд,— у ҳолда бу сўзлардан, элчилар Хитойга қайтиб кетганлар, деган фикр келиб чиқсан бўларди, албатта

Элчиларнинг ушлаб қолиниши, албатта яхшиликдан далолат бермас эди. Хитойда мўғул сулоласи ҳукмронлигининг тугатилишидан сўнг, ҳокимиятга Мин сулоласининг келиши Хитойдаги мусулмон фуқароларининг аҳволи ёмонлашувига олиб келади. 1398 йилда Хитой императорининг буйруги билан 100 минг мусулмон фуқароси қатл қилинади. Бу воқеалардан Амир Темур бехабар бўлган деб бўлмайди. Чунки Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомий ҳамда Фиёсiddин Алиларнинг ёзишича, 1398 йили Амир Темур Хитойга бориб «бутпарастлар»ни қириб ташлаши ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

1399 йил қиши фаслида Амир Темур Қорабоғда қишлоётган чогида, Мин сулоласининг асосчиси Хитой императорининг вафот этгани ҳақида хабар келади. Хабарда гўё марҳум император ўз ўлимидан аввалроқ қандайдир арзимаган баҳона билан 100 минг мусулмон фуқаросини қириб ташлашга фармон берган ва ўзи йўл билан ўз мамлакатини Исломдан батамом тозалаган, деган муболагали маълумот ҳам берилган эди. Табиийки, ўзини дини Ислом ҳомийси деб билган соҳибқирон

шаккок императорнинг ақлини киритиб қўйишга жазм қилган эди.

1404 йили Амир Темур Хитойга қарши юришга тайёрланаркан, икки янги улус ташкил қилиб, икки ёш набирасига инъом қиласди. Улардан бири Шохруҳ Мирзонинг тўнгич ўғли 10 ёшли Улугбек Мирзога — Тошкент, Сайрам, Авлиёота, Ашқардан то Хитой чегарасигача бўлган ерлар киради. Иккинчи улусни эса Шохруҳ Мирзонинг иккинчи ўғли Иброҳим Мирзога — Фаргона, Қашқар ва Хўжандни инъом қилган эди.

Бирок, Амир Темур бу норасида хукмдорларга мўгул беклари осонгина бўйсунмасликларини яхши тушунарди. Бинобарин, Хитой юришига тараддулла-наркан, йўл-йўлакай мўгул бекларини бўйсундириб, мазкур улусларни набираларига олиб бериб, сўнгра Хитойга юришни режалаштирган эди. Шундай қилиб, 1404 йил 27 ноябрда Самарқанддан чиқиб, Ўтрор томонга йўл олади. У Оқсулот мавзеига келиб, у ерда 28 кун туради. Амир Темур ўз беклари ва амирларидан кўпчилигини қишлиш учун Шохруҳия, Тошкент ва Сайрамга жўнатган эди. Хукмдорнинг қароргоҳида фақат амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир Хўжа Юсуфларгина қолган эдилар.

Шунингдек, катта қўшиннинг ўнг қаноти хисобланган йирик ҳарбий бўлинма ҳали Тошкент, Шохруҳия ва Сайрамда қишлоамоқда эди. Мазкур ҳарбий бўлинмага Темурнинг набираларидан Халил Султон Мирзо (Мироншоҳнинг ўғли) ва Аҳмад Мирзо (Умар Шайх Мирзонинг ўғли) бошчилик қиласарди. Қўшиннинг чап қаноти (Жувонгир) Туркистон ва Саброн шаҳарларида қишлоамоқда эди. Бу қўшинга Темурнинг Оға бегим исмли қизидан туғилган Султон Ҳусайн Мирзо номли набираси бошчилик қиласарди. Марказий қўшин эса Темур раҳбарлигига Оқсулотда турарди.

1404 йил 25 декабрда Амир Темур Оқсулотдан йўлга чиқиб, 1405 йил 14 январ чоршанба қуни Ўтрорга келиб тўхтайди. Амир Темур Ўтрорда 35 кун туради ва шу муддат ичидай қандай сабабларга кўра 1405 йил 5 феврал пайшанба қуни Амир Темур бундан буён нард ва шахмат ўйнамасликка онт ичган.

1404—1405 йилнинг қиши фасли ўта совуқ келиб, Амударё ва Сирдарёнинг барча ўтиш жойлари муз билан қопланган эди. Гарчи Амир Темур қариб қолган бўлса-да, йўл машақкатларию ҳамда совуқни писанд қилмас, руҳан тетик ва жисмонан бардамдай кўри-

нарди. Шарафуддин Али Яэдийнинг маълумотига кўра, Амир Темур Ўтрорда Олтин Ўрданинг собиқ хони Тўхтамишхоннинг элчисини қабул қиласди ва элчига «Хитой уруши тугагач, Олтин Ўрдага қарши юриш қилиб, таҳтни Тўхтамишхонга қайтариб олиб беришга» ваъда беради.

Аммо кўп ўтмай Амир Темурнинг мижозида касаллик вужудга келиб, кундан-кун аҳволи оғирлашади. Тиб илмининг билимдони мавлоно Фазуллло Табризий бошчилигида бир неча табиблар ҳукмдорнинг касалига хилма-хил муолижалар қиласдилар. Аммо хасталик кундан-кунга кучайиб борарди.

Амир Темурнинг касалланиш сабаби ҳақида «Темурнома» муаллифининг берган маълумоти дикқатга сазовордир. «Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳузурларига чопар келиб, қалмоқлар бош кўтарибдилар, деб хабар келтирди. Ҳамма жангга отлансин, деб буюрдилар. Беклар ва амирлар ҳаво совуқлиги туфайли йўлга чиқмасликни маслаҳат кўрдилар. Ул вақт қишини тўқсони эрди. Амир гайратларига чидайолмай ўрдадин ташқарига чиқдилар. Вақтиким шаъбон ойининг еттиси сешанба куни ўрдани равоқида ўлтириб, сартарошга соchlарини олдириб ўлтириб эрдилар, ўшал замон амирға бир боди муҳолиф (ёқимсиз шамол) келиб тегди. Аҳволлари ўзларига маълум бўлиб, соат ўтмай ранг ва туслари тағиyr топди». Машхур шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд «ҳарҳолда Темурнинг касали ва ўлимига бевосита сабаб, совуққа қарши бадани бироз иситиш мақсадида меъёридан ортиқ май тановул қилганидадир», деган фикрни билдиради. Ҳолбуки, тарихий манбаларнинг берган маълумотига қараганда, Темур майхўрликни учалик хуш кўрмаган ва майхўрликка ружу қилганларни эса ким бўлишидан қатъи назар мансабидан азл қилиб қоралаган. Бизнингча, Амир Темур майни фақат шифобахш дори сифатида қабул қилган. Зеро, Шарқ табиблари, шу қаторда Ибн Сино ҳам бир неча тур шаробларни муолижа учун қўллаганлар.

Фикримизча, Амир Темурнинг касалланиш жараёни анча илгаридан давом этиб келаётган бўлиши эҳтимол. 1404 йилнинг кузида Амир Темур етти йиллик юрищдан қайтиб келгач, Конигилда катта анжуман ўтказади. Бу анжуманда, Клавихонинг маълумотига кўра, Темурнинг чехрасида анча ҳоргинликка ўхшаш касаллик аломатлари зоҳирان кўриниб турған. Дарҳақиқат, етти

йиллик юришдан қайтган ҳукмдор ақалли беш ойгина ҳам дам олмай, яна янги юриш тараддуғига тушиб, Хитойга қарши йүлга чиққан. Бинобарин, узлуксиз йүл мاشаққатлари қарыб қолған ҳукмдорға зимдан ўз таъсирини ўтказған ва, ниҳоят «Темурнома» муаллифи нинг маълумотига амал қилинса, бошни шамоллатиш натижасида касаллик ботиндан юзага чиққан. Зотан, «Зафарнома» муаллифи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, ҳар куни янги-янги касаллик аломатлари зохир бўлабошлаган. Нақл қилинишича, беморлик пайтида Амир Темурнинг ёнида фақат Сарой Мулк хонимгина туришга ҳақли эди. Ҳукмдорнинг кўзгалишт. ҳам мадори етмас, Сарой Мулк хоним унинг аҳволидан кечасию қундузи ҳабардор бўлиб турарди. Тунларнинг бирида толиққан Сарой Мулк хонимга уйқу галаба қилиб, пинакка кетадио, шу заҳоти сесканиб уйғонади. Табиийки, хоним уйғониш асносида дарҳол ҳукмдор ётган тарафга кўз ташлайди. Бироқ, қайси кўз билан кўрсингки, тўшакда ҳукмдор йўқ эди. Сарой Мулк хоним сапчиб ўрнидан туриб, ташқарида турган посбон олдига чиқиб, ҳукмдорни сўрайди. Посбон хонимга таъзим қилгач, қўли билан қоронғилиқ томонга ишора қиласи. Сарой Мулк хоним ўша томон елиб бораркан, қиҷиқ бир тепалик устида турган қора бир гавдага кўзи тушади. Бу жаҳонгир Амир Темур эди. У елкасида чопон, чуқур хаёлга чўмган ҳолда қоронғиликка тикилиб турарди. Сарой Мулк хоним ҳаяжонда: «Бу қандай гап, улуг амир! Қаҳратон қиши, изғиринли тунда касал ҳолингиз билан бу ерда туришда нима ҳикмат бор?» — деб Амирни ўрдugoҳ томон бошлайди. Темур ўрдugoҳга келиб, ўз ўрнига ётгач, Сарой Мулк хоним бу гайри табиий аҳвол сирини яна сўрайди. Амир Темур хўрсениб, оҳ тортгач, шу кеча кўрган тупшини сўзлайди:

Ҳар икки чеккаси баланд қамишлар билан ўралган катта йўлда отимни елдириб кетаётган эдим. Тўсатдан йўл четидаги қамишлар шитирлаб қолди. Мен ўша томонга қарадим. Қарадиму ҳайратдан от жиловини тортиб тўхтаб қолдим. Қамишзор ичидан падари бузрукворим шитоб билан чиқиб келаётган эдилар. Мен ҳайрат ичидан отдан тушиб, отам истиқболларига юрабошладим. Аммо падари бузруквор менга илтифот қилмай, менинг олдимдан ўтиб бориб, отимнинг эгар жабдуқларини ечиб олиб, ўз келган йўллари, яъни қамишлар орасига кириб, кўздан гойиб бўлдилар... Мен катта йўл устида гарангсиб, ялангоч от ёнида турганим

ҳолда уйғониб кетдим... Уйғонганимда аъзойи баданим титраб, қизиб кетаётган эди. Бу хосиятсиз туш дахшатидан ташқарига чиқиб кетганимни ҳам сезмай қолибман... Ҳар ҳолда паймона түлганга ўхшайди...

— Яхши ният қилинг, улуг амир, дард бошқа, ажал бошқа, шукур, саломатлигингиз яхши! — кўз ёшини тўкиб, тасалли берарди Сарой Мулк хоним.

— Иигидан фойда йўқ, хоним! Тақдирни табдил қилиб бўлмас... Шукур, тонг ҳам ёриша бошлади. Посбонга буюринг, амир Шайх Нуриддин, амир Шоҳмалик ва амир Хўя Юсуфлар эрталаб ҳузуримга кирсингилар!

Амирлар ва беклар соҳибқирон қароргоҳига киргандарида, у тўшакда беҳол ётарди. Сарой Мулк хоним ҳукмдорга яқинлашиб, амирлар ташрифи ҳақида сенкингина шивирлагач, у нурсиз кўзини оҳиста очиб, яқинроқ келиб ўтиришларига ижозат берди. Амирлар қисқагина ҳол-аҳвол сўрашишгач, ҳукмдорнинг оёқ томонида — пойгоҳдан жой олиб, бутун вужудлари кулоққа айланган ҳолда ерга қараб ўлтирадилар. Ҳукмдор оҳиста кўзини очиб, амир ва бекларга бир-бир разм солгач, энтикиб-энтикиб сўз бошлайди:

— Маълумингиз бўлгайким, Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валиаҳд этиб тайинлайдурмен, токи Самарқанд таҳти ва аркони давлат анинг ҳукми-фармонида бўлгай! Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, кўшин салоҳиятининг мукаммаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсин. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб, кўмаклашмогингиз лозим. Чунончи, сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўстдушманларга кўриниб турсин, токи ўзаро низоларга ўрин қолмагай ва ҳеч ким салтанатга қарши исён кўтаришга ўзида жасорат топмагай. Билъакс ўзаро низолар вужудга келиб, раият бошига ташвиш ва надоматлар ортиб, мамлакат ободонлиги барҳам топгай. Инчунин, менинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларим зоэъга кетгай...

Амир Темур ҳолсиаланиб кўзини юмади. Бу унинг сўнгги васияти эди.

Амирлар, беклар ва юрганинг катталари ҳамда шуерда ҳозир бўлган шаҳзодалар, маликалар ҳукмдорнинг

васиятини мукаммал бажаришга қасамёд қилишгач, амир Шайх Нуриддин оҳиста сўз бошлайди.

— Агар амри олий вужудга келса Тошканд, Самарқанд ва Ҳиротга хабар юборсак, токи фарзанди дилбандларингиз — шаҳзодалар зудлик бирлан етиб келиб, жаноби олийларининг ҳусни таважжуҳларидан баҳраманд бўлиб, гавҳарфишон насиҳатларингизни ихлос қулоги билан тинглаб, итоат камарини белларига боғласалар фойдадин ҳоли бўлмас эрди.

Амир Темур аста кўзини очиб, амирларга мунгли назар соларкан, чап қўлини кўтариб, аввал кўрсатгич бармогини, кейин ўрта бармогини қўшиб кўрсатади-да, қўлини тушириб, кўзини юмиб олади. Амирлар ҳукмдорнинг имо-ишорасига тушунаолмай, саросимага тушиб, ҳаммалари Сарой Мулк хонимга савол назари билан қарайдилар. Шу аснода ҳукмдор тамшаниб, кўзини очиб амирларга қараб:

— Вақт танг, бир ёки икки кунлик умр қолди. Афсус, уларни кўриш насиб бўлмади. Энди дийдор кўришмак қиёматга қолди,— деб кўзини юмади.

Дарҳақиқат, эртаси (17 шаърон 807) 1405 йил 18 февраль чоршанба кун кечаси шом билан хуфтан намози ўртасида жаҳонга машҳур саркарда соҳибқирон Амир Темур Курагон ҳётдан абадий кўз юмади. Амир Темурнинг ўлими ҳаммадан сир тутилиб, тунда маҳсус безатилган аравада амир Ҳўжа Юсуф бошчилигига Самарқандга жўнатилади. Шундан сўнг амир ва беклар ҳарбий кенгаш ўтказиб, узок-яқиндаги барча шаҳзодаларга хабар юборишга, токи салтанат душманлари оёққа туриб, иғво ва фасод йўлига кириб, исён кўтартмагайлар деган андишага бориб соҳибқироннинг вафотини вақтинча сир тутишга қарор қиладилар.

Аммо, Тошкент ва Сайрамда турган Халил Султон Мирзога бўлган воқеани муфассал баён қилиб, хабар юборилади. Шунингдек, Туркистон ва Сабронда турган Султон Ҳусайн Мирзога ҳам хабар юборадилар. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Газнада турган Пир Муҳаммад Мирзонинг ҳузурига мактуб билан Ҳизр Қавчинни жўнатадилар. Мактубда соҳибқироннинг ўлим олдидан қилган васиятига кўра, Пир Муҳаммад Мирзо тезлик билан Самарқандга етиб келиб, салтанатни ўз тасарруфига киритмоги лозим эканлиги таъкидланади. Шунингдек, Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзога, Бағдода Мироншоҳ Мирзога, Табризда Умар

Мирзога, ҳамда Форс ва Ироқдаги бошқа шахзодаларга хабар юборилади.

Бироқ Амир Темурнинг ўлими қанчалик сир тутилмасин, эртасигаёқ шум хабар узоқларга ҳам яшин тезлигидаги тарқалди. Қўшин орасида парокандалик вужудга келади. Тошкент ва Сайрамда қишлоғда турган қўшиннинг бошлиғи Халил Султон Мирзо бобоси вафоти ҳақида хабар келгач, ўз қўл остидаги қўшин билан Самарқандга шошилади. Туркистон ва Сайрамда турган Султон Ҳусайн Мирзо ўз қўл остидаги қўшиндан ўзига ишончли бир минг аскарни олиб, зудлик билан таҳтни эгаллаш мақсадида Самарқандга қараб йўл олади. Хали соҳибқироннинг жасади совимасданоқ темурий шахзодалар, ҳарбий бошлиқлар ва аркони давлат орасида парокандалик бошланиб кетади. Соҳибқироннинг васиятларига содик қолишга қасамёд қилган темурий шахзодалар тез кунда васиятдан юз ўгириб, таҳт учун курашни бошлайдилар, ҳарбий ва маъмурӣ бошлиқлар эса гуруҳбозликини авжига чиқарадилар. Маврүсий салтанатни бошқаришда темурий шахзодалар, саҳройи чингизий шахзодалариdek ҳамжиҳатлик билан бирлаша олмадилар. Аксинча, ўзаро қонли низоларни бошлаб, мамлакатни жанггоҳга айдантиридилар ва меҳнаткаш халқни оғир мусибатларга дучор қилиб, мамлакатни парчаланиб кетишига сабабчи бўлдилар.

Амир Темурнинг жасади Самарқандга жўнатилгач, бир кундан сўнг маликаларга ҳам Самарқандга қайтишга рухсат берилади. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, амир Хўжа Юсуф соҳибқироннинг жасадини 23 февралда Самарқандга етказиб келади ва ўша кечасиёқ марҳум Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига дағн қилинади. Маликалар Самарқандга етиб келганларида Амир Темурнинг ўлими ҳақидаги хабар ҳаммаёққа тарқалиб бўлган эди.

Самарқанд шаҳарининг ҳокими Арғуншоҳ шаҳар дарбозаларини беркитиб, то ҳақиқий валиаҳд келиб, таҳт масаласи ҳал бўлмагунча шаҳарга ҳеч кимни киритмаслигини эълон қиласди. Фақат давомли музокаралар сўнггида Сарой Мулк хоним бошчилигига айrim маликалар ва ёш шахзодаларгагина шаҳарга киришга ижозат берилади. Маликалар, шахзодалар ва шаҳар аъёнларининг хотинлари Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига бориб, таъзия маросимини бошлайдилар. Улар кўк кийиниб, соchlарини ёйиб, юзларини тирнаб

қонатиб, қоракуя суртиб, дод-фарёдлар қилиб, аза очадилар. Бу маросимда шаҳзодалар, шаҳар ичида бўлган аъёнлар, ҳатто шайхулислом Абдул Аввал ва Исимиддинлар ҳам фаол қатнашадилар. Шаҳардаги барча расталар ва дўконлар ёпилади.

1405 йил 18 март душанба куни Халил Султон Мирзо ҳеч қандай қаршиликсиз Самарқандга кириб, тахтга ўтиради. Шарафуддин Али Яэдийнинг ёзишича, Самарқанд шаҳарининг бошлиқлари Арғуншоҳ ва Ўтрордан қайтиб келган амир Хўжа Юсуфлар Халил Султон Мирзо билан музокара юритиб, шаҳар калитини унга топширган эдилар. Икки кун ўтгач, Халил Султон Мирзо Муҳаммад Султон Мирзо хонақоҳига бориб, мотам маросимини янада улугвирроқ ва тантанали равишда ўtkазади. Маросимга факат шаҳзодалар, маликалар ва аркони давлатгина эмас, балки бутун шаҳар ҳалқи иштирок этади. Маросимда Амир Темур руҳига ҳатми қуръон қилиниб, бева-бечораларга хайр-эхсонлар улашилиб, бир неча кунгача от, ҳўқиз ва қўйлар сўйилиб, фуқарога об-ош тортилади. Маросим охирида йиги-сиги билан Амир Темурнинг максус жанг ногорасини ўртага олиб кирадилар ва бир лаҳза чаладиларда, шундан сўнг «у энди бошқа кишига хизмат қилмасин учун», уни тилимлаб ёриб ташлайдилар. Бу удум мотам маросимининг тугалланиши ҳисобланарди.

Ибн Арабшоҳнинг маълумотига қараганда, соҳибқироннинг жасади Муҳаммад Султон мадрасасидаги даҳмага дағн этилган бўлиб, даҳманинг деворларига Темурнинг кийимлари ва курол-аслаҳалари илиб қўйилган. Мазкур буюмлар қимматбахо тошлилар ва олтин билан безатилган бўлиб, бу маъданларнинг энг кичик бир бўлаги бир вилоятнинг бир йиллик ҳирожига teng келарди. Мақбара ичига катта-катта олтин қандиллар ўрнатилган бўлиб, улардан бирининг оғирлиги 4000 мисқолга teng эди. Мақбара саҳнига ипак гиламлар тўшалган. Соҳибқироннинг жасади эса шерозли моҳир уста тарафидан ясалган пўлат тобутга солиниб, дағн этилган.

Орадан тўрт йил ўтгач, 1409 йил май ойида Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзо Халил Султон Мирзодан Самарқанд тахтини тортиб олгач, Муҳаммад Султон хонақоҳига келиб, отаси Амир Темурнинг қабрини зиёрат қилади. Шариат тартиблари-га қаттиқ риоя қилувчи Шоҳруҳ Мирзо мақбарадаги

шариат қонун-қоидаларига зид келадиган ишларни, маросимларни ман этади, шу жумладан Амир Темурнинг кийимлари, қурол-аслақалари ва барча қимматбаҳо безакларни хазинага қайтаради. Шунингдек, Амир Темур ва Мұхаммад Султон Мирзо жасадларини мадраса хонақохидан күчириб, пўлат тобут ўрнига ёғоч тобутга солиб, ҳозирги Гўри Амир мақбарасига дағн эттиради. Жасадларни пўлат тобутдан ёғоч тобутга солиб дағн этилиши шариат ҳукмига мувофиқроқ бўлса керак, деб тахмин қиласи А. Ю. Якубовский. Бироқ Шоҳруҳ Мирзонинг жасадларни кўчириб қайта дағн эттириши Самарқанд аркони давлатида анча шовшувларга сабаб бўлади. Айниқса ҳарбий бошлиқлар орасида норозилик кучаяди. Шунинг учун бўлса керак, деб ёзади академик В. В. Бартольд,— Темурнинг диний раҳнамоси Сайд Баракаининг ҳокини Андхўйдан олиб келиб, Амир Темурнинг бош томонига дағн эттиради. Зотан, Сайд Барака Темурнинг диний раҳнамоси сифатида катта обрў-эътиборга эга эканлиги ҳаммага маълум эди. Гўё Темур ҳаётлигига Сайд Барака билан ёнма-ён дағн этилишини вақият қилган эмиш.

Дарҳақиқат, 1941 йилда Гўри Амир мақбарасида Темур ва унинг набираси Мұхаммад Султон Мирзонинг қабрлари очиб текширилганда, ҳар икки жасадни ҳам арча ёғочидан ясалган тобутга солиб дағн этилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, машқур шарқшунос олим А. А. Семенов ва археолог олим В. А. Шишкінларнинг фикрича, ҳар иккала тобут бир хил ёғочдан, ҳамда тобут ичига тўшалган матолар ҳам бир хил, яъни парчага ўхшаш мато эди.

Тарихий манбаларнинг берган маълумотига қарандар, Амир Темур вафот қилганда, унинг хотинларидан тўрттаси — Сарой Мулк ҳоним, Туман оғо ҳоним, Тукал ҳоним ва Рух Парвар оғо ҳонимлар ҳали ҳаёт эдилар. Шунингдек, Шарафуддин Али Яздий ва Фасиҳ Ҳавофийнинг берган маълумотларига кўра, Амир Темур вафот қилган вақтда ундан 2 ўғил, 19 невара ва 15 чевара, жами 36 шаҳзода ҳаёт эди. Булардан ташқари соҳибқироннинг кичик қизи — Султон Бахт бегим ва катта қизи — Оғо бегимдан туғилган ўғил — Султон Ҳусайн Мирзо номли невараси ҳам бор эди.

Тарихий маълумотларнинг далолатича соҳибқирон Амир Темур ўн саккиз марта уйланган. Бундан ташқари у 22 нафар хос канизакларини ҳам ўз шабистонига маҳрам қилган. Соҳибқироннинг ўз иқорича, 1355 йили

отаси амир Мұхаммад Тарагай уни биринчи марта амир Жоку Барлоснинг қызига уйлантиради. Ўша иилиёқ Амир Темур амир Қазагоннинг набираси, амир Ҳусайннинг синглиси Үлжаой Туркон Оғога ҳам уйланади. «Темурнома» муаллифининг ёзишича, Үлжаой Туркон Оғонинг асл номи Камолой бўлиб, доим эркаклар либосида отга миниб, жангларда иштирок этар, ҳамда жангдан кўплаб ўлжалар билан қайтар экан. Шу боис уни Үлжаой Туркон деб атар эканлар. Үлжаой Туркон ого 1366 йилда касал бўлиб вафот этади.

Соҳибқирон Амир Темур Самарқанд таҳтига ўтирган (1369—1370) вактида мазкур хотинларидан икки ўғил ва икки қизи бор эди. Ҳар икки амирзода, яъни Жаҳонгир Мирзо ва Умар Шайх Мирзо бир йилда — 1356 йилда туғилганлар. Демак, амирзодалар бошқа бошқа онадан туғилганлар.

Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Жаҳонгир Мирзонинг онасининг исми Турмуш Оғо бўлган. Агар шунга амал қилинса, соҳибқироннинг биринчи хотини — амир Жоку Барлос қизининг исми Турмуш Оғо бўлиб, ундан Жаҳонгир Мирзо ва Ўги Бегилар туғилган. Соҳибқироннинг иккинчи хотини Үлжаой Туркон Оғодан Султон Баҳт бегим туғилган.

САРОЙ МУЛК ХОНИМ (БИБИХОНИМ)

Маълумки, 1370 йилда соҳибқирон Амир Темур жангда амир Ҳусайнниң енгиб, уни қатл қилдиргач, Самарқанд таҳтига ўтириб, Мовароуиннарх ҳукмронлигини ўз қўлига киритади. Бошқа ҳукмдорлар сингари амир Ҳусайннинг ҳам бир неча хотинлари бўлиб, ҳарамнинг улуг бекаси — Тармаширинхоннинг қизи Суюнч Қутлуг Оғо эди. Соҳибқирон Амир Темур амир Ҳусайн ҳарамидаги маликалар орасидан Қозон Султёнхон қизи — Сарой Мулк хонимни, баён Сулдузнинг қизи — Улус Оғони, Ҳизэр Ясурийнинг қизи — Ислом Оғони, ҳамда Тағой Туркон Хотунни танлаб олиб, идда муддати уч ой ўтгач, ўз никоҳига киритади.

Сарой Мулк хоним Чигатой улусига мансуб бўлган мўгул хонларидан Қозонхоннинг қизи бўлиб, 1341 йилда тугилган эди. Қозонхон таҳтдан азл этилиб, қатл қилинган чогда Сарой Мулк хоним ҳали беш ёшда эди. Сарой Мулк хоним балогатга етгач, 1355 йилда амир Ҳусайн ўз никоҳига киритади. 1370 йилда амир Ҳусайн қатл қилингач, Амир Темур никоҳига киради.

Зотан, соҳибқирон Амир Темур мазкур Сарой Мулк хоним туфайли «Курагон» унвонига мушарраф бўлади. Курагон ибораси мўгулча сўз бўлиб, «куёв» деган маънени ифодалар эди.

Сарой Мулк хоним хон авлодига мансуб бўлгани туфайли ҳарамдаги барча маликалардан улуг ҳисобланиб, «катта хоним» (Бибихоним) деган унвонга эга бўлди. Албатта, бундай эъзозга мушарраф бўлишда ақл-заковат ва фикрлаш доирасининг улканлиги бош омилдир. Биз тарихий манбалардан биламизки, Сарой Мулк хоним ўз замонасининг юксак идрокли, фаро-

сатли, тадбиркор ва ақл-заковат сохибаси бўлган. Шунингдек, хусн-латофат бобида ҳам беназир бўлган. Сарой Мулк хоним сиёsatдан, инсонпарвар, саховатли аёл бўлиб, салтанатни бошқаришда фаол иштирок этган, мамлакатнинг ижтимоий ва маданий қурилиш ишларига, айниқса, толиби илмларга ҳомийлик қилган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сарой Мулк хоним кўпинча ҳамроҳ эди. Муаррихлар гувоҳлик берадиларки, Амир Темур сиёсий, ҳарбий ишларда гарчи Сарой Мулк хонимнинг маслаҳатларини писанд қилмагандек кўринса-да, аммо унинг ақл-идрокига, тадбиркорлигига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб туар экан. Накъ қилишларича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфахоннинг қамали кўпга чўзилиб, кўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолибди. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк хонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, «қўшиннинг заҳираси тугади, хазинадан зар юборинг!» дейилганди. Сарой Мулк хоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мазкур мактубнинг орқа томонига «Улуг амир! Зарингиз тугаган бўлса, сиёsatингиз ҳам тугадиму?» — деб ёзади ва мактубни чопарга бериб, йўлга равона қиласди.

Амир Темур мактубни олгач, Сарой Мулк хонимнинг киноясини мушоҳада қилиб, ниҳоят бир қарорга келади: лашкаргоҳда сўйиб ейилган қўй, қорамол, от ва тия суякларини ўша куниёқ йигдириб, турли ҳажмларда қирқтириб, катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичигига кичик қиймат белгилаб, пўлат муҳрни қиздириб тамға босдиради ҳамда муваққат пул ўрнида муомалага киритиш ҳақида фармон беради. Натижада, кўшни шаҳар ва қишлоқлардан ушбу суяқ-пулга кўшин учун озиқ-овқат сотиб олинади. Тез кунда Исфахон шаҳри таслим бўлгач, суяқ пуллар зар билан алмаштирилади.

Амир Темур саройида жорий қилинган тартибга кўра, чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида унинг хотинлари ҳам иштирок қилгандар. Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, 1404 йил 8 сентябр душанба куни Амир Темур Самарқанд четидаги «Дилкушо» богида элчиларни қабул қилган маросимда Сарой Мулк хоним бошлиқ бошқа хотинлари ҳам юзларига парда ташлаб ўтирганлар. Испан қироли юборган ҳадялар орасида ҳукмдорга айниқса, қизил мовут маъқул бўлган ҳамда бу ҳақда ўз хотинла-

ри, биринчи навбатда Сарой Мулк хоним билан фикрлашган. Шунингдек, 1404 йил 17 октябр жума куни Сарой Мулк хоним катта зиёфат берган. Ушбу зиёфатда бошқа элчилар қаторида испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам иштирок қилган эди.

Нақл қилинишича, Сарой Мулк хоним кунлардан бир кун ўз жамгармаси ҳисобига савоблик учун худо йўлида бир мадраса бино қилдиришга Амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан рухсат бўлгач, отаси Қозонхон томонидан совға қилинган бир жуфт олмос балдогини сотувга қўйиб, мазкур маблагни мадраса қурилишига сарфлаган экан. Сарой Мулк хоним мадрасанинг қурилиш жараёнида тез-тез қурилиш майдонига келиб, устабоши ва иш бошқарувчиларга кўрсатмалар бериб турган. Ривоят қилинишича, мадраса қурилиши ниҳоясига ета бошлаган пайтда Сарой Мулк хоним одати бўйича ўз канизлари билан қурилиш майдонига келади ва устабошига бинонинг кам-кўстлари ҳақида кўрсатмалар беради. Устабоши Сарой Мулк хонимнинг юзини кўрмаган бўлса-да, лекин унинг жозибали сўз оҳангларидан ниҳоятда оқила ва ўткир зеҳни аёл эканлигига имони комил бўлади. Малика кетгач, устабоши хоним билан бўлган бир нафаслик мулоқотдан олган таассуротини ичига сиғдиролмай, ҳиссиёт галаба қилиб, атрофидаги усталарга:

— Ёпирай, аёл эоти ҳам шунчалик доно ва оқила бўладиму?.. Хоним ҳақида шу кунгача эшитган барча таъриф-тавсифларнинг ҳаммаси тўгри эркан. Қани энди ҳамма аёллар ҳам шундай нафосатга эга бўлсади — деб, чуқур уф тортади.

Устабошининг соддадиллик билан айтган бегубор сўзлари тез орада қурилишдаги барча корфармою, уста ва мадикорлар орасида тарқалади. Бир-икки кун ўтгач, миш-мишлар болалаб, «нима дейсан, устабоши хонимга гойибона ошиқ бўлиб қолган эмиш» деган сўзлар тарқаб кетади. Табиийки, бу миш-мишлар Сарой Мулк хонимга ҳам бориб етади. Устабоши ўзининг бемулоҳазалигидан ўкиниб, суяксиз тилнинг жароҳатидан нолиб турган бир пайтда, Сарой Мулк хонимнинг хос канизларидан бири қўлида рўмолга ўралган лаганчани устабошига узатаркан,— хоним ушбу тухумларни сизга юбормишлар. Токи мазкур етти хил рангга бўялган етти дона тухумни тановул айлаб, аларнинг мазаси бир хилму, ёхуд ҳар бирининг мазаси алоҳидаму, ушбуни фарқлаб бергай-сиз. Жавобини эртага қиём пайтида эшитурмиз — деб

қайтиб кетади. Устабоши рўмолни очиб, етти хифрангдаги тухумни ўз кўзи билан кўргач, хоним нимага шама қилаётганини тушуниб, чукур изтиробга чўмади.

Шу кунларда «Соҳибқирон Амир Темур навбатдаги юришдан қайтиб келаётгани, бугун-эрта Самарқандга етиб келиши» ҳакида овозалар тарқалади. Устабошининг кўз ўнги қоронгулашиб, қўли ишга бормай, ўз тақдири ҳакида ўйларкан, «миш-мишлар бошимга бало бўлди, ҳадемай соҳибқирон етиб келса, мени sog қўймас, жазога мустаҳик қилмоғи муқаррардур. Начора, тақдири азалда битилғон эрканда. Аммо чиқмаган жондин умид, деганлар машойихлар, бу ердин қочмоқ чорасини изламоқ даркор. Дарвоҷе, қочиб ҳам қаерга борғумдир. Пастга ҳам тушиб бўлмайдур, дарҳол тутуб зиндонга солурлар. Не қилмоқ керак?»

Устабоши ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келгач, шогирдини ёнига чақириб, уни ўз режасидан воқиф қиласди. Устабоши ўзига иккита қанот боғлаб, гумбаз устидан сакрайди. Қанот ёрдамида шаҳар четидаги яйловга шўнгийди. Аммо қўнишга улгурмай, боши билан ерга қадалиб, оламдан ўтади. У манзарани кузатиб турган шогирд «эҳ аттанг, устоз андак хатога йўл қўйибдурлар. Зоро, қанот билан бирга дум ҳам боғламоқ лозим эрди» — деб шогирд ўзига қанот ва дум боғлаб, гумбаздан яланглик томон парвоз қиласди. Вожиан шогирд дум ёрдамида сиҳат-саломат яланглик-ма қўниб, кўздан гойиб бўлган экан. Шундан буён халқ орасида «устасидан шогирди ўзган», деган мақол қолган бўлса эҳтимол.

Сарой Мулк хоним қурдирган мадраса XIV аср охири ва XV аср боши Самарқанддаги мадрасалар орасида энг улкани ва маҳобатлиси эди. Мадрасага замонанинг етук мударрислари тайинланиб, улар толиби илмларга диний ва дунёвий илмлардан дарс берганлар. Сарой Мулк хоним мадраса толиби илмларининг аҳволидан тез-тез хабар олиб, уларга ҳомийлик килиб турган.

Ривоятларга кўра, Сарой Мулк хоним ўз одатича, қош қорайгач, ўзининг хос қанизлари билан кийимларини ўзгартириб, мадраса томон йўл олади. Сарой Мулк хонимни қизиқтирган масала, мадраса толиби илмларининг аҳволи руҳияси, ким қандай тирикчилик ўтказаётгани ҳамда тунда қандай иш билан машғул эканликларини зимдан текшириб билиш эди. Хоним мадрасага етиб келганда ҳужраларнинг деярлик барчасида чирок

ўчган, толиби илмлар тун огушыда уйкуга кирган эдилар. Фақат биргина ҳужрада шам ёниб, ичкаридан гурунг эшитиларди. Сарой Мулк хоним канизларини мадраса ҳовлисида қолдириб, ўзи охиста юриб, ҳужра эшиги ёнига келади-да, ичкарига қулоқ солади. Толиби илмлардан бири иккинчисига:

— Қани айтингчи, биродари азиз, ҳозир күнглингиз нима истайдур?

— Э биродар, нима бўларди, қўй гўшти, қўй ёгида дамланган бир лаган серёғ палов бўлса, билакка пахта болграб, бир тўйиб ер эдикда,— дея жавоб бериб, ўзидан сўрайди.— Хўш, жўражон, ўзингизнинг күнглингиз нима истайдур?

— Э биродар, менинг кўнглимда тамоман бошқача орзу. Ушбу мадраса соҳибаси Сарой Мулк хоним дунёда тенгги йўқ гўзал деб эшитганмен. Қанийди иложи бўлса, шу хоним билан бир кечча сұхбатлашсам,— деб жавоб беради биринчи толиби илм. Шеригидан бундай қалтис сўзни эшитган жўраси: Э овозингизни ўчиринг, биродар, нима деяётганингизни биласизми, тагин бир фалокатни бошламанг,— деб дашном беради. Сўз шу ерга етганда Сарой Мулк хоним ҳужра эшигидан узоқлашади ва канизлари билан саройга қайтади.

Эртаси кун пешиндан оғгач, надимлардан 3—4 тасиға мадрасага бориб, барча толиби илмларни саройга олиб келишларини буюради. Толиби илмлар бу ногаҳо ний таклифдан ҳаяжонда, надимлар қуршовида саройга келадилар. Фақат икки толиби илм мазкур таклифдан шубҳаланар ва тундаги қалтис орзунинг курбони бўлиш даҳшатидан қалтирадилар. Барча толиби илмларни катта меҳмонхонага киритиб зиёфат қиласидилар. Зиёфат охирида қўй гўшти, қўй ёгида тайёрланган серёғ палов ҳам тортилади. Шундан сўнг, меҳмонхонага канизлар қуршовида, юзига парда тортган ҳолда Сарой Мулк хоним кириб келади ва маҳсус ўриндиқка ўтиргач, толиби илмлар орасидан тунги сұхбатдошларни таниб ўз ҳузурига чорлайди ва «Хўш, мулла йигитлар, билакка пахта болграб ейдиган палов бўлибдиму?» — дейди. Ҳалигача қўрқувдан қалтираб турган ҳар икки толиби илм, дарҳол тиз чўкиб:

— Куллик хонойим, таърифдин зиёда палов бўлибдур, мадҳига тил ожизлик қиласидур,— деб яна таъзим қиласидилар.

Сарой Мулк хоним биринчи толиби илмга юзланаракан: — Энди сизнинг орзунингизга келсак, кўриб

турганингиздек, мен соҳибқироннинг никоҳларида мен⁶, бинобарин сиз бирлан сұхбат курмогим мумкин зерас. Биноан алайхи ўзимнинг гўзал канизларимдан бирини сизга никоҳлаб берурмен, розимудурсиз? — дейди. Ҳалигача тили калимага келмай, эс-ҳушини йўқота-еэган толиби илм, дарҳол ўзини хоним оёғига ташлаб:

— Узр, авф этсунлар хонойим, бу беадаб қулларининг гуноҳидан ўтсунлар,— деб илтижо қилади. Шу аснода Сарой Мулк хонимнинг ишораси билан меҳмонхонага қози ва имом кириб келадилар ва барча толиби илмлар гувоҳлигида канизлардан бирини толиби илмга никоҳлаб кўядилар.

Афсуски, Сарой Мулк хоним мадрасаси узоқ умр кўрмади, XVI аср охирида Бухоро амири Абдулла-хоннинг темурийларга бўлган хусумати туфайли маҳсус фармон билан мадрасани буздириб ташлаган. Фақат мадраса ёнига қурилган мақбарагина сақланиб қолган. Мақбаранинг олд томони ранг-баранг кошинлар билан безатилган. Мақбаранинг ички қисмидаги бе-закларга яшил, қизил ва қора бўёклар билан жило берилган. Изораларга юлдуз шаклида кўк нақшлар ишланиб кошинли ҳошиялар билан ўралган. Мақбара даҳмасига ташқаридан маҳсус эшик орқали кирилади. Даҳма деворлари ҳам хилма-хил кошинлар билан беватилган. Даҳма ичига тош тобут кўйилган.

* Бундан ташқари, Самарқандда машҳур Бибихоним масжиди жомеъси ҳам бор. Бу масжидни Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтиб келгач, ўзининг улуғ бекаси Сарой Мулк хонимга аatab 1399—1404 йиллар мобайнинда қурдирган эди. Мазкур масжиди жомеъ Ўрта Осиёдаги обидаларнинг энг йириги ҳисобланади. Фақат ҳовлисининг сахни $63,8 \times 76,0$ метр бўлиб, атрофи равоқ ва пештоқлар билан ўралган. Масжиднинг умумий сахни эса 167×109 метрdir.

Давр ўтиши билан Бибихоним масжиди зилзилалар таъсирида анча путурдан кетиб, вайронага айланди. Ҳозирги кунда Бибихоним масжиди бир-бири билан боғланмаган олти бўлакдан иборат бўлиб, ҳовлининг юқори қисмida меҳробли баланд пештоқли бино, пойгакда масжиднинг иккига ажralган пештоқи ҳамда шимоли-тарб қисмida якка ҳолда сақланиб қолган минора. Ўз даврида мазкур бўлаклар уч қатор оқ мармар устунли, енгил равоқли пешайвонлар билан бир-бирига бирлаштирилиб, уларнинг устида 400 та гумбаз-чалари бўлган. Устунларнинг жаъми 480 та бўлиб,

3,5 метр оралигда ўрнатилган, устунларнинг остки қисми маҳсус тағкурсили, ўрта қисми ўйма нақшкор, юқори қисми рангли қошинлар билан қубба шаклида ишланган. Ҳовли ўртасига мармар тошдан ишланган улкан лавҳ-қуръон қўйиб ўқиладиган маҳсус курси ўрнатилган. У авваллари асосий бино ичида бўлиб, 1875 йилда катта гумбазнинг қулаш ҳавфи бўлганлиги туфайли ҳовли ўртасига чиқариб қўйилган. Мазкур лавҳ Улугбек Мирзо Курагоннинг фармони билан ясалган. Лавҳга «Султони аъзам, олий ҳимматли ҳоқон, дин-диёнат ҳомийси, Ҳанафия мазҳабининг посбони, аслзода султон ибн Султон амир ал-мўминин Улугбек Курагон» деб ёзилган.

Бибихоним масжидига кираверишда катта пештоқ бўлиб, унинг устки қисми 1897 йилги зилэйлада қулаб тушган. Пештоқнинг ички қисмида кичикроқ иккинчи равоқ ўрнашган бўлиб, ўйма мармар ҳошияли дарвозаси ҳам бўлган. Дарвоза устига ўрнатилган лавҳада масжиднинг қурилган йили ҳамда Амир Темурнинг шажараси битилган. Масжиднинг «ҳафт жўш» — етти хил металл қотишмасидан ясалган қўш табақали дарвозаси бўлган. Бу дарвоза кейинчалик йўқолиб кетган.

Бибихоним масжиди ҳозир вайронга ҳолда бўлса ҳам, ундаги серҳашам безакларнинг ўта нафислиги киши диққатини ўзига жалб қиласи. Ундаги рангбаранг шакл ва нақшлар ўша давр усталарининг нозик дид ва юксак маҳоратидан далолат бериб туради.

1405 йил 18 февралда соҳибқирон Амир Темур Утрорда вафот қилгач, Самарқанд таҳтига унинг набираси Ҳалил Султон Мирзо (1384—1411) ўтиради. Ибн Арабшоҳнинг берган маълумотига кўра, Ҳалил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим 1408 йилда Сарой Мулк хонимни заҳарлаб ўлдирган. Сарой Мулк хонимнинг жасадини ўзи қурдирган мадрасаси ёнидаги мақбарага тош тобутга солиб, мўмиёланиб дафн қилинган. 1941 йил июн ойида Гўри Амир мақбарасида абадий уйқуга кетган Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо ва Улугбек Мирзоларнинг қабрлари очиб текширилгач, Сарой Мулк хоним қабри ҳам очилиб, жасадни текшириш мақсадида Тошкентга олиб келинган. Кейинчалик яна Самарқандга олиб бориб қўйилган.

Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо соҳибқирон ўз ўғли Шоҳруҳ

Мирзони, суюкли набиралари Мұҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улугбек Мирзо ва бошқа мирзоларни бевосита зүкко Сарой Мулк хоним тарбиясига топширган эди.

Гарбий Оврупо олимларидан баъзилари (Бретшнейдер) Шохруҳ Мирзо Сарой Мулк хонимдан туғилган, деб ёзганлар. Бироқ тарихий манбаларда бундай маълумотлар учрамайди. Тарихчи Ҳондамирнинг бергани маълумотига қараганда, Шохруҳ Мирzonинг онаси Тағой Туркон оғо бўлиб, соҳибқироннинг хос канизакларидан эди. Ҳондамир мазкур маълумотни Шохруҳ Мирzonинг ўзи туздирган «насабнома»сидан олганлигига ишора қиласи.

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРАМИ

Амир Темурнинг яна бир хотини Чўлпон Мулк Оғо бегим бўлиб, Ҳожибек мўгулнинг қизи эди. Чўлпон Мулк Оғо ниҳоят даражада гўзал бўлган. У соҳибқироннинг 1391 ва 1394 йиллардаги ҳарбий юришларида бирга юрган. Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, гўё Чўлпон Мулк Оғо Амир Темурга вафосизлик қилгани туфайли соҳибқирон ўз қўли билан бўғиб ўлдирган эмиш. Аммо Амир Темур тарихига оид расмий ҳабарларда бундай маълумот учрамайди. Аксинча, тарихчи Шарафуддин Али Яздий 1403 йил воқеаларини шарҳлаб, Чўлпон Мулк Оғонинг номини бир неча ўринда зикр қилиб ўтади. Шунингдек, Кастилия элчиси Клавихо ҳам 1404 йилда малика Чўлпон Мулк Оғони кўрганлигини ёзган. Чўлпон Мулк Оғонинг қачон ва қаерда вафот қилгани ҳақида ҳозирча маълумот учрамади.

Темур ҳарамидаги маликалардан яна бири Дилшод Оғо бегим бўлиб, Султон Увайс Шайх Ҳасан жалоийирнинг қизи эди. У 776/1374 йилда Амир Темур никоҳига киради ва 785/1383 йилда касал бўлиб вафот этади. Дилшод Оғо бегимдан фарзанд бор-йўқлиги номаълум.

Соҳибқироннинг суюкли хотинларидан бири — Туман Оғо бегимдир. Туман Оғо бегим Сарой Мулк хонимнинг акаси амир Мусонинг қизидур. Ҳонимга жиян ўрнидадур. Туман Оғо 1366 йилда туғилиб, 1378 йилда 12 ёшида Амир Темурга никоҳ қилинган.

Туман Оғо бегим хусн-латофатда беназир бўлган

экан. Соҳибқирон Туман Ого шарафига Самарқандда махсус Боги биҳиштни барпо эттирган. Амир Темур вафотидан сўнг тахтга ўтирган Ҳалил Султон Мирзо 1406 йилда Шайх Нуриддин билан бўлган жангда енгилиб, сулҳга мувофиқ малика Туман Ого бегимни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беришга мажбур бўлади. 1411 йилда Шоҳруҳ Мирзо тарафидан амир Шайх Нуриддин қатл қилингач, Тумаң Ого бегимни Ҳиротга олиб келадилар.

Амир Темурнинг яна бир хотини Тукал хоним бўлиб, Ҳизр Ҳўжанинг қизи эди. 800/1397 йилда соҳибқирон Конигилда катта тўй ўтказиб, Тукал хонимни ўз никоҳига киритади. Тукал хоним ҳарамда (хон қизи бўлгани туфайли) Сарой Мулк хонимдан кейинги ўринда, яъни «кичик хоним» деб аталган. 1397 йилда соҳибқирон Тукал хоним шарафига Самарқандда «Боги дилкушо»ни барпо этдиради.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, 1408 йилда Ҳалил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим Тукал хонимни заҳарлаб ўлдирган.

Соҳибқироннинг кейинги даврларда олган хотини Рух Парвар Ого бўлиб, амир Темурнинг хос канизларидан эди. Рух Парвар Ого ҳам ёш ва гўзал аёл бўлган. Унинг соҳибқирондан фарзанди бўлмаган.

Амир Темур вафотидан сўнг Рух Парвар Оғони амир Ҳамза Сулдуз хотинликка олган. Амир Ҳамза Сулдуз вафот этгач, Рух Парвар Оғони амир Али Тархон ўз никоҳига киритган. Амир Али тархон вафотидан сўнг, Рух Парвар Оғони амир Ҳасан Сўфи ўз ҳарамига олган.

Рух Парвар Ого 1423 йил 7 декабрда вафот этган.

АМИР ТЕМУР ФАРЗАНДЛАРИ



Ўги БЕГИ ХОНИМ Амир Темурнинг катта қизидир. Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Ўги Беги хонимнинг онаси Турмуш Оғадир. Шунингдек, Ўги Беги хонимнинг қайси йилда туғилгани ҳақида аниқ маълумот учрамайди.

Шарафуддин Али Яздиининг ёзишича, Ўги Беги хоним ҳусн бобида тенгги йўқ, ақл-идрокда беназир бўлган. Амир Темур бу қизини ниҳоятда яхши кўрган ва ўзиға яқин туттган экан. Ўги Беги хонимни амир Мусонинг ўғли Мухаммадбекка никоҳ қилганлар. Ўги Беги Мухаммадбекдан бир ўғил туқсан, исми шариfinи Султон Ҳусайн Мирзо деб атаганлар.

Аммо, 1382 йилда Ўги Беги хоним тўсатдан оғир бедаво касалга учрайди. Кўпгина табиби ҳозиқларнинг қилган муолижалари фойда бермайди. Ўги Беги хоним 1382 йил охирида вафот этади.

СУЛТОН ҲУСАЙН МИРЗО Темурнинг күёви Мухаммадбекнинг ўғли бўлиб, Темурнинг катта қизи Ўги Беги хонимдан туғилган. Шарафуддин Али Яздиининг ёзишича, Султон Ҳусайн Мирзо бобоси Темур вафот қилган вактда 25 ёшда бўлган. Демак, у 1380 йилда туғилган бўлиб чиқади. Султон Ҳусайн Мирзога Мироншоҳ Мирзонинг қизи Қутлук Султон бегим никоҳ қилинган эди.

Ҳофизи Абронинг маълумотига қарагандо, Султон Ҳусайн Мирзо ёшлиқдан такаббур, ўзбошимча ва табиатан иғво-фитнага мойил бўлиб, ундаги бу нуқсон барча темурий шаҳзодалар ҳамда амир ва бекларга маълум эди. Шарафуддин Али Яздиининг ёзишича,

1400 йилнинг охирида Темур ўз қўшини билан Дамашқни қамал қилган вақтда, Султон Ҳусайн Мирзо ўз одамларидан ажраб, душман томонига ўтиб, ўз кишиларига қарши қурашади. Икки кун ўтгач, шаҳарни забт қилиш учун қилинган биринчи ҳамладаёқ Султон Ҳусайн Мирзони ушлаб Темурнинг олдига олиб келишади. Унга қилган ҳаракати учун таёқ жазоси берилади. Аммо буқурни гўр тузатади, деганларидек, унинг ҳасадгўйлиги умрининг охиригача давом этади.

Хофизи Абронинг ёзишича, Султон Ҳусайн Мирзо баҳодир йигит бўлса-да, лекин ўта бузуқи ва беоқибат бўлган эди. У Андхўй теварагида ҳеч бир сабабсиз бобоси Амир Темур ўрдасидан қочиб, Кеш атрофида Султон Ҳолид Мирзо ҳузурига борган ва унинг иноятига сазовор бўлган.

Султон Ҳусайн Мирзо Амир Темурнинг Хиндистон, Ирок, Озарбайжон, Шом (Сурия) ва бошқа мамлакатларга қилган ҳарбий юришларида фаол қатнашган. Жумладан, Темурнинг 1405 йилдаги Хитойга қилган машҳур юришида, у қўшиннинг чап қанотига бошлиқ қилиб тайинланган.

1405 йил феврал ойида Темур вафот қилган вақтда, Султон Ҳусайн Мирзо ўзига бириклирлган қўшин билан Сабронда қишлоамоқда эди. Темурнинг вафоти ҳақида Ўтрордан хабар келиши биланоқ, у Самарқанд тахтини эгаллаш васвасаси билан ўзига қарашли қўшинни Самарқандга қайтишга ундейди. Бироқ қўшиндаги ҳарбий саркарда ва беклар орасида ҳамжиҳатлик бўлмагач, у ўзига содик мингта отлиқ аскарни олиб, шитоб билан пойтахтга қараб йўл олади. Аммо Самарқанд тахтига Султон Халил Мирзо ўтирганини эшитгач, тахтни қўлга киритаолмаслигига кўзи етади ва ўз қўшини билан Халил Султон Мирзо ҳузурига келиб, унинг мулозаматида бўлади. Халил Султон Мирзо унга ишонч билдириб, 30 минглик қўшинга бошлиқ қилиб тайинлаб, Пир Мухаммад Мирзога қарши юборади. Султон Ҳусайн Мирzonинг Пир Мухаммад Мирзога қарши юришида амир Аргуншоҳ, амир Худойдод, Темурхўжа, амир Оллоҳдод ва Хўжа Юсуфлар бирга эдилар. 1405 йил май ойида Султон Ҳусайн Мирзо қўшини Балхни эгаллайди. Ана шундан сўнг, Султон Ҳусайн Мирзо кўнглида салтанат, тожу-тахт васвасаси пайдо бўлиб, амирларни ўз ҳузурига чорлаб, «бир иш содир бўлдиким, бу ишни ҳал қилишда сизлардан бошқа ҳечким маҳрам бўлаолмайди», деб барча амир-

ларни ўз қароргоҳига олиб киради. Шу аснода олдиндан тайинланган 20 чоғли навкарлар қароргоҳга кириб келиб, амирларнинг қўл-оёқларини боғлайдилар. Султон Ҳусайн Мирзонинг ишораси билан навкарлар дарҳол амир Темурхўжа ва Хўжа Юсуфни қатл қиласидилар. Қолган амирлар Султон Ҳусайн Мирзога содик эканликлари ҳақида қасамёд қилиб, зорутаваллолар билан ўз жонларини сақлаб қоладилар.

Шундан сўнг Султон Ҳусайн Мирзо Самарқанддан Балхга — Пир Муҳаммад Мирзо ҳузурига келаётган Муҳаммад Султон Мирzonинг ҳарами Хоника бегимни тўхтатиб, барча мол-мулкларини талаб, горат қиласиди. Салтанатга тегишли мол-мулкни қўшинга тақсимлагач, ўз валинесьмати Халил Султон Мирзога қарши Самарқандга юриш бошлайди. Султон Ҳусайн Мирzonинг хиёнатидан хабар топган Халил Султон Мирзо 1405 йил 6 июлда Шахрисабз яқинидаги Жигдалик мавзеъида Султон Ҳусайн Мирзо қўшинини тор-мор қиласиди. Жанг жараёнида амир Аргуншоҳ ва амир Ҳудойдодлар Халил Султон Мирзо томонига қочиб ўтадилар. Халил Султон Мирзо қўшини Султон Ҳусайн Мирzonи Балхгача қувиб боради ҳамда Балхни эгаллайди. Балхда Султон Ҳусайн Мирzonинг ҳарами билан бирга барча бойлиги Халил Султон тасарруфига ўтади. Султон Ҳусайн Мирзо Балхдан қочиб, Андхўйда ҳоким бўлиб турган Темурнинг жияни (опасининг ўғли) Сулаймоншоҳ ҳузурига келади. Сулаймоншоҳ Султон Ҳусайн Мирzonи яхши қабул қиласиди ва унга эҳтиром кўрсатади.

Бироқ, кўп ўтмай, Пир Муҳаммад Мирзо қочоқ Султон Ҳусайн Мирzonи ушлаб беришни Сулаймоншоҳдан талаб қиласиди. Сулаймоншоҳдан рад жавобини олгач, Пир Муҳаммад Мирзо 3000 аскарни Сулаймоншоҳга қарши юборади. Сулаймоншоҳ Пир Муҳаммад Мирзога қарши туроғласлигига кўзи етгач, Султон Ҳусайн Мирzonи олиб Ҳиротга — Шоҳруҳ Мирзо даргоҳига сигиниб боради.

Шоҳруҳ Мирзо Сулаймоншоҳ билан Султон Ҳусайн Мирzonи илтифотлар билан қарши олади. Воеадан хабардор бўлгач, Сулаймоншоҳга Сарахс вилоятини суюргол қилиб беради ва Мироншоҳ ҳузурига злчи қилиб жўнатади.

Султон Ҳусайн Мирзо масаласига келганда, Ҳофизи Абронинг ёзишига қараганда, Шоҳруҳ Мирзо ўз аркони давлати билан маслаҳатлашади. Аркони давлат эса, Султон Ҳусайн Мирзо ҳақида «бу нодон галамис ва оқибатсиз, бебок ҳазрат соҳибқирон ҳаётлигига ҳам

Самарқандда ва Шошда исён қўттарган, он ҳазратнинг вафотларидан сўнг, амирлар билан мухолифатчилик қилган эди. Эндиликда ҳеч сабабсиз зафар байроқли ўрдудан юз ўгириб, Халил Султон Мирзо ҳузурига борди. Унинг амирларини қатлга етказди. Хониканинг мол-мулкини горат қилди. Бинобарин, бундай нопок қариндошнинг баҳридан ўтмак керак, деб арз қиласидар.

Шундан сўнг Шохруҳ Мирзо Пир Муҳаммад Мирзонинг талабини тўғри деб топиб, Султон Ҳусайн Мирзони қамоқقا ҳукм қиласидар. Бир неча кун ўтгач, Шохруҳ Мирzonинг фармонига мувофиқ, амир Нуширавон барлос Султон Ҳусайн Мирзони Ҳиротнинг Ироқ дарвозаси ташқарисига олиб чиқиб қатл қиласидар. Ҳофизи Абронинг ёзишича, Султон Ҳусайн Мирzonинг бош терисини шилиб олиб, ичига похол тиқиб Пир Муҳаммад Мирзо ҳузурига юборадилар. Калласиз жасадни эса Ҳирот бозорига осиб қўядилар.

Шарафуддин Али Яэдийнинг берган маълумотига қараганда, Султон Ҳусайн Мирзодан икки қиз қолган бўлиб, улардан бирининг исми Феруза бегимдур.



СУЛТОН БАХТ БЕГИМ Амир Темурнинг иккинчи қизидур. Султон Баҳт бегимнинг ғонаси соҳибқироннинг иккинчи хотини — Ўлжаой Туркон Оғо бегим эди. У 1366 йилдаёқ вафот этганлиги маълум. Бинобарин, Султон Баҳт бегимнинг туғилган йилини 1360—1366 йиллар оралиғи деб таҳмин қилиш мумкин.

Султон Баҳт бегим табиатан шаддод, ўжар ва эркакларга хос табиатга молик бўлиб, эркакларни унчалик ёқтиргмаган. Султон Баҳт бегим Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миркага никоҳ қилинган эди. Амир Темур Хутталон вилоятини куёви Муҳаммад Миркага инъом қилган эди. Бироқ Муҳаммад Мирка


Темур салтанатига қарши исён кўтаради. 1388 йилда^{*} исён бостирилиб, Муҳаммад Мирка укаси Абулфатҳ билан бирга қатл қилинади. Қатл Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзонинг фармонига биноан бажарилади.

1389 йилда малика Султон Бахт бегим амир Довуд дутлотнинг ўғли амир Сулаймоншоҳга никоҳ қилинади.

Малика Султон Бахт бегим 1430 йилда Нишопурда вафот этади.



Мұхаммад Жақонгир Мирзо (1356-1376)



МУҲАММАД ЖАҲОНГИР МИРЗО

У Амир Темур соҳибқироннинг катта ўғли бўлиб, у 1356 йилда тугилган. Хондамирнинг берган маълумотига кўра, унинг онаси Турмиш Оғодир.

Жаҳонгир Мирзо отаси Темурга ўхшаб бир сўзли, қатъиятли ва жасур бўлган. У ёш бўлишига қарамай, ҳарбий илмдан яхшигина хабардор бўлиб, отаси Амир Темурнинг ҳарбий юришларида ўзига топширилган кўшин қисмларига моҳирона бошчилик қилган.

Амир Темур Шарқий Туркистон (Мўгулистон)га қарши қилган юришларининг (1370—1376) учтасида, шунингдек Хоразмга қилған юришларида Жаҳонгир Мирзо фаол қатнашади. Соҳибқирон жангда енгилиб қочган амир Қамариддиннинг изидан таъқиб этишни Жаҳонгир Мирзога топширади.

1373 йилда Жаҳонгир Мирзо Хоразм шоҳи Ҳусайн Сўфининг қизи Севин бекани (кейинчалик Хонзода бегим номи билан машҳур бўлади) ўз никоҳига олади. Хонзода бегим Ўзбекхоннинг набираси эди.

1374 йилда Жаҳонгир Мирзо Илёс Ясурийнинг қизи Баҳт Мулк Оғога уйланади. Ундан тугилган ўғилга Пир Муҳаммад Мирзо деб исм қўйишади. Аммо Жаҳонгир Мирзо 1376 йилда 20 ёшида касал бўлиб, вафот этади.

Темур ўз ўғиллари орасида Жаҳонгирга алоҳида эътимолд қўйган эди. У Жаҳонгирни яхши кўрар ва келажакда ўз таҳтининг вориси деб биларди.

ХОНЗОДА (СЕВИН БЕКА) БЕГИМ 1371 йилда Амир Темур Хоразмга кўшин тортиб, Ҳусайн Сўфи билан Хоразм ёнида жанг қиласи. Жангда Ҳусайн Сўфи енгилиб, шаҳар қалъасига кириб жон сақлайди. Амир

Темур Хоразм атрофидаги ерларни забт этиб, шаҳарни қамал қиласди. Қамал асносида Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфи 1372 йил 5 январ куни вафот этади. Шундан сўнг Хоразм тахтига ўтирган Юсуф Сўфи Амир Темур билан битим тузади. Битимга мувофиқ Юсуф Сўфи жияни Ҳонзода (Севин бека) бегимни Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзога хотинликка беришга рози бўлади. Амир Темур эса шаҳарни қамалдан озод қилиб, қайтиб кетади.

Ҳонзода бегим Ўзбекхонимнинг набираси, яъни хон авлодидан эди. 1373 йилда Амир Темур буйругига биноан, Ҳонзода бегим Хоразмдан маъсус маҳофа билан келиниб, Самарқандда Конигилда катта тўй-томошалар билан Жаҳонгир Мирзога никоҳланади.

Ҳонзода бегим Жаҳонгир Мирзодан бир ўғил туғади. Исмини Муҳаммад Султон Мирзо деб атайдилар. Бироқ, 777/1376 йилда Жаҳонгир Мирзо вафот этиб, ёш малика Ҳонзода бегим бева қолади. Аммо қандайдир сабабларга кўра, Амир Темур Ҳонзода бегимни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилган. Замона тарихчиларининг берган маълумотларига қараганда, Амир Темур келини Ҳонзода бегимни ниҳоят даражада ҳурмат қилган ва унинг раъийига қараган. Балки Ҳонзода бегим Ўзбекхон авлодидан бўлгани учундир. Бироқ тарихчиларнинг ҳамжиҳатлик билан гувоҳлик беришларича, Ҳонзода бегимнинг ўткир зеҳни, ақл-фаросати ҳамда тадбиркорлиги Амир Темурни ҳам ўзига ром этганидадир.

Амир Темур аввало Ҳонзода бегимни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилган бўлса, иккинчидан ўзбек уруғ ва қабилаларида қадимдан урф-одат тусига кириб келаётган расмни қўллаган, яъни ўлган аканинг бевасини кичик укасига никоҳ қилиш русумига биноан иш тутган. Бинобарин, Амир Темур 1383 йилда Ҳонзода бегимни учинчи ўғли Мироншоҳга никоҳлаб беради. Ҳонзода бегим Мироншоҳдан бир ўғил туғади. Исмини Халил Султон Мирзо деб атайдилар.

1407 йилда Ҳонзода бегим Маккатулло зиёратига кетади. Байтуллоҳ зиёратидан қайтгач, Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига қараганда, ўғли Халил Султон Мирзонинг ўлимидан бир неча кун илгарироқ, яъни 1411 йил 3 ноябрда Тусда вафот қиласди.

МУҲАММАД СУЛТОН МИРЗО Жаҳонгир Мирзонинг катта ўғли эди. У 1376 йилда Хоразм ҳукмдори

Юсуф Сўфининг қизи — Хонзода (Севин бека) бегимдан • тугилган эди.

Амир Темур суюкли ўгли Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг, ўзининг барча орзу-умидларини Муҳаммад Султон Мирзога боғлаб, унга зътимод кўйди. Ўзидан сўнг тахт-тоҷнинг ягона вориси деб биларди.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Султон Мирзо бобоси Амир Темурга ўхшаб жасоратли, қатъиятли, зукко, душманга нисбатан шафқатсиз, довюрак жангчи эди. Шунингдек, у салтанат ишига озгина бўлса-да, зиён етказган кишини, у ким бўлишидан қатъи назар, ўз авлодидан бўлса ҳам аяб ўтирмас, аксинча шафқатсиз равишда жазоларди.

1399 йилда Амир Темур навбатдаги ҳарбий юришга кетаётib, Самарқанд хукмдорлигини 23 ёшли Муҳаммад Султон Мирзога топшириб кетади.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, 1399/1400 йил қиши фаслида Муҳаммад Султон Мирзо билан Фарғона ҳокими Искандар Мирзо ўртасида низо чиқади. Муҳаммад Султон Мирзо ўз амакивачаси 16 яшар Искандар Мирзони Самарқандга чорлаб келтириб, авахтага ташлатади. Искандар Мирзо билан бирга келган 26 нафар навқари ҳамда шаҳзоданинг отабегисини қатл қилдиради.

Мусавийнинг ҳикоя қилишича, кейинчалик Амир Темур Самарқандга қайтиб келгач, шаҳзодалар орасида вужудга келган низони текшириб кўради ва Муҳаммад Султон Мирzonинг қилган ишини ноҳақ деб топади. Бинобарин, Искандар Мирзони авахтадан озод қилиб, ундан тортиб олинган барча молларни қайтариб беришга амр қиласди.

1401 йил март ойида Амир Темур Дамашқ (Сурия)да тураркан, набираси Муҳаммад Султон Мирзога собиқ Хулагуҳон тасарруфида бўлган вилоятларни (Ироқ ёки шимоли-гарбий Эрон) бошқариш ҳақида фармон юборади. Натижада, 1401 йил ноябр ойида бобо билан набира Қорабоғда учрашадилар.

1402 йилда Амир Темурнинг Кичик Осиёга — Боязид Йилдирим (Яшин)га қарши юришида Муҳаммад Султон Мирзо фаол қатнашади. У ҳатто Кичик Осиёнинг гарбий қирғогигача боради. Бироқ у ердан қайтаётгандан шамоллаб, 1403 йил 12 марта Қора Ҳисор мавзеида 27 ёшида вафот этади. Муҳаммад Султон Мирzonинг жасади Оқшаҳарга жўнатилади.

Муҳаммад Султон Мирzonинг вафоти ўрдугоҳни ларзага келтиради. Амир Темур суюкли набираси вафотидан қаттиқ қайгуради. Барча қўшинлар қора ва

кўқ либосга бурканади. Ҳатто оқ от миниш ҳам манъ этилади. Ҳар куни тонг сахарда йиги билан таъзия бошланиб, кечқурун яна йиги билан хотималанаиди. Мазкур тартиб бир неча кун давом этади. Нихоят, лашкарбошиларнинг тасалли беришлари восита-сила, бир неча кундан сўнг соҳибқирон таъзияни тўх-татади.

Муҳаммад Султон Мирзонинг жасади солинган тобутни Оқшаҳардан тахтиравонга қўйиб, 200 отлиқ аскар муҳофазасида Орзурум вилоятига жўнатилади. У ерда жасадни янги тобутга солиб, муваққат дафн этиш учун Султонияга жўнатилади. Эски тобут эса Оник шаҳарчасида қолдирилади. Амир Темур Оник шаҳрига келгач, валиаҳд шаҳзодага қайтадан таъзия очилади. Бу таъзияга Султониядан, Табриз, Қазвин ва бошқа шаҳарлардан шаҳзодалар, маликалар, сайидлар ва уламолар келадилар. Марҳум шаҳзоданинг онаси Хонзода бегим (Севин бека) ҳам Султониядан етиб келади. Мазкур эски тобутни олиб келинади ва ҳамма иштирокчилар тобут атрофида нола-фигон қиласидилар. Ҳамма қайтадан қора ва кўқ либосга ўралади. Таъзия майдонига марҳум шаҳзоданинг катта ногораси (ко-вурго-жанг ногораси)ни олиб келадилар. Шу асномда барча шаҳзодалар, маликалар, беклар ва жангчилар овоз чиқарib йигиладилар. Шундан сўнг ногорани тилимлаб кесиб, майда-майда бўлакларга бўлиб ташлайдилар. Таъзия тугагач, яна қора кийимларни ечишга ижозат берилади.

1404 йил март ойида марҳум Муҳаммад Султон Мирзо вафотининг бир йиллик маросими Аракс дарёси яқинида Корабоғда ўтказилади. Чунки шу пайтда Амир Темур Корабоғда зди. Бу ерга марҳум шаҳзоданинг хотираси учун барча шаҳзода ва маликалар, беклар, уламолар йигиладилар: Бу сафар таъзияда йиги-сиги қилинмай, келганларга ош-сув берилгач, ҳатми қуръон билан маросим тугайди. Марҳум шаҳзоданинг онаси Хонзода бегимга Султонияга бориб, Муҳаммад Султон Мирzonинг жасадини муваққат даҳмадан олиб, Самарқандга кўчиришта ижозат берилади.

Шарафуддин Али Яздийнинг берган маълумотига кўра, Муҳаммад Султон Мирzonинг ҳоки Самарқанддаги марҳумнинг мадрасаси ёнидаги мақбарага дафн қилинади. Клавихонинг ёзишича, 1404 йилнинг июл ойида Амир Темур сафардан қайтиб келиб, шаҳар четидаги «Чинорли bog»га тушади ва у ердан Муҳаммад

Султон Мирзо мадрасасига «марҳум неварасининг хокини зиёрат қилиш учун» боради. Кейинчалик, Муҳаммад Султон Мирзо мақбарасини баланд қилиб қурдиради ва атрофини бөг қилиб ўраттиради. Амир Темур набираси Муҳаммад Султон Мирзони ўзининг валиаҳди қилиб тайинлаган эди. Ёш шаҳзоданинг тўсатдан бетоб бўлиб вафот этиши, Темурнинг келажак режаларини барбод қиласиди. Чунки, у ўзининг фарзандлари Мироншоҳ ва Шоҳруҳ сиймоларида таҳт учун муносиб номзодни кўрмас эди.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Муҳаммад Султон Мирзо олимлар, фозилларга ўта ҳайриҳоҳ бўлган.

Муҳаммад Султон Мирзодан уч ўғил ва бир қиз қолган эди. Ўғиллари — Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо, Саъд Ваққос Мирзо ва Яҳё Мирзолар эди. Қизининг номи Ўги Беги эди.

ПИР МУҲАММАД МИРЗО Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи ўғлидир. У 1376 йилда отасининг ўлимидан сўнг 40 кун ўтгач, Баҳт Мулк Оғо бегимдан туғилган.

1392 йилда соҳибқирон Амир Темур Газна, Кобул, Зобилистон, Қандаҳор вилояти ва унинг атрофи, то Синд дарёсигача бўлган ерларни Пир Муҳаммад Мирзонинг тасаруфига топширган эди. Бинобарин, уни Пир Муҳаммад Кобулий ҳам деб атардилар. Пир Муҳаммад Мирзо бобоси Амир Темурнинг бир неча юришларида ҳамроҳлик қилган эди. Жумладан, Пир Муҳаммад Мирзо Амир Темурнинг Ҳиндистон сафарида ўнг қанот қўшинда хизмат қилган.

Пир Муҳаммад Мирзо бобоси Амир Темур вафот қилган вақтда Қандаҳорда эди. Дарҳақиқат, темурий шаҳзодалар орасида, Мироншоҳни ҳисобга олмаганда, Пир Муҳаммад энг каттаси эди. Бинобарин, Амир Темур ўлим олдида ўз валиаҳди қилиб Пир Муҳаммад Мирзони белгилаган эди. Бу ҳақда Пир Муҳаммадга хабар юборилган бўлса-да, бироқ ҳеч ким унинг етиб келишини кутиб ўтиrmади, аксинча ҳар ким ўз хоҳишича таҳт учун курашабошлади.

Таҳтнинг ҳақиқий вориси Пир Муҳаммад Мирзо Самарқанд таҳтига ўтириш мақсадида йўлга чиққанда, Халил Султон Мирзо аллақачон таҳтни эгаллаган эди. Таҳт учун иккинчи даъвогар Султон Ҳусайн Мирзо эса таҳтни ололмаслигига кўзи етгач, Халил Султон Мирзога бориб қўшилган эди ва биз Султон Ҳусайн Мирзо бўлимида бу ҳақда тўлиқ маълумот бердик.

Пир Мұхаммад Мирзо Ұз йұлиға түсінілік қылған Сулаймоншоҳ әулетінен Султон Ҳусайн Мирзога қарши жаңг қилишга мажбур бұлади әулеттің пировардиде Сулаймоншоҳ устидан қылған галабасидан сұнг Балхни згаллайди әулеттің Шохрух Мирзо билан Мовароуннахрни құлға киритиш борасыда Халил Мирзога қарши бирғаликда курашмоқ учун Шохрух Мирзо билап битим имзолайди. Битимта күра, амир Шоқ Малик Халил Султон Мирзога қаршы көришни бир оз кечіктеришлишини, токи Шохрух Мираонинг құшыни отиб келишини күтишини Пир Мұхаммад Мирзодан илтимос қылади. Шунингдек, көришни Бухородан бошлашны таклиф қылади. Бироқ Халил Султон Мирзо аскарларының йұлға чикқан хабарини әптишгач, Қарши томонға қарыб юрадилар. 1406 йыл февральда Халил Султон Мирзо құшыни билан Пир Мұхаммад Мирзо ша Шохрух Мирзо құшынлари ўртасыда Қарши әкіннің жаңг бошланади. Жаңг қизиб, Шоқ Маликнинг баходырлғы натижасы ұлароқ, Халил Султон Мираонинг маглубияты қүриниб турған бир пайтда, бир неча амирлар Пир Мұхаммадға хиёнат қилиб, жаңг майдонини тащылаб кетадилар әулеттің натижасы Халил Султон Мирзо фойдаесига ҳал бұлади. Пир Мұхаммад Мирзо Балхга, Шоқ Малик зса Ҳурсонға қарыб қочадилар. Пир Мұхаммад Мираонинг жаңг майдонидан қочиш аеноисида, бутун бошылғы қароргоҳы на ҳардами Халил Султон Мирзо құлға тұшади. Мана шту маглубияттан бир йыл үтгач, яны 1407 йыл 22 февральда Пир Мұхаммад Мирзо ұзининг қазири амир Пир Али Тоз томонидан қийнаб, бұғиб үлдириләді Амир Пир Али Тоз Ұз налинеъмати Пир Мұхаммад Мирзога құшиб ушып әнг яқып кишиларини ҳам ұлак этади.

Абдураззок Самарқандийнинг әлишічесі, Пир Али Тоз оддий наңқар бұлып юрган кезларыда, Пир Мұхаммад Мирзо уни Ұз налохига олиб, оддий наңқардик-дан амирлік даражасында күтарған. Күпгина тарихий маңыздыларының маълумотига қараганда, Пир Али Тоз иғвогар, шұхраттараст әулеттің бузық шахсе зди. Пир Али Тоз 1405 йылда Халил Султон Мирзо құшыннан қызмет қылған Султон Ҳусайн Мирзона Халил Султон Мирзога қаршы оёқланып күттегендегі қызметтің маълумотига қарағанда, Пир Али Тоз Амир Темур шаффот қылғач, дархол Халил Султон Мирзо құшыннан ажраб, Балхга келған.

Пир Мұхаммад Мирзо үлдирилған, Пир Али Тоздан қасос олиш мәқсадыда Шохрух Мирзо аскар юборади.

Жангда Пир Али Тоз енгилиб, Балхдан қочади. Аммо, • 1408 йил 6 апрелда Пир Али Тоз яна Балхга ҳужум қиласди. Балх ҳукмдори Қайду Мирзо Ҳиротга хабар юборади. Шоҳруҳ Мирзо қўшини Пир Али Тозни яна мағлубиятга учратади. Пир Али Тоз яна қочади. Бироқ Пир Али Тознинг ҳазора қавмидан бўлган сардорлари маслаҳат қилишиб «Бу фасод хамиртуруши токи бизнинг орамизда экан, фитначилик камаймайди»,— деб иттифоқ тузадилар ва уни тутиб, таҳт орзусини қилган бемағз қалласига сомон тиқиб, доруссалтана Ҳиротга юборадилар.

Пир Муҳаммад Мирзодан етти ўғил қолади — Қайду Мирзо, Ҳолид Мирзо, Саъд Вакқос Мирзо, Қайсар Мирзо, Санжар Мирзо, Жаҳонгир Мирзо ва Бузанжир Мирзо.

МУҲАММАД ЖАҲОНГИР МИРЗО Муҳаммад Султон Мирзонинг катта ўғлидир. Амир Темурнинг катта ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирzonинг набирасидир. У 1396 йилда тугилган.

Нафсиlamбирини айтганда Халил Султон 1405 йилда салтанатни эгаллагач, бобоси Амир Темур ҳоҳишини ҳисобга олиб, валиаҳд ҳисобланмиш Муҳаммад Султон Мирzonинг тўнғич ўғли — 9 ёшли шаҳзода Муҳаммад Жаҳонгир Мирzonи хон қилиб кўтаради ва ўзи худди бобоси каби оталиқ мансабида бўлади.

1409 йилда Халил Султон Мирзо ҳокимиятдан туширилгач, Шоҳруҳ Мирзо Самарқанд таҳтига ўғли Улугбек Мирzonи ўтказиб, Шоҳмаликни отабек қилиб тайинлайди. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога Ҳисор ҳокимлигини беради. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо ҳали ёш бўлганлиги сабабли унга амир Ҳамза Сулдузни отабек қилиб тайинлайди. Бироқ амир Шоҳмаликни катта мансабга тайинланганидан норози бўлган рақиблари — амир Шайх Нуриддин ва амир Ҳамза Сулдузлар унга қарши янгидан кураш бошлайдилар.

1410 йил 20 апрелда ҳар икки амир биргалашиб; Шоҳмалик ва Улугбек Мирзога қарши Қизил Работда уруш очадилар. Бу жангда Шоҳмалик қўшини енгилиб Қоратепага чекинади. Голиблар учун Самарқанд йўли очилган эди. Аммо Самарқанд аҳолиси шайхулислом бошчилигига шаҳар дарвозаларини Нуриддинга очишга унамайдилар. Ҳофизи Абронинг ёзиича, Шайх Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир Мирzonи Самарқандга таклиф қилиб, Ҳисорга куйидаги мазмунда мактуб

жўнатади, «Мен бу мамлакатни сенинг учун олдим, раҳматлик Амир соҳибқирон сенга васият қилгандир». Лекин аҳли Самарқанд собиқ «хон» — Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг келганига эътибор ҳам қилмайди. Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротдан чиқиб, Шаҳрисабзни эгаллайди. Шоҳруҳнинг яқинлашиб келаётган хабарини эшитган амир Шайх Нуриддин Самарқанд қамалини бўшатиб, чекинади. 12 июлда Кизил Работ мавзеида Шайх Нуриддин Шоҳруҳ Мирзо кўшими билан тўқнашади. Жангда амир Шайх Нуриддин ва Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо енгиладилар. Шоҳруҳ Мирзо Ҳисорда тартиб ўрнатиш учун амир Музробни жўнатади. Ҳисорда Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо сўзсиз таслим бўлади.

Абдураззок Самарқандийнинг ёзишича, 1413 йил 11 сентябрда Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Шоҳруҳ Мирzonинг қизи Марям Султон бегимга уйланади. Фасиҳ Ҳавофийнинг маълумотига кўра, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо умрининг охиригача Ҳисорда ҳукмронлик қиласи ва 1433 йил 24 июня 38 ёшида ўз ажали билан вафот этади. Ундан Муҳаммад Султон Мирзо ва Халил Султон Мирзо исмли икки ўғил қолади.

Муҳаммад Жаҳонгир Мирzonинг хотини Мафям Султон бегим 1441 йили 14 июня вафот этган. *

Фасиҳ Ҳавофийнинг ёзишича, МУҲАММАД СУЛТОН МИРЗО 1423 йил 29 августда туғилган.

Муҳаммад Султон Мирзо умрининг охиригача отасига суюргол тарзида берилган Ҳисори Шодмонда ҳаёт кечириб, 1448 йилда оламдан ўтади. Ундан фарзанд бор-йўклиги номаълум.

САҶД ВАҚ҂ОС МИРЗО Муҳаммад Султон Мирzonинг иккинчи ўғли, Амир Темурнинг катта ўғли Муҳаммад Жаҳонгирнинг набирасидир. У 803/1400 йилда туғилган.

Саъд Ваққос Мирзо Амир Темур вафот қилган вақтда 6 ёшда бўлган. Шундан кейинги даврда унинг ҳақида қўлёэмаларда аниқ маълумот учрамайди. Ҳар ҳолда Саъд Ваққос Мирзо бирон вилоятда ҳукмдор бўлмаган.

ЯҲЁ МИРЗО Муҳаммад Султон Мирzonинг учинчи ўғлидир. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Яҳё Мирзо Амир Темур вафот қилган вақтда 5 ёшда бўлган.

Шундан кейинги даврда унинг ҳақида аниқ маълумот учратмадик. Яхё Мирзо 1408 йилда саккиз ёшида вафот этган.

ХАЛИЛ СУЛТОН МИРЗО Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи ўғлидир. Халил Султон Мирзо ҳам акаси каби Ҳисори Шодмонда ҳёт кечириб, 1459 йилда вафот этади. Халил Султон Мирзодан бир ўғил ва бир қиз қолади.

МУҲАММАД УМАР МИРЗО Халил Султон Мирзонинг ўғли бўлиб, 1442 йилда туғилган. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Муҳаммад Умар Мирзо Султон Ҳусайн Бойқаро саройида мулозиматда бўлган.

1470 йилда Ёдгор Муҳаммад Мирзо Ҳурсона га қарши қўшин тортган кезларда, Султон Ҳусайн Бойқаронинг бир неча ҳарбий гурух сардорлари ундан юз ўгириб, Ёдгор Муҳаммад Мирзога хайриҳоҳлик билдириган эдилар. Ана шундай қисқа ўйлаганлардан бири Муҳаммад Умар Мирзо эди. У 1470 йил 19 июнда Юсуф тархон ва бир неча сардорлар билан ҳамжиҳатлиқда, Султон Ҳусайн Бойқаро ўрдугоҳидан қочиб, Гармсер ва Қандаҳорга боради. Қандаҳор ҳокими амир Низомиддин Аҳмад бин Таваккал барлос эди. У Муҳаммад Умар Мирзони исёндан қайтаришга даъват қиласа-да, бироқ шаҳзода итоат қилмай, ўз қўшини билан Кўҳистон вилоятига ҳужум қилиб, аҳоли молмulkини талон-тарож қилади.

Султон Ҳусайн Бойқаро Андҳўйдан қайтиб келгач, Муҳаммад Умар Мирзонинг ђёёни ҳақидаги хабарни эшишиб, дарҳол ўз қўшини билан Кўҳистонга қараб юради. Фурсатни ганимат билган Муҳаммад Умар Мирзо Қойин, вилоятини қамал қилиш тараддудини кўради. Аммо Султон Ҳусайн Бойқаро тўрт минг қўшинни шаҳзодага қарши илғор қилиб жўнатади. Муҳаммад Умар Мирзо жангга бардош бераолмай Қандаҳорга қочади. Султон Ҳусайн Бойқаро эса Хиротга қайтиб келади.

1471 йилнинг бошларида Муҳаммад Умар Мирзо ўз қўшини билан Фароҳ қўргонини мухосара қилади. Бу хабарни эшишган Султон Ҳусайн Бойқаро амир Музаффар барлос ва бир неча баҳодирларни шаҳзодага қарши жўнатади. Ҳар икки қўшин тўқнашиб, қаттиқ-

жанг бўлади. Жанг асносида шаҳзода Муҳаммад Умар Мирзо ажал шарбатини ичади. Шундан сўнг, Қандаҳор вилояти батамом Султон Ҳусайн Бойқаро тасарруфига киради.

ҚАЙДУ МИРЗО Пир Муҳаммад Мирзо Кобулийнинг тўнғич ўғли бўлиб, Амир Темурнинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзонинг набирасидир. У 1396 йилда туғилган Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, соҳиб-қирон Темур вафот қилган вақтда Қайду Мирзо 9 ёшда бўлган.

Пир Муҳаммад Мирзо вафот қилгач, Кобул, Қандаҳор, Газнадан тортиб Шимолий Афғонистонда ташкил топган вилоятлар унинг катта ўғли Қайду Мирзога суюргол қилиб берилади. Қайду Мирзо ёш бўлганлиги туфайли, Шоҳруҳ Мирзо унга амир Баҳлулни отабек қилиб тайинлади. Амир Баҳлул Пир Муҳаммад Мирзога ҳам мулозим бўлиб хизмат қилган эди. Абдураззок Самарқандийнинг ёзишича, амир Баҳлул Қайду Мирzonинг раҳнамоси даражасигача кўтарилигач, бевафолик, кўрнамаклик йўлига ўтади ва салтанатга эҳтироси кучайиб, шаҳзодага қарши фитналар уюштириб, ўз атрофига Ҳасан ахточи, Луқмон Қаро ва Усмон Али каби бир гуруҳ амирларни йигиб, Қайду Мирздин орадан кўтариб, ўрнига унинг укаси Санжар Мирзони тахтга ўтқазишга ҳаракат қиласди. Бу фитнадан огоҳ бўлган Қайду Мирзо, дарҳол Шоҳруҳ Мирзога мактуб йўллайди. Шоҳруҳ Мирзо амир Нўширавон бошлиқ ўн минг кўшинни Қайду Мирзо муҳофазаси учун жўнатади. Бу вақтда фитначилар томонида турган ҳарбий бошлиқлар воқеанинг асл моҳиятидан хабардор бўлиб, Қайду Мирзо томонига ўта бошлайдилар. Қайду Мирзо фитначиларга қарши курашиб, уларни тор-мор қиласди. Амир Баҳлул ўз тарафдорларини олиб, Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига Ҳиротта бориб, узр сўрайди. Шоҳруҳ Мирзо уларнинг гуноҳини кечиради.

Қайду Мирзо ўз тасарруфидаги вилоятларни мустақил равища идора қилабошлайди. 1415 йилда Шоҳруҳ Мирзо акаси Умар Шайх Мирzonинг ўғли Бойқаро Мирзони Форс мамлакатидан олиб, Қайду Мирзо ҳузурига жўнатади. Қайду Мирзо уни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олади. Аммо Абдураззок Самарқандийнинг ёзишича, Бойқаро Мирзо Кобулда ҳам тинч юрмай, Қайду Мирzonинг жонига қасд қиласди. Бундан воқиф бўлган Қайду Мирзо уни дарҳол бандга олиб, Шоҳруҳ Мирзога мактуб йўллайди. Шоҳруҳ Мирзо уни «Синд

сувидан ўтказиб юборилсин, токи у Ҳинд мулкида^{*} қайси жойни истаса ўша ерда турсин», деб фармон юборади.

Шундан сўнг, Қайду Мирзо ҳарҳолда ўз тасарруфидаги бўлган ерларда марказий ҳокимиятдан мустакил равищда хукмронлик қилиш орзусига тушади. Қайду Мирзо ўз тасарруфидаги вилоятларда ўз номидан пул зарб қилиш ва хутбани ўз номига ўқилишини талаб қилиб, вилоятларга фармон жўнатади.

Қайду Мирзо у ерларда шунчалик кучайиб кетадики, Ҳиндистон волийси Ҳизэрхон ҳузурига одам юбориб: «Ҳинд мулкларида — Куннуж шахридан тортиб то Мултон чегараларигача бўлган ерларда, унинг номи билан пул зарб қилсинглар ва хутба ўқисинлар» деб фармон беради.

Ҳизэрхон Қайду Мирзонинг юборган фармони ҳақида Шоҳруҳ Мирзога арз қилиб элчи юборади. Шоҳруҳ Мирзо элчига элчи қўшиб жўнатаркан, «Хутбада аввал Шоҳруҳ Мирzonинг номи, сўнгидан Ҳизэрхоннинг номи зикр қилинсин», деган мазмунда фармон юборади.

Қайду Мирzonинг бундай ўзбошимча сиёсатидан ранжиган Шоҳруҳ Мирзо, Қандаҳор, Газна ва Кобул вилоятларида авж олган қароқчиларни тинчтиши баҳонасида катта қўшин билан Қандаҳорга юриш бошлияди. Шоҳруҳ Мирzonинг макридан воқиф бўлган Қайду Мирзо ўз яқин кишиларини олиб Қандаҳордан қочади. Шоҳруҳ Мирзо Қандаҳорга Санжар Мирзо, Ёдгоршоҳ Арлот ва Ферузшоҳларни қўйиб, агар Қайду Мирзо келса уни ушлаб олий даргоҳга юборишларини тайинлади. 1417 йил охирида Қайду Мирzonи ушлаб доруссалтанат — Ҳиротга олиб борадилар. Шоҳруҳ Мирзо Қайду Мирzonинг гуноҳларидан кечиб, уни Ҳиротда сақлайди. Бироқ 1418 йил 22 августда Қайду Мирзо амир Баҳлул ва Садр Жаҳоннинг васвасаси билан Ҳиротдан Қандаҳор томонга қочади. Зоро, Қандаҳорда Қайду Мирзо тарафдорлари кўп эди. Лекин Шоҳруҳ Мирзо унинг кетидан ўғли Бойсунгур Мирzonи бир гурӯҳ сипоҳлар билан жўнатади.

Бойсунгур Мирзо ўз қўшини билан Қайду Мирzonи таъкиб қилиб, Сипарз қишлоғи яқинида уни асирга олади ва боғлаб Ҳиротга олиб келади. Шоҳруҳ Мирзо Қайду Мирzonи Ихтиёридин қалъасига қаматдиради ҳамда у ўша ерда вафот қиласи.

Қайду Мирзо зиндонга ташлангач, Шоҳруҳ Мирзо

унга тегишли бўлган ерларни ўз ўгли Жалолиддин Суюрготмиш Мирзога инъом қиласди.

Ҳолид Мирзо Пир Муҳаммад Мирзо Кобулийнинг иккинчи ўгли бўлиб, 1399 йилда тугилган эди. Ҳолид Мирзо ҳам улгайгач, хоқон Шоҳруҳ Мирзонинг мулози-матида ҳаёт кечиради. У ҳеч қаерда ҳукмрон бўлмаган. 1427 йилда касал бўлиб, 29 ёшида вафот этади.

САЪД ВАҚҚОС МИРЗО Пир Муҳаммад Мирзо Кобулийнинг учинчи ўгли бўлиб, 1400 йилда тугилган.

1414 йилда Шоҳруҳ Мирзо Қум вилоятининг ҳоким-лигини Саъд Ваққос Мирзога инъом қиласган эди. Саъд Ваққос Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг қизи — Ото Беги хонимга уйланади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига кўра, 1415 йил баҳорида Султония ҳукмдори амир Бистом Жогир, Қаро Юсуф туркмандан қочиб, ўғлини Султонияда қолдиради-да, ўзи Саъд Ваққос Мирзо орқали Шоҳруҳ Мирзодан мадад сўраш учун Қумга келади. Бироқ Саъд Ваққос Мирзо амир Бистомни бандга олиб, бу ҳақда Шоҳруҳ Мирзога мактуб йўллайди. Шоҳруҳ Мирзо Саъд Ваққос Мирzonинг бу ҳаракатидан ранжиди ва дарҳол амир Бистом Жогирни банддан ҳалос қилишни буюради.

Бироқ ёш шаҳзода Саъд Ваққос Мирzonинг амирлари унга бошқача йўл-йўриқларни кўрсатадилар. Чунончи, «амир Бистомдек пешкаш сенинг қўлингдадир. Сен уни дарҳол Қаро Юсуф туркман ҳузурига олиб бориб пешкаш қилишинг лозим. Амир Қаро Юсуф бир умрга сендан миннатдор бўлади», дейдилар. Саъд Ваққос Мирзо амир Бистомни олиб Қаро Юсуф даргоҳига боради. Қаро Юсуф Саъд Ваққос Мирzonи зўр эҳтиром билан қарши олди-ю, аммо амир Бистомни банддан ҳалос қилиб, қўйиб юборади ва унга ҳам эҳтиром кўрсатади. Қаро Юсуф амир Бистомнинг ўгли Аҳий Фаражни Қум вилоятига бориб, Саъд Ваққос Мирzonинг ҳарами ва кўчини келтиришга буюради. Аҳий Фаражни Қумга яқинлашган хабарини эшитган Саъд Ваққос Мирzonинг хотини Ото беги хоним эрининг Озарбайжонга кетиб, като иш қилганини фаҳмлайди. Ото беги хонимнинг эсида: ҳудди мана шу Қаро Юсуф туркман отаси Мироншоҳ Мирzonинг қотили эди. Бинобарин, малика ўз навкарларини қуроллантириб, Аҳий Фараж билан келган кишиларнинг ҳаммасини асирга олади, ҳамда Саъд Ваққос Мирzonи Қаро Юсуф томонга ўтишга маслаҳат берган Темур Шайх, Кутлуқ-

хўжа ва Шайх Али Зиндаларга қўшиб ҳаммасини қатл қилдиради. Уларнинг бошларини кесдириб, Шоҳруҳ Мирзо саройига жўнатади. Ото беги хоним замонасининг оқила, тадбиркор ва макр-ҳийлага майл қўйган аёллардан эди. У яхши билар эдики, отасининг қотили Қаро Юсуф қўл остида кечирадиган кунларининг оқибати яхшиликка олиб келмасди. Шоҳруҳ Мирзо Ото беги хонимнинг бу жасоратига таҳсиллар ўқиди.

Бирок, орадан кўп ўтмай, ҳеч бир сабабсиз ўз суюрголи бўлган Кум вилоятидан Озарбайжонга кетиб қолган Саъд Ваққос Мирзо 1418 йил апрел ойида 19 ёшида тўсатдан вафот этади.

ҚАЙСАР МИРЗО Пир Муҳаммад Мирзо Кобулийнинг тўртинчи ўғли бўлиб, 1401 йилда туғилган.

Қайсар Мирзо ҳам ҳеч қаерда ҳукмронлик қилмаган. У ҳам хоқон Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилган. 1427 йилда вафот этган.

БУЗАНЖАР МИРЗО Пир Муҳаммад Мирзо Кобулийнинг бешинчи ўғли бўлиб, 1402 йилда туғилган.

Бузанжар Мирзо ҳеч қаерда ҳукмронлик қилмаган. У ҳам хоқон Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қилган. У 1422 йил 16 августда 21 ёшида вафот этган. Абдураzzоқ Самарқандийнинг ёзишича, Бузанжир Мирzonинг вафотини эшитган Шоҳруҳ Мирзо, дарҳол унинг масканига бориб, сагир қолган болалари ва бева қолган хотинига ҳамдардлик билдирган.

ЖАҲОНГИР МИРЗО Пир Муҳаммад Мирзо Кобулийнинг олтинчи ўғли бўлиб, 1402 йилда туғилган.

Жаҳонгир Мирзо ҳам ҳеч қаерда ҳукмронлик қилмаган. У ҳам акалари каби хоқон Шоҳруҳ Мирзо саройида хизматда бўлган. Жаҳонгир Мирзо 1433 йилда 31 ёшида вафот этади.


САНЖАР МИРЗО Пир Муҳаммад Мирзо Кобулийнинг еттинчи ўғли бўлиб, 1403 йилда туғилган эди. Санжар Мирзо акаси Қайду Мирzonинг саройида (Қобул) мулоzиматда эди.


Амир Баҳлулнинг Қайду Мирзога қарши фитнаси ошкор бўлиб, фитначилар ҳар томонга қочгач, фитна натижаси ўлароқ эндигина тахтга ўтирган Санжар Мирзо Шоҳруҳ Мирзо хузурига бориб узр сўрайди. Хоқон Шоҳруҳ Мирзо Санжар Мирzonинг гуноҳини кечириб, Ҳиротда ўз саройида олиб қолади.

Санжар Мирзо Хоқон мулоzиматида бўлиб, 1429 йилда 27 ёшида Ҳиротда вафот этади.



Умар Шайх Мирзо (1356—1394)





УМАР ШАЙХ МИРЗО БАҲОДИР

Умар Шайх Мирзо Амир Темурнинг иккинчи ўғли бўлиб, 1356 йилда тугилган. Умар Шайх Мирзонинг онаси Тўлин Оғо (Тўмлун оғо) дир.

Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Умар Шайх Мирзо ёшлигиданоқ ҳарбий ишларга иқтидори юксак бўлиб, моҳир чавандоз ва толмас жангчи бўлиб етишган. Шу боис бўлса перак, унинг жанговарлик фаолияти ҳақида кўпгина нақл ва ривоятлар ёзib қолдирилган.

1370 йилда соҳибқирон Амир Темурнинг амир Ҳусайн ибн Мусаллабга қарши олиб борган жангига 15 ёшли Умар Шайх Мирзо алоҳида жанговарлик намунасини кўрсатган. Шунингдек, у Фарғонада мўғулларга қарши кўпгина жангларда иштирок қилган. Унинг шахсий ҳаётига доир тарихий маълумотларга қараганда, у ўзининг мардлиги билан соҳибқирон кўшинида устувор саркарда бўлган.

Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, 1393 йилда соҳибқирон Амир Темур Умар Шайх Мирзони Форс вилоятини забт этиш ишига мутасадди қилиб тайинлайди. Бинобарин, у Истаҳр, Фарак¹, Шаҳриёр ва шунга ўхшаш бир неча қалъаларни забт этиб, навбатдаги Сиржон қалъасини забт этмоқ учун қалъани муҳосара қилиш тараддуиди эди. Айнан шу пайтда соҳибқирон Амир Темур Миср ва Шом (Сурия)ни забт қилиш учун Диёр Бакр томон йўлга чиққан эди. Шу боис Амир Темур Умар Шайх Мирзони ўз ҳузурига етиб келишини таъкидлаб, одам юборади.

Умар Шайх Мирзо Сиржон қалъасини муҳосара қилиш ишини амир Идигу барлосга топшириб, ўзи Шерозга келади. Шерозда ишончли кишилардан амир Сунжақ ҳузурига келиб, уни форс мамлакатини забт қилиш ишига мутасадди қилиб, сўнгра отаси соҳибқироннинг ҳузурига жўнайди. Умар Шайх Мирзо сафар асносида Шавлистон йўли билан юриб, Курдистондан ўтиб бораётганда, йўл чеккасида кичикроқ бир қалъага кўзи тушади. Бу қалъанинг номини Ҳармоту деб атардилар. Умар Шайх Мирзо мазкур қалъани яқинроқдан томоша қилиш мақсадида бир тепалик устига чиқиб, қалъа томон назар ташлайди. Шу аснода қалъа ичидан отилган ногаҳоний ўқ Мирzonинг қулоги остидаги кўк томирига тегиб, шу заҳоти тил тортмай ўлади. Бу фалокат содир бўлгач, Мирzonинг қўшини

мазкур қалъани ер билан яксон қилиб, барча жонзодни қиличдан ўтказадилар.

Бу машъум хабар соҳибқирон Амир Темурга етгач, кўпандуҳ чекади ва ниҳоят тақдирга тан беради. У амир Уч Қаро баҳодирни Ҳармоту қалъаси томон юборади. Амир Уч Қаро баҳодир Умар Шайх Мирзонинг жасадини Шерозга олиб келади. Шерозда мотам ўтказилиб, жасадни муваққад дағн этадилар. Бир неча муддат ўтгач, марҳум Умар Шайх Мирзонинг хотинлари — Севинч Қутлуг Оғо бегим, Бека Мулк Оғо бегим ва Мулкат Оғо бегимлар ҳамда ҳали вояга етмаган (сағир) ўғли Искандар Мирзолар жасадни Шероздан Кешга (Шахрисабз) олиб кетадилар ва темурийлар хонадони учун маҳсус қурилган даҳмага дағн қиласидилар.

Марҳум Умар Шайх Мирзодан олти ўғил қолган бўлиб, каттаси Пир Муҳаммад Мирзо 16 ёшда эди. Ўндан кейингилари Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Аҳмад Мирзо, Саиди Аҳмад Мирзо ва Байқаро Мирзолар эди. Амир Темур Форс мамлакатининг ҳукмдорлигини 16 ёшли Пир Муҳаммад Мирзога топширади.

ПИР МУҲАММАД МИРЗО амирзода Умар Шайх Мирzonинг катта ўғли бўлиб, 1379 йилда туғилган эди. Отаси Умар Шайх Мирзо вафотидан сўнг, унга тегишли бўлган Форс мамлакатининг ҳукмдорлиги Пир Муҳаммад Мирзо ихтиёрига топширилади. Шундан сўнг шаҳзода Шерозда ҳукмронликни бошлайди. Шу боис шаҳзодани Пир Муҳаммад Мирзо Шерозий деб атайдилар.

1400 йилда соҳибқирон Амир Темур Форсда ҳукмрон бўлиб турган набираси Пир Муҳаммад Мирзо Шерозий Соҳибқироннинг ҳарбий юришларидан бирига ўзини кассаликка солиб қатнашмаганлиги сабабли уни ҳокимлик мансабидан азл қиласиди. Иккинчидан, номаълум мақсадни кўзлаб, қандайдир заҳар тайёrlаш билан машгул бўлади.

Фақат 1403 йилда Пир Муҳаммад Мирзога Шерозни қайтариб беради. Рустам Мирзони Исфаҳонга ва Искандар Мирзони Ҳамадонга ҳоким этиб тайинлади.

Шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзо ёш бўлса-да, ақлли, зийрак ва тадбиркорлиги билан укаларидан фарқ қиласиди. У ҳарбий санъатдан яхшигина хабардор бўлса-да, бироқ унинг табиатида ҳарбийларга хос

тошбагирлик бўлмай, аксинча, ишонувчанлик, муло-йимлик ва муруватлик кўпроқ эди.

Соҳибқирон Амир Темур вафот қилгандан кейинги таҳт талашувларида у ўз аркони давлати билан маслаҳатлашиб, кичик амакиси Шоҳруҳ Мирзонинг ҳибзи-химоятида бўлишга қарор қиласи. Бунга отаси Умар Шайх Мирзо вафотидан сўнг, 1398 йилда бобоси соҳибқирон Амир Темурнинг хоҳишига мувофиқ ўгай онаси, яъни укаси Искандар Мирзонинг онаси Мулкад Оғо бегимни амакиси Шоҳруҳ Мирзо ўз никоҳига олганлиги сабаб бўлса керак. Мана шу яқинликни назарда тутиб, амакиси Шоҳруҳ Мирзога байъат (ишонч) билдиради. Пир Муҳаммад Мирзо Шерозийнинг мазкур илтифотидан Шоҳруҳ Мирзо бағоят хушнуд бўлади.

1405 йил ўрталарида Искандар Мирзо Ҳамадондан акаси Пир Муҳаммад Мирзога зарурат юзасидан Форсга кўчиб келаётгани ҳақида мактуб юборади. Пир Муҳаммад Мирзо ўз укасининг феълини яхши билгани туфайли, ўз ўрнида, яъни Ҳамадонда хавф-хатарсиз ўтиришини таъкидлаб жавоб мактубини йўллайди. Аммо Искандар Мирзо мактубга илтифот қилмай Шерозга қараб юради. Бир ойдан сўнг Искандар Мирзо акаси ҳузурига етиб келади. Бу пайтда Умар Мирзонинг Ирбқ ва Форсга лашкар тортиб келаётган хабари эшитилади. Ака-ука Мирзолар Умар Мирзога қарши жанг тараадду-дига тушадилар. Дарҳақиқат, Умар Мирзо катта қўшин билан Ҳамадонга келади. Аммо Рустам Мирзо Умар Мирзонинг ҳузурига Ҳожи Мусофирни элчи қилиб жўнатади. Ҳар икки ўртада сулҳ тузилиб, Умар Мирзо қайтиб кетади. Ака-ука Мирзолар урушдан қутилиб қоладилар.

Пир Муҳаммад Мирзо Шерозий укаси Искандар Мирзога Язд вилоятини беради. 1405—1406 йил қиши фаслида Пир Муҳаммад Мирзо Умар Мирзо билан иттифоқ тузиб, Абубакр Мирзога қарши уришади. Харбура мавзеъида бўлган жангда Пир Муҳаммад Мирзо ва Умар Мирзолар енгилиб орқага қайтадилар.

Абдураззок Самарқандийнинг ёзишича, 1407 йилга келганда Умар Шайх Мирзо фарзандлари орасига фитна-фасод оралаб, ака-укалар бир-бирларига душманлик ҳаракатларини бошлайдилар. Пир Муҳаммад Мирзо Шерозий укаси Искандар Мирзони ушлатиб қамоқقا олади. Унинг Язд вилоятидаги барча хазина ва дафиналарини олиб, Шерозга келтиради. Ўзининг эса

қўл оёғини боғлатиб, Ҳирот дориссалтанасиға юборадӣ. Бироқ Искандар Мирзо йўлда банддан ҳалос бўлиб, Исфаҳонга акаси Рустам Мирзо ҳузурига қочиб келади. Шундан сўнг, Рустам Мирзо ва Искандар Мирзолар иттифоқ тузиб, акалари Пир Муҳаммад Мирзога қарши Шерозга қўшин тортадилар. Аммо Шерозни қамал қиласалар-да, уни ололмайдилар, Шероз атрофидаги қишлоқларни талон-тарож қилиб, кўп ўлжалар олиб Исфаҳонга қайтиб кетадилар.

1408 йилда Пир Муҳаммад Мирзо ўтган йилги мағлубият интиқомини олиш учун Рустам Мирзога Исфаҳонга қўшин тортади. Жанг Гандумон мавзеиға яқин жойда бўлиб, Рустам Мирзонинг мағлубияти билан тугайди. У Кошонга қочиб кетади. Пир Муҳаммад Мирзо интиқом олиб бўлгач, Исфаҳон аҳлига ҳеч қандай зарар етказмайди. Фақат Исфаҳонда Рустам Мирзога хайриҳо бўлган амир ва бекларни йўқотиб, Исфаҳон вилоятини ўз ўғли Умар Шайх Мирзога инъом қилиб, ўзи Шерозга қайтиб кетади.

1409 йилда Пир Муҳаммад Мирзо Ҳузистон мамлакатини забт этади. Аммо жангда мағлубиятга учраган Рустам Мирзо Ҳиротга — Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига паноҳ истаб борган эди. Шунингдек, Искандар Мирзо ҳам Ҳурросон ҳудудида саргардон юрган кезларда, унинг саргардонлиги Шоҳруҳ Мирзога маълум бўлиб, у Пир Муҳаммад Мирзо Шерозийга ўз укаси Искандар Мирзога нисбатан шафқат қилмоғи лозим эканини уқтириб мактуб юборади. Шундан сўнг Искандар Мирзо акаси Пир Муҳаммад Мирзо ҳузурига бош эгиг боради. Пир Муҳаммад Мирзо Шоҳруҳ Мирzonинг фармонига амал қилиб, Искандар Мирзони марҳамат қилиб кутиб олади.

1410 йилда Пир Муҳаммад Мирзо Шерозий Кермон вилоятини забт этиш иштиёқида қўшин тортиб йўлга тушади. У Дучоҳа мавзеъига етганда, қўшинга ором бериш учун ўша манзилда тўхтайди.

Пир Муҳаммад Мирзо Шерозийнинг Ҳожа Ҳусайн Шарбатдор исмли амири бор эди. Уни табиблик лавозимидан амирлик мансабигача кўтариб, кўп тарбия ва навозишлар қилган ҳамда мулк ишларида мутлақ соҳиб ихтиёр қилиб қўйган эди. Ана шу кўрнамак амир Ҳожа Ҳусайн шарбатдор бир неча ёмон кишилар билан тил бириктириб, қоронғу тунда одил подшоҳзоданинг чодирига кириб, уни қатл этади. Пир Муҳаммад Мирзо Шерозий 31 ёшда ҳалок бўлади. Ундан икки ўғил

қолади. Каттаси Умар Шайх Мирзо, кичиги Солиҳ Мирзодир.

УМАР ШАЙХ МИРЗО 1398 йилда түгилган эди.

1408 йилда Пир Мұхаммад Мирзо Исфахон вилоятининг ҳокимлигини Умар Шайх Мирзога инъом қиласы. Умар Шайх Мирзо Исфахон вилоятида осуда ҳаёт кечириар экан, 1409 йилнинг охирида Султон Мұътасимнинг Исфахонга түсатдан бостириб кириши Умар Шайх Мирзо қүшиниде парокандаликни вужудга келтиради. Унинг ишончли беклари амир Сайд барлос ва амир Жалбоншоҳлар душманта қарши урушиш ўрнига ўз жонларини қутқарib. Язд вилояти томон кетиб қоладилар. Ночор аҳволда қолган шаҳзода Исфахонни ташлаб, Яздга кетишга мажбур бўлади.

У кейинчалик амакиси Искандар Мирзо қўл остида хизматда бўлади. Бироқ Искандар Мирзо Ироқ ва Форс мамлакатларини ўз тасарруфига киритиб олгач, шаҳзода Умар Шайх Мирзонинг мамлакатга ворислик даъвосини қилишидан чўчиб, уни мамлакатдан ихрож килишга фармон беради.

1411 йил 24 майда Шоҳруҳ Мирзо Бодхез мавзеъида дам олаётган чогида, Умар Шайх Мирзо ҳоқоннинг ҳузурига нажот истаб келади ва бўлган воқеаларни бирма-бир баён қиласи. Шоҳруҳ Мирзо шаҳзодага шафқат ва муруват кўрсатиб, ўз саройида олиб қолади. Шаҳзода умрининг охиригача Ҳиротда — Шоҳруҳ Мирзо мулозаматида ҳаёт кечиради. Абдураззок Самарқандийнинг ёзишича, Умар Шайх Мирзо 1429 йилда 31 ёшида Хуросонда вафот этган.

СОЛИҲ МИРЗО 1406 йилда түгилган эди. У отаси-нинг ўлимидан сўнг Шоҳруҳ Мирзо саройида хизмат қиласы. Шоҳруҳ Мирзо вафотидан (1447) сўнг, унинг набираси Алоуддавла қўл остида бўлган.

Алоуддавла Мирзо билан Абдуллатиф Мирзо ўртасида содир бўлган 1447/48 йил қиши фаслидаги жанг пайтида Солиҳ Мирзо Чечектудаги чегара ҳарбий гурухининг бошлиги вазифасида қойим эди. У Абдуллатиф Мирзога нисбатан кўнглида кек ва адөват сақларди. Солиҳ Мирzonинг хусуматидан Абдуллатиф Мирзо яхши хабардор эди. Бинобарин, Абдуллатиф Мирзо Чечекту ҳарбий гурухига ҳужум қилиб, Солиҳ Мирзони мағлубиятга учратади. У Чечектудан Ҳиротга қочиб келади ва 1452 йилда 46 ёшида вафот этади.

РУСТАМ МИРЗО амирзода Умар Шайх Мирзо^о
баҳодирнинг иккинчи ўғли бўлиб, 1381 йилда туғилган
эди.

1403 йилда соҳибқирон Амир Темур Рустам Мирзога
Исфаҳон ҳукмронлигини беради. Рустам Мирзо
1406 йилда Умар Мирзо ва Пир Муҳаммад Мирзолар
 билан биргаликда Абубакр Мирзога қарши урушадилар.
Харбура мавзеъида бўлган жангда Рустам Мирзо
кўшини қаттиқ шикастланади.

Кўп ўтмай ака-ука шаҳзодалар орасига фитна
оралаб, ҳамжиҳатлик тобора сусая боради. Чунончи,
Рустам Мирзо ўзининг бекларидан амир Сайд барлос-
нинг ичи қоралигини пайқагач, унинг икки кўзига мил
торттириб, кўр қилиб, қалъада маҳбусликда сақларди.
Аммо амир Сайд барлоснинг бир кўзида озгина кўриш
имкони сақланиб қолганлиги туфайли, кунлардан бир
кун қалъа посбонларини чалгитиб қочади ва сўқмоқ
йўллардан юриб, Шерозга келади. Пир Муҳаммад
Мирзо ўз укасининг душманига ҳомийлик қилаётгани-
ни билими, билмайми, амир Сайд барлосни ўз химоя-
сига олиб, тарбия қиласди.

Акасининг бу ишидан хабар топган Рустам Мирзо,
«Амир Сайд барлос бу хонадонга нисбатан бир неча бор
кўрнамақлик қилган, худойи таоло кўмак бериб, унинг
қингир кўзига мил тортдик, энди эса у худди ўқ еган
тўнгиз ёки думи қирқилган илон қабилидадир. Шундай
экан, унинг бу хонадонга нисбатан тўғри фикрда
бўлишига қайси ақл бовар қиласди?»— деган маънода
акасига мактуб йўллади. Пир Муҳаммад Мирзо зўр
хато қилганлигини сезса-да, узр сўраб, Рустам Мирзо-
нинг ишонтираоладиган далиллар билан мактуб ёзиб,
совға-саломлар билан жўнатади. Гарчи Рустам Мирзо
акасининг исбот-далилларини одоб юзасидан қабул
қилган бўлса-да, бироқ кўнгил кўзгуси аллақачон хира
тортган эди.

Шу воқеадан сўнг, Рустам Мирзо укаси Искандар
Мирзо билан иттифоқ тузиб, акаси Пир Муҳаммад
Мирзога қарши уруш ҳаракатларини бошлайди. Аммо
нима бўлади-ю, 1410 йилда ака-ука ўртасида ихтилоф
чиқиб, муҳораба содир бўлади. Рустам Мирзо бу
муҳорабада мағлубиятга учраб Қаро Юсуф туркман
хузурига паноҳ излаб кетади.

1412 йилда Рустам Мирзо Қаро Юсуф ҳузуридан
қайтиб Табриз орқали Исфаҳонга келади. Уни ихти-
лофчи амирлардан бўлган соҳиби ихтиёр Ҳожа Аҳмад

Саидий кутиб олади. Рустам Мирзо Хожа Аҳмад Саидийни қатл қилиш борасида ўзаркони давлати билан кенгашиб олгач, Хожани жаллодга топширади. Шу воқеадан сўнг исфаҳонликларнинг Рустам Мирзодан ихлоси қайтади. Айни вақтда Искандар Мирзонинг кўшини Исфаҳонга яқинлашиб келмоқда эди. Рустам Мирзо укаси Искандар Мирзо билан жанг қилишга қудрати етмаслигини фаҳмлагач, Исфаҳонни ташлаб, Хуросон томонга кетади.

1412 йил апрел ойида Рустам Мирзо Ҳиротга келиб, хоқон Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига доҳил бўлади. Шоҳруҳ Мирзо шаҳзодага илтифотлар кўрсатиб, ўз ҳузурида бир оз ором олишини буюради.

1414 йилда Искандар Мирзони тутиб, Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига келтирадилар. Искандар Мирзо Ироқ ва Форс ҳукмдорлигидан азл қилинади. Унинг ўрнига мазкур мамлакат ҳукмроғлиги Рустам Мирзо ихтиёрига топширилади. Шунингдек, собиқ ҳукмдор Искандар Мирзони ҳам Рустам Мирзо қўлига топширадилар. Бироқ Рустам Мирзо фурсатни ғанимат билиб, эски гина-кудуратларни эвазига интиқом олиш ҳамда кела-жак истиқболини равнақ топтириш мақсадида укаси Искандар Мирzonинг икки қўзига мил тортириб қўрқилади.

1415 йил 9 июнда Искандар Мирzonинг бир онадан туғишган укаси Бойқаро Мирзо Шерозни забт этади. Бу хабарни эшитган Рустам Мирзо фитнанинг ўзаги бўлган Искандар Мирзони қатл қилдиради. Аммо Шоҳруҳ Мирзо фармонига мувофиқ Иброҳим Султон Мирзо катта қўшин билан Шерозга яқинлашганда, Бойқаро Мирзо қаршилик бефойда эканлигини тушуниб Бой-сунгур Мирзо ҳузурига элчи юборади. 1415 йил 8 ноябрда Бойқаро Мирзо хоқон Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига бош эгиг боради.

Шундан сўнг Ироқ ва Форс мамлакатлари Рустам Мирзо ихтиёрида қолади. Рустам Мирзо 1424 йилда вафот этади. Унинг икки ўғли бор эди. Каттаси Усмон Али Мирзо, кичиги Султон Али Мирзо эди.

Усмон Али Мирзо 1400 йилда туғилган бўлиб, балогатга етгач, Қайду Мирзо саройида хизматда бўлган. У Қайду Мирзога қарши уюштирилган фитнада қатнашади ва 1424 йилда қатл этилади.

Султон Али Мирзо Рустам Мирzonинг иккинчи ўғли бўлиб, 1402 йилда туғилган эди. 1412 йилда Ироқ ва Форс мамлакатлари Искандар Мирзо қўлига ўтгач, ёш

шахзодани ҳокимиятга даъвогар бўлишидан қўрқиб, мамлакатдан ихроj қилган эди. Шаҳзода Султон Али Мирзо Ҳиротга бориб, хоқон Шоҳруҳ Мирзо мулозиматига дохил бўлади. У 1422 йилда касал бўлиб Исфаҳонда вафот этади.

ИСКАНДАР МИРЗО амирзода Умар Шайх Мирзо баҳодирнинг учинчи ўғли бўлиб, 1384 йилда туғилган. Онаси Мулкаг Ого бегим эди.

Бу Мирзо ҳақида «Муҳаммад Султон Мирзо» бобида маълум даражада, яъни Фаргона ҳукмдори бўлганлиги ва Муҳаммад Султон Мирзо томонидан жазоланганилиги ҳақида маълумот берган эдик. Ўша маълумотга қўшимча равишда шуни маълум қиласизки, кейинчалик Муҳаммад Султон Мирзо 1401 йилда Искандар Мирзони қамоқдан чиқариб, калтаклаб жазолайди.

1403 йилда соҳибқирон Амир Темур Искандар Мирzonинг Ҳамадон вилоятининг ҳокимлигига тайинлайди.

1405 йил ўрталарида Искандар Мирзо Ҳамадондан акаси Пир Муҳаммад Мирзо Шерозийга элчи юбориб, «Умар Мирзо (Мироншоҳнинг иккинчи ўғли) Жаҳоншоҳ Жоқуни тўсатдан ўлдирди ва ўз отаси Мироншоҳ Мирзони мамлакатдан ихроj қилди. У туфайли бу тарафга бирор малоллик етиб қолиши мүмкин, деган гумон билан кўчимизни бирга олиб Форс ва Ироққа қараб юрдик, энди қаерга тушишимизни маъқул топсалар, ишорат қилсинлар» — деб хабар беради.

Пир Муҳаммад Мирзо ўз укасининг феълини яхши билгани туфайли, «яна бирор фитна бошламасин» — деган андишада, ишончли киши орқали укасига мактуб йўллайди. Мактубда Искандар Мирзони Умар Мирзодан ҳадисирамасликка, шунингдек фуқаро орасида ассосиз ваҳима тарқатмасдан ўз ўрнида қойим ўтиришга ундейди. Аммо Искандар Мирзо мактубга илтифот қилмай, Форсга қараб юради. Бир ойдан сўнг Искандар Мирзо акаси ҳузурига етиб келади. Пир Муҳаммад Мирзо укаси Искандар Мирзога Язд вилоятини беради. Аммо тез кунда ака-укалар ўртасида низо чиқади.

1407 йилда Пир Муҳаммад Мирзо укаси Искандар Мирзони қамоққа олади ва Язд вилоятидаги барча хазина ва дафналарни Шерозга келтиради. Искандар Мирзони эса қўл-оёгини боғлатиб, Ҳирот дориссалта-

насига юборади. Бироқ йўлда Искандар Мирзо банддан халос бўлиб, Исфахонга — акаси Рустам Мирзо ҳузурига қочиб келади. Шундан сўнг Искандар Мирзо акаси Рустам Мирзо билан биргаликда, катта акалари Пир Муҳаммад Мирзога қарши жанг бошлайдилар. Шаҳзодалар Шерозни қамал қилиб ололмайдилар, аммо Шероз атрофидаги қишлоқларни талаб, кўп микдорда улжалар билан Исфахонга қайтадилар.

1409 йилда Пир Муҳаммад Мирзо Ҳузистонни забт этиб, Рустам Мирзо ва Искандар Мирзони мағлубиятга учратади. Рустам Мирзо Ҳиротга — Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига паноҳ истаб боради. Искандар Мирзо эса Ҳурасон ҳудудида дарбадарликда ҳаёт кечиради.

Искандар Мирзо Андхўй атрофига келади. Андхуднинг ҳокими Сайид Аҳмад тархон бундан хабар топиб, уни кутиб олади ва юксак эҳтиромлар кўрсатади. Шу билан бирга Шоҳруҳ Мирзога Искандар Мирзонинг ҳозир Андхўйда эканлиги ҳақида арз қилиб, мактуб жўнатади.

Шоҳруҳ Мирзо Искандар Мирзонинг саргардонлигидан воқиф бўлгач, Сайид Аҳмад тархоннинг навкаридан иккита мактуб юборади. Биринчи мактуб Сайид Аҳмад тархон номига ёзилган бўлиб, «Искандар Мирзога ҳеч бир зарар етказилмасин, аксинча иззатикром қилинсин. Шаҳзода қайси томонни орзу қилса, ўша томонга кетишига кўмаклашилсин» — дейилганди. Иккинчи мактуб эса, Пир Муҳаммад Мирзо Шерозий номига ёзилган бўлиб, «иззату хурматли жаноб тўнгич фарзанд, давлату диннинг нури тангри умрини боқий қилгур Пир Муҳаммад Мирзо барча ҳолларда, Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам кишиларга яхшилик қил ва яқин тугишганларни шавқат эзгулигидан баҳраманд қилиш лозим. «Тугишганларнинг бирлари бошқа бирларига яқинроқдир» — ояти тақозосича, бу муҳим қоида нурларидан фойдаланиш учун тугишганлик тугунларига эга бўлган жамоатдан бошқа бирор яратилган банда сазоворроқ эканлигини хаёлга келтириб бўлмайди. Мавжудлик бошини бир ёқадан чиқарган тоифа нашъу намо оёгини бир этикка узатиш, худди Сурайё ситоралари шаклида бир матлаъдан тулуъ қилиши, худди буржлардек бир-бiri кетидан чиқиши, худди гавҳарлардек бир шодадан тарқалиши ва худди калималар сингари бир лафздан айтилиши лозим. Бу ҳолатлар aka-ука ва опа-сингиллар, қариндош-уруглардан бошқалар орасида бўла олиши мумкин

эмас. Чунки бу жамоатда бир-бирига нисбатан мұхаббат^{*} вә эътиқод зиёдадир. Агарда худо күсатмасин, орада бирор шубҳа туғилиб қолса, чақимчи вә ҳасадчилар йўлини тўсиб «буғун сизларнинг устингизда маломат йўқ» ояти кўчасини очиқ тутсингизлар. Мақсад шулки, фарзанд Искандар Мирзоны чакириб олиб иноят ва шафқат билан тақдирласин ҳам мамлакат чеккасидан бир бўлагини унинг девонига топширсин» — дейилганди.

Бу мактуб Искандар Мирзога теккач, ўз яқин кишилари билан кенгашиб, Пир Муҳаммад Мирзо ҳузурига қараб йўл олади.

Искандар Мирзо 1409 йил 12 февралда, яъни рамазоннинг йигирма олтинчисида Шерозга бориб, айни ифтор вақтида Пир Муҳаммад Мирзо ҳузурига доҳил бўлади. Ифтор қилиб ўтирган хукмдор ўз укаси Искандар Мирзоны эҳтиром билан қабул қиласди.

1410 йилда Пир Муҳаммад Мирзо Шерозий Кермон вилоятидан, Дучоҳа мавзеъида амир Хожа Ҳусайн шарбатдор томонидан қатл этилгач, Искандар Мирзо дарҳол ўз яқин кишилари билан ўша тунда Шерозга қараб қочади.

Искандар Мирзо 1410 йилда акасининг вориси сифатида унинг ўрнига тахтга ўтиради.

Пир Муҳаммад Мирзонинг Кермонга жўнатган амирлари машъум хабарни эшитишгач, Шерозга қайтиб келадилар Амир Сиддик йўл устида кўрнамак Хожа Ҳусайн шарбатдорни ушлаб олиб, унинг бир қулогини белги сифатида ханжар билан кесиб олиб, Искандар Мирзога жўнатади. Хожани сокол-мўйлабларини тарошлаб, аёлларга ўхшатиб ясантириб ҳўқизга миндирадилар ва бошига давлат кулохини кийдириб, Искандар Мирзо ҳузурига келтирадилар. Искандар Мирзо ундан «Нега биродаримни ўлдиришга қасд қилдинг?» — деб сўраганида, у: «Агар мен унга қасд қилган бўлсам, натижаси сен учун ёмон бўлиб чиқмади» — деб жавоб беради. Искандар Мирзо пичоқ олиб, ўз қўли билан унинг кўзини ўйиб олади ва чўқмор билан уриб ўлдиришга буюради. Унинг калласини Исфахонга юборадилар, танасини эса икки-уч кун осиб қўйгандан сўнг куйдирадилар.

Искандар Мирзо 1411 йил май — июн ойларида катта қўшин билан Кермон вилоятига қараб юради. Қўшин қаерга борса, ўша ер хароб бўларди. Кермон-

ликлар сулҳ сўрайдилар. Сулҳ тузилиб, Искандар Мирзо Шерозга қайтади.

1412 йилда Искандар Мирзо Қум вилоятига қарши отланади. Аммо қумликлар осонликча таслим бўлмадилар. Охири Искандар Мирзо ноумид бўлиб орқага қайтаётганда, Қумнинг амирларидан Музаффар Фарохоний Искандар томонга ўтиб Қум вилоятини таслим қилдиради. Искандар Мирзо шу йили ўз пойтахтини Исфахонга кўчиради.

Искандар Мирзо Ироқ ва Форс салтанат таҳтида қойим бўлгач, энди мустақиллик орзусини қила бошлайди ва пул зарб қилдиради ва хутбани Шоҳруҳ Мирзо номига эмас, ўз номига ўқитади. Аста-секин Хуросон чегараларини мустаҳкамлаб, айrim ҳолларда Хуросон худудига босқинлар ҳам қилабошлайди.

Искандар Мирзо кейинги даврларда майшатга берилиб, дунёда қандай кайф берувчи нарса бўлса, ҳаммасидан истеъмол қилиб, гулруҳсорлар анжуманини кундан-кунга кенгайтириб боради.

1414 йилда хоқон Шоҳруҳ Мирзо ўз қўшинини Искандар Мирзога қарши юборади. Мағрур Искандар Мирзо ҳам қўшин тортиб келади. Аммо биринчи тўқнашишдаёқ Искандар Мирзо қўшини катта талофат кўради. Айrim амир ва беклари Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига қочиб ўтадилар. Нихоят, Искандар Мирзо орқага чекиниб, Исфахон қалъасига кириб олади. Хуросон қўшини эса 1414 йил 3 июлда шаҳарни қамал қиласди. Нихоят, 20 июлда шаҳар олинади. Искандар Мирзони ушлаб хоқон Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига келтирдилар. Ундан ҳар қанча савол қилсалар-да, аммо жавоб ололмайдилар. Искандар Мирzonинг кейинги тақдирини «Рустам Мирзо» бобида ҳикоя қилган эдик.

Искандар Мирzonинг Пир Али Мирзо номли ўғли бўлиб, 1400 йилда туғилган эди. Отасининг вафотидан сўнг, 1415 йилда у ҳам оламдан ўтади (сабаби номаълум).

АҲМАД МИРЗО амирзода Умар Шайх Мирзо баҳодирнинг тўртингчи ўғлидир. У 1388 йилда туғилган.

Аҳмад Мирзо 1404 йил охирида соҳибқирон Амир Темурнинг Хитойга қарши машҳур юришида қўшиннинг ўнг қанотига Халил Султон Мирзо билан биргаликда раҳбарлик қилган эди.

Соҳибқирон вафотидан сўнг, Аҳмад Мирзо Шоҳруҳ Мирзо мулоzиматида бўлди. 1409 йилда Ҳисор вилояти-

ни бўйсундириш учун, Шоҳруҳ Мирзо амир Худойдодни ва ака-ука мирзолар Аҳмад Мирзо ва Сайди Аҳмад Мирзоларни жўнатади. Топширилган вазифа муддатидан илгари бажарилади.

1409 йилда Мовароуннахр салтанати Шоҳруҳ Мирзо қўлига ўтгач, Самарқанд таҳтини Улугбек Мирзога, Балхни Иброҳим Мирзога, Фарғонани эса Аҳмад Мирзога инъом қилган эди. Аҳмад Мирзо Фарғонада ўз ҳукмронлигини бошлаб, у ернинг истеҳкомларини таъмирлаб, ободончилик ишларини янада ривожлантиришга ҳаракат қиласи. Шунингдек, валинеъмати Шоҳруҳ Мирзонинг талабига мувофиқ, ўз навқарлари билан унинг ҳарбий юришларида қатнашиб туради.

Ҳофизи Абрӯ ва Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзганларига қараганда, 1413 йилда Улугбек Мирзо ҳарбий кенгаш баҳонасида, Аҳмад Мирзони Самарқандга таклиф қиласи. Аммо Аҳмад Мирзо Улугбек Мирzonинг феълидан ҳадиксираб, Самарқандга келмайди. Шундан сўнг Улугбек Мирзо ўз кишиси амир Боязид парвоначини музокара юритиш учун Андижонга юборади. Амир Боязид парвоначи Аҳмад Мирзо билан музокара қилиб, кўзланган мақсадга эришаолмайди. Фақат Аҳмад Мирзо маълум муддатдан сўнг, ўз ўғлини гаров тарзида Самарқандга юборишга розилик беради. Бироқ белгиланган муддат ўтса-да, ўғлини юбормайди.

Шундан сўнг Улугбек Мирзо Андижонга қўшин тортади. Аҳмад Мирзо истеҳкомларни мустаҳкамлаб, ўзи тоққа чиқиб кетади. Улугбек Мирзо Андижонни жанг билан қўлга киритгач, энг мустаҳкам ва улкан қалъа — Аҳсини шиддатли жанглардан сўнг забт қилишга муваффақ бўлади. Улугбек Мирзо Поянда баковулни кутвол тайинлаб, Андижонни идора қилиш ишини амир Мусоко ва амир Муҳаммад Тобонларга топшириб, ўзи Самарқандга қайтади.

Аҳмад Мирзо Улугбек Мирzonинг қайтиб кетган хабарини эшитгач, Мўгулистондан мадад учун келган лашкарни олиб, Андижонга қараб юради. Бу хабарни эшитган амирлар жанг қилиш мақсадида Ўш атрофига берарадилар. Аҳмад Мирзо тўсатдан амирлар устига ҳужум-қилиб, ҳаммасини ҳалокат гирдобига улоқтиради. Шундан сўнг Аҳмад Мирзо Мўгулистонга — Муҳаммадхон хузурига бориш мақсадида Қашқарга ўтиб кетади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг берган хабарига қара-

ганды, Шохрух Мирзо 1415 йил 26 майда Ахмад Мирзога қуйидаги мактубни йүллайды.

«Хабарчилар бизга шу нарсаны етказмишларки, Ахмад Мирзо билан фарзанди солиҳ Улугбек Мирзо ораларинда фиску фасодчиларнинг ношоён сўзлари бирлан шаҳарлар ва фуқароларнинг ташвишларини ортирувчи воқеалар содир бўлмиш. Бу хабарни биз Ироқ мамлакатинда эканлигимизда эшитдук, аммо масофа йироқлиги туфайли, унинг тадоригини кўришга кириша олмадук. Дориссалтана Ҳиротга қайтиб келгандан кейин эса эшитдукки, у фарзанд Мўгулистон томон кетаётган эмиш. Бу ҳол биз учун бағоят маслаҳатдан йироқ ва ажиб туюлди. Чунки биродарлар ва фарзандларга нисбатан бизнинг «бешикдан тобутгача» гамхўр эканлигимиз барчага аёндур. Ота-болалик биноси қўзголмай турувчи тоғлардек собит бўлмоғи учун у фарзанд бизнинг ҳузуримизга ҳомийлик паноҳини сўраб келишига ишончимиз комил ва эътиқодимиз кучлидир. Бу сўзларни туғишганлик вазифаларини адо этиш мусулмонлик ҳам мусулмонларга гамхўрлик қилиш юзасидан айтилди. Такаллуфу мактантчоқлик, макр-жийлага йўйиб кек сақлаш бисалар учун уятдир. Эҳтимолки, мулозимликда юрган бир гурӯҳ кишилар мазкур ноўрин ҳаракатлар хоҳ ихтиёрий, ҳоҳ мажбурий тарзда улар томонидан содир бўлганлиги туфайли, ваҳимага тушиб, у фарзанднинг бизнинг ҳузуримизга келишига монеълик қиласлар. Ахмад Мирзо уларнинг барчасини ишонтирсинки, биз ҳаммаларининг гуноҳларини авф қилдик. Ҳақ устига ҳақдирки, уларнинг ҳаммасига раҳм-шафқат паноҳидан бошпана бергумиздир».

Шундан сўнг 1416 йилда Ахмад Мирзо Қашқардан Ҳиротга қайтиб келади. Уни қайтадан бирор вилоятга ҳукмдор қилиб тайинлаш уёқда турсин, ҳатто Ҳиротдан ташқарига чиқармасдан назоратда сақлайдилар.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Ахмад Мирзо Абубакр Мирзонинг ўғли Илангир Мирзо билан ҳамтовоқ бўлиб олиб, иккаласи эртаю-кеч бетиним шаробхўрлик билан машгул бўлганлар. Баъзи фитначи навкарлар уларнинг кўнглига салтанат васвасасини солганилари ва ҳар иккови фитна қўзгашга уринганлари учун жазога мустаҳиқ қилинганлар. Чунончи Ахмад Мирзони Каъбатулло зиёратига жўннатишга фармон берилган. Ахмад Мирзо Каъбатулло зиёратидан қайтиб келмаган. У 1425 йилда ўша ерда вафот этган.

САЙДИ АҲМАД МИРЗО амирзода Умар Шайх ·
Мирзо баҳодирнинг бешинчи ўғли бўлиб, 1391 йилда
тугилган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, соҳиб-
қирон Амир Темур вафот этган чоғда Сайди Аҳмад
Мирзо 15 ёшда бўлган.

Сайди Аҳмад Мирзонинг насабини тарихий қўлёзмаларда икки хил талқин қилинади. Чунончи, Шарафуддин Али Яздий Сайди Аҳмад Мирзонинг отаси Умар Шайх Мирзо баҳодирдур, деб белгиласа тарихчи Хондамир эса, Мироншоҳнинг ўғли эди, деб ёзган. Фикримизча, Шарафуддин Али Яздийнинг берган маълумоти аниқроқ ва ҳар жиҳатдан пухтароқ кўринади. Зеро, соҳибқироннинг сўнгги даврларида сафарда ва ҳарбий юришларда доим бирга юрган тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг адашиши мумкин эмас эди. Ушбуни назарда тутиб, Сайди Аҳмад Мирзо соҳибқироннинг иккинчи ўғли бўлмиш амирзода Умар Шайх Мирзо баҳодирнинг ўғлидир, деб нуқта қўйдик.

Сайди Аҳмад Мирзо отасининг вафотидан сўнг,
Шоҳруҳ Мирзо мулозиматида бўлган. Фасиҳ Ҳавофийнинг ёзишича, 1407 йилда Шоҳруҳ Мирзо Шибиргон вилоятини Сайди Аҳмад Мирзога суюргол қилиб берган.

Сайди Аҳмад Мирзо 1429 йилда вафот этади. Унинг Аҳмад Мирзо номли ўғли бўлган. Аҳмад Мирзо 1444 йилда тугилган. Аҳмад Мирзо ҳам отаси Сайди Аҳмад Мирзо каби ҳеч қаерда ҳукмронлик қилмаган. У Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг кичик опаси Оқобегимга уйланган эди. Улар Қорабоғда ҳаёт кечирадилар. Ҳурросонда ҳокимият Султон Ҳусайн Бойқаро кўлига ўтгач, улар Ҳиротга кўчуб келадилар.

Аҳмад Мирзо Ҳирот шаҳрининг доругаси (ҳоким, бошлиқ) этиб тайинланади. У умрининг охиригача мазкур мансабда қойим туради. Аҳмад Мирзо 1498 йилда вафот этади.

Аҳмад Мирzonинг Муҳаммад Султон Мирзо исмли ўғли бор эди. У 1458 йилда тугилган бўлиб, ёшлигидан унга Кичик Мирзо деб лакаб қўйган эдилар.

Кичик Мирзо ақлли, зекни ўткир, фаросатли ва билимдон йигит эди. У Мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайн кўлида маърифат гулшанидан баҳраманд бўлган эди. Унинг одоби, аҳлоқи ва билимини сарой аҳли, шу жумладан тогаси Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳам юксак қадрларди. Шу боис салтанат ишларида соҳибихтиёр қилиб тайинланган эди.

Аммо Кичик Мирзо ёшликтарига асир бўлиб, ўз билими ва саройда тутган мавқеидан магрурланиб, ўз ҳолиҷа мустақил ҳаракатлар қила бошлайди. Султон Ҳусайн Мирзо жияни Кичик Мирзо хатти-ҳаракатлари ни сезиб, кўриб турса-да, опаси ва поччасининг рўй хотири учун ўзини тағофилга солиб юарди.

Кунлардан бир кун Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро жияни Кичик Мирзо билан бирга Хожа Абдулло Ансорийнинг мозорини зиёрат қилиш учун Гозургоҳга боради. Мозорни тавоғ қилгач, Ҳиротга қайтадилар. Ҳаво ниҳоятда иссиқ эди. Кичик Мирзо қуёшдан пана бўлиш мақсадида бошига чодира ёпиниб олади. Ҳолбукчи, Кичик Мирзонинг ёнида тогаси шаҳаншоҳ ҳам офтоб тигига бардош бериб келаётган эди.

Кичик Мирzonинг бу қилган иши шаҳаншоҳнинг сабр ва тоқат паймонасини тўлишига туртки бўлади. Шаҳаншоҳ Ҳиротга етиб келгач, Кичик Мирzonинг ақлини киритиб қўйиш ниятида қамоқча ҳукм қилади. Уни Ихтиёридин қалъасига қамайдилар. Кичик Мирзо маълум муддат қамоқда ётгач, шаҳаншоҳ фармонига мувофиқ авахтадан озод қилинади.

Аммо қамоқдан чиққач, салтанат ишларидан кўнгли совиб, ўз қилмишларидан хижолат чекиб, индамас ва одамови бўлиб қолади. Охири Каъбатулло зиёратига боришга жазм қилиб, шаҳаншоҳдан рухсат сўрайди. У Каъбатуллодан қайтгач, ҳасба (қора безгак) касалига чалиниб, 1484 йилда вафот этади.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Сайди Аҳмад Мирzonинг иккинчи ўглининг номи **Усмон Мирзо** бўлган. Бироқ Усмон Мирzonинг қайси йилда туғилгани ёхуд таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Фақат унинг ўғли бўлмиш **АБДУЛБОҚИ МИРЗО** ҳақида қисқача маълумот берилган.

Абдулбоқи Мирzonинг она авлоди туркманларнинг Оқ қўйли сулоласига мансуб эди. Бинобарин, Абдулбоқи Мирзо Ироқча қарашиб Язд вилоятининг ҳокими Муродбек ҳузурида катта нуфузга эга бўлган. Аммо 1502 йилда Эрон шохи Исмоил Сафавий Ироқ ва Озарбайжонни забт этгач, Абдулбоқи Мирзо ва Язд ҳукмдори Муродбек Ҳиротга — Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳузурига келган эдилар. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро уларга юксак илтифотлар кўрсатади ва ўзининг бева қизи Султоним бегимни Абдулбоқи Мирзога никоҳлаб беради. Султоним бегимнинг аввалги завжаси марҳум Султон Вайс Мирзо эди.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро вафотидан сўнг, Ҳурносон ҳудудига бостириб кирган Мұхаммад Шайбонийхонга қарши олиб борилган жәнгларда Абдулбоки Мирзо фаол қатнашади. 1507 йилда Нишопур ва Сабзаворда шайбонийларга қарши жанг жадалда Абдулбоки Мирзо қалок бўлади.

БОЙҚАРО МИРЗО амирзода Умар Шайх Мирзонинг олтинчи -- энг кичик ўглидир. У 1393 йилда туғилган бўлиб, отаси вафот қилган чоғда эндигина бир ёшда эди. Унинг онаси Мулқат ого бегимдир.

Тарихий маълумотларга қараганда, Бойқаро Мирзо ҳусн ва тароватда иккинчи Юсуф, журъат ва жасоратда эса иккинчи Рустам бўлган. Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг, Бойқаро Мирзо Шоҳруҳ Мирзо саройида мулозиматда бўлади. Унинг онаси Мулқат ого бегимдир.

1410 йилда Искандар Мирзо Ироқ ва Форс мамлакатида ўз салтанатини муқим қилиб олгач, ўз ҳузурига биродарларидан бирортасини юборишларини сўраб, Шоҳруҳ Мирзога мактуб йўллайди. Шоҳруҳ Мирзо эса, бир онадан туғилган укаси Бойқаро Мирзони унинг ҳузурига жўнатади.

1414 йилда Шоҳруҳ Мирзо Ҳамадон ҳукуматини, Вуружа ва Нехованд қалъалари ҳамда бутун Луристонни Бойқаро Мирзога суюргол қилиб беради.

* 1415 йилда Искандар Мирзо кўр қилингач, уни Шоҳруҳ Мирzonинг фармонига кўра, укаси Бойқаро Мирзо ҳузурига олиб бориб, қўйган эдилар. Искандар Мирзо Бойқаро Мирзони олий салтанатга қарши қайраб, йўлдан оздиради. Натижада Бойқаро Мирзо Шероз томон юради.

Бойқаро Мирzonинг мухолифатчилигини эшитган Иброҳим Мирзо (Шоҳруҳ Мирzonинг иккинчи ўғли) Искандар Мирzonинг Шероздаги навкарларидан Севинч Ҳожа, Ўрдувон ва Мазидларни бандѓа олиб, ишончли киши орқали Ҳурсонга жўнатади. Йўлда бандилар Ҳонхабаш мавзеида банддан озод бўлиб, назоратчини ўлдирадилар ва Гандумонда турган Бойқаро Мирзо ҳузурига бориб, уни шошилинч ҳаракат қилишга ундейдилар.

Бойқаро Мирзо Гандумондан чиқиб, Шерозга яқинлашади. Иброҳим Султон Мирзо ҳам жангга ҳозирланаб қарши ҳужумга ўтади. Шу аснода Иброҳим Султон Мирzonинг Шайх Чухра, Маъсудшоҳ ва бошқа навкарлари Бойқаро Мирзо томон от қўядилар-у, лекин орқага

қайтиб, ўз валинеъматларининг юзига ўқ отадилар. Шунингдек, бир гуруҳ ироқликлар ҳам мухолифатлик йўлини тутадилар. Иброҳим Султон Мирзо бу аҳволни кўргач, жанг майдонидан чиқиб тунда Шерозга кириб, ўз онаси Тўти оғо бегимни ва ҳазинадан бир қанча маблагни олиб, зудлик билан Абаркўҳга жўнайди.

1415 йил 9 июнда Бойқаро Мирзо Шерознинг Истаҳр номли дарбозаси олдига келиб тўхтайди, шаҳар бошлиқсиз қолгани туфайли, саййидлар, қозилар ва акобирлар шаҳар дарвозасини очиб, Бойқаро Мирзони шаҳарга олиб кирадилар.

Бу хабар Ҳиротга етиб келгач, Шоҳруҳ Мирзо исённинг олдини олиш мақсадида, амир Жалолиддин Ферузшоҳни қўшинга бошлиқ қилиб, Язд йўлидан бориб шаҳзода Иброҳим Султон Мирзога қўшилишига амр қиласди. Амир шоҳ Маликни эса Рай вилоятидаги амирларга бориб қўшилишига буйруқ беради. Шайх Луқмон барлосни Хутталон, Қундуз ва Бақлон қўшинини йигиб, олий ўрдugoҳга келтиришга сафарбар қиласди.

1415 йил 24 августда қўшин Ҳиротдан чиқиб, Шерозга йўл олади. Амир Жалолиддин Ферузшоҳ Иброҳим Султон Мирзо билан қўшилиб, Шерозни ҳамал қиласди. Бойқаро Мирзо шаҳар қалъасига кириб олади. 26 октябрда Шоҳруҳ Мирзо бошчилигидағи қўшин ҳам етиб келади.

Вазиятни бунчалик мушкуллашишини ўйламаган Бойқаро мирзо шаҳзода Гиёсиддин Бойсунгур Мирзодан ҳоқон Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига воситачи бўлиб боришини илтимос қилиб, унинг ҳузурига ўзининг навқари Кишлоқни юборади. Бойсунгур Мирзо бу хабарни отаси Шоҳруҳ Мирзога етказади. Ҳоқон розилик беради. Шундан сўнг 1415 йил 8 ноябрда Бойқаро Мирзо қалъадан чиқиб таслим бўлади.

Шоҳруҳ Мирзо унинг гуноҳини авф этиб, Қандақорга — Қайду Мирзо ҳузурига жўнатади. Кўп ўтмай, Қайду Мирзодан Ҳиротга — Шоҳруҳ Мирзога мактуб келади. Мактубда қуйидагилар битилган эди: «Бойқаро Мирзо бир тоифа қонхўр бузуқиларни ўзига иттифоқдош қилиб, Қайду Мирзога қасд қилди. Қайду Мирзо бу исёндан воқиф бўлиб, Бойқаро Мирzonи бандга олди ва фитначиларни йўқлик оламига жўнатди/ Бойқаро Мирзо эса занжир ва гул бандида онҳазратнинг ишоратини кутмоқда».

Шундан сўнг Шоҳруҳ Мирзо Бойқаро Мирzonи «Синд сувидан ўтказиб юборилсин, токи у Ҳинд мулки-

қайси жойни истаса ўша ерда турсин!»— деган мазмунда Қайду Мирзога мактуб юборади.

Аммо Қайду Мирзо номаълум сабабларга кўра Бойқаро Мирзони Ҳиндга жўнатмай туради. Шоҳруҳ Мирзо Қайду Мирзо ҳузурига хабарчи юбориб, «Алҳол Бойқаро Мирзо Ҳинд тарафига кетмаган экан, энди уни бу томонга жўнатсан!»— деб таъкидлайди.

1417 йил 28 августда Қайду Мирзо ҳузуридан амир Жаҳон Уч Қаро келиб Бойқаро Мирzonинг келаётганидан хабар беради. Бойқаро Мирзо етиб келгач, Шоҳруҳ Мирзо унга Ҳизр Ҳожани мулозим қилиб Самарқандга — Улугбек Мирзо ҳузурига жўнатади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг берган маълумотига қараганда, 1423 йилда Улугбек Мирzonинг фармонига кўра, Бойқаро Мирзо лашкароҳда ўлдирилади.

Бойқаро Мирзодан уч ўғил — Музаффар Мирзо, Муҳаммад Мирзо ва Ғиёсиддин Мансур Мирзолар қолган эдилар.

Бойқаро Мирzonинг тўнғич ўғли Музаффар Мирзо 1409 йилда тугилган. Аммо у кўп умр кўрмай, 1429 йилда 20 ёшида вафот этади. Ундан фарзанд борйўқлиги номаълум. Иккинчи ўғли Муҳаммад Мирzonинг қачон тугилгани ҳамда вафоти ҳақида маълумот учрамайди. Фақат унинг ўғли Султон Увайс Мирzonинг 1454 йилда Самарқанд ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо мулозиматида эканлиги ҳамда ҳукмдорга қарши исён кўтариб, қамоққа олинганилиги ҳақида маълумот бор.

ҒИЁСИДДИН МАНСУР МИРЗО Бойқаро Мирzonинг учинчи ўғли бўлиб, 1413 йилда тугилган. Унинг онаси Кутлуг Султон бегим эди.

Ғиёсиддин Мансур Мирзо ҳукмронлик қилмаган. У умрининг охиригача Ҳиротда оддий одамлардек ўрта ҳол ҳаёт кечирган. 1445 йилда Ғиёсиддин Мансур Мирзо вафот этади. Ундан икки ўғил ва икки қиз қолган эди.

ФЕРУЗА БЕГИМ соҳибқирон Амир Темурning катта қизи Ўги Бегининг ўғли Султон Ҳусайн Мирzonинг қизи эди. Феруза бегимнинг онаси Кутлук Султон бегим эса Мироншоҳ Мирzonинг қизи эди. Феруза бегим Бойқаро Мирzonинг учинчи ўғли Ғиёсиддин Мансур Мирзоға турмушга чиққан эди. Феруза бегим икки ўғил ва икки қизнинг онаси эди. У 1469 йил 24 июлда вафот этади.

БОЙҚАРО МИРЗО Ғиёсиддин Мансур Мирzonинг

катта ўғли бўлиб, 1430 йилда тугилган. Онаси Феруза бегим эди.

Бойқаро Мирзо Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг акаси эди. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Ҳирот таҳтига ўтиргач, Бойқаро Мирзо бир неча муддат Балх қукуматини идора қиласди. Заҳиридин Муҳаммад Бобур Мирзо унинг ҳақида қуийдагиларни ёзган эди: «Бойқаро Мирзо Султон Ҳусайн Мирзодан улуғ эди ва навқари эди, vale девон бошида ҳозир бўлмас эди, гайри девонда бир тўшакда ўлтурурлар эди». Бойқаро Мирзо 1487 йилда вафот этади.

Бойқаро Мирзонинг учта ўғли бўлиб, каттаси Султон Муҳаммад Мирзо эди. У 1449 йилда тугилганди. У амакиси Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро саройида мулозиматда юриб, 1483 йилда Ҳиротда вафот қиласди.

Ўртанча ўғли Султон Вайс Мирзо бўлиб, 1451 йилда тугилган эди. У ҳам саройда хизмат қиласди. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ўзининг энг катта қизи Султоним бегимни Султон Вайс Мирзога никоҳлаб бериб, ўзига куёв қилган эди. Бу ҳақда Заҳиридин Муҳаммад Бобур Мирзо шундай ёзади: «Оғаси Бойқаро Мирzonинг ўртанча ўғли Султон Вайс Мирзога чиқариб эди. Бир қиз, бир ўғил бўлиб, эди. Қизини Шайбон султонларидан Иилиборс султоннинг иниси Эсонқули султонга чиқариб эди, ўғли Муҳаммад Султон Мирзодурким, бу тарихта Қуннуч вилоятини анга берибтурмен».

Султон Вайс Мирзо 1491 йилда вафот қиласди.

Бойқаро Мирzonинг учинчи ўғли — Искандар Мирзо бўлиб, 1455 йилда тугилган эди. У ҳам амакиси Султон Ҳусайн Мирзо Бойқарога куёв эди. Шаҳаншоҳнинг еттинчи қизи — Султон Нажод бегимга уйланган эди.

1502 йил апрел ойида Искандар Мирзо вафот этади.

БАДИУЖ-ЖАМОЛ БЕГИМ Фиёсиддин Мансур Мирzonинг катта қизи эди. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг опаси эди. Бадиуж-Жамол бегимнинг исмини «Бобурнома»да Бадакабегим деб ёзилган.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳали Хуросон таҳтини ўз тасарруфига киритмасдан бурун, Журжон вилояти атрофида қозоқиликда юрган кезларида, Бадиуж-Жамол бегимни Пир Бадоғ Султон никоҳига киритган эди. Пир Бадоғ Султон вафотидан сўнг, Бадиуж-Жамол бегимни Даشتி Қипчоқ ҳукмдори Ҳожи

Тархонли (Астрахон) Султон Аҳмадхон ўз никоҳига^{*} киритади.

Бадиуж-Жамол багимнинг Султон Аҳмадхондан икки ўғли ва бир қизи бор эди. Султон Аҳмадхон вафотидан сўнг, малика ўз юрти Ҳиротга келишга жазм қиласиди. Аммо катта ўғли Султон Маҳмудхон Ҳурсонга келишдан бош тортиб, ўз маврусий мамлакатида қолади. Малика кичик ўғли Баҳодир Султон ва қизи Ҳонзода бегим билан бирга 1485 йилда Ҳиротга келади. 1487 йилда Ҳонзода бегимни Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг суюкли ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзога никоҳ қиласидилар.

ОҚОБЕГИМ Гиёсиддин Мансур Мирзонинг иккинчи қизи эди. Оқобегим Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг кичик опаси эди. Оқобегим ҳам ҳали Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Ҳирот тахтига ўтирасдан бурун. Сайди Аҳмад Мирзонинг ўғли Аҳмад Мирзо никоҳига кирган эди. Уларнинг якка-ягона ўғли бўлиб, исми-шарифи Мухаммад Султон Мирзо, лақаби «Кичик Мирзо» эди.

СУЛТОН ҲУСАЙН МИРЗО БОЙҚАРО

Султон Ҳусайн Мирзо 1438 йил июл ойида Ҳиротнинг шарқи-шимолида жойлашган «Давлатхона» деб номланган саройда оламга келади.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг отаси Султон Гиёсиддин Мансур Мирзо насл-насаб жиҳатдан Бойқаро Мирзонинг учинчи ўғли эди. Бойқаро Мирзонинг отаси Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзо баҳодирнинг кичик ўғли эди.

Онаси Феруза бегим ота томонидан Амир Темурнинг катта қизи, Ого бегимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзонинг қизи эди. Феруза бегимнинг онаси Кутлук Султон бегим эса Мироншоҳ Мирзонинг қизи эди. Дарҳақиқат, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро, Захиддин Муҳаммад Бобур Мирзо таърифлаганидек, «Каримут-тарафайн», яъни ҳар икки томондан ҳам наасби Амир Темур Курагонга туашарди.

1445 йилда Султон Гиёсиддин Мансур Мирзо вафот этади. Бу пайтда Султон Ҳусайн Мирзо етти ёшда эди. У 14 ёшигача мактабда ўқииди.

Тарихчи Гиёсиддин бин Ҳумомиддин Ҳондамирнинг ёзишича, 1452 йил куз ойларида 14 ёшли Султон Ҳусайн Мирзо онаси Феруза бегим билан кенгашиб, Ҳирот ҳукмдори Абулқосим Бобур Мирзо саройига хизматга киради.

1454 йил кеч кузда Абулқосим Бобур Мирзо Самарқандга қарши муваффақиятсиз юриш қиласи. Бу юришда 16 ёшли Султон Ҳусайн Мирзо ҳам бирга эди. Самарқанд ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо Абулқосим Бобур Мирзо қўшинига қақшатгич зарбани бергач, ҳар икки ҳукмдор ўртасида сулҳ битими имзоланиб,

мазкур йилнинг 25 декабрида Абулқосим Бобур Мирзо Ҳиротга қайтади. Бироқ Султон Ҳусайн Мирзо ўз валинеъмати Абулқосим Бобур Мирзо билан бирга Ҳиротга қайтмайди. У Самарқанд ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо саройида қолади. Султон Ҳусайн Мирзонинг Самарқандда қолиши бежиз эмасди, албатта.

Феруза бегим эри Султон Фиёсиддин Мансур Мирзодан кўрмаган рўшноликни ўғли Султон Ҳусайн Мирзодан кўриш орзусида яшарди. Ўғлига ёшлигиданоқ улуг бобоси Амир Темур ҳақидаги қиссалардан сўзлаб, қулогини пишитар ҳамда улуг мақсадлар ва буюк мартабаларга ҳавас уйготишга тиришиб келарди. Аслида Феруза Бегим Абулқосим Бобур Мирзога нисбатан, Султон Абусайид Мирzonинг қудратли ва давлатманд ҳукмдор фаҳмлаб, ўғли Султон Ҳусайн Мирзога Самарқанд саройида хизмат қилишга ижозат ҳам берган. эди. Шунингдек, Султон Абусайид Мирзо саройида хизмат қилаётган шаҳзодалар орасида Умар Шайх Мирзо авлодига мансуб шаҳзодалардан бир нечаси бор эди. Булар ёнига Султон Ҳусайн Мирзо ҳам бориб қўшилади. Бироқ кўп ўтмай Султон Ҳусайн Мирzonинг амакивачаси Султон Вайс Мирзо (Муҳаммад Мирzonинг ўғли) ҳукмдор Султон Абусайид Мирзога қарши исён кўтаради. Исёнчи шаҳзодадан ҳавфсираган Султон Абусайид Мирзо ўз мулоzиматида бўлган 13 нафар шаҳзодаларни ҳибсга олади. Табиийки, мазкур шаҳзодалар орасида Султон Ҳусайн Мирзо ҳам бор эди.

Бу даҳшатли хабар тез фурсатда Ҳиротга — Феруза Бегимга етиб келади. Феруза Бегим Абулқосим Бобур Мирзо ҳузурига бориб, ундан маслаҳат сўрайди ва ўзини Самарқандга — ҳукмдор Султон Абусайид Мирзо ҳузурига жўнатишни илтижо қилиб ёлборади. Хурсон ҳукмдори Абулқосим Бобур Мирзо ҳарнечук Феруза Бегимниг Султон Абусайид Мирзо билан холавачча эканлигини назарда тутиб, Ҳиротдан Самарқандга жўнаётган савдо карвонига Феруза Бегимни ҳамроҳ қилиб жўнатади.

Мовароуннахр ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо холаваччаси Феруза Бегимга илтифот кўрсатиб, илиқ кутиб олади. Феруза Бегим сўз орасида ҳукмдорнинг ўз холаваччиаси эканлиги, шунингдек ўзгаларга нисбатан унга яқин қариндошлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, ўғли Султон Ҳусайн Мирzonинг улуг ҳукмдорга қарши ҳеч қачон гарази бўлмагани ва

бўлмаслиги ҳақида кафолат беражагини, бинобарин ўглини ҳибсдан озод қилиб, Ҳиротга қайтишга ижозат беришини нолаю-илтижолар билан сўрайди. Ҳукмдор Султон Абусайд Мирзо холаваччасининг зориуютаваллолари ҳамда кўз ёшларини инобатга олиб, Султон Ҳусайн Мирзони ҳибсдан озод қилиб, онаси Феруза Бегим билан бирга Ҳиротга жўнашига фармон беради. Тарихий манбаларнинг берган маълумотига қараганда, Султон Ҳусайн Мирзо тахминан 1455 йилда Самарқанддан қайтиб келиб, яна Абулқосим Бобур Мирзо саройидаги хизмат қиласланади. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, худди шу пайтда ёш Алишер Навоий ҳам Абулқосим Бобур Мирзо хизматига киради.

Абдураззоқ Самарқандийнинг берган маълумотига қараганда, 1456 йил октябрнинг бошида Абулқосим Бобур Мирзо Ҳиротдан чиқиб, 14 октябрда Машҳадга келади. Ҳукмдорнинг бу сафарида шаҳзода Султон Ҳусайн Мирзо билан Алишер Навоий ҳам бирга эдилар. Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадда қишлияди. 1457 йилнинг 22 марта саройда ўтказилаётган базмда Абулқосим Бобур Мирзо жигар хасталигига қарамай, меъёридан ортиқ шароб тановул қилиб, оламдан кўз юмади.

Абулқосим Бобур Мирзо вафотидан сўнг, Султон Ҳусайн Мирзо саройни тарк қилиб, Марв, Жом ва Моҳан вилоятларининг ҳукмдори Санжар Мирзо Марвий ҳузурига боради. Санжар Мирзо Марвий 1455 йилдан бўён Абулқосим Бобур Мирзо қўл остида эди.

Абулқосим Бобур Мирзо вафотини эшитган Санжар Мирзо марҳум ҳукмдорнинг ўғли ёш шаҳзода Шоҳ Маҳмудга байъат билдиришни ўзига эп кўрмай, аксинча, мустақил ҳукмронлик йўлини танлайди. Худди ана шу пайтда 19 ёшли барваста наружувон шаҳзода Султон Ҳусайн Мирзо унинг ҳузурига ташриф буюради. Санжар Мирзо Султон Ҳусайн Мирзони юксак эҳтиром билан кутиб олади ва бениҳоя илтифотлар кўрсатади.

Санжар Мирзо ёш шаҳзодадан келгусида ўз максадлари йўлида фойдаланиш ниятида, унга ўз қизи 15 ёшли Бека Султон бегимни никоҳлаб беради. Султон Ҳусайн Мирзо ўзининг қатъияти ва жасорати туфайли тез кунда қайнотаси Санжар Мирзонинг ишончига сазовор бўлади.

1457 йил июл ойида марҳум Абулқосим Бобур Мирзонинг ўн бир ёшли ўғли Шоҳ Маҳмуд Мирзо

Алоуддавла Мирзонинг ўғли Иброҳим Мирзодан енгилеб, Машҳадга қайтгани ҳақидаги хабарни эшитган Муизиддин Санжар Мирзо Машҳадни ўз тасарруфига киритиш иштиёқида тараддудга тушади. Санжар Мирзо Машҳадга жўнаш олдидан Марвда ўз ўрнига қуёви Султон Ҳусайн Мирзони ҳукмдор этиб белгилайди.

Султон Ҳусайн Мирзо тез орада қайнотаси Санжар Мирзо кутганидек ўз шиҷоати ва қаттиққўллигини намойиш қиласланади. Шу орада бир қизиқ воқеа содир бўлади. Тўйдан сўнг Бека Султон бегим кунлардан бир кун, бундан уч юз йил муқаддам ўтган машҳур бобоси Санжар ҳақида ҳикоя қилиб, унинг даврида Марвда муҳташам бинолар, bog-rogлар барпо этилиб, Марв мисли йўқ гўзал шаҳарга айлангани ҳақида эҳтирос билан сўзлаб беради. Дарҳақиқат, Марвда мўғул истилосидан қолган вайроналар ҳамда бино ва хиёбонларнинг ярим хароба манзараси ўз даврида ниҳоятда кўркам шаҳар бўлганидан далолат берарди.

Ана шу ярим хароба бинолар орасида зангори гумбазли бир масжид мўъжиза юз бериб шикастланмай қолган эди. Бека Султон бегимнинг ҳикояси ҳам худди ана шу масжид устида борарди.

— Кунларнинг бирида,— деб ҳикоясини давом эттиради Бека Султон Бегим — Султон бир парига уйланыбди. Пари Султонга учта шарт кўйибди, шартга биноан пари сочини тараётганда Султон ҳеч қачон унга қарамаслиги, унинг белидан қучмаслиги ва хотини юрганда унинг оёқларига кўз ташламаслиги лозим эди. Султон бирмунча вактгача шартга риоя қилиб юради. Аммо кунларнинг бирида сабр косаси тўлиб, хотини сочини тараётган аснода яширинча кўз қирини ташлайди. Бироқ не кўз билан кўрсинки, хотини ўз бошини курси устига олиб кўйиб, қора соchlарини олтин тароқ билан тараётган экан. Бу воқеадан ҳанг-манг бўлиб қолган Султон, бир оздан сўнг хуши ўзига келиб, «нега бундай қилдинг», деб сўрабди. Пари газабланиб, «агар иккинчи шартни бузгудай бўлсанг, албатта сени ташлаб кетаман», деб жавоб берибди. Орадан бир неча кун ўтгач, султонга шаҳвоний ҳирс галаба қилиб, беихтиёр хотинининг белидан кучибди. Кучибди-ю, парининг белида суяги йўқлигидан ҳайратга тушиб, «нега белингда суягинг йўқ?»— дебди. Шу заҳотиёқ пари учеб, кўздан гойиб бўлибди. Султон шаҳарнинг забардаст доуоҳон домлаларини йигибди. Улар тўққия жечают-тўққиз кун дуо ўқиб, паридан султоннинг гуноҳини

кечириб, қайтиб келишини илтижо қилиб сұрабдилар. Нихоят, пари султоннинг гунохидан ўтиб, қайтиб келиби ва «агар учинчи шартни бузсанг бутуилай кетаман», дебди. Султон шартни бузмасликка сўз бериб, тўққиз йил тишини-тишига қўйиб чида б юрибди. Нихоят, кунлардан бир кун султон олдидан юриб кетаётган парининг оёгига кўз ташлабди, қараса парининг оёги ерга тегмай, ҳавода муаллақ сузив кетаётган эмиш. Султон жон ҳолатда «учиб кетма, пари», деб қичқирибди. Бироқ шу заҳотиёқ пари гойиб, бўлибди. Султон ғам-андухга ботиб, касал бўлиб қолибди. Хасталикдан тузалиб, ўрнидан тургач, катта масжид курдирибди. — Хуанови масжидни ўша султон курдирган,— дея узоқда жилваланиб турган кўк гумбазли катта масжидни эри Султон Ҳусайн Мирзога кўрсатади Бека Султон бегим.

— У масжидни осмёнўпар баланд курдирмоқчи экан,— дея ҳикоясини давом эттиради Бека Султон бегим. — Бироқ ушбу охирги қавати қўндирилиб, энг юқорисига кўтарилиганда, пари даричадан мўралаб, султонга таъзим қилибди-да, бундан буён ҳар жума куни намоэшомдан кейин қелиб туришга ваъда қилибди. Шундан сўнг султон жума кунини орзиқиб кутадиган бўлиб қолибди. Ваъдага биноан ҳар жума куни шомдан сўнг пари султон ҳузурига қелиб, эртаклар айтиб берар, ашула айтар, гоҳо узун қора соchlарини олтин тароқ билан тараб ўлтиаркан. Кунларнинг бирида пари олтин тароғини қўлидан тушириб юборибди. Султон эса паридан мазкур тароқни эсдалик учун тақдим қилишини илтимос қилибди. Пари рози бўлибди. Замонлар ўтиб, ўлими яқинлашаётганини сезган султон олтин тароқни масжиднинг гумбазига қўйиб, устини суваб юборишни буюрибди. Ушандан буён тароқ масжиднинг гумбазида эмиш,— деб ҳикоясини тугатади Бека Султон бегим.

Мазкур афсонани эшитган Султон Ҳусайн Мирзонинг хаёли қочиб, «балки афсонада озгина бўлса-да ҳақиқат бордир»— деган фикрга қелиб, ҳеч ким йўқ пайтни пойлаб, масжид устига чиқиб, гумбаз гиштларини кўчирашибайлайди. Бу воқеани кўрган муаззин Санжар Мирзонинг энг нуфузли ашрофларидан бири бўлган вазир Ҳасан Арлотга хабар беради. Ҳасан Арлот эса Султон Ҳусайн Мирзони ёқтиримас, унга келгинди деб қараб, зимдан дилида адсоват сақлар эди. Пайтни ганимат билган Ҳасан Арлот эл орасида «Султон Ҳусайн

Мирзо, санжарий сулоласига мансуб бўлган дафинани ўгирлаб, Санжар Мирзони ағдариб, Марвда ўз салтана-тини барпо этмоқчи»— деган миш-мишни тарқатади ва уни асирга олиш тарааддудига тушади.

Бу фитнадан огоҳ бўлган Султон Ҳусайн Мирзо фурсатни қўлдан бермай Ҳасан Арлотни ушлатиб, ҳибсга олади. Шу воқеадан сўнг гўё фитна тинчигандай бўлади. Ёшлик ғурури билан майлга эрк берган Султон Ҳусайн Мирзо ўз навкарлари билан овга чиқади.

Тарихчи Ҳондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» номли асарида талқин қилинишича, Султон Ҳусайн Мирзо ўрдugoҳдан узоклашгач, Муизиддин Санжар Мирзонинг мулоzимларидан Муҳаммадбек Шерозий, Шайх Зуннун Ироқий ҳамда умаролардан Эл Үғли ўзаро иттифоқ тузиб, шаҳзодадан ўч олишга жазм қиласилар. Дарҳол Султон Ҳусайн Мирзонинг девонда хизмат қилиб турган яқин кишиларидан Дўлдор Шайх Баҳодир, Шер Али ва бошқаларни қатл қиласилар. Шаҳардан жйла билан қочиб чиқсан Жон Алининг биродари мазкур машъум хабарни Султон Ҳусайн Мирзога етказади. Султон Ҳусайн Мирзо 60 нафар навкари билан шаҳарга яқинлашганда, шаҳар дарвозалари маҳкам ёпилганини ва Санжар Мирзога тарафдор амир ва беклар жангга тайёр турганини кўради. Орада қаттиқ жанг бошланади. Жанг асносида Султон Ҳусайн Мирзонинг қўли баланд келиб, шаҳарга ёриб кирса-да, бироқ кучларнинг номувофиқлиги туфайли жанг хотимасида шаҳарни ташлаб чиқишига мажбур бўлади.

Тарихий манбаларнинг хабарига кўра, Султон Ҳусайн Мирзо Марвдан сикиб чиқарилгач, ўша йили киши фаслини Марв билан Хева оралигидаги биёбонда ўтказишга мажбур бўлади.

Тарихчи Ҳондамир ва Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзганларига қараганда, 1458 йил баҳорида Султон Ҳусайн Мирзо ўзига қарашли уч юзга яқин навкарлари билан Тажан (Тенджен)га қараб юради. Айни вақтда амир Бобо Ҳасан Журжонда Жаҳоншоҳ туркман тазиикидан қочиб, ўз навкарлари билан Обивард орқали юриб, Санжар Мирзога қўшилиш ниятида келмоқда эди. Бу хабарни эшитган Султон Ҳусайн Мирзо Анбух яқинида амир Бобо Ҳасанга етиб бориб ҳамла қиласиди. Орада ҳаёт-момот жангига бошланади. Султон Ҳусайн Мирзо уч юзга яқин даловур навкарлари билан жангга кириб, амир Бобо Ҳасан навкарларини тўзитиб, ўзини эса асир олиб, сўнгра қатл қилдиради. Амир Бобо

Ҳасаннинг омон қолган навкарларини Султон Ҳусайн Мирзо ўз паноқига олиб, Нисо вилоятига юради. Бу галаба Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳарб майдонидаги биринчи галабаси эди. Шундан сўнг Султон Ҳусайн Мирзо Нисо вилоятини забт этиб, ундан Астрободга қараб юради. Астробод ҳокими Ҳусайнбек Жаҳоншоҳ туркманинг амакивачаси эди. 1460 йил сентябрида Султон Ҳусайн Мирзо Астрободни забт этгач, Ҳусайнбекни дорга осдириб, салтанат ва аръони давлатни ўз ҳукмига киритади.

Султон Ҳусайн Мирзо ҳали Астрободга ҳужум қиласдан аввал Нисо шахридалигига қайнотаси Санжар Мирзо билан орадаги низони бартараф этиш мақсадида музокара юритиш учун Маҳмуд Туркистонийни элчи қилиб жўнатади. Аммо бир сўзли, қайсар Санжар Мирзо ҳали жаҳлидан тушмаган эди. Бинобарин, элчи Маҳмуд Туркистонийни дарҳол тутдириб, қатлга буюради. Натижада қайнота билан куёв ўртасидаги кина-кудурат яна авжита чиқади.

Султон Ҳусайн Мирзо Астрободда ўрнашиб олгач, Хуросон ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо билан музокара юритиб, Астробод вилоятида хутбани Султон Абусайид Мирзо номига ўқиттиради. Аммо Султон Абусайид Мирзо ўзининг хавфли душмани Жаҳоншоҳ туркман билан сулҳ тузиб олгунгача Султон Ҳусайн Мирзо билан дўстона муносабатда бўлиб туради. Ўз салтанатини катта-кичик душманларидан фориғ қилгач, Астробод вилоятига, яъни Султон Ҳусайн Мирзога қарши кўз тикабошлади.

1459 йил март ойида Султон Ҳусайн Мирзо ҳузурига Султон Абусайид Мирзо томонидан Абдураззоқ Самарқандий элчи бўлиб келади. Бу пайтда Султон Абусайид Мирzonинг душманлари деярли тугатилган, 1458 йилдаёқ Алоуддавла Мирзо, унинг ўғли Иброҳим Мирзо ва Санжар Мирзоларнинг бирлашган ҳарбий кучлари Сарахс қўргони яқинида тор-мор этилиб, Алоуддавла билан Иброҳим Мирзо жанг майдонидан аранг қочиб қутулган эдилар. Аммо Санжар Мирзо яраланиб, асир олингач, Султон Абусайид Мирzonинг буйругига кўра қатл қилинган эди. Шунингдек, бу вақтда Султон Абусайид Мирzonинг энг хавфли душмани туркман ҳукмдори Жаҳоншоҳ билан сулҳ тузилган эди.

Султон Ҳусайн Мирзо Ҳирот элчиси Абдураззоқ Самарқандийни Ҳиротга қайтишга рухсат бераркан, унинг ёнига ўз элчисини ҳам қўшиб жўнатади. Султон

Абусайид Мирзо Султон Ҳусайн Мирзонинг элчисини яхши қабул қиласи.

Абдураззок Самарқандийнинг ёзишича, кейинчалик Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳарбий тўдалари Хуросон музофотига кириб, талон-тарож билан шуғулланадилар, улар ҳатто Сабзавор ва Нишопургача изгиб кела бошлайдилар. Ҳолбуки, бутун Хуросон ва Мозандаронни ўз тасарруфига киритишни ният қилиб юрган Султон Абусайид Мирзо учун Султон Ҳусайн Мирzonинг бундай кирдикорлари айни муддао эди.

Хондамирнинг ёзишига қараганда, Султон Ҳусайн Мирzonинг яқин мулозимларидан Мұҳаммад Қавчин ҳокимлик қилиб турган Биёржуманд вилоятига Султон Абусайид Мирzonинг буйругига кўра, амир Мұҳаммад Муштоқ ҳужум қиласи. Аммо Мұҳаммад Қавчин жангда Мұҳаммад Муштоқни асир олиб, қўшинларни яксон қиласи. Мұҳаммад Муштоқни эса Султон Ҳусайн Мирзо ҳузурига жўнатади.

Султон Ҳусайн Мирзо эса, Султон Абусайид Мирzonинг ҳурмати юзасидан унинг амири Мұҳаммад Муштоқни банддан бўшатиб, саруполар кийдиради ва ёнига ўз мулозимларидан бири амир Сайид Кўкалтошни элчи қилиб тайинлаб, Ҳиротга — Султон Абусайид Мирзо ҳузурига жўнатади. Элчи амир Сайид Кўкалтош Султон Абусайид Мирзо ҳузурига кириши билан Султон уни ушлатиб зинданга солади. Шу кундан бошлаб Султон Ҳусайн Мирзо билан Султон Абусайид Мирзо ўрталарида душманлик уруги униб чиқади ва кундан-кун ривожланади.

Хондамирнинг ёзишича, Султон Ҳусайн Мирзо 1460 йилнинг бошларида Биёржуманд вилоятида яшовчи араблар исёнини бостириш учун Абдул Али тархон бошчилигида ҳарбий гурӯҳни жўнатади. Улар Биёржуманд вилоятида осойишталиқ ўрнатиб, у ердан қочган исёнчиларни таъқиб қилиб, Сабзавор ва Нишопургача босиб борадилар. Бу хабарни эшитган Султон Абусайид Мирзо амир Али Форси барлос, Ҳасан Шайх Темур, амир Нур Сайид ва амир Сайид Мазидларни Биёржумандга жўнатади. Абдул Али тархон Хуросон бекларининг келаётган хабарини эшитиб, Астрободга қайтиб келади. Шундан сўнг Султон Ҳусайн Мирзо Хуросон бекларига қарши илгор юборади. Аммо беклар кетидан катта қўшин билан Султон Абусайид Мирzonинг ўзи ҳам келаётганини эшитиб, Астробод қалъа ва қишлоқларини жангга тайёрлашга фармон беради. Шу аснода

қалтис вазият содир бўлиб, Султон Ҳусайн Мирзо амирларидан Аҳмад ва Бобо Ёкут Жалойир ўз қавми билан биргаликда Султон Ҳусайн Бойқародан юз ўгириб, кетиб қолади. Бу воқеадан кейин қўшиндан птур кетиб, Хурросон қўшинига бардош бериш имкондан ташқари бўлиб қолади.

Вазиятни ҳисобга олган ҳолда Султон Ҳусайн Мирзо Астрободни ташлаб чиқади ва Амударёдан кечиб ўтиб кетади. Султон Абусайид Мирзо Астрободга тантана билан кириб, бу вилоятни ўзининг учинчи ўғли ёш Султон Маҳмуд Мирзога инъом қилиб, ўзи Ҳиротга қайтади.

1461 йил баҳорида Султон Абусайид Мирзо Шоҳрухияда қўзголон кўтарган Муҳаммад Жўкий (Абдуллатиф Мирзонинг ўғли) Мирзога қарши лашкар тортади. Қулай фурсатни ганимат билиб, Султон Ҳусайн Мирзо Астрободга ҳужум қиласи ва Астробод ҳокими ёш шаҳзода Султон Маҳмуд Мирзони енгиб, вилоятни қўлга киритади. Султон Маҳмуд Мирзо эса Ҳиротга қочиб келади.

Султон Ҳусайн Мирзо Астрободни забт этгач, Абдураҳмон Аргунни ҳоким қилиб, ўзи Ҳиротга қараб йўл олади. Бу хабарни эшитган Сабзавор ҳокими амир Сайд Мурод ва Нишопур ҳокими амир Сайд Асил Аргунлар тезда Ҳиротга бориб, қалъани мустаҳкамлаш тарафдудига тушадилар. Аммо Султон Ҳусайн Мирзо ўз қўшини билан 1461 йил 31 августда шаҳар четидаги Боги Зогонга келиб тўхтайди. Ҳиротнинг барча дарвозалари ёпилган ва жангга тайёр ҳолда турарди. Султон Ҳусайн Мирзо аскарлари Ҳирот дарвозалари ёнида қаттиқ жанг олиб борадилар. Аммо амир Сайд Асил Аргун ва амир Сайд Муродларнинг жонбозлиги натижаси ўлароқ, ҳиротлилар душманни шаҳарга яқинлаштирамайдилар.

Душман тарафидан кимки ҳиротлилар қўлига тушса, қулоқ ва бурнини кесиб қўйиб юборадилар. Ўз навбатида душман қўлига тушган ҳиротлиларнинг қисмати ҳам мазкур жазодан мустасно эмас эди.

Ниҳоят, шу йилнинг сентябр ойининг охирида Султон Абусайид Мирзо шошилинч равишда Муҳаммад Жўкий Мирзо билан сулҳ тузиб, Ҳирот томон йўлга тушади. Ҳирот атрофида бир ой муддат ичida ҳеч бир иш чиқараолмаган Султон Ҳусайн Мирзо бу хабарни эшитгач, 3 октябрда шаҳарни қамалдан бўшатиб, Астробод томонга чекиниб, 10 октябрда Астрободга етиб

келади. Бирок, Султон Абусайид Мирзо Султон Ҳусайн⁹ Мирзони таъкиб этиб, Астробод томонга юради. Султон Ҳусайн Мирзо томонидан Сарахс қалъаси муҳофазаси учун қўйилган илғор Султон Абусайид Мирзо қўшинига бардош бераолмай Астрободга чекинади. Султон Абусайид Мирзо қўшинининг шитоб билан Астрободга келаётган хабарини эшигтан Султон Ҳусайн Мирзо ўз аркони давлати билан маслаҳатлашиб, Астрободни иккинчи марта бўшатиб, Амударёдан қайиқларда кечиб ўтиб, Хоразмга доҳил бўлади.

Султон Абусайид Мирзо томонидан Хоразм вилоятига тайинланган ҳоким золимлиги туфайли ҳалқ назаридан қолган эди. Бинобарин, Султон Ҳусайн Мирзо тез фурсатда Хоразм вилоятини ўзига тобеъ қиласди. 1464 йилда яна Ҳуресонга муваффақиятсиз юриш қиласди. Ҳондамирнинг ёзишича, Султон Ҳусайн Мирзо Нисо, Обивард, Машҳад ва Туршиз вилоятларига ҳужум қилиб, йўлида ким учраса ўлдириб, нима учраса талон-тарож қиласди. Гарчи Туршиз вилоятида галаба қозонган бўлса-да, бирок у ерда туролмай яна Хоразмга қайтади. Хоразмга ҳам муқим ўрнашолмайди. Чунки Хоразмда ҳокимият Султон Абусайид Мирзога ҳайри-хоҳ бўлган амир Нур Сайд қўлига ўтган эди. Нур Сайд Хоразмнинг аввалги ҳукмдори Шоҳ Малик авлодидан эди. 1467 йилда Султон Ҳусайн Мирзо Ҳоразмга бостириб кириб, уерни ҳаробага айлантиради. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Нур Сайд шаҳар мудофаасини ташкил қилишда хатога йўл қўйиб, аввал ҳокимиятдан, сўнгра ҳаётидан маҳрум бўлади.

Шундан сўнг Султон Ҳусайн Мирзо кўп вақтгача Хоразм билан Бухоро ўртасида кезиб ҳаёт кечиради. Ниҳоят, 1468 йили Жўжихон авлодига мансуб Даҳти Қипчоқ ҳукмдори Абулҳайрхон ҳузурига кўмак истаб боради. Тарихчи Ҳондамирнинг сўзига қараганда, хон ҳузурига кирувчи зот таҳт олдиди туриб, таъзим билан бош кийимини кўтариб, эҳтиёжмандлик рамзи сифатида бир қўлига бир пой ковушини олиб, эгилиб таъзим қилиши вожиб бўлган. Аммо Султон Ҳусайн Мирзо бу русумни бажаришдан бош тортади ва ўз одатига кўра хон ҳузурида бир тиззасини ерга тегизиб, эгилиб таъзим қиласди. Абулҳайрхон бу вақтда шол касалига чалиниб, кўрпа-тўшакда ётарди. Шунга қарамай, Султон Ҳусайн Мирзога кўмак беришга розилик билдиради. Султон Ҳусайн Мирзо Абулҳайрхон ўрдасида бир ҳафта давомида, шоҳларга хос илтифот ва эҳтиромдан

сарафroz бўлиб ҳаёт кечиради. Мазкур фурсатда Султон Ҳусайн Мирзога кўмак учун ўзбек қўшинини йигишга фармон берилган эди. Бироқ тақдир тақозоси билан Абулҳайрхон вафот этиб, ўрдугоҳда бесаранжомлик бошланади. Бундай вазиятда кўмак олиш амри маҳол эканлигига кўзи етган Султон Ҳусайн Мирзо ноумид бўлиб, Хурросонга қайтади.

1469 йил март ойида Султон Абусайд Мирзо Ироқда туркманлар билан бўлган жангда ҳалок бўлади. Бу хабар тезда тарқалиб, Султон Ҳусайн Мирзо Ҳиротга қараб юради. Ҳондамирнинг ёзишича, Қорабоғда турган шаҳзода Султон Маҳмуд Мирзо отасининг ҳалокатини эшлиши билан Ҳиротга қараб юради. Абдураззоқ Самарқандийнинг берган маълумотига қараганда, Султон Абусайд Мирзонинг тўнгич ўғли Султон Аҳмад Мирзо 50 минг қўшин, билан Самарқанддан чиқиб, Ҳирот мудофааси учун келаётган эди. Ниҳоят, 16 март пайшанба куни Султон Маҳмуд Мирзо Ҳиротга киради ва 17 март жума куни унинг ҳамда акаси Султон Аҳмад Мирзо номига хутба ўқилади. Бироқ Ихтиёриддин қалъасининг бошлиги Султон Маҳмуд Мирзога қарши қўзғолон кўтаради. Қўзғолончиларни шаҳар аҳли ҳам қўллаб-қувватлайди. Та什қаридан Султон Ҳусайн Мирzonинг қўшини шаҳарга яқинлашиб келарди. Султон Маҳмуд Мирзо ички ва таҳчи душманга бардош беролмаслигига кўзи етгач, «жон борида бошни сақлаб қолиш» қабилида иш тутиб, Ҳиротни ташлаб чиқади ва ҳали йўлда келаётган акаси Султон Аҳмад Мирзога қўшилиб, Самарқандга кетади. Шундан икки кун ўтгач, 1469 йил 24 март жума куни Султон Ҳусайн Мирзо тантана билан Ҳиротга кириб келади ва ўша куни жомъе масжидида султон Ҳусайн Бойқаро номига хутба ўқилади.

1469 йил апрелда Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга келади. Алишер Навоий дўсти Султон Ҳусайн Бойқарони шаҳаншоҳлик мартабаси билан кутлаб, 14 апрел байрам куни «Ҳилолия» қасидасини тортиқ қилади.

1469 йилда Султон Ҳусайн Бойқарони жияни Муҳаммад Султон Мирзо ота-онаси Султон Аҳмад Мирзо ва Оқобегим билан бирга Озарбайжондан Ҳиротга келадилар. Муҳаммад Султон Мирzonинг лақаби Кичик Мирзо бўлиб, Султон Ҳусайн Бойқарони опаси Оқобегимнинг ўғли эди.

Султон Ҳусайн Бойқаро Хурросон таҳтини қўлга

киритгач, күп ўтмай Шохруҳ Мирзо авлодига мансуб, яъни Бойсунғур Мирзонинг набираси Ёдгор Муҳаммад Мирзо таҳт даъвогари сифатида майдонга чиқади.

Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг отаси Султон Муҳаммад Мирзо ўз акаси Абулқосим Бобур Мирзо томонидан қатл (1451 йил)қилингач, ёш шаҳзодани унинг аммаси Поянда Султон бегим ўз тарбиясига олади. Поянда Султон бегим ўз замонасининг оқила ва фозила аёлларидан эди. Унинг саъй-ҳаракати билан Ёдгор Муҳаммад Мирзо туркман ҳукмдори Мирзо Жаҳоншоҳ мулоzиматига ўтади. Мирзо Жаҳоншоҳ вафотидан сўнг амир Ҳасанбек ёш шаҳзодага катта умид боғлаб, уни ҳар соҳада яхши тарбиялаб, унинг ёнига бальзи хурросонлик беклардан кўшиб «маврусий мамлакатни эгаллаш»га ундаиди.

Ёш ва гўл шаҳзода таҳт эгаллаш васвасаси билан турурланиб, дарҳол Журжон вилоятига қўққисдан ҳужум қиласи. Журжон ҳокими амир Шайх Зоҳид Торимий ногаҳоний зарбага дош беролмай, Ҳиротга — Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига қочиб келади. Бу хабарни эшигтан Султон Ҳусайн Бойқаро дарҳол амир Носириддин Абдуҳолик, амир Муборизиддин Валибекни душманини даф этмоқ учун жўнатади. Уларнинг кетидан қўшимча кўмак билан ўз жияни Кичик Мирзо (Муҳаммад Султон Мирзо)ни ҳам юборади.

1469 йил 11 сентябрда Султон Ҳусайн Бойқаро ўз аскарлари билан Ҳиротдан чиқиб, Машҳад орқали Астрободга юради. Чинорон мавзеида Ёдгор Муҳаммад Мирзо қўшини билан тўқнашиб, жанг бошланади. Жанг асносида ҳар икки томондан кўплаб қурбонлар берилиб, жанг Султон Ҳусайн Бойқаро ғалабаси билан интиҳосига етади. Султон Ҳусайн Ҳиротга қайтиб, шаҳар чеккасидаги Боги Сафедда қўшинлари билан қишлияди.

Айни вақтда Ҳиротда айрим амалдорларнинг айби билан халқ қўзголон кўтаради. Султон Ҳусайн Бойқаро қўзголоннинг сабабини текшириш учун Алишер Навоийни Ҳиротга юборади. Алишер Навоий қўзголончиларга Султоннинг фармонини ўқиб эшигтиради. Мазкур фармонда фуқаро талаби қондирилган эди.

Шундан сўнг 1470 йил июн ойида Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротга киради. Бироқ айрим ҳарбий гурухларнинг сотқинлиги туфайли шаҳарни ташлаб чиқишига мажбур бўлади. Бу пайтда туркманлардан катта

кўмак олган Ёдгор Муҳаммад Мирзо шитоб билан юриб, июл ойининг бошида Ҳиротга кириб, таҳтни эгалайди.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Султон Ҳусайн Бойқаро ўз аркони давлати билан маслаҳатлашиб, тонг саҳарда Боги Зогонга етиб келади. Бу тунги хужумда амир Алишер Навоий ҳам бирга эди. Тун. Ҳамма тонги ширин уйкуда. Энди Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг оромгоҳини топиш зарур эди. Бу мушкӯл ишни амир Алишер Навоий ўз зиммасига олиб, қиличини гилофдан чиқариб, қўлида ҳасса қилиб, қаср томон юради. Ниҳоят, тунги базмдан ҳориган шаҳзодани мастона уйкуда ётган жойида қўлга олиб, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига келтирадилар. Султон Ҳусайн Бойқаро Ёдгор Муҳаммад Мирzonинг гуноҳини кечиб, қўйиб юбормоқчи бўлади. Бироқ аркон давлат монелик қилади. 1470 йил 21 августанда 19 ёшли Ёдгор Муҳаммад Мирзо қатл қилинади. Шундан сўнг Ҳирот ва унинг атрофини ўраб турган душман қўшини саросимада, даҳшатдан эсанкираб шаҳарни ташлаб қочади. Бинобарин, Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳурносон таҳтини иккинчи марта ўз тасарруфига киритади.

1470 йил баҳорида Улугбек Кобулий (Султон Абусайид Мирzonинг ўғли) ўз акаси Султон Махмуд Мирзо билан бирга Балх вилоятини муҳосара қилиб, у ердан Марв вилоятига босқин қилиб, мазлум фуқаро бошига ҳаддан зиёд жабр-зулмларни солади. Султон Ҳусайн Бойқаро дарҳол ўз аскарлари билан ака-ука шаҳзодаларга қарши юриб, Балх ва Марв вилоятларини душмандан тозалаб, Андхўйга келганда Муҳаммад Умар Мирzonинг исён кўтарган хабарини эшитади. Муҳаммад Умар Мирзо Амир Темур соҳибқироннинг тўнгич ўғли Жаҳонгир Мирзо авлодига мансуб бўлган Халил Мирzonинг ўғли ёди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо Ҳурносонга бостириб кирган кезларда, баъзи бир беклар, ҳарбий бошлиқлар ва мансабдорлар Султон Ҳусайн Бойқаронинг салтанатини омонат фаҳмлаб, ундан юз ўгириб, Ёдгор Муҳаммад Мирзо мұлозаматига ўтабошлаган эдилар. Шаҳзода Муҳаммад Умар Мирзо ҳам ана шундай қишилардан бири эди. У Юсуф Тархон ва бир гуруҳ ҳарбийлар билан иттифоқ тузиб, 1470 йил 19 июня Султон Ҳусайн Бойқаро ўрдugoҳидан чиқиб, Гармсер ва Қандаҳор томонга қочади. Ниҳоят, Султон Ҳусайн Бойқаро Қандаҳорга илгор юбориб, фитна бостирилади ва жанг

асносида шаҳзода Муҳаммад Умар Мирзо ажал шарбатини ичади.

Шундан сўнг Ҳиротда балки бутун Хурросон музофотида осуда кунлар бошланиб, жабрлийда халқ осойишта ва фаровон ҳёт кечира бошлайди. Зотан, Султон Ҳусайн Бойқаронинг бундан кейинги узоқ муддатли салтанати даврида Хурросон халқи чет эл босқини хавфидан хотиржамлиқда яшайди.

Дарҳақиқат, тарихий манбаларнинг берган маълумотига қарагандан, Султон Ҳусайн Бойқаро темурий шаҳзодалар орасида жасоратли, мард, одил ва тадбиркор салтанат соҳиби бўлган. Унинг даврида мамлакатда адолат барқарор бўлиб, Хурросон фуқароси бирмунча осойишта ва фаровон ҳёт кечирган. Айниқса Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, мамлакатда йирик сув иншоотлари, маъмурий ва маданий қурилишлар: мадраса, масжид, карвонсарой, работ, кўприк ва шу каби қурилиш ишларини кенг кўламда олиб борилган. Шунингдек, илм-маърифат гуллаб яшнаган. Зотан бу даврга келиб, Самарқанднинг аввалги шон-шухрати деярли қолмаган, бинобарин, олимум шоир, уламою фузалолар Самарқандни тарқ этиб, Ҳиротда маскан кура бошлаган здилар. Шу боис Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмронлик даврида Ҳирот фан ва ғаданият марказига айланган. Бу даврда илму фаннинг барча жабҳаларида қалам тебратган билимдон олимлар, сўз устаси сухандон хассос шоирлар, инсон руҳига ҳамоҳанг, нозик таъб мусиқашунослар, моҳир ҳунарманд нақошлар ва етук устоз мусавиirlар, ўзларининг бетакрор асарлари билан Хурросон ва унинг пойтахти Ҳиротнинг довругуни жаҳонга машҳур қила дилар.

Султон Ҳусайн Бойқаро Хурросон таҳтига ўтиргач, ўз қаламравидаги барча вилоят, шаҳар ва туманларда маъмурий бошлиқларни янгидан тайинлаб, қозилик ва доҳоҳлик мансабларига одил ва фозил кишиларни белгилайди. Шунингдек, масжид ва мадраса ишлари иш етук уламою фузалолар кўлига топширади. Ҳондамирнинг ёзицича, Султон Ҳусайн Бойқаро 1470 йил 13 август пайшанба куни Ҳазрат Ҳўжа Абдулло ансорий қабрини зиёрат қилиш мақсадида Гозургоҳга ташриф буюради. Зиёрат асносида қози Мавлоно Камолиддин Шайх Ҳусайнни ўз ҳузурига чорлаб, «Ҳирот дорус-салтанатида Султон Сайд замонидаги дастурни кўллаш лозим бўлади ва агар мен томондан ёки

биродарим ёки фарзандим томонидан шаръий чегарадан ташқари чиқилса, унинг ижроси кечиктирилмаслиги лозим»— дейди.

Дарҳақиқат Султон Ҳусайн Бойқаро мамлакат ичида тартиб ўрнатиш борасида шариат ахкомларидан усталик билан фойдаланади. Дарвоҷе, Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ёзганидек, шаҳаншоҳ баъзи масалаларда шариат йўлларига қаттиқ риоя қилган. Чунончи ўз ўғилларидан бири бир кишини ўлдириб қўйгани туфайли ўғлини даъвогарлар қўлига топшириб, қозихонага юборган.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг шакл шамойили ва хулқ-автори ҳақида Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо шундай ёзди: «қийик кўзлик, шерандом бўйлик киши эди. Белидан қўйи ингичка эди. Бовужудким, улуг ёш яшаб, оқсоқоллик бўлиб эди, хушранг, қизил-яшил абрешимни кияр эди. Қора қўзи бўрк кияр эди ё қалпок. Аҳёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси ёмон чирмон чирмаб, қарқара ўтагаси санчиб намозга борур эди.

Аввал таҳт олғонда ҳаёли бор экандурким, дувоздаҳ (ўн иккимонни хутбада ўқитгай. Алишербек ва баъзилар манъ қилибтурлар. Сўнгралар худ жаъми ишкучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эди. Мафосил (ревматизм) заҳмати жиҳатидан намоз қилолмас эди, рўза ҳам тутмас эди. Ҳарроф (очик юзли) ва хуш хулқ киши эди. Ҳулқи бир нима гузаророқ воқиъ бўлиб эди, сўзи ҳам ҳулқидек эди. Баъзи муомалотга шаръни бисёр риоят қилур эди.

Шуjoъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич тегурубдур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубтур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским. Султон Ҳусайн Мирзоча қилич чопмиш бўлгай. Таъби назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий лайтур эди. Тахаллуси «Ҳусайнӣ» эди. Баъзи байтлари мон эмастур, vale мирзонинг дёвони тамом бир вазнададур, бовужудким, ҳам ёш ва салтанат била улуг подшоҳ эди, кичиклардек қўчқор сақлаб, кабутар сақлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди».

Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳурносон ҳудудини ички ва ташқи душмандан тозалагач, бегамликка берилиб, айшу ишрат йўлига киради. Кўплаб хотинларни ўз ниҳоҳига киритиб, ҳарамини гул рухсорли паривашлар билан тўлдиради. Саройда турли-туман базмлар кўпа-

йиб, базмаро майхўрлик тобора авжига чиқабошлайди. Шаҳаншоҳнинг ўзи ҳам майхўрликка муқкасидан кетган эди.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақида қўйидагиларни ёзади: «Аввал таҳт олғон маҳалда олти-етти йил тойиб эди. Андин сўнгра ичкуга тушди, қирқ йилга ёвуқким Хурсонда подшоҳ эди, кун йўқ эдиким, намоз пешиндан сўнг ичмагай, vale ҳаргиз сабухий (наҳор) қилмас эди.

Дарҳақиқат, Султон Ҳусайн Бойқаронинг 38 йиллик ҳукмронлик даврини икки қисмга бўлсак, биринчи палласида мамлакат ҳудуди ички ва ташқи душманлардан тозаланганини ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан қудратли бўлган ҳокимиятни барпо этилганлигини кўриш мумкин. Иккинчи палласида эса, салтанатни бошқаришда бегамлик ва машшатпарастлик аломатлари сезилабориб, бу нуқсонларнинг оқибати ўлароқ, саройда фисқу фасоднинг кучайиши, подшоҳ билан шаҳзодалар орасида вужудга келган низолар ва ниҳоят ўзаро қирғинбарот жанглар интиҳосида, кундан-кунга салтанатнинг инқирози яқинлашаётганини мушоҳада қилиш қийин эмас.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўн бир хотини бўлиб, улардан ўн тўрт ўғил ва ўн бир қиз кўрган эди.

Биринчи хотини Бека Султон бегим Марв ҳукмдори Санжар Мирзонинг қизи бўлиб, 1457 йилда уйланган эди. Бека Султон бегимдан Бадиуз-Замон Мирзо туғилган эди.

Бека Султон бегим сарв қомат, латофатли бўлса-да, рашқчи, худбин, тили заҳар ва ўта инжиқ табиатли аёл эди. Ўзининг машҳур санжарийлар авлодига мансублиги ва шаҳаншоҳнинг катта хотини эканлигини рўкач қилиб, ҳарам аҳлига тинчлик бермасди. Ҳатто шаҳаншоҳ ҳарамдаги бошқа хотинлари билан сўзлашиб қолгудай бўлса, уни ҳам чаёндай чақиб, мулзам қиласарди. Бека Султон бегим ҳақида Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо шундай ёзади: «Кўп кажхулқ эди. Султон Ҳусайн Мирзони кўп оғритур эди. Кажхулқлигидин мирзо батанг келди, охир кўйди ва халос бўлди, не қилсун ҳақ Мирзо жонибида эрди.

Зани бад дар саройи марди неккӯ.
Ҳам дар ин оламаст дўзахи ў».

(Яхши кишининг саройида ёмон хотин шу дунёниг ўзида унинг дўзахидур)».

Султон Ҳусайн Бойқаро Бека Султон бегимнинг узлуксиз аччиқ тазийкларию дашномларидан тўйиб, охири талоқ қиласди. Бека Султон бегим бу улкан баҳтсизликка дош беролмай, касал бўлиб ётиб қолади. Ниҳоят 1488 йилда вафот этади.

Накъл қилинишича, Бека Султон бегим вафот этганда шоҳ шикорда бўлган. Ҳарамдан ихроj қилинган маликани қайси тарзда дағн этиш, ҳамда дағн маросимида шоҳнинг қатнашиш-қатнашмаслигини дарҳол аниқлаш лозим эди. Аммо шаҳаншоҳ овда (шикор) юрган бир пайтда, бундай нохуш хабарни унга етказишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Ниҳоят аркон давлат кенгашиб, бу қалтис вазифани фақат улуғ амир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратлари уддалай оладилар, деган қарорга келадилар. Бовужуд Алишер Навоий шикоргоҳга етиб боради. Султон Ҳусайн Бойқаро дўсти Алишер Навоийни юксак илтифотлар билан кутиб оларкан, «Улуғ амирнинг шикорга майлари йўқлигидин хабаримиз бор эрди, алҳол бемаврид ташрифларидин ҳайратдадурмиз. Не юмуш воқеъ бўлубдур? Сўзлангиз?»— дейди. Ҳазрат Навоий шоҳ томон мунгли боқаркан:

— Сарви гулнинг соясинда сўлди гул нетмак керак?- дейди. Табиатан зукко шоҳ гап нимада эканига дарҳол тушунади ва улуг амирга юзланиб:

— Сарвдан тобут ясаб, гулдан кафан этмак керак!- деб жавоб беради. Шоҳнинг бу жавоби марҳумани шоҳона дағни этишга ва дағн маросимида ўзини бўлмаслигига ишора эди. Ҳазрат Навоий шикоргоҳдан қайтиб келгач, барча шаҳзодаларнинг ҳамда аркони давлатнинг иштирокида шоҳона дағн маросими ўтказилади. Маликанинг жасадини ўзи курдирган ва ўғлининг номи билан аталган «Бадиъа» мадрасасига дағн қиласдилар.

Иккинчи хотини Чўлибегим бўлиб, Озоқ бекларидан бирининг қизи эди. Шаҳаншоҳдан Султон Бегим исмли қизи бор эди.

Учинчи хотини Шаҳрибону бегим бўлиб, Султон Абусайд Мирзонинг қизи эди. Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни олгач, уйланган эди. Заҳириддин Мухаммад Бобур Мирzonинг ёзишича, Чекмон урушида Султоннинг ҳарамидаги барча маликалар маҳофадан тушиб отга мингандарида, Шаҳрибоғу бегим маҳофадан

тушмайди ва отга минишни рад этади. Бу ўжарликний Султонга етказадилар. Султон эса шаккок Шахрибону бегимни талоқ қилиб, ҳарамдан ихрож қиласи.

Тўртинчи хотини Поянда Султон бегим бўлиб, Султон Абусайид Мирзонинг қизи, Шахрибону бегимнинг синглиси эди. Поянда Султон бегимнинг Султондан тўрт қизи бор эди. Муҳаммад Шайбонийхон Хурсонни ўз тасарруфига киритгач, Поянда Султон бегим Ирокқа қочади ва ўша ерда гарибликда вафот этади.

Бешинчи хотини Ҳадича оғо бегим эди. У 1451 йилда Ҳиротда тугилган бўлиб, 1457 йилда Султон Абусайид Мирзо Ҳиротни олгач, унга ҳадя этилган хос канизаклардан бири эди. Султон Абусайид Мирзо Ҳадича оғо бегимни 1465 йилда ўз никоҳига киритган эди. Султон Абусайид Мирзодан Оқбеким исмли бир қизи ҳам бўлган. 1469 йилда Султон Абусайид Мирзо жангда ҳалок бўлгач, Ҳирот тахтига ўтирган Султон Ҳусайн Бойқаро марҳум Султон Абусайид Мирзо ҳарамида Ҳадича бегимни кўриб, уни севиб қолади ва шаръий иддаси (уч ой ўтказиб) тугагач, ўз никоҳига киритади.

Ҳадича бегим ёш, гўзал, димогдор, енгил табиат аёл бўлиб, айни вактда фитна ва макр-ҳийлага мойил ҳам эди. Захиридин Муҳаммад Бобур Мирзо Ҳадича бегим ҳақида «ўзини оқила тутар эди, vale beaқl ва пургўй (кўп гапиравчи, эзма) хотун эди, рофизия (шийлик мазҳабининг бир оқими) ҳам экандур», деб ёзади. Дарҳақиқат, Ҳадича бегим тез фурсатда ўзининг жозибали ҳусн-латофатию маккорона илтифотлари билан Султон Ҳусайн Мирзо Бойқарони ўзига ром қилиб, ҳарамда улуг бекалик ўрнини эгаллайди. Султон Ҳусайн Бойқаронинг Ҳадича бегимдан икки ўғли бўлиб, каттаси Шоҳгариб Мирзо ва кичиги Музаффар Ҳусайн Мирзо эди.

Ҳадича бегим кичик ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзони ота тахтига валиаҳд қилиб тайинлатиш учун ҳуфиёна тараффудда эди. Аммо таомилга кўра, валиаҳдлик ҳаққи Султоннинг тўнгич ўғли Бадиуз-Замон Мирzonики эди. Султон Ҳусайн Бойқаро Бадиуз-Замон Мирзони унчалик суймаса-да, ҳарҳолда уни рози қилиш тадорикини ўйлар эди. Айни вактда Алишер Навоий бошлиқ сарой аҳлининг кўпчилиги валиаҳдликка Бадиуз-Замон Мирzonинг 11 яшар ўғли — Мўмин Мирзони муносиб деб билар ва бу ҳақда ўз мuloҳазаларини Султонга очиқ билдирган эдилар. Аммо Султон

Ҳусайн Бойқаро севикли хотини Ҳадича бегимнинг сўзини икки қилишга журъат қилаолмас, шунингдек валиаҳд тайинлаш масаласида суюкли ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзога мойиллиги сезилиб турарди. Табиийки аркони давлат орасида бўлаётган бундай мулоҳазалар Ҳадича бегимнинг газаб оловини алангалатмасдан иложи йўқ эди.

Олтинчи хотини **Попо (Бобо) Огача** бегим бўлиб, шаҳаншоҳнинг севикли хотини эди. У беш ўгил ва тўрт қизнинг онаси эди.

Еттинчи хотини **Опоқ** бегим бўлиб, унинг ўғил-қизи йўқ эди. Опоқ бегим Попо оғачани эмакдоши эди. Бинобарин унинг болаларини ўз боласидек тарбиялаб ўстиради. Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг таъкидлашича, Опоқ бегим Султоннинг бехузурлик чоғларида яхши парваришлаб, илтифотлар кўрсатар экан. Ҳафамдаги маликалардан ҳеч қайсиси Султонга Опоқ бегимдек хизмат қилаолмас экан. «Мен Ҳиндустонга келур йил Ҳиридин (Ҳиротдан) келди. Мен ҳам таъзим ва эҳтиромларин иликдин келганча қилдим. Чандирини мухосара қилгонда хабар келди. Кобулда тангри ҳукмини буткармуш», — деб ёзади Бобур Мирзо.

Саккизинчи хотини **Минғлибий огача** бўлиб, ўзбек эди, уч ўғил ва икки қизнинг онаси эди.

Тўққизинчи хотини **Латифа Султон огача** бўлиб, чоршамбиҳийларга мансуб хос канизаклардан эди. Султондан икки ўғли бор эди.

Ўнинчи хотини **Бегим Султон огача** бўлиб, ундан фарзанд бўлмаган.

Шаҳаншоҳнинг ўн биринчи хотини Зубайда бегим эди. У шаҳаншоҳдан бир қиз туққан эди.

Булардан ташқари бир неча сатанг қиз-жувонлар ҳамда канизаклар Султон шабистонининг ёритгичлари эдилар.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўн бир нафар қизи бўлган. Энг катта қизи Султоним бегим бўлиб, онаси Чўли бегим эди. Султоним бегимни шаҳаншоҳ ўз акаси Султон Бойқаро Мирzonинг ўртанча ўғли Султон Вайс Мирзога узатган эди. Султон Вайс Мирзо вафотидан сўнг, 1502 йилда Султоним бегимни Абдулбоқи Мирзога узатадилар.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирzonинг маълумотига қараганда Султоним бегим сўз устаси бўлиб, ибора топишдан қийналмасди. Унинг аввалги никоҳидан, яъни Султон Вайс Мирзодан бир ўгил ва бир қизи бўлган.

Қизини шайбонийлардан Йўлбарс Султоннинг иниси Эсонқули Султонга узатган экан. Ўғли Мухаммад Султон Мирзо эса Заҳириддин Мухаммад Бобур Мирзо мулозиматида бўлиб, Куннуж вилоятининг ҳокими бўлган.

Султоним бегимнинг кейинги эри Абдулбоқи Мирзо 1507 йилда Темур Султон билан бўлган жангда ҳалок бўлади. 1520-йилда хоним Кобулдан Ҳиндистонга, яъни Бобур подшоҳ саройига кетаётуб, Нилобга етганда бандаликни бажо келтиради.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг иккинчи қизи Оқбегим бўлиб, онаси Поянда Султон бегим эди. Оқбегим Абулқосим Бобур Мирзонинг синглиси Бека Султон бегимнинг набираси Мухаммад Қосим Мирзо бин Абулқосим Арлотга узатилган эди. Ундан бир қиз тугилган бўлиб, исми — Коракўз бегим эди. Коракўз бегим эса Заҳириддин Мухаммад Бобур Мирzonинг укаси — Газнайн вилоятининг ҳокими Носир Мирзога узатилганди. Оқбегим 1504 йилда вафот қилган.

Шаҳаншоҳнинг учинчи қизи — Бека бегим бўлиб, онаси Поянда Султон бегим эди. Бека бегим ўз холаси Робия Султон бегимнинг ўғли Бобур Мирзога узатилганди. Бека бегим 1502 йилда вафот этган.

Шаҳаншоҳнинг тўртинчи қизи — Оға бегим бўлиб, онаси Поянда Султон бегим эди. Оғабегим ҳам ўз холаси Робия Султон бегимнинг иккинчи ўғли Султон Мурод Мирзога узатилганди. Оға бегим балогат ёши айни гуллаган кезларда оламдан ўтади.

Шаҳаншоҳнинг бешинчи қизи — Кичкина бегим бўлиб, онаси Поянда Султон бегим эди. Заҳириддин Мухаммад Бобур Мирzonинг сўзига қараганда, Кичкина бегимга Султон Маъсуд Мирзо кўп иштиёқмандлик қиласа-да, бироқ Поянда Султон бегим қисқа ўйлаб, розилик бермайди. Кейинчалик Сайд Ота наслидан Мулло Ҳожага узатилган экан. Аммо Кичкина бегим ҳам кўп умр кўрмай, шаҳаншоҳнинг ҳаётлик давридаёқ оламдан ўтади.

Шаҳаншоҳнинг олтинчи қизи — Саодат Баҳт бегим бўлиб, Бегим, Султон номи билан шуҳратланганди. Онаси Попо Оғача бегим эди. Заҳириддин Мухаммад Бобур Мирzonинг сўзига қараганда, Бегим Султон Султон Маъсад Мирzonинг кўзи кўр қилингандан сўнг унга узатилган эди. Бир қиз бир ўғли бўлган. Султон Маъсад Мирzonи шайбонийлар ҳалок қилгач, қизини шаҳаншоҳнинг Опоқ бегим исмли хотини ўз тарбиясига

олиб, Ҳиротдан Қобулга келган. Балогатга етгач, Сайид Мирзо Опоққа узатилган. Бегим Султон эса ўғли билан Каъбатуллога кетиб ўша ерда қолган.

Шаҳаншоҳнинг еттинчи қизи — Султон Нажод бегим бўлиб, онаси Попо огача бегим эди. Султон Нажод бегим шаҳаншоҳнинг акаси Султон Бойқаро Мирзонинг кичик ўғли Искандар Мирзога, яъни амакивачасига узатилганди.

Шаҳаншоҳнинг саккизинчи қизи — Муиаввар Султон бегим бўлиб, онаси Попо Оғача бегим эди. Мунаввар Султон бегим Андхўй сайидларидан Сайид Мирзога узатилган эди.

Шаҳаншоҳнинг тўққизинчи қизи — Байрам Султон бегим бўлиб, онаси Минглибий Оғача бегим эди. Байрам Султон бегим ўз амакиси қизининг ўғли Сайид Абдулло Мирзога узатилганди. Сайид Абдулло Мирзонинг отаси Андхўй сайидларидан эди.

Байрам Султон бегимдан бир ўғил туғилиб, номини Сайид Барака қўйган эдилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирzonинг таъкидлашича, Сайид Барака аввалроқ Бобур Мирзо Самарқандни ўз тасарруфига киритганда унинг хизматида бўлган. Кейинроқ Урганчга бориб, салтанат даъвосини қилган ва Астрободда қизилбошлар қўлида ҳалок бўлган.

Шаҳаншоҳнинг ўнинчи қизи — Фотима Султон бегим бўлиб, онаси Минглибий Оғача бегим эди. Фотима Султон бегим Мироншоҳ Мирзо наслидан Ёдгор Мирзога узатилган эди. Тарихчи Ҳондамирнинг ёзишича, Фотима Султон бегим отаси шаҳаншоҳнинг ҳаётлигидаёқ вафот этган.

Шаҳаншоҳнинг ўн биринчи қизи — Ойша Султон Оға бегим бўлиб, онаси Зубайда бегим эди. Ойша Султон Оға бегим шайбоний султоnlаридан Қосим Султонга узатилганди. Undan Қосим Ҳусайн Султон номли ўғли бўлган. Қосим Султон вафотидан сўнг, унинг авлодидан Бўрон Султон никоҳига кирган. Бўрон Султондан бир ўғил туккан, исми Абдулло Султон бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирzonинг ёзишича, Қосим Ҳусайн Султон Хиндистонга — Бобур хизматига борган. Бобур подшоҳ унга Бадовун ҳокимлигини инъом қилган. Кейинроқ эса Абдулло Султон ҳам Бобур подшоҳ мулоҳаматига борган. Унинг ҳақида Бобур подшоҳ шундай ёzádi: «Бовужудким, кичик ёшлиқтур, хизмати ёмон эмас».

Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўн тўрт ўғли бўлиб,

түңгичи Бадиуз-Замон Мирзо эди. Бадиуз-Замон Мирзо 1458 йилда туғилған. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари орасида Бадиуз-Замон Мирзо энг оқил ва тадбиркори, шунингдек ҳарбий салоҳиятга молик, толиқмас жангчи ҳам эди. Бадиуз-Замон Мирзо шариат ахкомларига риоя қилувчи адолатпеша ҳукмдор эди. У ўз саройида олимлар, шоирлар, уламолар, санъаткорлар ва турли-туман аҳли ҳунармандларни йигиб, анжуманлар ўтказарди. Бадиуз-Замон Мирзо шеърхонликини яхши кўрар ва ўзи ҳам газал битарди.

Улут мутафаккир амир Алишер Навоий Бадиуз-Замон Мирзони таърифлаб қуидагиларни ёзганлар: «Султон Бадиуз-Замон Мирзо — ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ораста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдур. Разм атворидин отартутарда дилписанд ва базм асбобидин ичмак ва багишламакда бемонанд. Табыи ҳам назм услубида мулойим тушубтур. Ва бу матлаъ анингдурким:

Маҳи маң, бегули рўят, дилам хун баста чун лола,
Жигар ҳам аз гами ҳажрат шуда паргола-паргола.

Мазмуни:

(Эй гўзалим, гул юзингиз юрагим лоладек қон боғлади,
Жигар ҳам ҳажринг ғамидин парча-парча бўлди.)

Бу туркий матлаъдаги таркибида хўб ва ҳолатда марғуб воқиъ бўлубтурким:

«Э сабо, гар сўрса ҳолим шаммайи ул сарв ноз,
Уйрулуб бошига мен саргаштадин еткур ниёз».

1473 йилда Бадиуз-Замон Мирзо Хоним Бегимга уйланади. Хоним Бегим Султон Абусайид Мирzonинг Руқия Султон бегим исмли хотинидан туғилған қизи эди. Руқия Султон бегим эса Шоҳруҳ Мирzonинг набираси Алоуддавла Мирzonинг қизи эди. 1486 йилда Хоним Бегим ўғил туғади. Номини Мухаммад Мўмин Мирзо қўядилар.

Бадиуз-Замон Мирзо 1494 йилда Тахматинбек қизига уйланади. У 1496 йилда ўғил туғади. Номини Мухаммад Замон Мирзо деб атайдилар.

Астробод ҳокими амир Мўгул хиёнатидан сўнг, Султон Ҳусайн Бойқаро Астробод вилоятига ўғли Бадиуз-Замонни ҳоким қилиб тайинлайди. Бадиуз-

Замон Мирзо Астрободга боргач, вилоятда адолат ва тартиб ўрнатиб, қурилиш-ободончилик ишларини йўлга кўяди.

1497 йил баҳор пайтида Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳисорга қарши юриш бошлайди. Подшоҳнинг фармонига кўра, Астрободда ҳукмрон бўлиб турган Бадиуз-Замон Мирзо ўз ўрнига ўғли 11 ёшли Муҳаммад Мўмин Мирзони қўйиб, ўз қўшини билан келиб, шаҳаншоҳлашкарига қўшилади. Жанг тугагач, Султон Ҳусайн Бойқаро Бадиуз-Замон Мирзони Балх вилоятига ҳоким қилиб тайинлади. Астробод вилоятига эса суюкли ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзони ҳоким этиб белгилайди. Подшоҳнинг бу фармони Бадиуз-Замон Мирzonинг ҳамиятига тегади. Зеро кўпідан бери Астробод вилоятини ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзога бериб, ўзи Балх вилоятида ҳукмронлик қилиш ниятида эди. Бинобарин, подшоҳнинг фармони Бадиуз-Замоннинг исён кўтаришига сабаб бўлади.

Шундан сўнг, Бадиуз-Замон Мирзо ўз аркони давлатини йигиб, кенгаш ўтказади. Кенгаш қарорига кўра, Бадиуз-Замон Мирзо отасидан юз ўгириб, истиқлол байрогини кўтарганини эълон қиласди. Шу кундан бошлаб Балх қалъасини мустаҳкамлаб, қўшин салоҳиятига эътиборни кучайтиради. Шунингдек, Бадахшон ҳукмдори амир Ҳусравшоҳ ва Қандоҳор ҳукмдори амир Шужъийиддин Зуннун аргунга элчи юбориб, уларни ўз режасидан огоҳ қиласди. Мазкур амирлар Султон Ҳусайн Бойқародан муттасил хавф-хатарда бўлганликлари туфайли, Бадиуз-Замон Мирzonинг таклифини мамнуният билан қабул қиласдилар.

Бадиуз-Замоннинг итоатдан бош тортган хабарини эшитган Султон Ҳусайн Бойқаро қаттиқ изтиробга тушади ҳамда ўғлини бу йўлдан қайтармоқ мақсадида бир неча элчилар юборади. Аммо шаҳзода ўз сўзидан қайтмаслигини билдиради. Иложсиз қолган Султон Ҳусайн Бойқаро, ночор ўғли Бадиуз-Замон Мирзога қарши юриш бошлашга жазм қиласди. Аммо ота билан ўғил ўртасида вужудга келажак қирғиннинг олдини олиш мақсадида амир Алишер Навоий шоҳни Бадиуз-Замон Мирзо билан музокара юритиб, шаҳзода билан сулҳ тузишга кўндиради.

Султон Ҳусайн Бойқаро Бадиуз-Замон билан музокара юритишини амир Алишер Навоийнинг ўзига ҳавола қиласди. Амир Алишер Навоий Балхга боради. Бадиуз-Замон Мирзо амир Алишер Навоийни юксак эҳтиром

билан қабул қилиб, чексиз илтифотлар кўрсатади. Амир Алишер Навоий шаҳзодага урушнинг фалокатлари, айниқса ота-боланинг нойттифоқлигидан келиб чиқадиган дил жароҳатининг ўчмас асоратлари ҳақида галиради. Ниҳоят Бадиуз-Замон Мирзо исёни тўхтатиб, падари бузрукворининг номини хутбага қўшиб ўқитишга розилик беради. Айни шу аснода мулоzим Бадиуз-Замон Мирзога мактуб олиб киради ва Ҳиротдан келган маҳфий чопар ёнидан олинганини маълум қиласди. Мактуб Султон Ҳусайн Бойқародан Балх шахрининг бошлиғи амир Ислом барлос номига ёзилган эди. Мактубда «Қачонки Бадиуз-Замон Мирзо шикор (ов) учун шаҳар ташқарисига чиқса, шаҳар дарвозаларини беркитиб, уни шаҳарга киритмагайсен, бунинг учун бизнинг иноят ва илтифотимизга сазовор бўлгайсен»,— деган мазмунда кўрсатма берилган эди.

Маълумки, саройда Хўжа Низом ул-Мулк бошлиқ бир неча ҳасадчи амалдорлар ота-бала ўртасидаги низо-ни амир Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракати билан бартараф бўлишини истамас эдилар. Бинобарин, иғво-гарлик билан шоҳнинг бошини гангитиб, юқорида зикр қилинган кўрсатмани жўнатишга муваффақ бўлгандилар.

Бадиуз-Замон Мирзо мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, истеҳзоли жилмаяркан, «мана, падари бузрукворимизнинг бизга нисбатан бўлган илтифотлари нақадар юксак экан»,— дея мактубни амир Алишер Навоийга узатади. Навоий ҳазратлари мактуб мазмунидан воқиф бўлгач, маҳзунлик ва изтироб билан шаҳзодага боқаркан, Ҳиротга қайтиш учун рухсат сўрайди. Бадиуз-Замон Мирзо амир Алишер Навоийни кузатаркан, ота шафқатидан ноумид қолиб, итоатдан бош тортганини маълум қиласди.

Амир Алишер Навоий Ҳиротга етиб келгач, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига кириб, Балхда кўрган ва эшигларини муфассал баён қиласди. Подшоҳ ниҳоятда газабланиб, дарҳол Музаффар Ҳусайн Мирзонинг ёнига амир Муҳаммад Бурундук Барлос ва амир Носириддин Умарбекни қўшиб Астрободга жўнатади. Ўзи эса катта қўшин билан Балхга юради. Бадиуз-Замон Мирзо подшоҳнинг қўшин тортиб келаётганини эшитиб, дарҳол жангга отланиб, даҳанайи Пил Чирог мавзеъига боради. Бадиуз-Замон Мирзо жанг олдидан укаси Музаффар Ҳусайн Мирzonинг Астрободга қўшин тортиш хабарини эшигади. Бинобарин ўғли Муҳаммад

Мўмин Мирзога Астрободни қандай бўлмасин душмандан ҳимоя қилиш лозим эканлиги ҳақида мактуб жўнатади.

1497 йил 2 майда ота-бола бир-бирига қасд қилган ҳолда хусумат камарини белларига боғлаб жангга кирадилар. Жангда Бадиуз-Замон Мирзо мағлубиятга учраб, Кундуз вилоятига қочади. Султон Ҳусайн Бойқаро ўз қўшини билан Балхни муҳосара қиласди. Қамал қирқ кундан ошгач, шаҳар муҳофазачилари орасида тушкунлик кучайиб, ҳатто шаҳар бошлиги амир Шайх Алига ҳам итоат қилмайдилар. Табиийки, бундай вазиятда шаҳарни сақлаб қолиш имкондан ташқари гапдир. Амир Шайх Али Султон Ҳусайн Бойқаро олдида ўз гуноҳини ювиш учун нима қилишини билмай турган бир пайтда, Бадиуз-Замоннинг Балх шаҳарида қолган хотинининг (Таҳматинбекнинг қизи) кўзи ёриб, ўғил туғади. Номини Муҳаммад Замон Мирзо деб атайдилар. Бу хабарни эшигтан амир Шайх Али дарҳол Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига шодиёна хабарини етказиш учун элчи юборади. Шаҳаншоҳ бу хушхабардан гоятда шод бўлиб, тараҳҳум ва эҳсон эшигини катта очиб, элчиларга илтифотлар кўрсатади. Шунингдек ўз тарафидан Ҳўжа Низом ул-Мулкнинг ўғли Ҳўжа Камолиддин Ҳусайнни ва амир Ҳожи Ҷир баковулни амир Шайх Али ҳузурига элчи қилиб жўнатади.

Шаҳаншоҳнинг илтифотидан мамнун бўлган амир Шайх Али янги тугилган шаҳзода Муҳаммад Замон Мирзони ва унинг онаси маликани олиб, Султон Ҳусайн Бойқаро ўрдудоҳига бориб, 5-6 кун меҳмонда бўлгач, шаҳаншоҳдан рухсат олиб, шаҳзода ва маликани Кундузга — Бадиуз-Замон Мирзо ҳузурига олиб кетади. Султон Ҳусайн Бойқаро эса Балхни ўз тасарруфига киритгач, ўғли Иброҳим Ҳусайн Мирзони шаҳарга ҳоким қилиб, ўзи Мургоб суви соҳилига қараб кетади.

Бадиуз-Замон Мирзо шаҳаншоҳдан енгилиб, Кундуз вилоятига қочиб боради. Кундузнинг ҳукмдори амир Ҳусравшоҳ шаҳзодани юксак эҳтиром билан кутиб олади. Бадиуз-Замон Мирзо ўз аркони давлатини йигиб, кенгаш ўтказади. Кенгашда амир Ҳусравшоҳ ҳам иштирок этади. Кенгаш қарорига кўра, Бадиуз-Замон Мирзо Қандаҳор вилоятига бориб, амир Шужоъиддин Зуннун аргунни ўзига эргаштириб, ул вилоятнинг қўшинини бир ерга жамлаб, ўша ердан Ҳуресонга босиб кириши лозим эди. Бу томондан амир Ҳусравшоҳ

Кундуз, Бақлон, Хутталон ва Бадахшон қўшинларини тўплаб, Балх, Шибиргон ва Андхўй ҳудудига бостириб кириши режалаштирилган эди. Шу аснода амир Шайх Али шаҳзода Муҳаммад Замон Мирзо билан маликани Бадиуз-Замон ҳузурига етказиб келади. Мирзо ниҳоят даражада хушнуд бўлиб, бир неча кун давомида аркони давлати билан қўшинига зиёфат беради. Шундан сўнг, шаҳзода Муҳаммад Замон Мирзо билан маликани Кундузда қолдириб, ўзи аввалги режага мувофиқ, Қандаҳорга кетади.

Қандаҳор ҳукмдори амир Зуннун аргун ва унинг биродарлари Бадиуз-Замон Мирзони зўр шодлик билан кутиб оладилар ва самимий меҳмоннавозликини ўrniga қўядилар. Амир Зуннун аргуннинг ниҳоятда соҳибжамол қизи борлигидан Бадиуз-Замон хабардор эди. Бинобарин, амир Зуннун аргунга совчи юбориб, ушбу қизни ўз никоҳига киритади. Шундан сўнг амир Зуннун аргун билан Бадиуз-Замон Мирзо ораларида ҳамжиҳатлик аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ ўрин олади. Аммо шу кунларда бир гаройиб воқеа содир бўлади. Тўй ўтгач, амир Зуннун аргун Заминдовардаги мазоротлардан бирини зиёрат қилиш мақсадида йўлга чиқади. Сафар асносида бир киши йўлдан чиқиб, амир Зуннун аргунга пичоқ санчади. Бироқ санчилган пичоқ чопонни тешиб ўтолмайди ва баданга жароҳат етмайди. Пичоқ санчган кишини мулозимлар шу заҳотиёқ тилка-пора қилиб ташлайдилар. Аммо бу суюқасдни амир Зуннун аргун ва унинг биродарлари амир Шайх Алиниг қилмиши деб биладилар ва уни ушлашга жазм қиладилар. Амир Шайх Али паноҳ истаб, Бадиуз-Замон Мирзо ҳузурига қочиб келади. Мирзо амир Шайх Алини ўз ҳимоясига олиб, амир Зуннун аргун ва унинг биродарларига амир Шайх Алиниг суюқасдга алоқаси йўқлиги, аксинча фидойи, содик дўст эканлиги ҳақида кўп гапиради. Лекин амир Зуннун аргун қабул қилмайди ва амир Шайх Алини Султон Ҳусайн Бойқаронинг жосуси деб гумон қиласи. Бинобарин, агар Бадиуз-Замон Мирзо амир Шайх Алини бизга топширмаса, орамиздаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталари узилажак, деб таҳдид қиласи. Бадиуз-Замон Мирзо иложсиз қолиб, амир Шайх Алини амир Зуннун аргун қўлига топширади. Амир Зуннун аргун амир Шайх Алини бир неча мурдат Гармсердаги қалъалардан бирида маҳбуслиқда сақлаб, сўнгра маҳбуслиқдан озод қилиб юборади. Амир Шайх Али яна Султон Ҳусайн

Бойқаро ҳузурига бориб, саройда эъзозли аъёнлардан бири бўлиб, хизмат қилади.

Астрободда отаси ўрнида турган 11 ёшли Муҳаммад Мўмин Мирзо амакиси Музаффар Ҳусайн Мирзонинг қўшин билан келаётганини эшитган бўлса-да, бироқ амакисининг қора ниятидан воқиф эмас эди. Бинобарин, унинг истиқболига пешвоз чиқиб, илтифотлар билан кутиб олиш тарафдудида эди. Шу аснода отаси Бадиуз-Замон Мирзодан келган мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, шошилинч равишда жанг тарафдудини кўриб, шаҳар ташқарисига чиқади ва Музаффар Ҳусайн Мирзо қўшинига қарши курашади. Лекин ҳарбий қучларнинг тенг бўлмагани туфайли, душман аскарлари ҳар томондан ҳамла қилиб, Муҳаммад Мўмин Мирзони ўраб, асирга оладилар. Музаффар Ҳусайн Мирзо жияни Муҳаммад Мўмин Мирзони боғлатиб, амир Муҳаммад Бурундуққа топшириб, Ҳиротга жўнатади. 1497 йил 29 сентябрда амир Муҳаммад Бурундуқ шаҳзодани Ҳиротга етказиб келади ва Ихтиёриддин қалъасига қамаб, ўзи Мургоб дарёсининг қиргогида ўрдugoҳda ҳам олаётган Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига бориб, Астробод воқеаларини баён қилади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг севикли хотини Ҳадича бегим ўз ўғли Музаффар Мирzonинг истиқболдаги бахтсаодати учун Бадиуз-Замон Мирзони ва унинг ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзони асосий гов деб биларди. Бинобарин, қулай вазият вужудга келгудай бўлса, Бадиуз-Замон Мирзони ва унинг ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзони орадан олиб ташлашга ҳаракат қиласарди.

Муҳаммад Мўмин Мирзони банди қилиниб, Ихтиёриддин қалъасига қамалиши, Ҳадича бегим учун айни муддао бўлиб, ўзининг даҳшатли режасини вазири аъзам Низом ул-Мулик билан келишиб олгач, Мургоб ҳарбий ўрдugoҳida истироҳатда бўлган Султон Ҳусайн Бойқаронинг қаттиқ мастилигидан фойдаланиб, Муҳаммад Мўмин Мирзони зудлик билан қатл қилиш ҳақидаги фармонга муҳр бостириб олади. Мазкур фармонни Ёр Али бахши, Абдувоҳид Ясовул ва яна икки ишончли кишиларга топшириб, вақтни ўтказмасдан ҳукмни шу кечасиёқ ижро этишни таъкидлаб Ҳиротга жўнатади.

Нобакор жаллодлар қалъага — Муҳаммад Мўмин Мирзо ҳузурига бостириб кирганларида, шаҳзода ётиш олдидан тунги ибодатни тугаллаб, куръон тиловатига

машғул эди. Чақирилмаган «мәжмон»ларнинг авзоидан хавфсираган шаҳзода ўзини муҳофаза қилишга урина-ди. Аммо улар шаҳзодани ущлаб, қўл-оёгини боғлаб, овозини чиқармай қалъа девори тагига олиб чиқадилар ва ўша ерда ханжар билан бошини танидан жудо қиласидилар. Эртаси тонг чогида мастиликдан ҳушёр тортган Султон Ҳусайн Бойқаро тундаги майшат асносида фармонга муҳр босгани ёдига тушиб, Низом ул-Мулякни чақириб, фармоннинг мазмунидан огох бўлгач, дарҳол «салтанатимизнинг улугвор меваси, кўз қорачигимиизга ҳеч бир зиён-захмат етказма-синлар»,— деб кўрсатма ёздириб, Ихтиёридин қалъасига жўнатади. Аммо вақт ўтган эди. Ҳукм эса шошилинч равишда ижро этилганди. Эртаси куни мақтул шаҳзода Муҳаммад Мўмин Мирзонинг жасади шоҳона маросимлар билан Бадиъа мадрасасига дафн этилади. Шундай қилиб, ўн бир ёшли шаҳзода Муҳаммад Мўмин Мирзо қабиҳлик, мунофиқлик ва хусуматнинг қурбони бўлади.

Муҳаммад Мўмин Мирзонинг хиёнаткорона қатл қилиниши, Бадиуз-Замон Мирзони ўз отаси Султон Ҳусайн Бойқарога нисбатан хундор душманга айлантиради. Шунингдек, Султон Ҳусайн Бойқаронинг бошқа ўғилларини ҳам қаҳр-ғазабини қўзгатиб, оталарига нисбатан ишончсизлик, меҳрисизлик ҳамда адоват чўгини яллиглантириб юборади.

Муҳаммад Мўмин Мирзо ёш бўлса-да маърифатли кишилар даврасида тарбия кўрган ақлли, зийрак ва жасоратли шаҳзода эди. Зотан Султон Ҳусайн Бойқаро ўғиллари ва набиралари орасида ақли баркамол ҳамда соҳиби салтанатга арзигулиқ шаҳзода — Муҳаммад Мўмин Мирзо эди.

Улуғ амир Алишер Навоий ёш шаҳзодага эътимоди баланд бўлиб, мамлакат, эл-юрт ва салтанатнинг келажак тақдирни Муҳаммад Мўмин Мирzonинг оқилона саъй-ҳаракатига боғлиқ деб биларди.

Муҳаммад Мўмин Мирзо қатл этилган пайтда, улуғ амир Алишер Навоий муқаддас Машҳад шариф зиёратида эди. У машъум воқеадан уч кун ўтгач, Ҳиротга қайтади. Муҳаммад Мўмин Мирзо фожиасини эшитиб, кўп йиғлаган экан. Тарихчи Хондамирнинг сўзига қараганда, улуғ мутафаккир Алишер Навоий «Муҳаммад Мўмин Мирзо фожиасининг келажак асорати ҳақида гапириб, шундай деган эканлар: «Мўмин Мирзо фожиаси худди Шайх Мажиддин Бағдодий фожиасига

үхшайди. Зотан Шайх Мажиддин Бағдодий қатлидан сўнг кўп ўтмай, Турондан Эронгача бўлган ерлар Чингизхон отининг туёги остида қолиб кул тепага айланди. Жафокаш халқ қатли омга (умумий қирғин) маҳкум қилинди. Алҳол Муҳаммад Мўмин Мирзонинг қатли туфайли улуг бир фитна вужудга келиб, мамлакат вайрон бўлиб, фуқаро бошига чексиз мусибат ва қирғин тушмогидан қўрқадурмен».

Дарвоҷе, андак фурсат ўтиши билан деб, афсусланиб ёзади Ҳондамир, ўзбек лашкари Ҳуросонга бостириб кириб, мамлакатни поймол қилиб, фуқарони чексиз мусибатларга гирифтор қилди.

Муҳаммад Мўмин Мирзонинг хоинона қатл қилинган хабарини эшитган Бадиуз-Замон Мирзо бирлаҳза ҳуши бошидан учиб, фарзанди аржумандининг фироқида куйиб, барча ҳарбий гуруҳ бошлиқларига лашкарни тўплашга фармон беради ва ўғли учун қасос олиш ниятида отаси Султон Ҳусайн Бойқарога қарши уруш эълон қиласди.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг энг яқин кишиси, улуг амир Алишер Навоийнинг муҳлиси Хўжа Афзалиддин Муҳаммад Кермоний бир неча йиллардан бўён Ироқда истиқомат қиласди. Шаҳаншоҳ доим унинг номини яхши соатларда тилга олишини ҳамда улуг амир Алишер Навоий орзиқиб согинганлигини эшитиб, 1498 йилда Ҳуросонга қайтиб келади. Унинг қайтиб келганидан шаҳаншоҳ беҳад хурсанд бўлади.

Бу пайтда Султон Ҳусайн Бойқаро Ӯланг-нишин мавзеидаги ўрдugoҳда ўғли Бадиуз-Замон Мирзонинг навбатдаги ҳужумини кутиб турарди. Мамлакатнинг барча ишлари Низом ул-Мулк ва унинг авлодлари қўлида эди. Муҳаммад Мўмин Мирзонинг қатлидан сўнг, шаҳаншоҳда Низом ул-Мулкка нисбатан гина-кудурат вужудга келиб, ундан ихлоси қайтган, иложини топса мансабдан азл қилиб, хонавайрон қилишга тайёр эди. Алҳол Хўжа Афзалиддиннинг келиши шаҳаншоҳга илҳом бағишилаб, амир Алишер Навоий билан машварат қилиб, Хўжа Афзалиддинни олий мартабага кўтаради ҳамда Низом ул-Мулк ва унинг авлодига қарши пинҳона курашни бошлайди. Бу курашнинг бошида Хўжа Афзалиддин туради.

1498 йил 13 май якшанба куни Низом ул-Мулкнинг қайноғаси Эъмод ул-Ислом ҳибсга олинади. У йигирма йилдан зиёдроқ давр мобайнида вазирлик мансабида қойим эди. 23 майдан бошлаб Хўжа Афзалиддин

вазирлик мансабига тайинланади.

Бу вақтда Бадиуз-Замон Мирзо жанубий Афғонистонда ўғли Мұхаммад Мүмин Мирзо учун қасос олишга тайёрланиб турарди. Шақаншоқ Үланг-нишин ўрдugoҳида туриб Бадиуз-Замон Мирзога қарши бир гурух аскарни Исфизорга жұннатган зди. Исфизорга юборилган ҳарбий гурух орасыда Низом ул-Мулкнинг ўғли Умид ул-Мулк ҳам бор зди. Июннинг бошида Үланг-нишин ўрдugoҳида Низом ул-Мулк ҳамда унинг қариндоши Низомиддин Курд қамоққа олинадилар. Исфизор ҳарбий гуруҳидаги Умид ул-Мулкни ҳибсга олиш ҳақида чопар юборилади. Шунингдек, Низом ул-Мулкнинг иккінчи ўғли Камолиддинни, синглисисининг ўғли — сарой воқеанависи Абдул Азизни ҳамда Низомиддин Курднинг ўғилларини қамоққа олиш ҳақида фармон берилади. Фармонни шахсан амир Алишер Навоийнинг ўzlари Ҳирот шаҳрининг бошлығи Аҳмад Мирзога олиб келиб топширадилар. Қамоққа олинганларнинг мол-мұлки мусодара қилиниб, ўzlарини Ихтиёриддин қалъасига қамайдилар. Тунлардан бирида Низом ул-Мулкнинг ўғиллари қалъадан қочиши мұваффақ бўладилар. Бироқ эртаси яна қўлга олинадилар.

Маҳбусларнинг қалъадан қочиши хабарини эшитган Султон Ҳусайн Бойқаро бағоят дарғазаб бўлиб, маҳбусларни зудлик билан қатл қилиш ҳақида Ҳирот шаҳар бошлиғи Аҳмад Мирзо ҳамда амир Абдухолик номига фармон юборади. 1498 йил июл ойининг бошида Ихтиёриддин қалъасида жаллод Низом ул-Мулкнинг кўз олдида унинг ҳар икки ўғли Ҳўжа Камолиддин Ҳусайн ва Ҳўжа Умид ул-Мулкларни сўяди. Сўнгра Низом ул-Мулкни қалъа дарвозасига чиқариб, тириклиайн терисини шилиб олади. Шунингдек, Ҳўжа Эъмод ул-Ислом, Ҳўжа Абдул Азиз, Низомиддин Курд ва Маҳмуд Шоҳ Фарраҳийларни Бадиуз-Замон Мирзога хайрихоҳликда айблаб қатл қиласидилар.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг саройида ва қўшинида содир бўлган воқеалардан руҳланган Бадиуз-Замон Мирзо ва Шужобек аргунлар фурсатни ғанимат билиб, дарҳол Гармсердан қўшин тортиб, Үланг-нишин томон юрадилар. Бу хабар 1498 йил 13 июн жума куни Султон Ҳусайн Бойқарога етади. Шақаншоқ дарҳол Ҳиротга чопар юбориб, улуғ амир Алишер Навоийга шаҳар ичидаги ва ташқарисидаги барча қўшинларни Үланг-

нишинга жўнатиш ҳақида фармон беради. Улуг амир Алишер Навоий жума намозидан сўнг амри олийга мувофиқ барча қўшин гурухларини Ўланг-нишинга сафарбар қиласди.

Бунгача Ҳисори Шодмон вилоятининг ҳукмдори Султон Масъуд Мирзо Ҳусравшоҳ фитнасидан қочиб, 500 нафар аскари билан Султон Ҳусайн Бойқародан паноҳ излаб келган эди. Астрободга кетган амир Муҳаммад Валибек, амир Умарбек ва амир Бобо Алилар ҳам ўз қўшинлари билан қайтиб келган эдилар. Шунингдек, шаҳанишоҳнинг Сабзавордаги ўғли Фаридун Ҳусайн Мирзо ҳам ўз қўшини билан келиб қўшилган эди.

14 июн тонг отарда Бадиуз-Замон Мирзо Ўланг-нишин яқинига етиб келганда, бу ердаги ҳисобсиз қўшинни кўриб, ҳайрат бармогини тишлаб, даҳшатга тушади. Аммо ориятни. қўлдан бермай жангга киради. Ота билан ўғил ўртасидаги жанг пешингача давом этиб, ҳар икки томондан кўпгина қурбонлар берилади. Ниҳоят Бадиуз-Замон Мирзо жанг шиддатига дош бераолмай, Қандахорга қараб қочади. Шаҳаншоҳ қўшин бошликларидан амир Умарбек шаҳзодани анча масофагача қувлаб, ниҳоят шаҳзодага яқинлашиб, энди қилич урмоқчи бўлаётганида, шаҳзоданинг амирларидан бири амир Юсуф Исфандиёр Бадиуз-Замон Мирзонинг қўлидаги найзасини тортиб олиб, амир Умарбекнинг юзига қаттиқ зарб билан уради. Амир Умарбекнинг бир неча тишлари синиб, отдан ерга юмалаб тушади. Ушбу мўъжиза туфайли Бадиуз-Замон Мирзо саломат қутилиб кетади. Султон Ҳусайн Бойқаро мазкур галабани Султон Масъуд Мирзо шарафига иншо эттиради.

Ўланг-нишин жангидан бир неча кун муқаддам Султон Ҳусайн Бойқаро ўрдugoҳига Бадиуз-Замон Мирзо ва амир Зуннун аргун тарафидан Шайх Жалолиддин Абусайид пуроний келиб, шаҳаншоҳни Бадиуз-Замон Мирзо билан сулҳ тузишга кўндиради. Шаҳанишоҳ сулҳга рози бўлгач, шайхулислом мавлоно Аҳмад Тафтазонийни, Жалолиддин Абусайид пуронийни ва Сайди Гиёсиддин Муҳаммад садрни Гармсер томонга жўнатади, токи улар Бадиуз-Замон Мирзога ота-бала орасида вужудга келган жангу жадаллар ҳеч қачон ва ҳеч кимга фойда келтирмагани, билъакс салтанат таназзулига йўл очилажагини тушунтириб, шаҳзодани итоатга мойил қилишлари лозим эди.

Улар Фараҳга яқинлашганларида, Бадиуз-Замон Мирзонинг шаҳаншоҳга қарши лашкар тортиб, Ўлангнишинга кетгани хабарини эшитадилар. Шундан сўнг шайхулислом мавлоно Аҳмад Тафтазоний шаҳаншоҳ ўрдugoҳига қайтиб келади. Аммо шайх Жалолиддин Абусайд ва Сайди Фиёсiddин Ғурга — амир Зуннун аргун ҳузурига борадилар. Улар амир Зуннун аргун саройига бориб, ҳануз музокара-мунозара бошламасла-риданоқ, Бадиуз-Замон Мирзо Ўланг-нишин жангидаглубиятга учраб, Ғурга — амир Зуннун аргун ҳузурига келади.

Шундан сўнг Шайх Жалолиддин Абусайд ва Сайди Фиёсiddинлар Бадиуз-Замон Мирзони сулҳга даъват қиладилар. Бадиуз-Замон Мирзо сулҳга рози бўлишдан аввал элчилар олдига ўз талабларини қўяди. Чунончи: «Агар падари бузрукворимиз бизга марҳамат ва меҳрибончилик қilmokни истаган бўлсалар, алҳол мазкур мулкнинг бир қисмини каминага иноят қilsinлар, токи аркони давлатим ва мулозимларимнинг маишатларига етгудек бўлсин. Биноан алайхи мен ҳам итоат камарин белимга болгаб, хизматкорлик риштасими маҳкам тутғумдир», дейди.

Элчилар шаҳаншоҳ ўрдugoҳига келиб, Бадиуз-Замон Мирзонинг талабини шаҳаншоҳга арз қиладилар. Шаҳаншоҳ сулҳга рози бўлиб, мазкур элчиларга амир Шайх Али Тагойини қўшиб, сулҳнинг асосларини аниқлаш учун Бадиуз-Замон Мирзо ҳузурига юборади. Лекин элчилар 1498 йил июл ойининг ўрталарида қайтиб келиб, Бадиуз-Замон Мирзонинг «Балх вилоятининг ҳукмдорлиги ҳам аввалги фармон бўйича менинг тасарруфимда қолиши керак», — деб талаб қилаётганини шаҳаншоҳга арз қиладилар. Шаҳаншоҳ бу хабардан газабланиб, сулҳдан воз кечиб, шаҳзоданинг эсини киритиб қўйиш мақсадида ўғлига қарши иккинчи марта жанг тараффудига тушади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг Бадиуз-Замон Мирзога қарши яна уруш ҳаракатларини бошлаган хабарини эшитган улуғ амир Алишер Навоий 28 августда Ҳиротдан чиқиб, 29 август чоршанба куни Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига келади ва Бадиуз-Замон Мирзо билан сулҳ тузишга тарғиб қилади. Улуғ амир Алишер Навоийнинг сўзлари эл-юртнинг осойишталиги, салтанатнинг манфаати йўлида қилинаётган саъй-ҳаракат эканлигини ҳис қилган шаҳаншоҳ сулҳга рози бўлади. Бинобарин, Фараҳ ва Сейистон вилоятларини

Бадиуз-Замон Мирзо тасарруфига берилгани ҳақида фармон берилади. Шаҳаншоҳ фармонни амир Шайх Алға топшираркан, «Сен аввалгилик шаҳзоданинг мулозиматида қолиб, шундай қилгинки, у Сейистон ҳукмдорлигига рози бўлиб, исёндан юз ўгирсин!»— деб кўрсатма беради. 31 август жума куни Султон Ҳусайн Бойқаро Ўланг-нишиндан кўчиб, 3 сентябр душанба куни Боги Жаҳонорога қадам кўяди.

Фармон етиб боргач, Бадиуз-Замон Мирзо Ғур вилоятидан Сейистонга жўнайди. Сейистоннинг собиқ ҳукмдори Муҳаммад Маъсум Мирзо эса Ҳиротга қайтиб келади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг иккинчи ўғли Шоҳгариб Мирзо эди. У 1471 йил Ҳиротда туғилган, онаси Ҳадича бегим эди. Захиридин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ёзишиб, Шоҳгариб Мирзо букри бўлиб, сийрати хийла кўримсиз бўлган. Гарчи гавдаси нотавон ва кўримсиз бўлса-да, табиати чиройли, лафзи пок, сўзлари ёқимли бўлган. Унинг шеъриятга ихлоси баланд эди. Ўзи ҳам «Фарибий» тахаллуси билан туркий ва форсий ғазаллар битарди. Девон ҳам тартиб қилган эди. Куйидаги байт Шоҳгариб Мирзо қаламига мансубдир:

Дар гузар дидам парирўйи шудам девонааш,
Чист номи ў, кужо бошад надонам ҳонааш.

Мазмуни: Утарда бир парирўйни кўриб, шайдоси бўлдим, унинг номи нима билмадим, уйи қаерда экан.

Улуг мутафаккир Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» номли асарида Шоҳгариб Мирзони қуидагича таърифлайди: «Шоҳгариб Мирзо — шўх таъблик ва мутасариф (фикри равонлик) зеҳнлик, нозик тахайюллук (хаёл қилмоқ) ва дақиқ (нозик) тааққуялук (фикир юритувчи) йигиттур. Назм ва насрда назири йўқ ва мутахайила (чукур хаёл этиш) ва ҳофизада (хотирига қувваси) адили (тенти) номаълум. Ов ва қуш хотирига марғуб (маъқул) ва қурро (қироат қилиш) ва ўқиш кўнглига маҳбуб.

Бу матлаъ аният дурурким:

Қайси бир гулчехра ул гул барги хандонимча бор,
Қайси бир шамшод қад сарви хиромонимча бор.

Бу матлаъ даги яхши воқиъ бўлибтурким:

Тарки меҳр айлаб агарчи бўлди жонон ўзгача,
То тирикмен қилмоғимдур аҳду паймон ўзгача.».

Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот шаҳарининг ҳокимлигини Шоҳғарид Мирзога инъом қилган эди. У бир неча муддат давомида мазкур мансабда қойим бўлиб, 1496 йилда вафот этади.

Шоҳғарид Мирзонинг жасадини Гозургоҳнинг ўнг томонидаги ҳужралардан бирига дафн этадилар. Қабри устига юксак санъат обидаси бўлмиш «Санги ҳафт қалам» — қора мармар қабр тоши ўрнатилади (Мазкур тошнинг тарихи сўнгти сахифаларда баён қилинади).

Шаҳаншоҳнинг учинчи ўғли Абутуроб Мирзо эди. У 1472 йил Ҳиротда Минглибий Огача бегимдан тугилган эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Абутуроб Мирзо ҳақида шундай ёзади: «Бурунлар андин хили рушди (яхши, етуклик) ривоят қилурлар эди. Отасининг бехузурлиги ортганда ўзгача хабар эшитиб, иниси Муҳаммад Ҳусайн Мирзо била қочиб Ироққа борди. Ироқда сипоҳийликни тарқ килиб, дарвешлик ихтиёр қилибтур, яна андин хâбари топилмади. Бир ўғли бор эди Сухроб Мирзо отлиқ. Мен Ҳамза Султон била Маҳди Султон бошлиг султонларни босиб, Ҳисорни олғонда, менинг қошимда эди. Бир кўзи кўр эди. Гарид бадҳайъат (хунук кўринишили, ёмон шаклли) эди. Ахлоқи ҳам ҳайъатидек эди. Бир безътидоллиқ (мевъердан ортиқча ҳаракат) қилди, тура олмади, кетди. Астробод навоҳисида бир безътидоллигидин Нажим Соний азоб била ўлтурди».

Шаҳаншоҳнинг тўртинчи ўғли Абул Муҳсин Мирзо, 1472 йилда Ҳиротда тугилган эди. Унинг укаси Муҳаммад Муҳсин (Кепак Мирзо) Мирзо 1474 йилда тугилган бўлиб, бу икки шаҳзоданинг онаси Латифа Султон Огача бегим эди.

Султон Ҳусайн Бойқаро ўғли Абул Муҳсин Мирзога Марв вилоятининг ҳокимлигини, Муҳаммад Муҳсин Мирзога эса Обивард вилоятини инъом қилган эди.

Муҳаммад Мўмин Мирзонинг фожиали ўлимидан сўнг, шаҳзодалар Ҳадича бегимнинг маккорона кирдикорларидан нафратланниб, ўз оталарига бўлган ихлос ва эътиқодлари сусайиб ёвлаша бошлайдилар. Жумладан Абул Муҳсин Мирзо ўз укаси Муҳаммад Муҳсин Мирзо билан маслаҳатни бир жойга кўйиб, шаҳаншоҳга қарши бош кўтарадилар.

Бу хабар 1498 йил сентябр ойида Ҳиротта етиб келгач, Султон Ҳусайн Бойқаро амир Қувомиддин Ҳасан Соримиини Абул Мұхсин Мирзо ҳузурига йүлларкан: «Шаҳзодага панду насиҳатлар қилинг, токи мухолифат йўлидан қайтиб, итоат камарин белига boglab, укаси Мұхаммад Мұхсин Мирзони ҳам исёндан қайтарсун», — деб топшириқ беради.

Амир Қувомиддин Ҳасан Соримиш шаҳзода ҳузурига бориб, исёндан вужудга келажак жароҳатлар ҳақида кўп тимсоллар келтириб, насиҳат қиласди. Аммо шаҳзода амир Қувомиддин сўёзини эътиборсиз қолдиради.

Ноилож, 1498 йил 19 декабрда Султон Ҳусайн Бойқаро Марвга — Абул Мұхсин Мирзога қарши қўшин тортади. Айни вақтда Ҳайдар Мұхаммад Мирзо ва амир Шайх Аҳмад Суҳайли бошлиқ қўшинни Мұхаммад Мұхсин Мирзога қарши. Обивардга жўнатади. Шаҳаншоҳ Марвни қамал қиласди. Шаҳар мудофаачиларининг жонбозлиги туфайли, қамал уч-тўрт ойга чўзилиб, ҳар икки томон ҳам ҳолдан тоядилар ва сулҳга мойиллик билдирадилар. Нихоят Абул Мұхсин Мирзонинг хоҳишига биноан, шаҳаншоҳ улуг амир Алишер Навоийнинг укаси амир Дарвеш Алини шаҳзода ҳузурига элчи қилиб жўнатади.

Амир Дарвеш Али шаҳзодадан бўлажак сулҳнинг шарт-шароитлари ҳақида сўраганда, шаҳзода «Падари бузрукворимиз гуноҳимизни кечириб, шаҳарни қамалдан озод этсалар ҳамда қўшинларини Сарахс томон олиб кетсалар. Алҳол мен исёндан воз кечиб, итоат камарин белга boglab, ўз ихтиёrim билан Ҳирот дорус-салтанасига борсам», — дейди. Амир Дарвеш Али шаҳаншоҳ ҳузурига келиб, шаҳзоданинг илтимосини баён қиласди. Бу таклиф шаҳаншоҳга мақбул бўлиб, 1499 йил баҳорида ота-бала ўртасида сулҳ битими имзоланади.

Аммо Мұхаммад Мұхсин Мирзога қарши жўнатилган қўшин мағлубиятга учраб, ноумид қайтиб келади.

Султон Ҳусайн Бойқаро Марв қамалини бўшатиб, Сарахс томон юргач, шаҳзода Абул Мұхсин Мирзо Марвни ўз яқин кишиларидан бирига топшириб, ўзи укаси шаҳзода Мұхаммад Мұхсин Мирзо ҳузурига — Обивардга жўнайди. Мұхаммад Мұхсин Мирзо акаси Абул Мұхсин Мирзони эҳтиром билан кутиб олади. Ака-ука шаҳзодалар иттифоқ тузиб, оталарига қарши иккинчи марта бош кўтарадилар.

Султон Ҳусайн Бойқаро Бобо Ҳоки мавзеида исёң хабарини эшитади. Ҳирот шаҳрининг доругаси (бошлиги) Аҳмад Мирзо (1499 йил) вафот этганлиги туфайли ўрнига янги доруга тайинлаш лозим эди. Бинобарин, шаҳаншоҳ амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекни Ҳирот шаҳрининг доругаси мансабига тайинлаб, уни Ҳиротга жўнатади. Ўзи дарҳој қўшинни жамлаб, худбин ўғилларининг адабини бериб қўйиш учун Обивардга юради.

Ака-ука шаҳзодалар 5-6 минг отлик аскар тўплаб, жангга тайёрланадилар. Шаҳаншоҳнинг катта қўшин билан келаётган хабарини эшитишгач, ўз қўшиларини шаҳар ташқарисига олиб чиқиб, Нисо шаҳари томон юрабошлайдилар. Бу хабарни эшитган шаҳаншоҳ исёнкор ўғилларини жангдан қочаябди деб гумон қилиб, Музаффар Ҳусайн Мирзо, Ҳайдар Муҳаммад Мирзо, Ибн Ҳусайн Мирзо ва амир Шужоъиддин Муҳаммад Бурундуқ барлосларни «қочоқ» шаҳзодалар кетидан қувлаб бориб қўлга олишни буюради ва ўзи кейиндан боради.

Аммо «қочоқ» шаҳзодалар Халво чашма мавзеига етганларида, тўсатдан орқага бурилиб, шаҳаншоҳнинг илғор қўшинига хужум қиласидилар. Кўп ўтмай, Ҳайдар Муҳаммад Мирзо ва Ибн Ҳусайн Мирзо жағнга бардош беролмай жанг майдонини ташлаб қочадилар. Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам қочишга тараффудланиб турган аснода Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзи етиб келиб жангга киради. Шундан сўнг зафар шабадаси шаҳаншоҳ томондан эсиб, Абул Муҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзолар мағлубиятга учрайдилар. Абул Муҳсин Мирзо Марвга ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо эса Астрободга қочадилар. Султон Ҳусайн Бойқаро эса шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзони таъкиб қилиб, Астробод томон йўл олади.

Шаҳаншоҳнинг келаётган хабарини эшитган Муҳаммад Ҳусайн Мирзо ўз биродари Муҳаммад Муҳсин (Кепак Мирзо) Мирзо ҳамда аркони давлати билан кенгашиб, Астрободни ташлаб Терек дарёсидан ўтиб, туркманлар ҳудудига ўтишга қарор қиласиди. Йўлда Муҳаммад Муҳсин Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Мирзодан ажralиб, Хурросон томон йўл олади. У акаси Абул Муҳсин Мирзо хуэурига бориб, бўлган воқеаларни батафсил ҳикоя қиласиди.

Султон Ҳусайн Бойқаро Астрободга киргач, шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзони Марвга борган хабарини

эшитади. Шундан сўнг шаҳаншоҳ Машҳад ҳокимлиги ни шаҳзода Муҳаммад Муҳсинга инъом этилгани ҳақида нишон хат ёздириб жўнатади. Шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзо нишон хатни олгач, бениҳоя шодланиб, Машҳадга келади ва умрининг охиригача итоатдан бош тўлғамайди.

1500 йил июл ойида Муҳаммад Муҳсин Мирзо биродари Муҳаммад Ҳусайн Мирзони Исфароинга ҳужум қилганини эшитиб, фурсатни ганимат билиб, Машҳаддан чиқиб, Нисо ва Обивард вилоятларига қўшин тортади. Аммо август ойида отаси шаҳаншоҳни Астрободга бостириб киргани ҳамда Муҳаммад Ҳусайн Мирзони Терек дарёси томон қочган хабарини эшитгач, ўзининг содик итоаткор эканини изҳор этиш учун шаҳаншоҳ ҳузурига элчилар ўборади. Шаҳаншоҳ бу хабардан бағоят шод бўлиб, шаҳзода билан кўришмак орзусида эканини изҳор этади. Шаҳаншоҳ шаҳзоданинг йўлларда кўп тўхтамасликни, эҳтиёткорлик билан юришини, токи биродари Муҳаммад Ҳусайн Мирзо чангалига тушиб қолмасликни элчиларга таъкидлаб жўнатади.

Аммо тақдир тақозоси билан Кепак Мирзо йўлда Муҳаммад Ҳусайн Мирзо қўшинига дуч келиб, барча бойлигидан ажralиб, ўровдан чиқиб қочади. Нижоят Муҳаммад Муҳсин Мирзо Сари пули сангин мавзеида отаси шаҳаншоҳ билан юз кўришади. Шаҳзода аввалги қилган хатти-ҳаракатлари учун узр сўраб, шаҳаншоҳ ҳузурида тиз чўкади. Султон Ҳусайн Бойқаро Кепак Мирзонинг садоқатини юксак баҳолаб, Тус, Машҳад, Обивард ва Нисо вилоятларини унга инъом қиласди.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг олтинчи ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзо эди. У 1473 йил Ҳиротда туғилган, онаси Ҳадича бегим эди. Музаффар Ҳусайн Мирзо табиатан худбин, ўжар ва тантиқ эди. Шунга қарамай, Султон Ҳусайн Бойқаронинг энг суюкли ўғли эди. Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо унинг ҳақида «агарчи хили суйгидек ахлоқ ва афъоли ҳам йўқ эди» деб ёзган эди. Бинобарин шаҳаншоҳнинг бошқа ўғиллари шу боисдан оталарига ёвлашардилар.

Музаффар Ҳусайн Мирзонинг онаси Ҳадича бегим эрининг ўғлига бўлган муҳаббати ва эътиқодидан фойдаланиб, қандай бўлмасин Музаффар Ҳусайн Мирзони таҳтга валиаҳд килиб тайинлатмоқ фикрида эди. 1497 йилда Султон Ҳусайн Бойқаро Астробод вилоятини Музаффар Ҳусайн Мирзога инъом қиласди.

Аммо 1498 йилнинг ёз ойларида Муҳаммад Ҳусайн

Мирзо Астрободга тўсатдан ҳужум қилиб, Астробод вилоятини ўз тасарруфига киритади. Музаффар Ҳусайн Мирзо биродари билан бўлган жангда енгилиб, Сабзавор вилоятига қараб кетади.

Султон Ҳусайн Бойқаро шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн Мирзога қарши Астрободга юриш қилиш нияти бўлсада, бироқ мамлакатда кетма-кет вужудга келаётган исёнлар бунга йўл бермасди.

Айни вақтда Бадиуз-Замон Мирзо ўз қайнотаси амир Зуннун аргун билан бирга лашкар тортиб, Ҳиротга яқинлашадилар. Ҳирот хавф остида қолган эди. Аммо улуг амир Алишер Навоий ва амир Муборизиддин Муҳаммад Валибеклар шаҳарни мудофаага тайёрлайдилар. Шаҳзода Муҳаммад Маъсум Мирзо бошчилигига қўшин тартибга солинади. Бу пайтда амир Зуннун аргуннинг қўшини Ҳирот атрофидаги қишлоқларни талашга киришади.

Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек шаҳзода Муҳаммад Маъсум Мирзо бошчилигидаги қўшин билан шаҳардан ташқарига чиқиб, душман билан жанг қиласдилар. Кучлар teng эмас эди. Бинобарин, Ҳирот аввалгидек хавф-хатар остида кун кечирарди. Бундай вазият қирқ кунга яқин давом этади. Ниҳоят Султон Ҳусайн Бойқаронинг Астрободдан келаётган хабари маълум бўлади.

Бу пайтда Бадиуз-Замон Мирзо Ўланг-нишинда турарди. Шаҳаншоҳнинг келаётган хабари маълум бўлгач, улуг амир Алишер Навоий Бадиуз-Замон Мирзога элчилар юбориб, аввало падари бузрукворга нисбатан исён кўтариб, ёғи бўлмоқ гуноҳи азим эканлигини яна бир марта таъкидлаб, ҳеч бўлмаганда шаҳаншоҳнинг йўлини тўсмаслик, токи кўз-кўзга тушиб, кўнгул мулки абадул-абад хира тортмаслиги чорасини кўрмаклик лозим ва лобуд эканлигини илтимос қиласди.

Зийрак шаҳзода Бадиуз-Замон Мирзо улуг амир Алишер Навоийнинг самимий маслаҳатини дарҳол қабул қилиб, Ўланг-нишин ўрдugoҳидан кўчиб, Мурғоб дарёси қирғогига бориб тўхтайди.

Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротга етиб келгач, ўғли Бадиуз-Замон Мирзога қарши жанг тадоригини кўра бошлайди. Аммо жанг қилиш учун салоҳияти начор эди, чунончи аскарлар узоқ масофадан ҳориб келган, отлар эса чарчаган эди. Бинобарин, шаҳаншоҳ улуг амир Алишер Навоий билан машварат қилиб, сулҳга

мойиллик билдиради. Нихоят Бадиуз-Замон Мирзо билан сулҳ тузилади. Битимга кўра Балх вилояти ҳамда Амударёдан то Мурғобгача бўлган ерлар Бадиуз-Замон Мирзо тасарруфига ўтади. Шунингдек, хутбада Султон Ҳусайн Бойқаро номи билан бирга Бадиуз-Замон Мирзо номи ҳам қўшиб ўқилади. Шу воқеадан сўнг, ҳатто амир Ҳусравшоҳ ҳам Бадиуз-Замон Мирзо хукмронлигини тан олиб, Қундуз, Бақлон, Термиз, Қубодиён, Ҳисори Шодмон, Ҳутталон ва Бадахшонда унинг номини хутбага қўшиб ўқитиш ҳамда пул зарб қилишга рози бўлади.

Бадиуз-Замон Мирзо Балхга қараб боргач, Балхнинг собиқ ҳукмдори шаҳзода Иброҳим Ҳусайн Мирзо Ҳиротга қайтади. Бадиуз-Замон Мирзо Балхга ўринашгач, Сейистон вилоятининг ҳокимлигини амир Зуннун аргуннинг укаси амир Султон Али аргунга ҳавола этади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг еттинчи ўғли Муҳаммад Ҳусайн Мирзо 1476 йилда Ҳиротда туғилган, онаси Минглибий Оғача бегим эди.

Муҳаммад Ҳусайн Мирзо отаси шаҳаншоҳнинг бетоблик пайтида ўз акаси шаҳзода Абутуроб Мирзо билан тил биринтириб, Ироқ ва Озарбойжон томонга қочади. Улар бир неча вақт Озарбойжонда ноҷор аҳволда кун кечирадилар. Унинг ҳақида Захиридин Муҳаммад Бобур Мирзо шундай ёзади: «Ироқда муни ва Шоҳ Исмоилни бир ерда банд қилгон экандурлар. Ул вақт анга мурид (Шоҳ Исмоилга — Т. Ф.) бўлиб экандур, сўнгра гализ рофизий бўлиб эди. Бовужудким, ота — ога — иниси бори сунний, бу мундоқ рофизий. Астрободда ўшул гумроҳлик ва батолат била ўлди. Ани хили мардона ва баҳодир дерлар эди. Ҳеч андоқ иши зоҳир бўлмадиким, битмакка лойик бўлғай. Табъ назми бор экандур. Бу байт аниңгдурқим»:

Олудай гарди зи пайи сайдки гашти,
Гарки араки дар дили гармики гузашти».

Мазмуни:

Ов кетидан юргандинг, гардига булганибсан,
Ҳароратли қалбинг терига гарқ бўлиб ўтибсан.

Нихоят, Оқ қуюнлилар салтанатига путур етгач, шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг толеъ юлдузи порлайди. 1497 йил кеч кузда Муҳаммад Ҳусайн Мирзо

отаси шаҳаншоҳга элчи юбориб, ватани Ҳурсонга келиш иштиёқида эканлигини изҳор қиласди. Шаҳаншоҳ ўғлининг қайтишидан шодланиб, унга мактуб жўна тади.

Шу аснода шаҳаншоҳнинг яқин кишиларидан бири олий даргоҳга келиб, «шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн Мирзо бу ерга яхши ният билан эмас, балки бадандешалик билан келаётир»,— деб хабар қиласди. Бу нохуш хабарни эшитган шаҳаншоҳ амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек, амир Умарбек ва амир Бобо Алиларни икки минг отлик аскар билан шаҳзоданинг истиқболига юборади. Шунингдек, амирларга «агар иложи бўлса шаҳзодани қуролсизлантириб олиб келинглар»,— деб фармон беради.

Амирлар Машҳадга келганинида у томондан шаҳзода ҳам ўз қўшини билан шаҳарга яқинлашади. Аммо баъзи бир кишилар амирларнинг қора ниятларини шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн Мирзога етказадилар. Шаҳзода бу хабардан хавотирга тушиб, Машҳадда тўхтамай, дарҳол Журжонга қараб йўл олади. Шаҳзоданинг Машҳаддан Журжон томонга қочган хабарини эшитган шаҳаншоҳ амирларга мазкур икки минг сипоҳ билан Астробод вилоятига бориб, Музаффар Ҳусайн Мирзога қўшилиб, биргаликда Муҳаммад Ҳусайн Мирзо устига юришни буюради. Шаҳаншоҳ амрига Мувофиқ, амирлар Астрободда Музаффар Ҳусайн Мирзо билан бирлашиб, Астробод вилоятининг туман ва қишлоқларини ҳаробага айлантираётган Муҳаммад Ҳусайн Мирзога қарши юриш бошлайдилар. Музаффар Ҳусайн Мирзо ва амирларнинг мардана ҳаракати натижасида, Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг қўшини батамом парокандаликка учраб, ўзи туркманлар томонига қочиб кетади.

1498 йил август ойининг ўрталарида Муҳаммад Ҳусайн Мирзо катта қўшин тўплаб, Астрободга иккinci марта ҳужум қиласди. Астробод ҳукмдори Музаффар Ҳусайн Мирзо биродари Муҳаммад Ҳусайн Мирзога қарши қўшин билан шаҳар ташқарисига чиқади. Аммо, ўша аснода Музаффар Ҳусайн Мирзо мижозида заифлик вујудга келиб, дам-бадам ҳушдан кетиб, ниҳоят ўзини ўнглай олмай қолади. Ҳолбуки, Муҳаммад Ҳусайн Мирzonинг қўшини шитоб билан шаҳарга яқинлашиб келмоқда эди. Музаффар Ҳусайн Мирzonинг бетоблиги туфайли бошлиқсиз қолган қўшин парокандаликка учраб, жанг майдонини ташлаб

қоча бошлайди. Мұҳаммад Ҳусайн Мирзо эса шаҳарни осонгина құлға кирилади. Музаффар Ҳусайн Мирзо ўз қүшини билан Сабзаворга чекинади.

Бу нохуш хабарни эшитган Султон Ҳусайн Бойқаро 1498 йил октобринг ўрталарида амир Мұҳаммад Бурундуқ барлос ва амир Камолиддин Ҳусайн жало-йирни Музаффар Ҳусайн Мирзога күмак бериш учун Сабзаворга жүнатади. Шаҳаншохнинг ўзи ҳам Астробод юришига тараддуздланиб турган пәйтида, Марв ҳукмдори шаҳзода Абул Мұхсин Мирзо ҳамда Обивард ҳукмдори шаҳзода Мұҳаммад Мұхсин (Кепак Мирзо) Мирзоларнинг исөн күтарғанликлари ҳақидаги хабарни эшитгач, Астрободни қўйиб, Марвга қараб лашкар тортади.

Мұҳаммад Ҳусайн Мирзо Астробод вилоятига ўрнашиб олади. Орадан бир йил ўттач, 1499 йил ёзида Халво чашма жангиде ёнгилиб, Астрободга қочган шаҳзода Мұҳаммад Мұхсин Мирзони таъқиб қилиб келаётган шаҳаншоҳ хабарини эшитган шаҳзода Мұҳаммад Ҳусайн Мирзо зудлик билан Астрободдан чиқиб Терек дарёсини кечиб, туркманлар ҳудудига қочиб ўтади.

Султон Ҳусайн Бойқаро Астрободда 15 кун туради. Шу аснода Ҳирот доругаси амир Муборизиддин Мұҳаммад Валибекдан чопар келиб, Бадиуа-Замон Мирзонинг яна бош күтаргани ва энди Ҳиротга хавф солаётганини арз қиласы. Шаҳаншоҳ бу нохуш хабарни эшитган заҳоти Астробод вилоятини Мұҳаммад Ҳусайн Мирзога инъом қылгани ҳақида нишон хати ёздираib, мұхрлаб мавлоно Шамсуддин Али Шоҳ орқали Мұҳаммад Ҳусайн Мирзо хузурига жүнатади. Ўзи эса шаҳзода Мұҳаммад Ҳусайн Мирзони келишини кутмай, Астрободни вактинча амир Бадриддин ихтиёрига топшириб, Бадиуа-Замон Мирзо исёнини бартараф қилиш учун шошилинч равишда Ҳиротга жўнайди.

Мавлоно Шамсуддин Али Шоҳ шаҳзода Мұҳаммад Ҳусайн Мирзо қароргоҳига бориб, шаҳаншохнинг иноятномасини топширади. Шаҳзода бу илтифотдан багоят хушнуд бўлиб, Астрободга қайтиб келиб, ҳукмронликни давом этдиради.

Аммо Мұҳаммад Ҳусайн Мирзо Астробод вилоятига мустаҳкам ўринашиб олгач, эндиликда фақат Астробод билан қаноатланмай, балки янги-янги вилоятларни ўз тасаррүфига киритиш хаёлига тушади. Бинобарин, 1500 йил июл ойида Исфаройин тарафига ҳужум

бошлайди. Исфаройин ҳукмдори амир Бадриддин шаҳаншоҳнинг ихлосманд яқин кишиларидан бўлганлиги туфайли, шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн Мирзога итоат қилишдан кўра жанг қилишни афзал кўради. Аммо амир Бадриддиннинг қўшини жуда оз эди. Шунга қарамай, шаҳаншоҳнинг ишончини оқлаб, шаҳзодага қарши жанг бошлайди. Жанг асносида шаҳзода қўшинлари амир Бадриддин қўшинини ўраб олиб, қириб ташлайдилар. Амир Бадриддин ҳам жанг майдонида ҳалок бўлади.

Амир Бадриддиннинг ҳалок бўлган хабарини эшитган Музаффар Ҳусайн Мирзо Сабзавордан укаси Муҳаммад Ҳусайн Мирзога қарши амир Шужоъиддин Муҳаммад Бурундуқнинг ўғли амир Муҳаммад Қосим барлос бошчилигига илгор қўшин юборади. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо қўшинига эса Дарвеш Муҳаммад Кўкалдош бошчилик қиласиди. Ҳар икки қўшин ўртасида қаттиқ жанг вужудга келади. Жанг асносида Дарвеш Муҳаммад Кўкалдош Музаффар Ҳусайн Мирзо қўшинига офат етказиб, ҳатто амир Муҳаммад Қосим барлос ҳам оёгидан ўқ еб, сафдан чикади. Сабзавор қўшинлари жанг майдонини ташлаб қочадилар. Бу хабарни эшитган Музаффар Ҳусайн Мирзо қайтадан жанг қилишга юраги дов бермай, орқага қайтади. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо эса Нишопур вилоятигача босиб келиб, шаҳар ва қишлоқ ахолисини аёвсиз равишда талайди.

Султон Ҳусайн Бойқаро ноаҳил, исенкор ўғилларининг қилмишларидан газабланиб, 1500 йил август ойида Ҳиротни улуг амир Алишер Навоий билан амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек иктиёрига топшириб, ўзи маҳофада катта қўшинига бош бўлиб, Астрободга жўнайди. Йўлда Музаффар Ҳусайн Мирзо ўз қўшини билан келиб шаҳаншоҳ қўшинига қўшилади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг катта қўшин билан келаётган хабарини эшитган шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн Мирзо шаҳаншоҳ қўшинига бардош беролмаслигини сезиб, Астрободни ташлаб яна Терек дарёси томон қочади. Шаҳаншоҳ Астрободга қириб, осойиштадик ўрнатиб, 3-4 кун қўшинга дам беради. Шу аснода Муҳаммад Ҳусайн Мирзо шаҳаншоҳга қарши қилган хатти-ҳаракатларидан афсусланиб, узр сўраб элчилар юборади. Шаҳаншоҳнинг фарзанди аржумандига нисбатан оталик меҳри жўш уриб, яна Журжон мулкини

Мұхаммад Ҳусайн Мирзога инъом қилиб, Ҳиротга қайтади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг Астробод юришидан зафар билан қайтиш хабари Ҳиротга етиб келгач, одатта кўра, аркони давлат, барча яқин кишилар шу жумладан, улуғ амир Алишер Навоий шаҳаншоҳни кутиб олиш учун Хўжа Аббос мавзеига пешвоз чиқадилар. Амир Алишер Навоий шаҳаншоҳ билан кўришатуриб, ҳолсизланиб хушдан кетади. Уни маҳсус маҳофага солиб шаҳарга олиб кетадилар. Амир Алишер Навоийга табибларнинг муолажаси фойда бермай, икки кун күшсиз ётиб, 1501 йил 3 январ якшанба куни тонгда оламдан ўтади.

1503 йилда **Фаридун Ҳусайн Мирзо** ов қилиш баҳонаси билан Ҳиротдан чиқиб, Астрободга қочиб боради. Астробод ҳукмдори Мұхаммад Ҳусайн Мирзо укаси Фаридун Ҳусайн Мирзони юксак илтифотлар билан кутиб олади. Аммо кўп ўтмай, Мұхаммад Ҳусайн Мирзо ҳасба (қора безгак) касалига чалиниб, 1503 йилда 28 ёшида оламдан ўтади. Унинг ўрнига Фаридун Ҳусайн Мирзо ўтиради.

Фаридун Ҳусайн Мирзо шаҳаншоҳнинг саккизинчи ўғли, 1478 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Минглибий Огача бегим эди.

Фаридун Ҳусайн Мирзо ҳакида Захириддин Мұхаммад Бобур Мирзо шундай ёзади: «Ейни кучлук тортиб, ўқни яхши отар эди. Үзи хийли мардона эди, vale ферузжанг (моҳир жангчи) эмас эди. Ҳар ердаким урушди мағлуб бўлди».

Хондамирнинг ёзишига қараганда, Фаридун Ҳусайн Мирзо Домғон қалъасидан қутулиб чиққач, туркманлар орасига кетади. 1509 йилда Мұхаммад Шайбонийхон Даشتி Қипчоққа қўшин тортганда, Фаридун Ҳусайн Мирзо фурсатдан фойдаланиб, бир оз қўшин билан Ҳурросон худудига кириб, Келот қалъасини қўлга киритади. Бу хабарни эшитган Марв ҳокими Қанбарбий барча ўзбек (шайбоний) аскарларини йигиб келиб, Келот қалъасини муҳосара қиласди. Фаридун Ҳусайн Мирzonинг қўшини кам бўлгани туфайли, қалъани сақлаб қолишга ожизлик қиласди ва жанг асносида душман қўлига тушиб, 32 ёшида қатл қилинади.

Шаҳаншоҳнинг тўққизинчи ўғли **Ҳайдар Мұхаммад Мирзо** 1479 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Поянда Султон бегим эди.

Шаҳаншоҳ бу ўглига аввал. Машҳад вилоятининг

хокимлигини берган эди. Кейинчалик Балхда ҳукмроник қылған. Шаҳанишоҳ Ҳисорни мухосари қылғанды. Султон Муҳмуд Мирзоининг Ҳонқодада бегим исемли хотинидан тугилған қизи Бекабетимни Ҳайдар Муҳаммад Мирағоға никоҳ қылғач. Ҳисор қамалини бүшатиб сулҳ тузиб қайтган эди.

Хондамирнинг ёнишича, Ҳайдар Муҳаммад Мирзо 1502 йилда, ўз ажали билан 26 ёнида шифот этади. Захиридин Муҳаммад Бобур Мирзоининг ёнишига қириғанды. Ҳайдар Муҳаммад Мирағодан Шодибеким исемли бир қиз қолған экан. Ҳуресонни Шайбонийлар забт этгач, Шодибеким Кобулга Бобур Мирзо ҳудурига келади. Кобулда Бобур Мирзо маслаҳати билан Шоди бегим Одил Султонги турмушға чиқади.

Шаҳанишоҳнинг ўнинчи ўғли Муҳаммад Маъсум Мирзо 1478 йилда Ҳиротди тугилған. Онаси Попо Өгачи бегим эди. Шаҳанишоҳ бу ўғлиға Қандаҳор вилоятининг хокимлигини инъом қилған эди.

Хондамирнинг ёнишича, 1490 йил 3 февралда Кобул ҳукмдори Улугбек Мирзо Кобулийнинг қизини Муҳаммад Маъсум Мирағоға никоҳ килинади.

Закиридин Муҳаммад Бобур Мирзоининг ёнишига қараганда, Муҳаммад Маъсум Мирзо ўз ака-уқаларига қараганда иқтидорсизроқ бўлған. Гарчи Қандаҳорнинг ҳокими бўлсан-да, бирор ҳукумат ишлари имир Зунун афғуннинг ўғли Шоҳбек аргуннинг қўлиди бўлған. Шаҳзодада зея хеч қандай ихтибр бўлмаган. Бинобарин, Муҳаммад Маъсум Мирзо Қандаҳорда турмолмай, Ҳуресонги қайтиб келади. 1501 йил сентябр ойиди жигар ва иҷбурург касали билан 28 ёнида оламдан ўтиди.

Шаҳанишоҳнинг ўн биринчи ўғли Иброҳим Ҳусайн Мирзо 1478 йилда Ҳиротди тугилған. Онаси Попо Өгачи бегим эди. Шаҳанишоҳ бу ўғлиға аниқл Балх ҳукмдорлигини беради. Аммо давлат ишлари улуг имир Алишер Навоийнинг укаси имир Дарвеш Алиниңг қўлиди эди. 1490 йилда имир Дарвеш Али Балхда ҳокимиятни бутунлай ўз қўлига олиш ва шаҳзода Иброҳим Ҳусайн Мирзоини четлаштириш мақсадида қўзғолон қўтиради. Аммо қўзғолри Ҳўжа Рибсиддин Муҳаммад Дехдор томонидан тинч йўл билан бостирилади. Амир Дарвеш Али Ҳиротта жўнатилади. Шаҳанишоҳ унинг гуноҳини кечириади. Шундан сўнг шаҳанишоҳ ўз қўшини билан Балхга бориб, 1491—92 йил қиши маъумини ўша ерди ўтказади.

Кейинчалик, Қойин вилоятги шаҳзода Иброҳим

Ҳусайн Мирзога суюргол қилиб берилади. Аммо шаҳзода кейинги пайтларда айш-ишратга берилиб, шаробхўрликни авжига чиқаради. У кеча-кундуз ичишдан ташқари ҳатто наҳорга ичишни ҳам одат қиласди. Натижада 1504 йилда ўнглаймайдиган бедаво касалга чалиниб, 1505 йил март ойида 27 ёшида оламдан ўтади.

Шаҳаншоҳнинг ўн иккинчи ўғли **Фарруҳ Ҳусайн** Мирзо 1480 йилда Ҳиротда туғилган эди. Онаси Попо Огача бегим эди. Шаҳзода Фарруҳ Ҳусайн Мирзо 1503 йилда 23 ёшида вафот этади.

Шаҳаншоҳнинг ўн учинчи ўғли **Ибн Ҳусайн** Мирзо эди. У 1488 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Попо Огача бегим эди. Ибн Ҳусайн Мирзо барча шаҳзодалардан ёшроти бўлса-да, жасур ва шижоатли эди. Жангу жадалда акаларидан қолишимасди.

1502 йили Лош қалъасининг бошлиғи Ҳожам Ҳожилар Сейистон ҳукмдори амир Султон Али аргун билан низолашиб, Султон Ҳусайн Бойқарога арз қилиб, агар шаҳаншоҳ шаҳзодалардан бирини Сейистонга юборсалар, бу вилоят осонлик билан тасарруфларига кириши муқаррардир»,— дейди. Бинобарин, Султон Ҳусайн Бойқаро шаҳзода Ибн Ҳусайн Мирзога 2000 аскар бериб, Нимruz вилоятига жўнатади. Ибн Ҳусайн Мирзо Сейистон чегарасига кириб, лашкаргоҳ қуради. Бу хабар амир Зуннун аргунга етгач, у ўз ўғли Шужоъбек билан барча аргун қўшинини йигиб, шаҳзода Ибн Ҳусайн мирзога қарши юради ва тонг сахарда шаҳзоданинг лашкаргоҳини ўраб олади. Бу пайтда шаҳзода ҳали ноз уйқуда бўлиб, қўшини ҳар ер-ҳар ерда дам олмоқда эди. Шаҳзоданинг ёнида фақат уч юзга яқин аскар бор эди. Шаҳзода ўровдан чиқиш учун уч юз аскар билан жангга киради. Бироқ яраланиб, ўровдан аранг чиқиб, жанг майдонини ташлаб, Ҳиротга кочади.

1504 йилда Иброҳим Ҳусайн Мирзо вафот этгач, унинг тасарруфифа бўлган Қоин вилоятини Ибн Ҳусайн Мирзога суюргол қилиб берилганди.

Шаҳаншоҳнинг ўн тўртинчи ўғли **Муҳаммад Қосим** Мирзо, 1488 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Попо Огача бегим эди. Муҳаммад Қосим Мирзо шаҳаншоҳнинг энг кичик ўғли эди.

Бу вактга келиб ўзбеклар ҳукмдори Муҳаммад Шайбонийхоннинг толеъ юлдузи шўъла соча бошлади. У 1501 йилда Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзони қатл қилдириб, Мовароуннаҳри ўз тасарру-

фига киритганди. Эндиликда Мұхаммад Шайбонийхондек хавғли ва забардаст душман құланкаси Хуросон узра соя солмоги муқаррар зди.

Аммо Хуросонда ақвол ўзгача кечмоқда зди. Зотан мамлакат устига оғир дамлар яқынлашиб Хуросоннинг аввалги шон-шұхрати сўнаётган зди. Кейинги пайларда Султон Ҳусайн Бойқаронинг саломатлиги кундан-кун ёмонлашиб, куч-куватдан қолаётган зди. Шунингдек, мамлакатнинг ички ақвони ҳам айтарли яхши әмас, шаҳаншоҳ билан шаҳзодалар орасида вужудга келаётган қонли низолар, адоват ва хусуматлар салтанат пойдеворига раҳна солабошлаганди.

Бинобарин, Султон Ҳусайн Бойқаро яқынлашиб келаётган оғатнинг олдини олиш мақсадида, ўғли Бадиуз-Замон Мирзога ўзбекларга қарши жанг қилиш мажбуриятини юклайди. 1502 йили Бадиуз-Замон Мирзо амир Зуннун аргунга мактуб йўллаб, Заминдовар ва Сейистон қўшини билан етиб келишини сўрайди. Амир Зуннун аргун Заминдовар ва Сейистондан қўшин тўплаб, шаҳзода ўрдугоҳига келиб қўшилади. Бадиуз-Замон Мирзо 12 минг қўшин билан Амударё соҳилига келиб ўрнашади. Шундан сўнг, аввалги битимга мувоғиқ Бадиуз-Замон Мирзо Ҳисори Шодмон ҳукмдори Ҳусравшоҳни тезлиқда ўз қўшини билан келиб қўшилишини таъкидлаб, амир Султон Ҳусайн, амир Зуннун ва амир Абдулло Қорақулоқни элчи қилиб жўнатади. Аммо амир Ҳусравшоҳ ўз сўзидан қайтиб қўшин юбормайди. Шундан сўнг Бадиуз-Замон Мирзо юришни давом этдиришга ботинмай, Балхга қайтиб келади. Шу воқеадан сўнг Бадиуз-Замон Мирзонинг аркони давлати орасида фитна ва ихтилофлар вужудга кела бошлайди.

1503 йилнинг ўрталарида Мұхаммад Шайбонийхон Балхга лашкар тортади. Бадиуз-Замон Мирзо якка ўзи Мұхаммад Шайбонийхонга қарши курашолмаслигини англаб, ўғли шаҳзода Мұхаммад Замон Мирзони ўз ўрнига қўйиб, амир Султон Қулихонни унинг мулозаматига тайинлаб, ўзи шаҳаншоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига кўмак истаб кетади. Ҳондамирнинг сўзига қараганда, Бадиуз-Замон Мирзо Мұхаммад Шайбонийхоннинг ҳозир Балх шахрини қамал қилиб тургани, эртага бутун Хуросон музофотига хавф солажагини таъкидлаб, отаси Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига бир неча бор мактуб йўлласа-да, бироқ шаҳаншоҳ ўғлининг сўзларига қулоқ солмайди. Зоро, Султон

Хусайн Бойқаро ўғли Бадиуз-Замон Мирзодан кўп марта дили оғригани туфайли унинг сўзига эътибор бермай, ўзини тағофилга солиб, кўмак беришни хаёлига келтирмайди. Лекин Мурғоб дарёсининг қирғокларида мустаҳкам мудофаа иншоотларини қуриш учун амир Абдуллатиф билан амир Абулқосим Бахшини мутасадди қилиб жўнатади. Бадиуз-Замон Мирзо эса Чечакту қўргонини мустаҳкамлаш учун кетади. Шунингдек, Бадиуз-Замон Мирзо Мухаммад Шайбонийхонга қарши курашда ҳамжиҳатлик истаб, Ҳисор ҳукмдори Хусравшоҳга мактуб юборади. Хусравшоҳ ўз укаси амир Валибекни қўшин билан шаҳзода ҳузурига жўнатади. Амир Валибек ҳали Бадиуз-Замон билан учрашмасиданоқ, амир Умарбек туркманга йўлиқади. Амир Умарбек туркман Шибирғон вилоятини Бадиуз-Замон Мирзодан ажратиб олиш васвасасига тушган эди. Бинобарин, амир Умарбек туркман амир Валибекнинг ҳузурига ярим тунда келиб, гўё Бадиуз-Замон Мирзо амир Валини ушлаб йўқ қилиш тарадду-дидан эканлигини айтади. Амир Валибек бу хабарни эшитгач, шаҳзода ҳузурига боришдан чўчиб, ўз қўшини билан Қундузга қайтиб кетади. Амир Умарбек туркман ўз қўшини билан Шибирғонга жўнайди.

Бадиуз-Замон Мирзо амир Умарбекнинг хиёнатидан воқиф бўлгач, уни ихтилоф йўлидан қайтариш учун бир неча марта кишилар юбориб, панду насиҳатлар қилади, аммо фойда бермайди. Амир Умарбек туркман ўз йўлидан қайтмайди. Шундан сўнг, Бадиуз-Замон Мирзо Заминдовар ҳукмдори амир Зуннун аргунга элчи юбориб, тезлик билан Шибирғонга амир Умарбек туркманга қарши юришни буюриб, ўзи Чечактуга жўнайди. Зеро амир Умарбек туркман ихтилофи туфайли Чечакту қўшинида ҳам тартибсизликлар кучайган эдиким, агар Муҳаммад Шайбонийхон қўшини бостириб келгундай бўлса, хеч бир қаршиликсиз сувдан кечиб ўтиши муқаррар эди.

Амир Умарбек туркманнинг Шибирғонга кетиб қолиши ҳамда Бадиуз-Замон Мирзонинг Чечактуга қайтиб келиш воқеаси ҳаммага маълум бўлади. Жумладан, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам бу хабарни эшитгач, амир Умарбекни ихтилофдан қайтармоқ ҳамда ўжар ўғли Бадиуз-Замон Мирзони ўз ройишига киритмоқ мақсадида, Мурғоб дарёси томон қўшин тортади. Аммо шаҳаншоҳ йўл асносида ўзини нохуш сеза бошлайди. Қўшин Тарноб манзилига етганда, шаҳаншоҳнинг аҳволи оғирлашиб, дам-бадам ҳушидан кетабошлайди.

Аркони давлат машварат қилиб, юришни түхтатиб, пойтахтга қайтишга қарор қиладилар.

Бу пайтда Бадиуз-Замон Мирзо Ола-Тамур төғининг этагида туради. Отаси шаҳаншоҳнинг тўсатдан бетобланганини эшигтгач, фарзандлик меҳри тобланиб олий ўрдugoҳга бориб, шаҳаншоҳни зиёрат қилмоқ фикрига тушади. Бинобарин, шаҳаншоҳ билан мулоқотда бўлиб, унинг хусни таважжухидан баҳраманд бўлмоққа изн сўраш учун амир Султон Боязид барлосга куйидаги сўзларни таъкидлаб, олий ўрдugoҳга элчи қилиб жўнатади:

Агар шаҳаншоҳ ҳазратлари бу маслак саргардонининг гуноҳларини авф ва марҳамат суви билан ювиб, биноан алайхи қайтадан қасд ва тажовуз қилмаслик ҳақинда Ҳирот дорус-салтанасиндаги шаҳзодалар ҳамда саййидлар ҳузуринда аҳду паймон қилсалар, токи бу гуноҳкор банда итоат ҳалқасин қулоққа тақиб, тобеълик ридосин бўйнига солиб, ул зоти бобаракотнинг шафқат ва марҳаматлари соясинда абадий ором олиш баҳтига мушарраф бўлса.

Амир Султон Боязид барлос Султон Ҳусайн Бойқаро ўрдugoҳига бориб, шаҳзоданинг пайгомини маълум қилади. Шаҳаншоҳ бу муждадан хушнуд ва масрур бўлиб, дарҳол Ҳиротга чопар юбориб, барча шаҳзодаю акобирларни чақиртириш тарааддудига тушади. Аммо Ҳадича бегим бошлиқ бир гуруҳ аъёнлар маслаҳатлашиб, «алҳол шаҳаншоҳнинг вужуди касалдин батамом фориг бўлгани йўқ. Инчунин ўрдugoҳда Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам йўқдир. Шундай ночор вазиятда Бадиуз-Замон Мирзо бу ерга келса, ногаҳон хиёнат эшиги очилиб, салтанатни ўз тасарруфига киритмоғи эҳтимолдан ҳоли эмасдур. Зеро қўшин орасида шаҳзода тарафдорлари кўпdir. Бинобарин, Бадиуз-Замон Мирзони бу ерга келтирмаслик лозим», деган қарорга келадилар ва шаҳаншоҳни ҳам кўндирадилар. Натижада Бадиуз-Замон Мирзонинг илтимоси шаҳаншоҳ томонидан кейинга сурлади.

Ниҳоят 1504 йили сентябр ойида Карруҳ ёнидаги Фори Аббос мавзеида Султон Ҳусайн Бойқаро билан шаҳзода Бадиуз-Замон Мирзо ўртасида яраш маросими бўлиб, ота-бала бир-бирлари билан йиглашиб кўришадилар. Бу маросимда Бадиуз-Замон Мирзо томонидан амир Зуннун аргун ва амир Ҳусравшоҳ ҳам қатнашадилар. Шаҳаншоҳ бу икки амирни ҳам гуноҳларини кечиб, юксак илтифотлар кўрсатади. Шаҳзода ва амирлар

бир неча кун шаҳаншоҳ ҳузурида меҳмон бўладилар.

1505 йил феврал ойида шаҳаншоҳ Бадиуз-Замон Мирзо билан Музаффар Ҳусайн Мирзони Мургоб дарёси соҳилидаги ҳарбий истеҳкомни мустаҳкамлани ва қўшин билан тъминлаш учун жўнатади. Тики Мухаммад Шайбонийхон қўшини дарёдан кечиб ўтишга муваффак бўлмасин. Бадиуз-Замон Мирзо Мургобга жўнаб кетгач, Амир Ҳусравшоҳ ўз қўшини билан Кундузга қараб кетади. Аммо Кундуз шаҳри Мухаммад Шайбонийхон қўшияни томонидан мусаххар қилинган эди. Бинобарин, Кундуз шаҳрининг доругаси ўз қўшини билан Ҳусравшоҳга қарши ҳужум қиласди. Ҳар икки қўшин ўргасида қаттиқ жангу жадал бўлиб, амир Ҳусравшоҳнинг қўшини мағлубиятга учраб, жанг майдонини ташлаб қочади. Амир Ҳусравшоҳ эса жанг майдонида асирга олиниади. Амир Ҳусравшоҳни эшакка миндириб Кундуз шаҳарига олиб кириб, шаҳарни айлантирадилар. Чунки амир Ҳусравшоҳ Кундузning собиқ ҳукмдори эди. Бинобарин уни шу ерда қатл қиласдилар.

Амир Ҳусравшоҳ ўткинчи дунёнинг ҳою-ҳависига учиб салтанат ва мулкгирлик дагдагаси билан ўз валиноъмати, Самарқанд ҳукмдори марҳум Султон Маҳмуд Мирзонинг катта ўғли Султон Маъсуд Мирзонинг кўзига мил тортириб, кўр қилған ва кичик ўғли Султон Бойсунгур Мирзони бўгиб ўлдириб, Ҳисор, Жутталон, Бақлон ва Кундуз вилоятларига ҳукмрон бўлган эди. Зеро алқасосул миналҳақ деганларилик, фалакнинг гардиши билан андак фурсат ўтмасданоқ имтиқом ханжари ўз бўзига тақалади. Бу ҳақда «Ҳабиб уссиёр»нинг муаллифи Фиёсиддин бин Ҳумомиддин Ҳондамир қўйидаги ибрағли назмни тараннум қилибдур:

Чу аз лавхи дил шуст нақши вафо,
Ба сад жеҳнат ва дард шуд мубтило.
Вафо кун ба кас талинъемат аст,
Ки дар бевафойи басе заҳмат аст.

Мазмуни:

Чунончи, дил таҳтисидан вафо нақшини ўчирса,
Юз дарду мишақъатга бўлур мубтало.

Кимки валиненъматинг бўлса вафо қил,
Шунингдек, бевафоликда кўпdir заҳмат, бил!

1505 йилнинг ёз ва куз ойларида Муҳаммад Шайбонийхон қўшини Маймана ва Фарёб вилоятларини босиб, талон-тарож қиласлантиришди. Султон Ҳусайн Бойқаро бу хабарни эшигч, салтанат тақдиридан ташвишланиб, душманга қарши кураш тараддудига тушади. Шунингдек, Бадиуз-Замон Мирзонинг Муҳаммад Шайбонийхонга қарши барча куч-кудратни бирлаштириш борасида қилган таклифига ўз вақтида қулоқ солмаганига афсус ва надоматлар қилади. Дарҳол аркони давлатни йигиб кенгаш ўтказади. Кенгашда Бадиуз-Замон Мирзони зудлик билан Ҳиротга тақлиф қилишга қарор қилинади. Бинобарин, шаҳзоданинг ҳузурига саройнинг энг обрули аъёнларидан Ҳўжа Шамсаддин Муҳаммад Муншини элчи қилиб жўнатади-лар. Ҳўжа Шамсаддин Муҳаммад Мунши шаҳзода ҳузурида шаҳаншоҳнинг шавқат ва марҳамати беқиёс ҳамда саховат ва муруввати беназир эканлигини мафтункор иборалар билан баён қилиб, шаҳзодани отаси шаҳаншоҳ билан учрашишга кўндиради.

1506 йил январида Бадиуз-Замон Мирзо амир Зуннун аргунга Заминдоварга бориб, қўшин тўплаб, азвали баҳорда Мурғоб дарёси соҳилига етиб келишни буюради ва ўзи Ҳиротга — олий даргоҳга йўл олади.

Бадиуз-Замон Мирзо Ҳиротга келиб, шаҳанинг ҳузурида 20 кун туради. Шу аснода Муҳаммад Шайбонийхон қўшинининг Балх, Андхўй, Шибиргон, Маймана ва Фарёб вилоятларини босиб олган хабари келади. Шаҳаншоҳ дарҳол Бадиуз-Замон Мирзони Мурғоб дарёси соҳилига илғор қилиб жўнатади ва ўзи кейиндан боришга қарор қилади. Шунингдек, шаҳаншоҳ барча вилоятлардаги ўғиллари ҳамда бекларга тезликда олий ўрдugoҳга қўшин билан етиб келишлари хақида фармон беради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ёзишича, Султон Ҳусайн Бойқаро Муҳаммад Шайбонийхонга қарши биргаликда курашмоқ учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳузурига Саййид Афзалини элчи қилиб юборади.

Султон Ҳусайн Бойқаро хасталигига қарамай, Хурсон қўшинини йигиб, Муҳаммад Шайбонийхонга қарши Мовароуннахр худудига қараб йўл олади. Бироқ тез суръат билан жаянгта отланиш ҳамда йўл машаққатлари қарип қолган шаҳаншоҳнинг бусиз ҳам ночор бўлган

саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, касаллик аломатлари ботиндан зохирга ружу қиласди. Шаҳаншоҳ Бобо Илоҳий мавзенига етганда, унинг ахволи оғирлашиб, кўшинни тўхтатишга қарор қилинади.

Бу вақтда Бадиуз-Замон Мирзо Сарипул мавзеида шаҳаншоҳни кутиб туарди. Аркони давлат қенгашиб, шаҳаншоҳнинг оғир хасталигидан айрим шахзодалар ва кўшин бошликлари фойдаланиб, фитна-фужур йўлига ўтишлари эҳтимолдан холи эмаслигини назарда тутиб, Бадиуз-Замон Мирзо ҳузурига чопар юборадилар. Бу хабар Бадиуз-Замон Мирзога этиб келгач, у ўзининг яқинларидан 300 киши билан йўлга чиқиб, олий ўрдugoҳга келиб бир фарсаҳ берида тўхтайди. Эртаси шаҳаншоҳнинг ҳузурига кириб, уни ниҳоятда беҳол ва оғир ахвoldа кўради. Шахзода отасининг ахволидан гоят даражада маҳзун бўлиб, ўрдugoҳда кўп тўхтамай, ўз манзилига қайтиб кетади.

Бадиуз-Замон Мирзо кетгач, аркони давлат яна қенгашиб, алҳол шаҳаншоҳнинг сиҳат топишидан умид йўқ, бинобарин мамлакат ва эл-улуснинг осойишталиги борасида, шунингдек шаҳаншоҳдан сўнг, шахзодалар итоатдан бош тортиб, таҳт талашмасликлари учун салтанат таҳтига Бадиуз-Замон Мирзо билан Музаффар Ҳусайн Мирзони номзод этиб тайинланса деган қарорга келадилар.

1506 йил 2 май жума куни амир Муҳаммад Бурундуқ барлос, амир Муҳаммад Валибек, амир Носириддин Умарбек ва амир Низомиддин Абдуллатифлар шахзода Музаффар Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Қосим Мирзо, Сайд Абдулло Мирзо ва Абдулбоқи Мирзолар бошчилигига олий ўрдugoҳдан чиқиб, Бадиуз-Замон Мирзо ҳузурига келадилар.

Бадиуз-Замон Мирзо тарафидан амир Жаҳонгир барлоснинг ўғли амир Султон Боязид, амир Шайх Али Тағойини ҳамда шахзода Музаффар Ҳусайн Мирзо тарафидан Мирзо Алибек, амир Муҳаммад Жаъфар ва амир Муҳаммад Бурундуқни битим анжуманига таклиф қиласдилар.

Бадиуз-Замон Мирзо билан Музаффар Ҳусайн Мирзо қўлларини қуръони каримга қўйиб, маврусий салтанатни бир-бирлари билан аҳиллик ва ҳамжихатликда бошқариш ҳамда зимдан адоват ва таъаддий қилмасликка аҳду паймон қиласдилар.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг дарди кундан-кун кучайиб борар, табибларнинг муолижаси фойда бермас

эди. Ниҳоят 1506 йил 5 май душанба куни кечкурун салтанат соҳиби Абулғозий Султон Ҳусайн Бойқаро сактайи қалб (апоплексия) касали билан 69 ёшида оламдан ўтади. Шаҳаншоҳнинг bemavrid вафоти аркони давлат ва кўшин учун мушкул вазиятни вужудга келтирган эди. Зеро ташқаридан Муҳаммад Шайбонийхондек забардаст ёгийнинг бостириб келиш хавфи кун сайин яқинлашмоқда эди. Шунингдек, шаҳаншоҳ вафот қилганда унинг 14 нафар ўғилларидан еттитаси оламдан ўтган бўлиб, еттитаси барҳаёт эдилар. Мазкур шаҳзодалар энг катта акалари Бадиуз-Замон Мирзони таҳт соҳиби деб тан олсаларда, бироқ Ҳадича бегимнинг эркатой ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзони таҳтга муносиб деб билмасдилар. Ҳатто Марв вилоятининг хукмдори шаҳзода Абулмуҳсин Мирзо Музаффар Ҳусайн Мирзога нисбатан ёши улуғ бўлгани туфайли, унинг ҳузурига келишга бўйни ёр бермасди. Бундай вазиятда шаҳзодалар орасида ўзаро низолар чиқмаслигига ҳеч ким кафиллик беролмасди.

Бинобарин, зудлик билан шаҳаншоҳни дағн этиб, салтанат ишларини йўлга қўймоқ, кўшин салоҳиятини мустаҳкамлаб, умумий душманга қарши курашмосқ чораларини изламоқ лозим эди.

Хондамирнинг ёзишига қараганда, Султон Ҳусайн Бойқаронинг жасадини Ҳиротга келтириб, ўзи қурдирган мадрасага дағн қилинади ҳамда таъзиянинг еттинчи куни юрга ош тортилади.

Маълумки, 1967 йилда Кобул шахрида қўллёзма асарлар ёдгорликларни ўрганишга доир ҳалқаро анжуман бўлиб ўтган эди. Мазкур анжумандада Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номли шарқшунослик институтининг олимларидан Убайдулла Каримов ва Қувомиддин Мунировлар ҳам қатнашган эдилар. Анжумандада тингланган маърузалардан бирида Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўлими ва дағн қилинишига оид гайри табиий ва мунозарали фикрлар айтилган.

Ҳикоя қилишларича, Султон Ҳусайн Бойқаро Муҳаммад Шайбонийхонга қарши урушга кетаётib, йулда — Бобо Илоҳийда вафот этади. Гарчи уруш бошланмаган бўлса-да, бироқ жангу жадалга жазм қилиб, йўлга чиқсан душманнинг тасодифан йўлда вафот этиши истиқболда Муҳаммад Шайбонийхон галабасидан башорат эди. Бинобарин, аркони давлат ва шаҳзодалар шаҳаншоҳнинг ўлими ҳақидаги хабар атрофга тарқалиб, Муҳаммад Шайбонийхонга этиб боргунга қадар, шошилинч равишда шаҳаншоҳни дағн

етиб, кўшин салоҳиятини тузатиб, жанг тадоригини кўришга жазм қиласилар. Аммо қандайдир сабабларга кўра, шаҳаншоҳнинг жасадини мадраса ичидан оддий қабр қаздириб омонат дағн қиласилар. (Балки шаҳаншоҳ учун жиҳозланиши лозим бўлган қабр ёки мақбара битмагандир.) Шундан сўнг бир неча муддат ўтгач, шаҳаншоҳ жасадини ҳақиқий қабрга олиб кўйиш мақсадида аввалги қабрини очадилар. Ҳайҳот! Қайси кўз билан кўрсингларки, лаҳад ичидан шаҳаншоҳ тўнтарилиб ётар, устидан кафандари тушиб кетган, лаҳаднинг деворлари кўл билан тимдаланган ҳолда эди. Гап шундаки, Султон Ҳусайн Бойқаро сакта касали билан вафот этган. Беморнинг томирлари бир неча муддат беҳол уруши натижасида ҳаёт учқуни сезилмай қолган. Табиийки, касалликнинг бундай пинҳоний сирларидан воқиф бўлолмаган табиблар ва шаҳаншоҳнинг яқинлари уни оламдан ўтди деб ҳисоблаб, дағн этганлар. Бироқ совуқ лаҳадда бир мунча муддат ётгач, bemorning томирлари яна ўз меъёрида ҳаракатга келган бўлиши мумкин. Бинобарин, bemor қоронгу лаҳад ичра ўзига келиб, лаҳаддан чиқишига ҳаракат килган. Аммо барча ҳаракат зое кетган.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг қабри устига ўрнатилган қора мармар тошни «Санги ҳафт қалам» деб аталади. Мазкур мўъжизавий нақшинкор, нафис қора тошни XV асрда Камолиддин Беҳзод тархи асосида унинг Ҳиротдаги шогирдларидан бири ишлаган. «Санги ҳафт қалам» дейилишининг сабаби шундаки, бу тошга етти қатор шаклни етти хил услубда ўйиб битилган. Шунингдек, етти қатордаги етти хил шакл етти хил бўлиб, мутлақо бир-бирига ўхшамайди.

Афғонистонлик олимларнинг сўзига қараганда,— деб ҳикоя қиласи шарқшунос олим Ориф Усмонов,— мазкур қабртошнинг ясалиш тарихига оид ривоят ҳам бор экан.

Кунлардан бир кун Султон Ҳусайн Бойқаро ўз замонасининг машҳур ва моҳир санъаткорларидан бирини ҳузурига чорлаб, ўзи учун қабр тоши ясаб беришни буюрибди. Санѓтарош уста етти йил муттасил меҳнат қилиб, мазкур «Санги ҳафт қалам» ни тайёрлашга муваффақ бўлибди. Аммо ҳали қабр тоши тугал битмай туриб, шаҳаншоҳнинг севикли ўғли Шоҳгариб Мирзо вафот қиласи. Шаҳаншоҳ санѓтарош устани чорлаб, ўзи учун ишланётган қабр тошига ўғлининг номини ёзишга, ўзига эса бошқасини ясаб беришни буюради.

Сангтарош уста шаҳаншоҳга қараб замзама оҳангидаги,^{*}
Шоҳим, мен қарив қолган кишиман, битта тошга етти
йил умр сарф бўлди. Яна иккинчи тош учун умрим
кифоя қиласмикан? — дейди. Шунда шаҳаншоҳ уста-
нинг нозик замзамасининг маъносига тушуниб, ҳазил-
мутойиба аралаш амрона тараизда «Мен ҳам ҳали бери
ёруғ дунёдан кўз юмишни истаётганим йўқ. Боринг,
зудлик билан ишга киришинг», — деган экан.

«Санги ҳафт қалам» ҳақидаги ривоятларни исбот-
ловчи айрим ёзма маълумотлар ҳам мавжуддир.
Чунончи, Афғонистонлик олимлардан Ризо Мойил
Хиравий машҳур Абдулло Ансорийнинг туғилганига
1000 йил тўлиши муносабати билан қўлёзма асарлар
асосида ёзган «Пири Ҳирот» номли асарида «Санги
ҳафт қалам» ҳақида қуидагиларни ёзди: «Санги ҳафт
қалам» жаҳондаги ҳаттотлик санъатининг бебаҳо
дурданаларидан бўлиб, Султон Ҳусайн Бойқаро тарафи-
дан шахсан ўз қабрига атаб буютирган қабртош эди.
Аммо тақдир тақозоси билан 1496 (902) йил ўғли Шоҳ
гариб Мирзо вафот этади. Мазкур қабртош эса
шахзоданинг қабрига қўйилади».

Султон Ҳусайн Бойқаронинг қабрига эса юқорида
зикр қилингандек, ўша моҳир сангтарош уста томони-
дан иккинчи «Санги ҳафт қалам» ясалади. Мазкур
тошларнинг бири Гозургоҳнинг ўнг томонидаги ҳужра-
лардан бирига дағн этилган шаҳзода Шоҳгариб
Мирзонинг қабри устига, иккинчи қабртош эса Султон
Ҳусайн Бойқаро қабри устига қўйилган.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Султон Ҳусайн
Бойқаронинг жасадини ўзи қурдирган мадраса гумбази
остига дағн қилинган. Мазкур мадраса Мусалло ёнига
қурилган бўлиб, ўзининг салобатли ва мухташамлиги
билан кишини лол қолдирган. Бироқ XIX асрда Афғо-
нистон амири Абдураҳмонхон замонида инглиз мушо-
вирлари «Руслар Ҳиротни забт этмоқчи», бинобарин
мазкур баланд ва улкан миноралар уларнинг замба-
ракларига нишон бўлиши муқаррар», деб минораларни
бузуб ташлашни маслаҳат берадилар. Шундан сўнг
маҳаллий хукмдорлар мазкур мадраса миноралари-
нинг остига динамит қўйиб портлатадилар, натижада
бир неча осори атиқа ёдгорликлари култепага айланади.
Жумладан, Султон Ҳусайн Бойқаро қурдирган
мадраса ҳам вайронага айланган. Ҳозирги кунда
Афғонистонга бориб, Ҳирот осори атиқаларини зиёрат
қилиб қайтган кишиларнинг сўзига қараганда, Султон

Хусайн Бойқаро қабри вайроналар орасида, очик майдонда қолиб, бир оз ерга чўккан, устига ўрнатилган мармар тош — «Санги хафт қалам» эса бир томонга огиб, қийшайиб қолган.

Султон Хусайн Бойқаро вафотидан сўнг, аввалги битимга мувофиқ маврусий тахтга Бадиуз-Замон Мирзо билан Музаффар Хусайн Мирзо ўтирадилар. Бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Мирзо шундай ёзади: «Бадиуз-Замон Мирзо жонибидин шаҳр дробугаси Шайх Али Тағойи, Музаффар Мирзо тарафидин Юсуф Али кўкалдош. Бу гариб амре эди, ҳаргиз подшолиқта ширкат эшитилган эмас. Шайх Саъдий сўзининг мазмунининг хилофи воқиъ бўлди: Нечукким, «Гулистан» да келтурубтур:

Даҳ дарвеш дар гилеме биқусбанд ва ду
Подшоҳ дар иқлиме нагунжанд».

Мазмуни:

(Ун дарвеш бир гиламга сигиб ётадилару,
икки подшоҳ бир иқлимга сигмайдилар.)

1506 йилда Муҳаммад Шайбонийхон Султон Хусайн Бойқаронинг вафот қилган хабарини эшиттач, Хурсонни забт этиш тараддудига тушади. У Мавлоно Хитойи номли кишини Ҳиротга элчи қилиб жўнатади. Элчи Бадиуз-Замон Мирзо ва Музаффар Хусайн Мирзо хузурига доҳил бўлиб, Муҳаммад Шайбонийхон пайғомини етказади. Пайғомда жумладан шундай дейилганди: «Сизларнинг ота-боболарингиз аввалги вақтларда бизнинг шонли ҳукмдор хон ота-боболаримиз қўл остида бўлганлар. Алҳол сизлар ҳам ўз боболарингиз суннатига иқтидо қилиб, ихтилофсиз таслим бўлмогингиз лозим. Токи қалъаю шаҳарлар вайрон, фуқаролар қирғинга дучор бўлмагайлар».

Бадиуз-Замон Мирзо барча аркони давлатини йигиб кенгаш ўтказади. Кенгаш асносида Балх ҳокимидан чопар келиб, Муҳаммад Шайбонийхон Балх шаҳарини қамал қилгани ҳақида хабар келтиради. Кенгашда Шайбонийхонга қарши курашмоққа қарор берилади. Дарҳол қўшичини йигиб, Балхга қараб юрадилар. Қўшин Чилдухтарон мавзеига етганда Марвдан шаҳзода Абдулмуҳсин Мирзо ўз қўшини билан келиб қўшилади. Коин вилоятидан Ибн Ҳусайн Мирзо ва

Сейистондан амир Султон Али аргунлар ҳам етиб келиб қўшинга қўшиладилар.

Шу аснода Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг Султон Ҳусайн Бойқаро руҳига фотиха ўқиш муносабати билан Ҳиротга келаётган хабари лашкаргоҳга етиб келади. Шаҳзодалар ва аркони давлат улуғ меҳмонни муносиб кутиб оладилар. Бобур Мирзо шаҳзодалар ҳамда Хуросон аъёнлари билан учрашиб сўзлашгач, шаҳзодалар ўртасида ҳам, аркони давлат орасида ҳам ҳамжиҳатлик йўқлигига, аксинча бир-бирига хусумат ва зимдан душманлик мавжудлигига ишонч ҳосил қиласи ва афсус-надоматлар билан Кобулга қайтиб кетади. Дарҳакиқат, Машҳадда ҳукмронлик қилаётган шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзо ўз биродарларининг Муҳаммад Шайбонийхонга қарши юришларида қатнашмайди. Ҳолбуки, Хуросон қўшини кўмакка муҳтоҷ эди. Бахтсизлик фақат шундан иборат эмас эди. Зотан, Бадиуз-Замон Мирзо бошлиқ барча аркони давлат шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзодан хавфда эдилар. Чунончи, Хуросон қўшини Шайбонийхон дафъи учун Ҳиротдан чиққач, дарҳол Муҳаммад Муҳсин Мирзо Ҳиротга босиб кириши ҳамда таҳтни эгаллаши муқаррар эди. Бинобарин, Бадиуз-Замон Мирзо Ҳиротга Амир Зуннун аргун билан амир Низомиддин Шайх Али Тагойини қўйиб, ўзи Бодхез яйлогида лашкаргоҳ қуриб қишлияди. Шу пайт, яъни 1507 йил май ойида Бадиуз-Замон Мирзонинг қизи Чучук бегим Ҳиротда оламдан ўтади.

1507 йил май ойининг ўртасида Муҳаммад Шайбонийхон Амударёни кечиб ўтиб, Андхўйга яқинлашгани ҳақида маълумот олинади. Муҳаммад Шайбонийхон Андхўйдан чиқиб, 19 май пайшанба куни тонг пайтида Бодхезга етиб келади. Унинг қўшинига ўғли Темур-Султон ва Убайдулло Султон ибн Маҳмудхон саркардалик қиласиди. Бадиуз-Замон ва Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам қўшинни жангга орастга қилиб, душманга қарши юрадилар. Ҳар икки қўшин жангга кириб, беадад курбонлар берилади. Аммо жанг ниҳоясида Хуросон қўшини маглубиятга учраб, жанг майдонини ташлаб, дуч келган томонга қоча бошлайдилар. Амир Зуннун аргун жангда ажал шарбатини ичади. Амир шайх Али Тагойи эса барча аскарлари билан ўзбеклар қўлига тушади.


Хуросон қўшини маглубиятга учрагач, шаҳзодалар ва умароларнинг ҳар қайсиси ўзи хоҳлаган томонга қараб қоча бошлайдилар. Жумладан, Сайид Абдулло

Мирзо бир неча умаролар билан Мұхаммад Мұхсин Мирзо ҳузурига — Машҳадға қочиб боради, Абдулбеки Мирзо ва Мұхаммад Бурундуқ барлос бир неча ҳарбий гурухлар билан шаҳзода Ибн Ҳусайн Мирзо ҳузурига — Сабзаворга қочадилар. Бадиуз-Замон Мирзо Ҳирот томон бориб, шаҳар ташқарисидаги Боги навда тунаб, бир оз дам олгач, саҳарда Қандахорга кетади. Музаффар Ҳусайн Мирзо эса Ҳирот ташқарисида түнни ўтказишдан хавфсираб, шаҳар ичидағи бөлгө кириб, шайхулислом мавлоно Сайфиддин Ахмад Тафтазонийни, амир Ғиёсiddин Мұхаммад бин амир Жалолиддин Юсуф ар-Розийни ва Қози Ихтиёриддинларни ҳузурига чорлаб, Ҳиротни сақлаб қолишина илтижо қиласы. Улар шаҳарни сақлаб қолиши фақат қүшинга бөлгілік дір, деб жавоб берадилар. Қані қүшин? Мен билан бирға фақат учта навкар келди, холос — дейди Музаффар Ҳусайн Мирзо ва ағас-надоматлар билан онаси ва ҳарами билан видолашиб, тонг отгач, барча мулозимлари билан Ҳиротнинг Ферузобод дарвозасидан чиқиб. Туршиз орқали юриб, Астробод вилоитига кетади.


1507 йил 23 майда Мұхаммад Шайбонийхон қўшини Ҳирот шаҳрига кириб, талон-тарож қиласы. Султон Ҳусайн Бойқаронинг, Бадиуз-Замон Мирзонинг, Музаффар Ҳусайн Мирзонинг ҳарамлари ва мол-мулклатини, шунингдек бошқа аъёнларнинг хотин-қизлари, бола-чақаларини ҳибсга олиб, ғолиб хон — Мұхаммад Шайбонийхон ҳузурига олиб борадилар. Музаффар Ҳусайн Мирzonинг Хонзода бегим номли хотини хонга манзур бўлиб, ўз никоҳига киритади. Хондамирнинг таъкидлашича, Музаффар Ҳусайн Мирзо мазкур Хонзода бегимни бундан иккى йил муқаддам талоқ қилган экан. Музаффар Ҳусайн Мирzonинг Хонзода бегимдан туғилган Мехрангиз номли қизини эса Убайдулло Султон ўз никоҳига киритади. Бошқа маликаларни қўшин сардорлари, амир ва бекларга инъом қилинади. 27 май жумъа куни Ҳиротнинг жомеъ масжидида ғолиб хон — Мұхаммад Шайбонийхон номи хутбага қўшиб ўқиласы.

Шундан сўнг Ихтиёриддин қалъасини таслим қилдириш учун ҳаракат бошланади. Бадиуз-Замон Мирзо шайбонийларга қарши жангга кетаётган пайтда ўз ҳарандың севикли хотинларидан Улугбек Мирзо Кобулийнинг қизи Кобулий бегимни ҳамда «Андалиб» (Булбул) номи билан шуҳратланган Руқия Оғо бегимни мазкур





1












Шоҳруҳ Мирзо ибн Амир
Темур Курагон.



Улугбек Мирзо Курагон ибн Шохруҳ
Мирзо.



Абулғозий Султон Ҳусайн
Мирзо Бойқаро
ибн Ғиёсiddин Мансур Мирзо.



Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ибн Умар
Шайх Мирзо.



Носириддин
Ҳумоюншоҳ
Ибн Захириддин
Муҳаммад
Бобуршоҳ.



Ҳамида Бону
(Ҳумоюншоҳнинг
хотини, Муҳаммад
Ақбаршоҳнинг
онаси.)

Жалолиддин
Мұхаммад Ақбаршоҳ
Ибн Ҳумоюншоҳ.



Жаҳонгиршоҳ
(Салим) Ибн
Мұхаммад
Ақбаршоҳ.



Нұржақон (Меҳринисо) бегим
(Жаҳонгиршоҳнинг хотини.)



Шаҳобиддин Шоҳ Жаҳон
(Хуррам) Ибн Жаҳонгиршоҳ.



Мумтоз Маҳал (Аржуманд Бону) бегим.
(Шоҳ Жаҳоннинг хотини.)



Муҳийиддин Мұхаммад
Аврангзеб Оламғир Ибн Шоҳ
Жаҳон.



Зебуннисо бегим Бинти
Аврангзеб Оламғир.

қалъага қўйиб кетган эди. Шунингдек, шаҳаншоҳнинг севикли беваси Ҳадича бегим ҳамда амир Ошик Муҳаммад аргун ва Шайх Абдулло баковуллар ҳам Ихтиёриддин қалъасига беркинган эдилар.

Муҳаммад Шайбонийхон қалъага элчилар юбориб, таслим бўлишни тақлиф қиласди. Қалъадагилар қабул қилмагач, ер остидан лаҳм (йул) қазишга буйруқ беради. Шундан сўнг қалъа бошлиги омонлик сўраб, таслим бўлади. Қалъа ичидағи барча мол-мулклар мусодара қилиниб, Кобулий бегимни Қамбар Мирзо Кўкалдош ўз никоқига киритади. Андалибни эса Темур Султон ўз ҳарамига жўнатади.

Муҳаммад Шайбонийхон Ҳурсонга киргач, шаҳзода Абул Муҳсин Мирзо ўз хазина ва дафинасини Сарахс қалъасига беркитиб, 1507 йил июн ойида укаси Муҳаммад Муҳсин ҳузурига — Машҳадга боради. Ака-ука шаҳзодалар шайбонийларга қарши курашмоқ режасини тузадилар. Бу пайтда Темур Султон ва Убайдулло Султоннинг қўшини Жом вилоятида турарди. Шаҳзодаларнинг харакатидан воказиф бўлган шайбоний султонлар Машҳадга қўшин тортадилар. Айни вақтда ака-ука шаҳзодалар ҳам душманни Машҳад ташқарисида кутиб олишга қарор берган эдилар.

Шаҳзодалар ўз аркони давлатлари билан тунни майшат билан ўтказиб, саҳар пайтида эндиғина роҳат уйкусига кетганларида, чопар келиб душман бостириб келаётгани ҳақида хабар беради. Шаҳзодалар ва ҳарбий бошлиқлар мастона уйқудан уйгониб, гарангсиган ҳолда қўшинни душманга қарши қўядилар. Жанг майдонида ака-ука шаҳзодалар қаттиқ жонбозлик кўрсатадилар. Бироқ ўзбек қўшини ҳар жиҳатдан устунлик қиласди. Натижада шаҳзодаларни ўраб олиб, қўл-оёқларини боғлаб, голиб ҳукмдор ҳузурига олиб борадилар. Муҳаммад Шайбонийхон ҳар икки шаҳзодани дарҳол қатл қилдиради.

Хондамирнинг ёзишича, Абул Муҳсин Мирзонинг уч ўшли ўғли бўлиб, исми шарифи Султон Муҳаммад Бойқаро эди. Абул Муҳсин Мирзо қатл қилингач, унинг яқин мулоғимлари ўғлини Ўрдун (Иордания)га қочирадилар. Султон Муҳаммад Бойқаро Ўрдунда яшаб, улгайиб бир неча йиллардан сўнг ўз ажали билан вафот этади.

Абул Муҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо Машҳад яқинида тор-мор этилганда, шаҳаншоҳнинг

энг кичик ўгли Мұхаммад Қосим Мирзо Нисо вилоятiga қочган эди. У бирмунча қүшин йигиб, 1507 йил куз пайтида Машҳадга келади. Машҳад ҳукмдори Сайд Ҳоди Хўжа Машҳаддан қочиб Марвга боради ва содир бўлган воқеани Мұхаммад Шайбонийхонга арз қиласди. Мұхаммад Шайбонийхон шаҳзода Мұхаммад Қосим Мирзони даф этишни Убайдулло Султонга топширади. Убайдулло Султон Бухородан қўшин тортиб, Чоржўй кечигидан ўтиб Марвга келади. Мара ҳуммдори Қамбарбийнинг ҳамда Сайд Ҳоди Хўжанинг қўшинларини ўзига бирлаштириб, Машҳадга юради. Шаҳзода Мұхаммад Қосим Мирзо шаҳар дарвозаларини беркитиб жангга ҳозирланади. Ниҳоят, ҳар икки қўшин жангга кириб, жанг асносида шаҳзода қўшинидан кўп киши ҳалок бўлиб, қолганлари эса шаҳар мудофаасига ожизлик қиласдилар. Ўзбек қўшини шаҳарга ёриб кириб, шаҳзода Мұхаммад Қосим Мирзони ушлаб қатл қиласдилар.

Маълумки, 1507 йилда Бадиуз-Замон Мирзо жангда енгилиб, Қандаҳорга кетгач, Абдулбоқи Мирзо, Сайд Абдулло Мирзо ва бир неча қўшин бошликлари Ибн Ҳусайн Мирзо ҳузурига — Коин вилоятiga борадилар. Ибн Ҳусайн Мирзо Ҳурросонни шайбонийлардан мудофаа қилишга бел боғлаб, Нишопур ва Сабзаворга қўшин тортади.

Шаҳзоданинг ниятидан воқиф бўлган Темур Султон ва Убайдулло Султон зудлик билан қўшинни Сабзаворга бурадилар. Қаттиқ жанг бошланади. Жанг асносида Ибн Ҳусайн Мирзо Убайдулло Султонга заҳм етказади. Жангни биринчи палласида ҳурросонликларни қўли баланд келади. Ғалабага ишончлари комил бўлган ҳурросонликлар, ўлжа йигиш билан овора бўлиб тургандариди, шайбонийлар қўқисдан ҳужум қиласдилар. Натижада Ҳурросон қўшини енгилиб, Сайд Абдулло Мирзо ва Абдулбоқи Мирзолар жанг майдонида ҳалок бўладилар. Ибн Ҳусайн Мирзо шайбонийлар таъқибидан қочиб, ўз яқинлари билан Ироқ ҳудудига ўтиб кетади. У Кошон нойибининг ҳимоятида шоҳона ҳаёт кечиради. Бироқ, 1513 йилда ногаҳоний фалокатга учраб, 34 ёшида вафот этади.

Бадиуз-Замон Мирзо Шужоъбек аргун билан Қандаҳор чегарасига етганда, Шужоъбекдан бевафолик гумон қилиб, Нимруз вилоятiga ўтиб кетади. У ердан бир кишини амир Султон Али ҳузурига йўллаб, ўғли Мұхаммад Замон Мирзони юборишини буюради. Амир

Султон Али аргун фармонга мувофик, Мұхаммад Замон Мирзони Бадиуз-Замон Мирзо ҳузырига жұнатади.

Бадиуз-Замон Мирзо ўғли Мұхаммад Замон Мирзони олиб Астрободга кетади. Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам Ҳиротдан қочиб чиққақ, Туршиз орқали юриб Астрободга келади. Ака-ука шаҳзодалар яна Астрободда учрашадилар. Астрободда ҳукмрон бўлган укалари Фаридун Ҳусайн Мирзони Дамгон вилоятига юбориб, ўзлари Астрободда қоладилар. Шу кундан эътиборан Ҳурросон музофотида сарсон-саргардон юрган темурийлар улусига мансуб бўлган сипохийлар Астрободга тўплана бошлидилар.

Бадиуз-Замон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Астрободда эканликлари ҳақидағи хабар Ҳиротга ҳам бориб етади. Шундан сўнг Ҳадича бегим, Поянда Султон Бегим ва шаҳаншохнинг бошқа хотинлари Ҳирот доругаси Жон Вафо Мирзодан рухсат олиб, Астрободга келадилар. Аммо бир неча муддат ўтгач, Музаффар Ҳусайн Мирзо тузатиб бўлмайдиган оғир дардга мубтало бўлиб, 1509 йилда вафот этади. Таъзиядан беш-олти ой ўтгач, Мұхаммад Шайбонийхоннинг Астрободга келаётган хабари тарқалади.

Бадиуз-Замон Мирзо Мұхаммад Шайбонийхонга карши тура олмаслигига акли етгач, ўғли Мұхаммад Замон Мирзони Дамгонга — Фаридун Ҳусайн Мирзонинг ҳузырига жұнатади. Ўзи эса яқин кишилари билан Озарбайжонга кетади.

Мұхаммад Шайбонийхон Бадиуз-Замон Мирзонинг Озарбайжонга кетган хабарини эшитгач, Астрободни кўлга киритиб, сўнг Дамгонни қамал қиласиди. Дамгон қалъасида турган Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Мұхаммад Замон Мирзо хон қўшинига бардош беролмасликларини билиб, Мұхаммад Шайбонийхон ҳузырига омонлик тилаб элчи юборадилар. Голиб хон элчини мамнуният билан қабул қилиб, «шаҳзодалар ҳузыуримга келсинлар, ҳеч бир зиён-захмат етказилмайди», — деб ваъда беради. Шаҳзодалар шаҳар дарвозаларини очиб, хон ҳузырига борадилар. Хон уларни авф этиб, озод қиласиди. Шаҳзодалар хондан ижозат олиб, Мұхаммад Замон Мирзо Озарбайжонга ва Фаридун Ҳусайн Мирзо эса туркманлар орасига кетадилар.

1509 йилда Фаридун Ҳусайн Мирзо бир оз қўшин тўплаб, яна Ҳурросон ҳудудига кириб, Келот қалъасини забт қиласиди. Бу хабарни эшитган Марв ҳокими

Қанбарбий, барча ўзбек қўшинини йигиб келиб Келотни муҳосара қиласди. Фаридун Ҳусайн Мирзо қалъа муҳофазасига ожизлик қиласди ва ўзбеклар қўлида ҳалок бўлади.

Бадиуз-Замон Мирзо Озарбайжонда уч-тўрт ой тургач, Эрон шоҳининг кўрсатмасига мувофиқ, Рай шаҳрига келиб истиқомат қиласди. У ердан ўзининг атрофига йигилган қўшини билан Астрободга боради. Астробод ҳокими Ҳўжа Аҳмад Қўнгирот билан жанг қиласди. Жангда мағлуб бўлиб, ўз яқинлари билан Ҳиндистоннинг Синд вилоятига ўтиб кетади. Бадиуз-Замон Мирзо Синдда бир йилдан кўпроқ истиқомат қилгач, 1513 йили яна Эрон шоҳининг ҳузурига қайтиб, Табризда истиқомат қиласди.

1514 йил сентябр ойида турк султони Салим I (1512 таҳтга ўтирган) Табризга келганда Бадиуз-Замон Мирзони ўзи билан бирга Станбулга олиб кетади. Бадиуз-Замон Мирзо Станбулда уч-тўрт ой истиқомат қиласди. Аммо кўп ўтмай вабо касалига чалиниб, 1515 йил бошида 58 ёшида Станбулда вафот этади.

Унинг ўғли Муҳаммад Замон Мирзо эса Эрон шоҳининг мулозаматида эди. Аммо отаси Станбулга кетгач, ўз атрофида йигилган қўшин билан Астрободга боради. Астробод ҳукмдори амир Ҳусайн шаҳзода Муҳаммад Замон Мирзонинг Астробод вилоятига бўлган мавруси ҳуқуқини тан олиб, Астробод ҳокимлигини шаҳзодага топширади. Бироқ шаҳзода Астрободда бир неча мuddат ҳукмронлик қилгач, 1516 йилда Балх вилоятини ўз тасарруфига киритиш иштиёқида қўшин тортади. Аммо Балх ҳукмдори шаҳарни Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога таслим қиласди. Ниҳоят Бобур Мирзо мулозимлари Муҳаммад Замон Мирзони кўлга олиб, Кобулга келтирадилар. Бобур подшоҳ Муҳаммад Замон Мирзони юксак эҳтиромлар билан қарши олиб, саройнинг гўзал, моҳпора қизларидан бирига уйлантиради. Уч-тўрт ой Кобулда сақлаб, сўнгра Балх вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди.

Шундай қилиб, 1516 йилга келганда Амир Темур соҳибқироннинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзо зурриётига мансуб бўлган шаҳзодалардан фақат Муҳаммад Замон Мирзо қолган эди.

Валлоҳу аълам биссавоб.

МИРОНШОҲ МИРЗО

Амир Темурнинг учинчи ўғли. 1366 йилда туғилган. Унинг онаси Менглибек Огойи Жон Курбонидир. Мироншоҳ Мирзо 1380 йилда 14 ёшидаёқ Темурнинг Хуросон юришида қатнашган. Темур ана шу юриш олдидан ҳали қўлга киритилмаган Хуросонга Мироншоҳни ҳукмдор қилиб тайинлаган эди. Бинобарин, Хуросон Темур томонидан забт этилгач, Мироншоҳ Ҳиротга келиб ўрнашади. 1393 йилда эса Темур Шимолий Эрон, Ироқ ва Закавказиядек улкан мамлакатни (собиқ Ҳулагуҳонга қаравали) идора қилишни Мироншоҳга топширади.


Мироншоҳ Мирзо ўшлигиданоқ ҳарбий санъатдан маълум даражада хабардор, жасур ва ёвга нисбатан шафқатсиз жангчи сифатида ном таратган эди. Шунингдек ўта маккор, майхўрлик ва майшатга берилган киши эди. Тарихий манбаъларда нақл қилинишича, Самарқандда бир зиёфат асносида Ҳиротнинг собиқ ҳукмдорининг ўғли Пир Муҳаммаднинг калласини қулиб туриб, қилич билан узуб ташлаган. Кейинчалик ўзининг бу қилмишини «мастлик»ка йўйган.


1376 йилда Жаҳонгир Мирзо вафот этгач, унинг катта беваси Хонзода (Севин бека) бегимни 1382 йилда Темур тарафидан Мироншоҳ Мирзога никоҳлаб берилган. Мироншоҳ Мирзо Ўзбекхоннинг набираси Хонзода бегимга уйлангач, отаси Темур каби «Курагон» деган лақабга мушарраф бўлган.

Мироншоҳ Мирзо ўз пойтахтини Озарбайжоннинг Султония шаҳарига ўрнатган эди. У кейинги пайтларда майшатга берилиб, тез-тез овга чиқарди. 1396 йил кузида навбатдаги овда отдан йиқилиб шикастланади.



**Мироншоҳ Мирзо
(1366-1408)**





Тарихий манбаларда ёзишича, ана шу жароҳатдан сўнг унда бир оз миянинг чалғиши аломатлари вужудга келган. Аммо Клавихонинг ёзишича, у Мироншоҳда ҳеч қандай савдоилик аломатини кўрмаган. Аксинча Мироншоҳ Кастилийлик элчиларни ўз замонасининг қонун-қоидаларига мувофиқ тарзда қабул қилган ва қиролнинг соглигини сўраган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, кейинги вақтларда Мироншоҳ айшу ишратга берилиб кетиб, давлат ишларига қарамай қўяди. У шаръий ва ношаръий хотинлар олишни кўпайтиради. Узлуксиз давом этган базмлар ва ҳар хил кўнгул очар йийнлар хазинага сезиларли равишда зарба беради. Бундан ташқари, Султония шаҳаридаги энг чиройли ва ҳашаматли бинолардан бирини буздиради. Шунингдек Табриз шаҳаридаги машҳур тарихчи Рашидиддиннинг мақбараасини буздириб, мархумнинг суюкларини йиғдириб, шаҳардаги яхудийлар қабристонига олиб кўмишни буюради. Ўзининг бундай хатти-ҳаракатига тарихчи Рашидиддиннинг яхудий мазҳабига мансуб эканлигини асосий сабаб қилиб кўрсатди.

Мироншоҳ ўз ҳарамидаги хотинларига ҳам ҳар хил тухмат ва бўхтонлар қилиб, жабр-зулмни ҳаддан оширади. Ниҳоят, 1399 йилда Мироншоҳнинг катта хотини Хонзода бегим эридан яшириқча Самарқандга — қайнотаси Темурнинг ҳузурига бориб, Мироншоҳнинг кирдикорларидан шикоят қиласди. Темур севикли келинидан бу ахволни эшитиб, қаттиқ изтиробга тушади. Ўша давр тарихчиларининг ёзишича, Темур бир ҳафта давомида йиглаб, ҳеч кимга кўриниш бермаган. Ниҳоят, Темур машҳур етти йиллик юришга бел боғлаб, йўл-йўлакай, қўққисдан Озарбайжонга бостириб киради. Темур Султонияга киргач, дарҳол Мироншоҳ ва унинг ҳамтовоқлари — аркони давлатини тутдириб, зинданга ташлатади.

Эртаси кун Темур ўзининг энг нуфузли кишиларини тўплаб, Мироншоҳ масаласини ўртага ташлайди. Улуг девонга йигилган амалдорлардан Мироншоҳ ва унинг ҳамтовоқларига берилажак жазо нимадан иборат бўлиши кераклигини айтишларини талаб қиласди. Бироқ йигилганлардан садо чиқмайди. Ниҳоят Темурнинг ўзи Мироншоҳ ва унинг аркони давлатига ўлим жазосини эълон қиласди. Темурнинг диний раҳнамоси, пири Сайид Барака ва айрим амалдорлар бу ҳукмга қатъян қарши турадилар. Лекин Темур

ўз сўзида маҳкам турабергач, амир Шоҳ Малик ўрнидан туриб, «ўз ўғлингизъку, давлатпаноҳ»— дейди. Темур тортишиб ўтиришни ёқтирмасди бинобарин, газаби қайнаб кетади ва ўрнидан туриб, амир Шоҳ Маликка газаб билан тикилади. Шоҳ Малик эса яна «шахзода сизнинг фарзанди аржумандингиз эрур, давлатпаноҳ, қатл қилдирсангиз Ислом қиличига фарзандкушлик исноди доғ бўлиб тушмоги муқаррардур»,— дейди. Темурнинг янада газаби авжга чиқаркан, «Мен аҳкоми шариатда эмас, ўз салтанатимда тартиб ўрнатмогим лозим!» — дейди. Шунда Сайд Барака ўрнидан туриб, — «Барибир. ҳар бир ишдан аллоҳ-таоло воқифдур, ҳукмдор»,— дейди. Шундан сўнг Темур ўзича бир қарорга келади-да, газабдан тушиб ўз ўрнига ўтиргач, кенгаш тугаганлигини маълум қиласди.

Эртаси шаҳар фуқаросини катта майдонга йигиб, Мироншоҳ бошлиқ унинг барча амир ва амалдорларини қўллари боғлиқ ҳолда зиндандан чиқарип, шаҳар майдонига олиб келадилар. Майдон ўртасида турган жаллод Темурнинг сўнги буйругини кутарди. Ниҳоят, Темур қатлини бошлашга ижозат беради. Жаллод Мироншоҳнинг ўнга яқин бек ва амалдорларини биринкетин қатл қилгач, навбат Мироншоҳга келади. Шу аёнода Сайд Барака бошлиқ барча амир ва беклар ҳамда шахзодалар ўртага тушиб, Мироншоҳнинг гуноҳидан ўтишни Темурдан илтижо қилиб, ёлборадилар. Шундан сўнггина, Мироншоҳ банддан озод қилиниб, гуноҳи кечириллади. Қатл қилинган бек ва амалдорларнинг тўплаган мол-мулки мусодара қилиниб, хазинага қайтарилади.

Мироншоҳнинг ҳарамидаги хотинлари ва канизакларидан фақат болаликларинигина қолдирилиб, боласизлари эса ҳарамдан чиқарилиб, ҳайдалади. Мироншоҳни эса ҳокимиятдан азл қилиб ўрнига унинг иккичи ўғли Умар Мирзони тайинлайди. Мироншоҳнинг катта ўғли Абубакр Мирзо отаси Мироншоҳни бундан буён ўзи билан бирга қолишини бобоси Темурдан илтимос қиласди. Абубакр Мирзонинг илтимоси қондирилгач, у отаси Мироншоҳни олиб, ўз ҳукмида бўлган Бағдодга жўнайди.

1408 йил 21 апрелда Мироншоҳ Озарбайжоннинг Сардруд мавзесида туркман Қора Юсуф билан бўлган жангда ўлдириллади ва Сурҳоб туманига дағн қилинади. Бир неча муддат ўтгач, Шамс Гурий номли шаҳс дарвеш кийимида Сурхобга бориб, яшириқча Мироншоҳнинг

сүякларини олиб, Мовароуннахрга келтиради ва Шахрисабзда темурийлар мақбарасига дағн қилинади.

Кейинчалик, кимнингдур ташаббуси билан Мироншоҳнинг хоки Шаҳрисабздан Самарқандга келтирилиб, Гўри Амирда — Темурнинг ёнига дағн этдирилади. М.Е. Массон, ҳар ҳолда Мироншоҳнинг хоки Шаҳрисабздан Самарқандга келтирилиб, Гўри Амирга дағн қилиниши Султон Абусайид Мирзонинг, ҳукмронлик даврида амалга ошган бўлса керак, деб тахмин қилади.

Мироншоҳдан олти ўғил ва бир неча қиз қолган. Энг катта ўғли Абубакр Мирзо, иккинчиси Умар Мирзо, учинчиси Халил Султон Мирзо, тўртинчиси Суоргатмиш Мирзо, бешинчиси Ийжал Мирзо ва олтинчиси Султон Муҳаммад Мирзодир.

АБУБАКР МИРЗО 1382 йилда Мироншоҳ Мирзонинг Хоника бегим исмли мўғул хотинидан туғилган катта ўглидир.

1399 йилда Амир Темур Мироншоҳ Мирзони жазолаб, уни ҳокимиятдан маҳрум этгач, унинг тасарруфидаги вилоятларга Абубакр Мирзони ҳоким этиб тайинлайди. Аммо Абубакр Мирзо отаси Мироншоҳга бўлгам ҳурмати юзасидан бобосининг таклифини рад этади. Темур набираси Абубакр Мирзони қўнгли бўшлиқда айблаб, ҳокимиятга Мироншоҳнинг иккинчи ўғли — Умар Мирзони тайинлайди.

Темур вафотидан сўнг, Умар Мирзо акаси Абубакр Мирзога нисбатан пинҳоний душманлик руҳида бўлиб, 1405 йил апрел ойида Султонияга келган акаси Абу Бакр Мирзони ушлатиб, қалъага қаматади ва унга тегишли ҳарам ва барча мол-мулкни ўлжага олади.

1405 йил 15 июлда Султония қалъасида Абубакр Мирзо бир неча бандиларни ўзига ром қилиб, ўзини ўлдириш учун юборилган Одил хазиначи, Исо қўрчи ва Шайх Ҳожиларни ўлдириб, кўпгина аскарларини ўзи билан бирга олиб, Султонияга кириб, у ердаги бойликларини олиб, Рай йўли билан Ҳурсонга қараб кетади.

Абубакр Мирзо Султонияни қўлга киритгач, Умар Мирзога тегишли бекларнинг кўпчилиги Абубакр Мирзога мулозамат қилиб келадилар. Абубакр Мирзо заррин таҳт безатдириб, отаси Мироншоҳни таҳтга ўтказади. Бироқ Абубакр Мирзога укаси Умар Мирзо тарафидан хавф-хатар кўпаябергач, Абубакр Мирзонинг хос кишилари таҳтга Абубакр Мирзонинг ўзи

ўтиришини лозим қўрадилар. Абубакр Мирзо таҳтга ўтиргач, Тукал ўрус Буқонинг қизини ўз никоҳига киритади.

1408 йил апрел ойида Абубакр Мирзо Озарбайжоннинг Сардруд мавзесида туркман амир Қора Юсуф билан бўлган жангда енгилиб, орқага чекинади. Мазкур жангда Абубакр Мирзонинг ёш қизи бир неча канизаклари билан бирга амир Қора Юсуф қўлига тушади. Амир Қора Юсуф қизни яхши парвариш қилиб, вояга етгач, ўз никоҳига киритади. Амир Қора Юсуф вафотидан сўнг, Қорабоғга қишлоғ учун борган Шоҳруҳ Мирzonинг хузурига мазкур малика келиб, ўзини танитади. Шоҳруҳ Мирзо биродарзодаси маликани Ширвон шаҳзодаси Халилуллоҳга ақд қилдиради. 1421 йил 4 апрелда катта тўй ўтказилади.

Абубакр Мирzonинг иккита ўёли бўлиб, каттаси Илонгир Мирзо 1397 йилда, кичиги Усмон Жодий эса 1401 йилда Султонияда туғилган эдилар.

УМАР МИРЗО Мироншоҳ Мирzonинг иккинчи ўғли бўлиб, 1383 йилда Хурсоңда туғилган. 1399 йилда Мироншоҳ Мирzonи Амир Темур ҳокимиятдан азл қилгач, ўрнига Умар Мирzonи тайинлаб, унга Ироқ, Озарбайжон, Аррон, Муғон, Гуржистон ва Ширвон мамлакатларини, шунингдек, мазкур вилоятлардаги барча қўшин бошлиқлари, шаҳзодалар ҳамда мансабдорларни итоат этмоқлари ҳақида олий фармон берилган эди.

Темур вафотидан сўнг, Умар Мирзода ўз отаси Мироншоҳга ва ака-укаларига нисбатан шубҳа вужудга келади. «Абубакр Мирзо» бобида ҳикоя қилганимиз воқеа ака-ука ўртасида кечгач, Умар Мирзо акаси Абу Бакр Мирзога қарши курашмоқ учун амакиси Умар Шайх Мирzonинг фарзанди Рустам Мирzonинг хузурига кўмак истаб боради. Умар Мирзо Рустам Мирзога «қадим сultonлар қайгули кунларда ва баҳтсиз ҳодисалар рўй бергандা бир-бирларидан бошпана тилаб, шафқат топишига умид бөглаганлар ва агар бу бобда бепарволикка йўл қўйган бўлсалар, асрлар бўйи якин ва йироқлар тилида таънага учраб, унутилиб кетганлар; ака-укалар жам бўлмасангизлар, Мирзо Абубакрга қарши юриб бўлмайди; вазифа шуки, элчи юбориб Пир Муҳаммад Мирзо ва Искандар Мирzonи чақирамиз ҳамда, то улар етиб келгунича, Абубакр Мирzonинг Суқбулоқда гофил ўтирган угруқини қўлга тушира-

аскар қўйилади. Тонг отгач, жанговар қўшин саф тортгач, туяларни олдинги сафга тизадилар ва жанг бошланишига мунтазир турадилар.

1398 йил 18 ноябр эрталаб яна жанг нақоралари чалинади. Султон Маҳмудхон яна жанговар филларни жангга солади. Филлар душман қўшинига қарши юриши билан туябонлар саватдаги пахталарага ўт бериб, туяларни олга қараб етаклайдилар. Ўз устларида ёнаётган оловни кўрган туялар даҳшатдан бўкириб, олга томон чопабошлайдилар. Қаршидан келаётган филлар оддий туяни кўп марта кўрган бўлсалар-да, аммо ёниб келаётган туяларни умрларида биринчи кўришлари эди. Бинобарин, филлар кўркувдан эслари ни йўқотиб, орқага қараб қочадилар. Улар жон аччиғида қочарканлар, уларни тўхтатишга ҳаракат қилган қўшинни топтаб кетадилар. Натижада Султон Маҳмудхон қўшинида парокандалик вужудга келиб, Темур қўшинлари галабага эришади.

Халил Султон Мирзо Темурнинг 1399—1404 йилларда гарбга қилган етти йиллик юришида ҳам фаол қатнашган. 1402 йилда Темур Туркистон чегараларида олий қўмондонликни Халил Султон Мирзога топширган эди.

Темур набираси Халил Султон Мирзодаги жасорат, истеъдод ва ҳарбий салоҳиятга зимдан назар солар ва ғалиахд набираси Султон Муҳаммад Мирзо билан бир каторда кўради. Бинобарин, 1404 йилда Хитойга қарши юришга тайёргарлик кўраркан, қўшиннинг ўнг қанотига (Тошкент ва унинг атрофидан йигиладиган аскарларга) бошлиқ қилиб тайинлади.

1405 йил 18 февралда Темур Утрорда вафот этгач, Халил Султон Мирзо ўз қўл остидаги қўшин билан Самарқандга қайтиб келади ва пойтахтни ўз тасарруфига киритади. Халил Султон Мирзо ҳокимийтни қўлга киритгач, Темурнинг аввалги ғалиахди Муҳаммад Султон Мирзонинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони «хон» қилиб кўтаради ва давлат ишини асосан ўзи бўшқаради. Халил Султон Мирзонинг бу жасорати ўз замонасига кўра катта бир янгилик эди. Зоро, «хон»лик мансабини чингизийлар сулоласидан темурйлар сулоласига ўтказилиши биринчи ҳодиса — қилинмаган иш эди. Ҳатто Темурнинг ўзи ҳам бундай қилишга журъят қилмаган.

Халил Султон Мирзо Самарқандни 1409 йилгача ўз қўлида сақлаб турди. Мовароуннаҳдан ташқарида

Халил Султон Мирзонинг ҳукмронлигини ҳеч ким тан олмади. Айниқса, мамлакатнинг шимолий қисмидаги исёнчи ҳарбий бошлиқлар у билан чиқишаолмадилар. 1405 йил декабр — 1406 йил январида Хоразмни босиб олиб, Бухоро чегарасигача ҳужум қилиб келган Олтин Ўрда татарларига қарши бир неча марта урушлар қилиб турди. Халил Султон Мирзо ўз душманлари билан бўлган очик жангларда кўпинча голиб келафди. Халил Султон Мирzonинг Шоҳруҳ Мирзо билан бўлган сўнгги жангда эса, енгилиши албатта Шоҳруҳ Мирzonинг ҳарбий салоҳиятида устунлиги эмас, балки Шоҳруҳ Мирзо тарафидан уюштирилган хилма-хил макрхийлалар сабаб эди.

1409 йил баҳорида Шоҳруҳ Мирzonинг қўшини Бодхез мавзеида Халил Султон Мирzonинг қўшини эса Шахрисабз (Кеш)да урушга тайёр ҳолда туради. Шу аснода шимолда амир Худойдод бошчилигига қўзғолон кўтарилигани хақида хабар келади. Халил Султон Мирзо асосий қўшинни Шахрисабзда қолдириб, 4000 аскар билан амир Худойдодга қарши боришга мажбур бўлади. 1409 йил 30 март куни Халил Султон Мирзо амир Худойдод томонидан асирга олиниб, Самарқандга келтирилади. Кейинчалик эса Фаргонага олиб кетилади. Унинг хотини Шодмулк бегимни эса Шоҳруҳ Мирзога топширадилар. Уша замон айрим тарихчиларининг ёзишига кўра, Шоҳруҳ Мирзо Шодмулк бегимни таҳқирилаб, кўп азобларга дучор қиласди.

Ниҳоят, Халил Султон Мирzonи Фарғонадан Ўтрорга келтирадилар, Амир Шайх Нуриддиннинг воситачилигига Шоҳруҳ Мирзо билан Халил Султон Мирзо ўртасида битим тузилади. Битимга мувофиқ Халил Султон Мирзо Мовароуннаҳр ҳукмронлигидан воз кечади. Бунинг эвазига Рай вилояти ҳокимлигига эга бўлади. Хотини Шодмулк бегим қайтариб берилади. Кўп ўтмай 1411 йил 4 ноябр чоршанба куни Халил Султон Мирзо Рай шаҳарида касал бўлиб вафот этади. Айрим тарихчиларнинг ёзишича, у заҳардан ўлади.

Халил Султон Мирзодан Муҳаммад Бақр Мирзо исмли бир ўғил қолади. Унинг тугилган йили номаълум. Муҳаммад Бақр Мирзо ҳеч қаерда ҳукмронлик қilmagan. У 1434 йил 10 ноябрда вафот этади.

■**ШОДМУЛК БЕГИМ** Халил Султон Мирzonинг хотинидир. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Шодмулк бегим Самарқанд шаҳрининг қуий табақасига мансуб бўлган ҳунарманд оиласидандир.

Халил Султон Мирзо Шодмулк бегимни севиб қолиб, ўз замонасининг таомилига зид ўлароқ, ушбу қизга уйланади. Албатта бундай «тengsiz» никоҳга Темур бошлиқ бутун авлод қарши турадилар. Бироқ Халил Султон Мирзонинг қатъий қарори голиб чиқади. Темур аввалида газабланган бўлса-да, кейинчалик Халил Султонга бўлган юксак эътиомди туфайли, унинг гуноҳини қечиради.

Темур вафотидан сўнг тахтга ўтирган Халил Султон Мирзонинг салтанатни бошқаришида Шодмулк бегим фаол қатнашади. Шодмулк бегимнинг аралашуви билан Халил Султон 1406 йилда Темурнинг бева хотини Туман Оғони амир Шайх Нуриддинга хотинликка беради. Хазина ва салтанат ишларида Шодмулк бегимнинг фаолияти янада кучаяди. Шодмулк бегимнинг иродаси билан қуий табақага мансуб бўлган кишилар юқори лавозимларга кўтарилади. Темур сафдошларига қара-ма-қарши ўлароқ, Шодмулк бегимнинг хоҳишига мувофиқ қандайдир Бобо Турмуш деган кимса тўла хуқуқли вазирлик мансабини эгаллади.

Аввалги амалдорлардан Оллоҳдод ва Аргуншоҳларга ҳам ҳеч қандай илтифот кўрсатилмайди. Шодмулк бегим Темурнинг барча бева хотинлари ва канизакларини ҳарбий бошлиқлар ва амалдорларга инъом қилиш ҳақида Халил Султон Мирзога маслаҳат беради ва шунга кўндиради. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темурнинг энг катта хотини Сарой Мулк хоним ва Тукал хонимлар Шодмулк бегим томонидан заҳарлаб ўлдирилганлар.

1411 йилда Халил Султон Мирзо вафот этгач, эридан кейин яшашни истамаган Шодмулк бегим заҳар ичиб ўлади.

ИИЖАЛ МИРЗО Мироншоҳ Мирzonинг тўртинчи ўғли бўлиб, 1487 йилда туғилган. Иижал Мирзо Шоҳруҳ Мирзо қўл остида бўлган Бадахшон вилоятлари устидан ҳукмронлик қиласади. 1414 йилда Ироқ ва Форс Шоҳруҳ Мирзо тасарруфига ўтгач, Иижал Мирзони Бадахшондан олиб Рай вилоятига ҳукмдор қилиб тайинлади. Аммо Иижал Мирзо Райда кўп ҳукмронлик қиласади. У 1415 йил апрел ойининг бошида қандайдир касалга учраб, уч кун ётиб, 11 апрел 1415 йилда Рай шаҳарида вафот этади.

СУЮРҒАТМИШ МИРЗО Мироншоҳ Мирzonинг бешинчи ўғли бўлиб, 1399 йилда туғилган. У бирор

вилоятда ҳукмронлик қилмасдан, 1411 йилда ёқ вафот этган.

СУЛТОН МУҲАММАД МИРЗО Мироншоҳ Мирзонинг олтинчи ўғли деб нақл қилинади. Унинг қачон туғилиб ва қачон вафот этгани ҳам номаълум. Шунингдек, Султон Муҳаммад Мирзонинг бирор вилоятда ҳукмрон бўлганлиги ҳақида ҳам ҳеч қандай асосли маълумот учрамайди.

Бироқ Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ўзининг машхур «Бобурнома» асарида ўз насли ва насабини мазкур Султон Муҳаммад Мирзога боғлайди. Шуниси қизикини, Шоҳруҳ Мирзо ҳаётлик даврида тузилган «Насабнома»да ҳам Мироншоҳ Мирzonинг Султон Муҳаммад Мирзо номли ўғли бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Яъни, «Насабнома»да Султон Муҳаммад Мирzonинг номи зикр қилинмайди. Фикри-мизча, Султон Муҳаммад Мирзо Мироншоҳнинг ўғли эмас, куёви бўлса ҳам ажаб эмас. Тарихий маълумотларга қараганда, Мироншоҳнинг қизларидан бирини Темур ниҳоятда яхши кўрган ва ўз саройида тарбияланган. 1397 йилда мазкур набирасига атаб Самарқандда Боги шамолни қурдирган. Темур ушбу набирасини ўзи бош бўлиб, турмушга чиқарган.

МИНУЧЕҲР МИРЗО Султон Муҳаммад Мирzonинг катта ўғли бўлиб, 1418 йилда туғилган. У укаси Султон Абусайид Мирзо мулозиматида бўлган. Укаси вафотидан сўнг, Мозандаронга келиб ҳаёт кечиради. Хондамирнинг ёзишича, Минучеҳр Мирзо Рустамдор шахрида Султон Ҳусайн Бойқарога қарши фитна уюштириб, исёнга сабаб бўлгани туфайли 1469 йилда қатл қилинади.

Унинг Қоракўз бегим номли қизи бўлиб, иниси Султон Абусайид Мирzonинг тўртинчи ўғли Умар Шайх Мирзога никоҳ қилинган эди.

Шунингдек, Минучеҳр Мирzonинг **Малик Муҳаммад** Мирзо исмли ўғли бўлиб, 1448 йилда туғилган. Ҳеч қаерда ҳукмронлик қilmай, 1494 йилда вафот этган.

СУЛТОН АБУСАЙИД МИРЗО Султон Муҳаммад Мирzonинг иккинчи ўғлидир. У 1424 йилда туғилган. Унинг ёшлик даврига оид маълумот учрамайди.

1450 йил 8 майда Абдуллатиф Мирзога суиқасд қилиниб, қатлга етказилгач, Самарқанд таҳтига Улуғбек Мирzonинг жияни ҳамда куёви бўлмиш

Абдулло Мирзо (Иброхим Мирзонинг ўғли) ўтиради. Бу даврда Султон Абусайид Мирзо темурийлар давлатининг шимолий чегара шаҳари Туркистон (Ясса)ни кўлга киритган эди. Эндиликда Самарқанд тахтига даъвогар бўлиб, Абдулло Мирзога қарши юриш бошлайди. Абдулло Мирзо Туркистон шаҳарига қўшин юбориб шаҳарни қамал қилади. Султон Абусайид Мирзо эса макр-хийла йўлига ўтиб, бир неча айгоқчиларни Самарқанд қўшини орасига юборади. Улар қўшин орасида «Ўзбек хони Абулҳайрхон Туркистон шаҳарига ёрдамга келаётир»,— деб гап тарқатадилар. Самарқандликлар бу гапни рост фаҳмлаб, қамални ташлаб, орқага чекинадилар. Бу хабар Абдулло Мирзога етгач, шахсан ўзи катта қўшинга бош бўлиб, Султон Абусайид Мирзога қарши урушга чиқади.

Абдулло Мирzonинг катта қўшин билан келаётган хабарини эшитган Султон Абусайид Мирзо дарҳол ёрдам сўраб, ўзбек хони Абулҳайрхонга элчи юборади. Абулҳайрхон ҳам фурсаддан фойдаланиб, Самарқандни яна иккинчи марта талаш нинтида ўз қўшинлари билан Туркистонга келиб, Султон Абусайид Мирзо қўшинлари билан биргалashiб Тошкентга, у ердан Хўжандга келадилар. Бу вақтда Абдулло Мирzonинг аскарлари энди Сирдарёдан ўтган эдилар. Султон Абусайид Мирзо билан Абулҳайрхон қўшинлари Мирзачўл орқали ўтиб, Абдулло Мирзо қўшинларига Булунғурда рўбарў келадилар. 1451 йил июн ойида Булунғурда шаштинг жанубидаги Шероз қишлоғи яқинида ҳар икки қўшин ўргасида қонли жанг бўлади. Натижада, Абулҳайрхон Абдулло Мирzonинг кўп сонли қўшини устидан ғалаба қозонади. Абдулло Мирзо мардона курашиб, жанг майдонидан орқага қайтаётгандан ўқ тегиб ҳалок бўлади. Султон Абусайид Мирзо эса ҳеч қандай қаршиликка учрамай, Самарқандга киради ва тахти эгаллади.

1457 йил март ойида Машҳадда Абулқосим Бобур вафот этгач, Султон Абусайид Мирзо Ҳиротни босиб олиб, Хурросон музофотини ўз тасарруфига киритади. Султон Абусайид Мирзо Самарқанд тахтини ўзининг катта ўғли Султон Аҳмад Мирзога бериб, ўзи Ҳиротни пойтахт қиласди.

Султон Абусайид Мирзо мулкирлик ҳавасига мубтало бўлган, шафқатсиз ҳукмдор эди. У ўзининг бутун салтанатини жабр-зулм ва истибодод асосига қурган эди. У Бадаҳшонни забт этгач, Бадаҳшоннинг собиқ ҳукмдори Муҳаммад Бадаҳшийнинг қизини

ўз никохига олган. Ундан Абу Бакр исмли ўғли ҳам бор эди. Мұхаммад Бадахший ва унинг ўғлини эса Ҳиротга келтириб, махсус назоратда сақларди. Бадахшнийнг ўғли Қашғарга қочиб бориб, у ердан қуч түплаб. Бадахшонга келиб исён кўтаради. Султон Абусайид Мирзо исённи бостиргач, қайнотаси Мұхаммад Бадахший ҳамда қайнисини қатл қилдиради.

1457 йилда Султон Абусайид Мирзо Ҳурносонни қўлга киритгач, ўз қариндоши Улугбек Мирзонинг набираларидан 16 ёшли Аҳмад Мирзо, 17 ёшли Абдураззоқ Мирзо ҳамда Маҳмуд Мирзоларни қатл қилдиради. Худди шу йили Улугбек Мирзонинг қариб қолган онаси — малика Гавҳаршод бегимни ўз набирасини салтанатга қарши исён кўтаришда айблаб, шафқатсизларча чопиб ташлашга ҳукм қилади. 1464 йилда Абдуллатиф Мирzonинг ўғли Мұхаммад Жўки Мирзони хиёнаткорона Иҳтиёриддин қальасига қаматиб, кейинчалик ўша ерда бўгиб ўлдиртиради.

1464 йили Алишер Навоий Машҳаддан Ҳиротга келади. Унинг мақсади Абулқосим Бобур Мирзо ўрнига таҳтга ўтирган Султон Абусайид Мирзо томонидан мусодара қилиб юборилган отасидан қолган ҳовлижойларга эга бўлиш ва қандай бўлмасин, тирикчилик учун зарур бўлган шароитни вужудга келтириш ҳамда ҳукмдордан ўзининг ҳолига яраша риоят ва тарбият топиш эди. Аммо Султон Абу Сайд Мирзо Абулқосим Бобур Мирзо саройида тарбияланган, боз устига ўзининг таҳт душмани Султон Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўсти бўлмиш Алишер Навоийга ҳурмат ва марҳамат кўрсатмайди, аксинча унга нисбатан салбий муносабатда бўлади. Бу ҳақда «Равзат ус-сафо»да шундай деб ёзилган «Абусайид Султоннинг замонида Ҳурносон дорулсалтанаоига (Алишер Навоий — Т. Ф.) бориб, бир неча кунни.. осто ни муловзаматида ўтказди... аммо ўзининг ҳолита яраша риоят ва тарбият топаолмади».

Аксинча, Султон Абусайид Мирзо ўзининг «остони муловимат»идан Алишер Навоийни четлатишга ҳаракат қилади. Бу ҳақда Захириддин Мұхаммад Бобур Алишер Навоийнинг Ҳиротдан Самарқандга қувилишига доир сабабларни кўрсатмаса-да, бирок Ҳиротдан Самарқандга бадарга қилинганилигига шубҳа қилмайди ва бу ҳақда «Бобурнома»да шундай ёзади: «Билмайман не жарима билан Абу Сайд (Алишерни — Т. Ф.) Ҳиротдан ихрож қилди».

Султон Абусайид Мирзонинг жоҳилона кирдикорлари ҳақида Алишер Навоий ўзининг «Садди Искандарий» номли достонида алоҳида тўхталиб, шундай ёзади: «Султон Абусайид курагон ҳикоятиким, кўп мамлакатлар олди ва тиғ билан кўп мухолиф элга ошуб солди ва лекин сипоҳийси рози эмас эрканидан уруш вақти барча қўзголди ва ўзи адув (майдон — Т. Ф.) аро таҳликага қолди».

Султон Абусайид Мирзо нечоғлиқ шафқатсиз бўлмасин, ҳар ҳолда ўз салтанатида тартиб ва адолат ўрнатишга ҳаракат қиласарди. Чунончи, 1462 йилда амалдорлардан Шайх Аҳмад билан Муизиддин Хўжа порахўрликда айбланадилар. Шайх Аҳмаднинг тириклиайн териси шилиниб олинади. Муизиддин Хўжани эса қайнаб турган қозонга ташлатади.

Султон Абусайид Мирзо нечоғлиқ маккор, тадбиркор ва донишманд бўлмасин ва лекин унинг табиатида оламгирилик васвасаси устун эди. 1469 йилда Султон Абусайид Мирзо туркман ҳукмдори Жаҳоншоҳнинг вафотидан сўнг гарбий Эрон (Ирок)ни забт этиш мақсадида жангга отланади ва Оқ қўйунлу туркман сулоласи билан жангда ҳалок бўлади. Султон Абусайид Мирзонинг жасади Ҳиротга келтирилиб, Гавҳаршод бегим мадрасаси ёнида темурийлар даҳмасига дағн этилади.

Султон Абусайид Мирзодан ўн бир ўғил ва ўн тўрт нафар қиз қолади. Энг катта ўғли Султон Аҳмад Мирзо, иккинчи ўғли Султон Муҳаммад Мирзо, учинчи ўғли Султон Маҳмуд Мирзо, тўртинчи ўғли Умар Шайх Мирзо, бешинчи ўғли Улугбек (Кобулий ёки Соний) Мирзо, олтинчи ўғли Абу Бақр Мирзо, еттинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзо, саккизинчи ўғли Султон Мурод Мирзо, тўққизинчи ўғли Султон Ҳалил Мирзо, ўнинчи ўғли Султон Валад Мирзо ва ўн биринчи ўғли Султон Умар Мирзодир.

Қизлари: 1) Мехрлик бегим — Султон Абусайид Мирзонинг Султон Баҳт Бегим исмли хотинидан туғилган. 2) Оппоқ бегим — Фаҳри Жаҳон бегимдан туғилган. 3) Кичкина бегим — Фаҳри Жаҳон бегимдан туғилган. 4) Шоҳ бегим — Фаҳри Жаҳон бегимдан туғилган. 5) Оқ бегим — Ҳадиҷа бегим номли канизакдан туғилган. 6) Зайнаб Султон бегим — кейинчалик Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг Кобулдаги саройида истиқомат қиласан. 7) Султон Баҳт бегим — кейинчалик Кобулда Бобур Мирзо саройида истиқомат

қилган. 8) Бадъиул Жамол бегим — кейинчалик Кобулда Бобур Мирзо саройида истиқомат қилган. 9) Хадича Султон бегим — кейинчалик Кобулда Бобур Мирзо саройида истиқомат қилган. 10) Фахри Жаҳон бегим — кейинчалик Кобулда Бобур Мирзо саройида истиқомат қилган. 11) Гавҳаршод бегим — кейинчалик Бобур Мирзо саройида истиқомат қилган. 12) Шаҳрибону бегим — кейинчалик Султон Ҳусайн Бойқаро ўз ниҳоҳига олган. 13) Поянда Султон бегим — кейинчалик Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг хотини. 14) Оқ бегим — кейинчалик Кобулда истиқомат қилган.

СУЛТОН АҲМАД МИРЗО Султон Абусайид Мирzonинг катта ўғли бўлиб, Султон Абусайид Мирзо Самарқанд таҳтига ўтирган иили, яъни 1451 йилда Самарқандда туғилган. Онаси Ўрда Буга тархоннинг қизи, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг эгачиси эди. Султон Абусайид Мирzonинг эътиборли хотини бўлган.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирzonинг ёзишига қараганда, Султон Аҳмад Мирзо баланд бўйлик, қўнғир (қунқор) соқоллик, қизил юзлик, лўппи (семиз) киши эди. Соқоли фақат энгакида бўлиб, икки яногида соқоли йўқ эди. Ниҳоятда гапдон ва хушмуомала бўлған. Саллани ўша замон қоидасига мувофиқ тўрт ўрам чирмаб, алоқасини қошининг устига қўярди. Ҳанафий мазҳабига мансуб, покиза эътиқодли киши бўлиб, беш вақт намозни тарқ қилмас, ҳатто майхўрлик сұҳбат асносида ҳам намозни тарқ қилмасди. Ҳазрат Ҳожа Убайдуллога мурид эди. Ҳожа Убайдулло ҳам унга мураббий ва раҳнамо эди. Кўп одобли киши бўлиб, айниқса Ҳожанинг сұҳбатларида ўлтирганда ҳеч қачон тиззасини тиззасига тегизиб ўтирган экан. Бир марта ҳазрат Ҳожанинг сұҳбатида тарки одат қилиб, оёгини бир-бирига яқинлаштириб ўтирибди. Мирзо кетгач, Ҳазрат Ҳожа одамларига буюрибдиларким, Мирзо ўтирган ерни қарагайлар. Қарасалар, Мирзо ўтирган намат остида бир сүяқ ётган экан. Мирзо ўқимаган, саводсиз бўлса-да, бовужудким, шаҳарда ўсган, турк ва содда киши эди. Аҳдига вафодор ва қавли(сўзи)га эга эди. Ундан хилофлик зоҳир бўлмади.

Шижаотли эди. Ўқни яхши отар эди. Илвосинга отган ўқи аксар тегарди. Қовоқни майдоннинг у бошидан бу бошига кириб аксар урар эди. (Майдоннинг ўртасига 40—50 газ узунликда ёғоч ўрнатиб, учига қовоқ санчиб қўйилади. Ўқ отувчилар майдон бошидан отда чопиб келатуриб, қовоқقا ўқ отадилар.) Кейинги

пайтларда семизлик натижасида қирговул ва беданани ҳам яхши овлайлоймай қолди. Овчи қушларга ишқибоз эди. Күргина овчи қушларни овга соларди, яхши овларди. Улугбек Мирзодан кейин овчи қушга ишқибоз бунчалик одам йўқ эди. Кўп хаёлик эди. Айтишларича, хилват жойларда ҳам ўз маҳрамлари ва уй ичи кишиларидан оёқларини ёпиб юрар экан. Ичкиликка бир ружу қилса, 20—30 кун пайдар-пай ичар, сўнгра 20-30 кун ичмас эди. Гоҳо майхўрлик мажлисида бир ўтирганича бир кеча-кундуз ўтиради. Яхши ичар эди. Ичкилик ичмаган кунлари кишини тетиклантирувчи овқатларни кўп тановул қиласди. Камган ва одми киши бўлиб, табиатида бахиллик мавжуд эди. Ион-ихтиёри бекларининг қўлида эди.

Отаси Султон Абусайид Мирзо Самарқанд ва Бухоро вилоятларини Султон Аҳмад Мирзога берган эди. Шайх Жамолни Абдул Қуддус ўлдиргандан сўнг Тошкент, Шоҳрухия ва Сайрамни ўз тасарруфига киритган эди. Кейинроқ Тошкент ва Сайрамни укаси Умар Шайх Мирзога берган эди. Хўжанд билан Уратепа ҳам бир неча муддат Султон Аҳмад Мирзо тасарруфига эди.

Хўкимдорлик йилларида тўрт марта уруш қилди. Аввал Зомин навоҳийсида Шайх Жамол аргуннинг укаси Неммат аргун билан жанг қилиб, голиб чиқди. Иккинчиси ўз укаси Умар Шайх Мирзо билан Ховосада жанг қилиб, голиб бўлди. Учинчиси Тошкент навоҳийсида Чирчиқ дарёсининг ёқасида Султон Маҳмудхоннинг мўгул аскарлари билан рӯбарӯ келиб, бир-икки отишмадан сўнг ҳар икки томон орқаларига қайтиб кетдилар. Аскарларнинг кўп қисми Чирчиқ сувига гарқ бўлди. Тўртинчиси Ҳайдар кўкалтош билан Ёр яйлоқ навоҳийсида жанг қилиб голиб чиқади.

1493 йилда Султон Аҳмад Мирзо ўз куёви, мўғул улусининг ҳукмдори (кейинчалик Тошкент ҳукмдори) Султон Маҳмудхон билан иттифоқ тузиб, Андижонга — укаси Умар Шайх Мирзога қарши юриш бошлайди. Султон Аҳмад Мирзо Хўжанд сувининг жануб тарафидан, Султон Маҳмудхон эса шимол тарафидан юриб келиб Андижон, Аҳси ва Марғилонни қамал қиласдилар. Айни шу вақтда Аҳсида Умар шайх Мирзо жардан ийқилиб вафот этади.

Умар Шайх Мирзонинг аркон давлат бошлиқлари унинг катта ўғли 12 ёшли Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзони таҳтга ўтқазадилар. Бек ва амирлар йигилишиб, душманга қарши курашмоқ учун барча ҳалқни

сафарбарликка чақирадилар. Ҳалқ фидоийлари ватан ҳимояси учун мисли кўрилмаган жонбозлик кўрсатиб, душман ҳуружларини барбод қиласидилар. Ҳалқнинг марданавор курашини қайтаришга ожизлик қилган Султон Маҳмудхон қолган қўшиналарини йигиб олиб, ўз ютига қайтиб кетади. Сув устига қурилган кўприк синиб, Султон Аҳмад Мирзонинг кўпгина қўшини сувга гарқ бўлади. Бу хабарни эшигтан Султон Аҳмад Мирзо уруш бошланганига пушаймон бўлиб турганда Бобур Мирзодан илтимоснома келгач, Фаргона ҳукмронлигини яна Бобур Мирзога «инъом» қилиб; Самарқандга қараб жўнайди. Бироқ бир-икки манзил юргач, ахволи ўзгариб, қаттиқ иситмалаб қолади. Ҳратепа навоҳийсига етганда касаллик оғирлашади ва 1494 йил июл ойининг ўрталарида Оқсув мавзеъида қирқ тўрт ёшида вафот этади.

Султон Аҳмад Мирzonинг олтита хотини бор эди. Биринчиси, Меҳр Нигор хоним — Юнусхоннинг катта қизи эди. Меҳр Нигор хонимни Султон Абусайид Мирzonинг ўзи унаштириб, олиб берган эди. Иккинчиси тархонлардан бўлиб, Тархон бегим дейишарди. Учинчиси Қутлуқ бегим бўлиб, Тархон бегим билан кўкракдош (эмукдош) эди. Султон Аҳмад Мирзо Қутлуқ бегимга ошиқ бўлиб олган эди. Бинобарин, ўта суюзлик, аммо ҳукмрон, шаддот аёл бўлиб, май ичар эди. Бу хотин ҳаётлигига Султон Аҳмад Мирзо бошқа хотинларининг ёнига бормас эди. Натижада Мирзо Қутлуқ бегимни ўлдириб бадномликдан кутилди.

Тўртинчиси Ҳонзода бегим Термиз ҳонзодаларидан эди.

Бешинчиси Латифа бегим. Аҳмад Ҳожибекнинг кизидан туғилган набираси эди. Султон Аҳмад Мирзо вафотидан сўнг Латифа бегимни шайбонийхонлардан Ҳамза Султон олади. Ҳамза Султондан уч ўғил тукқан эди. Олтинчиси Ҳабиба Султон бегим бўлиб, Султон аргуннинг биродарзодаси (укасининг қизи) эди.

Султон Аҳмад Мирзо мазкур хотинларидан икки ўғил ва беш қиз кўрган эди. Ўғиллари ёшлиқдаёқ вафот қилган эдилар. Қизларининг тўрттаси Қутлуқ бегимдан туғилган эди. Энг каттаси Робия Султон бегим бўлиб, Коракўз бегим ҳам дердилар. Султон Аҳмад Мирзо бу катта қизини ўзи ҳаётлик даврида Тошкент ҳукмрони (кейинчалик) Султон Маҳмудхонга узатган эди. Султон Маҳмудхондан бир ўғил тукқан бўлиб, исмини Бобохон қўйган эдилар. Ўзбеклар Султон Маҳмудхонни Ҳў-

жандда шаҳид қилғанларида, унинг ўғли Бобохон ва яна бир неча норасида гўдакларни нобуд қилған эдилар. Султон Маҳмудхон воқеасидан кейин Робия Султон бегимни Жонибек Султон ўз никоҳига олади.

Иккинчи қизи Солиҳа Султон бегим бўлиб, Оқ бегим ҳам дердилар. Султон Аҳмад Мирзо вафотидан сўнг, Мирзонинг укаси Султон Маҳмуд Мирзо ўзининг катта ўғли Султон Масъуд Мирзога катта тўй қилиб олиб берган эди. Кейинчалик Шоҳ бегим Мехр Нигор хоним билан бирга Қашгарга кетган.

Учинчи қизи Ойша Султон бегим эди. Заҳиридин Муҳаммад Бобур Мирзо беш яшарлигида Самарқандга келганда, Ойша Султон бегимни унга унаштирилган. Кейинчалик Заҳиридин Муҳаммад Бобур Мирzonинг дарбадарлик йилларида Ойша Султон бегим Хўжандга келади ва шу ерда Заҳиридин Муҳаммад Бобур Мирzonинг никоҳига киради. Заҳиридин Муҳаммад Бобур Мирзо Самарқандни иккинчи марта қўлга киритганида Ойша Султон бегим қиз туққан, исмини Фахринисо бегим қўйғанлар. Аммо Фахринисо бегим 40 кунлигида вафот этган. Ойша Султон бегим кейинчалик эгачисининг қутқуси билан Заҳиридин Муҳаммад Бобур Мирzonинг никоҳидан чиқиб, Тошкентда қолади.

Тўртинчи қизи Султон бегим эди. Султон бегим Султон Маҳмуд Мирzonинг Зухра бегим номли хотинидан туғилган ўғли Султон Али Мирзога (Султон Али Мирзо 1499—1501 йилларда Самарқанд ҳукмдори) никоҳ қилинган эди. Султон Али Мирzonинг қатлидан (1501) сўнг Султон бегимни шайбонийлардан Темур Султон ўз никоҳига олган, Темур Султондан сўнг эса Маҳди Султон ўз ҳарамига кирилган.

Бешинчи, энг кичик қизи Маъсума Султон бегим эди. Онаси Султон Аргуннинг биродарзодаси (укасининг қизи) Ҳабиба Султон бегим эди. Заҳиридин Муҳаммад Бобур Мирзо Ҳурсонга борганда Маъсума Султон бегимни кўриб ёқтириб қолган, кейинчалик Кобулга таклиф қилган. Маъсума Султон бегим Бобур саройига келгач шу ерда ўз никоҳига олган. Маъсума Султон бегим бир қиз туққан, ўзи эса туғиш асносида зожа (қон кетиш) касали билан вафот этган. Туғилган қизга онасининг исми Маъсума Султон бегим деб ном берилган.

СУЛТОН МУҲАММАД МИРЗО Султон Абусайид Мирzonинг иккинчи ўглидир. Султон Муҳаммад Мирзо 1452 йилда Самарқандда туғилган. Ҳар ҳолда отаси

Султон Абусайид Мирзо ҳузурида тарбияланиб, саройда истиқомат қилган бўлиши керак. Зоро, «Хулосатул-ахбор» асарининг муаллифи Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин Ҳондамирнинг ёзишича, 1468 йилда Султон Абусайид Мирзо Ироқни забт қилиш мақсадида жангга отланганда ўғилларидан Султон Муҳаммад Мирзони ва Шоҳруҳ Мирзони ўзи билан бирга олиб кетади. Жанг асносида Султон Муҳаммад Мирзо ва Шоҳруҳ Мирзо амир Ҳасанбек қўшинлари қўлига тушиб қоладилар ва узоқ муддат қамоқда қолиб кетадилар. Қамоқдан озод бўлганларидан сўнг ўша ерда жуда оғир ахволда кун кечирадилар. Ниҳоят 1493 йилда Султон Муҳаммад Мирзо Ҳиротга қайтиб келади ва 1499 йилгача ҳам ҳаёт эди. Унинг бундан кейинги ахволи ҳақида маълумот учратолмадик.

СУЛТОН МАҲМУД МИРЗО Султон Абусайид Мирзонинг учинчи ўғли бўлиб, 1453 йилда туғилган. Султон Аҳмад Мирзо билан бир онадан тувишган акука эди. Онаси Ўрда Буга тархоннинг қизи, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг эгачиси эди.

Султон Муҳаммад Мирзо Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг таърифича, паст бўйли, сийрак соқолли, семиз, гапга нўноқроқ киши бўлган. Аҳлоқ ва атвори яхши бўлиб, сиёқ (ҳисоб ўйини ва уни ҳисоблаш тартиблари — геометрия) илмини яхши билган.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ёзишича, Султон Маҳмуд Мирзо намозни тарқ қилмас, салтанатни бошқариш тартиби яхши эди. Вилоятда ундан сўрамасдан бирор дирҳам ёки бирор динор сарф қилинмасди. Қўшинларининг маоши ҳеч қачон тўхтаб қолмас; анжумани, ҳадялари, кўпчиликка бериладиган овқати (шулон) ва маҳқамаси яхши эди. Ҳамма ишлари қоидали ва тартибли эди. Унинг жорий қилган тартиб ва қоидаларидан қўшин ҳамда фуҳаро четга чиқмас эди. Аммо зулм ва фисқ-фасодга кўп машғул эди. Пайдарпай май ичарди. Қилган зулм ва жабрининг касофатига барча ўғиллари жувонмарг бўлдилар. Таъби газалга мойил бўлиб, газал ёзарди. Девон тузган эди. Лекин газаллари жуда паст ва bemaza эди. Ёмон зътиқодли киши эди. Ҳожа Убайдуллога паст назар билан қаарарди. Журъатсиз киши эди. Ҳаёси камрок эди. Бир неча масхарабоз ва бепарволар ўртасида юрарди. Маҳкамада ва халойиқ олдида ёқимсиз, хунук ҳаракатлар қиласарди. Тили заҳар бўлиб, сўзини англаб бўлмас эди.

Султон Абусайид Мирзо ўғли Султон Маҳмуд Мирзога Астробод вилоятини берган эди. Султон Абусайид Мирзонинг ўлемидән сўнг Термиз, Чагониён, Ҳисор, Хатлон, Қундуз, Бадахшон ва Ҳиндикуш тогигача бўлган ерлар Султон Маҳмуд Мирзо тасарруфига ўтади.

Ҳисор воқеасидан сўнг Хуросонга келади. (Ироқ воқеасида Султон Абусайид Мирзо ўлдирилади.) Шу вақтда Қанбар Алибек Ҳисор ҳокими эди. Султон Абусайид Мирзонинг буйругига мувофиқ Ҳиндистон қўшинини йигиб, Ироққа кетаётib Хуросонда Султон Маҳмуд Мирзо билан учрашади. Бу вақтда Султон Абусайид Мирзо ҳалокатини ва Хуросонга Султон Ҳусайн Бойқаро Мирzonинг келаётганини эшигтан Хуросон ҳалки Султон Маҳмуд Мирзони Хуросон тупрогидан ҳайдаб чиқарадилар. Султон Маҳмуд Мирзо Самарқандга — акаси Султон Аҳмад Мирзо ҳузурига келади. Бир неча муддат Самарқандда тургач, Аҳмад Муштоқ бошлиқ Саид Бадр, Ҳусравшоҳ ва бир неча йигитлар Султон Маҳмуд Мирзони Ҳисорга — Қанбар Алибек олдига қочириб олиб борадилар. Ўша даврдан то умрининг охиригача Қаҳқа билан Кўхтанг тогининг жанубидаги Термиз, Чагониён, Ҳисор, Хатлон, Қундуз ва Бадахшон вилояtlари то Ҳиндикуш тогигача Султон Маҳмуд Мирzonинг тасарруфида эди. Акаси Султон Аҳмад Мирзо вафотидан сўнг, аркон давлат маслаҳат килиб, Мирzonинг укаси Султон Маҳмуд Мирzonи Самарқанд таҳтига таклиф килиб чопар юборадилар.

Султон Маҳмуд Мирзога бу хабар етгач, ҳаялламай Самарқандга етиб келади ва таҳтни эгаллайди. Султон Маҳмуд Мирзо таҳтга ўтиргач, жабр-зулмни ҳаддан оширади. Шу боис мамлакатнинг бир неча катта-кичик аслзодалари, сипохийлар ва оддий ҳалқ ҳар тарафга тарқалиб, қоча бошлайдилар.

Султон Маҳмуд Мирзо Самарқанд таҳтига ўтиргач, таҳтга даъвогар бўлиб келган ўз амакивачаси ҳамда қуёви бўлмиш Малик Муҳаммад Мирзо ибн Минучеҳр Мирzonи ва яна тўртта бегуноҳ ёш Мирзоларни Кўк саройда қатля қилдиради. Бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо шундай ёзади: «Султон Аҳмад Мирзо вафот этгач, Султон Абусайид Мирzonинг акаси Минучеҳр Мирzonинг ўғли Малик Муҳаммад Мирзо салтанат дагдагасини қилиб, бир неча бебош тақасалтанглар билан келиб, Самарқандда ҳеч иш чиқараолмади. Султон Маҳмуд Мирзо Малик Муҳаммад

Мирзони тутдириб, унинг ёнига яна тўртта бегуноҳ мирзоларни кўшиб, Кўк саройга чиқариб, шаҳид қилдирди. Малик Муҳаммад Мирзо Султон Маҳмуд Мирзонинг куёви ҳам амакисининг ўғли эди. Агар гуноҳкор бўлса, Малик Муҳаммад Мирзо гуноҳкор эди. Қолган мирзоларда ҳеч қандай гуноҳ йўқ эди. Уларга подшолик ҳам тегмас эди. Улар подшолик ҳақида таъма ҳам қилмасдилар. Яна бири шулки, агарчи мамлакатни бошқариш усул — идораси яхши бўлса ҳам маҳкамабоз эди. Сиёқ илмини билур эди. Аммо табиати зулм ва фисқу фужурга мойил эди. Самарқанд тахтига ўтиргач, ўзгача тартиб, равиш ва ҳаражатларни вужудга келтирди. Яна бири буким, Султон Маҳмуд Мирzonинг ўзи золим ва фосиқ (ярамас ишлар қилувчи) бўлиб, беклари, бекалари, хос хизматчилари ва хизматкорлари ўта золим ва фосиқ эдилар. Ҳисор эли, умуман Ҳусравшоҳга таъллукли эл ҳамиша майхўрлик ва зинога машгул эдилар. Қунлардан бир кун Ҳусравшоҳнинг хос хизматчиларидан бири бир одамнинг чиройли хотинини зўрлик билан тортиб олиб кетади. Мазкур хотиннинг эри Ҳусравшоҳ олдига келиб, доддоҳлик (адолат) сўрайди. Ҳусравшоҳ шундай жавоб беради: бу хотин неча йилдан буён сенинг билан бирга эди, қўй энди бир неча кун у билан ҳам бўлсин!».

Султон Маҳмуд Мирзо ўз ҳукмронлик даврида икки марта уруш қилган. Ҳар иккаласи ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро билан бўлган. Бир марта Астрабодда урушиб маглуб бўлди. Иккинчи марта Андхўй навохийсида Чакман деган ерда ҳам маглуб бўлди. Икки марта Бадаҳшоннинг жануб тарафида Кофиристонга бориб, газот уруши қилган. Бинобарин, фармонларининг юқори қисмига катта ҳарфларда «Султон Маҳмуд гозий» деб ёзарди.

Самарқанд аҳли 25 йил давомида Султон Аҳмад Мирзо қўл остида тинчлик ва фароғатда яшаган эдилар. Султон Маҳмуд Мирзодан бундай жабр-зулм, фисқу фужурни кўриб, кўп ранж ва машаққатлар чекдилар. Мамлакатдаги барча катта-кичик, факири мискин Султон Маҳмуд Мирзога лаънатлар ўқиб, унинг ҳақида дуойи бад қилиб, фотиха ўқийдилар. Шубҳасиз, жабр-зулм ва фисқу фужурнинг касофатидан бўлса керак, Самарқанд тахтида беш-олти ойдан ортиқ ҳукмронлик қилаолмади. 1495 йил январ ойида Султон Маҳмуд Мирзо оғир касалликка мубтало бўлиб, олти кун ётиб, 43 ёшида вафот этди.

Чу бад карди мабош эмин эи офтот,
Ки вожиб шуд табиатро мукофот.

(Емонлик қилдингми, оғатлардан сақланолмайсан,
Чунки табиатнинг берадиган жазоси нақдур).

Султон Маҳмуд Мирзонинг бешта хотини бўлиб, энг катта хотини Хонзода бегим эди. Мир Бузург Термизийнинг қизи эди. Мирзо бу хотинини ниҳоятда севарди. Хонзода бегим вафот этганда Султон Маҳмуд Мирзо кўп вақтгача таъзия тутган.

Иккинчи хотини ҳам Хонзода бегим дердилар. Бу ҳам Мир Бузург Термизийнинг набираси эди. Хонзода бегим бир ўғил, беш қизнинг онаси эди.

Учинчи хотини Пошшо бегим, Қора қўйунлунинг Баҳорлу аймоги туркман бекларидан Алишербекнинг қизи эди. Жаҳоншоҳ Мирзо Бороний Қора қўйунлунинг ўғли Муҳаммад Мирзо олган эди. Озарбайжон ва Йирқони Жаҳоншоҳ авлодидан Оқ қўйлик Узун Ҳасан олганда, Алишербекнинг ўғиллари 4—5 минг уйлик Қора қўйунлу туркманлар билан Султон Абусайид Мирзо хизматига келган эдилар. Султон Абусайид Мирзо Ироқда шикаст еганда, бу вилоятларга тушадилар. Султон Маҳмуд Мирзо Самарқанддан Ҳисорга келганда, мағкурлар Султон Маҳмуд Мирзо хизматига келганлар. Султон Маҳмуд Мирзо Пошшо бегимни ўша пайтда ўз никоҳига киритган эди. Бир ўғил, уч қизнинг онаси эди.

Тўртинчи хотини Султон Ниғор ҳоним бўлиб, Юнусхоннинг қизи, Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхоннинг эгачиси, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг холаси эди.

Бешинчи хотини Зухра оға бегим эди. Зухра бегим ўзбек канизакларидан бўлиб, Мирзо наздида анча эътиборли эди. Султон Маҳмуд Мирзо Зухра бегимни Султон Абусайид Мирзонинг ҳаётлигидаёқ олган эди. Зухра бегим бир ўғил ва бир қизнинг онаси эди. Султон Маҳмуд Мирзонинг мазкур бешта хотинидан ташқари яна бир неча канизак ва чўрилари бор эди.

Султон Маҳмуд Мирзодан беш ўғил ва ўн бир қиз қолган эди.

СУЛТОН МАЪСУД МИРЗО Султон Маҳмуд Мирзонинг катта ўғли бўлиб, 1475 йилда туғилган. Онаси Мир бузург Термизийнинг қизи Хонзода бегим. Султон Маҳмуд Мирзо ўғли Султон Маъсуд Мирзога Ҳисор

хукмронлигини бериб, Хусравшоҳни отабек қилиб тайинлаган эди.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ёзишича, Султон Маҳмуд Мирзо вафот қилган чоғда, унинг ўғиллари — Султон Маъсүд Мирзо Ҳисорда, Султон Бойсунғур Мирзо Бухорода эди. Султон Маҳмуд Мирzonинг энг яқин кишиси Хусравшоҳ Самарқандда эди. Султон Маҳмуд Мирзо вафотидан фойдаланган Хусравшоҳ хазинадан бойлик ўмаришга ҳаракат қиласди. Аммо унинг бу ҳаракати сарой аъёнлари ҳамда Самарқанд ахли гавғо кўтариб, Хусравшоҳни жазоламоқчи бўлади.

Аммо сарой аъёнларидан Аҳмад Ҳожибек ва тархон беклари жанжални босиб, Хусравшоҳни Ҳисорга жўна-тадилар.

Шундан сўнг сарой аъёнлари кенгашиб, Бухородан Бойсунғур Мирзони чақириб келтиришга қарор қиласди-лар. Бойсунғур Мирзо келиб тахтга ўтиради. Бойсунғур Мирзо бу пайтда 18 ёшда эди. 1496 йил июн ойида Султон Маъсүд Мирзо Самарқанд тахтига даъвогар бўлиб, ўз укаси Бойсунғур Мирзога қарши қўшин тортиб Шаҳрисабз (Кеш)га келиб тушади. Султон Ади Мирзо ҳам акаси Бойсунғур Мирзога қарши чиқиб, Самарқанд томон қўшин тортади. Андижонда Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳам бу хабарни эшитгач, амакивачаси Бойсунғур Мирзога қарши Самарқанд тахтига даъво қилиб, қўшин тортади. Бироқ шаҳзодалар Самарқандда Бойсунғур Мирзога қарши бирор иш чиқараолмай, ўз вилоятларига қайтиб кетадилар. Фақат Султон Маъсүд Мирзо Шайх Абдулло Барлоснинг қизига мойил бўлгани туфайли, ушбу қизни ўз никоҳига киритгач, Ҳисорга қайтиб кетади.

1497—1498 йилда Хусравшоҳнинг қутқуси билан Бойсунғур Мирзо қўшин тортиб, Чагониёнга келиб, макр-хийла ишлатиб, «Келинг, Самарқанд устига юрайлик, биримиз Самарқандда, биримиз Ҳисорда хукмрон бўлайлик», — деган мазмунда Султон Маъсүд Мирзога элчи юборади. Айни вақтда Султон Маъсүд Мирzonинг қайнотаси Шайх Абдулло Барлос Бойсунғур Мирзодан ранжиб, куёвининг вилояти — Ҳисорга кўчиб келган, Султон Маъсүд Мирзо Шайх Абдулло Барлосга Ҳатлон вилоятини инъом қилган эди. Гарчи Ҳатлонда бошқа бекларнинг ҳам мулки бўлса-да, бироқ Шайх Абдулло Барлос ҳамма мулкларни ўз тасарруфига киритган эди. Бундай ўзбошимчаликдан беклар ран-

жиб, секин-аста Бойсунгур Мирзонинг мулозаматига^{*} ўтиб кетабошлаган эдилар.

Хусравшоҳ билан Бойсунгур Мирзо ёлғон сўзлар билан Султон Маъсуд Мирзони гафлатда қолдириб, ярим тунда қўшин билан келиб, Ҳисор қалъасини қамал қиладилар. Уша тунда Султон Маъсуд Мирзо шаҳар ташқарисидаги Давлат сарой номли саройда эди. Қалъа қамалидан хабар топган Султон Маъсуд Мирзо Хатлонга — Шайх Абдулло Барлос ҳузурига қочиб боради. Хатлондан эса қайнота-куёв биргаллашиб қочадилар. Ярим йўлда Султон Маъсуд Мирзо Шайх Абдулло Барлосдан ажралиб, Убож орқали юриб Ҳурносонга — Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига жўнайди. Шайх Абдулло Барлос эса Шахрисабзга кетади.

Султон Ҳусайн Бойқаро Султон Маъсуд Мирзони яхши кутиб олади ва ўз қизларидан бирини бериб, ўзига куёв қилмоқчи бўлади. Бироқ Хусравшоҳнинг укаси Боқи Чагониёний Султон Ҳусайн Бойқаронинг саройида хизматда эди. Султон Маъсуд Мирзо ана шу кишининг қутқуси билан Султон Ҳусайн Бойқаронинг рухсатисиз Ҳурносондан қочиб, Хусравшоҳнинг олдига боради. Айни шу пайтда Улугбек Мирзо Кобулий (соний)нинг ўғли Мироншоҳ Мирзо отаси билан низолашиб, Ҳазорага келиб, у ерда ҳам эътиқодсизлик қилиб, туроғламай, у ҳам Хусравшоҳ олдига борган эди. Хусравшоҳ Ҳисордан Бойсунгур Мирзони ҳам чақиритириб келтиради. Баъзи бир калта ўйловчи беклар, ҳар учала шаҳзодани ўлдириб, хутбани Хусравшоҳ номига ўқилишини маслаҳат берадилар. Аммо Хусравшоҳ қабул қилмайди ва ўзи ёшлигидан тарбиялаб ўстирган Султон Маъсуд Мирзони ушлатиб, оёқ-қўлини боғлаб, кўзига мил тортиради.

Шундан сўнг, Султон Маъсуд Мирзонинг бир неча эмикдош, қариндош ва яқин кишилари Мирзони Самарқандга — укаси Султон Али Мирзонинг олдига олиб бориш ниятида йўлга чиқиб, Шахрисабзга келиб тушадилар. Бироқ Султон Али Мирзонинг Султон Маъсуд Мирзога нисбатан нияти яхши эмаслигини эшитгач, Шахрисабздан қочиб, Чоржўй орқали юриб, Султон Ҳусайн Бойқаро мамлакати — Ҳурносонга борадилар. Султон Ҳусайн Бойқаро Султон Маъсуд Мирзони аввалгидек эҳтиром билан қабул қилиб, Попо Оғача номли хотинидан туғилган Бегим Султон исмли қизини Мирзога никоҳлаб беради. Султон Маъсуд Мирзодан бир ўғил ва бир қиз туғилади. Қизини Султон Ҳусайн

Бойқаронинг хотини Опоқ бегим тарбиялайди. Султон Маъсуд Мирзони шайбонийлар ўлдиргач, қиёни Ҳиротдан Кобулга келади ва Сайид Мирзо Опоққа никоҳланади. Бегим Султон эса ўғлини олиб Каъбатуллога кетади.

БОЙСУНГУР МИРЗО Султон Маҳмуд Мирзонинг иккинчи ўғли бўлиб, 1477 йилда Ҳисорда туғилган. Онаси Пошшо бегим эди.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирzonинг таърифлашича, Бойсунгур Мирзо катта кўзлик, юмалоқ юзлик, ўрта бўйлик, туркман чекралик, малоҳатлик йигит бўлган. У анча одми, хуштабиатли, адолат ва фазилатли шаҳзода бўлган. Унинг устози Сайид Маҳмуд шиа мазҳабига мансуб бўлганлиги туфайли Бойсунгур Мирзо кўп маломатларга қолган эди. Кейинчалик Мирзо Самарқандда ҳуқмронлик қилган даврида шиа мазҳабидан воз кечиб, сунна мазҳабига иқтидор қилгани ҳақида маълумотлар бор. Майга анча майли бор бўлиб, май ичмаган вактларида намоз ўқиркан. Сажовати ва инъоми ўрта даражада эди. Настаълик хатини анча яхши ёзар, газални ҳам яхши айтарди. «Одилий» тахаллус қилур эди. Газаллари девон тартиб беришга оалик қиласиди. Самарқанднинг деярлик ҳар бир ўида Бойсунгур Мирzonинг газаллари ардоқлаб сакланарди.

Султон Маҳмуд Мирзо Бойсунгур Мирзога Бухоро вилоятини берган эди. Султон Маҳмуд Мирзо вафот этганда Бойсунгур Мирзо Бухорода эди. Сарой аъёнлари машварат қилиб, Бойсунгур Мирzonи Бухородан чорлаб келтириб Самарқанд таҳтига ўтқазадилар. Бухорода тархонлар исёни бошлангунга қадар Бухоро вилояти ҳам Бойсунгур Мирзо тасарруфида эди.

Шу фурсатда, яъни 1494 йилда Султон Маҳмудхон Султон Жунайд барлоснинг қутқуси ва Самарқанднинг баъзи бир улуугларининг маслаҳати билан Самарқандни забт қилиш фикрида Канбой навоҳийсига келади. Самарқанддан Бойсунгур Мирзо катта кўшин билан чикиб, Канбoidа Султон Маҳмудхон кўшини билан жанг қилиб, голиб чиқади. Уч-тўрт минг мўгулларнинг калласини кесишга буюради. Бу жангда Султон Маҳмудхоннинг энг ишончли кишиси ва маслаҳатчиси Ҳайдар Кўкалтош ҳалок бўлади.

1496 йил май-июн ойлари Самарқандда тархонларнинг исёни даром этарди. Мазкур исёнга сабаб, Бойсунгур Ҳисор беклари ва кўшин бошликлари билан

жуда яқин алоқада бўлиб, Самарқанд ва бошқа ерлик беклар билан унчалик иноқ эмас эди. Шунингдек, Шайх Абдулло барлос улуғ ихтиёри бек даражасида бўлиб, унинг ўғиллари Бойсунгур Мирзонинг энг яқин кишиларига айланган эдилар. Табиийки, бундан тархон беклари ва Самарқанд беклари қаттиқ ранжиган эдилар.

Дарвеш Муҳаммад тархон Бухородан келиб, Қаршидан Султон Али Мирзони олиб келиб, подшоҳ деб эълон қиласиди. Бойсунгур Мирзо Самарқанднинг Богинавида эди. Дарвеш Муҳаммад тархоннинг одамлари Богинавга бориб, Бойсунгур Мирзони ушлаб, йигитларидан айириб, аркка олиб келадилар. Султон Али Мирзо билан Бойсунгур Мирзони бир жойга ўтқазадилар. Кеч намоз асрга яқин Бойсунгур Мирзони Кўк саройга чиқаришга (қатл Кўк саройда бўларди) қарор қиласидилар. Бойсунгур Мирзо тахорат қилиш баҳонаси билан Бўстон саройнинг шарқи-шамол тарафидаги иморатлардин бирига киради. Эшик олдида тархонлар қорувулда турадилар. Бойсунгур Мирзо уй ичига киргач, уйнинг юқори қисимида орқа майдонга чиқадиган эшик бўлиб, эшик устидан гишт териб девор қилинганини кўради. Бойсунгур Мирзо дарҳол деворни бузиб, майдонга чиқиб, сув омбордан ўтиб, сарой деворидан ошиб қочади. Бойсунгур Мирзо Хожа Кафширга Хожака Хожанинг хузурига қочиб боради.

Эртаси тархон беклари йигилишиб Хожака Хожанинг хузурига борадилар. Хожа шаҳзодани тархон бекларига бермайди. Тархон беклари куч ишлатиб олиш мумкин эмаслигига кўзлари етгач, ноилож қайтиб кетадилар. Чунки Хожанинг обрўси жуда катта эди. Бир-икки кундан сўнг Хожа Макорим, Аҳмад Хожибек ва яна баъзи бир беклар, бегимлар, кўшинлар ҳамда шаҳар халқи тархон бекларига ҳужум қилиб, Султон Али Мирзо бошлиқ тархон бекларини аркка қамаб, Бойсунгур Мирзони Хожанинг уйидан олиб келадилар.

Бойсунгур Мирзони Аҳмад Хожибекнинг уига олиб кириб хузурига Дарвеш Муҳаммад тархонни олиб келадилар. Бойсунгур Мирзо Дарвеш Муҳаммад тархондан бир-икки оғиз сўз сўрайди. У эса муносиб жавоб беролмайди. Бойсунгур Мирзо уни ўлимга ҳукм қиласиди. Дарвеш Муҳаммад тархон кўркиб кетганидан айвон устунини маҳкам қучоқлаб олади. Уни ўша ердаёқ қатл қиласидилар. Бойсунгур Мирзо ўз укаси Султон Али

Мирзони Кўк саройга чиқариб, кўзига мил тортишга фармон беради.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Кўк сарой ҳақида шундай ёзади: «Темурбек солғон олий иморатлардин бири Кўк саройдурким, Самарқанднинг аркида воқеъ бўлибтур. Ажаб ҳосиятлиқ имораттур. Темурбек авлодидан ҳар ким бош кўтариб таҳтқа ўртурса ҳам мунда ўлтирур, ҳар ким таҳт дояси била бош қўйса ҳам мунда қўяр, ҳаттоқим, қинояти бўлуб эдиким, фалон подшоҳзодани Кўк саройга чиқардилар, яъни ўлтурдилар».

Фармонга мувофиқ, Султон Али Мирзони Кўк саройга чиқариб кўзларига мил тортадилар. Жаллоднинг хоҳиши биланми ёки наштарнинг хато кетишиданми, ҳарқалай, Султон Али Мирзонинг кўзига зарар етмайди. Аммо Султон Али Мирзо бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса демайди ва ўзини кўрликка солиб, икки-уч кундан сўнг Бухорога — тархон беклари ёнига қочиб кетади.

Мана шу баҳона билан, машҳур Ҳожа Убайдулло ўғиллари орасига нифоқ тушади. Уларнинг каттаси Ҳожака Ҳожа шаҳзода Бойсунғур Мирзони, кичиги Ҳожа Яҳё эса шаҳзода Султон Али Мирзони ўз ҳимояларига оладилар. Бир неча кундан сўнг Ҳожа Яҳё ҳам Бухорога кетади.

Бойсунғур Мирзо қўшин тортиб, Султон Али Мирзога қарши юради. Султон Али Мирзо ҳам тархон беклари бошлилигида катта қўшин тўплаб, Бухоро яқинида Бойсунғур Мирзо билан жанг қиласди. Уруш кўпга чўзилмай Бойсунғур Мирзонинг маглубияти билан тугайди. Урушда Аҳмад Ҳожибек ва яна бир неча беклар кўлга тушадилар. Уларнинг кўпчилиги қатл қилинади. Аҳмад Ҳожибекни эса Дарвеш Муҳаммад тархоннинг хуни эвазига шармандаларча ўлдирадилар.

Бойсунғур Мирзога қарши Султон Али Мирзо Самарқандга қўшин тортади. Бу хабар Андижонга Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзога етгач, 1496 йил июн ойида Самарқанд таҳтига даъво қилиб, қўшин тортиб келади. Шу аснода Ҳисордан Султон Маъсуд Мирзо ҳам қўшин билан Шахрисабзга келади. Самарқандни уч тарафдан уч шаҳзода 3-4 ой давомида қамал қиласдилар. Ниҳоят Ҳожа Яҳё Султон Али Мирзо тарафидан вакил бўлиб, Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳузурига келиб, сулҳ ва ҳамжиҳатликни ўргага ташлайди.

Битимга мувофиқ Сугд тарафидан Захириддин

Мұхаммад Бобур Мирзо, нариги тарафидан Султон Али Мирзо келиб, Күжак сувидан ўтиб, от устида бир-бirlари билан күришадилар. Улар «ёзда яна келип Самарқандни қамал қиласыз», — деган битимга келишишгач, Зақириддин Мұхаммад Бобур Мирзо Андижонга, Султон Али Мирзо Бухорога қайтиб кетадилар. Чунки қиши яқинлашиб қолған зди.

Ана шу битимга мувоғиқ, 1497 йил май ойида Зақириддин Мұхаммад Бобур Мирзо Андижондан құшин тортиб, Самарқандга юради.

Самарқанд ҳукмдори Бойсунгур Мирзо душманга якка ўзи дош беролмаслигига күзи етгач, Шайбонийхондан ёрдам сұраб, Туркистонга элчилар юборади. Шайбонийхон қулай фурсатдан фойдаланиш мақсадида тезлик билан құшин тортиб, Самарқандга етиб келади ва Бобур Мирзо құшини билан түқнашади. Бироқ ҳеч бир иш чиқараолмай орқага чекинади. Бойсунгур Мирзо эса кутган мақсади рүёбга чиқмагач, Шайбонийхонга нисбатан етарлик әктиром өткізу үшін күрсатмайди. Бобур Мирзодан енгилгап, Бойсунгур Мирзодан илти-фотсизлик күрган Шайбонийхон аламзадалик билан Туркистонга қайтиб кетади.

Шундан сүңг Бойсунгур Мирзо етти ой қамални бөшідан кечиради. Нихоят шаҳарда очарчилик бошланади. Сабр косаси түлгап Бойсунгур Мирзо очликдан тінкаси қуриған уч-түрт юз құшини билан Самарқандни ташлаб чиқиб, Қундузға — Хусравшох құзурига қараб кетади. Бойсунгур Мирзо Термиз навохийсіда Амударёдан кечеңтінде Термиз ҳокими Сайид Ҳусайн Акбар, уни асир олишга ҳаракат қиласы. Сайид Ҳусайн Акбар Султон Маъсуд Мирзонинг авлоди ва энг яқин, ҳұрматли кишиси зди. Бойсунгур Мирзо эпчиллик билан сувдан кечиб ўтади. Аммо унинг барча мол-мулки ҳамда бир неча мұътабар кишилари Сайид Ҳусайн Акбар құлида асирликда қоладилар.

Хусравшох Бойсунгур Мирзони яхши кутиб олади. 1498 йилда Хусравшох билан Бойсунгур Мирзо ҳийла ишлатиб, Чагониённи босиб оладилар. Шундан сүңг Ҳисор ҳукмдори Султон Маъсуд Мирзога ҳийла ишлатиб, ёлғон мактублар ёзиб, Ҳисор қалъасини босиб оладилар. Султон Маъсуд Мирзо Ҳисордан чиқиб, ўз яқин кишиларини олиб, Султон Ҳусайн Бойқаро құзурига — Хурсонга қочиб кетади.

1499 йили Ҳусравшох Балх устига құшин тортишни үйлаб, Бойсунгур Мирзони Ҳисордан чақыртириб кела-

ди ва Балх устига юриш бошлайди. Қўшин Уёж мавзеъига етганда, Ҳусравшоҳнинг феъли бузилиб, тахтигирлик васвасасига учраб, Бойсунгур Мирзони бир неча беклари ва яқин кишилари билан бирга бандга солади. 1499 йил 17 августда Бойсунгур Мирzonинг бўйнига чилвир солиб, бўгиб ўлдиради. Бекларидан ва яқин кишиларидан бир нечасини қатл қилдиради. Бойсунгур Мирзо 24 ёшида шаҳид бўлади.

Бойсунгур Мирзо ўз ҳукмронлик йилларида бирор кишини тарбиялаб юқори мансабга ёки беклик мартабасига чиқараолмаган эди. Унинг ёнидаги беклар ва амалдорлар унинг учун жон куйдирадиган кишилар эмас эдилар.

Бойсунгур Мирзо Самарқандни Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога олдириб, Ҳусравшоҳнинг паноҳига қочиб боргандан сўнг, амакиси Султон Ҳалил Мирzonинг қизига уйланган эди. Бойсунгур Мирзодан мутлақо авлод қолмаган. Канизак ва чўрилари ҳам йўқ, бошқа хотини ҳам бўлмаган.

СУЛТОН АЛИ МИРЗО Султон Маҳмуд Мирzonинг учинчи ўғли бўлиб, 1483 йилда туғилган. Онаси Зухра бегим эди.

Султон али Мирзо отаси Султон Маҳмуд Мирзо вафотидан сўнг Қарши вилоятига ҳоким бўлиб, кейинчалик Бухорони акаси Бойсунгур Мирзодан тортиб олган эди. 1497 йил декабрда Бойсунгур Мирзодан Самарқандни Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо тортиб олади. Бироқ Самарқандда етти ойлик қамалдан сўнг қаттиқ очарчилик бошланиб, қўшин учун озиқовқат топилмас, от-улов учун ем-хашак масаласи ҳам душвор эди. Ана шундай мушкул вазиятда, Бобур Мирzonинг ота мерос шаҳри Андижон ҳам душман кўлига ўтиш хавфи бор эканлиги ҳакида хабар келади. Бобур Мирзо Андижонни кўлда сақлаб қолиш учун қолган қўшинни йигиб, Самарқандга ўз бекларидан бирини қўйиб, Андижонга юради. Шундан сўнг Султон Али Мирзо 1498 йил феврал-март ойida Самарқандни ишғол қиласди.

1499 йилда Султон Али Мирзо билан Мазид тархоннинг орасида низо вужудга келади. Чунки тархонлар Бухорода жуда катта эътиборга ва эҳтиромга молик эдилар. Бухоро вилоятини Вали тархон ўз кўлига олган ва вилоятдан тушидиган даромаднинг ақалли белгиланган олтидан бир улушини ҳам хазинага тўламас эди. Муҳаммад Мазид тархон эса Самарқандда ҳоки-

ми мутлақ эди. У Самарқанд ва унинг атрофидаги мулкларни ўз ўғиллари, қариндош-уруглари ва яқин кишилари ихтиёрига бериб қўйган эди.

Султон Али Мирзо таҳтга муқим ўрнашиб олгач, Муҳаммад Мазид тархонга қарши сиёsat юрита бошлайди. Ҳукмдорнинг мақсадини тушунган Муҳаммад Мазид тархон барча уруғлари, яқинлари, навкарлари ҳамда беклардан Султон Ҳусайн аргун, Пир Аҳмад аргун, Ҳожа Ҳусайн, Узун Ҳасанинг иниси Қаро барлос, Солиҳ Муҳаммад ва яна баъзи йигитлари билан шаҳардан чиқиб кетади.

Айни шу пайтда Султон Маҳмудхон ўз жияни Хон Мирзо ибн Султон Маҳмуд Мирзо бошчилигида Муҳаммад Ҳусайн дуғлат, Аҳмадбек ва яна бир неча мўғул бекларини қўшин билан таъминлаб (Хон Мирзо Султон Али Мирзонинг укаси). Самарқандни забт этиш учун жўнатади. Муҳаммад Мазид тархон бир неча одамни Хон Мирзо ҳузурига юбориб (Хон Мирзони Мирзохон ҳам дердилар), уларни таклиф қиласи ҳамда ўзи Шавдор навоҳийсига келиб, Мирзохонни зиёрат қиласи, мўғул беклари билан учрашади. Аммо Муҳаммад Мазид тархон мўғул беклари билан муроса қилаолмайди. Мўғул беклари Муҳаммад Мазид тархонга ёрдам бериш уёқда турсин, балки уни ушлаб қолишга ҳаракат қиласидилар. Буни сезган Муҳаммад Мазид тархон ўз одамларини олиб, мўғуллар қароргоҳидан қочиб кетади. Шундан сўнг мўғуллар ҳам орқага қайтиб, йер айлоққа келганларида Султон али Мирзо кичик қўшин билан Самарқанддан чиқиб, Хон мирзо бошлиқ мўғул қўшинига хужум қилиб, тор-мор қиласи.

Шу воқеадан сўнг Муҳаммад Мазид тархон Абдуваҳоб исмли мўғулни Андижонга — Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳузурига жўнатади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо дарҳол қўшин тортиб Самарқанд илинжида йўлга тушади. Бироқ Дарғомга етганда Шайбонийхоннинг Бухорони олиб, Самарқанд томон юргани ҳақидаги хабарни эшлитиб, қўшинни Шахрисабзга олиб боради. Чунки Самарқанд бекларининг кўпчилигини кўчлари шу ерда эди. 1500 йилда Султон Али Мирзо Самарқандни Шайбонийхонга топширибди, деган овозалар тарқайди. Бу хабар бежиз эмас эди. Султон Али Мирзонинг онаси Зухрабегим нодонлик ва беакллик юзасидан Шайбонийхонга махфий равишда мактуб йўллаб: «Агар Шайбонийхон менга уйлансалар, ўғлим Султон Али мирзо Самарқандни хон ҳазратлари-

га топширгай, Хон ҳазратлари Самарқандни олганлари-дан сўнг, уни (Самарқандни) инъом тарзида яна Султон Али Мирзога қайтарсалар»,— дейди.

Шайбонийхон Зуҳрабегимнинг ватъасига мувофиқ Боги майдонга келиб ўрнашади. Зуҳрабегим ўғли Султон Али Мирзонинг бошини айлантириб, ўз режаси-га кўндиради. Султон Али Мирзо аркони давлатидаги ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, бир неча катта-кичик яқин кишилари билан бирга Самарқанднинг Чорраҳа дарвозасидан чиқиб, Боги майдонга Шайбонийхон хузурига боради. Шайбонийхон Султон Али Мирзога илтифот қилмайди ва ўтириш учун пастроқдан жой кўрсатади.

Султон Али Мирзони Шайбонийхон хузурига кетганини эшитган Хожа Яҳё қаттиқ изтиробга тушади. Мирзони қутқариб қолиш йўлини тополмагач, ўзи ҳам Шайбонийхон хузурига боради. Шайбонийхон Хожа Яҳё билан ўтирган жойида кўришади ва бир неча калима аччиқ кинояли сўзларни айтади. Хожа Яҳё ўрнидан туриб кетишга жазм қилгач, Шайбонийхон ўрнидан туриб Хожа Яҳёга таъзим қиласди.

Зуҳра бегим ўзининг эрга тегиш ҳаваси билан ўглининг хонумонини барбод қиласди. Шайбонийхон Зуҳра бегимга парво ҳам қилмайди, ақалли қанизак ёки чўри ўрнида ҳам назарига илмайди. Султон Али Мирзо ҳам қилган ишидан ҳайрон ва шаҳардан чиққанига пушаймонда эди. Султон Али Мирzonинг баъзи бир яқин кишилари Шайбонийхоннинг кайфиятидан хаво-тирланиб, Мирзони олиб қочиш фикрига тушадилар. Лекин Султон Али Мирзо рози бўлмайди. Султон Али Мирзо Темур Султон назорати остида эди. 1500 йил Султон Али Мирзони Қўлба яланглигига олиб чиқиб, қатл қиласдилар.

Султон Али Мирзо қатл қилингач, Шайбонийхон Хожа Яҳёга икки ўғли Хожа Муҳаммад Зикриё ва Хожи Боқи билан Хурросонга кетиш учун ижозат беради. Бироқ Хожа Яҳё икки ўғли билан йўлга чиқиб, Корузан навоҳийсига етишганда, орқадан ўзбеклар бориб, учаласини ҳам шаҳид қиласдилар. Шайбонийхон Хожа Яҳёни очиқ майдонда қатл қилдиришдан чўчирди. Бинобарин, Хожани маҳфий равишда йўқотишга ҳаракат қиласди.

СУЛТОН ҲУСАЙН МИРЗО Султон Маҳмуд Мирзо-нинг тўртинчи ўғли бўлиб, 1481 йилда туғилган. Онаси Мир Бузрукнинг набираси Хонзода бегим эди. Султон

Ҳусайн Мирзо Үратепа вилоятида ҳоким эди. 1493 йилда отасининг ҳаётлик давридаёқ, 13 ёшида вафот этган.

СУЛТОН ВАЙС МИРЗО Султон Маҳмуд Мирзонинг бешинчи ўғли бўлиб, 1485 йилда тугилган. Онаси Юнусхон қизи Нигор хоним эди.

Султон Вайс Мирзо отаси Султон Маҳмуд Мирзо вафотидан сўнг, тоғаси Тошкент хони — Султон Маҳмудхоннинг саройида истиқомат қиласади.

1500 йилда Самарқандда Султон Али Мирзо билан Муҳаммад Мазид тархон ўртасида низо чиқиб, Муҳаммад Мазид тархон Самарқанддан қочиб чиққан чогда, Султон Маҳмудхон жияни Султон Вайс (Мирзон) Мирзога Муҳаммад Ҳусайн дуғлат, Аҳмадбек ва бир неча мўгул бекларини ҳамроҳ қилиб, катта қўшин билан Самарқанд устига — Султон Али Мирзога қарши жўнатган эди.

Муҳаммад Мазид тархон Шавдор навоҳийсига келиб, Султон Вайс Мирзони зиёрат қилгач, Султон Али Мирзога қарши курашда ёрдам беришини сўрайди. Аммо мўгул беклари Муҳаммад Мазид тархон ва унинг беклари билан чиқишаолмайдилар. Аксинча Муҳаммад Мазид тархонни тутиб йўқ қилиш пайига тушадилар. Қалтис вазиятни сезган Муҳаммад Мазид тархон Султон Вайс Мирзо лашкаргоҳидан хуфиёна чиқиб қочади. Улар кетгач, мўгул қўшинлари ҳам орқага қайтиб Ёр яйлоққа келиб, истироҳат учун тўхтайдилар. Шу аснода Самарқанддан Султон Али Мирзо оз сонли қўшин билан етиб келиб, мўгул қўшинини босади. Мўгул қўшини душман зарбасига дош беролмай ҳар томонга пароканда бўлиб кетади. Султон Вайс Мирзо ҳам ноумид бўлиб, Тошкентга қайтади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Кобулни ўз таҷарруфига киритгач, Султон Вайс Мирзо онаси Нигорхоним билан бирга Бобур Мирзо мулозаматига келган эди. Зотан, Султон Вайс Мирзо Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога ота томонидан амакивачча, она тарафидан холавачча эди.

1506 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Султон Ҳусайн Бойқаро руҳига фотиҳа ўқимоқ учун Кобулдан Ҳурносонга жўнагач. Кобул тахтига Султон Вайс Мирзони ўтқазибдилар, деган хабарни эшитади. Шундан сўнг Бобур Мирзо Кобулни бир ҳамла билан қўлга киритиб, Мирзохонни қидиртиради. Мирзохон кўрққанидан онаси Нигорхонимнинг уйига кириб.

бекиниб олади. Уни тутиб Бобур Мирзо ҳузурига келтирадилар. Бобур Мирзо Мирзохоннинг гунохини кечирган ва холасининг кўнгли учун аввалгидек муомалада бўлган экан. Кейинчалик Мирзохоннинг Хуросонга кетишига рухсат берган. 1507 йилда Бобур мирзо Мирзохонни Бадахшонга ҳоким қилиб жўнатади. 1526 йилда Мирзохон (Султон Вайс Мирзо) Бадахшонда вафот этади.

СУЛАЙМОН МИРЗО Мирзохоннинг (Хон Мирзо) ўғли бўлиб, 1514 йилда тугилган. Мирзохон Бадахшонда вафот этгач, 1526 йилда Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо, Сулаймон Мирзони отасининг ўрнига — Бадахшонга ҳоким қилиб тайинлайди. Сулаймон Мирзо Ҳумоюншоҳ даврида ҳам Бадахшонда барқарор қолади.

Сулаймон Мирзо табиатан хушфеъл, ҳазил-мутойибага мойил киши бўлган. У «Зукко» тахаллуси билан форсча ва туркча газаллар битган. Сулаймон Мирзонинг мижози бир оз заифроқ бўлиб, ҳарамидаги хотинлари орасида унчалик обрў-эътиборга сазовор бўлмаган. Унинг хотинлари орасида энг забардаст, тадбиркор ва оқиласи Ҳарам бегим исмли хотин эди. У кўлоблик Султон Вайснинг қизи бўлиб, Сулаймон Мирзонинг макр-ҳийласига учиб, унинг никоҳига кириб қолган эди.

Ҳарам бегим давлат ишларига фаол аралашар ва кези келганда салтанатни бошқарар эди. У эрининг асосий маслаҳатчиси ва раҳнамоси эди. Сулаймон Мирzonинг Ҳарам бегимдан Иброҳим Мирзо номли ўғли бўлиб, ота-бала Бадахшонда ҳукмронлик қилардилар.

Сулаймон Мирзо Ҳумоюншоҳ вафотини эшитгач, ўғли Иброҳим Мирзо билан биргаликда 1556 йилда Кобулни босиб олиш қасдида қўшин тортиб келиб, шаҳарни тўрт ой давомида қамал қиласи. Бироқ Акбаршоҳ ўз тарафидан бир неча саркардаларни Кобул ҳукмдори — укаси Муҳаммад Ҳаким Мирзога ёрдам учун юборади. Сулаймон Мирзо кўмак келаётган хабарини эшитгач, Кобулни қамалдан бўшатиб, ноумид бўлиб Бадахшонга қайтиб кетади.

1559 йилда Сулаймон Мирзо қандайдир васваса билан Балхни забт қилиш орзусида қўшия тўплаб, ҳарбий юриш бошлайди. Балх ҳукмдори ўзбек Пир Муҳаммад Сулаймон Мирзо қўшинини тор-мор келти-

ради. Жангда Сулаймон Мирзонинг ўғли Иброҳим Мирзо душман тарафидан асирга олинади. Сулаймон Мирзо эса Бадахшонга қайтиб кетади. Ўша йили Пир Муҳаммад Иброҳим Мирзони қатл қилдиради.

Сулаймон Мирзо Балхни забт этолмагач, яна Кобулни босиб олиш ҳаракатига тушади. 1563 йилда Кобулда Абдулмаоли фитнаси вужудга келгач, Қобул ҳукмдори Муҳаммад Ҳаким Мирзо Сулаймон Мирзодан кўмак истаб, злчи юборади. Сулаймон Мирзо фурсатдан фойдаланиб, дарҳол қўшин билан Кобулга етиб қелиб, Абдулмаоли қўшинини мағлубиятга учратиб, ўзини асирга олади. Шу йили апрел ойида Муҳаммад Ҳаким Мирзо ва Сулаймон Мирзолар тантана билан Кобулга кирадилар. Сулаймон Мирзо ўз қизини Муҳаммад Ҳаким Мирзога никоҳлаб беради.

Сулаймон Мирзо Кобулдан Бадахшонга қайтаётиб, ўзининг ишончли бекларидан бир нечасини Кобул, Газна ва бошқа шаҳарларга қўйиб кетади. Ўзи Бадахшонга етиб боргач, у ердан яна бир неча бекларни Кобулга жўнатади. Мазкур беклар Кобулда сарой тўнтишини вужудга келтиришлари лозим эди.

Аммо Сулаймон Мирзонинг машъум ниятидан воқиф бўлган Кобул беклари воқеани Муҳаммад Ҳаким Мирзога хабар қиласидилар. Муҳаммад Ҳаким Мирзо фармонига мувофиқ Бадахшон беклари қўлга олинадилар. Улардан айримлари қочиб Бадахшонга бориб, Сулаймон Мирзо ҳузурида воқеани баён қиласидилар. Сулаймон Мирзо газаб отига миниб, қўшин тортиб Кобулга келади. Бу хабарни эшитган Муҳаммад Ҳаким Мирзо Кобул мудофаасини ишончли беклардан бири Боки Коқшолга топшириб, ўзи Пешоварга — акаси Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ ҳузурига кетади. Сулаймон Мирзо Муҳаммад Ҳаким Мирзони Жалолободгача қувлаб боради, аммо тутаолмай орқага қайтади.

Акбаршоҳ укаси Муҳаммад Ҳаким Мирзодан воқеани эшитгач, Кобулга катта қўшин жўнатади. Акбаршоҳ қўшинига бардош бераолмаслигига кўзи етган Сулаймон Мирзо Кобулни ташлаб Бадахшонга қайтиб келади. Кобул яна Муҳаммад Ҳаким Мирзо тасарруфидаголади.

Акбаршоҳ Мир Муҳаммадхонни Муҳаммад Ҳаким Мирзога отабек қилиб тайинлайди. Бироқ Муҳаммад Ҳаким Мирзонинг ноиттифоқлиги туфайли кўп ўтмасдан Мир Муҳаммадхон Кобулни ташлаб, Акбаршоҳ саройига қайтиб кетади. Шундан сўнг Кобулда

Мұхаммад Ҳаким Мирзо мустақил ҳукмрон бўлиб қолади.

1565 йил Сулаймон Мирзо Кобулда Мұхаммад Ҳаким Мирзонинг ёлгиз қолганини билгач, яна қўшин тўплаб тўртинчи марта Кобулга қараб юради. Бу хабарни эшитган Мұхаммад Ҳаким Мирзо Кобулга ўзининг ишончли кишиси Маъсумхонни қўйиб, ўзи Шакар дарага кетади. Сулаймон Мирзо Кобулни қамал қиласи. Бироқ, Маъсумхон Кобул мудофаасини яхши уюштирганлиги туфайли, Сулаймон Мирзо Кобулни ололмай, макр-хийла йўли билан Мұхаммад Ҳаким Мирзони қўлга туширишга ҳаракат қиласи. Аммо Мұхаммад Ҳаким Мирзо бу ҳийладан воқиф бўлиб, Жалолободга қочади. У ердан Пешоварга бориб, Акбаршоҳни мажародан хабардор қиласи. Акбаршоҳ укасининг ихтиёрига Панжоб қўшинини юборади. Бироқ қиши яқинлашиб қолгани туфайли Сулаймон Мирзо Кобулни ололмай Бадахшонга қайтиб кетади.

Сулаймон Мирзо Кобулни олиш ниятига тўртинчи марта ҳам эришаолмагач, ўз қўл остидаги бек ва амалдорларига нисбатан ишончсизлик билдириб, уларни мансаб ва лавозимларини ўзгартира бошлайди. Жумладан Қундуз ҳокими Мұхаммад Қулининг ўрнига Ҳожи Туманбегини тайинлайди. Шундан сўнг бек ва амалдорлар Сулаймон Мирзодан қочиб, Ҳожи Туманбеги томонига ўтадилар. Мұхаммад Қули эса исён қутарди.

Сулаймон Мирзонинг ўғли Иброҳим Мирзо Мұхтарама бегим номли аёлга уйланган эди. Мұхтарама бегим илгари Комрон Мирзонинг хотини эди. Комрон Мирзо вафотидан сўнг Иброҳим Мирзо никоҳига кирган эди. Мұхтарама бегимнинг Иброҳим Мирзодан Шоҳруҳ Мирзо исмли ўғли бор эди.

Сулаймон Мирзога қарши Мұхаммад Қули бошчилигига сарой аъёнлари исён қўтаришгач, Мұхтарама бегим ҳам етти ёшли Шоҳруҳ Мирзо билан бирга исёнчилар томонига ўтади. Сулаймон Мирзо исённи даф этишга ҳаракат қилиб, Қундузни 40 кун қамал қиласи. Натижада Мұхаммад Қули қайтадан Қундуз ҳокими этиб тайинланади.

Бироқ кўп ўтмай Мұхаммад Қули Шоҳруҳ Мирзони Бадахшон таҳтига ўтқазиш учун яна исён қўтаради. Сулаймон Мирзо Қундузга ҳужум қилиб, Мұхаммад Қулини енгади. Қундуз қўлдан кетгач, Мұхтарама бегим ўғли Шоҳруҳ Мирзони олиб, Ҳиндикуш томон

юради ва Андаробни қўлга киритадилар. Сулаймон Мирзо невараси Шоҳруҳ Мирзо кетидан қувиб бориб, уни тор-мор қелтиради. Шоҳруҳ Мирзо онаси билан қочиб кетаётib, муҳофазасиз қолган Қундуз қалъасига кириб, қалъани ҳеч бир қаршиликсиз қўлга олади. Қалъадаги барча мол-мулк Шоҳруҳ қўлига ўтади. Шундан сўнг Сулаймон Мирзо невараси Шоҳруҳ Мирзо билан битим имзолашга ва битимга мувофик, Шоҳруҳ Мирзонинг отаси Иброҳим Мирзога тегишли бўлган ерларни қайтариб беришга мажбур бўлади. Лекин бир оз вақт ўтгач, Шоҳруҳ Мирзо Толқонга ҳужум қилади. Айни вақтда ҳокимият иккига бўлингач, Сулаймон Мирзонинг аввалги ҳарбий кучи қолмаган, бинобарин невараси Шоҳруҳ Мирзога қарши курашмоққа қурби етмас эди. Бинобарин, муқаддас жойларни зиёрат қилиш баҳонасида Бадахшонни Шоҳруҳ Мирзога ташлаб кетади.

Сулаймон Мирзо куёви Кобул ҳукмдори Муҳаммад Ҳаким Мирзо ҳузурига боради. У эса Сулаймон Мирзони Пешоварга жўнатади. Сулаймон Мирзо Пешовардан Аграга — Акбаршоҳ мулозаматига боради. Акбаршоҳ Сулаймон Мирзони яхши кутиб олади ва Бадахшонни унга қайтариб олиб беришга ваъда қилади.

Лекин кўп ўтмай Акбаршоҳ саройига Шоҳруҳ Мирzonинг вакиллари келадилар. Қизиги шуки, Акбаршоҳ Шоҳруҳ Мирзо элчиларини ҳам жуда яхши кутиб олади ва Шоҳруҳ Мирзони Бадахшон ҳокими деб, тан олади. Албатта, бу ерда Акбаршоҳ узоқни ўйлаб иш тутган бўлиши мумкин. Зотан, айни пайтда Бухоро ҳукмдори Абдуллахон Бадахшонга кўз тикиб турар ва кулаг фурсатни кутарди. Агар Акбаршоҳ Шоҳруҳ Мирзони қўллаб-кувватламаса, у ҳолда Шоҳруҳ Мирзо Абдуллахондан ёрдам сўраши ва натижада Бадахшон Бухоро таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли бор эди.

Шу воқеадан сўнг, алданганини сезган Сулаймон Мирзо 1575 йилда Макка зиёратига жўнаб кетади. Маккада беш йил туриб, қайтища Эрон шоҳи Исмоил II ҳузурига келади. У Бадахшонни қайтариб олишда Сулаймон Мирзога ёрдам беришга ваъда беради. Аммо Сулаймон Мирзо Бадахшонга етмасданоқ Исмоил II вафот этади. Сулаймон Мирзо учун эндиликда битта йўл қолган эди. У ҳам бўлса Бухоро ҳукмдори Абдуллахондан ёрдам олиши мумкин эди. Лекин Шоҳруҳ Мирзо бу қўнгилсиз воқеанинг олдини олиш мақсадида бобоси Сулаймон Мирзо билан битим тузган,

деган ривоятлар ҳам бор. Бироқ Ҳофиз Таниш Бухорийнинг берган маълумотига қараганда, Сулаймон Мирзо қуёви Муҳаммад Ҳаким билан бирга икки йил давомида Шоҳруҳ Мирзога қарши жанг қиласидилар. Жангда Сулаймон Мирзо голиб чиқади. 1580 йилда ҳар икки томон сулҳ тузади. Сулҳга мувофиқ Толқондан Ҳиндикушгача бўлган ерлар Сулаймон Мирзо тасарруфига киради. Натижада, Бадахшонда яна қўш ҳокимият вужудга келади.

Аммо Сулаймон Мирзо билан Шоҳруҳ Мирзо ўртасидаги кураш маэкур сулҳ билан тинчимади. Улар орасидаги низо кундён-кунга чуқурлашиб, қонли тўқнашувларга сабаб бўларди.

«Мирот ул-Оlam»да ёзилишича, 1584 йилда Шоҳруҳ Мирзо бобосидан енгилиб, Акбаршоҳ саройига қочиб келади. Дарвоқеъ, бу жангда Сулаймон Мирзо Бухоро ҳукмдори Абдуллахондан ёрдам олган эди.

Юкорида келтирилган маълумотларга қараганда, бобо билан набира ўртасида тўхтovсиз кураш давом этган. Натижада ҳар икки томоннинг кучсизланиши туфайли Абдуллахон учун қулай фурсат вужудга келган. Зотан, кўп ўтмай Бухоро қўшини Бадахшонга ҳужум қилиб, забт этади. Сулаймон Мирзо билан Шоҳруҳ бирин-кетин ҳокимиятдан маҳрум бўдиб, Аграга — Акбаршоҳ ҳузурига бориб, сизинадилар. Бадахшон учун бўлган урушда бухороликлар Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Муҳаммад Замон Мирзони асирга туширадилар.

Сулаймон Мирзо Ламгонда яшаб, янгидан куч тўплаб, 1587 йилда Толқонга ҳужум қиласиди. Бироқ Балх ҳокими Абдумўминхон Сулаймон Мирзони тормор келтиради. Сулаймон Мирзо Кобулга қайтиб келиб, у ердан Акбаршоҳ саройига бориб, ундан паноҳ излайди. Сулаймон Мирзо Акбаршоҳ саройида икки йил яшаб, 1590 йилда 77 ёшида Лоҳурда вафот этади. Акбаршоҳ Шоҳруҳ Мирзога Мальва ўлкасидан жогир беради.

«Акбарнома» муаллифининг берган маълумотига кўра, Шоҳруҳ Мирzonинг иккинчи ўғли Ҳасан Мирзо Бадахшонда Абдуллахонга қарши курашиб, ҳеч бир иш чиқараолмагач, Ҳинди斯顿га келиб, Акбаршоҳ саройидан бошпанга топади. 1601 йил январ ойида Ҳиндан қочиб Эронга — Шоҳ Аббос ҳузурига боради. Шоҳ Аббос уни Ҳирот ҳокими Ҳусайнхон ихтиёрига юборади. Ҳусайнхон Ҳасан Мирзони қўшин билан таъминлаб

Бадахшонга жүннатади. Ҳасан Мирзо бу сафар ҳам Бадахшонда бирор иш чиқараолмай Ҳазорага қайтиб келади ва Ҳазора қабилаларини ўз орқасидан эргаштириб, Қандаҳорнинг шимолий қисмида исён кўтаради. Қандаҳорнинг Акбаршоҳ томонидан қўйилган ҳокими Шоҳбек Ҳасан Мирзо исёнини бостиради. Ҳасан Мирзо Шоҳбек таъқибидан қочиб, Ҷаҳтарон тогига кетади ва ўша ердан паноҳ топади.

БЕКАБЕГИМ Султон Маҳмуд Мирзонинг Хонзода бегим исмли хотинидан туғилган қизи.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ёзишича, Султон Ҳусайн Бойқаро Султон Маҳмуд Мирзога ҳужум қилиб, Ҳисорни қамал қиласди. Шунда Султон Ҳусайн Бойқаро Султон Маҳмуд Мирзога, агар қизи Бекабегимни келинликка берса, Ҳисор қамалини бўшатиб кетажагини билдиради. Султон Маҳмуд Мирзо бу талабга рози бўлади. Султон Ҳусайн Бойқаро ўзининг Поянда Султон Бегим номли хотинидан туғилган ўғли Ҳайдар Мирзога Бекабегимни ақд қилиб, Ҳисорни қамалдан бўшатиб кетади.

Султон Маҳмуд Мирzonинг Хонзода бегимдан туғилган учинчи қизининг исми Оқбегим эди.

ОЙБЕГИМ Султон Маҳмуд Мирzonинг Хонзода бегимдан туғилган тўртинчи қизи эди.

Султон Ҳусайн Бойқаро Кундуз вилоятига бостириб кирганда, Султон Маҳмуд Мирzonинг укаси Андижон ҳукмдори Умар Шайх Мирзо ўз ўғли Жаҳонгир Мирзони қўшин билан Султон Ҳусайн Бойқарога қарши юборган эди. Ўша пайтда Ойбегим Жаҳонгир Мирзога ақд қилинган эди.

1504 йилда Амударё ёқасида Боқи Чагониёний ўз кўч-кўрони билан Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо мулозаматига келиб қўшилади. Ўша пайтда марҳум Султон Маҳмуд Мирzonинг хотин ва қизлари Термизда эдилар. Улар ҳам Боқи Чагониёний билан бирга келадилар. Бобур Мирзо қўшинлари Коҳимардга етганда Жаҳонгир Мирзо Ойбегимни ўз никоҳига олади. Ойбегим фақат биттагина қиз тугади. Кейинги пайтларда Ойбегимнинг қизи бувиси Хонзода бегим билан бирга Бадахшонда истиқомат қиласди.

ЗАЙНАБ СУЛТОН БЕГИМ Султон Маҳмуд Мирзо-нинг Хонзода бегимдан туғилган бешинчи қизи эди.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР МИРЗО Кобулни олгандан сўнг, онаси Қутлук Нигорхонимнинг қистови билан Зайнаб Султон бегимни ўз никоҳига киритади. Бироқ Зайнаб Султон бегимдан Бобур Мирзонинг кўнгли тўлмайди. Икки-уч йилдан сўнг Зайнаб Султон бегим чечак (обила) касали билан вафот этади.

МАҲДУМА СУЛТОН БЕГИМ Султон Маҳмуд Мирzonинг Зухра бегим исмли хотинидан тугилган қизи эди. Султон Али Мирzonинг синглиси эди. Маҳдума Султон бегим Бадахшонда истиқомат қилган.

РАЖАБ СУЛТОН БЕГИМ Султон Маҳмуд Мирzonинг канизак хотинидан тугилган қизи эди.

МУҲИБ СУЛТОН БЕГИМ Султон Маҳмуд Мирzonинг канизак хотинидан тугилган қизи эди.

МИНУЧЕҲР МИРЗО Султон Муҳаммад Мирzonинг катта ўғли. Султон Абу Сайид Мирzonинг акаси. Минучеҳр Мирзо салтаният тузмаган.

МАЛИК МУҲАММАД МИРЗО Минучеҳр Мирzonинг ўғли эди. Малик Муҳаммад Мирзо амакивачаси Султон Маҳмуд Мирzonинг энг катта қизига уйланған эди. Бу қиз Бойсунгур Мирзо билан бир онадан—Пошибегимдан тугилганди.

1494 йилда Султон Аҳмад Мирзо вафот этиб, ўрнига укаси Султон Маҳмуд Мирзо Самарқанд таҳтига ўтиргач, Малик Муҳаммад Мирзо Самарқанд таҳтига даъвогар бўлиб, қўшин тортиб келади. Ҳолбуки, ҳеч бир ишни уddaрай олмайди ва жангда қайнатаси Султон Маҳмуд Мирзо қўлига асир тушади. Султон Маҳмуд Мирзо куёви Малик Муҳаммад Мирzonи ўз қариндоши эканига ҳам қарамай, Кўк саройга чиқариб, қатл қилдиди.

СУЛТОН МУРОД МИРЗО Абусайид Мирzonинг бешинчи ўғли бўлиб, 1456 йилда Самарқандда тугилган эди. Тарихчи Ҳондамирнинг «Холосат ул—ахбор» асарида ёзилганига қараганда, Султон Абусайид Мирзо бу ўғлига Гармсер ва Қандаҳор вилоятларининг ҳокимлигини инъом қилган эди. Бинобарин, Султон Мурод Мирзо мазкур вилоятларда отаси Султон Абусайид Мирzonинг Ироқда ҳалокатга учрагунига қадар ҳукмронлик қилади.

Султон Абдусайид Мирзо Ироқقا қарши қўшин тортаркан, Султон Мурод Мирзога ҳам ўз қўшини билан Ироқقا етиб боришини таъкидлаб хабар юборади. Султон Мурод Мирзо фармонга мувофиқ йўлга чиқиб Киршонга етганда, отасининг ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабарни эшитади ва Гармсерга қайтиб келади.

1469 йилда Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот таҳтига ўтиргач. Султон Мурод Мирзо ҳукмдор ҳузурига мулозиматга келади. Султон Ҳусайн Бойқаро Султон Мурод Мирзони Самарқандга—акаси Султон Аҳмад Мирзо ҳузурига жўнатади. Аммо Султон Мурод Мирзо ўз акаси Султон Аҳмад Мирзодан илтифот кўрмагач, яна Ҳиротга—Султон Ҳусайн Бойқаро хизматига қайтиб келади. Хондамирнинг ёзишича, Султон Мурод Мирзо бир неча кун яна Султон Ҳусайн Бойқаро тарбиясида юриб, 1475 йил июн ойида Султоннинг баъзи бир мулозимлари билан биргаликда Нерату қалъасига жўнаб кетади. Шундан сўнг унинг тақдири ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмади,— деб якунлайди Хондамир.

ШОҲРУҲ МИРЗО Султон Абдусайид Мирзонинг олтинчи ўғли бўлиб, 1458 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Алоуд давла Мирzonинг кизи Султон бегим эди.

«Хуласат ул — ахбор»да ёзишича, Шоҳруҳ Мирзо отаси Султон Абусайид Мирzonинг Ироқ юришида бирға бўлиб, жанг асносида акаси Султон Муҳаммад Мирзо билан бирга Муҳаммад Ёдгор Мирzonинг яқин кишиларидан амир Ҳасанбекнинг қўлига тушиб қоладилар ва узоқ муддат давомида қамоқда ётадилар.

Шоҳруҳ Мирзо бир неча муддатдан сўнг қамоқдан озод бўлса-да, бироқ Хурсонга қайтиб келишга илож тополмай кўп йиллар маشاқатли оғир аҳволда кун кечиради. Ниҳоят, 1493 йилда Ҳиротга қайтиб келаётib, йўлда вафот этади. Унинг жасадини Ҳиротга келтириб, Гавҳаршод бегим мадрасасининг хонақоҳига дафн этадилар.

АБУБАКР МИРЗО Султон Абусайид Мирzonинг баҳашонлик хотинидан 1458 йилда туғилган эди. Отаси унга Бадахшонжоқимлигини инъом қилган эди. Бинобарин, отаси вафот қилган чоғда шаҳзода Бадахшонда турарди. Абубакр Мирзо шижаатли, жасур ва баланд ҳимматли шаҳзода эди.

Султон Ҳусайн Бойқаро Чакман жангидага Ҳисор ҳукмдори Султон Маҳмуд Мирзо устидан ғалаба қилгач, Абубакр Мирзода шаҳзаншоҳ билан учрашиб.

унинг мулозиматига кириш иштиёки пайдо бўлади. Унинг Султон Ҳусайн Бойқарога ихлоси ошиб, ҳатто унга куёв ҳам бўлиш орзусида эди. Шу боис ўзининг яқин аъёнларидан бири амир Жалолиддин Мазид аргун билан йўлга чиқиб, Жайхун бўйига етганда шаҳаншоҳ хузурига ўз элчисини юборади. Бу хабар шаҳаншоҳга етгач, у хурсанд бўлиб шаҳзоданинг хузурига улуг амир Алишер Навойини жўнатади. Амир Алишер Навой шаҳзоданинг хузурига бориб, шаҳаншоҳнинг унга бўлган юксак эҳтиромини бир неча далиллар билан исботлаб, уни Ҳирот доруссалтанасига олиб келади.

Абубакр Мирзо шаҳанинг хузурида юксак эҳтиромга ноил бўлиб, илтифотларга сазовор бўлади. Шунингдек, шаҳаншоҳ Абубакр Мирзога ва у билан бирга келган кишиларга қимматбаҳо инъомлар ҳадя қиласиди. Абубакр Мирзо бир неча кун Ҳиротда шоҳона айш-ишратда кун кечиради. Ниҳоят шаҳаншоҳ ўзининг энг катта қизи Султоним бегимни шаҳзода Абубакр Мирзога унаштиради. Шундан сўнг Абубакр Мирзо Бадахшонга жўнаб кетади.

Шаҳзода Бадахшонга қайтиб келгандан сўнг, кўп ўтмай амир Жалолиддин Мазид аргундан ранжиб, уни ўлдиради. Ҳарҳолда Абубакр Мирзонинг бундан кейинги баҳтсизликлари ана шундан бошланади. Тез орада Султон Маҳмуд Мирзо Бадахшонни забт этишга ҳаракат бошлайди. Абубакр Мирзо эса яна Султон Ҳусайн Бойқаро хузурига паноҳ истаб боради. Шаҳаншоҳ унга юксак илтифотлар кўрсатиб, саройдан муайян жой белгилайди.

Шу пайтда Балх ҳокими Аҳмад Муштоқнинг олий салтанатга қарши маҳфий исён тайёрлаб, Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзога ва Ҳисор ҳукмдори Султон Маҳмуд Мирзо хузурига элчилар юбориб, кўмак сўрагани ҳақида хабар келади. Султон Ҳусайн Бойқаро амир Абдухолиқни бир неча ишбилармон аъёнлар билан бир гурӯҳ қўшинни ҳамроҳ қилиб Балхга жўнатиб, кетидан катта қўшин билан ўзи ҳам кетади. Аммо Балх ҳокимига кўмак бериш баҳонаси билан Самарқанд ва Ҳисор қўшинининг етиб келиши шаҳаншоҳни орқага чекинишга мажбур қиласиди. Шаҳаншоҳ ўз қўшини билан Фарёбга келиб тўхтайди. Бу пайтда шаҳаншоҳнинг кўрсатмасига мувоғиқ, Абубакр Мирзо Фарёбда истироҳатда эди. Бироқ шаҳаншоҳнинг келаётганини эшлигтан шаҳзода дарҳол ўз яқинлари билан бирга Фарёбдан Бадахшонга қочади.

Абубакр Мирзо акаси Султон Маҳмуд Мирзонинг Балхда эканлигидан фойдаланиб, Ҳисорга бостириб кириб, аҳолини талайди. Бироқ Султон Маҳмуд Мирзонинг келаётганини эшигч, Ҳисорни ташлаб, Бадахшон тоғларига қочиб кетади. У ердан қўшин тўплаб, Ҳурросон ҳудудига ўтиб, Марв яқинига келади. Бу хабар шаҳаншоҳга етгач, амир Абдухолиқ, амир Ферузшоҳ ва Муизиддин Ясовул ва амир Аҳмад Ёрийни бир минг аскар билан шаҳзодага қарши жўнатади. Абубакр Мирзо шаҳаншоҳ қўшинидан шикастланиб, Балхга қочади. У ердан Кобул йўли орқали Сейистонга кетади. Сейистондан эса Кермонга бориб, шаҳарнинг тўрт томонидан тўсатдан карнай-сурнай чалдириб, шовқин-суронни фалакка етказади. Кермон шаҳрининг доругаси (бошлиғи) Алихон Мирзо эса ногоҳоний қийчувдан эсанкираб, шаҳарни ташлаб қочади. Абубакр Мирзо тантана билан шаҳарга кириб, бир неча ой давомида айшу ишратда ҳаёт кечиради. Ироқ ва Озарбайжон подшоҳи бу воқеани яхшилаб аниқлагач, Абубакр Мирзога қарши аскар юборади. Шаҳзода жанг қилишга қурби келмай, Кермондан чиқиб яна Сейистонга келади. Шу аснода Султон Ҳусайн Бойқаронинг касал бўлиб ёттан хабарини эшигади. Шундан сўнг Абубакр Мирзо Байрамбек, Пир Али Туркман билан иттифоқ тузиб, Ҳирот устига қўшин тортади. Аммо шаҳаншоҳ шаҳзода Абубакр Мирзонинг қора ниятидан воқиф бўлиб, касалнинг шиддатига қарамай, беш юз жанговар аскарга бош бўлиб, тахтировонда жангга чиқади. Ҳар икки томон жангга киришиб, жанг ниҳояси Абубакр Мирзонинг мағлубиятга учраб, жанг майдонини ташлаб қочиши билан яқунланади. Абубакр Мирзо Фароҳ вилоятига келиб ўрнашади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг муҳлисларидан бири Жон Аҳмад Чўли номли киши бўлиб, у илгари Султон Абусайид Мирзо хизматида ҳам бўлган эди.

Жон Аҳмад Чўли шаҳаншоҳдан ижозат олиб, Фароҳга боради. Йўл асносида кечаси Сабзавор чегарасига етганда, Абубакр Мирзо томонидан қўйилган қоровулларга дуч келади. Уни ушлаб, дарҳол шаҳзода ҳузурига олиб борадилар. Шаҳзода Жон Аҳмад Чўлидан шаҳаншоҳ ҳақида айрим маълумотларни сўрайди. У эса ҳозир Ҳиротда 10—15 минг қўшин жанговар ҳолда тургани ва атрофга айгоқчилар юборилгани ҳақида сўзлаб, «бу банданинг зиммасида марҳум падари бузрукворингиз Султон Абусайид Мирзонинг ҳақ ва

хуқуқлари бениҳоя кўпдир, бинобарин, шаҳардан яширинча қочиб, сизни қидириб топиб, душманларнинг кирдикорларидан огоҳ қилишга жазм қилдим»,— дейди.

Абубакр Мирзо бу сўзни эшитгач, Жон Аҳмад Чўлига бир от ҳадя қилади. Ўша тун Жон Аҳмад Чўли шаҳзода билан бўлиб, эртаси тонг сахарда Ҳиротга жўнайди. Шаҳзода эса Ҳиротга ҳужум қилиш ниятидан қайтиб, ўз жонини сақлаш мақсадида Астробод томонга қочади. Жон Аҳмад Чўли эса Ҳиротга келиб, шаҳаншоҳга барча воқеани баён қилади. Шаҳаншоҳ шаҳзоданинг кетидан қувиб, Астробод томон юради. Шаҳзода Гургон дарёсига етиб боргач, ундан кечиб ўтиб соҳилда тунайди. Аммо шаҳаншоҳ ҳам шитоб билан сахарда соҳилга етиб боради. Бу пайтда шаҳзода ноз уйқуда эди. Шовқин сурондан уйғониб кетган шаҳзода отга қамчи босиб, Дехистон томонга қараб қочади. У мазкур мавзе катталаридан бирининг уйига кириб, от сўрайди. Уй соҳиби қабул бармогини пешонасига қўйиб, шаҳзодани эҳтиром билан уйга олиб киради ва олдига дастурхон ёзиб, ўзи шаҳаншоҳ ҳузурига бориб, воқеани баён қилади.

Шаҳаншоҳ дарҳол Қанбár Али жаллодни бир неча баҳодирларга ҳамроҳ қилиб, шаҳзода Абубакр Мирзони қўлга олиш учун жўнатади. Улар шаҳзода ўлтирган уйга босиб кириб, шаҳзодани бандга оладилар ва 1479 йил октябр ойида қатл қиладилар.

УЛУГБЕК МИРЗО Султон Абусайид Мирzonинг саккизинчи ўғли бўлиб, 1460 йилда Ҳиротда туғилган. Кўпгина тарихий асарларда Улугбек Мирзони— Улугбек Мирзо Соний ёки Улугбек Мирзо Кобулий деб ҳам ёзганлар. Улугбек Мирзони «Кобулий» деб ном олишига сабаб, Султон Абусайид Мирзо бу ўглига Кобул вилоятининг ҳукмдорлигини берган эди. Иккинчидан, Мовароуннаҳрнинг собиқ ҳукмдори Улугбек Мирзо Курагондан фарқли ўлароқ «Кобулий» иборасини қўшиб айтиларди.

Улугбек Мирзо Кобулий умрининг охиригача, яъни 1501 йилгача Кобулда ҳукмронлик қилади. Ундан икки ўғил ва бир неча қиз қолади.

АБДУРАЗЗОҚ МИРЗО Улугбек Мирзо Кобулийнинг катта ўғли бўлиб, 1480 йилда Кобулда туғилган эди. У отаси вафотидан сўнг Кобулда ҳукмронлик қилади. Бироқ кўп ўтмай Зуннун аргун Кобулни Абдураззоқ

Мирзодан тортиб олади. 1504 йилда Заҳириддин^{*} Мұхаммад Бобур Мирзо Кобулни Зүннүн аргуннинг ўғли Мұхаммад Мұқимдан тортиб олади. Шундан сўнг Абдураззоқ Мирзо амакиваччаси Заҳириддин Мұхаммад Бобур Мирзо хизматида бўлади.

1507—1508 йилларда Заҳириддин Мұхаммад Бобур Мирзо Ҳиндистон устига қўшин тортаётганда Қолот ва Тарнук вилоятларини Абдураззоқ Мирзога инъом қиласди. Бироқ шайбонийлар Қандаҳорни босиб олгач, Абдураззоқ Мирзо Қолотда туролмай, Кобулга қайтиб келади. Шундан сўнг Бобур Мирзо Абдураззоқ Мирзони Кобулга қўйиб, ўзи Ҳиндистон сари йўл олади. Аммо Ҳиндистонгә боролмай Кобулга қайтиб келгач, Абдураззоқ Мирзога Нангинахор тумани ҳамда Миндаровар, Дарайи Нур, Қоз ва Нургулни инъом қиласди.

Абдураззоқ Мирзо 1525 йилда вафот этади ва Газна шаҳрида отаси Улугбек Кобулийнинг даҳмасига дағн қилинади.

МИРОНШОҲ МИРЗО Улугбек Мирзо Кобулийнинг кичик ўғли бўлиб, 1484 йилда туғилган эди. Мироншоҳ Мирзо Кобулда отаси Улугбек Мирзо Кобулий хизматида эди. Аммо, 1498 йилда отаси билан жанжаллашиб, Ҳазорага келади. Ҳазорада ҳам эътиқодсизлик қилиб, учерда ҳам туроғламиди. Ниҳоят, Ҳусравшоҳ ҳузурига боради. Айни шу пайтда Ҳусравшоҳ ҳузурига Султон Маъсуд Мирзо ҳам келган эди. Султон Маъсад Мирzonинг Ҳусравшоҳ ҳузурига келишининг сабаби, Ҳисор вилоятини ўз укаси Бойсунгур Мирзо забт этгач, Султон Маъсад Мирзо Ҳисордан қочиб, Ҳиротга — Султон Ҳусайн Бойқаро саройига паноҳ тортиб борган эди. Бироқ Султон Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилаётган Ҳусравшоҳнинг укаси — Боқи Чагониёний Султон Маъсад Мирзони йўлдан уради. Гарчи Султон Ҳусайн Бойқаро Султон Маъсад Мирzonи юксак эҳтиром билан кутиб олган бўлса-да, Ҳусравшоҳ ҳузурига боришга қарор қиласди ва Султон Ҳусайн Бойқародан яшириқча жўнаб кетади.

Ҳусравшоҳ Султон Маъсад Мирзо билан Мироншоҳ Мирзо ҳузурига Ҳисордан Бойсунгур Мирzonи таклиф қиласди. Шундан сўнг Ҳусравшоҳ ўз беклари билан кенгаш ўтказади. Кенгашда беклар ҳар учала шаҳзодани ўлдириб, салтанатни Ҳусравшоҳ қўлига топширмоқчи бўладилар. Аммо Ҳусравшоҳ бу маслаҳатни қабул қиласди.

Кенгащдан сўнг, Мироншоҳ Мирзонинг ёнига Сайд Комилни ёрдамчи тайинлаб Бомиёнга жўнатади. Шундан сўнг ундан дарак бўлмайди.

СУЛТОН УМАР МИРЗО Султон Абусайид Мирзонинг ўғли бўлиб, туғилган йили номаълумдир. «Хуносат ул — ахбор» да хабар берилишича, Султон Абусайид Мирзо Ироққа юриш бошлаганда, Султон Умар Мирзо Самарқандда эди. Отасининг ҳалокатидан сўнг, акаси Самарқанд хукмдори Султон Аҳмад Мирзо ёнида қолади. Бир неча муддат ака-ука иноқ яшашади. Кейинчалик ака-укалар ўртасида қарама-қаршилик вужудга келиб, Султон Аҳмад Мирзо укаси Султон Умар Мирзони Мовароуннаҳр ҳудудидан чиқариб юборишга фармон беради.

Султон Умар Мирзо биродари Абубакр Мирзо ҳузурига — Бадаҳшонга бориб, ўша ерда яшайди. Абубакр Мирзо қатл қилингач, Султон Умар Мирзо ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро мулоғимлари қўлига тушади. 1479 йил октябрда уни Ҳиротда Иҳтиёридин қалъасига қамайдилар ва кейинчалик Нерату қалъасига жўнатадилар. Унинг бундан кейинги тақдири ҳақида маълумот йўқ.

СУЛТОН ВАЛАД МИРЗО Султон Абусайид Мирзонинг ўғлидир. Аммо Султон Валад Мирзонинг таржими ҳоли ҳақида ҳозирча маълумот учрамади. Фақат тарихчи Ҳондамирнинг «Хуносат ул — ахбор» асарида қисқача маълумот учрайди. У ҳам бўлса, Султон Валад Мирзо умрининг охиригача Арлот умаролари ўртасида оддий кишилардек ҳаёт кечирган.

СУЛТОН ХАЛИЛ МИРЗОНИНГ ҳам қачон ва қаерда туғилгани ҳамда вафоти ҳақида ҳозирча маълумот учрамади. Фақат Ҳондамирнинг берган маълумотига қараганда, Султон Халил Мирзо отаси Султон Абусайид Мирзонинг ҳалокати вақтида, Ҳиротда яшаб турган. Ҳирот таҳтига Султон Ҳусайн Бойқаро ўтиргач, Султон Халил Мирзони Мовароуннаҳрга жўнатади.

УМАР ШАЙХ МИРЗО Султон Абусайид Мирзонинг тўртинчи ўғли бўлиб, 1456 йилда Самарқандда туғилган эди. Отаси Султон Абусайид Мирзо Кобул вилоятини Умар Шайх Мирзога берган эди. Умар Шайх Мирзо ҳали ёш бўлганлиги туфайли унга Бобойи Кобулийни отабек (бекатка) қилиб тайинлаб, Кобулга жўнатган эди.

Лекин кўп ўтмай, мирзоларнинг хатна тўйини ўтказиш муносабати билан Дарайи Газдан қайтариб, Самарқандга келтиради.

Тўй ўтгач, Султон Абусайид Мирзо улуг бобоси Темурга тақлид қилиб, Андижон вилоятини Умар Шайх Мирзога бориб, Худойберди тугчи Темуртошни отабек тайинлаб жўнатади. (Темур ўзининг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзога Фарғона вилоятини берган эди).

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзоининг ёзишича, Умар Шайх Мирзо паст бўйлик, узун ва паҳмоқ соқолли, юмалоқ юзли, семиз, лўппи киши эди. Кийимни тор тикириб кияр, саллани чирмаб ўради. Ейиш-ичищда бетакалуф эди. Ёз кезларда, аркони давлатдан ташқари жойларда аксар мўгулий бўрк киярди.

Умар Шайх Мирзо ахлоқ ва атворда Ханафий мазҳаблик, покиза зътиқодли бўлиб, беш вақт намозни тарқ қилмас эди. У равон саводли бўлиб, «хамсатайн», маснавий китоблар ва тарихларни ўқирди. Айниқса, «Шоҳнома» ни кўп ўқирди. Таъб назми ҳам бўлган, бироқ шеърга унчалик парво қилмаган. Адолатли эди. Бунга мисол шулки, Хитойдан Андижонга келаётган минг кишилик катта карвонни Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғлардан қор кўчуб (кўчкина) босади. Бу мудхиш фожиадан фақат икки киши омон қолади.

Умар Шайх Мирзо бир неча одамларни юбориб, қор остида қолган мол-мулкларни олдириб келиб, хат-хисоб қилдириб, хазинага қўйдиради. Гарчи, мазкур мол-мулк эгаларининг ворислари қидириб келмаса-да, уни икки йил давомида «омонат»деб сақлайди. Икки йил ўтгач Самарқанд ва Хуросондан ворисларни топдириб келиб, мол-мулкларини батамом топширади.

Умар Шайх Мирзо хушхулқ, саховатли ва мардона киши бўлган. Камондан ўқ отиши ўртacha бўлсада, муштининг зарби ниҳоятда қаттиқ бўлган. Унинг мушт зарбидан йиқилмаган йигит кам топилган. Мулкирлик (босқинчилик) дагдагаси жихатидан қўргина сулҳлар урушга, дўстликлар душманликка айланиб кетган. Авваллари кўп ичган, кейинчалик ҳафтада-бир-икки марта сухбат қурган. Сухбатларда майдан ташқари қора дори ҳам еб турган. Етимпарвар, хушсуҳбат, ўйин-қўлгини ҳаддан ташқари севган, ҳамиша нард ўйнаган ва гоҳо-гоҳо қимор ҳам ўйнаб турган.

Умар Шайх Мирзога отаси Султон Абусайид Мирзо

Фарғонани берган эди. Кейинчалик Мирзонинг акаси Султон Аҳмад Мирзо Тошкент билан Сайрамни беради. Шоҳруҳияни эса ҳийла-найранг билан олиб, ўз тасарруфига киритади. Кейинги йилларда Тошкент ва Шоҳруҳия қўлдан кетиб, Мирзонинг тасарруфида фақат Фарғона, Ҳўжанд ва Үратепа қолган эди.

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг нақл қилишича, «Умар Шайх Мирзо уч масоф уруш қилиб эди. Аввал Юнусхон била Андижоннинг шимол тарафида Сайхун дарёсининг ёқасида Такасекирган ерда, бу жиҳаттин ул мавзуъ бу исмга мавсумдурким, тог доманаси жиҳатидин бу дарё андоқ тор оқарким, ривоят қилурларким, ул ердин така секригандур, мағлуб бўлиб иликка тушди. Яна Юнусхон яхшилик қилиб вилоятига рухсат беради. Бу ерда уруш бўлғон учун Такасекирган уруши сўзи ул вилоятта тарих бўлубтур. Яна Туркистонда Арс суйи ёқасида, Самарқанднинг навоҳисини чопиб борадургон ўзбак била Арс суйини муз била кечиб, яхши босиб, асир ва молни айириб, тамом эгаларига ёндурабериб, ҳечнимма таъма қилмади. Яна бир Султон Аҳмад Мирзо била Шоҳруҳия ва Үратепа орасида Хавос деган кентта урушиб мағлуб бўлган».

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ёзганига қараганда, Умар Шайх Мирзо баланд ҳимматлик, юксак орзу-ҳаваслик подшоҳ бўлгани туфайли ҳамиша ўз салтанат худудини кенгайтиришга ҳаракат қилган. Умар Шайх Мирзонинг ўзбошимча ҳаракатларидан ранжиган акаси — Самарқанд ҳукмрони Султон Аҳмад Мирзо ўз куёви — Тошкент ҳукмрони Султон Маҳмуд билан иттифоқ тузиб, 1494 йилда Умар Шайх Мирзо устига қўшин тортиб келади. Бироқ тақдирнинг тақозаси билан Ахсикентда гаройиб бир воқеа содир бўлади. Чунончи, Умар Шайх Мирзо Ахсикент саройида капитар боқар, капитархона эса баланд жарлик ёқасида ўрнатилган эди. Умар Шайх Мирзо бўш пайтларда капитар-бозлиқ ҳам қилган. 1494 йил 9 июнда навбатдаги капитар учириш асносида капитархона билан бирга жарга қуляб, ҳалок бўлади.

Умар Шайх Мирзонинг еттита хотини ҳамда уч ўғил ва беш қизи бор эди.

Биринчи хотини — Кутлуқ Нигор хоним бўлиб, Чигатайхоннинг наслидан бўлган Юнусхоннинг иккичи қизи, шунингдек Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхоннинг эгачиси эди. 1505—1506 йилда Кутлуқ Нигор хоним Кобулда ҳасба касали билан вафот этади.

Қутлуқ Нигор хонимдан бир қиз ва бир ўғил тугилған бўлиб, Хонзода бегим ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо эди.

Иккинчи хотини Улус Оқо бегим бўлиб, Ҳожа Ҳусайнбекнинг қизи эди. Ундан гарчи бир қиз тугилган бўлса-да, ёшлигига вафот этган эди. Шундан бир ярим йил ўтгач, ўзини ҳам ҳарамдан чиқариб юборгандар.

Учинчиси Фотима Султон бегим бўлиб, мўғул туман бекларидан бирининг қизи эди. Фотима Султон бегим Жаҳонгир Мирзонинг онаси эди.

Тўртичиси Маҳзума Султон бегим бўлиб, уни Қоракўз бегим ҳам деб атардилар. Умар Шайх Мирзо Маҳзума Султон бегимни кейинги пайтларда олган эди. Мирzonинг севикли хотини бўлган. Бинобарин, Умар Шайх Мирзога хушомад юзасидан Маҳзума Султон бегимнинг насл-насабини Султон Абу Сайд Мирzonинг акаси Минучехр Мирзога олиб бориб тақардилар. Маҳзума Султон бегим Умар Шайх Мирzonинг ўлимидан сўнг қиз туқкан. Бу қизга Руқия Султон бегим деб ном қўйганлар.

Бешинчиси Оға Султон бегим бўлиб, канизаклардан эди. Умар Шайх Мирzonинг вафотидан сўнг Оға Султон бегим қиз туқкан. Бу қизга Ёдгор Султон бегим деб исм қўйганлар.

* Олтинчи хотини Умид хоним андижонлик канизаклардан бўлган. Умид хоним икки қиз ва бир ўғилнинг онаси бўлиб, каттаси Мехрону бегим, кичиги Шаҳрбону бегим, ўғлининг исми эса Носир Мирзо эди.

Еттинчи хотини Турсун Султон бегим эди. Умар Шайх Мирзо Турсун Султон бегимни ҳаётининг сўнгги йилларида олган эди.

Умар Шайх Мирzonинг энг катта қизи ХОНЗОДА БЕГИМ эди. У 1478 йилда тугилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо 1501 йилда Самарқандни охирги марта забт қилганда, Шайбонийхон келиб шаҳарни қамал қиласиди. Қамал қўпга чўзилади. Шаҳарда даҳшатли очарчилик ва ўлим авжига чиқади. Бобур Мирzonинг қўпгина одамлари шаҳарни ташлаб қочадилар. Бобур Мирзо ниҳоят даражада кучсизланаб қолади ва қамални ёриб чиқиб кетиш имконияти ҳам бўлмай қолади. Ана шундай вазиятда Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ тақлиф қиласиди. Кейинчалик ана шу воқеани Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо қўйидагича тасвирлайди: «Бу маҳалда Шайбонийхон

сулҳ сўзини орага солди. Агар бир тарафдин умидворлик бўлса эди, ё захира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солар эрди. Зарурат бўлди, сулҳгина қилиб, кечадан икки паҳр бўла ёвушиб эдиким Шайхзода дарвозасидан чиқилди. Волидам хотинни олиб чиқдим. Яна икки хотин киши чиқди: бири Бичка халифа эди, яна бири Минглик кўгалтош эди. Менинг эгачим Хонзода бегим ушбу чиққандаги Шайбонийхоннинг илкига тушди». Воеа аслида тулҳга мувофиқ, Хонзода бегимни Шайбонийхонга хотинликка беришга рози бўлингач, ўз навбатида Шайбонийхон ҳам Бобур Мирзоға шаҳар дарвозаларидан бири бўлган Шайхзода дарвозасидан ўз ҳарамини олиб чиқиб кетишига имконият яратиб берган. Шундай қилиб, Хонзода бегим Шайбонийхонга хотин бўлиб, ундан бир ўғил туғиб, исмини Хуррамбек деб атаганлар.

Шайбонийхон вафотидан сўнг, унинг ўғли Хуррамбек ҳам вафот этади. Хонзода бегим эса Қобулга — укаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳузурига қайтиб келади. Хонзода бегим ўзининг ақл-идрок ва тадбиркорлиги натижасида Бобур Мирзо саройидаги хотин-қизлар орасида маҳсус эътиборга эга эди. Зотан, Хонзода бегим Бобур Мирзо ва унинг ўғли Хумоюншоҳ саройида маслаҳатчи вазифасини бажарған. 1544 йилда Хонзода бегим Қобилҳақ деган жойда вафот этади. Орадан уч ой ўтгач, ҳокини Қобулга келтириб, Бобур подшоҳ мақбрасига дағн қиласидилар.

МЕҲРБОНУ БЕГИМ Умар Шайх Мирзонинг Умид бегим номли хотинидан 1481 йилда туғилган иккинчи қизи эди. У Носир Мирзо билан бир онадан туғилган эди.

ШАҲРБОНУ БЕГИМ Умар Шайх Мирzonинг Умид бегим номли хотинидан 1491 йилда туғилган учинчи қизи эди.

ЁДГОР СУЛТОН БЕГИМ Умар Шайх Мирzonинг Оға Султон бегим исмли канизагидан 1494 йилда туғилган бўлиб, отаси вафотидан сўнг туғилганлиги учун ҳам шу ном билан атаганлар.

1504 йилда Шайбонийхон Аҳси ва Андижонни ўз тасарруфига киритгач, Ёдгор Султон бегимни Ҳамза Султоннинг ўғли Абуллатиф Султонга никоҳлаб беради.

РУҚИЯ СУЛТОН БЕГИМ Умар Шайх Мирзонинг Маҳзума Султон бегим исмли хотинидан 1494 йилда отаси вафотидан сўнг тугилган эди.

1504 йилда Шайбонийхон Аҳси ва Андижонни ўз тасарруфига киритгач, Руқия Султон бегимни Жонибек Султонга никоҳлаб берган эди.

ЖАҲОНГИР МИРЗО Умар Шайх Мирзонинг Фотима Султон исмли хотинидан 1485 йилда тугилган иккинчи ўғли эди. Умар Шайх Мирзо Султон Танбал исмли бекни Жаҳонгир Мирзога отабек қилиб тайинланган эди.

Умар Шайх Мирзо вафотидан сўнг, Жаҳонгир Мирзонинг ёшлигидан фойдаланган Султон Танбал ўз ихтиёрича ҳукмронлик қилиш мақсадида Жаҳонгир Мирзо ни Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога қайраб, оталари марҳум Умар Шайх Мирзодан мерос қолган Фарғона мамлакатини иккига тақсимлашини талаб қилишни уқтиради. Мазкур режанинг пировард оқибатига кўзи етган Бобур Мирзо аввал бу талабни рад этади. Аммо кейинчалик ноилож бўлиб, розилик беради. Келишувга мувофиқ, Сирдарёнинг Аҳси тарафига дохил ерлар Жаҳонгир Мирзога ва Андижон тарафига дохил ерлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳукмронлигига қолади.

• Келишув битимнинг яҳа бир шарти шу эдики, хар иккала шаҳзода ҳарбий кучларини бирлаштириб, Самарқанд устига юриш қилишлари лозим эди. Агар Самарқанд таҳти қўлга киритилса, у ҳолда Андижон ҳукумати ҳам Жаҳонгир Мирзо қўл остига ўтиши лозим эди.

Бироқ бу дабдабали режалар охирига етмай, Шайбонийхон аввал Бобур Мирзони, сўнгра Жаҳонгир Мирзони тор-мор келтиради. Султон Танбални эса қўлга тушириб, қатл қилдиради. Жаҳонгир Мирзо яна акаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан биргалиқда дарбадар бўлиб қолади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Самарқанд ва Андижон таҳтидан ноумид қайтгач, Ҳурросон тарафига қараб юради. Жаҳонгир Мирзо ҳам акаси Бобур Мирзо билан бирга Ҳурросонга кетади.

1504 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Кобул ва Ғазнани қўлга киритгач, Ғазна вилоятининг ҳокимлигини укаси Жаҳонгир Мирзога инъом қилади.

Жаҳонгир Мирзонинг вафоти ҳақида аниқ маълумот

учрамади. Ҳар ҳолда «Бобурнома»да ишора қилинишига қараганда, 1508 йилда вафот этган бўлса керак.

НОСИР МИРЗО Умар Шайх Мирзонинг учинчи ўғли бўлиб, 1487 йилда тугилган.

Носир Мирзо акаси Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо билан бирга Хурсонга келади. Бобур Мирзо Кобул ва Қандаҳорни қўлга киритгач, 1504 йилда Нангинахор тумани ва Мандиновар, Дарайи Нур, Қанру, Нургул ва Жигон саройни уласи Носир Мирзога инъом қиласди.

1508 йилда Бобур Мирзо Қандаҳорни ўз тасарруфига киритгач, Қандаҳор ҳокимлигига Носир Мирзони тайинлайди. Аммо тез орада Шайбонийхон Қандаҳорни қамал қиласди. Носир Мирзо қамалдан чиқиб, Ғазнага кочади. Бобур Мирзо Ғазнани Носир Мирзога иноят қиласди.

Носир Мирзо кейинчалик ичкиликка кўпроқ майл қилиб, 1515 йилда Ғазнада ҳукмронлик даврида, одатдагидек кечаси меъёридан кўп май ичиб, ўз ётогида уйқуда ўлиб қолади.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР МИРЗО

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Умар Шайх Мирзонинг катта ўгли бўлиб, 1483 йил феврал ойида Андижонда туғилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг болалик ва ёшлиқ даври асосан Андижон ҳамда Аҳси шаҳарларида ўтган. У ёшлигиданоқ отаси саройида ҳам маънавий, ҳам ҳарбий таълимни чуқур ўзлаштиради. Гарчи Андижон илм-маърифатда Самарқандчалик равнақ топмаган бўлса-да, бирок, Умар Шайх Мирзо Самарқанд ҳукмдори бўлмиш акаси Султон Аҳмад Мирзога таълидан ўз саройига кўплаб олимлар, адаб ва шоирларни таклиф қилган.


Умар Шайх Мирзо вафот этгач, 1494 йил 10 июн сешанба куни, ҳали балоғатга етмаган 12 ёшли Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Фаргона улусининг ҳукмрони сифатида таҳтга ўтиради.


Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ўзига ишончли беклари билан Аҳсидан Андижонга келганда, тўрт ёғоч масофада бўлган Қува шаҳарида ўз амакиси — Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзо қўшин билан Андижон қасдида турганлиги ҳақида хабар келади. Иккинчи томондан Тошкент ҳукмдори (Бобур Мирzonинг тогаси) Султон Маҳмудхон Косонни забт этиб, Аҳсими қамал қиласи. Учинчи томондан Қашқар хони Абубакр дуғлот ўз қўшини билан Фаргона улусига бостириб келиб, Ўзгандни ўраб олади.

Аммо Фаргона беклари ва амалдорлари ўз мустақилликларини сақлаб қолиш йўлида қўлларидан келган барча чора-тадбирни ишга соладилар. Жумладан, улар Фаргона таҳтига Заҳириддин Муҳаммад Бобур



**Заҳириддин Муҳаммад
Бобур
(1483-1494-1530)**





Мирзони маврусий ҳукмдор этиб тайинлашни Султон Аҳмад Мирзодан талаб қилган ҳолда Ҳожа Қози ва Узун Ҳасанни элчи қилиб жўнатадилар. Мазкур элчилар талабнома билан бирга Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг махсус мактубини ҳам олиб борадилар. Мактубда бу вилоятга албатта Сизнинг мулоzимларингиздан бирор киши тайинланмоги лозим. Мен Сизга ҳам мулоzим, ҳам фарзандмен, агар бу хизматни менга топширсалар осонроқ ва яхшироқ ҳал бўлғусидир»,— деб ёзилган эди.

Зотан Бобур Мирзо таърифлаганидек, Султон Аҳмад Мирзо ҳар бир ишни бекларининг раъйидан ташқари қилмас эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Элчиларнинг сўзини беклар қабул қилмай, олга қараб ҳужумга ўтадилар. Куванинг ботқоқ қора сувидан фақат кўприк орқали ўтиш мумкин эди. Кўприк эса кўп мингли отлик қўшинга дош бераолмай синиб, кўп кишилар сувга гарқ бўлганлар. Бунинг устига отларга ўлат келиб, юзлаб отлар ерга юмалаб ўлабошлайди. Ниҳоят, душман қўшини орасида ваҳима ва саросималик авж олиб, парокандалик бошланиб кетади. Бу вақтда маҳаллий ҳалқ ўз озодлиги йўлида жондан кечиб, босқинчиларга қарши қақшатғич ҳужумни бошлайди. Бундай чигал вазиятда чорасиз қолган Султон Аҳмад Мирзо сулҳга рози бўлиб, орқасига қайтиб кетади.

Фаргона ҳалқи Султон Аҳмад Мирзодек забардаст душмандан хотиржам бўлгач, Султон Маҳмудхон ва Қашқар хони Абубакр дуғлот аскарларига ҳам бирин-кетин зарба бериб, Фаргона мустақиллигини кўлда сақлаб қоладилар.

Бу вақтда Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ўш бўлганлиги туфайли, салтанат ишларини асосан ишончли беклардан бири Ҳожа Қози ва Бобур Мирzonинг бувиси Эсон Давлат бегим (Юнусхоннинг хотини — Қутлук Нигор хонимнинг онаси) бошқарадилар.

XV асрнинг охирида Мовароуннаҳр ва Хурросонда феодал тарқоқлик ҳукм сурар, ҳар бир бек ўз ихтиёрича иш тутишга ҳаракат қиласди, Шайбонийхоннинг тарихчиси Муҳаммад Солиҳнинг таъбирича, «ҳамма бир-биридан қўрқар, ўзича шоҳлик талаб қилиб, мамлакатда иғво уруғини сочардилар». Мовароуннаҳр тупрогида авж олган ўзаро жангларда Бобур Мирзо ҳам қатнашишга мажбур бўлди. Ҳалқ оммаси отир аҳволда қолган эди.

Султон Маҳмуд Мирзо вафотидан сўнг, 1495 йил

январ ойида унинг иккинчи ўғли Бойсунғур Мирзони Самарқанд таҳтига ўтқазадилар. 1496 йил май-июн ойларида Бойсунғур Мирзога қарши Самарқандда тархонлар исёни бошланади. Бундан хабар топган Бобур Мирзо ҳам Самарқанд таҳтига даъвогар бўлиб, 17 июнда ўз қўшини билан Шавдор туманига етиб келиб, Самарқанд қамалига киришади. Айни шу пайтда Султон Маъсуд Мирзо Самарқанднинг иккинчи тарафидан, Султон Али Мирзо эса учинчи тарафдан қамал қиласидилар.

Аммо қиши яқинлашиб қолгани туфайли мазкур шаҳзодалар Самарқандни қамалдан бўшатиб, ўз юртларига қайтиб кетадилар.

1497 йил май ойида Бобур Мирзо Самарқандга иккинчи марта қўшин тортиб келиб, Ёр яйлоқ туманига ўрнашиб, Бойсунғур Мирзога қарши уруш очади ва Бойсунғур Мирзони шаҳар ичига қамайди. Самарқанд шаҳари иттифоқчилар томонидан яна қамал қилинади. Бироқ қиши яқинлашгани туфайли қамални тўхтатиб, шаҳардан чекинадилар. Аммо бу сафар Бобур Мирзо узоққа кетмайди. У Хўжа Дийдор қалъасини ўзига лашкаргоҳ қилиб белгилаб, ўша ерда қишлияди.

Бу вақтда шаҳар ичидаги озиқ-овқат танқислиги бошланиб, Бойсунғур Мирзо қўшинлари орасида парокандалик вужудга келади. Бойсунғур Мирзо иттифоқчиларга бас келаолмаслигини сезиб, Шайбонийхондан кўмак сўраб, Туркистонга одам юборади Шайбонийхон фурсатдан фойдаланиб, дарҳол қўшин тортиб келиб, шаҳар ташқарисида Бобур Мирзо лашкаргоҳининг рўпарасига ўрнашади. Бобур Мирзо Шайбонийхон билан жанг қилиш мақсадида майдонга чиқса-да, бироқ Шайбонийхон уруш майдонига чиқмай, шаҳар ичига киришга ҳаракат қиласиди. Лекин Бойсунғур Мирзо Шайбонийхонни шаҳарга киритмайди. Бу илтифотсизликдан ранжиган Шайбонийхон ўз қўшинини олиб, Туркистонга қайтиб кетади.

Шундан сўнг Бойсунғур Мирзо Самарқандни сақлаб қололмаслигига ақли етиб, шаҳарни ташлаб чиқиб, Кундуз ҳукмрони Ҳусравшоҳ ҳузурига кетади. Никоят Самарқанд аркони давлати кенгашиб, навқирон Бобур Мирзони шаҳарга киритадилар ва салтанатни бошқаришни таклиф қиласидилар. Шундай қилиб, 1497 йил ноябр, ойининг охирида Бобур Мирзо тантанали равишда Самарқанд таҳтига ўтиради ва Темур таҳтининг ҳақиқий соҳиби деб эълон қилинади.

Узоқ давом этган ўзаро урушлар натижасида Самарқанд ва унинг атрофидаги аҳоли ниҳоят даражада қийналган ва эзилган эди. Шаҳар деярлик вайронага айланган, аҳолининг мол-мулки эса таланган эди. Бинобарин, Бобур Мирзо Самарқандда узоқ туралмади. Қўшинни бокиши, от-уловни ем-хашак билан таъминлаш учун ҳеч нарса йўқ эди. Аҳолига бирор нарса билан кўмаклашиш ҳақида гапирмаса ҳам бўларди. Бундай вазиятдан саросимага тушган беклар бирин-кетин Бобур Мирзони ташлаб қоча бошлайдилар. Бунинг устига Андижонда Узун Ҳасаннинг салтанатга қарши исёни ҳақидаги хабар келади. Юз берган сиёсий ва иқтисодий тангликини мушоҳида қиласан Бобур Мирзо, қандай бўлмасин Андижонни сақлаб қолиш пайига тушади. Мазкур сабабларга кўра, Бобур Мирзо Самарқандда 100 кун ҳукмронлик қиласа, уни тақдирнинг иродасига ҳавола қилиб, ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Бобур Мирзо Самарқанддан чиқиб, Хўжандга етганда, Андижоннинг қўлдан кетганлиги, Узун Ҳасан ҳокимиятини қўлга олиб, Бобур Мирzonинг диний мураббийси ва ҳомийси Ҳожа Қозини асирга олиб, қатл қилингани ҳақида хабар келади. Хўжандда эса Муҳаммад Ҳусайн Курагон ўз ҳокимиятини ўрнатган эди. Самарқандни эса Султон Али Мирзо эгаллаган эди. Гарчи Бобур Мирзо икки йил давомида Самарқанд билан Андижон орасида саргардон бўлса-да, бироқ ҳар икки шаҳардан ақалли бирини қўлга киритишга муваффақ бўлолмади.

Фаргона вилоятида Узун Ҳасаннинг ҳукмронлиги мустаҳкам эмас эди. Чунки ҳалқ оғир солиқлар, ўлпон ва турли жарималарнинг кўплиги оқибатида сўнг даражада қашшоқлашган эди. Боз устига узлуксиз ўзаро Қирғинлар мөҳнаткаш ҳалқнинг тинкасини қуритган эди. Ниҳоят ҳалқ қўзголонлари бошланиб, Узун Ҳасан ҳокимияти ларзага келабошлайди. Вазиятдан моҳирлик билан фойдаланган Носир Мирзо (Бобур Мирzonинг кичик укаси) шаҳарга ҳужум қилиб, Узун Ҳасан ҳокимиятини тугатиб, шаҳарни қўлга олади ва кейин акаси Бобур Мирзога топширади. Бобур Мирzonинг Андижон таҳтига иккинчи марта ўтириши 1499 йил июл ойига тўғри келади.

Бироқ Андижон таҳтига бўлган жанг жадаллар тинчимади. Бобур Мирzonинг энг хавфли рақиби Султон Аҳмад Танбал Умар Шайх Мирzonинг иккинчи

ўгли Жаҳонгир Мирзони Бобур Мирзога қарши қайрай бошлайди. Мазкур ака-ука шаҳзодалар ва уларнинг орқасида турган гурухбоз бек ва амалдорларнинг ўзаро қонли низолари ҳар икки томонга ҳам бирор манфаат келтирмади. Аксинча, ҳалқ оммасининг оғир аҳволи янада мушкуллашди. Мамлакатда озиқ-овқат танқислиги кучаяборди. Ниҳоят 1500 йил феврал ойининг охирида Бобур Мирзо билан Жаҳонгир Мирзо ўртасида тинчлик сулҳи имзоланди.

1500 йилда Мухаммад Шайбонийхон Самарқандга ҳужум қиласиди. Аммо ҳужум муваффақиятсиз тугайди. Шайбонийхоннинг Бухорони забт этиши Самарқанд бекларини анча ташвишга солади ва улар Султон Али Мирзонинг сиёсатига қарши турадилар. Айни пайтда Самарқандда озиқ-овқат танқислиги бошланиб, очарчилик авжига чиқади. Ҳалқ норозилиги кучаяди ва саройдаги бекларнинг ораси бузилади. Бу тангликдан қутулиш учун Султон Али Мирзо Шайбонийхон билан музокара бошлашга мажбур бўлади. Султон Али Мирзонинг тутган сиёсатидан норози бўлган бек ва амирлар Бобур Мирзога одам йўллаб, Самарқандга таклиф қиласидилар. Аммо Бобур Мирзо кечикади. 1500 йилда Султон Али Мирзонинг розилиги билан Самарқанд Шайбонийхонга урушсиз таслим бўлади. Шайбонийхон Самарқандга киргач, темурий шаҳзодаларга нисбатан ўта шафқатсизлик қиласиди ва уларни қиличдан ўtkазади. Бу жазодан Султон Али Мирзо ҳам бенасиб қолмайди.

1500 йилда Шайх Абул Мукаррам бошчилигида Самарқанд шаҳарининг Феруза дарвозасини Бобур Мирзога очиб берадилар. Бобур Мирзо тўятдан шаҳарга бостириб кириб, Шайбонийхоннинг асосий кучини қириб ташлайди. Бу пайтда Шайбонийхон Конигилда эди. У қолган қўшинини йигиб, Туркистонга чекинишга мажбур бўлади. Бобур Мирзо Самарқанд таҳтига иккинчи марта ўтиришга мушарраф бўлади.

Лекин Бобур Мирзо бу сафар ҳам Самарқандда узоқ муддат тураолмайди. Чунки шаҳарда вайроналик ҳамда даҳшатли очарчилик ҳукм сурарди. Бу ҳақда Бобур Мирзонинг ўзи шундай ёзади: «Элга бисёр танқислик бўлди. Анга еттиким, факир ва мискин ит этини, эшак этини ея кириштилар». Ана шундай бир вазиятда Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ ҳақида музокара юритишини таклиф қиласиди.

Бобур Мирзо ҳеч қаердан ҳеч қандай ёрдам ололма-

гач, ноилож сулҳга рози бўлади. Сулҳ битимининг шартшароити ҳақида Бобур Мирзо ўзининг «Бобурнома» асарида ҳеч нарса демайди. Мазкур сулхнинг шартшароитларини Бобур Мирзонинг қизи Гулбаданбегим ўзининг «Ҳумоюннома» асарида қуидагича изоҳлайди: «Ана шундай вақтда Шоҳибекхон (Шайбонийхон) «агар ўз синглингиз Хонзода бегимни менга берсангиз, орамизда сулҳ тузилади ва иттифоқчилик алоқалари ўрнатилади», — деб айтгизиб юборди. Охир Хонзода бегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлади.

Бобур Мирзо Самарқандни ташлаб чиққач, ўзига содик кишилари билан Тошкент ҳукмдори — тогаси Султон Маҳмудхон ҳузурига келади ва Шайбонийхондек маккор душманга қарши бирлашиб курашмоққа даъват қиласди. Кўп илтижолардан сўнг, Султон Маҳмудхон рози бўлиб, Қашқар ҳукмдори Султон Аҳмадхон билан ҳарбий иттифоқ тузишади. Аммо ҳар икки ҳукмдор Шайбонийхонга қарши боришдан аввал Фарғона вилоятидаги қўш ҳокимиятчиликни тугатишга қарор қиласдилар. 1503 йилда 30 минглик қўшин билан Фарғонага — Султон Аҳмад Танбалга қарши юриш бошлайдилар.

Иттифоқчиларнинг юриш хабарини эшитган Султон Аҳмад Танбал Шайбонийхондан ёрдам сўраб, ўзининг ҳузурига ўз укалари Бек Телба ва Шоҳ Боязидларни жўнатади. Шайбонийхон қулаг фурсатдан фойдаланиб, Самарқанддан чиқиб, Уратепа ва Хўжанд орқали ўтиб Тошкент яқинида иттифоқчиларга қаттиқ зарба беради. Ана шундан сўнг Фарғона вилоятида ҳам темурийлар ҳукмронлиги инқирозга учраб, ҳалокатга юз тутади.

Бобур Мирzonинг эндиликда ўзаро жанглар ва қирғинлар натижасида ниҳоятда эзилган ва қашшоқлашган Фарғонани душман қўлидан қайтариб олишга кўзи етмайди. Чунки мамлакатдаги ички аҳвол бекарор, бек ва амирларнинг ҳалқка нисбатан ўтказган истибоди ҳалқнинг ҳукмдорларга бўлган ишончини бутунлай йўққа чиқарганди. Шунингдек, Шайбонийхондек кучли душман қаршисига чиқмоқчилик учун ҳам Бобур Мирзода етарли куч-қудрат йўқ эди. Зоро Бобур Мирзога келиб қўшилган қўшин аҳлиниңг кўпчилиги маҳаллий бек ва амирларга қарашли кишилардан иборат эди. Бундай кишилар кўпинча бекарор бўлиб, айни жанг асноларида панд бериб қўярдилар. Ҳолбуки, Бобур Мирзога садоқатли киши-

лар кўшинда жуда оз қолган эди. Улар икки юздан ортиқ эмас эди.

Бобур Мирзо мазкур вазиятни ўзининг ўткир идроки билан ақл тарозусида ўлчаб, Мовароуннахрда бундан бўён саргардон бўлиб юриш бефойда эканлигига имони комил бўлгач, қолган аскарлари ва яқин кишиларини олиб, Ҳисор томон кетади.

1503 йил июл ойида Ҳисор яйлоқларидан бири Илок яйлогига келиб тушади. Бобур Мирзо Ҳисорга келишидан мақсади Ҳисор ҳукмдори Хусравшоҳдан умидвор эди. Бироқ Хусравшоҳга юборган кишиси ундан яхши хабар олиб келмайди. Шундан сўнг, Бобур Мирзо Илокдан кўчиб, Кубодиёнга келади. Кўп ўтмай Хусравшоҳнинг иниси Боқи Чагониёний ўз кўшини ва кўч-кўрони билан келиб, Бобур Мирзога мулоzимат кўrsатади.

Боқи Чагониёний Термиз, Шахрисафо ва Чагониёнning ҳукмдори эди. Муҳаммад Шайбонийхон Бадаҳшон ва Ҳисорга босиб келаётганини эшитган Боқи Чагониёний вақт ганиматида Бобур Мирзога келиб қўшилган эди. Ана шу аснода Ҳуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқародан Бобур Мирзога мактуб келади. Мактубда «Холо ҳам агар ўзбек мутаважжих бўлса, ман Мургоб ёқасини беркитай, Бадиуз-Замон Мирзо Балх ва Шибиргон ва Андҳўй қўргонлариға маъбут кишиларини қўйиб, ўзи Гурзивон ва Дарайи Зангда ул Кўҳистонни беркитсан. Сен (Бобур Мирзо — Т. Ф.) Коҳмард ва Ожарда ул Кўҳпояни беркитиб, Хусравшоҳ, Ҳисон ва Қундуз қўргонларида эътиомдли кишиларини қўйиб, ўзи ва иниси Вали Бадаҳшон ва Ҳатлон тогларини беркитсанлар. Ўзбек иш қиломай ёнгисидур», — дейилган эди.

Аммо Бобур Мирзонинг таъбирича, Коҳмард ва Ожар тоғ истеҳкомлари Султон Ҳусайн Бойқаро айтгандай мудофаага бардош бераоладиган даражада эмас эди. Иккинчидан, Шайбонийхондек кучли душманга зарба бераоладиган қўшин ҳам йўқ эди. Учинчидан, Шайбонийхоннинг Ҳисорга яқинлашаётганини эшитган Боқи Чагониёний ва бошқа беклар айни замонда Шайбонийхонга рўпара келмасликни талаб қиласидилар. Бобур Мирзо ҳам қўшиннинг озлигини назарда тутиб, Самту йўли билан Қизил сув томонга юради. Худди шу аснода Ҳисор ва Қундузда бўлган мўғул беклари ўзларининг уч тўрт минг уйлик кишилари билан келиб, Бобур Мирзога қўшиладилар. Бу хабарни эшитган Хусравшоҳ ўз куёви Яъкуб Аюбни мактуб билан Бобур

Мирзо ҳузурига юборади. Мактубда «агар аҳд (битим) қилсалар, қулликга келгумдир», — дейилган эди. Бобур Мирзо Яъқуб Аюб билан битим тузади. Битимга мувофиқ Ҳусравшоҳ ўз қўшини билан келиб қўшилади.

Ҳусравшоҳ ўз қўл остидаги аҳолига, сипоҳларига жабр-зулмни ҳаддан оширган эди. Бинобарин, эл ва улусининг хатти-ҳаракатларида Ҳусравшоҳга нисбатан душманлик аломатлари зоҳир эди. Унинг золимлиги шу даражага етган эдики, ўз тарбиясидаги Маъсуд Мирзони кўзига мил тортиб кўр қилган. Бойсунгур Мирзони бўғиб ўлдирган эди.

Ҳусравшоҳнинг золимлиги, беэътиқодлигидан безган барча қўшинлари Бобур Мирзо томонига ўтадилар. Бунга чидай олмаган Ҳусравшоҳ Бобур Мирзодан ижозат олиб, Ҳуросонга кетади. Шайбонийхон Ҳуросонни олганда, Ҳусравшоҳни тутдириб қатл қилдиради.

Бобур Мирзо Кобул томон юриб, 1504 йил сентябр ойида Кобулни Зуннун аргуннинг ўғли Муҳаммад Муқимдан тортиб олади. Шундай қилиб, Кобул ва унинг атрофи Бобур Мирзо тасарруфига ўтади.

1505 йилда Ҳусайн Бойқаро барча ўғиллари қатори Бобур Мирзони ҳам Ҳиротта чақиртиради. Бу йигилишдан мақсад — Шайбонийхонга қарши иттифоқ тузиб, урушга тайёргарлик кўриш эди. Бобур Мирзо бу кенгашшга албатта боражагини айтиб, Сайд Афзални жўнатади.

1506 йил 5 май куни Султон Ҳусайн Бойқаро Шайбонийхон устига қўшин тортиб, Бобо Илоҳий мавзеига етганда вафот этади. Бобур Мирзо фотиҳа зарурати билан Ҳиротга боради ва Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари билан учрашиб, уларнинг ўзаро ички низо ва хусуматларини сезади ҳамда бу шаҳзодалар билан иттифоқ тузиб, Шайбонийхонга қарши курашиб бўлмаслигига ақли етиб, ноумид бўлиб қайтиб келади. Кобулга яқинлашаркан, амакивачаси Мирзони Кобулда исён кўтариб, ўзини шоҳ деб эълон қилгани ҳақида хабар келади. Бобур Мирзо кўп қийинчилклардан сўнг, Кобулни исёнчилардан тозалаб, ўз қўлига олади. Исён бошлиги Муҳаммад Ҳусайн Мирзо билан Мирзохонни Ҳуросонга жўнатади.

1507 йилда Шайбонийхон Ҳирот билан бутун Ҳуросонни забт этгач, Қандаҳорга юришга жазм қилади. Бу пайтда Бобур Мирзо Қандаҳорни ака-ука Шоҳбек ва Муҳаммад Муқим аргунлардан тортиб олади ва уласи Носир Мирзони Қандаҳор ҳокимлигига

тайинлаб, ўзи Кобулга қайтиб келади. Қандаҳорнинг собиқ ҳукмдорлари Шайбонийхон ҳузурига бориб, арз қиласилар. Шайбонийхон Бобур Мирзони Қандаҳорда деб гумон қилиб, ўз қўшини билан келиб, шаҳарни қамал қиласиди. Носир Мирзо шаҳарда туролмай, Кобулга қочиб келади.

Бу хабарни эшитган Бобур Мирзо Шайбонийхон билан учрашишдан кўра ҳархолда кўзидан нарироқ туришга қарор қиласиди. Бобур Мирзонинг фикрича, мавжуд вазият тақозосига кўра, Шайбонийхон кўзидан йироқроқ туриш мақсадида Бадахшонга ёки Ҳиндистонга юрмоқлик лозим эди. Ниҳоят, Ҳиндистон томонга юришга қарор қидинади.

1507 йил сентябр ойида Бобур Мирзо Кобулга амакивачаси Абдураззоқ Мирзони (Улугбек Мирзо Кобулийнинг ўғли) кўйиб, Ҳиндистон сафарига йўл олади. Аммо Шайбонийхон Қандаҳорни ололмай, сулҳ қилиб, орқага қайтган хабарни эшитган Бобур Мирзо яна Кобулга қайтиб келади.

Носир Мирзога Фазна вилоятини ва Абдураззоқ Мирзога Нангинаҳор, Миндаравур, Дарайи Нур, Каз ва Нургул ҳокимлигини инъом қиласиди.

1508 йил март сесанба кечаси Бобур Мирзонинг катта ўғли Ҳумоюн Мирзо туғилади. Шу муносабат билан Бобур Мирзо ўзини бундан буён Бобур подшоҳ деб аташларини буюради.

1510 йилда Марв яқинида Шайбонийхоннинг ўлимидан сўнг, Бобур подшоҳ Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан ҳарбий битим тузиб, Самарқандга юриш бошлаб, шаҳарни қўлга киритади ва битимга мувофиқ, шоҳ Исмоил Сафавий номига хутба ўқитдиради. Сунна мазҳабига мансуб бўлган Мовароуннаҳр халқи, айниқса Самарқанд беклари шиа мазҳабига мансуб бўлган шоҳ Исмоил Сафавий номига хутба ўқитилишидан қаттиқ, норози бўладилар. Натижада шаҳар халқи орасида «Бобур подшоҳ шиа мазҳабини қабул қилибди», деган миш-мишлар тарқалади. Руҳонийлар таъсири остида бўлган кенг халқ оммаси, миш-мишларга ишониб, Бобур подшоҳга нисбатан душманлик кайфиятида бўладилар. Шунга қарамай, Бобур подшоҳ Самарқандда саккиз ой ҳукмронлик қиласиди.

Бу аснода Шайбонийлардан Убайдуллохон беш минг қўшин билан Бухорога юриш бошлайди. 1512 йил 28 апрелда Ҳайробод билан Қоракўл ўртасидаги Кўли-малик ёнида ҳал қилувчи жанг бўлади. Бу жангда

Убайдуллахон қүшини кутилмаганда Бобур подшоҳ қўшинини тор-мор келтиради. Бобур подшоҳ тезлик билан Самарқандга қайтиб келади ва ўз яқинлари ва қолган аскарларини олиб, Ҳисор орқали Кобулга кетади. Бобур подшоҳ эндиликда Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилишни хаёлидан бутунлай чиқариб ташлайди ва тақдирга тан бериб, яна Ҳиндистон томон юриш масаласини кун тартибига қўяди.

Бобур подшоҳ Кобулдан Ҳиндистонга беш марта юриш қиласи. Бешинчи юришда, яъни 1526 йил 21 апрелда тарихда машхур жанг — Панипат жанги бўлади. Бу жанг Дехли ҳукмдори Султон Иброҳим ибн Султон Искандар ибн Бахлул Лўдий билан бўлиб ўтади. Тарихчиларнинг ҳамжиҳатлик билан берган маълумотларига қараганда, Султон Иброҳим Лўдийнинг юз мингга яқин аскар ва мингтага яқин жангари филлари бўлган. Бобур подшоҳнинг эса жами ўн-ўн икки минг аскари бор экан.

Бобур подшоҳнинг қизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асарида ёзишича, Султон Иброҳимнинг бир юз саксон минг отлиқ аскари, бир минг беш юзга яқин ҳарбий жангари филлари бўлган. Бобур подшоҳнинг эса қўшини савдогарлар ва яхши-ёмон билан қўшганда, ўн икки минг кишидан иборат бўлиб, булар ичидан жангта яроқлилари олти-етти минг кишидан иборат бўлган. Бу жангда Бобур подшоҳ янгича ҳарбий санъат — «тўлгама» усулини қўллади. Етук саркарданнинг кўп жангларда ортирган ҳарбий тажрибаси Султон Иброҳимнинг тартибсиз кўп сонли қўшини устидан ғалаба қозонишига сабаб бўлади. Бобур подшоҳ бу жангда шимолий Ҳиндистонни Дехли ва Агра шаҳарлари билан қўлга киритади ва ўз ҳукмронлигини ўрнатади.

Бобур подшоҳ шимолий Афғонистон ва шимолий Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, европалилар таъбири билан айтганда, «Буюк мўгул империя»сини тузади ва бобурийлар сулоласига асос солади. 1526 йил 27 апрел куни Дехлида Бобур подшоҳ номига хутба ўқилади.

Захириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ бир-бири билан душманлик кайфиятида бўлган майда мустақил князлик (рожа)ларни секин-аста қурол ва музокара йўли билан бирлаштириб, то умрининг охиригача, яъни 1530 йилгача марказлашган йирик империяни вужудга келтиради. Табиийки, бундай катта марказлашган

империяни вужудга келтириш, бебош бек ва амирлар-нинг бошини қовуштириш осонликча бўлмайди. Бундан ташқари айрим эркесвар қабилаларнинг бўйсунмаслиги натижасида кўтарилиган исён ҳамда қўзголонларни шафқатсизлик билан бостиришга, юзлаб, минглаб кишиларни қиличдан ўтказишга тўгри келган. Масалан, Бобур подшоҳ Панипат жанги ҳақида ёзаркан, «Тангри таоллоҳ фазл ва қарами билан мундоқ душвор ишни бизга осон қилди ва андоқ қалин черикни ярим кунда андоқ ер била яксон қилди. Беш-олти минг киши Иброҳимнинг яқинида бир ерда — ўқ қатлга етибтурлар. Ўзга ҳар ерда ўлганларни бу маъракада ўн беш — ўн олти минг тахмин қилур эдик. Сўнгра Отрага келганда Ҳиндустон эли тақриридин андоқ маълум бўлдиким, қирқ-эллик минг киши бу маъракада ўлгон экандур», — дейди.

Гулбадан бегим Бобур подшоҳнинг Ҳиндистонни фатҳ қилганидан кейинги воқеалар ҳақида ёзаркан, Бобур подшоҳнинг сўнгги ҳукмронлик даврларини ҳамда ўлими сабабларини қўйидагича изоҳлади: «Бобур подшоҳ Султон Иброҳим Лўдийни жангда ҳалок этгач, бутун ҳокимиятни қўлга олади. Султон Иброҳим Лўдийнинг Байда исмли онаси бўлиб, Бобур подшоҳ инсоф ва диёнат юзасидан собиқ шоҳ авлодига шафқат кўрсатиб, мазкур малика Байдани ўз ҳузурига ҷорлаб: «Сиз менинг ҳам онамсиз, мени ўғлингиз Султон Иброҳим қаторида ўғлим деб қаранг», — деб катта илтифотлар кўрсатади. Унга махсус қаср, боғ ва ерлар инъом қиласди. Бироқ малика Байда ўз ўғлининг хунини олиш мақсадида Бобур подшоҳнинг баковули (ошпаз) Аҳмад Чашнагирни бир бўлак заҳарни подшоҳ ошига қўшиб беришга ундайди ва катта бойлик эвазига рози қиласди.

Аҳмад Чашнагир мазкур заҳарни нонга қўшиб беради. Бобур подшоҳ мазкур нондан озроқ тановул қиласди. Заҳар аста-секин таъсир қилувчи кучга молик бўлган. Ана шу воқеадан сўнг, Бобур подшоҳ кундан-кун озиб, дармонсизланиб, касалга чалинган.

Гулбадан бегимнинг ёзишича, ана шу кунларда Бобур подшоҳ ҳукмдорликдан кўнгли совиб, табиатида дарвешлик, узлатга чекиниш иштиёқи намоён бўлади. Ҳатто кунлардан бир кун ўз аҳли аёли, фарзандлари ҳамда яқин кишиларини ҳузурига йигиб, «кўнглим салтанат ва подшоҳликдан олинди. Шу Зарафшон богида бир бурчакда ўтирасам, менинг хизматим учун Тоҳир офтобачи ҳам етиб ортади, подшоҳликни

Хўмоюнга берсам», — дейди. Аммо сарой ахли йиги-сиги қилиб, қабул қилмайди. Бунинг устига ёш ўғли Олур Мирзо қорин оғригига учраб, вафот этади. Олур Мирзонинг вафотига чидайолмаган онаси — Дилдор бегим савдойи бўлиб қолади. Бу мусибатлардан ортиқ даражада эзилган Бобур подшоҳ Дебалпурга сайр қилмоқ ва бир оз кўнгулни ёзмоқ учун кетади.

Шу аснода Сумбулга ҳоким қилиб тайинланган Муҳаммад Хўмоюннинг бетоблиги ҳақида хабар кела-ди. Хўмоюнни Сумбулдан кемада олиб келишади. Бобур подшоҳ Дебалпурдан қайтиб келиб, Хўмо-юннинг аҳволи оғирлигидан қаттиқ ташвишга тушади. Шу пайт Моҳим бегим зрига, «Сиз менинг фарзандимга беларвосиз, чунки подшоҳсиз, нима гамингиз бор, сизнинг бошқа фарзандларингиз ҳам бор, менинг эса битта, яккаю-ягона фарзандим бор», — дейди. Бу таҳқи-ромуз сўздан қаттиқ таъсиранган Бобур подшоҳ дарҳол бир кишини топиб, ҳазрат Муртазо Алининг мозорини зиёрат қилмоқ учун жўнатаркан, унга ўз номидан, «Худоё, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўлса, менки Бобурмен, умри жонимни Хўмо-юнга багишлаймен», — деб дуо қилишини сўрайди.

Гулбадан бегимнинг ёзишича, шу куннинг ўзидаёқ Бобур подшоҳнинг тоби қочади. Хўмоюн Мирзо эса ўз бошидан сув қуиб, гул қилиб, ташқарига чиқади ва кўргани келувчиларни қабул қиласхонади. Бобур подшоҳ эса шу ётганча касали оғирлашиб, қайта ўрнидан турмайди. Ниҳоят, бир кун барча шахзодалар, маликалар, амалдорлар беклар ва ўзига яқин киши-ларни ўз ҳузурига чорлаб, подшоҳлик таҳтига Хўмоюн Мирзони муносаб кўрганлигини ва ҳамма катта-кичик унга бўйсуниши лозим эканлиги ҳақида васият қиласди. Шундан сўнг 1530 йил 25 декабр душанба куни 47 ёшида вафот этади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ақлли, ўқимишли, эйрак, тадбиркор ва жасур қиши бўлган. Ёш Бобурнинг ота таҳтига ўтириш даври — Моваро-уннаҳрда феодал тарқокликнинг кучайган ҳамда ўзаро қонли курашларнинг авжига чиқсан даврига тўғри келади. Бинобарин, давр тақозаси Бобурни ҳам бу можароларда фаол қатнашимоқча мажбур қиласди. Ўн йилдан зиёдроқ олиб борилган тўхтовсиз урушлар ва ниҳоят Мовароуннаҳрнинг Шайбонийхон тарафидан босиб олинини, Бобурни ўз ватанини ташлаб, Афго-нистон томонга бош олиб кетишга мажбур қиласди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ гарчи шимолий Афғонистон билан шимолий Ҳиндистонни бирлаштириб, йирик салтанат барпо этиб, буюқ ҳукмдор шоҳ даражасига кўтарилган бўлса-да, бироқ у ўз ватанини эсдан чиқараолмади. У ватанини орзиқиб қўмсади, унга янада мұхаббати ортди. У умрининг охиригача ўз ватани Мовароуннаҳрда содир бўлаётган воқеалардан доимо кўэ-кулоқ бўлиб яшади. Бобур бегона юртларга бориб қолиб, ватанинни согиниб, замондан норози бўлиб, тақдирга эътиroz билдириб, ўзининг машаққатли қисматидан аччик-аччик нолиди:

Яна маҳруми хонумон қилдинг,
Яне оворайиг жаҳон қилдинг.
Тоғъе йўки жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишини айладим, ҳатолиг бўлди.
Ўз ерини қўюб Ҳинд гори юзландим,
Ераб истайин, не юз қаролиг бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ ўз замонаси-нинг истеъодди давлат арбоби, етук саркарда, ҳассос шоир, талантли адабиёт ва санъатнинг қадрийи улуғловчи ҳамда илму фан равнақи учун қайтурган буюқ донишманд аллома бўлган. Бинобарин, бизнинг давримизгача этиб келган унинг асарлари жаҳон тарихчилари ва шарқшуносларини ҳамон қизиқтириб келмоқда. Бобурнинг фикр доираси ниҳоятда кенг, хотираси эса кишини ҳайратга соладиган даражада ёрқинdir. Уни табиатнинг барча мавжудотлари, шунингдек ижтимоий ҳаётнинг турли-туман соҳалари-ю, ҳодисалари қизиқтирган.

Жавоҳарлал Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашиф этилиши» номли асарида Бобурга баҳо бериб, шундай ёзади: «Бобур дилбар шахс уйгониш даврига хос ҳукмдор, довюрак, сергайрат ва эпчил инсон, у ҳаёт нафосатидан лаззатлана билган». Яна «Бобур Ҳиндистонга келиши билан у ерда янги давр ва янги салтанат бошланди. Мамлакат қудрати ва шуҳрати ошиб, бобурийлар салтанатининг шуҳрати бутун Осиё ва Европа бўйлаб тарқалди»,— деб ёзади. Муаллиф яна Бобур ҳақида гапирапкан, уни диний жаҳолат (мутаассиблик)дан ҳоли ҳукмдор бўлганлиги ва Ҳиндистонликларнинг миллий урф-одатлари, расм-руслари-ни барбод қилмаганлигини алоҳида таъкидлайди.

«Бобурнома»ни 1826 йилда инглиз тилига таржима қилган В. Эрскин ҳамда Джон Лейден Бобурга баҳо берарканлар «Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичida Бобур

сингари зукко ва талантли кишиларни камдан-кам учратамиз. Ундаги ақлнинг актив фаолияти, хушчақ-чақ, совуққонлик, бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, рухининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган сахийлик, мардлиги, истеъ-додлилиги, фанга, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффакиятли шугуллана олиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳ топаолмаймиз», — деб ёзадилар.

XIX аср инглиз олими Эдуард Холден Бобур ҳакида қўйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: «Бобур олижанобликда қандай хислатлар бор бўлса уларнинг барчасини эгаллаган. Агар вакт ва шарбутнинг хилма-хиллигини назарга олинса, у пайтда Бобур лашкарбoshi, маъмур ва адабиётчи сиғратида Цезарь билан бир қаторда туришга арзимайдиган бўлиб кўринмайди. Бобурнинг характерига қараганда севишга арзийдиган характеристерди».

II. Унингдек, йирик шарқшунос С. П. Толстов ҳам Бобур ҳакида қўйидаги сатрларни ёзган: «Фаргоналик Захириддин Муҳаммад Бобур — Шарқдаги уйгониш даврининг энг атоқли сиёsat ва маданий арбобларидан биридир».

Бобурнинг мероси хилма-хилдир. У ҳам шоир, ҳам ёзувчи бўлган, у музика илми, шеърий услугуб ҳамда ҳарбий санъат ҳақида илмий рисблалар ёзган. Аммо унинг бу асарларидан кўплари ҳозиргача топилмаган ёки бизгача етиб келмаган. Унинг «Бобурнома»дан ташқари «Шеърлар девони» бўлиб, мазкур девон Бобурнинг Лутфий ва Навоийдан қолишмайдиган даражада етук бир лирик шоир эканига далиллар. Бобур ўзининг «Мубайин» номли асарида солиқ солиш тартиблари, экин майдонларини тайинлаш, қандай ерлардан қайси ҳажмда солиқ олишни шариат мезони билан ўлчаб, чиройли наzm билан ёзган. Тахминларга кўра, ҳархолда, Бобур мазкур асарини ўғли Ҳумоюн Мирзога атаб ёзган бўлиши керак. Чунки қўйидаги мисралар юқорида айтилган тахминни ёритади.

Билгайсен, эй ҳужастайи фарзанд,
Жигарим билан жонимга пайванд.
Масъалаларким, ул зарур эрди,
Билмасанг динингга қусур эрди.
Етди кўнглимга ким, йизиштирсан

Тонглалик кундаким хисоб ўлгай,
Манга ажру санга савоб ўлгай.
Жаъмида саъмо эхтиром қилай.
Сени отингга мен тамом қилай.
Дину донишда ҳар кун афзун бўл,
Давлату баҳт ила Ҳумоюн бўл.
Комрон бўл, жаҳонда давлат кўр,
Юз туман обрў-ю иззат кўр.
Бу демакдин гаразким эрди бас,
Шеъру шоирлик эрмас эрди ҳавас.
Йил тўққиз юз йигирма секиз эди,
Фикҳда Бобур ушбу назм деди.

Зотан мазкур газалда ўз ўғли Ҳумоюн Мирзо билан Комрон Мирзоларнинг номини тилак сифатида зикр қилиб ўтган.

Бундан ташқари, Бобур Ҳўжа Аҳрорнинг тасаввупга доир «Волидия» номли асарини назмга солиб, эски ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, Бобур аруз илмига мансуб бўлган «Мухтасар» номли қимматли асарнинг ҳам муаллифидир. Бу асарнинг ягона мўътабар нусхаси Париж Миллий кутубхонаси фондида сақланаёттир. Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган, 1533—1554 йилларда Ҳожи Муҳаммад Самарқандий томонидан кўчирилган мазкур қўлёзма нусхаси 1971 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи тарафидан биринчи марта нашрга тайёрланди.

Бобур алифбе масалалари бўлан ҳам шўгулланган. У алоҳида хат тури — «Ҳатти Ғобурий»нинг ихтиро-чисидир.

Заҳириддия Муҳаммад Бобур исми лугавий маъноси — «Йўлбарс»дир. Унинг жисми исмига монанд бўлиб, йўлбарсдек кучли, довюрак, абжир ва эпчил бўлган. Эпчилликда унга teng келадиган одам ҳам топилган. У шунчалик кучли ва чапдаст бўлганки, икки кўлтиғига иккни одамни олиб, қалъа девори устида югуриб ҳашқ қилган. Ҳар қандай ҳавф-хатар ва қийинчиликларни писанд қилмаган. Барча мушкул масалаларни совуққонлик ва акл тарозуси билан ҳал қилган. У ажойиб сўзувлари ва гаввос ҳам бўлган. Бинобарин, ўз ўйлида учраган барча дарёлардан (Ганга дарёси бундан мустасно) сузуб ўтган.

Нақл қилишларича, Бобур подшоҳ кунлардан бир

кун ўз мулозимлари билан улкан дарё бўйлаб сайд қилиб юради. Подшоҳдан норози бўлган баъзи бир гурухлар уни қатл қилиш учун моҳир ханжарбоз ҳиндуни ёллашади. Мазкур ҳинду узоқдан туриб ўз рақибига ханжар отишда шунчалик чапдаст эканки, отилган ханжар рақибнинг томогига бехато санчилиб, тил тортмай ўлдирап экан. Ҳинду ханжарини енг ичига беркитиб аста-секин юриб Бобур подшоҳга яқинлаша бошлайди. Шу пайт қирғоқда югуришиб ўйнаб юрган норасида болалардан бири — олти ёшлик ҳинду боласи ногоҳ дарёга тушиб кетади ва қудратли дарё мавжлари уни ўраб, оқизиб кетабошлайди. Бу фожиали воқеани кўрган Бобур подшоҳ атрофидаги мулозимларга ҳеч нарса демай, дарҳол ўзини дарёга отиб, ҳинду боласини ҳалокатдан қутқариб олиб чиқади. Подшоҳ томонидан содир бўлган ажойиб инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва олий фазилатни кўрган ҳалиги ҳинду ҳанг-манг бўлиб қолади-да, бир оздан сўнг эс-хушини йигиб олгач, подшоҳ ҳузурига бориб таъзим қилгач, ханжарини подшоҳга узатиб, «Эй олампаноҳ! Мана бу ханжарни қўлингга ол-да, менинг кўксимни пора-пора қилиб ташла. Чунки мен сенинг олдингда гуноҳкормен. Зоро, ширин жонингга қасд қилмоқчи эдим. Аммо сенинг инсонга бўлган меҳр-шафқатинг, мурувватинг ва баҳодирлигинг қаршисида бошимни эгиб, таслим бўламан. Ҳамда сенинг қатлингга мени оёқлантирган малъунларiga паънатлар ўқийман! Эй олижаноб подшоҳим, олампаноҳи²! Агар истасанг ўла-ўлгунимча ҳузурингда қолиб, садоқат ҳэмарини белга bogлаб хизматингда бўлай», — дейди.

Дарҳақиқат, Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг ҳаёт тарзини ифодаловчи тарихий асарлар, ривоятлар ва нақлларда унинг адолатлий, имони баркамол мусулмон ва оқ кўнгилди пок инсон эканлиги хақида ёзилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур маъшур «Бобурнома» асарининг бир неча саҳифаларида ўзининг хотинлари ва фарзандларининг исмини ёзиб қолдирган. Лекин Бобур подшоҳнинг хотинлари, ўғиллари ва қизларининг мукаммалроқ рўйхатини унинг қизи Гулбадён бегимнинг «Хумоюннома» асарида учратиш мумкин. Чунончи, Бобур беш яшарлик вақтидаёқ Самарқандца ўз амакиси — Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзонинг қизи Ойша Султон бегимга бешиккетти қилинган ва унга уйланган. Биз, аввалги саҳифаларда

Вобурнинг икки хотини Ойша Султон бегим ва Зайнаб^{*}-
Султон бегим ҳақида эслатиб ўтдик.

Бобур Мирзонинг учинчи хотини Моҳим бегим эди. Моҳим бегим Бобур подшоҳ ҳарамидаги барча хотинларидан ўктами эди. Моҳим бегим ҳусн-латофатда бениёз, ақл-идрокда бенуқсон, тадбиркор ва хушфеъл аёл бўлган. Кези келганда салтанат ишларида етуқ маслаҳатдан ҳам эди. Моҳим бегимдан беш фарзанд дунёга келади. Жумладан, Ҳумоюн Мирзо, Борбўл Мирзо, Мехр Жаҳон бегим, Эшон Давлат бегим ва Форук Мирзо. Булардан фақат Ҳумоюн Мирзодан бошқаси ёшлигидәёқ ўлиб кетадилар.

Бобур подшоҳнинг тўртинчи хотини Гулруҳ бегим эди. Бобур подшоҳ Гулруҳ бегимга 1508 йилда уйланған эди. Гулруҳ бегимдан Комрон Мирзо, Аскарий Мирзо, Шоҳруҳ Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо ва Гулиъзор бегимлар туғилган. Бироқ Комрон Мирзо билан Аскарий Мирзодан бошқалари ёшлигига вафот қилганлар.

Бобур подшоҳнинг бешинчи хотини Дилдор бегим эди. Дилдор бегимдан Гулранг бегим, Гулчехра бегим, Ҳиндол Мирзо, Гулбадаң бегим ва Олур Мирзолар туғилганлар. Олур Мирзо ўлимидан кейин савдои бўлиб қолган онаси Дилдор бегим ҳарҳолда кейинчалик яна соғайиб кетган бўлиши эҳтимол, чунки Дилдор бегимнинг Ҳумоюншоҳ ҳукмдорлик даврида ҳам сарой йиғилишларида, анжуманларида иштирок қилгани ҳақида Гулбадан бегим муфассал маълумот беради. Олтинчи хотини Маъсума Султон бегим ҳақида ўтган саҳифаларда эслатилди.

Бобур подшоҳнинг еттинчи хотини Мехри бегим эди, ундан битта қиз туғилиб, исмини Мехржон бегим деб атаганлар.

Бобур подшоҳнинг саккизинчи хотини Афғоний оғача эди. У Малик Мансур Юсуфзайнинг қизи эди. Афғоний Оғачанинг асли номи Биби Муборакадир.

Афғонистон ва Покистоннинг Субай Сарҳад вилоятидаги паштунларнинг фольклор асарларида Бобур номи алоҳида эҳтиром билан тилга олинади. Айниқса, Юсуфзай қабиласи орасида «Бобур ва Биби Муборака» номли афсона ҳадимдан ҳикоя қилиб келинади. Мазкур асарда нақл қилинишича, ёз кунларининг бирида Бобур подшоҳ дарвеш либосида Юсуфзай қабиласи орасида тўсатдан пайдо бўлади. У ногоҳон тог ён бағридан оқиб чиқаётган булоқдан кўзачада сув олаётган Биби Муборакага рўпара келиб қолади. «Дарвеш» билан

гўзал қиз орасида оташин ва пок муҳаббат пайдо бўлади. Паштун малагининг чиройига маҳлиё бўлган «дарвеш» эртасига унинг ота-онасига совчи юборади. Шундан сўнг Бобур подшоҳ билан Биби Мубораканинг тўйи бўлади. Кейинчалик Бобур подшоҳ Биби Муборакани ўзи билан бирга Ҳиндистонга олиб кетади. Афғонистонлик Ҳабибийнинг маълумотига қараганда, Бобур подшоҳ билан Биби Мубораканинг никоҳи 1516 йилда бўлган. Биби Муборака Юсуфзай қавмидан Шоҳ Мансур Божавурийнинг қизи эди. «Ҳумоюннома» да Биби Муборакани — Афғоний Оғача деб берилган. Биби Муборака Шер Шоҳ Сурий замонасида Бобурнинг хокини Кобулга келтириб дафн эттиради. Сўнгра у Ҳиндистонда то Акбар подшоҳ замонасигача яшаган. Биби Мубораканинг Бобур подшоҳдан фарзанди бўлмаган.

Бобур подшоҳ тўққиз ўғил ва тўққиз қизнинг отаси бўлган. Бироқ уларнинг ўн биттаси ёшлигида вафот қилганлар. Бобур подшоҳ вафотида ҳаёт бўлган фарзандлари — Ҳумоюн подшоҳ, Комрон Мирзо, Аскарий Мирзо, Ҳиндол Мирзо, Гулранг бегим, Гулчеҳра бегим ва Гулбадан бегим эдилар.

Гулранг бегим ва Гулчеҳра бегимлар Бобур подшоҳнинг Дилдор бегимдан туғилган қизларидир. Бобур подшоҳ ўлим тўшагида ётган чогида катта хотини Моҳим бегимни ўз ҳузурига чорлаб, «Гулранг бегим билан Гулчеҳра бегимни шавҳарга (эрға) узатиш лозим. Бинобарин, фикримча, Гулранг бегимни Эсон Темур Султонга, Гулчеҳра бегимни эса Тўхта Буга Султонга узатилса хўброқ бўлур»,— деган буйруқни беради.

ГУЛБАДАН БЕГИМ Бобур подшоҳнинг Дилдор бегим номли хотинидан туғилган учинчи қизидир. Гулбадан бегим 1523 йилда Кобулда туғилган. Гулбадан бегим отаси Бобур подшоҳнинг фармонига кўра, катта онаси Моҳим бегим кўлида тарбияланади.

Гулбадан бегим 1529 йилгача Кобулда яшайди. Бобур подшоҳ Ҳиндистонни кўлга киритгач, Моҳим бегим билан бирга подшоҳ отасининг ҳузурига — Аграга боради. Отаси Бобур подшоҳ вафотидан сўнг, акаси Ҳумоюн подшоҳ саройида яшайди. 1539 йилда Гулбадан бегимни Ҳизр Хўжахонга турмушга чиқараладилар. У бир ўғил туғади, исмиши Саодатёр қўядилар

1556 йил Ҳумоюн подшоҳ вафотидан сўнг салтанат таҳтига унинг ўғли Жалолиддин Ақбаршоҳ ўтиргач, шоҳнинг онаси Ҳамида бону билан Гулбадан бегим саройга — Деҳлига қайтиб келадилар. Ана шундан сўнг, Гулбадан бегим то умрининг охиригача жияни Ақбар подшоҳ саройида яшайди.

Гулбадан бегим ўз замонасининг энг ўқимишли, оқила ва донишманд аёлларидан эди. У жияни Жалолиддин Ақбар подшоҳнинг «Фирдавс макон ва жаннат ошён Ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз, деган ишорасига мувофик, «Ҳумоюннома» номли ажойиб ва муҳим асарни ёзади. «Ҳумоюннома» Бобур подшоҳ билан Ҳумоюн подшоҳнинг ҳаёт тарзи ва саргузащларининг мухтасар тарихи бўлиб, мантиқан «Бобурнома»нинг давомидир. Бу асарнинг муҳимлиги яна шундаки, «Бобурнома» асаридаги айрим воқеаларнинг келиб чиқиц сабабларини мукаммал очиб беради. Аммо асарнинг охирги қисми ўша замоннинг суронли йилларида йўқолиб кетган.

Гулбадан бегимнинг «Ҳумоюннома» асари тарих, жуғрофия, этнография, тил ва адабиёт фанига қизиқувчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

«Ақбарнома» муаллифининг ёзишига қараганда, 1575 йилда Гулбадан бегим Макка зиёратига кетади ва 1582 йилда кўп қийинчиликлар билан зиёратгоҳдан қайтиб келади.

Гулбадан бегим 1603 йилда 80 ёшида вафот этади. Ақбар подшоҳ уни катта ҳурмат билан дағн этади. «Ақбарнома» муаллифи Абулфазлнинг ёзишича, Ақбар подшоҳнинг ўзи ўғил сифатида унинг тобутини кўтариб, дағн маросимида ўғиллик вазифасини эъти момига етказади.

НОСИРИДДИН ҲУМОЮН ПОДШОҲ Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг энг катта ўғли бўлиб, 1508 йил март ойида Кобул аркida Моҳим бегимдан туғилган. Ҳумоюн яхши маълумотли, юмшоқ табиатли оддий одам эди. Гарчи қаҳрамонликка хос хислатлари мавжуд бўлса-да, бироқ қатъиятсизлик ундаги асосий нуқсон эди. У 1530 йил декабр ойида 23 ёшида таҳтга ўтиради ва ўзини Ҳумоюн подшоҳ деб атайди. Ҳумоюн ўзининг қатъиятсизлиги туфайли ўз укаларига нисбатан таҳтга — подшоҳликка қролойикроқ кўринарди.

Бобур подшоҳ вафот қилганда ҳали Бенгалия қўлга киритилмаган, кўпгина афғон амирлари марказий ҳокимиятни тан олмас эдилар. Бу ҳам етмагандек, Ҳумоюн

тактга ўтириши биланоқ жанжалкаш укалари ҳар хил иғво ва фасодни қўзгай бошлайдилар. Ҳумоюн подшоҳ укаларининг даъвосини тинчтиш мақсадида, катта укаси Комрон. Мирзога Кобул билан Қандаҳордан (Кобул ва Қандаҳор аввалдан Комрон Мирзо тасарруфида эди) ташқари Панжоб ва Ҳинд воҳасини, ўртанча укаси Аскарий Мирзога Меватни, ўз улуши бўлмиш Сумбулни эса кичик укаси Ҳифдол Мирзога инъом қиласиди. Ҳумоюн подшоҳнинг мазкур тадбири ўз манфаатларига зид бўлиб, марказий салтанат қудратини ниҳоят даражада мушкул аҳволга солиб қўйган эди. Натижада, марказий салтанат, қўшиннинг моддий тақдирини ҳал қилувчи иқтисодий марказлардан маҳрум бўлиб қолган эди. Иккинчидан, Гужарот подшоҳлиги ҳамда Бенгалия ва Биҳарда ҳукмронлик қилаётган забардаст афғон феодаллари Ҳумоюнга қарши курашга ҳозирлик кўраётган эдилар.

Ҳумоюн подшоҳ ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида афғон феодалларига қарши курашда катта маҳорат кўрсатди. Шунингдек, марҳум Иброҳим Лўдийнинг укаси Муҳаммад Лўдийга қарши қаттиқ жанглар олиб борди. 1532 йилда Муҳаммад Лўдий мамлакатнинг шарқий чегарасидан бостириб киради. Бироқ Лакнау яқинидаги жангда қаттиқ зарбага учрайди. Шуни ҳам айтиш лозимки, Муҳаммад Лўдийнинг тарафдорларидан Шерхон (Шершоҳ) номи билан машҳур бўлган афғон амири бор эди. Шерхон афғон амирлари орасида ўзининг қатъиятли ва жасурлиги билан донг чиқарган эди. Шерхон ёшлиғида Дехлининг собиқ сultonи марҳум Иброҳим Лўдийнинг саройида бир гурӯҳ аскарга бошчилик қиласиди. Иброҳим Лўдий Бобур подшоҳ томонидан тор-мор этилгач, Шерхон Бобур подшоҳ хизматига ўтиб, лашкарбошилик мансабига кўтарилган ҳамда Бобур подшоҳ қўшинида қўзга кўринган лашкарбошилардан эди. Кейинчалик, Бобур подшоҳ Шерхонни Биҳар вилоятига ҳоким қилиб тайинлаган эди.

Бобур подшоҳ вафотидан сўнг Ҳумоюн шоҳнинг ҳукмронлик даврида ички ва ташқи низоларнинг вужудга келишидан фойдаланган Муҳаммад Лўдий қўлдан кетган ҳокимиятни, яъни акаси марҳум Иброҳим Лўдийнинг ҳокимиятини қайта тиклашга жазм қиласиди. Муҳаммад Лўдий Биҳарни босиб олганда Шерхон унга байъат билдиради ва унинг томонида туриб Ҳумоюнга қарши курашади. Бироқ тез кунда

Мұхаммад Лұдий навбатдаги жанглардан бирида ўлдирилгач, Шерхон Биғар вилоятида ўзини мустақил хукмрон деб зълон қиласы. 1537—1540 йиллар мобайнида Шерхон Ҳумоюнга қарши бир неча марта уруш килиб, ниҳоят 1540 йилда Деклини босиб олади ва Ҳумоюнни таъқиб қилиб, секин-аста унинг ерларини тасарруф қила бошлайды. Ниҳоят, охирги жангда Шерхон Ҳумоюн лашкаргохига шабихун уриб, Ҳумоюннинг деярлик барча аскарларини қириб ташлайды. Ҳумоюнни ўзи эса ўнг қўлидан яраланиб, мўъжиза юз бериб омон қолади. Ҳатто Ҳумоюн ҳарамининг бир қисми Шерхон қўлига тушиб қолади.

Ҳумоюн қолган аскарлари билан Кобулга қочади. Лекин Кобул ҳукмрони Комрон Мирзо акаси Ҳумоюнни Кобулга киритмайди. Ҳумоюн кўп қийинчиликлар билан иккинчи укаси Қандаҳор ҳокими Аскарий Мирзо ҳузурига боради. Бироқ Аскарий Мирзо ҳам акасини шаҳарга киритмайди. Ана шундан сўнг Ҳумоюннинг дарбадарлик даври бошланиб, у вилоятдан бу вилоятга ўтиб, биридан марҳамат кутиб, иккинчисидан қувгин бўлиб, сарсон-саргардонликда юради. Айни пайтда Шершоҳ Ҳумоюнни таъқиб қилиб Лоҳургача келади. Ҳумоюн Лоҳурдан Рожпутга боради. Рожпут ҳокими Ҳумоюнни шаҳарга киритмайди. Ҳумоюн ночор ахволлар тушиб, дашту саҳроларда изгиб юришга мажбур бўлади. Ҳумоюн ана шундай аянчли ҳолда оч-наҳор қочиб юрган кезларида ҳам душман таъқибидан кутилмайди. У қайси вилоят яқинидан ўтса, ўша вилоят ҳукмдорлари унинг кетидан қувиб жанг қилардилар. Шершоҳ эса ҳали ҳам Ҳумоюнни таъқиб қиларди. Ҳумоюн қаерга борса, у ёрда кўп туролмас ва қароргохни янгилашга мажбур бўларди. Ҳумоюн бир йил давомида дарбадарликда юргач, ниҳоят Қандаҳор ҳукмрони — укаси Аскарий Мирзодан кўмак истаб шаҳарга яқин боради. Бироқ Аскарий Мирзо ёрдам бериш ўрнига уни асир олишга уринади. Ҳумоюн укасидан қочиб Қазвинга келади. Гулбадан бегимнинг ёзишича, Эрон шохи Тахмосп Ҳумоюнни яхши қабул қиласы ва у 1544 йилгача Эронда қолади.

Ҳумоюн Эрон шохи Тахмоспдан (1524—1576) ёрдам сўрайди. Шоҳ Тахмосп эса Қандаҳорни Эронга қўшиб олиш илинжида, Ҳумоюнга 14 минг пиёда аскар беради. Ҳумоюн шу йили Қандаҳорга ҳужум бошлайды. 1545 йилда Ҳумоюн укаси Аскарий Мирзони енгиб, Қандаҳорни қўлга киритгач, шаҳарни Шоҳ Тахмоспнинг ўғлига

топширади. Бироқ күп ўтмай шоҳ Тахмоспнинг ўғли шаҳзода вафот этади. Қандаҳорга эса Байрамхон ҳоким қилиб тайинланади.

Ҳумоюн энди Кобулга — укаси Комрон Мирзога қарши юриш бошлайди. Бу хабарни эшитган Комрон Мирзо Кобулни ташлаб Ҳиндистонга қочади. 1545 йилнинг кузида Комрон Мирзо Ҳиндикушдан ўтиб, Бадахшонни эгаллайди. Ҳумоюн Бадахшонга аскар тортиб боради ва Бадахшонни қўлга киритгач, ўзи касал бўлиб ётиб қолади. Комрон Мирзо Бадахшондан қочиб чиқаркан, акаси Ҳумоюннинг бетоблигини эшитгач, тезликда Кобулга келиб, қалъани эгаллайди. Гулбадан бегим бу воқеани қуидагича изоҳлайди: «Мирзо Комроннинг одамлари Ҳисор (қалъа) дарбонларини (соқчиларини) ушлаб олдилар ва Мирзо Комрон олдига олиб келдилар. У киши, қаманглар деб буюрдилар. Шундан кейин Мирзо Комроннинг одамлари Ҳисорнинг тепасига чиқиб кетишиди. Ҳарам аҳлининг беҳисоб нарсаларини талон-тарож қилиб, Мирзо Комрон саркорининг қўлига топширдилар. Бегимларнинг катталарини Мирзо Аскарийнинг уйига киритиб, уйнинг эшигини гишт билан уриб, ганч билан суваб беркитдилар. Шу ўй тўрт деворининг тепасидан бегимларга ош ва сув берар эдилар».

Бу хабарни бемор ётған Ҳумоюншоҳ эшитгач, ноилож тўشاқдан туриб, Бадахшондан Кобулга келиб, шаҳарни мухосара қиласди. Комрон Мирзо қамалга дош беролмаслигини сезиб, кечаси Кобулни ташлаб қочади. Ҳумоюншоҳ Кобулни қўлга киритади.

Комрон Мирзо Кобулдан қочиб, Бадахшонга боради ҳамда у ерни ишғол қиласди. Ҳумоюн Мирзо тезликда Бадахшонга бориб, Комрон Мирзони қароргоҳи Толиқонни қамал қиласди. Комрон Мирзо ноилож қолиб, таслим бўлади. Ҳумоюн унинг гуноҳини кечириб, унга Кўлоб вилоятини беради. Шундан сўнг Ҳумоюн ички низоларни бироз тинчитгач, Балх ҳукмдори Пир Муҳаммадхонга қарши юриш қиласди. Бироқ, Ҳумоюн аскарлари Балх қалъасини ололмай, Даشتни Қипчоқ томон юради. Ҳумоюн Даشتни Қипчоқда бошидан яраланиб Бадахшонга қайтади. Бироз вақт ўтгач, Кобулга қайтиб келади. Аммо Комрон Мирзо яна Ҳумоюнга қарши бош кўтаради. Ака-ука ўртасида яна жанг бошланади. Бироқ жангда Комрон Мирзо қаттиқ шикастланиб, Ламгонот томонга қочади.

1553 йилда Комрон Мирзо яна қўшин тўплаб

Ҳумоюнга қарши уруш бошлайди. Аммо жангда ентилиб, Шершоҳ Сурийнинг ўғли Салимшоҳнинг олдига қочиб боради. Салимшоҳ Комрон Мирзога яхши илтифот кўрсатмагач, у ердан кечаси Хушобга қочади. Лекин чегарага қўйилган одамлар уни ушлаб Ҳумоюнга топширадилар. Бу сафар Ҳумоюн укаси Комрон Мирзонинг ҳар иккала кўзига мил тортиб, кўр қилиш ҳақида фармон беради. Ҳумоюн Комрон Мирзодан хотиржам бўлгач, иккинчи укаси Аскарий Мирзонинг гуноҳини кечириб, унинг илтимосига кўра Бадахшонга кетишига ижозат беради.

Ҳумоюншоҳ ноаҳил укаларидан фориг бўлгач, кўлдан кетган Ҳиндистон мамлакатини қайтадан мусаххар қилишга киришади. Бу вақтда Ҳумоюншоҳни дарбадарликка маҳкум қилган Шершоҳ Сурий вафот этган эди. Шершоҳ Сурий 1545 йилда Ражпутни забт этгач, Читторани қамал қиласи. Қамал асносида шаҳар ичидан отилган дайди ўқ Шершоҳга тегиб, ҳалок қилган эди. Тахта унинг кичик ўғли Жалолхон ўтиради. Жалолхон ўзини Салимшоҳ деб атайди ва саккиз йил (1545—1553) ҳукмронлик қиласи. Салимшоҳ вафотидан сўнг унинг акаси Одилшоҳ тахтга ўтиради. Одилшоҳ қатъиятсиз ва аиш-ишрат бандаси бўлгани туғайли салтанатни бошқаролмайди. Тез кунда унинг набираси Феруз тахтга ўтиради. Бироқ 1554 йилда Феруз амакиси Одилшоҳ номи билан машхур бўлган Муборизхон тарафидан ўлдирилади. Айни пайтда тахтга яна икки даъвогар бор эди. Булар Искандаршоҳ ва Иброҳимшоҳлар бўлиб, улар ўзларини шоҳ деб зълон қилган эдилар. Чунончи, Аградан то Мальвагача бўлган ерлар Муҳаммад Одилшоҳга, Дехлидан Раҳтосгача бўлган ерлар Искандаршоҳга ҳамда Ҳималай тогларидан то Гужаротгача бўлган ерлар Иброҳимшоҳга қарам эди.

Ҳиндистонни қайтадан қўлга киритиш учун Ҳумоюншоҳда ҳамма имкониятлар мавжуд эди. Чунки, асосий душман Сур сулоласининг ўз ичидаги ҳамжиҳатлик йўқ эди. Бинобарин, Ҳумоюншоҳ Кобулдан Ҳиндистон томон юради. 1555 йил феврал ойида Ҳумоюншоҳ Лохурни қўлга киритади ва июл ойида Искандаршоҳнинг қўшинига қаттиқ зарба бериб, Дехлини қўлга киритади ҳамда Ҳиндистонда Буюк мўғул империясининг асосини тиклайди. Аммо Ҳиндистон ҳали бутунлай фатҳ этилмаган эди. Бироқ Дехли фатҳидан етти ой ўтгач, тасодифий ҳодиса рўй бериб,

Ҳумоюншоҳ оламдан ўтади. Чунончи, кунлардан бир кун ўрда ичидаги кутубхонада Ҳумоюншоҳ мунажжимлар билан сұхбатлашаётган чоғда масжид мезанасидан кечки намозга даъват этаётган муаззиннинг овози эшитилади. Ҳумоюншоҳ намозни қазо қиласлик учун шошилиб кутубхонадан чиқиб, пиллапояга қадам қўяди ва ногаҳон оёги тойиб, ийқилиб пиллапоядан юмалаб ерга тушади. Боши ёрилиб, икки кун ёттач, 1556 йил 24 январ куни 49 ёшида вафот қиласди. Ҳумоюншоҳ ҳаммаси бўлиб 25 йил ҳукмронлик қиласди. Жумладан 15 йил Кобул, Қандаҳор ва Шимолий Афғонистон вилоятларида ҳукмдорлик қиласди. Ҳумоюншоҳ отаси Бобуршоҳдек заҳматкаш ва фаол киши эди. У ҳам ўзининг қисқа умри давомида жуда кўп заҳматлар чекди. Лекин ноумид бўлмади, оқибатда, Ҳиндистондек улуг мамлакат ҳукмронлигини қўлда сақлаб қолаолди. Жавоҳарлаъл Неру ёзганидек, «Ҳумоюн маданиятли ва ўқимишли киши эди, аммо, у отаси каби жангчи эмасди».

Ҳумоюншоҳ юмшоқ табиатли киши эди. У китоб ўқишини ёқтирас, бинобарин, ўзининг жанг сафарларида ҳам бир неча китобларни бирга олиб юрарди. У дунёвий илмлардан математика ва фалакиётга қизиқар, шунингдек, мусиқа тинглашни ҳам ёқтирас ва ҳафтада икки марта мусиқа анжуманида қатнашарди. У асирга тушганлар орасидан мусиқа илмидан хабардор бўлган кишиларни ажратиб олиб, уларга алоҳида эътибор билан қаради. Ҳумоюншоҳ саройдаги файласуфлар, мунажжимлар, шоирлар, руҳонийлар ва бошқа аҳли илмлар билан сұхбатлар ўтказарди. У Эрондан икки моҳир рассомни Деҳлига таклиф қиласган, ҳамда улардан ўзига ва ўғли Акбарга рассомликдан дарс беришларини илтимос қиласган эди.

Ҳумоюншоҳ охирги вақтларда афъюн ейишга ўрганган эди. Унинг шеъриятга иқтидори кучли эди, туркий ва форсий тилида газаллар битарди. Ўзининг газалларини тўплаб бир девон тартиб берган. Ҳумоюншоҳнинг еттига хотини бўлиб, улардан беш ўғил ва олти қиз кўрган эди. Тўнгич ўғли Алъамон Мирзо, кейингиси Иброҳим Султон Мирзо ва Фарруҳфол Мирзо деган ўғиллари ёшлиқда вафот қиласланлар. Ҳумоюншоҳнинг биринчи хотини Ҳамида Бону бегим бўлиб, Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳнинг онасидир. Иккинчиси Моҳи Чучук бегим бўлиб, у Муҳаммад Ҳаким Мирзо, Фарруҳфол Мирзо, Бахтинисо бегим, Омина Бону бегим

ва Сакина Бону бегимларнинг онаси эди. Учинчиси Хониш ого бегим бўлиб, у Иброҳим Султон Мирзонинг онаси эди. Тўртинчиси Бека бегим бўлиб, у Ақиқа бегимнинг онаси эди. Бешинчиси Биби Гуннор бегим бўлиб, у Бахши Бону бегимнинг онаси эди. Олтинчиси Чон бегим ва еттинчиси Меважон бегим бўлиб, Ҳаданг Ясовулнинг қизи эди. Ҳумоюншоҳнинг олтинчи қизи — Жаҳон Султон бегим Кобулни Комрон Мирзо забт қилган вақтда, икки ёшлигида қамалда вафот этган.

КОМРОН МИРЗО Захириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг иккинчи ўғлидир. У 1509 йилда Кобулда туғилган. Онаси — Гулруҳ бегим. Комрон Мирзо ҳам акаси Ҳумоюншоҳ каби ўқимишли ва билимдан киши эди. Аммо унинг табиатида ўжарлик, такаббурлик ва шуҳратпарастлик аломатлари бўлиб, бироқ Ҳумоюншоҳдан фарқли ўлароқ журъатли, қатъиятли ва жанг талаб киши эди. У илм-фан ақлига хайриҳоҳ бўлиб, ўз саройига олимлар, шоирлар ва адиларни йигар, маҳсус анжуманлар ўтказарди. Китоб йигиши ва китоб мутолаа қилиш унинг севимли машгулоти эди. Ўзи ҳам туркий ва форсий тилларда газаллар ёзарди.

Отаси Захириддин Муҳаммад Бобуршоҳ вафот қидганда, Комрон Мирзо Кобул ва Қандаҳорда ҳукмрон эди. Ота таҳтига ўтирган акаси Ҳумоюншоҳга нисбатан душманлик аломатлари зоҳир бўлабошлади. Комрон Мирзо укаси Аскарий Мирзо билан биргаласиб, таҳтга даъвогар бўлиб, Ҳумоюншоҳга қарши уруш ҳаракатларини бошлайди. Ҳумоюншоҳ жанжалкаш укаларини тинчтиш мақсадида Комрон Мирзога Панжоб ва Ҳинд воҳасини инъом қиласи. Шунга қарамай Комрон Мирзо Ҳумоюншоҳга бўйсунишдан бош тортади ва душманлик ҳаракатларини тўхтатмайди. Ҳумоюншоҳ Шершоҳ Сурий билан жанг қилиб турган бир пайтда, Комрон Мирзо Ҳумоюншоҳга ёрдам бериш ўрнига Аграга келиб, Ҳумоюншоҳга қарши бош кўтарган укаси Ҳиндол Мирзога қўшилиб, Аграпи ишғол қиласи. Натижада Ҳумоюншоҳ қўшинлари Шершоҳ Сурийдан енгилиб, Эрон чегарасига қочишга мажбур бўлади. Эрон шохи Тахмоспдан ёрдам олган Ҳумоюншоҳ 1545 йилда Аскарий Мирзони енгиб, Қандаҳорни олгач, Кобулга — Комрон Мирзога қарши юриш бошлайди. Комрон Мирзо эса Кобулни ташлаб Ҳиндистонга қочади ва 1545 йилнинг кузидаги Бадахшонни забт қиласи. Ҳумоюншоҳ Бадахшонга боради. Комрон Мирзо Бадахшон-

дан қочиб келиб Кобулни эгаллайди. Ҳумоюншоҳ яна Кобулга қайтишга мажбур бўлади. 1548 йили Комрон Мирзо Кобулдан қочиб Бадаҳшонга бориб, у ери эгаллайди. Ҳумоюншоҳ яна Бадаҳшонга бориб, Комрон Мирзони жангда енгиб, унинг гуноҳини кечириб Қўлоб ҳукмронлигини беради. Аммо бир ийлдан сўнг Ҳумоюншоҳнинг Балхга қарши қилган юриши муваффақиятсиз тугагач, бундан фойдаланган Комрон Мирзо яна акасига қарши жанг тарааддудига тушади. Ниҳоят 1550 йилда Кобул яқинидаги Тангиҳо деган жойда уруш бошланади. Атрофни хандақ билан ўраб, ушбу хандақнинг икки томонида икки ҳукмдорнинг қўшинлари саф тортади. Комрон Мирзо одамлари томонидан отилган ўқ хандақ яқинида турган Ҳиндол Мирзога тегиб, ҳалок қиласди. Шундан сўнг ҳар икки қўшин бирбири устига ёпирилиб, жанг бошланади. Жанг ниҳоясида Комрон Мирзо енгилиб, жангоҳни ташлаб қочади. Унинг укаси Аскарий Мирзо асирга олинади.

Комрон Мирзо Шершоҳ Сурийнинг ўғли Салимшоҳнинг олдига қочиб бориб ўз аҳволини баён қиласди ва ундан ёрдам беришни сўрайди. Гулбадан бегимнинг ёзишига қараганда, Салимшоҳ Комрон Мирзонинг илтимосига очик жавоб бермайди, Комрон Мирзо ташқарига чиққач, «ўз укасини (Ҳиндол Мирзони) ўлдирган кишига ёрдам бериш жоизмикан, аксинча бундай одамни йўқотиб юбориш керак» — дейди. Салимшоҳнинг бу сўзи Комрон Мирзонинг қулогига чалингач, ўз одамлари билан ҳам кенгашмай, кечаси қочиб кетади. Комрон Мирзо Ҳушобга келиб, шу ерда яна янги исёнга ҳозирлик кўраётган чогда, яъни 1553 йили шу ерга кўйилган Ҳумоюншоҳ одамлари уни ушлаб, Ҳумоюншоҳ ҳузурига олиб борадилар.

Гулбадан бегимнинг ёзишича, Комрон Мирзо дастидан ғам тортган хонлар, сultonлар ва барча кишилар Ҳумоюншоҳга: «Давлат тепасида подшоҳ бўлиб ҳукм эгаси бўлган кишига биродарлик расми манзур бўлмайди. Агар биродарлик рўйхотирини қилсангиз, подшоҳликдан кечинг, агар подшоҳликни хоҳласангиз биродарликдан кечинг» — деган талабни кўядилар ва «Мамлакатга рахна солганинг боши кесилгани яхши», деган қарорга келадилар. Ҳумоюншоҳ ноилож кўпчиликнинг талабига рози бўлиб, Комрон Мирзонинг икки кўзига мил тортириб, кўр қилишни буюради.

Комрон Мирзонинг кўзига мил тортириб, кўр қилингач, у Каъбатулло зиёратига жўнаб кетган.

Комрон Мирзо бир неча муддат Маккада яшаб, 1557 йил 6 декабрда ўша ерда вафот этган. Ўша замон тарихчила-рининг ёзишига қарағанда, Комрон Мирзонинг жасади Макка шахрининг қабристонида, Мұхаммад пайғамбар-нинг катта хотинлари — Ҳадичайи Кубронинг қабрла-рининг оёқ томонига дағын қилинганды.

Комрон Мирзодан икки ўғил ва икки қызы қолган. Унинг хотиңи Хоним бегим деб аталған. Катта қизи — Ҳабиба бегимни ўзи ҳәётлик даврида Оқ Султон исмли бекка никохлаб берған зди. Комрон Мирzonинг Ҳумоюнга қилған бефойда жангу-жадалларидан зे-риккан күёви Оқ Султон қайнотасига эътиroz билдириб: «...Сиз ҳамма вакт ҳазрат Ҳумоюншоҳга қарши чиқа-сиз, бунинг нима маъниси бор, сизга бу муносиб змас. Ҳаэрратнинг фармонларини бажаринг ва итоат қилинг ёки менга щундай қилишга ижозат беринг, чунки одамлар буни биздан гумон қилмоқдалар», — дейди. Комрон Мирзо эса: «Энди сен ҳам менга насиҳат қиладиган бўлиб қолдингми?», — деб газабланади. Қайнотасидан бу тариқа истеҳзоли кинояни эшитган Оқ Султон ниҳоят даражада аччиғланиб: «Мен бундан буён сизнинг ҳузурингизда бўлсан, ҳалол хотиним харом бўлсин!», — деб, хотинини олиб, Комрон Мирзо-дан ажралиб Бакҳарга жўнаб кетади. Унинг кетидан Комрон Мирзо Шоҳ Ҳусайн Мирзога фармон юборади. Фармонда «Оқ Султон бизни хафа қилиб кетди. Агар ўша томонга борса, уни хотини билан кетишга йўл қўйманг. Хотинини ажратиб олинг, ўзига хоҳлаган тарафига кетишига ижозат беринг» — дейилган зди. Шоҳ Ҳусайн фармонга мувофиқ, Ҳабиба бегимни Оқ Султондан ажратиб олади ва ўзига Қаъбатулло зиёратига кетишга рухсат беради.

Комрон Мирzonинг иккинчи қизи Ойша Султон бегим зди. Комрон Мирzonинг катта ўғли Абулқоси-Мирзо бўлиб, 1528 йилда туғилиб, 1559 йилда вафот этган. Иккинчи ўғли Иброҳим Султон Мирзо 1530 йилда туғилган ва 1553 йилда вафот этган. Мазкур шаҳзода-ларнинг ҳаёт тарзи ва тақдирни ҳақида ҳозирча маълумот учрамади.

АСҚАРИЙ МИРЗО Заҳириддин Мұхаммад Бобур-шоҳнинг учинчи ўғлидир. У 1512 йилда Кобулда, Комрон Мирзо билан бир онадан — Гулруҳ бегимдан туғилган. Бобуршоҳ вафотидан сўнг таҳтга ўтирган Ҳумоюншоҳ уласи Аскарий Мирзога Меват вилояти-

нинг хукмронлигини берган эди. Гулбадан бегимнинг ёзишига қараганда, Аскарий Мирзо ўз туғишиган акаси Комрон Мирзонинг таъсирига берилиб, Ҳумоюншоҳга нисбатан душманлик кайфиятида бўлиб, бир неча марта исён кўтарган. Аскарий Мирзони қаноатлантириш мақсадида кейинчалик Қандахор вилоятини ҳам унга топширган. Бироқ, 1542 йилда Ҳумоюншоҳ Шершоҳ Сурийдан енгилиб, қаёққа боришини билмай, саргардон бўлиб юрган кезларида, нажот истаб Қандахорга — укаси Аскарий Мирзо ҳузурига боргандা, у акасига бошпана бериб, ёрдам кўрсатиш ўрнига уни ушлаб, асирга олмоқчи бўлади. Ҳумоюншоҳ укасининг ниятидан воқиф бўлиб қолгач, унга чап бериб қочади ва шундан сўнг Эронга ўтиб кетади.

Ҳумоюншоҳ Эрондан ёрдам олиб қайтиб келгач, биринчи навбатда Қандаҳорга — укаси Аскарий Мирзога қарши жанг бошлайди ва ундан Қандаҳорни тортиб олади. Кейинчалик Аскарий Мирzonинг гуноҳидан ўтиб унга Фазна вилоятини беради. Ҳумоюншоҳ Қандаҳорга учинчи укаси Ҳиндол Мирзони ҳоким қилиб тайинлаган эди. Комрон Мирzonинг қутқуси билан Аскарий Мирзо яна Қандаҳорни кўлга киритиш учун шахарни қамал қиласи. Комрон Мирзо билан Аскарий Мирзо укалари Ҳиндол Мирzonи алдаб, агар шахар дарвозасини очиб, Қандаҳорни топширса, унга Фазна вилоятини беришга ваъда қиласилар. Қамал чўзилиб халқ оғир аҳволда қолганини ҳисобга олган Ҳиндол Мирзо акаларининг таклифини қабул қиласи ва Қандаҳорни ташлаб чиқиб Фазнага боради. Бироқ Аскарий Мирзо Қандаҳорга кириб олгач, Ҳиндол Мирзога Фазнани эмас, Ламғонотни беради. Бундай риёкорликдан ранжиган Ҳиндол Мирзо Бадахшонга кетади.

Ҳумоюншоҳ Қандаҳорга бостириб келиб, Аскарий Мирzonи асир олади ва яна унинг гуноҳидан ўтиб, унга Толиконни беради. 1550 йилда Аскарий Мирзо акаси Комрон Мирзо билан бирлашиб яна Ҳумоюншоҳга қарши бош кўтаради. 1551 йилда Кобул яқинида бўлган жангда Аскарий Мирзо яна асирга олинади. Бу сафар унинг гуноҳи кечирилмайди. Ўзининг илтимосига кўра, Бадахшонда яшашга ижозат берилади. Аммо у Бадахшонда ҳам яшай олмайди. Ниҳоят Аскарий Мирзо иродайи ҳаж қилиб, Каъбатулло зиёратига жўнайди. 1554 йилда, Абул Фазлнинг маълумотига кўра, 1558 йилда Аскарий Мирзо Шом (Сурия) билан Макка оралигидаги водийда оламдан ўтади ва Макка шаҳрида-

ги қабристонда акаси Комрон Мирзо қабрининг рўбарў, сига дағн қилинади.

Тарихчиларнинг берган гувоҳлигига қараганда, Асқарий Мирзо ҳарбий ишда салоҳиятли, ўқимишли, адаб ва шоиртабиат киши бўлган. Унинг хотини Султоним бегим эди. Ундан фарзанд қолган-қолмаганлиги маълум эмас.

ХИНДОЛ МИРЗО Захириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг тўртинчи ўғли бўлиб, 1518 йилда Кобулда туғилган. Онаси Дилдор бегим эди. Ҳиндол Мирзонинг туғилган хабари келганда, Бобуршоҳ Баҳрани олган, яъни Ҳиндистонни фатҳ қилишга киришган даври эди. Бинобарин, янги туғилган фарзандига «Ҳиндни ол!» рамзий маъносида Ҳиндол деб исм қўйган эди.

Бобуршоҳ ҳайётлик даврида Бадахшон ҳукмрони Мирзоҳон вафот (1526) этгач, Бадахшонни идора қилиш учун Ҳумоюн Мирзони юборган эди. Кейинчалик Бобуршоҳ Ҳумоюн Мирзони Бадахшондан ўз хузурига чақириб олганда, Ҳумоюн Мирзо ўз ўрнига укаси Ҳиндол Мирзони қўйиб келган эди. Бироз вакт ўтгач, Бобуршоҳ Мирзоҳоннинг ўғли Сулаймон Мирзони Бадахшонга ҳоким қилиб тайинлайди ва у ердан ўғли Ҳиндол Мирзони ўз хузурига чақириб олади.

Ҳумоюншоҳ таҳтга ўтиргач, укаси Ҳиндол Мирзога Ҷеват ва Олур вилоятларининг ҳукмронлигини берган эди.

1538 йили Ҳумоюншоҳнинг қатъиятсизлиги туфайли вужудга келган ички низолардан фойдаланган Шершоҳ Сурий Биҳар, Жунпур ва Канаужгача бўлган ерларни босиб олади. Шу аснода Ҳиндол Мирзо Ҳумоюншоҳга қарши бош кўтаради ва Агра шаҳарини босиб олади ҳамда ўзини подшоҳ деб эълон қиласди. Бироқ Комрон Мирзо ўз қўшини билан келиб, Ҳиндол Мирзони ўзига бўйсундириб, Аграпи ундан тортиб олади. Аммо тез фурсатда Шершоҳ Сурий Агра ва бошқа шаҳарларни бирин-кетин босиб олгач, Комрон Мирзо билан Ҳиндол Мирзо Кобулга қочиб бориб, жон сақлайдилар.

1544 йилда Ҳумоюншоҳ Эрондан қайтиб келгач, бошқа укаларни қатори Ҳиндол Мирzonинг ҳам гуноҳини кечиради ва у умрининг охиригача акаси Ҳумоюншоҳга содик қолади.

1551 йилдаги «ҳандақ жанги»да Ҳиндол Мирзо Комрон Мирзо одамлари томонидан яраланади ва ўша куни оламдан ўтади. Ҳиндол Мирzonинг жасади

Кобулда отаси Бобуршоҳ мақбараси ёнига дағн этилади. 1607 йилда Нуриддин Мұхаммад (Салим) Жаҳонгиршоҳ бобокалони Захириддин Мұхаммад Бобуршоҳ қабрини зиёрат қилиш учун Кобулга келганда Ҳиндол Мирзонинг қабрига лавҳа ўрнатишга фармөн беради.

Ўша давр тарихнависларининг ёзишича, Ҳиндол Мирэо диловар ва олим киши бўлган. Унинг саройида олимлар, шоирлар ва дин аҳллари тарбият топганлар. У шеъриятга қизиқар, ўзи ҳам туркий ва форсий тилларда газаллар битарди. Ҳиндол Мирзонинг хотини Маҳди Хўжанинг синглиси Султоним бегим эди. Ҳиндол Мирзодан фарзанд бор-йўқлиги ҳақида маълумот учратмадик.

ЖАЛОЛИДДИН МУҲАММАД АҚБАРШОҲ Ҳумоюншоҳнинг катта ўғлидир. У 1542 йил 15 октябрда ҳарбий сафар пайтида тўғилади. Онаси Ҳамида Бону бегимдир. Ақбаршоҳнинг ёшлиқ даври отаси Ҳумоюншоҳнинг узлуксиз жанг жадаллар ва дарбадарликда юрган даврига тўғри келди. Ҳумоюншоҳнинг Сирхинндаги галабасидан сўнг, 1555 йил 22 июнда Ақбаршоҳ расмий равишда валиаҳд деб эълон қилинади. Шу йили ноябр ойида эса Ҳумоюншоҳ ўғли Ақбаршоҳни Панжобга ҳоким қилиб, ёнига Байрамхонни отабек қилиб тайинлайди. 1556 йил январ ойида Ҳумоюншоҳнинг тўсатдан вафот қилган хабери Панжобга етиб келади. 14 февралда эса Панжобнинг Каланаур бўғида Ақбаршоҳни таҳтга ўтириш маросими бўлиб ўтади.

Ҳумоюншоҳнинг фожиали ўлими сабаб, таҳт талашувлар бошланиб кетади.

Чунончи, Дехли таҳтига даъвогарлардан афғон Одилшоҳ бор эди. У Ҳему номли сардорини 50 минг отлиқ аскарга лашкарбоши тайинлаб, мингга яқин жангари филлар ҳамда 51 дона замбарак билан Дехлига юриш бошлайди. Дехли нойиби Турдигекхон ҳарчанд қаршилик кўрсатса-да, бирок Ҳему уни янчидан ташлайди. Шу аснода Панжобдан Ақбаршоҳ билан Байрамхон ўн минг қўшин билан Дехлига етиб келиб, Ҳемунинг замбаракларини қўлга киритадилар. Бу жангда Ақбаршоҳ қўшини зўр ҳарбий истеъдод ва маҳораёт кўрсатади. Жангда Ҳемуга ўқ тегиб, ярадор ҳолда асирга олинади ва қатл қилинади. Натижада, Сур сулоласига мансуб бўлган афғонлар ҳаракати бутуилай тарқалиб кетади.

Эндиликда Дехли ва Агра учун ҳеч қандай хавф қолмаган эди.

Акбаршоҳ, ҳокимиятга келиши биланоқ, отаси Ҳумоюнишоҳ даврида қўлдан кетган ерларни яна империяга қайта қўшиш бошланган эди. Акбаршоҳ бутун Шимолий Ҳиндистонни, ҳатто, жанубни ҳам фатҳ этганди. У Гужарот, Бангола, Синд, Кашмир ва Ориссани ўз тасарруфига киритади. У ҳатто Марказий ва Жанубий Ҳиндистонда ҳам галаба қозониб, у ерлардан ўлпон ундиради.

Жаҳонга машхур давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру Акбаршоҳ ҳақида эҳтирос билан шундай ёзади: «Акбар 1556 йилдан то 1606 йилгача, қарийб эллик йил Ҳиндистонда ҳукмронлик қилди. Акбар номи Ҳиндистон тарихида буюк ном бўлиб, айrim жиҳатлари Ашокани эслатади. Ажабланарлиси шуки, Ҳиндистоннинг зрамиздан аввалги учинчи асрида яшаган буддойи императори Ашока билан Ҳиндистонда эрамизнинг ўн олтинчи асрида яшаган мусулмон императори Акбар деярли айнан бир хил мавзуларни тилга олиб, бир хил сўзларни ишлатишган. Бутун Ҳиндистон шу икки буюк фарзандининг тилида сўзлаган бўлса ажаб эмас».

Акбаршоҳ Захириддин Муҳаммад Бобуршоҳ асос солган сулоланинг учинчи ҳукмдори эди. Акбаршоҳ ақл-идрок ва ўткир зеҳн соҳиби эди. Акбаршоҳ чекланмаган ҳокимият эгаси — мустабид шоҳ эди. Акбаршоҳ гарчи мустабид ҳукмрон бўлса-да, лекин ҳокимиятни бошқаришда ақл мезони билан иш тутиб, ўта тадбиркорлик билан доно сиёsat юритади. Бинобарин, ана шу даврдан бошлаб Захириддин Муҳаммад Бобуршоҳ асос солган давлат бутун дунёга машхур бўлади ва Европада бу давлатни «Буюк мўғул империяси» дейиш одат тусига киради.

Акбаршоҳ даврида Буюк мўғул империясига шимолда Тибет чегараларидан жанубдаги Годавари дарё-сигача ва гарбда Гужаротдан шарқда Бангол қўлтиғигача бўлган улкан ерлар кирганди. Ражпутан ҳокимликлари — Мевар, Марвар (Амбер) ҳамда Гондванадаги бир неча майда ҳинд рожаликлари ҳам Акбаршоҳ қўл остида эди. Шунингдек, Мальва, Берар, Хандеш, Гужарот, Кашмир ва Аҳмаднагардаги мусулмон ҳокимликларнинг бир қисми, кейинчалик Қандаҳор ҳам Акбаршоҳ империясига қўшиб олинган эди.

Акбаршоҳ бобоси Бобуршоҳға ўхшаш мард жангчи ва иқтидорли саркарда эди. У ҳеч қачсн уруш қилишдан қочмасди, лекин қилич билан қозонилган галабадан кўра, меҳр-шафқат ва ҳамият билан эришилган галабани афзал кўрарди. У ҳинд халқининг фарғонлиги йўлида жуда кўп куч ва гайрат сарфлади. Акбаршоҳ Ҳиндистонда мавжуд бўлган ислом дини билан ҳиндудизм динини бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қиласди. Натижада унинг ўзи ижод этгам янги дин — «дини илоҳий»ни вужудга келтирди. Аммо унинг бу «янги дини» равнақ топмади. Аксинча, мусулмон руҳонийларининг газабини келтириб, ўзига душман орттириди. Шунга қарамай, Акбаршоҳ аста-секин ҳинд оммасининг ва ҳинд зодагонларининг эътиборини қозона бошлади. У мусулмон бўлмаган кишилардан олинадиган жон солиги — жузияни бекор қилди. Ўзи эса аслзода ражпут оиласига мансуб бўлган қизга уйланди. Ўз ўғлини ҳам кейинчалик ражпут қизига уйлантириди. У ҳинд зодагонларини ўз саройидаги энг юқори мансабларга тайинлади. Зотан, Акбаршоҳнинг энг жасур лашкарбошилари, энг истеъоддли ва тадбиркор вазирлари ҳамда вилоятлардаги ноибларнинг кўпчилиги ҳинклардан эди. Мана шундай тадбиркорлик натижасида омма орасида зўр шуҳрат қозонди. У билимга иштиёқманд бўлиб, жуда кўп нарсаларга қизиқарди. Чунончи, ҳарбий билим ва сиёsat соҳасида етук билимдон бўлибгина қолмай, кўпгина касб-хунарлардан ҳам яхши хабардор эди. Акбаршоҳ ўз атрофига кўпгина иқтидорли, садоқатли кишиларни тўплашга эришганди. Чунончи, Абулфазл, Бирбол энг яқин ёрдамчилари эди. Унинг молия вазири Тодар Мал Акбаршоҳнинг фармонига қўра солик солиш низомини қайтадан ишлаб чиқди. Жайпурлик Рожа Ман Сингх шоҳнинг энг истеъоддли лашкарбошиси эди.

Акбаршоҳ жисмонан ғоят кучли, гайратли одам эди, у ўта хавфли ваҳший ҳайвонларни ов қилишни яхши кўрарди. Унинг бирор кимсадан дили оғриса ҳам унга нисбатан мулоим ва марҳаматли бўлишга ҳаракат қиласди. У камдан-кам газабланарди, агар газаблангудай бўлса, атрофидагилар унинг газабита дош беролмасдилар. Лекин газаби узоққа чўзилмасди. У ғоят даражада бесаранжом умр кечирди. Чунки унинг умри ўзининг улкан мамлакатини бирлаштириш ташвишида ва босқинчиллик юришларда ўтди. У ўзини қизиқтирган саволларга жавоб бераоладиган, ҳар қандай одамни

ўз ҳузурига чорлаб ундан жавоблар оларди. Шунингдек, хилма-хил дин ва мазҳабларга мансуб бўлган руҳонийларни йигиб, диний мавзуларда мунозаралар олиб бораради.

Акбаршоҳ илм-маърифатга ниҳоятда ташна эди. Унинг ҳукмронлик даврида (1556—1605) маҳсус давлат тасвирий санъат корхонаси ва расмлар бўлмаси — наққошлиқ таъсис этилган. Накқошхонада Ҳирот рангли нафис суратлар (миниатюра) мактаби намояндаларининг нодир тасвирий санъат асарлари кўз қора-чиgidек сақланар ва бу ижодий камолот намуналари асосида талабаларга дарс бериларди. Акбаршоҳнинг фармонига мувофиқ «Бобурнома», «Темурнома», «Чингизнома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», «Калила ва Димна», Жомийнинг «Баҳористон»и, Низомийнинг «Ҳамса»си, «Маҳабҳарат»нинг форс тилидаги таржимаси «Размнома», «Рамаяна» ва бошқа кўпгина асарлар кўлёзмаси рангли нафис суратлар билан безатилади. Бу ажойиб санъат намуналарини ижод этишда Мир Сайид Али ва Хўжа Абдусамадлар билан биргаликда талантли ҳинд мусаввирлари Басаван, Даствант, Мадҳу, Мискин, Лаъл, Кесу ва бошқалар ҳам фаол иштирок этганлар.

Ҳинд аёллари орасида бёва қолган ҳинд аёли ўзини гулҳанга ташлаб ўлдириш (сати) урғи қадим замонлардан буён давом этиб келарди. Акбаршоҳнинг фармони билан мазкур удум бекор қилинган.

Агра шаҳри Акбаршоҳнинг дастлабки пойтакти бўлган. Кейинчалик Аградан ўн беш миля нарида Фотихпур — Сикрида янги бир шаҳарни бунёд этади. Бу ерда Шайх Чештий яшагани сабабли Акбар шу жойни танлаган эди. Чунки Акбаршоҳ мазкур Шайх Салим Чештийга ихлосманд эди. Акбаршоҳ бу ерда ҳақиқатан ҳам ажойиб бир шаҳар қурдиради. Фотихпур — Сикра қарийб ўн беш йил давомида мамлакат пойтакти бўлиб турди. Кейинчалик эса Акбаршоҳ Лохурни ўзига пойтакти қилиб олади.

Хитой тарихчиси Чен Ханшенгнинг ёзишига қаранганд, Акбаршоҳ узоқ вақт фарзанд кўрмайди. У раж-путлик маликадан битта валиахд тугилишини кўп интизорлик билан кутади. Бир неча ибодатхоналарга бориб, мозорларга бориб, худодан фарзанд сўрайди. Ниҳоят 1569 йил 30 август илтижоси ижобат бўлиб, валиахд тугилади. Акбаршоҳ ўзининг диний раҳнамоси Шайх Салим Чештийга бўлган ихлоси туфайли,

валиаҳдга Салим деб ном қўяди. Салим 32 ёшга етгач, отасидан таҳтни тортиб олишга ҳаракат қиласди. У Ҳиндистоннинг жанубида жойлашган португалия-ликлар кучига суюнган ҳолда, Оллоҳободга аскар тортиб келиб мустақиллик эълон қиласди. Акбаршоҳ кичик ўғли шаҳзода Фозилни Декан вилоятидан Аргага қараб аскар тортишга бўйруқ беради. Аммо йўлда шаҳзода Салимнинг одамлари шаҳзода Фозилни ўлдиришади.

1501 йилда Акбаршоҳ Салимнинг гуноҳини кечириб, Оллоҳободга ҳоким қилиб тайинлади. Шаҳзода Салим у ерда яна отаси Акбаршоҳга қарши бош кўтаради. 1603 йилда ота-бала ярашадилар. Шаҳзода Салим яна Оллоҳободга ҳоким қилиб тайинланади. Шаҳзода Салим Оллоҳободда деярли мустақил яшайди. Айни шу пайтларда Акбаршоҳ саройида гуруҳбозлиқ кучаябошлигаган эди. Шаҳзода Салимнинг Ҳусрав исмли 17 ёшли ўғли бор эди. Бу пайтда таҳт валиаҳдлигига кимни тайинлаш масаласи долзарб масала бўлиб туарди. Акбаршоҳ саройидаги энг нуфузли амалдор беклардан Ман Сингҳ (Ҳусравнинг тогаси) ва Азиз Кўки (Ҳусравнинг қайнотаси)лар валиаҳдликка Ҳусрав номзодини қўйишга ҳаракатни бошлаб юборадилар. Воқеанинг бундай тус олиши шаҳзода Салимни тинч қўймайди ва у отаси Акбаршоҳ ҳузурига бош эгиг келади.

Акбаршоҳ ўз фарзандлари ва ишонган бекларидан бундай фисқ-фасодларни кўргач, жуда қаттиқ изтироб чекади ва касал бўлиб, 1605 йил 17 октябрда 64 ёшида вафот этади. Акбаршоҳдан уч ўғил бор эди. Улардан Дониёл, Мурод (Фозил) Акбаршоҳдан аввалроқ вафот қилган эдилар. Фақат Салим қолган эди.

МУҲАММАД ҲАКИМ МИРЗО Ҳумоюншоҳнинг иккинчи ўғли бўлиб, 1544 йилда Моҳи Чучук бегимдан туғилган. Ҳумоюншоҳ Мухаммад Ҳаким Мирзога Кобул ҳокимлигини берган эди. Шаҳзода ёш бўлгани сабабли давлат ишларини онаси Моҳи Чучук бегим олиб боради. Ҳумоюншоҳ вафотидан сўнг, унинг бекларидан бири термиズли Абулмаоли бек Акбаршоҳ саройида хизматда эди. Кўп ўтмай Абулмаоли Акбаршоҳга қарши фитна уюстириб, фитна фош бўлгач, саройдан қочиб кетади. Абулмаоли кўп саргардонликдан сўнг ниҳоят шаҳзода Мухаммад Ҳаким Мирзонинг онаси Моҳи Чучук бегимга мактуб ёзиб, Кобулга келиши ҳақида ижозат сўрайди. Моҳи Чучук бегим ижозат

бергач, Абулмаоли Кобулга келади ва бироз вақт ўтгач, Моҳи Чучук бегимнинг ижозати билан унинг қизи яъни шаҳзода Муҳаммад Ҳакимнинг синглиси Фаҳринисони ўз никоҳига киритади. Абулмаоли Кобулда ёш шаҳзоданинг ишончига кириб олгач, сарой бекларини биринкетин ҳар хил иғволар билан йўқотишга ҳаракат қилади. Унинг мақсади Кобул вилоятини Ақбаршоҳ қўл остидан чиқариб олиш эди. Ёш шаҳзоданинг отабеги Ҳайдар Қосим ва Моҳи Чучук бегим Абулмаолининг гаразли кирдикорларидан воқиф бўлиб, уни бу йўлдан қайтаришади. Шундан сўнг, 1564 йил март ойининг охирида Абулмаоли ўз қайноаси Моҳи Чучук бегимни ва бир неча бекларни ўлдириб, ёш шаҳзодани ўз ҳимоясига олиб, Кобулда мустақиллик байробгини кўтаради.

Шаҳзода Муҳаммад Ҳакимнинг отабеги Ҳайдар Қосим Кобулдан қочиб, Бадахшонга боради. У Бадахшон ҳукмрони Сулаймон Мирзога воқеани тушунтиради ҳамда Кобулни мусажхар қилишга ундаиди. Сулаймон Мирзо тезда қўшин тўплаб, Кобулга қараб юради. Бу хабарни эшитган Абулмаоли Кобул қўшини билан Сулаймон Мирзога қарши йўлга чиқади. Ҳар икки тарафнинг қўшини Пули Ғурбанд яқинида учрамадилар. Қаттиқ жанг бўлади. Жангда Абулмаоли қўшини мағлубиятга учраб, унинг ўзи эса асирга олинади ва Кобулга келтирилиб, қатл қилинади. Сулаймон Мирзо бир неча муддатдан бери Кобулни қўлга киритиш иштиёқида юрган эди. Бинобарин, у ўзининг ишончли бекларидан уч-тўрттасини Кобулда қолдириб, ўзи Бадахшонга кетади ва у ердан яна бир неча бекларни Кобулни забт этиш чорасини кўриш учун жўнатади. Сулаймон Мирзонинг бундай қабих режасини сезган Кобул аъёнлари бу хабарни шаҳзода Муҳаммад Ҳакимга етказадилар ва ўзлари Бадахшонлик бекларни йўқотиш чорасини кўрадилар. Бу хабар Сулаймон Мирзога етгач, тезда қўшин билан Кобулга келади. Шаҳзода Муҳаммад Ҳаким эса Кобулга ишончли беклардан бирини қўйиб, ўзи Жалолободга — акаси Ақбаршоҳ ҳузурига кетади. Сулаймон Мирзо шаҳзоданинг орқасидан кувлаб, Жалолобод яқинигача боради, бироқ уни қўлга тушира олмайди. 1564 йилда Ақбаршоҳ Сулаймон Мирзога қарши катта қўшин юборади. Сулаймон Мирзо Ақбаршоҳ қўшинига чидаш беролмаслигига кўзи етиб, Кобулни ташлаб, Бадахшонга кетади. Шаҳзода Муҳаммад Ҳаким яна Кобул ҳукмрони бўлиб қолади.

1580 йилда Бенгалия ва Биҳарнинг ҳарбий бошлиқлари марказий ҳукуматга қарши қўзғолон кўтарадилар. Қўзғолонга сабаб Акбаршоҳнинг мамлакатда диний ва маъмурий ўзгаришлар жорий қилишида эди. Ривоятларга қараганда, шариат қозиси тарафидан «диндан озган ҳукмронга (шоҳга) қарши қўзғолон кўтариш гуноҳ эмас», деган фатво берилади. Шу аснода мамлакатда қўзғолончилар Акбаршоҳнинг ўгай укаси Муҳаммад Ҳаким билан тил биринтириб ҳаракат қилмоқдалар, деган гаплар тарқалади. «Миротул олам» асарининг муаллифи Бахтовархоннинг ёзишича, шаҳзода Муҳаммад Ҳаким Мирзо ҳатто Ҳиндистон таҳтини эгаллаш учун уриниб кўрган. Аммо шаҳзода Мурод (Акбаршоҳнинг ўғли) уни тор-мор қилади. Акбаршоҳ эса ўгай укасининг гуноҳини кечиб, унга яна Кобул вилоятини қайтариб беради. «Абдулланома» асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг маълумотига қараганда, Муҳаммад Ҳаким Мирзо акаси Акбаршоҳ ҳокимиятини номигагина тан оларди. Амалда эса мустақил эди.

Муҳаммад Ҳаким Мирзо бўш ва қатъиятсиз киши эди. У ичкиликка ниҳоятда ружу қилганди. Лекин Бенгалиядаги қўзғолондан ташқари Муҳаммад Ҳаким Мирзонинг шоҳ саройидаги айрим йирик мансабдорлар билан ҳам маҳфий алоқаси бор деб гумон қилишарди. Бу ишда молия ишлари бошлиғи Шоҳ Мансурдан ҳадиксирашарди. 1581 йилда Муҳаммад Ҳаким Мирзо 15 минглик кўшин билан Лохургача боради. Бироқ Ман Сингх унга зарба бериб, Кобулга қайтиб кетишга мажбур қилади. Бироқ Акбаршоҳ 50 минглик отлиқ аскар ва 500 жангари филлар билан укаси Муҳаммад Ҳаким Мирзони таъқиб қилиб, Кобул томон юради. Акбаршоҳ йўлдаёт Шоҳ Мансурни дорга остиради, ўзи эса 1581 йилнинг август ойида Кобулга киради. Муҳаммад Ҳаким Мирзо акаси Кобулга кириши билан, тоққа қараб қочади. Бовужуд, Акбаршоҳ яна ўз укаси Муҳаммад Ҳаким Мирzonинг гуноҳидан ўтади ва Кобулни унга қолдирив, қайтиб кетади.

Муҳаммад Ҳаким Мирзо Бадаҳшон ҳукмдори Сулеймон Мирзонинг қизига уйланган эди. У айш-ишратга муқкасидан кетган ва шунинг оқибати ўлароқ, 1585 йилда навбатдаги майхўрликдан сўнг у ўз ётоқхонасида ўлиб қолади. Уни бобокалони Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ мақбарасини жанубий тарафига дағн қилалилар. Муҳаммад Ҳаким Мирздан икки ўғил қолган

эди. Каттаси Афросиёб Мирзо — 14 яшар, жичиги Кайқубод Мирзо — 11 яшар эди.

АФРОСИЁБ МИРЗО 1571 йилда, КАЙҚУБОД МИРЗО эса 1574 йилда Кобулда тугилган эдилар. Маэкур шаҳзодаларниң онаси Бадаҳшон ҳукмдори Сулаймон Мирзонинг қизи эди.

Мұхаммад Ҳаким Мирзо вафотидан сүнг Кобул ва Зобулистонда анча тартибсизликлар кучайди. Бу воқеаларниң ривожланишида Бухоро ҳукмдори Абдуллахоннинг ҳам құли бор эди. Чунки Абдуллахон Бадаҳшонни Шоҳруҳ Мирзодан тортиб олгач, эндиликда Кобулни ҳам ўз тасаррүфига киритиш фикрида эди. Ҳатто, Абдуллахоннинг айғоқчилари Кобул ҳокимининг саройида ҳам иш олиб борарадилар. Зотан, Фаридун номли шахс марҳум ҳукмдор Мұхаммад Ҳаким Мирзонинг ўғиллари Афросиёб Мирзо ва Кайқубод Мирзоларни ўзбеклар томонига (Бухорога) қочиб кетишга ундаиди. «Тарихи Ақбаршохий» асарининг муаллифи Абулфазл Алломийнинг ёзишига қараганда, агар Фаридуннинг маэкур режаси амалга ошгудай бўлса, Абдуллахон Кобулга ҳам даъвогар бўлиши мумкин эди.

Аммо Ақбаршоҳ Кобулдаги тартибсизликларниң олдини олиш мақсадида зудлик билан ҳаракат қилиб, лацкарбоши Ман Сингҳга тезалик билан Кобулни ишғол қилишга буйруқ беради ва Кобул қайтадан империяга қўшиб олинади.

Ман Сингҳ қўшинлари Кобулни забт этгач, Фаридунни қўлга туширадилар. Ман Сингҳ Фаридунни Ақбаршоҳ ҳузурига келтиради. Тафтиш натижасида Фаридуннинг сотқинлиги маълум бўлади. «Тарихи Ақбаршохий» асарининг муаллифи Абулфазл Алломийнинг ёзишича, Фаридунни «гуноҳларини ювиб келиш учун» Каъбатуллога бадарга қиласидилар. Ақбаршоҳ жиянлари — Афросиёб Мирзо ва Кайқубод Мирзоларни ўз саройига олиб кетади. Кобул ҳукмронлигини эса вилоятда тартиб ўрнатиш мақсадида Ман Сингҳга топширади.

НУРИДДИН МУҲАММАД ЖАҲОНГИРШОҲ (ШАҲЗОДА САЛИМ) 1569 йил 30 август ойида Агра (Фатхпур)да тугилди. У Ақбаршоҳнинг катта ўғли эди. Унинг онаси Жавдобоий ражпут рожаси Удий Сингҳнинг қизи эди.

Шаҳзода Салим отасининг саройида барча илмфанлардан баҳраманд бўлган мураббий ва устозлар

қўл остида вояга етади. Отаси Акбаршоҳ унга Оллоҳобод вилоятининг ҳокимлигини беради. Шаҳзода Салим Оллоҳободда ўзига маҳсус сарой қурдиради ҳамда ўз номидан фармонлар чиқара бошлайди. 1601 йилда эса отаси Акбаршоҳдан мустақил ҳукмронлик қила бошлайди. 1601—1605 йиллар давомида Акбаршоҳнинг бу севимли ўғли — шаҳзода Салим унинг бошига кўпгина нотинчликларни келтиради. Акбаршоҳнинг бу даврда қайгу ва ҳасратининг чегараси йўқ эди. Ниҳоят, 1603 йилда ота-бала ўргасида сулҳ вужудга келади. Мазкур воқеа хусусида шаҳзода Салим кейинчалик ўзининг «Тузук-и Жаҳонгирий» номли асарида: «Ўз отасига қарши курашган ҳукмдорнинг давлати узоқка бормаслигини мен яхши билардим», — деб ёзган эди. Ана шу сулҳдан сўнг Акбаршоҳ Салимни Мевардаги уруш ҳаракатларига боцчилик қилиши ҳақида бўйруқ беради. Бироқ Салим бу вазифани бажаришдан қатъий бош тортади. Шундан сўнг унга Оллоҳободга қайтиб кетишига ижозат берилади. Салим Оллоҳободга қайтиб келиб, яна мустақил ҳукмрон бўлиб яшайди. Айни шу пайтларді. Акбаршоҳ саройидаги йирик амалдорлар орасида Салимни валиаҳдликдан маҳрум қилиш ҳақида маҳфий фитна уюштирилаётган эди. Бу фитнадан ҳабар топган Салим нима қилишини билмай, ниҳоят отаси Акбаршоҳ ҳузурига бориб бош эгади. 1603 йил ноябрда Акбаршоҳнинг оталик меҳри жўш уриб, Салимни бироз койигач, ўн кунлик қамоқка солиб, сўнгра озод қилиб юборади. Бироқ 1605 йилда Акбаршоҳ қаттиқ изтироблар натижасида касал бўлиб ётиб қолади. Бу вақтда ҳатто саройда тахтга валиаҳд белгилаш ҳақида маҳсус кенгашлар ҳам бўлиб ўтади. Сарой аъёнларининг кўпчилиги тахт ворислигига Салимнинг номзодини ёқлаб чиқадилар. Акбаршоҳ ўз ўлими олдидан сарой аъёнларини чорлаб, шаҳзода Салимга шоҳлик кийими ни кийдиради ва бошига салла ўратиб, белига ўзининг хос ханжарини тақиб қўяди. Бу билан Акбаршоҳ сарой аъёнларига «мендан кейин тахт сохиби фақат шаҳзода Салимдир», — деган маънони билдиради. Зотан, Акбаршоҳнинг уч ўғлидан ҳозир тирик қолгани фақат шаҳзода Салим эди. Шаҳзода Мурод 1600 йилда ва шаҳзода Дониёл эса 1601 йилда вафот этган эдилар. 1605 йил 17 октябрда Акбаршоҳ вафот этгач, 1605 йил 24 октябрда Агра шаҳрида Салим тахтга ўтиради ва ўзига Нуриддин Мухаммад Жаҳонгир подшоҳ гозий номини олади. Жаҳонгиршоҳ тахтга ўтиргач, тўнгич

ўғли шаҳзода Ҳусравни ушлатиб, Агра қўргонида маҳбус тариқасида сақлайди. Бу вақтда Ман Сингҳ узоқ Бенгалияда эди. Шаҳзода Ҳусрав қўргондан қочиб чиқиб, Панжобга кетади. У ерда ўзига қўшин тўплайди. Тез кунда унинг қўшини 12 минг кишига етади. Шаҳзода Ҳусрав Лоҳурни қуршаб турганда, Жаҳонгиршоҳ қўшини етиб келади. Ота ва ўғилнинг қўшини жангга киради. Бу жангда шаҳзода Ҳусрав енгилиб, Кобулга кетмоқчи бўлиб кемага ўтиради. Аммо кема Чиноб мавзеига етганда қумга тикилиб қолади. Унинг орқасидан қувиб келаётган қўшин уни ушлаб Аграга олиб кетадилар. Жаҳонгиршоҳ 19 ёшли ўғли шаҳзода Ҳусравни қўзига мил тортишни буоради. Шундан сўнг Жаҳонгир шаҳзода Ҳусравни назорат қилиб туришни учинчи ўғли шаҳзода Ҳуррамга (кейинчалик Шоҳ Жаҳон номи билан машҳур бўлади) топширади. Шаҳзода Ҳуррам эса 1622 йилда акаси Ҳусравни бўғиб ўлдиради ва отасига шаҳзода Ҳусрав санчиқ касалидан вафот қилди, деб ёлгон хабар юборади.

Шаҳзода Ҳусравдан Довар Бахш номли ўғил қолган эди. Жаҳонгиршоҳ вафот этган чоғда шаҳзода Ҳуррам Деканда эди. Унинг қайинотаси Осафхон саройда ишбошқарувчи лавозимида эди. Бинобарин, куёви шаҳзода Ҳуррам Декандан етиб келгунгача тахтга шоҳ авлодидан бирор кишини муваққат ўтказиб туриш учун хийла ишлатиб, марҳум шаҳзода Ҳусравнинг ўғли истеъдодсиз, бўшанг Довар Бахшни тахтга ўтқазади. Шаҳзода Ҳуррам 1628 йил февралда пойтахтга яқинлашгач, Осафхон Довар Бахшни қочириб юборади. У Эронга ўтиб кетади ва у ерда Эрон шоҳи томонидан нафақа белгиланади.

Жаҳонгиршоҳнинг ҳукмронлик даври деярли Акбаршоҳ даврининг давомидир. Жаҳонгиршоҳ шимолий ва жанубий Ҳиндистонда деярли отасининг олиб борган сиёсатини давом эттириди. Жаҳонгир ўз ҳукмронлигининг биринчи йилида ўзининг иккинчи ўғли шаҳзода Парвез бошчилигида 20 минглик аскарни Меварга қарши юборади. Бироқ мазкур жанг ҳар икки томонга ҳам ҳеч қандай ютуқ келтирмайди. 1608 йилда яна Меварга қарши юриш бошланади, бироқ лашкарбошиларни алмаштириш сиёсати кутилган натижани бермайди ва уруш ҳаракатлари яна бир неча йил сўнади. 1613 йилда Жаҳонгир яна Меварга қарши уруш ҳаракатларини бошлаб юборади. Бу сафар учинчи ўғли шаҳзода Ҳуррам бошчилигида Меварга қарши қўшин жўнатади. Жаҳонгир қўшинлари ражпутларни ўраб

олиб, уларни очлик гирдобида қамал қиласди. Ниҳоят, ражпутлар орасида очарчилик ва вабо касали даҳшатли тус олгач, Мевар ҳокими Амар Сингх сулҳ сўрайди. 1615 йилда сулҳ тузилиб, Мевар вилояти яна империяга қўшиб олинади.

Буюк мўгул империясининг шарқий қисмida жойлашган Бенгалияда доим галаёнлар қайнаб турарди. Бу ерда афғон мустақил зодагонлари марказий ҳукуматга қарши исён кўтариб турардилар. Ниҳоят, 1612 йил 12 март Дакка яқинида бўлган жангда Бенгалиядаги энг сўнгги мустақил афғон раҳнамоси Усмон яраланиб вафот этади. Шундан сўнг, бошлиқсиз қолган афғонлар устидан ҳукмронлик ўрнатилади.

Жаҳонгирнинг энг муҳим ютуқларидан бири, деярли олиб бўлмайдиган тог қўргони -- Нагаркотни империяга қўшиши бўлди. Бу қўргон 1620 йилда узоқ қамалдан сўнг кўлга киритилади. Жаҳонгир қўргонни бориб кўргач, қўргонда 23 ҳарбий истеъком бўлиб, 7 дарвозаси борлиги, ҳамда бу хушманзара водийга мафтун бўлганлиги ҳақида ёзган. Деканда асл келиб чиқиши ҳабашибонлик Малик Амбар исмли саркарда раҳнамолик қиласди. Бу саркарда ўзининг ўткир ақл ва идроки, ҳарбий салоҳияти туфайли Жаҳонгир қўшинларига бир неча марта зарба етказиб келарди. 1623 йилда Малик Амбар Бижопурни қамал қиласди. Шу аснода Жаҳонгирнинг учинчи ўғли шаҳзода Хуррам ўз отасига қарши бош кўтаради ва Малик Амбарга келиб қўшилиб, Бурхонпурни қамал қиласди. Жаҳонгир тезлиқда иккичи ўғли шаҳзода Парвез ва амир Маҳобатхонни шаҳзода Хуррамга қарши юборади. Жангда Хуррам таслим бўлади. Малик Амбар орқага чекинади. 1626 йилда Малик Амбар вафот этади. Ана шундан сўнг Жаҳонгир қўшинлари Деканинг Ақбаршоҳ давридаги қисминигина қўлга кирита оладилар.

Жаҳонгир ҳали салтанат тепасига келмаган вақтларидаёт Эрон шохи Шоҳ Аббос (1587—1628)га нисбатан яхши фикрда бўлган эди. У тахтга ўтиргандан сўнг ҳам шундай фикрда эди. Жаҳонгир ўзининг Шоҳ Аббосга йўллаган мактубларida уни «биродарим», «қадрдоним» деб ёзарди. Бироқ Шоҳ Аббос, аксинча Жаҳонгирга нисбатан гаразли режалар тузиб, Ҳиндистонга қарашли Қандаҳор вилоятини Эронга қўшиб олиш ҳаракатида эди. Шунингдек, Декан ярим оролидаги Бижопур, Голконда ва Аҳмаднагар ҳокимларини шаҳзода Хур-

рамни ҳам Жаҳонгирга қарши қўзғолон кўтаришга ундаётганди.

Жаҳонгир 1611 йилда 35 ёшли Мехринисо номли жувонга уйланади. Жаҳонгиршоҳ ўқимишли ва маърифатпарвар киши эди. Жаҳонгиршоҳ ўзининг бобокалони Заҳириддин Муҳаммад Бобурга тақлидан ўз таржимаи ҳоли ва ўн етти йиллик ҳукмронлик даврини қамраб олган «Тузук-и Жаҳонгирий» (Жаҳонгир тузуклари) номли асарини яратган. Мазкур асар «Жаҳонгирнома» номи билан машҳурдир.

Жаҳонгиршоҳ ҳинд-мусулмон ижтимоий бирлигини янада мустаҳкамлаш йўлида қатор муҳим тадбирларни амалга оширади. У ислом динининг мавжуд қонун-қоидаларига хилоф бўлишига қарамай, «Куръонни — рехта — ҳиндистоний тилига таржима қилишни буюрган. Ҳиндлар орасида асрлар оша ҳукм суреб келаётган баъзи бир заарарли урф-одатларни бекор қилишга қаратилган фармонлар чиқарган. Чунончи, Бангола вилоятида солиқни тўлай олмаган кишиларнинг норасида фарзандларини тортиб олиш тартиби жорий қилинган бўлиб, бундай гўдаклар «хожасаро» (маҳрам) деб номланганлар. «Жаҳонгир тузуклари»да айтилишича, Жаҳонгиршоҳ бу хусусда: «Бундан буён ҳечким бу қабих иш билан шугулланмасин, норасида ҳожасароларни харид этиш ва сотиш ман этилсин!» деб фармон чиқарган. Жаҳонгиршоҳ ўз замонасининг соҳиби қаламларидан бири эди. У тарих, әдабиёт ва айниқса, тасвирий санъат билан қизиқсан. Букоролик Абулҳасан ва Усто Мансурлар унинг тарбияси ва ҳомийлиги туфайли тасвирий санъатда камолот погоналарига кўтарилганлар. Зотан, Абулҳасан мўйқаламига мансуб бўлган асарлардан Жаҳонгиршоҳ ва Шоҳ Жаҳоннинг суратлари бизгача етиб келган.

«Жаҳонгир тузуклари»да ёзилишича, XVII асрда Ҳиндистонда муомалада бўлган пуллар олтин, кумуш ва жез (бронза)дан зарб этилган. Чунончи, олтин тангалар — муҳр, кумуш тангалар — рупия дейилган. Бир тўлалик (бир тўла — 12 граммга тенг) олтин танга «нури жаҳоний» («жаҳон нури») деб юритилган. Айрим ривоятларга қараганда, Жаҳонгиршоҳ ўзининг севимли хотини Нуржоҳон бегим шарафига мазкур «Нур жаҳоний» — олтин тангани зарб эттирган, деган фикрлар ҳам мавжуд. «Нури шоҳий» («Шоҳлик нури») — 100, «Нури сultonий» («Султонлик нури») — 50, «Нури давлат («давлат нури») — 20, «Нури қарам», («Илтифот нури») — 10, «Нури меҳр» («Меҳр ну-

ри») — 5, «Нуроний» ярим ва «ривожий» — чорак тўлалик бўлган. Кумуш танга — рупиянинг «Жаҳонгир» номи билан юритилгани бир тўла оғирликда зарб қилинган. Шунингдек, «кавкаби толье» («Толеъ юлдузи») — 100, «кавкаби иқбол» («Иқбол юлдузи») — 50, «кавкаби мурод» («Мурод юлдузи») — 10, «Кавкаби саъд» («бахт юлдузи») — 5, «султоний» ярим ва «ҳайри қабул» («қабул ҳайри») — чорак тўла оғирликда бўлган. Жездан зарб этилган чақалар ҳам шу хилдаги вазн ва қийматга бўлинган.

Жаҳонгиршоҳ ўз саройига олимлар, шоирлар, расомлар, мусиқачилар ва турли касб-хунар эгаларидан етук кишиларни йигиб, уларга ҳомийлик қиласарди. Саройда ғазалхонлик анжуманлари бўлиб турар, Жаҳонгиршоҳнинг ўзи ҳам шеър айтарди.

Жаҳонгиршоҳнинг тил ва адабиёт соҳасидаги истеъоди унинг «Тузук-и Жаҳонгир» асаридан маълум. У туркий тил, яъни эски ўзбек тилини мукаммал билиши билан фахрланган. Жаҳонгиршоҳ саройида бўлган инглиз фуқароси Терри унинг табиати ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: «Бу ҳукмдорнинг табиати доим менга қизиқ туюлади. Баъзан у даҳшатли, гоҳида эса жуда мулоим ва адолатли бўлиб кўринади.» Ҳақиқатан ҳам Жаҳонгиршоҳнинг табиатига тушуниш мушкул эди. Жаҳонгир ўз қаршисида тириклайн териси шилиб олинаётган одамнинг қисматига бепарвонлик билан қараб, тамошо қилиб ўтираверган. Айни замонда эса ниҳоятда назокатли ва нозик тъяъба молик киши бўлган. Бироқ Жаҳонгиршоҳ отаси Акбаршоҳдан фарқли ўлароқ айш-ишратни ва майхўрликни яхши кўрарди.

НУРЖАҲОН БЕГИМнинг ёшлиқдаги исми Мехринисо бўлиб, асли келиб чиқиши эронлик эди. Унинг отонаси камбағаллик натижасида Эрондан Ҳиндистонга кўчиб келган эди. Мехринисонинг отаси Акбаршоҳ хизматига ёлланади. Шаҳзода Салим (Жаҳонгир) Мехринисони бозорда учратиб қолиб, унга ошики бекарор бўлиб, унинг ишқида ёнади. Шаҳзода Салим Мехринисони хотинликка олмоқчи бўлганда, Акбаршоҳ йўл қўймайди. Акбаршоҳ Нуржаҳонни тезлиқда сарой аъёнларидан бири Али Кули Истажлий (Шер Афкан)га турмушга чиқишига мажбур қиласади. Шер Афкан билан Нуржаҳоннинг тўйлари ўтгач, Шер Афканни Бенгалия

кўшинларига сардор қилиб тайинлаб, Бенгалияга •
кўчириб юборади.

Нихоят, Жаҳонгиршоҳ таҳтга ўтиргандан сўнг, Шер Афкан кунлардан бир кун Беңгалия ҳокими Қутбиддиннинг қабулида бўлиб, ҳоким билан аччиклашиб қолади ва уни ўша ерда пичоқлаб ўлдиради. Фожиа устига кирган соқчилар Шер Афканни ҳам ўлдирадилар. Шундан сўнг, бева қолган Мехринсони Аграга — саройга жўнатадилар. Бу даврда Мехринисо 35 ёшда эди. Бир неча вақт ўтгач, 1611 йилда Жаҳонгиршоҳ Мехринисони ўз никоҳига киритади.

Мехринисо ўзининг мафтункор гўзаллиги, оқила ва билимдонлиги билан бутун сарой аҳлини ўзига ром қиласди. У саройда катта зътиборга сазовар бўлади. Энди уни Мехринисо эмас, Нурмаҳал («Саройнинг нури») деб атай бошлайдилар. Дарҳақиқат, у ўткир зеҳн соҳибаси, билимдон ва тадбиркор, нозик таъб шоира ҳам бўлган. (Унинг отаси Жаҳонгиршоҳ салтанати даврида Эътимод-уд Даъла номи билан саройда бош вазирлик лавозимида бўлиб, унинг ўғли, яъни Нуржоннинг акаси Осафхон эса сарой бошқарувчиси мансабида қойим бўлган. Нуржон кейинги йилларда давлат ишларида Жаҳонгиршоҳга маслаҳатчи бўлиб қолган эди. Кейинчалик, Жаҳонгиршоҳнинг саломатлиги тез-тез ёмонлаша бошлагач, давлат идора ишларини Нуржоннинг ўзи бошқарар эди. У Жаҳонгиршоҳ вафотидан сўнг Лоҳурда ҳаёт кечириб, 1645 йилда вафот этади. Мақбараси Лоҳурдадир.

ШАҲЗОДА ХУСРАВ 1587 йилда туғилган эди. Жаҳонгиршоҳнинг катта ўғли эди. Бу шаҳзода таржи-маи ҳоли, табиати ва тақдирни ҳақида «Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ» ва «Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ (Салим)» боболарида айтиб ўтилди.

ШАҲЗОДА ПАРВЕЗ Жаҳонгиршоҳнинг иккинчи ўғли бўлиб, у 1586 йилда туғилган эди. Жаҳонгиршоҳ таҳтга ўтиргач, Мевар вилоятини қайтадан империяга қўшиб олиш учун ўғли шаҳзода Парвез бошчилигига 20 минг кишилик қўшин юборади. 1616 йилда бундан ташқари шаҳзода Парвезга Оллоҳобод вилоятининг ҳокимлиги топширилади. Жаҳонгиршоҳнинг соғлиғи ёмонлашгач, таҳтга валиаҳд қилиб шаҳзода Парвез тайинланган эди. 1601—1605 йиллар мобайнида шаҳзода Хуррамнинг отаси Жаҳонгирга қарши кўтарган

галаёнларни бостиришда шаҳзода Парвез фаол иштирок этади. 1626 йил октябр ойида шаҳзода Парвез тўсатдан вафот этади.

1596 йилда тугилган ШАҲЗОДА ШАҲРИЁР — Жаҳонгирнинг тўртингчи ўғли. У иродасиз ва қатъиятсиз киши эди. У Нуржаҳон бегимнинг аввалги эри Шер Афкандан бўлган қизи Лодила бегимга уйланади ва бутун фаолияти давомида Нуржаҳон бегимдек тадбиркор аёлнинг қўлида қўғирчоқча айланади. Нуржаҳон бегим шаҳзода Шаҳриёрни валиаҳдликка тайинлаш ниятида эди. Шунинг учун ҳам унинг биродари шаҳзода Хуррам билан муносабатлари кескинлашиб кетади. Нихоят, Жаҳонгир вафотидан сўнг таҳт даъвоси билан бош кўтарган шаҳзода Шаҳриёрни Осафхон қаттиқ зарбага учратади ва уни асирга олиб, қўзига мил тортиради.

ШОҲ ЖАҲОН Шаҳзода Хуррам Жаҳонгирнинг учинчи ўғли бўлиб, 1592 йил январ ойида Лохурда тугилади. У 1612 йилда 21 ёшида яъни Нуржаҳоннинг акаси Осафхоннинг 19 ёшли Аржуманд бону номли қизига уйланади. Нуржаҳоннинг отаси Эътимод-уд-Давла билан Осафхон кейинги ўн йил давомида саройнинг энг иирик амалдорлари, шаҳзода Хуррамга яқин турган кишилар эди. Бирок, 1622 йилда Эътимод-уд-Давла вафот этгач, Нуржаҳон бегим билан шаҳзода Хуррам орасида зимдан адоват вужудга келади. Бунга сабаб, Нуржаҳон бегимнинг нияти таҳтга шаҳзода Шаҳриёрни валиаҳд қилиб тайинлатиш эди.

Шаҳзода Хуррам ўз келажаги ҳақида тараффудланаб, 1622 йилда ўз қарамогида турган ногирон акаси шаҳзода Хусравни пинҳона ўлдиради. Мана шу зайлда сарой ичидаги аста-секин гуруҳбозлиқ авж олиб, кундан-кун салтанатдан путур кета бошлайди. Ана шундай вазиятни кўпдан бери кутиб турган Эрон шоҳи Шоҳ Аббос 1622 йилда тўсатдан Қандаҳорни қамал қиласиди ва 45 кунлик қамалдан сўнг шаҳарни қўлга киритади. Жаҳонгиршоҳ Қандаҳорни қайтариб олиш мақсадида катта қўшин тўплаб, шаҳзода Хуррам бошчилигига Қандаҳорга юбормоқчи бўлади. Лекин шаҳзода Хуррам бундай нотинч вазиятда Ҳиндистондан узоқлашишни истамай, Қандаҳорга боришдан бош тортади ва тез кунда отаси Жаҳонгиршоҳга қарши қўзголон кўтаради. Қандаҳор эса Эронга қўшиб олинади. Жаҳонгиршоҳ-

нинг тарихчиси унинг Шоҳ Жаҳон ҳақидаги фикрини қўйидагича ифодалаган эди: «Шоҳ Жаҳон менинг илтифотимга нолойикдир, ишончимни оқламади». Бинобарин, таҳт валиаҳди қилиб иккинчи ўғли шаҳзода Парвезни, кичик ўғли шаҳзода Шаҳриёрни эса Қандахор учун юбориладиган қўшинга саркарда этиб тайинлаган эди. Бироқ бу даврда Шоҳ Жаҳоннинг қўзғолони туфайли бу юриш амалга ошмай қолади. 1623 йил март ойида Шоҳ Жаҳон Биллочпурдаги жангда енгилиб, Мандуга ва у ердан Деканга қочади. Шаҳзода Парвез билан Маҳобатхон бошчилигидаги шоҳ қўшини уни таъқиб қилади. Шоҳ Жаҳон Декандан Орисса орқали Бенгалияга бориб, Раҷмаҳални забт қилади ва ундан Патна томон юриб, Биҳарни қўлга киритади. Биҳардан яна қўшимча куч тўплаб, Оллоҳободни қамал қилади. Шу аснода шоҳ қўшини етиб келиб, Шоҳ Жаҳон қўшинини тор-мор қилади. Шоҳ Жаҳон қолган қўшинини йигиб, Деканга қочади ва у ерда Малик Амбарга қўшилиб, Бурхонпурни қамал қилади. Шаҳзода Парвез билан Маҳобатхон яқинлашиб келгач, Шоҳ Жаҳон шаҳарни қамалдан бўшатиб, улардан кечирим сўрайди. Шоҳ Жаҳон таслим бўлгач, унинг тасаруфида бўлган Раҳтас ва Асиргарҳ қўргонлари голиблар ихтиёрига ўтади. Шунингдек, ўзининг икки ўғли — Доро Шукуҳ билан Аврангзебни кафил тариқасида отаси Жаҳонгиршоҳ ихтиёрига топширади. Шундан сўнг Шоҳ Жаҳоннинг гуноҳи кечирилиб, Балагҳат ҳокимлиги унга топширилади. Бироқ Шоҳ Жаҳоннинг қўзғолони бостирилган бўлишига қарамай, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи тобора таназзулга юз тутмоқда эди. Чунончи, саройдаги гуруҳбозликлар, фитналар ва ниҳоят ота билан ўғил ўртасидаги келишмовчиликлар мамлакатнинг ички ва ташқи мавқеига салбий таъсири кўрсатмоқда эди. Айниқса, Шоҳ Жаҳоннинг уч йилдан кўпроқ давом этган қўзғолони бу жараённи янада тезлаштиради. Жаҳонгиршоҳнинг таъбирича, «Шоҳ Жаҳоннинг қўзғолонлари унинг ўз (келажакда) салтнатининг асосига болта урган эди».

Дарҳақиқат, уч йилдан кўпроқ давом этган ички галаён ва фитналар натижаси ўлароқ, мамлакат ўзининг бир неча истеъоддли лашкарбошлилари-ю, жанговар қўшинларидан ажралди. Эндиликда, ҳатто Қандахорни ҳам қайтариб олишга қурби етмай қолди.

Жаҳонгиршоҳнинг саломатлиги кундан-кун ёмонла-

шарди. Давлат ишларини Нуржақон бегим бошқаради. У ўзининг ниятларини амалга ошириш мақсадида Жаҳонгиршоҳга содик лашкарбоши Маҳобатхонни саройдан четлатиб, Бенгалияга жўнатади. Унинг молмулкини рўйхатга олдиради. Бундан порози бўлган Маҳобатхон салтанатга қарши бош кўтаради. Бу воқеадан кўп ўтмай, Жаҳонгиршоҳ Нуржақон бегим билан бирга пойтахтдан Кобулга қараб сафар қиласди. Маҳобатхон ўзининг ражпутли қўшини билан йўлга чиқиб, шоҳ қофиласи (карвон)ни ўраб олади. Маҳобатхоннинг барча шартлари Жаҳонгиршоҳ томонидан ночор қабул қилинади. Нуржақон бегим Маҳобатхонга қаршилик кўрсатмоқчи бўлади, лекин кучлар тенг эмаслигига қўзи етгач, макр-хийла йўлини қидиради. Шоҳ карвони Маҳобатхон назорати остида Кобулга қараб йўл олади. Кобулга кирилгач, Нуржақон бегим Жаҳонгиршоҳни Маҳобатхон сокчилари қўлидан қутқариб олишга муваффақ бўлади ва Кобул қўшинини Маҳобатхонга қарши қўяди. Энди Маҳобатхон учун қочишдан бошқа илож қолмайди. У Кобулдан қочиб, Деканга бориб, Шоҳ Жаҳонга қўшилади. Аммо бу вақтда Шоҳ Жаҳоннинг ахволи ачинарли тарзда бўлиб, Эронга қочиб ўтиш фикрида эди. Бироқ кейинги воқеаларнинг ривожланиши унинг сўнган умидларини яна жонлантириб юборади. Чунончи, 1626 йил октябр ойида шаҳзода Парвез тўсатдан вафот этади. Келаси йил, яъни 1627 йилда Жаҳонгиршоҳ Кашмирга саёҳат қиласди ва саёҳатдан қайтаётгандан йўлда 1627 йил октябр ойида 22 йиллик ҳукмронликдан сўнг 60 ёшида вафот этиб Лохурда дағн этилади. Бу хабарни эшитган шаҳзода Хуррам тахтни эгаллаш учун Декандан Аргага йўл олади.

Шаҳзода Хуррам Декандан Аргага стиб келгунга қадар, унинг қайнотаси Осафхон тахтга муваққат равища марҳум шаҳзода Ҳусравнинг ўғли Довар Бахшни ўтқазади. Шаҳзода Шаҳриёри эса ушлатиб, кўзига мил тортириб, кўр қиласди. Шаҳзода Хуррам 1628 йил феврал ойида Аргага кириб келади ва ҳеч қандай қаршиликсиз тахтга ўтиради. Шаҳзода Хуррам тахтни ўз тасарруфига киритгач, ўзини «Шоҳ Жаҳон» номи билан аташни буюради.

Шоҳ Жаҳон салтанат тепасига келганда, империя иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анча қучсизланиб қолган эди. Шоҳ Жаҳон олдида тарқалиб кетиш хавфи тугилаётган империяни сақлаб қолиш, Декан вилоятини

батамом бўйсундириш ва Қандаҳорни қайтадан қўшиб олишдек улкан ва мураккаб вазифалар турарди.

Жаҳонгиршоҳнинг вафотини эшитган БАЛХ ҲОКИМИ НАДР МУҲАММАДҲОН Ҳиндистондаги ички зиддиятлардан фойдаланиб, Кобулга ҳужум қилиб, шаҳарни бир неча вақт қамалда тутади. Лекин Маҳобатхон бошчилигидаги ҳинд қўшинлари Кобулни озод қилишга муваффақ бўладилар.

Империядаги ички ахволнинг ниҳоятда мушкуллашганлиги, Эрон билан бўлган муносабатларини кескинлашиши ва Кобулдаги воқеалар Шоҳ Жаҳонга Бухоро ҳонлиги ва Балх ҳокими билан яхши дўстона муносабатда бўлишни тақозо этади. Бинобарин, Шоҳ Жаҳон Бухоро ҳонлиги билан узоқ йиллар мобайнида дўстона муносабатни узмади.

1636 йилда шоҳ Жаҳон 50 минглик қўшин билан Деканга юриш қилиб, Голконда ва Бижопурни империяга бўйсундиради. Аҳмаднагаргача бўлган ерларни ишғол қиласи ҳамда ўзининг учинчи ўғли Аврангзебни Деканга ҳукмрон қилиб, ўзи пойтахтга қайтади.

1629 йилда Эрон ҳукмдори Шоҳ Аббос вафот этгач, Эронда ички феодал курашлар кучаяди. Айниқса, Туркияниңг Эронга қарши узлуксиз ҳужумлари натижаси ўлароқ, Эрон аввалги қудратини йўқотади. Туркия-Эрон жангларидан фойдаланган Шоҳ Жаҳон Қандаҳор ҳокимига ўз саройида катта лавозим ваъда қилиб 1638 йилда Қандаҳорни Ҳиндистонга кўшиб олади.

ВУХОРО ҲОНИ НАДР МУҲАММАДНИНГ (1642—1645) ҳукмронлик даври узоқ давом этмайди. У Қарши вилоятида бўлган вақтида сарой аъёнларидан бир гурӯҳи унинг катта ўғли Абдулазизни Хўжандда ҳон кўтарадилар. Вазиятнинг ниҳоятда мушкуллашганини сезган Надр Муҳаммадхон Балхга қочади. Надр Муҳаммадхонинг ўғиллари унинг сўзини ва буйруқларини қабул қилмайдилар. У ўғилларига қарши курашиш мақсадида Шоҳ Жаҳондан ёрдам сўрашга мажбур бўлади. «Тарихи Муқимхоний» муаллифининг ёзишича, Шоҳ Жаҳон эса Надр Муҳаммадхоннинг Кобулга қилган ҳужумлари учун қасос олиш, шунингдек, Балхни ўз империясига қўшиб олиш учун қулай фурсатни қўлдан бермай, дарҳол «ёрдам» беришга қарор қиласи. Шоҳ Жаҳон ўзининг ўғли шахзода Муродбахшни катта қўшинга бошлиқ тайинлаб Балхга

жўнатади. Орадан кўп вақт ўтмай хинд қўшинлари Балхни забт қиласди. Надр Муҳаммадхон Эронга қочади. Эрон шоҳи Аббос II (1642—1667) Надр Муҳаммадхонни яхши қабул қиласди. Фақат Балхни эмас, ҳатто Бухоро тахтини қайта эгаллашга даъват қилиб, бу ишда катта қўшин билан ёрдам беражагини айтади. Лекин Надр Муҳаммадхон Эрон қўшини билан Бухорога бостириб киришни маъқул кўрмай, Аббос II нинг таклифини қабул қилмайди. Надр Муҳаммадхон бирор режали қарорга келаолмай, Эронда икки ярим йил туриб қолади. 1645 йилда Шоҳ Жаҳон Балхдан шаҳзода Муродбахшни чақириб олиб, ўрнига учинчи ўғли Аврангзебни ҳоким қилиб тайинлади.

Бу вақтга келиб, Бухоро хони Абдулазизхон катта қўшин тўплаб Балхни хинд ҳукмронлигидан озод қилиш учун ҳозирлик кўтарди. Ниҳоят 1645 йилда Абдулазизхон қўшинлари Балхни қамал қиласди ва тўрт ой давом этган жангдан сўнг хинд қўшинлари шаҳарни ташлаб чиқадилар. Абдулазизхон Балх ҳукмронлигини укаси Субхонқулихонга инъом қилиб, ўзи Бухорога қайтади. Шуниси дикқатга сазоварки, ҳали хинд қўшинлари Балхни ташлаб чиқмай туриб, Шоҳ Жаҳон Балх ҳокимлигини Абдулазизхонга эмас, балки дарвешликда юрган унинг отаси Надр Муҳаммадхонга топширишни афзал кўради. Бинобарин, уни Балхга чақирирган эди. Бироқ, Субхонқулихон Балхга қайтиб келган отаси Надр Муҳаммадхон билан тўқнашиб қолиб, уни енгади. Энди ҳокимликтан умидини узган Надр Муҳаммадхон «иродай ҳаж» қилиб Маккага кетади. Аммо Надр Муҳаммадхон Маккага етиб боролмайди. У 1651 йилда Эроннинг Симон шаҳрига етганда вафот қиласди.

1649 йил феврал ойида Қандаҳорни Эрон қўшинлари босиб оладилар. Шоҳ Жаҳоннинг Қандаҳорни қайтариб ғолиши мақсадидга 1649 йил май ойида, 1652 йил ва 1653 йил апрел ойларидағи қилган ҳаракатлари муваффакиятсизликка учрайди. 1657—1660 йиллар мобайнида Шоҳ Жаҳоннинг катта ўғли валиаҳд Доро Шукуҳ билан учинчи ўғли Аврангзеб ўртасида тахт учун бўлган қонли жанглар Қандаҳорни узок вақт эронликлар тасарруфида қолиб кетишинга сабаб бўлади Алқасое ул мин-ал-ҳақ деганларидек. Шоҳ Жаҳоннинг ҳукмронлик йилларининг сўнгги зарида тахти ўз ўгиларидан муҳофаза қилиш билан ўтади. Ниҳоят, 1658 йилда Аврангзеб отаси Шоҳ Жаҳонни асирга олиб,

уй қамогида сақлайди. Қаріб қолған Шоҳ Жаҳон касалга чалиниб, йиғининг зўридан кўзидан ҳам жудо бўлиб, 1666 йилда вафот этади.

Хитой тарихчиси Чен Ханшенгнинг ёзишича, Шоҳ Жаҳон бобоси Акбаршоҳ вафот қилганда 13 яшар экан. Бобоси уни ниҳоятда яхши кўраркан. Шоҳ Жаҳон ўрта бўйли, қора кўзли, оқ юзлик, кенг пёшонали, ўнг кўзида, бармоқларида ва чап оёғида холи бўлган. У беш ёшидаёқ саводи чиқиб, китоб ўқий бошлаган. Форс тилида равон гапирав ҳамда турк ва ҳинд тилларини ҳам ўрганиб олган эди. У ичкиликни унчалик ёқтирумас, лекин қиличбозлик, ов қилиш, шеърият, мусиқа ва гўзал санъатга жуда қизиққан. Ҳар куни ўзига атира сепиб, атира ҳидидан лаззатланарди.

Шоҳ Жаҳон тонг саҳарда ўриидан туриб, намозни ўқигач, ҳукумат ишлари билан шугулланарди. Давлат ишларидан бўшагач, қурилишларни бориб кўздан кечирарди. Тушлик қилиш учун ички ўрдага кириб, у ерда Мумтоз бегим билан овқатланарди. Кечқурун яна девонга чиқиб одамлар билан маслаҳатлашар ва уларга ўз амр-фармонларини бергач, ички ўрдага қайтиб киради. Кечки таомдан сўнг, хотинларнинг ашуласини тинглашни яхши кўрарди. У ўринга кириб ётиши билан парда орқасида қиссаҳон ҳозир бўлиб, бирор сайёҳнинг сафарномаси, тарих ёки Мұҳаммад пайғамбарнинг таржимаи ҳолларидан ўқиб берарди. Шоҳ Жаҳон ухлаб қолгунча қиссаҳон қисса ўқишдан тўхтамасди. Шоҳ Жаҳон бобоси Акбаршоҳ ва отаси Жаҳонгиршоҳга ўхшамади. У ҳинд динига ва католик динига бефарқ қаради.

Шоҳ Жаҳон пойтахтни Аградан Деҳлига кўчиради. У 1639 йилдан 1656 йилгача Деҳлида «қизилтош қалъя», ўрда, боғлар, масжид ва бошқа бир неча қурилишларни вужудга келтиради. Бир масжиднинг қурилишига бир миллион рупия сарфланади. Унинг тахти тарихда «Шоҳ Жаҳоннинг товус монанд тахти» деб ном олган бўлиб, бу тахтнинг ўша даврдаги қиймати ўн миллион рупия деб белгиланган эди. Шоҳ Жаҳон марҳум хотини Мумтоз Маҳалнинг васиятига кўра, Аграда «Тож Маҳал» номли мақбара қурдиради. Бу мақбарани ялтироқ оқ мармардан қурдиради. Мақбара қурилишига 20 минг ишчи жалб қилиниб, 18 йилда қурилиб тугалланади. Тож Маҳалнинг қурилишига 40 миллион рупия маблағ сарфланади.

Умуман, Шоҳ Жаҳон ҳукмронлик қилган даврда

курилиш иншоотлари кўпайиб, хазинага анча зарап етказган. Шунингдек, мамлакатни бирлаштириш учун олиб борилган уруш ҳаракатлари юз миллионлаб маблаг сарфлашни талаб қилиб, бу даврда мамлакатнинг иқтисодий аҳволи анча заифлашган эди. Зотан, кўпгина вилоятларда, чунончи, Гужарот, Панжоб, Бенгалия ва бошқа вилоятларда вабо, очарчиликлар бўлиб, меҳнаткаш ҳалқ янада оғир аҳволга дучор бўлган эди. Очарчилик ва оғатнинг даҳшати шунчаликки, одамлар ит гўшидан ҳазар қилмаганлар. Одам суюгини янчиб, унга кўшиб сотганлар. Мана шундай аҳволлар албатта Шоҳ Жаҳон салтанатини ларзага келтирмай иложи йўқ эди. Бунинг устига Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида унинг ўғиллари ўртасида бошланиб кетган тахт учун курашлар Шоҳ Жаҳон салтанатини инқизозга учратди.

МУМТОЗ МАҲАЛ БЕГИМНИНГ асли номи Аржуманд бону эди. Унинг келиб чиқиши эронли бўлиб, бобоси, ота-онаси камбагаллик юзасидан Акбаршоҳ даврида Эрондан Ҳиндистонга кўчиб келган эдилар. Аржуманд бонунинг бобоси Акбаршоҳ хизматига киради. Аржуманд бонунинг аммаси Нуржаҳон бегим 1611 йилда Жаҳонгиршоҳга турмушга чиққач, Аржуманд бонунинг бобоси Эътиимод-уд Давла бош вазирлик лавозимига кўтарилади. Отаси Эътиқодхон — (кейинчалик) Осафхон сарой бошқарувчиси лавозимига белгиланади. 1613 йилда 19 ёшли Аржуманд бону 21 ёшли шаҳзода Хуррамга (Шоҳ Жаҳон) турмушга чиқади. Ўткир ақл-идрок соҳибаси бўлмиш Аржуманд бону тез кунда ўзининг тадбиркорлиги, нозик табиати, иффати ва тенги йўқ ҳусни билан сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонади. Ҳусусан, Жаҳонгиршоҳ келини Аржуманд бонуни ниҳоятда эъзозларди. Шунинг учун бўлса керак, кўп ўтмай Аржуманд бону саройда Мумтоз Маҳал бегим (саройнинг кўрки) номи билан атала-бошлайди.

Жаҳонгиршоҳ билан шаҳзода Хуррамнинг ораларида чиққан айрим келишмовчиликларни Мумтоз Маҳал ҳал қилишга киришар ва бу ишни уддасидан чиқарди ҳам. Шунинг учун ҳар икки томоннинг илтифотига сазовор бўларди.

Шоҳ Жаҳон 1628 йил феврал ойида тахтга ўтиргач, ёш малика Мумтоз Маҳал бегим давлат ишларида эрига ёрдамлашар ва доим режалик маслаҳатлари билан

эрини түгри йўлга бошларди. Бинобарин, у саройда шоҳ маслаҳатчиси ва муҳрдорлик лавозимларини эгаллайди. Мумтоз Маҳал бегим яхши кунларда ҳам, ҳарбий сафарларда ҳам эрига вафодор ҳамроҳ ва жафокаш ҳамдард бўлган. Мумтоз Маҳал бегим 1631 йили навбатдаги сафарлардан бирида, Бурҳонпур шахрида ўн тўртинчи фарзандини туғиши асносида 38 ёшида вафот этади. Мумтоз Маҳал бегим ҳаёт билан видолашаркан, эри Шоҳ Жаҳондан фарзандларига меҳрибон бўлишини, бошқа уйланмасликни ва ниҳоят унга атаб дунёда тенги йўқ ҳашаматли бир мақбара бунёд эттиришни илтимос қиласиди.

Шоҳ Жаҳон севимли маликаси Мумтоз Маҳал бегимнинг васиятларини бажаради. Зотан, у кейинги 36 йиллик умри давомида уйланмай ўтади. Мунис, вафодор рафиқасининг номини абадийлаштириш мақсадида унга атаб ялтироқ оқ мармардан мақбара қурдиради. Мақбарамга Мумтоз Маҳалнинг бошига қўйилган тожрамзида «Тож Маҳал» деб ном беради.

Мумтоз. Маҳал бегим ўлим олдидан ўз болалари билан видолашаркан, Шоҳ Жаҳоннинг аҳволидан хабардор бўлиб, унга ғамхўрлик қилиб туришни катта қизи Жаҳоноро бегим зиммасига юклайди.

ЖАҲОНОРО БЕГИМ Шоҳ Жаҳоннинг катта қизидир. 1614 йилда тугилган. Шоҳ Жаҳоннинг таҳтга ўтириш маросимида Жаҳоноро бегим 14 ёшда эди. Шоҳ Жаҳон унга 40 минг дона ёқут жавоҳирлар инъом этиб, яна йилига 600 минг рупия микдорида нафақа ҳам белгилаган эди.

Онаси Мумтоз Маҳал бегим вафот этганда Жаҳоноро бегим ўн етти ёшда эди. Эндиликда шоҳ оиласини бошқариш унинг зиммасида эди. Шоҳ Жаҳоннинг қизига бўлган меҳри янада ортади. У Мумтоз Маҳал бегимдан қолган барча бойлик ва мулқларни қизига топширади. Оқила Жаҳоноро бегим билан акаси Доро Шукуҳ бир-бирларига ўта меҳрибон бўлиб, укаси Аврангзеб эса бемеҳр ва худбин эди. Жаҳоноро бегим оиласида ака-укаларни, ҳатто отаси билан укаси Аврангзебнинг ораларида келиб чиқадиган можароларни усталик билан бартараф қилишга моҳир эди.

Жаҳоноро бегим саройда обрў-эътибори ортабориб, аста-секин онаси Мумтоз Маҳал бегимнинг мавқеини эгаллайди. Унинг жисми исмига монанд бўлиб, хусн-

латофатда, ақл-идрокда ва илму одобда табиат унга саҳийлик қилган эди. Жаҳоноро бегим давлат ишларини бошқариш, ички ва ташқи сиёсат ҳамда дипломатия масалаларида отасига ўзининг жўяли маслаҳатлари билан ёрдамлашарди. Унда бобокалони Бобуршоҳ каби меъморчилик ва ободончиликка катта қизиқиш ва ҳавас бор эди. Бинобарин, у Аградаги жомеъ масжидининг тархини тузади. Деҳли, Сурат, Амбала, Баҳол ва Панипат шаҳарларида карвонсаройлар қурдиради. Лоҳурда эса оромбаҳш - катта бօғ барпо қилдиради. Жаҳоноро бегим мамлакатдаги гариб-ғурабо ва фажирларга моддий ёрдамлар уюштириб, камбағаллар учун уй-жойлар қурдиради. Шунингдек, у Кашмирда «Пари Маҳал» («Парилар саройи») номли ажойиб бօғ бунёд эттиради. Шаҳдхонободда эса Али Мардонхон аригини қаздириб, нақшинкор ҳовуз қурдиради. Жаҳоноро бегим илм-фан бόбида ҳам қалам тебратгани тарихдан маълум. «Рисолайи соҳибия» («Дўстлик ҳақида рисола») номли асар унинг қаламига мансубдир.

1658 йилда Аврангзеб таҳт талашиб, ўз акаси Доро Шукуҳни мағлубиятга учратиб, укаси Мурод Бахши зинданга ташлайди. Бемор, ҳаста отаси Шоҳ Жаҳонни асирга олиб, Аградаги қизил тош саройда қамоқда сақлайди. Укаси Аврангзебнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган Жаҳоноро бегим мамлакатни ака-укалар ўртасида тақсимлашни, жумладан Доро Шукуҳга — Панжобни, Мурод Бахшга — Гужаротни, Шоҳ Шужъога — Банғолани, Аврангзебнинг катта ўғли Муҳаммад Султонга — Деканни бўлиб беришни маслаҳат беради. Аммо Аврангзеб қабул қилмайди.

Ака-укаларнинг, ота-боланинг ва дўстларнинг орасига тушган низо ва уларнинг фожиали қисмати Жаҳоноро бегимни қаттиқ изтиробга солади. Диҳаста малика дунё ишларидан қўл ювиб, отасига хизмат қилиш билан ўзига таскин беради. У 1658 йилдан 1666 йилгача bemor отаси хизматида бўлди. 1666 йилда Шоҳ Жаҳон гарибликда, Тож Маҳал мақбарасидан кўз узмай, қизи Жаҳоноро бегим қўлида ҳаётдан кўз юмади.

Жаҳоноро бегим 1681 йилда олтмиш етти ёшида вафот этади. Гарчи, у шоҳ қизи бўлса-да, табиатан камтар ва олий ҳимматлилиги туфайли бойлик ҳамда шон-шуҳратларга қизиқмайди. Ҳар ҳолда ўзининг васиятига мувофиқ бўлса керак, унинг қабрига қўйилган оддий қабр тошига: «Менинг қабримни яшил

майсалар қопласин, зеро бир гарип ожиза учун яшил майсанинг ўзи кифоядир», деган сўзлар ёзиб қўйилган.

ДОРО ШУКУҲ ШОҲ ЖАҲОННИНГ катта ўғли бўлиб, у 1616 йилда Мумтоз Маҳал бегимдан тугилган. Доро Шукуҳ Оллоҳобод, Панжоб ва Мўлтонда ҳукмронлик қилган. унинг ихтиёрида 40 минг отлик аскар бор эди. Шоҳ Жаҳон Доро Шукуҳни ўзининг валиаҳди қилиб тайинлаган эди. Бинобарин, у ҳукмрон сифатида харакат қиласади. Шоҳ Жаҳон Доро Шукуҳни жуда яхши кўрарди. Шунинг учун бўлса керак, у эрка ўсиб, ҳарбий салоҳияти паст ва давлат бошқаришда унчалик укуви йўқ эди. У гарчи, бир неча жангларда иштирок қилган бўлса-да, ўз атрофидаги кишиларнинг қайфиятини чуқур имтиҳондан ўтказиш, уларни оғир пайтларда ахволи руҳиясини синаш каби мулоҳазалардан йироқ эди. У ҳатто ўз қўл остидаги қўшиннинг ахволидан бевосита хабардор бўломасди. Унинг лоқайд ва қалтабинлиги шу даражада эди, ҳатто ўзига берилган вилоятларни ҳам ўзи бошқармас, балки унинг ёрдамчилари бошқарар эдилар.

Шоҳ Жаҳон сўнгги йилларда касалга чалиниб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолади. Бинобарин, салтанат ишларини Доро Шукуҳ олиб борар ва шу йўсин билан ўзмавқеини мустаҳкамлаётган эди. Шунингдек, барча вилоят ҳокимларини янгидан тайинлаб, ўзгартиришга қарор қилган эди. Шоҳ Жаҳоннинг касаллигидан фойдаланган шаҳзодалар — Шоҳ Шужъо, Аврангзеб ва Мурод Бахшлар ўз акалари Доро Шукуҳга қарши ўзаро итифоқ тузиб, жангга отланадилар.

1657 йил ноябр ойининг ўрталарида Шоҳ Жаҳон бирор тузалгандек бўлади. Аммо инқироз чуқурлашиб қолган эди. Бундан кейинги воқеалар яшин тезлигига ривожлана борди. Мазкур йилнинг декабрида Оллоҳободда Мурод Бахш Шоҳ Шужъо эса Бенгалияда ўзларини подшоҳ деб эълон қиласадилар. 1658 йил март ойида Аврангзеб ўз қўшини билан Бурҳонпурдан чиқиб, Нарбодга ўтади. Мурод Бахш эса қўшини билан Ужайна яқинига келиб, Аврангзебга қўшилади. Ушбу учрашувда Аврангзеб билан Мурод Бахш ўртасида тантанали битим имзоланади.

Ака-укалар ўртасидаги ўзаро биринчи тўқнашув 1658 йил 14 февралда Банорас яқинидаги Баҳодирпурда содир бўлади. Валиаҳд Доро Шукуҳ укалари Аврангзеб ва Мурод Бахшга қарши Қосимхон ҳамда

рожа Жасван Сингҳ бошчилигидаги қўшинни юборади. Доро Шукухнинг 35 минглик қўшини бўлса-да, бироқ қўшин орасида ҳамжиҳатлик йўқ эди. Зотан, жанг асносида Қосимхон Жасван Сингҳга ҳеч қандай кўмак бермайди. Натижада Доро Шукухнинг қўшини Аврангзебнинг биринчи ҳамласидаёқ парокандаликка учраб, тарқалиб кетади.

1658 йил 29 майда Агра ёнидаги Самугархда энг катта ҳал қилувчи жанг бўлади. Бу жангда Доро Шукух 50 минглик қўшинга ўзи қўмондонлик қиласди. Бироқ мазкур қўшин турли-туман ҳарбий бўлинмалардан ташкил топган эди. Бинобарин, ражпутлар ҳамда Доро Шукухнинг шахсий бўлинмаларидан бошқа бўлинмаларга ишониб бўлмасди. Чунончи, Доро Шукухнинг эътиборли амирларидан бири Ҳалиуллохон жанг бошланмасданоқ Аврангзебга сотилиб кетади. Жанг Доро Шукухнинг мағлубияти ва Аврангзебнинг галабаси билан якунланади. Доро Шукух қўшинидан ўн мингдан ортиқ киши жанг майдонида қирилиб кетади. Ҳалок бўлганлар орасида Доро Шукухнинг бир неча етук саркардалари, жумладан 9 ражпут ва 19 мусулмон саркардалари бор эди. Мазкур жанг таҳт учун қурашнинг ҳал қилувчи якуни бўлади.

Самугарҳ жангидан сўнг Доро Шукух Панҷебга қочади. 1658 йил июн ойида Аврангзеб пойтаҳт Аграга киради ва отаси Шоҳ Жаҳонни асир олиб, уй қамогига солади. Шундан сўнг Аврангзеб иттифоқчиси, укаси Мурод Бахши ҳам ушлатиб зинданга ташлайди.

Доро Шукух ўзига тобеъ оз сонли аскарлари билан бир неча ойгача Биас дарёси қирғоқларида жон сақлайди. Аврангзеб ҳар хил макр-хийлалар ишлатиб, Доро Шукух аскарлари орасида низо чиқаришга муяссар бўлади. Натижада Доро Шукух Лохурни ташлаб Мўлтонга, у ердан Синдга, кейинчалик Гужаротга қочади. Бу пайтда Рожа Жасвант Сингҳ Доро Шукухга ёрдам бериш истагини билдирган эди. Бироқ Аврангзеб Рожа Жай Сингҳ ёрдами билан Рожа Жасвант Сингҳни ўзига оғдириб олади.

1659 йил марта ойида Аврангзеб Доро Шукух қўшинининг орқа томонидан ўтиб, қаттиқ зарба беради. Бу муваффақиятсизликдан сўнг Доро Шукух Аҳмад ободга бориб, у ердан Қандаҳор орқали Эронга ўтиш мақсадида Синдга чекинади. Доро Шукух белужларнинг Дадар вилоятининг султони Малик Жевондан бошпана сўрайди. Зеро, бир ғактлар Доро Шукух

Малик Жевоннинг ҳаётини сақлаб қолганди. Эндиликда ўзининг бошига оғир кун тушганда унинг садоқатига умид бөглаган эди. Аммо Малик Жевон нонкўрлик қилиб, Доро Шукуҳни ушлаб, Аврангзеб кишиларирига топширади. 1659 йил 30 августда Доро Шукуҳ қатл қилиниб, кесилган бошни лаганга солиб, қамоқда бемор ётган Шоҳ Жаҳонга киритадилар.

Доро Шукуҳнинг ўғли Сулаймон Шукуҳ 1658 йилда Гархвил рожасининг хузурига қочиб борган эди. Бироқ 1660 йилда Аврангзеб одамлари тарафидан кўлга олиниб, Гвалиор қалъасига қамалади. У ерда Аврангзебнинг буйругига биноан шаҳзода Сулаймон Шукуҳга аста-секин таъсир қилувчи ҳаҷар берилиб, натижада 1662 йилда қамоқда вафот қиласди.

ШОҲ ШУЖЬО Шоҳ Жаҳоннинг иккинчи ўғли бўлиб, 1617 йилда Мумтоз Маҳал бегимдан туғилган. Шоҳ Жаҳон бу ўғлига Бенгалия вилоятининг ҳокимлигини инъом қилган эди. Шоҳ Шужъо Бенгалияда 17 йил хукмронлик қилди. Шоҳ Шужъо табиатан ялқов ва дангаса киши эди. Гарчи гоҳида гайрати жўш уриб, катта ишларга бел бөгласа-да, бироқ кўзлаган ишини охиригача олиб бораолмас эди.

1658 йил 14 февралда ақа-ука шаҳзодалар ўртасида биринчи ўзаро уруш бошланиб кетади. Бу жанг Банорас яқинидаги Баҳодирпурда бўлиб, Доро Шукуҳ ўз ўғли Сулаймон Шукуҳ бошлилигидаги йирик қўшинни укаси Шоҳ Шужъо қўшинига қарши ташлайди. Шаҳзода Сулаймон Шукуҳ жангда голиб келиб, амакиси Шоҳ Шужъо қўшинини мағлубиятга учратади. Шоҳ Шужъо жанг майдонидан қочиб Оллоҳобод томонга бориб жон сақладиди ва янгидан қўшин йигиб Аграга юрмоқчи бўлади. Аммо 1659 йил 5 январда Хажвда бўлган жангда Аврангзеб ўзининг иттифоқчиси бўлган кичик акаси Шоҳ Шужъоға ўнгланмас зарбани беради.

Шоҳ Шужъо Хажвдаги жангда укаси Аврангзебдан енгилиб мағлубиятга учрагач, қолдик қўшинлари билан Бенгалияга кетади. Аммо Аврангзеб Шоҳ Шужъони таъқиб қилишни ўзининг катта ўғли Муҳаммад Султон билан сарой бош вазири Мир Жумлага топширади. Шоҳ Шужъо жияни Муҳаммад Султон билан маҳфий равишда музокара юритиб, ўз қизи Гулруҳ бегимни Муҳаммад Султонга хотинликка беришни ваъда қиласди. Лекин шоҳ қўшинига қўмондонлик қилувчи Мир

Жумла Шоҳ Шужъонинг қароргоҳи Тандани ўраб, хавф остида қолдиради. 1660 йил май ойида Шоҳ Шужъо ўз оиласи ва қирқ нафар навкарлари билан Бенгалиядан чиқиб, Бирма чегарасидан ўтиб, Аракан ўрмонига қочиб боради. Кейинчалик голландияликларнинг маълумотига қараганда, 1661 йили Шоҳ Шужъо ва унинг болачакалари Аракандаги маҳаллий Магҳ қабиласи томонидан ўлдириб юборилган.

МУРОД БАХШ Шоҳ Жаҳоннинг тўртинчи кенжашуғли бўлиб, 1621 йилда Мумтоз Маҳал бегимдан тугилган. Шоҳ Жаҳон Мурод Бахшга Гужарот ҳокимлигини инъом қилган эди.

Мурод Бахш акаси Шоҳ Шужъодан фарқли ўлароқ, гайратли бўлса-да, бироқ ҳузур-ҳаловат ва кайфафонинг кетидан қувган, иодон киши эди. У қанчалик шижаотли бўлмасин, акаси Аврангзебнинг ҳийланайранглари қаршисида дош беролмасди. Унинг бемулоҳаза хатти-ҳаракатлари ўзи учун ҳам, салтанат учун ҳам фойда келтирмасди.

1657 йилда Мурод Бахш кичик акаси Аврангзебни макрига учраб акаси Доро Шукуҳга қарши курашишга жазм қилади. Бу пайтда отаси Шоҳ Жаҳон касал ётарди. Мурод Бахш акалари Шоҳ Шужъо ва Аврангзеблар билан иттифоқ тузади. 1657 йил декабр ойида Оллоҳободда Мурод Бахш ўзини подшоҳ деб эълон қилади. 1658 йил март ойида Аврангзеб ўз қўшини билан Бурхонпурдан чиқиб Нарбодга келади. Мурод Бахш ҳам ўз қўшини билан Ужайна яқинида Аврангзебга қўшилади.

1658 йил 15 апрелда Доро Шукуҳ ўзининг 35 минглик қўшинига рожа Жасвант Сингҳ ва Қосимхонни саркарда тайинлаб, Аврангзеб ва Мурод Бахшга қарши юборади. Ҳар икки томоннинг қўшинлари Ужайна яқинида бир-бирлари билан тўқнашадилар. Бироқ Доро Шукуҳ қўшинида ҳамжиҳатлик йўқ эди. Бинобарин, жанг Доро Шукуҳнинг мағлубияти билан тугайди.

1658 йил 29 майда ҳал қилувчи энг катта жанг Агра ёнидаги Самугархда бўлиб ўтади. Бу жангда гарчи Доро Шукуҳ 50 минглик қўшинга шахсан ўзи қўмондонлик қилган бўлса-да, бироқ унинг амирларидан айримлари жанг бошланмасданоқ Аврангзеб ва Мурод Бахш билан тил бириктирган эдилар. Шу боис жанг натижаси Доро Шукуҳнинг батамом мағлубияти ва иттифоқчиларнинг галабаси билан якунланади.

Кейинги воқеалар ўз-ўзидан ривожлана боради. Самугарҳ жангидаш сўнг, 1658 йил июн ойида Аврангзеб Аргага кириб, таҳтни эгаллайди. Шу ойнинг ўзидаёқ укаси Мурод Бахшни ҳам ушлатиб зинданга ташлайди. Мурод Бахш Гвалиор зинданонида уч йил азоб-уқубатда кун кечиради. Ниҳоят, 1661 йилда Аврангзеб нинг буйруги билан Мурод Бахшнинг боши кесилади. У 41 ёшида оламдан ўтади.

Абу Зафар Мұхийиддин Мұхаммад Аврангзеб Оламгир.

Аврангзеб Шоҳ Жаҳоннинг учинчи ўғли бўлиб, 1619 йил 24 сентябрда (1028 йил 15-зулқаъда ойида) туғилган. Онаси Мұмтоз Махал бегимдир. Аврангзеб ёшлигиданоқ ака-укаларига ғисбатан анча қобилиятли, совуққон, улдабурон, ҳийла ва найранг ишлатишга моҳирлиги билан ажралиб турарди. У ёшлигиданоқ диндорлик билан ном чиқаришга ҳаракат қиласар ва риёкорлик билан «умримни ибодат билан ўтказмоқ учун Маккатиллога бориб, бу фоний дунё ишларидан қўл юваман», деб юрарди. У оддий халқ кўзига ўзини авлиё қилиб кўрсатарди. Зотан, Аврангзеб ўқимишли ва билимдон киши бўлиб, Куръонни ёддан билар, талайгина газалларни ёддан ўқир, ўзи ҳам газаллар ёзарди. Аммо қаттиққўл, кучли, иродали, бироннинг ҳақидан қўрқмайдиган, қон тўкишни оддий бир зарурат деб билувчи тошбагир киши эди.

Отаси Шоҳ Жаҳон 1636 йилда Аврангзебни Декан вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди. 1644 йилда Аврангзеб отаси Шоҳ Жаҳонга қарши ҳаракат бошлайди. Шоҳ Жаҳон бу исёнкор ўғлини Декан ҳокимлигидан азл қилиб, Балх вилоятида турган қўшинларга бошлиқ қилиб жўнатади. Кейинчалик Гужарот ва у ердан Бадахшонга юборади. 1652 йилда Аврангзеб яна Декан вилоятига ҳоким қилиб тайинланади.

1656 йил февралда Аврангзеб Голконда беклигига қарши уруш бошлайди. 1657 йилда Бижопур беклигини қўшиб олиш учун отаси Шоҳ Жаҳонга ҳийла ишлатади. Чунончи, 1656 йил ноябр ойида Бижопурнинг ҳукмдори Мұхаммад Одилшоҳ вафот этади. Унинг ўрнига марҳумнинг ёш ўғли Али Одилшоҳ II келади. Аврангзеб мазкур ёш ҳукмдор ҳақида Шоҳ Жаҳонга шундай хабар йўллайди: «Гўё Бижопурнинг ҳозирги ҳукмдори Али Одилшоҳ II марҳум Мұхаммад Одилшоҳнинг ўғли эмас, балки келиб чиқиши номаълум, фақат у марҳум ҳукмдорнинг ҳарамида тарбияланган, холос».

Шоҳ Жаҳон Бижопур масаласини ҳал қилишни Аврангзебнинг ихтиёрига топширади. Бундан фойдаланган Аврангзеб Бидорни забт қиласди ва Бижопурга тажовузкорона ҳужум бошлайди. Бижопур султони Али Одилшоҳ II Деҳли билан музокара бошлайди. Шоҳ Жаҳон бу масалани адолатли ҳал қилишни катта ўғли Доро Шукуҳга топширади. Доро Шукуҳ ишни муфассал текшириб кўриб, масалани Султон Али Одилшоҳ II фойдасига ҳал қиласди. Шоҳ Жаҳон Бижопурга қарши уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатиш ҳакида Аврангзебга фармон юборади. Аврангзеб Бижопур султони билан сулҳ тузиб, орқага қайтишга мажбур бўлади. Мана шу воқеадан сўнг кўп ўтмай Шоҳ Жаҳон касал бўлиб ётиб қолади.

Темурий шаҳзодаларнинг орасида таҳт учун кураш тасодифий ҳол эмас, балки одат тусига кириб қолган эди. Бироқ Шоҳ Жаҳоннинг фарзандлари ўртасида вужудга келаётган таҳт учун ўзаро кураш қонли урушларга айланиб кетди. Чунки уларнинг ҳарбий кучлари бир-биридан кам эмас, боз устига сарой аъёнлари гуруҳларга бўлинниб, ҳар бир гуруҳ бир шаҳзода томонида туарди.

Гарчи асли номи Муҳийиддин Аврангзеб (таҳт безаги, таҳт ярашиги) бўлса-да, таҳтга ўтиргач, ўзини Абу Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб Оламгир деб эълон қиласди. Бинобарин, тарихда «Аврангзеб Оламгир» номи билан машҳурдир.

Аврангзебнинг ҳукмронлик даври (1658—1707) Ҳиндистонда бобурийлар салтанати қуёшининг қиёмга чиқкан даври бўлди. Агар рамзий маънода таққосланса — бобурийлар салтанатининг мезанасига ўрнатилган ҳилол ой — 14 кунлик тўлин ойга айланган эди.

Аврангзеб таҳтга ўтиргач, ўз ҳокимиятини кенгайтириш учун тўхтовсиз жанглар олиб борди. Аврангзебнинг ҳукмронлик даврини тарихчилар икки фаслага бўладилар. Биринчи фасл 1658—1681 йиллар бўлиб, Аврангзебнинг диққат марказида асосан гарби-шимолий ва шарқи-шимолий Ҳиндистондаги воқеалар туарди. Аврангзеб бу ерда ражпутларга қарши жанглар олиб бориш ва шимолий Ҳиндистоннинг шарқий ва гарбий чегараларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди. Унинг ҳукмронлигининг иккинчи фасли — 1682—1707 йилларда эса, у асосан ўз диққатини мамлакатнинг жанубий қисмидаги воқеаларга қаратади. Зотан, бу ерда Шиваджи маратхлар давлатини тузган эди. Бу давлат

аслида 1674 йилда расман мустақил деб эълон қилингани бўлса-да, Аврангзеб салтанатига тинчлик бермас эди. Бинобарин, Аврангзеб ўз хукмронлик даврининг иккинчи палласида, энг яхши ҳарбий саркардалари ва сарой аъёнлари билан жанубда яшашга мажбур бўлади. Чунки бу ерда муҳим воқеалар содир бўлаётган эди.

Аврангзеб ўзининг 49 йиллик хукмронлик даврида, ота-боболари каби меъморчилик, қурилиш, адабиёт ва санъат ривожи учун қайгурмади. Акбаршоҳнинг динлар тенглиги сиёсатига амал қилмади. Ў ислом динидан бошқа динни ва сунна мазҳабидан бошқасини тан олмади. Унинг раҳбарлигига Ҳиндистонда «Шаръий фатволар мажмуаси» яратилиб, унга «Фатавоий Оламгиррий» деб ном берилди. Бундан кейинги адолатли суд ишлари мазкур қонунлар тўплами асосида олиб бориладиган бўлди.

Аврангзеб ҳинд халқининг бошига кўп кулфатлар солди. У 1679 йилда мусулмон бўлмаган халқларга солинадиган «Жузъи жон» солигини қайтадан жорий қилди. Ҳинд халқининг ибодатхоналаридаги олтин ва кумуш жиҳозларини хазина (байтулмол) фойдасига тортиб олиб, ибодатхона биноларини эса масжидга айлантирди. Масалан, Удайпур ва Читорнинг ўзида 200 ибодатхона бузиб ташлангани тарихдан маълум. 1665 йилда бож тўлови ҳақида фармон эълон қилинади. Фармонга мувофиқ, мусулмон савдогарларидан 2,5 фоиз, ҳинди савдогарларидан эса 5 фоиз бож олиш қонун билан тасдиқланган эди. 1669 йил Аврангзеб барча вилоят ҳокимларига мусулмон бўлмаган аҳолининг ҳамма мактаб ва ибодатхоналарини бузиб ташлашга фармон беради. 1671 йилда барча мақкамаларда ишловчи котиблар ва бошқа хизматчилар мусулмонлардан бўлиши лозимлиги ҳақида кўрсатма берган эди. Бироқ, котиблар ҳинклардан бўлмаслиги мумкин эмаслиги маълум бўлгач, ярми ҳинклардан, ярми мусулмонлардан бўлиши ҳақида қўшимча фармон берилади. 1695 йилда ражпутлардан ташқари барча ҳинкларнинг тахтиравонда, фил ва зотли отларга миниб юриши шунингдек, қуролга эга бўлиши ман этилади. Аврангзебнинг бундай ички сиёсати мамлакатда жуда катта норозиликларга олиб келди. Тинимсиз жангу жадалларда тинкаси қуриган халқ учун бу фармонлар оғир юқ эди. Бинобарин, мамлакатнинг ҳар ер-ҳар ерида халқ қўзголонлари, ҳокимлар фитнаси ва амалдорлар исёни кўтарила бошлади. 1690 йилга келганда Ав-

рангзеб салтанати ўзининг энг юқори погонасига чиқкан зди. Гўё бутун Ҳиндистон маймакати Аврангзеб оёги остида тургандек зди. Бироқ ҳақиқатни олганда ҳамма нарса кўлдан кетган, маммакатда бобурийлар салтанати инқирозга юз тута бошлаган зди. Маммакатда ражпутлар, маратхлар кўзголони авжга чиқди. Ҳатто Аврангзебнинг тўртинчи ўғли Муҳаммад Акбар ҳам ражпутлар томонига ўтиб, 1681 йил январ ойида ўзини подшоҳ деб эълон қиласди.

Аврангзеб 49 йил хукмронликдан сўнг, 1707 йилда 89 ёшида Аҳмадобод шаҳрида вафот этади. «Тазкиратул-ҳавотун» номли асарда ёзилишича, Аврангзебнинг беш ўғли ва беш қизи бўлган. Уғиллари — Муҳаммад Султон, Муаззам Шоҳ (кейинчалик Баҳодиршоҳ), Аъзам Шоҳ, Муҳаммад Акбар ва Ком Бахш, қизлари — Зубдатнисо, Зебуннисо, Зийнатнисо, Бадриннисо ва Мехринисолардир.

ЗЕБУННИСО БЕГИМ — Бобурнинг паниевараси, Абу Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб (тахт безаги) Оламгириларнинг қизидир. Унинг онаси Дилрасбону бегим Шоҳнавозхоннинг қизи бўлиб, Бобурнинг Гулбадан исмли қизига бориб туташади. Зебуннисо бегим 1639 йил феврал ойида (1048 йил, шаввон ойи) Дехлида туғилган.

Зебуннисо бегим ўз замонасасининг фозила аёлларидан Ҳафиза Марям қўлида савод чиқарган. Аврангзеб Зебуннисо бегимнинг шоирлик истеъодони сезгач, унга ўз даврининг етук олимларидан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ва Мулло Жевонни муаллим қилиб тайинлайди. Зебуннисо бегим забардаст шоира, етук олима, танбур чертувчи уста созандা ва моҳир ҳаттот бўлиб этишади. Араб ва форс тилларининг сарфу наҳв (морфология ва синтаксис)ини, фикҳ (қонуншунослик), мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштиради. У настълиқ, насҳ ва шикаста ҳатларини зўр маҳорат билан ёзган. Шу боис Қуръонни бир неча маротаба ҳусниҳатда кўчирган ва ёддан қироат билан ўқиган.

Зебуннисо бегимнинг чиройли бир девони бўлган. Яна тасаввуф фалсафасига оид «Мунис ул-арвоҳ» номли асари ҳам бор. Тафсир соҳасида 769 варакли қўллэзмадан иборат «Заб ат-тафосир» (Гўзал тафсирлар)ни ёzádi. Бундан ташқари, илоҳиётта оид «Зеб ан-нашаот» номли асар ёзиб, уни ўз устозига багишлайди. Шунингдек, Ҳиндистон мусулмонлари орасида дастуруламал бўлиб қолган «Фатавойи Оламгирий» («Шариат қонунлари

мажмуаси) номли асарни форс тилига таржима қилди-ради. Зебуннисо бегим олий ҳимматли ва саховатли бўлган. У ўз замонасининг олимлари, шоирлари ва санъат ахлларига ғамхўрлик ва ҳомийлик қилган, хуллас илм ва фаннинг ривожига муҳим ҳисса қўшган. Зотан, «Олами ислом» тазкирасида қайд этилган «Отаси Аврангзеб ҳукмдорлик билан қозонаолмаган шуҳратни, Зебуннисо бегим илм ва одоб билан қўлга киритди», ибораси фикримизнинг далилидир.

Зебуннисо бегим умрининг охиригача жуфтликни ихтиёр қилмади. «Мунтаҳабут-таворих» муаллифининг ёзисича, Зебуннисо бегим кунлардан бир кун опасиникига меҳмон бўлиб боради. Иттифоқо, опасининг тўлғоқ тутиб, қаттиқ азоб чекиб, ўлим билан олишаётган пайтига тўгри келади. Шунда Зебуннисо бегим, агар жуфтликнинг оқибати шу бўлса, дунёдан тоқ ўтганим бўлсин, — деб аҳд қилган экан. Кўпгина тарихий асарларнинг гувоҳлик беришича, Зебуннисо бегим ёшлигида Оқилхон Розий исмли шоир табиат бир йигитга кўнгил беради. Оқилхон Розий ҳам Зебуннисо бегимга ишқий мисралар йўллаб турган. Аммо Оқилхон Розийнинг қайси бир жиҳати шоҳ Аврангзебга маъқул келмас, бинобарин, ошиқ-маъшуқларнинг пинҳона учрашувларини таъқиб остига олади. Ривоятлардан бирида айтилишича, кунлардан бир кун Зебуннисо бегим билан Оқилхон Розий богда учрашиб турганларидан, тасодифан Аврангзеб боқقا кириб келади. Дарҳол ошиқ-маъшуқлар ўзларини панага олишади. Бонгинг бир четида катта зиёфатлар учун қазилган ер ўчоққа ўрнатилган катта дошқозон мис қопқоғи билан турар эди. Оқилхон Розий шоҳ газабидан чўчиб, ана шу қозон ичига тушиб олиб, устидан қопқоқни ёпади. Шоҳ Аврангзеб Оқилхон Розийнинг беркинганини кўриб қолади ва тўгри келиб қозон қопқогининг устига чиқади ва баковулни чақириб, ўчоққа олов ёқиши буюради. Ўчоққа олов ёқилиб, қозон қизийди, қопқоқ остидан жизганак ҳид билан тутун чиқади-ю, аммо ҳеч қандай нидо эшитилмайди. Аврангзеб қопқоқдан тушиб, баковулга қопқоқни очишни буюради. Қопқоқ очилганда қозон ичиди ярим қорайган Оқилхоннинг жасади кўринади. Иккинчи бир ривоятда, кўзойнакли илон солинган қафасга ташлаб, илон заҳри билан ўлдирилган, дейилади.

Оқилхон Розийнинг ўлимидан сўнг Зебуннисо бегим қалбида янги ёр учун ўрин қолмайди. У поёнига етмаган

ишқий достонини куйлаб ўтади. Зебуннисо бегим 1702 йилда 63 ёшида Дехлида вафот этади. У Дехлидаги «Зарзари» қабристонига дағы этилган. Зебуннисо бегимнинг қабр тошига шоиранинг гоят камтарлик билан айтган қуидаги байти ёзилган: «Багайри сабза напўшад касе мазори маро, ки қабрпўши гарифон ҳамин гиёҳ бас аст». (Ҳеч ким менинг қабримни сабзадан ўзга нарса билан ёпмасин, гарилар қабрини ёпмоқ учун шу гиёҳнинг ўзи басдир).

Зебуннисо ўз даври анъанасига кўра, форс ва араб тилларини қунт билан ўрганганди. Шу тилларда газаллар битган. Зебуннисо бегим Мирза Бедилнинг қизига мураббийлик қилиб, уни камолга етказган.

МУҲАММАД СУЛТОН Аврангзебнинг катта ўғли бўлиб, 1637 йилда туғилган. Муҳаммад Султон бобоси Шоҳ Жаҳоннинг ҳукмдорлик даврининг охиридаёт бир неча юришларда отаси Аврангзеб билан бирга қатнашган. Бинобарин, ҳарбий салоҳияти анча бор эди.

1659 йил 5 январда Аврангзеб ўз акаси Шоҳ Шужъони Ҳажвда тор-мор қилгач, Шоҳ Шужъо Бенгалияга қочади. Аммо, Аврангзеб Шоҳ Шужъони таъқиб қилишни ўғли Муҳаммад Султон билан саркарда Мир Жумлага топширади. Шоҳ Шужъо маҳфий равишда Муҳаммад Султон билан келишув тузади. Келишувга кўра, Шоҳ Шужъо ўз қизи Гулруҳ бегимни Муҳаммад Султонга хотинликка бермоқчи бўлади, шахзода тақлифни қабул қиласди. Гарчи эндиликда Шоҳ Шужъо учун Муҳаммад Султон тарафидан хавф-хатар бўлмаса-да, бироқ Мир Жумланинг жанговарлик фаолияти кундан-кунга ўсиб борарди. Нихоят, Шоҳ Шужъо жойлашган қароргоҳи Танда шаҳари Мир Жумла қўшинлари томонидан ўраб олинади. 1660 йил май ойида Шоҳ Шужъо ўзининг қирқта тарафдорлари ва оиласи билан Бенгалияни ташлаб, Бирма чегарасидан ўтиб — Аракан ўрмонига қочади.

Шоҳ Шужъо қочиб кетгач, Бенгалиядаги уруш ҳаракатлари тўхтайди. Муҳаммад Султон отаси Аврангзеб ҳузурига қайтиб келади. Бироқ Муҳаммад Султоннинг амакиси Шоҳ Шужъо билан бўлган маҳфий музокаралари Мир Жумла томонидан Аврангзеб қулогига етказилган эди. Аврангзеб Муҳаммад Султоннинг қилмишларидан газбланиб, гўё уни тахтга даъвогар сифатида айблаб, зиндонга ташлайди. Хитой тарихчisinинг ёзишича, Аврангзебнинг кичик қизи отасининг бу

ҳаракатига қарши тургани учун уни ҳам акаси ёнига қамайди. Нихоят ака-сингил қолган умрларини хорзорлик билан қамоқда ўтказиб, зинданда вафот қиладилар. Мұхаммад Султон зинданда вафот этгандан 35 ёшда зди.

АЪЗАМ ШОҲ Аврангзебнинг иккинчи ўғли бўлиб, 1643 йилда туғилган. Шаҳзода Аъзам Шоҳ отаси Аврангзеб вафот этгандан укаси Ком Баҳш билан бирга Деканда ҳоким зди. Отасининг вафотини эшитгач, таҳтга даъвогар бўлиб, Аграга қараб юради. Аъзам Шоҳ 65 минг отлик ва 45 минг пиёда аскар билан пойтаҳт Аграга яқинлашади. Аммо Аграда ҳокимиятни қўлга олган укаси шаҳзода Муаззам (Шоҳ Олам)нинг қаршилигига учрайди. 1707 йил 18 июнда Аgra ёнида бўлган жангда Аврангзеб даврида зўр зътиборга эга бўлган Асадхон ва унинг ўғли Зулфиқорхон Аъзам Шоҳ тарафида турардилар. Шунга қарамай, Аъзам Шоҳ жанг майдонида катта талафот кўриб, мағлубиятга учрайди. Бу жангда ҳар икки томондан 10 минг киши ҳалок бўлади. Аъзам Шоҳ бутунлай тор-мор қилиниб, унинг ўзи ва икки ўғли жангда ҳалок бўладилар.

МУҲАММАД АКБАР Аврангзебнинг тўртинчи ўғли бўлиб, 1647 йилда туғилган. Мұхаммад Акбар Аврангзебнинг бир неча жангларида қатнашади. 1679 йилда Махаражлар устига қилинган юришда асосан Мұхаммад Акбар бошчилик қиласади. Махаражлар жангда енгилсалар-да, бироқ жангни тўхтатмайдилар. Улар тог ва саҳроларга тарқалиб, шоҳ аскарига тинчлик бермайдилар. Мұхаммад Акбар бир неча марта тасодифий ҳамлалардан қутилиб қолади ва уларга қарши курашда ҳеч бир иш чиқара олмайди. Бу аҳволдан газабланган Аврангзеб ўғли Мұхаммад Акбарни Марварга жўнатиб, Марвардаги қўшинга бошлиқ қилиб иккинчи ўғли Аъзам Шоҳни саркарда қилиб тайинлади.

Худди шу пайтда Мұхаммад Акбар Шоҳга қарши қўзголон кўтарган ражпутларга келиб қўшилади ва 1681 йил январда ўз отасини таҳтдан туширилган деб, ўзини подшоҳ деб эълон қиласади. Мұхаммад Акбарнинг бу хиёнати маҳараж Раж Сингхнинг таъсири зди. Бироқ, 1680 йил октябр ойида Раж Сингх вафот қиласади. Унинг ўрнига ўтирган Жай Сингх бир неча вақт давомида ҳеч қандай ҳаракатга бошчилик қилмайди. Натижада, Мұхаммад Акбарнинг қилган ҳаракати анча кечикишга сабаб бўлади. Шунга қарамай, 1681 йилда Мұхаммад Ак-

бар Ажмирга қарши юриш бошлайди. Чунки бу пайтда Шоҳ Аврангзеб Ажмирда эди. У тезкорлик билан ҳаракат қилмайди. Аксинча, иккиланиб, сусткашлик қиласди. Бу даврда шоҳ қўшинининг қудрати икки баробар ошиб кетади. Бу жангда Муҳаммад Акбарнинг ўнг қўли Таҳовархон ўлдирилгач, қўшин орқага чекинади. Худди шу аснода Аврангзеб Муҳаммад Акбар номига ёзилган қалбаки «мактуб»ни ражпутлар қароргоҳига хуфиёна ташлаттиради. Мактуб Аврангзеб қўли билан ёзилган бўлиб, гўё ўғли Муҳаммад Акбарни «ҳеч нарсадан ҳабарсиз, анқов ражпутларни ўлимга етаклаб келишнинг энг яхши усулини ўйлаб топгани учун» уни кўкларга кўтариб мақтаган эди.

Бу мактуб ражпутлар орасига келиб тушгач, Муҳаммад Акбарга ишончсизлик кучайиб, ундан юз ўгирадилар. Муҳаммад Акбарнинг ҳаёти хавф остида қолади. Бирлашган қучлар тарқайди ва Муҳаммад Акбар ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун қочишига ҳаракат қиласди. Аммо Дургадас мактубнинг соҳталигини аниқлагач, Муҳаммад Акбарни ўз паноҳига олади ва қуролли кишилар назорати остида маратҳа ҳукмдори Самбхужининг саройига олиб бориб кўяди.

Маратҳлар ҳукмдори Шиважининг ўғли Самбхужи жасоратли одам эди. Лекин майшатни яхши кўради. У Шоҳ Аврангзеб томонидан яқинлашиб келаётган хавфни хатарли даражада таҳлил қилмас, бинобарин асосий кучни шоҳга қарши қўйиш ўрнига, майда бўлакларга бўлиб ташлаб, майда душманларга қарши курашишга ҳаракат қиласди. 1682 йил 22 марта Аврангзеб ўзининг уч ўғли ва энг жасоратли лашкарбосилари билан бирга Аврангободга келади. Унинг мақсади маратҳлар ҳукмрони Самбхужига қатъий зарба бериш ва исёнкор ўғли Муҳаммад Акбарни қўлга киритиш эди. Бу пайтда Муҳаммад Акбар маратҳлар ҳукмдори инжиқ ва тажанг Самбхужи билан жанжаллашиб қолади ва денгиз орқали қайиқда сузиб Эронга ўтиб кетади. У 1705 йилда Эронда вафот этади. Муҳаммад Акбарнинг катта ўғли Шоҳ Олам 1677 йилда Голконда ҳукмдори билан ўз сулоласи ва тож-тахтни сақлаб қолиш мақсадида музокара юритади. Бироқ Шоҳ Оламнинг бу ҳаракати хоинлик деб қаралади ва Аврангзеб набираси Шоҳ Оламни зинданга ташлайди. Шоҳ Олам зинданда етти йил ётгач, озодликка чиқади.

КОМ БАХШ Аврангзебнинг бешинчи ўғли бўлиб, 1667 йилда туғилган. Ком Бахш Аврангзеб вафот этганда Деканда эди. Отаси Аврангзеб таҳтига ўтирган Шоҳ Олам (кейинчалик Баҳодиршоҳ) укаси Аъзамшоҳни ўлдиргандан кейин ҳам тинчимади. У қўшин тортиб мамлакатнинг жанубига, яъни кичик укаси шаҳзода Ком Бахшга қарши юриш қиласди. 1709 йил 13 январда Баҳодиршоҳ ўз қўшини билан Ҳайдарободга келиб Ком Бахшни тор-мор қиласди. Урушда Ком Бахш яраланиб ўлади.

МУАЗЗАМ-ШОҲ Аврангзебнинг учинчи ўғли бўлиб, 1645 йилда туғилган. У гайратсиз ва қўрқоқ одам эди. Деканда ўн бир йил ҳокимлик қиласди. Унинг асосий ёрдамчиси Да лирхон очиқ-ойдин унга қарши чиқарди. Шоҳ Олам билан Да лирхон ўртасидаги душманлик (хусумат) шу даражага бориб етди, гўё Деканда шоҳга тегишли мулкларда ўзаро уруш кетаётгандек эди. Умуман, Шоҳ Олам ҳокимиятни бошқаришда тадбирсиз ҳукмрон эди.

Аврангзеб вафотидан сўнг таҳт учун кураш авжига чиқди. Бу вақтда Шоҳ Олам Кобулда эди. Лекин Шоҳ Олам таҳт учун бўлажак курашларга хуфиёна тайёрлик кўраётган эди. Бинобарин, отасининг вафотини эҳитгач, дархол Аграга қараб юрди. Унинг иккинчи ўғди Азим уш-Шон Бенгалияда ҳоким эди. Теэлика Азим уш-Шонга хабар юборилиб, у Бенгалиянинг бойликларини ортиб Аграга қараб юради ва шаҳарни қўлга киритади. Бироқ шаҳар қалъаси ҳали таслим бўлмаган эди. Аграга Шоҳ Оламнинг яқинлашиши билан қалъа бошлиғи қалъани таслим қиласди. Шоҳ Олам ўз укаларига қарши кураш бошлайди. Таҳтга даъвогар сифатида пойтахтга 110 минглик қўшин билан яқинлашиб келган Аъзам Шоҳга қарши 1707 йил 18 июнда Агра яқинида қаттиқ зарба беради. Бу жангда ҳар икки томондан 10 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлади.

Аъзам Шоҳ ва унинг икки ўғли бу жангда ўлдирилади.

Аммо Панжобда сингхлар кўзғолони давом этаётган эди. Гарчи, Шоҳ Олам (кейинчалик Баҳодиршоҳ) сингхларнинг Лоҳгарх қалъасини забт этган бўлса-да, сингхлар тоққа қочиб, у ердан шоҳ қўшинига тинчлик бермасдилар. Марвар ҳукмдори Ажит Сингҳ Баҳодиршоҳга таслим бўлади. Кўп ўтмай яна бош кўтаради ва яна таслим бўлади. Ниҳоят, Ажит Сингҳ хон хизматига қабул қилинади.

Баҳодиршоҳ шундай лалайган қатъиятсиз эдики,

ҳатто ўзига вазир танлашда ҳам бир фикрга келолмаган. У ўзининг аввалги вазири Мунимхон билан отаси Аврангзеб даврида хизмат кўрсатган ва Аврангзебга обрў-эътибор келтирган Асадхонни фарқ қила олмай, қайси бирини вазирликка тайинлашни ҳам ҳал этолмай, ниҳоят, мамлакат идора ишларини ҳар икковига бўлиб беради. Бунинг оқибатида ҳар икки вазир ўртасида туганмас кураш бошланиб, бу эса мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Баҳодиршоҳ 1712 йил феврал ойида вафот этади.

Жаҳондор Баҳодиршоҳнинг катта ўғли бўлиб, 1668 йилда тугилган. Отаси Баҳодиршоҳ вафотидан сўнг, унинг тўрт ўғли ўртасида тахт учун кураш бошланиб кетади. Баҳодиршоҳнинг иккинчи ўғли Азим уш-Шон бошқа ака-укаларига қараганда анча тадбиркорроқ зди. Зулфиқорхон аввал уч ака-ука — Жаҳондоршоҳ, Рофи уш-Шон ва Жаҳон Шоҳларни бирлаштириб, Азим уш-Шонга қарши кураш бошлайди. Натижада, Азим уш-Шон (1670—1712) тор-мор этилиб, унинг ўзи эса қатл қилинади. Азим уш-Шон ўртадан олиб ташлангач, Жаҳондоршоҳ, Рофи уш-Шон (1672—1712) ва Жаҳон Шоҳлар (1674—1712) ўртасида низо бошланиб, Рофи уш-Шон билан Жаҳон Шоҳлар ўлдирилади. Шундан сўнг, енгилтак, ҳукмдорликка нолойиқ Жаҳондоршоҳ тахтга ўтиради. Зотан, воқеанинг бундай тус олиши Зулфиқорхоннинг фойдаси бўлиб, истеъдодсиз ҳукмронни ҳар мақомга солиш мумкин зди. Аммо Зулфиқорхоннинг севинчи узоқча бормайди. Орадан бир йил ўтмасдан Азим уш-Шоннинг ўғли Фарруҳ Сияр, ака-ука саййидлар — Ҳасан Али (кейинчалик Абдуллахон номи билан машхур бўлган) ва Ҳусайн Алиниг ёрдами билан Жаҳондоршоҳ ва Зулфиқорхонга Агра яқинида зарба беради. 1713 йилда Жаҳондоршоҳ билан Зулфиқорхон ўлдирилади.

ФАРРУҲ СИЯР 1688 йилда тугилган. Азим уш-Шоннинг ўғлидир. У 1713 йилда ҳокимиyatга келади. Фарруҳ Сияр истеъдодсиз, бўшанг, ёлгончи, кўрқоқ, одам зди. Давлат ишларини олиб борицига иқтидорсиз зди. Бинобарин, 1713—1720 йиллар мобайнида давлат ишларини юқорида эслатганимиз ака-ука саййидлар бошқардилар. Ҳасан Али вазирлик мансабини, Ҳусайн Али эса Мир-бахши амалини қўлга киритган здилар. Бундан ташқари саййидлар яна икки вилоят (суба)ни ҳам ўз ихтиёрларига киритган здилар. Аммо Фарруҳ

Сияр мазкур саййидзодалардан қутилиш йўлини қидириб, махфий равишда уларга қарши фитна тайёрлайди. Шоҳ билан саййидлар орасида тез-тез низолар вужудга келабошлайди. Фарруҳ Сияр махфий равишда Мевар ҳукмдори Ажит Сингҳни тезлаб қўйиб, Ҳусайн Алини Ажит Сингҳни бўйсундиришга жўнатади. Ҳусайн Али Меварга бориб, Ажит Сингҳни бўйсундириб қайтади. Фарруҳ Сияр Бенгалияга ўзининг боз мушовири Мир Жумлани юбориш истагида эди. Декан ҳукмдорлигини Низом ул-Мулк ўрнига Ҳусайн Али ўз қўлига олади. Фарруҳ Сияр эса янгидан-янги фитналарни уюштира боради. Ниҳоят, Ҳусайн Али ўз қўшинларини йигиб, шимолга — Фарруҳ Сиярга қарши юриш бошлайди. Унинг бу юришида маратхлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар. Ҳусайн Али пойтахтга босиб келиб, Фарруҳ Сиярни асирга олади. Фарруҳ Сиярнинг уэр ва зори — таваллоси инобатга олинмайди. Шоҳ саройи қўлга киритилиб, икки ой ўтгач, Фарруҳ Сиярни қатл қиласадилар. Ривоятларга қараганда, «Аҳкоми оламгири» асарида Аврангзебнинг ўз фарзандларига васиятномаси илова қилинган экан. Васиятномада Аврангзеб ўз болаларига Бархий саййидларига нисбатан қандай муомала юритиш ҳақида қўйидагиларни ёзиб қолдирган дейилади: «Бархий саййидлари билан бўладиган муносабатда ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоқларингиз лозим. Қалбларингизда уларга нисбатан меҳр бўлмаса ҳам, аммо зоҳирان уни акс эттирманг, уларни катта мансабларга қўйиб, даражаларини баланд кўтарманг. Зоро, ҳокимиётда ҳукмдор учун кучли ёрдамчи тез орада ҳокимиётни ўз қўлига киритишга ҳаракат қиласади. Агар сиз уларга ҳокимиётни бир лаҳза бошқаришни топширсангиз, бунинг оқибати сизнинг ҳалокатингиз билан якунланади». (1719 йилда Фарруҳ Сияр ўз нодонлиги ва бепарволиги туфайли уларнинг қурбони бўлди. 1719 йилда Фарруҳ Сияр ҳалокатидан сўнг, тахтга Баҳодиршоҳнинг набираси Рофи уш-Шоннинг ўғли касалманд Рофи уд-Даражот (1692—1719) ўтиради. У сил касалига мубтало бўлиб, тез кунда касаллик уни сўллитиб қўяди. У 1719 йилда тахтни ўз укаси Рофи уд-Давлага (Шоҳ Жаҳон II 1696—1719) беради. Бироқ, Рофи уд-Давла ҳам касалманд эди. 1719 йилнинг сентябрида у ҳам оламдан кўз юмади.

МУҲАММАД ШОҲ. 1719 йил сентябр ойида Баҳодиршоҳнинг набираси, Жаҳоншоҳнинг ўғли Рав-

шан Ахтар (1692—1748) тахтга ўтиради. Равшан Ахтар кейинчалик ўзини Мұхаммадшоҳ деб атайди. Мұхаммадшоҳ тахтга ўтирган вақтда, ақа-ука сайдиларнинг зўравонлиги ҳаддан ошган эди. Улар деярлик мамлакатнинг ҳамма жойида ўз ҳукмронлигини ўрнатган, шоҳни эса қўғирчоққа айлантирган эдилар. Аммо уларнинг хатти-ҳаракатларига қарши, шоҳ саройида ва бутун мамлакатда норозилик аломатлари вужудга келаётган эди. Сарой аъёнлари орасида ҳам ақа-ука сайдиларга қарши гуруҳ пайдо бўлади. Бу гуруҳ Деканда мустаҳкам ўрнашиб олган Низом ул-Мулк бошлигига ҳаракат қиласиди. Ҳусайн Али подшоҳ Мұхаммадшоҳни мажбуран Декан ҳокими Низом ул-Мулкка қарши жангга мажбур қилиб, катта қўшин билан Деканга юриш бошлайди. Аммо Ҳусайн Али бир неча кишилар томонидан ўлдирилади. Подшоҳ қотилларни жазолаш ўрнига уларга хайриҳоҳлик билдиради. Ўз укаси Ҳусайн Алиниң ўлдирилганини эшитган Ҳасан Али тахтга бошқа шаҳзода — Рофи уш-Шоннинг ўғли Мұхаммад Иброҳимни ўтқизади. Лекин Мұхаммадшоҳ—(жанубга кетаётган) ўз қўшинини шимолга қараб буради ва Жамна дарёси яқинида Билочпурга яқин жойда Ҳасан Али қўшини билан рӯбарў келади. Қаттиқ жангда Ҳасан Али батамом енгилади ва асирга олинади. Орадан икки йил ўтгач, 1721 йилда Ҳасан Али зинданда заҳарланиб ўлдирилади. Мұхаммад шоҳ мазкур ақа-ука сайдиларни ўз валиненъматларига қарши курашганликлари учун бирини «ҳаром намак», иккинчисини эса «намак ҳаром» деб аташга буюради. Ақа-ука сайдиларнинг ҳукмронлик даврида сикхлар ҳаракати шафқатсизлик билан бостирилган эди.

Мұхаммадшоҳ майшатпараст киши эди. У бобурийлар давлатининг аввалги обрў-эътиборини, шунингдек, қўшиннинг қадимий жанговарлик салоҳиятини қайтадан тиклашга қодир эмас эди. У кечётган воқеалар жараёнига тамоман бефарқ қарап, империяни ҳалоқатдан қутқариб қолиш борасида деярли ҳеч қандай чора-тадбир кўрмас эди. Унинг қарийб ўттиз йиллик (1719—1748) ҳукмронлик даврида Ақбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеблар давридаги барча шон-шавкатлар бирин-кетин қўлдан кета бошлади. Бобур асос солган қудратли давлат эндиликда кучсиз ва ўзини-ўзи бошқара олмайдиган тарқоқ давлатга айланаб қолади.

Мұхаммадшоқнинг истеъдодсизлигидан фойдаланған Низом ул-Мулк ва шунга ўшаш бек ҳамда амалдорлар ўз вақтида қулай фурсатдан фойдаландылар. Низом ул-Мулк яна иккинчи марта Деканга (1724—1748) ҳоким бўлиб олади. У расман шоҳ ҳокимиятини тан олса-да, амалда мустақил ҳукмрон эди. Низом ул-Мулк Ҳайдаробод хонлигини вужудга келтириб, унга асос солган эди. Ҳатто, 1739 йилда Ҳиндистонга босиб кирган Нодиршоҳ Ҳиндистон шоҳлик тожини қайтадан Мұхаммадшоҳ бошига кийдираётib, Низом ул-Мулқдан доим огоҳ бўлишни, чунки у Деҳли саройида энг айёр, ўз манфаати йўлида хеч қандай ишдан қайтмайдиган, уддабурон, маслаксиз аъёнлардан биридир, деб уқтирган эди. Аммо Мұхаммадшоқнинг иродасизлиги, қатъиятсизлиги натижасида Авдда Саодатхон, Бенгалияда Аливердихон мустақил ҳоким бўлиб оладилар. Маратхлар эса Малва, Бунделкханд, Гужарот, Берар ва кейинчалик Ориссани босиб оладилар.

1739 йил феврал ойида Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Ҳиндистонга босиб киради. Нодиршоҳ 1737 йилда афғонлар қалъаси Қандаҳорни босиб олади. Афғонларнинг кўпчилиги Қандаҳордан қочиб, Кобулга келадилар. Нодиршоҳ ўзининг норозилик баёnotини элчи орқали Деҳлига жўнатади. Нодиршоҳ талабини бажариш ўрнига, унинг элчисини Деҳлида бир йилча ушлаб турадилар. Нодиршоҳ Ҳиндистонга бостириб киришга қарор қиласиди. Таназзулга юз тутабошлаган Ҳиндистон ҳукумати Афғонистон ва Панжоб чегараларини мустаҳкамлашга эътиборсиз қарайди. Нодиршоҳ бир зарба билан Афғонистонни забт этиб, Ҳайбар ўтиш йўлини муҳофаза қилаётган Ҳинд қўшинларини тор-мор қиласиди. Нодиршоҳ 1738 йил нояброда ўзининг отлиқ ва пиёда аскарлари билан Пешоварга кириб, декабрда Панжобга қараб юради. Панжобнинг ҳукмдори Закариёхон бир оз қаршиликдан сўнг таслим бўлади. Нодиршоҳ Лоҳурдан Карналга қараб юради ва Панипат яқинида Ҳинд қўшинлари билан тўқнашади. Нодиршоҳ ҳинд қўшинининг орқа томонидан ҳужум қилиб, Панипатни қўлга олади ва шоҳ қўшинининг Деҳли билан муносабатини узиб қўяди. Бу жангда саккиз мингдан зиёдроқ ҳинд аскари қирилиб кетади. Жанг уч соат давом этади. Сулҳ музокаралари бошланади. Кўп тортишувлардан сўнг, Деҳли ҳукумати эронликларга

беш миллион рупия тўлов тўласа, Эрон қўшини Дехли салтанатидан чиқиб кетишга қарор беради.

Бироқ ҳиндлар учун мана шундай оғир вазиятда Дехли сарой аъёнлари орасида ҳасад ва баҳилликка йўл очувчи бир воқеа содир бўлади. Жангда яраланган Мир-бахши лавозимидаги Хон Даврон вафот этади. Низом ул-Мулк эса мазкур Мир-бахш лавозимига ўз ўғлини тайинлатишга Муҳаммадшоҳни кўндиради. Нодиршоҳ қўлида бандиликда турган Саодатхон бу хабарни эшитгач, ҳасад ўтида қоврилиб. Нодиршоҳни Дехлига босиб киришга ва у ердан беш миллион эмас, балки 200 миллион рупийлик қимматбаҳо жавоҳирларга эга бўлишини уқтиради. Нодиршоҳ навбатдаги учрашувда Муҳаммадшоҳ билан Низом ул-Мулкни қўлга киритиб, Дехлига қараб юради.

Нодиршоҳ Дехлига келгандан сўнг ҳалқ орасида «Нодиршоҳ ўлдирилибди» деган гап тарқаб кетади. Бунинг натижасида Нодиршоҳ аскарлари орасида тартибсизлик бошланиб, қўшиннинг бир қисми қирилиб кетади. Ана шундан сўнг, Нодиршоҳ Дехлида қатли ом эълон қиласи. Натижада, 20 минг бегуноҳ кишилар қатл қилинади. Нодиршоҳ Дехлида икки ой туриб қолади. Масжидларда ўзининг номига хутба ўқиттиради ҳам ўз номидан пул зарб қилдиради. Нодиршоҳ 700 миллион рупияга тенг ўлжа олади. Мазкур ўлжа ичидаги Бобуршоҳ томонидан ўғли Ҳумоюншоҳга ҳадя қилинган дунёда энг йирик олмос «Кўхи нур», шунингдек, Шоҳ Жаҳоннинг машҳур «товус тахти» (қиймати 10 миллион рупияга тенг) ҳам бор эди.

Муҳаммадшоҳ битимга мувофиқ Ҳинд дарёсининг шимоли-гарбий қисмидаги ерларни Нодиршоҳга беради. Дехли ҳукумати Афғонистондан маҳрум бўлади. Бунинг устига ҳиндларга қарашли Лоҳур ҳукмдори ҳар йили 2 миллион рупияни Нодиршоҳга юбориб туриш мажбуриятини олади. Ана шундай қилиб, бобурийлар давлати кучсиз бир давлатга айланаб қолади. Унинг илгариги шон-шуҳратидан асар ҳам қолмаган эди. Муҳаммадшоҳ 1748 йилда вафот этади.

АҲМАДШОҲ Муҳаммадшоҳнинг ўғли бўлиб, 1715 йилда тугилган эди. Унинг қисқа муддатли салтанати даврида мамлакатнинг аҳволи янада оғирлашади. У отасидан сўнг 1748 йилда тахтга ўтиради. Бироқ, Аҳмадшоҳнинг салтанат даври афғон ҳукмдори Аҳмадшоҳ дурри-дуроний томонидан Ҳиндистонга

қарши бир неча марта тажовузкорлик урушлари билан яқунланади.

Аҳмадшоҳ Дурроний афғон қабилаларидан Абдал қабиласига мансуб киши эди. Аҳмадшоҳ ёшлигиданоқ Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ кўшинида хизмат қилиб, унинг Ҳиндистонга қилган барча юришларида иштирок қилган ва ниҳоят иқтидорли саркарда бўлиб етишган киши эди. 1747 йилда Нодиршоҳ ўлдирилгандан сўнг Аҳмадшоҳ ўз ватанига қайтиб, афғон қабилаларининг мустақил Афғонистон ҳукуматини барпо қилиш йўлидаги ҳаракатларига фаол қатнашади. 1747 йилда Аҳмадшоҳ афғон қабилалари хонлари тарафидан Афғонистоннинг подшоҳи деб эълон қилинади. Аҳмадшоҳ кейинчалик тарихда Аҳмадшоҳ Дурроний номи билан машҳур бўлади.

Аҳмадшоҳ Дурроний Ҳиндистонга биринчи марта 1748 йилда ҳужум қилиб, Лохурни босиб олади. Лекин Муҳаммадшоҳнинг ўғли Аҳмадшоҳ қўмондонлигидаги ҳинд кўшини тарафидан Сирхинд яқинида талафот кўриб, орқага чекинади. У 1750 йилда иккинчи марта Ҳиндистонга босиб киради. Бу пайтда Деҳлида сарой аъёнлари орасида гуруҳбозлик авжига чиқсан бўлиб, Лохур ҳукмдори Мир Манну Деҳлидан мадад ололмагач, таслим бўлишга мажбур бўлади. Мир Манну Ҳинднинг шарқий қисмида жойлашган тўртта вилоятдан келадиган солиқ маблагини Аҳмадшоҳ Дурронийга бериш эвазига саломат қолади. Аҳмадшоҳ Дурроний 1752 йилда учинчи марта Ҳиндистонга ҳужум қилиб, Лохур яқинида Мир Маннуни енгади ва Кашмирни босиб олади. Аҳмадшоҳ мамлакатнинг шарқий қисмини то Сирхиндгача бўлган қисмини Аҳмадшоҳ Дурронийга беришга мажбур бўлади. Аҳмадшоҳ 1754 йилда вафот этади.

1754 йилда Аҳмадшоҳ вафот этгач, тахтга Жаҳондор Шоҳнинг ўғли ОЛАМГИР II ўтиради. Оламгир II 1727 йилда Деҳлида тугилган эди. Оламгир II ҳам Муҳаммадшоҳ ва Аҳмадшоҳларга ўхшаш иқтидорсиз ва қатъиятсиз киши эди. Унинг қисқа муддатли салтанат даврида ҳам мамлакатда гуруҳбозлик ва жангу жадаллар кучайди.

1756 йилда Мир Манну тўсатдан вафот этади. Унинг вафоти натижасида Панжобда тўс-тўполонлар кучайди. Бу қулай фурсатни қўлдан бермай Аҳмадшоҳ Дурроний тўртинчи марта Ҳиндистонга ҳужум қилади. У Лохурни қўлга киритиб, Деҳлига қараб юради. Роҳил

султонлигининг ҳукмдори Нажиб ул-Давла тўғридан-тўғри Аҳмадшоҳ Дурроний томонига ўтади. Оламгир II нинг вазири Имод ул-Мулк жангсиз таслим бўлади. Аҳмадшоҳ Дурроний қўшинлари шаҳар ва қишлоқларни аёвсиз равишда талайдилар. Натижада жуда катта ўлжани кўлга киритадилар. Уларнинг ўлжалари 120 миллион руپийга тенг эди. Улар ҳалибери Ҳиндистондан чиқиб кетишини ўйламасдилар, талон-тарожни давом эттирадилар, аммо қўшин орасида вабо касали вужудга келгач, қайтиб кетишига мажбур бўладилар. Оламгир II Аҳмадшоҳ Дурронийга Панжоб, Кашмир ва Синдни беришга мажбур бўлади. Бу вилоятларни бошқариб туриш учун Аҳмадшоҳ Дурронийнинг ўғли Темуршоҳ Ноиб қилиб қолдирилди. Аммо бир йил ўтгач, маратҳлар Рагхунатха Рао раҳнамолигида Панжобга кириб, Темуршоҳни ҳайдаб чиқарадилар. Бу эса келажакда Аҳмадшоҳ Дурроний билан маратҳлар орасида ҳал қилувчи жанглар бўлишидан хабар берарди.

Ҳақиқатан ҳам 1759 йилда Аҳмадшоҳ Дурроний тўсатдан ҳужум бошлиди. Жанг Панипатда бўлиб, Аҳмадшоҳ галабаси билан тугаса-да, бироқ унга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Унинг қўшинлари орасида норозилик кучаяди. Улар маошларини тўланишини ва уйларига қайтишни талаб қиласдилар. Аҳмадшоҳ Дурроний 1761 йилда Ҳиндистондан чиқиб кетишига мажбур бўлади. Оламгир II 1759 йилда вафот этади.

ШОҲ ОЛАМ II Оламгир II нинг ўғли бўлиб, 1743 йилда туғилган. Отаси Оламгир II вафот этгач, 1759 йилда таҳтга ўтиради. У номигагина подшоҳ эди. Унинг даврида Ҳиндистонга Аҳмадшоҳ Дурроний яна бир неча марта босқинчилик урушларини қиласди. У Панжоб, Сирхинд, Кашмир ва Синдни кўлга киритгач, энди Дехли, Агра, Матхура ва бошқа вилоятларга босиб кириб, талончилик қилишни режалаштиради. Бироқ унинг бу режаларини сингъларнинг ўсиб бораётган кучлари барбод қиласди. Аҳмадшоҳ Дурроний Ҳиндистонга 1762, 1764, 1765 ва 1767 йилларда юриш қиласди. Лекин сингълар унинг барча ҳужумларини мардоналик билан қайтарадилар.

Шоҳ Олам II Ҳиндистон таҳтини душмандан сақлаб қоладиган гайратли, шижаотли ҳукмдор эмас эди. Бинобарин, унинг салтанати даврида мамлакатнинг ҳамма вилоятларида мустақил ва ярим мустақил

хонликлар вужудга келиб, улар марказий ҳокимиятни тобора сикиб келаётган эдилар. Бунинг устига Ҳинди-стоннинг жануби-тарбий қисми — Калкуттада мустаҳкам ўрнашган инглизлар маҳаллий ҳукмдорларни зимдан бир-бирига гиж-гижлаш ва ҳар хил ҳийлалар билан ўз таъсир доираларини кенгайтириб, шимол томонга силжимоқда эдилар.

Ана шундай ҳаракатлардан бири 1757 йилда Бенгалияда бўлиб ўтади. Англиянинг Ост-Индия кампанияси Бенгалияга ўз тарафидан Мир Қосимни ҳукмдор қилиб тайинлаган эди. Мир Қосим инглизлар ҳукмронлигидан қутулиш мақсадида уларга қарши қўзғолон кўтаради. Аммо инглизлар катта куч билан қўзғолонни бостирадилар. Мир Қосим Бенгалиядан қочиб, Аудга боради. У Ауднинг ҳукмрони ҳамда Дехли ҳукмдори Шоҳ Олам II билан битим тузиб, иттифоқчи қўшинларни бирлаштириб, 1764 йилда Буксар яқинида инглизлар билан тўқнашади. Инглизлар қўшини яна Мир Қосим бошлиқ иттифоқчилар қўшинини тор-мор қилади. Мир Қосим Дехлига қочади. Шоҳ Олам II асирга тушади. Буксар жангидан сўнг Бенгалия губернатори этиб тайинланган Клайв янгидан қўлга киритилган вилоятлар Калкуттадан анча узоқ бўлганини назарда тутиб, бу ерларни бошқаришни Шоҳ Олам II га топширади. Буғинг эвазига Шоҳ Оламдан Бенгалияда молия бошқармаси инглизлар кампанияси ихтиёрига берилгани ҳақида фармон ёздириб олади. Натижада, Бенгалияда қўш ҳокимиятчилик сиёсати амалга оширилади: чунончи, ички идора ишлари, тартибни сақлаш масалалари маҳаллий амалдорлар қўлида бўлиб, ерлардан олинадиган солиқлар бевосита кампания қўлига ўтади.

1772 йилда Бенгалия губернаторлигига Уоррен Хейстингс тайинланади. У Бенгалияда кампаниянинг манфаатини янада оширадиган бир неча чора — тадбирларни жорий қилади. Чунончи, Бенгалия ноибига тўланадиган нафақанинг ярмини кесиб ташлайди. Шунингдек, Клайв томонидан Шоҳ Олам II га тайинланган нафақани бекор қилади. Шоҳ Олам II нинг кун кечириши учун берилган Қора ва Оллоҳобод вилоятларини Ауд ҳукмдорига сотиб юборади. Ана шундан сўнг Шоҳ Олам II ва унинг авлоди фақат Дехлидаги саройда ҳукмрон бўлиб қоладилар.

1803 йилда Англия билан маратҳлар орасида иккинчи ҳал қилувчи жанг бўлади. Инглиз генерали Уэлсли маратҳларга ўнгланмас зарбани берган, унинг қўшинлари Дехли ва Аграга кирадилар. 1803 йили

сентябрида генерал Уэлсли Шоҳ Олам II ни ўз паноҳига олади. Шоҳ Олам II бу пайтда қариб қолган ва роҳил қабиласи томонидан кўр қилинган эди. Генерал Уэлсли Шоҳ Олам II билан ҳеч қандай битим имзоламайди. Фақат, 1805 йил 23 майда чиқарилган фармонга мувофиқ, унга доимий нафақа тайинланади. Дехли саройи унга қайтариб берилади. Бироқ подшоҳнинг ҳеч қандай сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқи йўқ эди. Ақалли вилоят ноибларига бериладиган ҳуқуқ ҳам подшоҳда йўқ эди. Зотан, 1803 йил декабр ойида тузилган битимга мувофиқ, Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлиги сиёсий жиҳатдан бутунлай тутатилди. Подшоҳ ва унинг авлоди инглизлар боқимида қолгандилар.

Шоҳ Олам II 1806 йилда вафот этади. Унинг ўрнига ўғли Акбар II таҳтга ўтиради. Бу таҳт номигагина эди холос. Акбар II ҳам ўз умрининг охиригача инглизлар қўлида қўғирчоқ бўлиб, улардан нафақа олиб яшайди. У 1837 йилда вафот этади. Унинг ўрнига ўғли Баҳодиршоҳ II таҳтга ўтиради.

БАҲОДИРШОҲ II 1776 йилда Деҳлида туғилган. У ўта журъатсиз, қўрқоқ ва гайратсиз одам бўлиб, отаси Акбар II вафотидан сўнг, 1837 йилда таҳтга ўтиради. Баҳодиршоҳ II ҳам инглизлар нафақаси ҳисобига кун кечирарди. Унинг даврида Ҳиндистон мамлакати деярли ҳаммаси мустақил ва ярим мустақил хонликларга бўлинib кетган, уларнинг кўпчилиги инглизлар қўлига ўтган эди. Ҳатто Баҳодиршоҳ II нинг Деҳлидаги ўз саройидан ташқарига ҳукми ўтмас эди.

Мамлакатнинг майда бўлакларга бўлинib кетиши, инглизлар истибодонинг кучайиши мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ахволини инқизорзга олиб келди. Бунинг натижасида мамлакатда 1844, 1849, 1850 ва 1852 йилларда қўзғолонлар бўлиб ўтади. 1857 йилда эса тарихда машҳур сипоҳийлар қўзғолони бошланади. Бу қўзғолонга асосан инглиз қўшинларида хизмат қилувчи сипоҳийлар бошчилик қиласидилар. Улар Деҳлига келиб, бобурийлар сулоласининг сўнгги вакили Баҳодиршоҳ II ни подшоҳлик таҳтига ўтқизиб, унинг бошчилигига инглиз мустамлакачилигига қарши муқаддас урущ (жиход) эълон қиласидилар. Сипоҳийлар харакатида олий бош қўмандонлик лавозимини Баҳодиршоҳ II нинг катта ўғли Мўгул Мирзо эгаллайди. Кичик ўғли Ҳизэр Султон Мирзо ва набираси Абу Бақр мирзолар қўшин бўлинмаларининг раҳбарлигини ўз қўлларига оладилар. Ҳолбуки, шаҳзодадар ҳарбий

салохиятдан ҳеч қандай билимлари йўқ эди. Баҳодиршоҳ эса бу пайтда 82 ёшда бўлиб, анча қариб қолган, бунинг устига бутуй умрини сарой ичидан ярим маҳбусликда ўтказган, ҳокимият ишларидан анча йироқ одам эди.

Баҳодиршоҳ II, гарчи сипоҳийларнинг талаби бўйича подшоҳ қилиб кўтарилиган бўлса-да, сипоҳийларнинг ҳаракатига ишонмас ва ўз тинчлигини кўзларди. Бинобарин, кўзғолоннинг илк кунларидаёқ у ҳокимият ишларига яроқсиз эканлигини кўрсатиб қўйган эди.

1857 йил 2 июлда сипоҳийларнинг ҳарбий қўшилмаси Бахтхон бошчилигига Дехлига келади. Бахтхон сипоҳийлар қўшинига олий бош қўмондон ва Дехли губернатори қилиб тайинланади. Бахтхон ҳар бир жойга қўзғолонга жонкуяр кишилардан белгилаб, Дехлида пороҳ заводини йўлга солади. Лекин жасур ва сергайрат Бахтхон йўлига тўғоноқ бўлувчилар кўпаяди. Дехли маъмурӣ шоҳ идора мансабдорлари ва шаҳзодалар Бахтхонга қарши иғво ва фитналар уюштирадилар. Кимдир пороҳ заводини портлатади. Замбараклар зимдан бузиб қўйлади. Ана шундай йўллар билан хиёнат содир бўлади. Ҳатто, шаҳзодалар ўз маҳфий жосуслари орқали инглизлар қўмондонлиги билан алоқа боғлаб, жумладан, агар хаётларини саклаб қолишга кафолат берилса, шаҳарни инглизларга топшириш ҳақида музокара юритишга розилик берадилар. Натижада сипоҳийлар қўшини орасида тарқоқлик юз беради. 65 минг кишилик сипоҳий қўшинлари олти минглик инглиз қўшинига бардош беролмадилар. Парокандалик ва хиёнат натижаси ўлароқ, сипоҳийлар қўшини кундан-кунга камайиб, инглизлар қўшинининг кудрати ошиб бораради.

1857 йил сентябрнинг ўртасида инглиз қўшини қўмондони А. Вилсон Дехлини қамал қилишга буйруқ беради. Қамал беш кун давом этади. 19 сентябр куни Бахтхон Дехлини ташлаб чиқишига мажбур бўлади ва Фарруҳободга қараб кетади. Бахтхон Дехлидан ўз қўшинлари (4 пиёда ва бир отлик) билан чиқиб кетаётib, Баҳодиршоҳ II ни ҳам ўзи билан бирга кетишини таклиф қиласи ҳамда янги озодлик кураш маркази ташкил қиласи жасаганини айтади. Аммо Баҳодиршоҳ II (бу таклифни) қабул қиласи майди. У шаҳарга инглизлар кириб келиши олдида Дехлидаги Ҳумоюн мақбарасига қочиб бориб беркинади.

Инглизлар Дехлига бостириб киргач, қочишига ултур-

маганларни ёппасига қирғин қиласылар. Күчаларда, уйларда болалар, хотинлар, эркаклар жасади гарам-гарам бўлиб кетади. Бомбейнинг губернатори Лорд Элфинстон Дехлидаги инглизларнинг ваҳшийлиги ҳақида қуидагиларни ёзган эди: «Бизнинг қўшинлари миз томонидан Дехли қўлга киритилганидан сўнг қилинган жиноятни таъриф қилиш оғир масала. Биз ҳаммадан — дўстларимиздан ҳам, душманларимиздан ҳам қасос олдик. Босқинчилик ва талончиликда биз Нодиршоҳдан ҳам ўтиб кетдик».

1857 йил 21 сентябрда инглизлар Баҳодиршоҳ II ва унинг ўғилларини асирга оладилар. Кейинчалик 82 ёшли Баҳодиршоҳни суд қилиб, Рангунга (Бирма) бадарга қиласылар. Подшоҳ 1862 йилда 87 ёшида сургунда вафот этади. Унинг ўғиллари — Мўғул Мирзо (1796—1858) ва Ҳизр Султон Мирзо (1799—1859) ҳамда невараси Абу Бакр Мирзоларни (1821—1858) Дехлига олиб кетаётган инглиз офицери Ходсон йўлда биринкетин отиб ташлайди.

Мана шу билан Ҳиндистонда 332 йил ҳукм сурган бобурийлар сулоласи тугатилади.

ШОХРУҲ МИРЗО

Шоҳруҳ Мирзо Амир Темурнинг тўртинчи ўғли бўлиб, 14 раббиул — соний 779/1377 йил 20 август пайшанба куни тугилган. Унинг онаси Тағой Туркон Оғодир. Фарбий Европа олимларидан баъзилари, жумладан Бретшнейдер Шоҳруҳ Мирзо Сарой Мулк хонимдан тугилган деб ёzáди. Бироқ тарихий манбаларда бундай маълумот учрамайди. Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Шоҳруҳ Мирзонинг онаси Тағой Туркон Оғо бўлиб, соҳибқирон Амир Темурнинг хоқ канизакларидан бўлган, Кейинчалик ўз никоҳига киритган. Хондамир мазкур маълумотни Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи туздирган «Насабнома»дан олганлигига ишора қиласди. Аммо соҳибқирон Амир Темур ўғли Шоҳруҳ Мирзо тугилгач, уни Сарой Мулк хоним тарбиясига топширган.


Нақл қилинишича, Шоҳруҳ-Мирзо тугилиши билан бу хушхабарни Амир Темурга етказмок учун Саройга хабарчи юборадилар. Айни шу аснода соҳибқирон шатранж (шахмат) ўйини билан машғул бўлиб, кўлини «руҳ» донасига чўзганда, хабарчи кириб янги меҳмон дунёга келгани ҳақида хушхабарни етказади. Соҳибқирон кўлида ушлаб турган «руҳ» донасига боқаркан, мийигида кулиб исми «Шоҳруҳ» бўлсин деган эмиш.



Шоҳруҳ Мирзо 20 ёшгacha отаси соҳибқирон ёнида бўлиб, унинг юришларида, жумладан Фаластин юришида ҳам фаол қатнашади. 1397 йилда' унга Хурсон. Сейистон ва Мозандарон ҳокимлигини топширади. Шу даврдан то 1405 йилгача, яъни Амир Темур вафотигача Хурсон ҳукмдори деган ном билан кифояланади.

Шоҳруҳ Мирзо ёшлигиданоқ аҳкоми шариатга



Шокрук Мирзо
(1377-1405-1447)





Каттиқ риоя қиласа да диний китобларга қизиқарди. Шу сабабданми, ёки бошқа сабаблар бормиди, ҳархолда Амир Темур бу кенжә ўғли Шоҳруҳ Мирзога эътимоди камроқ эди. Бинобарин, ўз ўрнига валияҳд тайинлашда ҳам Шоҳруҳ Мирзони четлаб ўтган эди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Шоҳруҳ Мирзо Ҳурносон ҳукмдори қилиб тайинлангач, у Ҳиротнинг буюқ хўжазодаларидан бир нечасини ўз атрофига йигиб, ҳокимиётни шуларнинг раҳнамаблигига бошқарган бўлиши керак. Шу боисдан бўлса керак, Фасиҳ Ҳавоғийнинг ёзишича, 1404 йилда Амир Темур Ҳўжа Фахридин Аҳмад Тусийни Ҳиротга фавқулодда мухтор вакил қилиб жўнатади. Мазкур вакил Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига келиб, давлат ишларини текширгач, девонбеги лавозимида турган машҳур Ҳўжа Али Муҳаммад Шоҳни Ҳиротнинг Малик номли дарбозасига олиб чиқиб остиради. Шунингдек, Ҳирот хўжаларидан 20 кишини бадарга қилиш ҳақида Амир Темурга рўйхат тақдим қиласи. Соҳибқирон мазкур хўжаларни Ҳиротдан Ашпар ва Савронга сургун қилиниши ҳақида фармон беради. Фармонга мувофиқ хўжалар Ҳиротдан кўчирилади йўлда кетаётганларида соҳибқироннинг вафоти ҳақида хабар келиб, улар яна Ҳиротга қайтиб келадилар.

Амир Темур вафотидан сўнг Шоҳруҳ Мирзо ота таҳтига даъвогар бўлиб, Пир Муҳаммад Мирзо билан иттифоқ тузиб, Самарқанд ҳукмдори жияни Ҳалил Султон Мирзога қарши курашади. 1407 йилда Пир Муҳаммад Мирзо вафотидан сўнг, якка ўзи турлитуман макр-хийлалар ишлатиб курашни давом эттиради. Ниҳоят, 1409 йилда Ҳалил Султон Мирзо қўлидан Самарқанд таҳтини тортиб олади. Шундан сўнг Мовароуннаҳр ҳукмронлигини ўзининг тўнгич ўғли 16 ёшли Улуғбек Мирзога, Балх ҳукмронлигини иккинчи ўғли Иброҳим Мирзога, Ҳисор ҳукмронлигини собиқ валияҳд марҳум Муҳаммад Султон Мирзонинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгири Мирзога, Фарғонани эса Умар Шайх Мирзонинг 22 ёшли ўғли Аҳмад Мирзога инъом қилиб, ўзи Ҳиротга қайтиб кетади.

Шоҳруҳ Мирзо секин-аста ўз акалари Жаҳонгири Мирзо, Умар Шайх Мирзо ва Мироншоҳ Мирзоларнинг авлодини ҳар хил йўллар билан ўзига тобеъ қилиб, Мовароуннаҳр, Озарбайжон, Ироқ, Ҳурносон ва Шимолий Афғонистондан иборат катта бир давлат жиловини ўз қўлига киритади ва «Улуғ хоқон» сифатида салтанатни бошқаришга кирицади. Шоҳруҳ Мирзо

Ҳиротни ўзининг пойтахти деб эълон қилади. Ҳирот Шоҳруҳ Мирзо даврида иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан анча ривожланади.

Шоҳруҳ Мирзо табиатан мутаассиб диндор шахс бўлиб, кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди. Девон ишлари ва салтанатни ўқтам ва тадбиркор хотини Гавҳаршод бегим бошқаарди. Шоҳруҳ Мирзо умрининг охиригача ўзига валиаҳд тайинлашга иккиланиб юради. Гарчи бешинчи ўғли Муҳаммад Жўки Мирзони валиаҳдликка мўлжаллаган бўлса-да, бироқ хотини Гавҳаршод бегимнинг хоҳиши — иродасига қаршилик қила олмас эди. Гавҳаршод бегим эса ўғли Муҳаммад Жўки Мирзога нисбатан суюкли набираси Алоуддавла Мирзони (Бойсунгур Мирзонинг ўғли) тахтга муносиб деб биларди. 1445 йилда Муҳаммад Жўки Мирзо вафот этгач, Шоҳруҳ Мирзо умрининг охиригача валиаҳд тайинлаш масаласида муайян бир қарорга келолмай, 1447 йил 12 марта сафар асносида 70 ёшида вафот этади.

1446 йилда қариб қолган Шоҳруҳ Мирзо ўз набираси — Қазвин, Рай ва Қум вилоятларининг ҳукмдори Султон Муҳаммад Мирзога (Бойсунгур Мирзонинг ўғли) қарши гарбга юриш бошлайди. Бу юришдан мақсад, Султон Муҳаммад Мирзо ўз бобосига қарши бош кўтариб, Ҳамадон билан Исфаҳонни босиб олиб, Шёроznи қамал қилган эди. Кўшинда малика Гавҳаршод бегим ва Абдуллатиф Мирзо Шоҳруҳ Мирзо билан бирга эдилар. Шоҳруҳ Мирзо Гарбий Эронда хеч қандай қаршиликка учрамади. Чунки бобосининг келаётган хабарини эшитган Султон Муҳаммад Мирзо Шероз қамалини ташлаб, тоқقا қочиб кетган эди. Кўзғолон айборлари аёвсиз жазоланадилар. Чунончи, малика Гавҳаршод бегимнинг қатъий талаби билан шундай тақводор, художўй салтанат соҳиби деб танилган Шоҳруҳ Мирзо бир неча саййидларни ҳам қатл қилишга фармон беради. Саййидлар устидан бундай жазо ҳукмини чиқаришга табиийки, на Амир Темур ва на Улугбек Мирзо ботина олмас здилар. Бинобарин, Шоҳруҳ Мирзо авлодининг қирилиб кетиши сабабини, кейинчалик, мазкур саййидлар қаргишига учраганлигининг оқибатидир, деб ёзади Давлатшоҳ Самарқандий.

Тарихий манбаларнинг хабарига кўра, Шоҳруҳ Мирзонинг учта хотини бўлиб, улардан етти ўғил ва

икки қизи бўлган. Аммо Шоҳруҳ Мирзо ҳаётлигидаёқ Улугбек Мирзодан бошқа ўғиллари оламдан ўтган эдилар. Шунингдек, катта қизи Марям Султон бегим ҳам вафот этган эди.

ГАВҲАРШОД БЕГИМ Шоҳруҳ Мирзонинг биринчи хотини бўлиб, чигатой зодагонларидан Фиёсiddин Тархоннинг қизи эди. Ривоят қилиплади, Фиёсiddин Тархоннинг бобокалони — Кушлик бир вакълар Чингизхон хизматида бўлиб, жанг асносида уни ўлимдан саклаб қолган экан. Ана шундан буён бу авлод чигатой улусида маҳсус эътиборга сазовор бўлган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Шоҳруҳ Мирзо Гавҳаршод бегимга 1388 йилда уйланган.

Гавҳаршод бегим ақл-идрокли, зийрак ва тадбиркор ҳамда ҳусн-латофатда беназир аёл эди. Гавҳаршод бегим 1405 йилдан сўнг секин-аста салтанат ишларига аралаша бошлайди. Зотан, Шоҳруҳ Мирзо ҳам Гавҳаршод бегимнинг оқилона ва тадбирли маслаҳатларига эҳтиёж сезиб турарди. Шу боисдан салтанатга доир кўпгина ишлар маликанинг назар эътиборига ҳавола қилинар ва унинг хоҳишича иш юритиларди. Шунингдек, вилоятларга ҳоким тайинлаш, қўшинга саркарда белгилаш, кимга қандай инъом ва кимга қандай жазо бериш масалалари ҳам маликанинг ихтиёрида эди. Масалан, 1440 йил 6 майда XV аср ўрталаридағи Ҳирот тарихчиси Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад Ҳавофий малика Гавҳаршод бегимнинг газабига учраб, икки марта қисқа муддатли қамоқقا ҳукм қилинади. 1444 йилда Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзо оғир касал бўлиб, ўлим тўшагида ётар эди. Сарой ахли ҳукмдорнинг тез фурсатда оламдан кўз юмишига имонлари комил эди. Бинобарин, Балх вилоятининг ҳукмдори Муҳаммад Жўки Мирзога хабар юборадилар. Аммо Муҳаммад Жўки Мирзо тезлик билан Ҳиротга етиб келганда, онаси малика Гавҳаршод бегимнинг буйругига мувофиқ, ҳарбий қўшиллар сардори Жалолиддин Ферузшоҳнинг валиаҳд Алоуддаъла Мирзога байъат қилиб, қасамёд қилгани хабарини эшитади. Бироқ Шоҳруҳ Мирзо тез кунда яна согаяди ва маликанинг бу режаси бир неча йилга орқага сурилади. Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлигининг сўнгги даврларида мамлакатнинг ички ва ташкисиёсати деярли малика Гавҳаршод бегим қўлида эди. Шоҳруҳ Мирзо ўлимидан кейинги шаҳзодалар орасида вужудга келган таҳт учун қонли курашларнинг бошида ҳам Гавҳаршод бегим турарди.

Гавҳаршод бегим уч ўғилнинг онаси эди; Улугбек Мирзо (1394—1449), Гиёсиддин Бойсунгур Мирзо (1398—1433), Мұхаммад Жўки Мирзо (1401—1445).

1457 йилда Султон Абусайд Мирзо Хуросон таҳтига ўтиради. Бу пайтда малика Гавҳаршод бегим 80 ёшдан ошган бўлишига қарамай, чевараси Иброҳим Мирзо (Алоуддавла Мирzonинг ўғли) билан Султон Абусайдга ҳарши маҳфий музокара олиб боради. Бундан воқиф бўлган Султон Абусайд Мирзо малика-ни чопиб ташлашга фармон беради. Шундай қилиб, малика Гавҳаршод бегим 1457 йилда чопиб ўлдирилади ва ўзи қурдирган мадраса ёнидаги хонақоҳга дафн қилинади.

МУЛКАТ ОФО бегим Ҳизр ўғлоннинг қизи бўлиб, аввал Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзога турмушга чиққан эди. Умар Шайх Мирзодан икки ўғли — Искандар Мирзо ва Бойқаро Мирзони түққан эди. 1394 йилда Умар Шайх Мирзо вафот этгач, соҳибқирон Амир Темурнинг хоҳишига кўра, Шоҳруҳ Мирзо никоҳига кирган эди. Мулкат Ого бегим 1398 йилда Шоҳруҳ Мирзога бир ўғил ҳадя қиласиди. Унинг номини Суюргатмиш Мирзо деб атайдилар. Мулкат Ого бегимнинг асли исми Мулк Ого эди.

*Мулкат Ого бегим ҳам Гавҳаршод бегим каби Ҳиротда шифохона, «дорулҳадис» номли хонақоҳ, иккита ҳаммом ҳамда Ҳиротдан 8 фарсах нарида, Амударёга борадиган йўл устида битта равот Балх шаҳрида ҳам мадраса бино қиласидирган. 1440 йил октябрда Мулкат Ого бегим Кобулда вафот этади. Унинг жасадини Балхга олиб келиб, ўзи қурдирган мадрасага дафн қиласидилар.

УЛУГБЕК МИРЗО Шоҳруҳ Мирzonинг тўнгич ўғли бўлиб, малика Гавҳаршод бегимдан 1394 йил 22 март якшанба куни Султонияда туғилган. Шарафиддин Али Яздийнинг маълумотига қараганда, Улугбек Мирzonинг туғилиш хабари етиб боргандга, соҳибқирон Амир Темурнинг Мардин шаҳарини забт қиласидан пайтига тўғри келган. Амир Темур бу хушхабар эвазига шаҳар халқига омонлик бериб, шаҳар хирожидан воз кечиб, шаҳар ҳокимлигини собиқ ҳоким амир Султон Исонинг укаси амир Султон Солиҳга инъом қилиб қайтади.

Янги туғилган чақалоққа Мұхаммад Тарагай деб ном

қўядилар. Аммо тез кунда Муҳаммад Тарагай номи Улугбекка айланиб кетади ва бу ном абадийлашиб қолади. Амир Темур бошқа набиралари каби Улугбек Мирзони ҳам Сарой Мулк хоним тарбиясига топширади. Улугбек Мирзо Сарой Мулк хоним билан бирга бобосининг бир неча юришларида унга ҳамроҳ бўлиб, маълум манзилгача кузатиб, сўнг яна Самарқандга қайтиб келарди. Тарихий манбаларда ёзишича, Амир Темур 1398 йилда беш ёшли Улугбек Мирзога машхур олим Шайх Ориф Озарийни мураббий қилиб тайинлайди. У Улугбек билан тўрт йил бирга бўлиб, илм жавоҳирларидан сабоқ беради. Улугбек Мирзо ўз устозини ниҳоятда эъзозлар ҳамда унинг шакл-шамойили ва хатти-ҳаракатини доим кўз олдидага тутгани туфайли, 46 йилдан кейин Исфароинда сайёр дарвеш кийимида юрган устозини бемалол таниган.

Улугбек Мирзо ёшлигиданоқ бобоси Амир Темур саройида тарбияланиб, ажнабий мамлакатлардан келтирилган олимлар таъсирида илм-фанга қизиқади. Дарвоҷе, Ҳофизи Абронинг ёзишича, Амир Темурнинг ўзи ҳам тарих фанига жуда қизиқдан ва кўпгина тарихий асарлардан воқиф бўлган. Шунингдек, Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Амир Темурнинг тиббиёт ва фалакиёт илмларидан ҳам бир оз хабари бўлган.

Бундан ташқари, Улугбек Мирzonинг отаси Шоҳруҳ Мирzonинг жаҳоннинг машхур олимлари ва шоирларининг асарлари тўпланган ниҳоятда бой кутубхонаси бўлиб, Улугбек Мирзо ёшлигиданоқ ана шу кутубхонада кўп вақтини мутолаа билан ўтказган. Бинобарин, Афлотун, Арасту, Гиппарх, Птоломей, Фаргоний, Беруний, Абу Али ибн Сино, Форобий ва Хоразмий каби Йирик олимларнинг асарлари билан, шубҳасиз, танишган.

1404 йил куз фаслида етти йиллик юришдан қайтиб келган соҳибқирон Самарқанд четидаги боғлардан бирида катта анжуман ўтказади ва бу анжуманда 10 ёшли Улугбек Мирзога Муҳаммад Султон Мирzonинг қизи — Ого Бегимни унашириш маросимини ўтказади.

1404 йил ноябр ойида Амир Темур Хитойга қарши юришга тараффудланади.

Шу юриш арафасида Улугбек Мирзога — Тошкент, Сайрам, Авлиё ота, Ашпардан то Хитой чегарасигача, Иброҳим Мирзога эса — Фарғона, Қошгар ва Ҳўтанни инъом қиласи. Бироқ Амир Темур бу ёш шаҳзодаларга мўгул беклари осонликча бўйсунмаслигини биларди. Бинобарин, шаҳзодаларни ўзи билан бирга олиб Хитой

юришига кетаётіб, йўл-йўлакай шаҳзодаларнинг улушларини олиб беришни ҳам режалаштирган эди

Бироқ 1405 йил 18 февралда ўтрок шахарида соҳибқирон вафот этади. Улугбек Мирзо Сарой Мулк хоним билан бирга Самарқандга қайтиб келади. Самарқандда Халил Султон Мирзо таҳтга ўтиргач, Улугбек Мирзо Шоҳ Малик васийлигига қолади. Энди барча ҳаракат Шоҳруҳ Мирзо бошчилигига Халил Султонга қарши қаратилган эди. Нихоят, Шоҳруҳ Мирзонинг ишлатган ҳийла-найранглари оқибати ўлароқ, Халил Султон Мирzonинг аркони давлатида исёнчи беклар вужудга келіб. 1409 йилда унга қарши исён күтарадилар. Халил Султон Мирзо асирга олиниб, Худойдод томонидан Фарғонага олиб кетилади. Ўша иили Халил Султон Мирзо билан Шоҳруҳ ўртасида битим имзоланади. Битимга мувофиқ Халил Султон Мовароуннахр ҳукмронлигидан воз кечади.

1409 йил Шоҳруҳ Мирзо Самарқандни қўлга киригчач, Мовароуннахр ҳукмронлигини Улугбек Мирзога инъом қилиб, ўзи Ҳиротга қайтиб кетади.

Улугбек Мирзо Мовароуннахр ҳукмдори этиб тайинлангач, у кўп вақтини Самарқандда ўтказар, ҳатто отаси Шоҳруҳ Мирzonинг юришларида ҳам қатнашмас, аммо қўшин юбориш билан чекланарди.

Улугбек Мирзо ўзининг қирқ йиллик ҳукмронлик даврида деярли йирик жанг-жадалларда бўлмади. Мамлакатнинг ташқи ва ички душманларига қарши олиб борилган жангларда эса камдан-кам галабага эришар ва кўп ҳолларда муросасозлик сиёсатига амал қиласади.

1413 йил кузида Улугбек Мирзо Фарғона ҳукмдори Аҳмад Мирзони (Умар Шайх Мирzonинг ўғли) ҳарбий кенгаш баҳонасида Самарқандга таклиф қиласади. Аммо Аҳмад Мирзо Улугбек Мирzonинг феълидан ҳадиксисраб, маэкур кенгашга келмайди. Шундан сўнг Улугбек Мирзо ўз қўшини билан Фарғонага босиб боради. Аҳмад Мирзо шаҳарни ташлаб, Қашқарга қочади. Улугбек Мирзо Аҳси билан Андижонни забт этиб, ўз амирларидан ҳоким тайинлаб, Самарқандга қайтади.

Мирзо Улугбек 1425 йил 16 февралда Мўгулистанга қарши юриш бошлайди. Шоҳруҳ Мирзо бу юришни тўхтатиш мақсадида икки марта Улугбек Мирзога элчилар юборади. Аммо Улугбек Мирзо алчиларга жавобда, юриш ҳақидаги фармон аллақачон овоза бўлгани, агар эндиликда юришини тўхтатилса, дуциман

бизни кучсиз экан, деб гумон қилиши мүмкін эканлигіни баҳона қилиб, юришни давом эттиради. Улугбек Мирзо Иссиқкүл истеҳкомини әгаллаб, Жаҳоншоҳ қўшинини таъқиб қиласди. Саркарда амир Арслонхўжанинг жонбозлиги туфайли Улугбек Мирзонинг қўшини жангда ғолиб чиқади. Улугбек Мирзо жангдан қайтаётib, 2000 чапдаст ботир аскарларини Қарши истеҳкомидаги яшм (нефрит) тошини Самарқандга олиб келиш учун жўнатади. Бу тош бир вактлар Хитойдан Қаршига келтирилган бўлиб, Амир Темур уни Самарқандга келтириш учун Жаҳоншоҳ бошчилигига бир неча минг кишини Қаршига юборган бўлса-да, бироқ тошни олиб келишининг иложини топа олмаган ва тош ўша ерда қолиб кетганди. Ҳофизи Абронинг ёзишича, Улугбек Мирзо томонидан юборилган кишилар икки бўлак катта яшм тошини аравага солиб гоҳ от қўшиб, гоҳ ҳўқиз қўшиб Самарқандга келтирганлар. Аммо тарихчи Мирхонднинг ёзишича, мазкур яшм тоши уч бўлакдан иборат бўлиб, бир бўлаги соҳибқирон Амир Темур давридаёқ Самарқандга келтирилган. Мазкур яшм тоши Амир Темур мақбарасига (Гўри Мир) жойлаштирилади.

Аммо Улугбек Мирзонинг ғалаба шодиёнаси кўпга чўзилмади. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишига кўра, 1420 йилда Бароқ Үғлон Улугбек Мирзо ёрдамида ўзбек ҳукмдори Муҳаммадхон устидан ғалаба қилиб, ҳокимиятни кўлга киритган эди. 1426 йилда эса Бароқ Үғлон Сигноқни әгаллайди. Сигноқ Жўжихон авлодига қарашли ер бўлиб, 1377 йилда Амир Темурнинг ёрдами билан Бароқ Үғлоннинг бобоси Үрусхоннинг ҳарбий лагери жойлашган эди. Үрусхон даврида Сигноқда бир неча мадраса, хонақоҳ, масжид ва бошқа маданий-маиший қурилишлар барпо қилинган эди. Кейинчалик Сигноқ Амир Темур салтанатига қўшилиб кетганди. 1426 йилда Үрусхоннинг набираси Бароқ Үғлон Улугбекдан ижозатсиз Сигноқни әгаллаб, бу тўғрида Улугбек Мирзога «шариатга мувофиқ, ўз бобом меросига әзалик қилдим»,— деб элчи юборади. Улугбек Мирзо тарафидан Сигноққа ҳоким қилиб тайинланган амир Арслонхўжа Улугбек ҳузурига келиб Бароқ Үғлоннинг кирдикоридан шикоят қиласди. Улугбек Мирзо даргазаб бўлиб, Бароқ Үғлонга қарши юриш бошлайди. Бу хабарни эшитган Шоҳруҳ Мирзо ўғли Улугбек Мирзони бу юришдан қайтаради. Аммо Улугбек кўнмай, юришни бошлаб юборгач, кичик ўғли Муҳаммад Жўки Мирзо бошчилигидаги бир бўлак қўшинни ёрдамга юборади.

Мұхаммад Жұки Мирзо ўз күшини билан Ҳиротдан 1427 йил 15 февралда чиқиб, Сигноқ йўлида акаси Улугбек Мирзога қўшилади. Ҳар икки шаҳзода ўз ҳарбий салоҳиятларига ортиқча баҳо бериб Бароқ Үғлонни назар-писанд қилмай жангга кирадилар. Бароқ Үғлон эса душман лашкарининг сон жиҳатдан кўплигини кўргач, мақр-хийла йўлига ўтади: Сигноқ яқинидаги паст-баландликда Бароқ Үғлон қўшини тўсатдан ҳужумга ўтиб, Улугбек Мирзо қўшинини пароканда қилиб юборади. Натижада, ҳар икки шаҳзода жанг майдонидан зўрга чиқиб олиб, орқага чекинадилар. Улугбек Мирзо ва Мұхаммад Жұки Мирзо Самарқандга қайтиб келадилар. Гарчи Самарқанд бекларидан айримлари мағлуб бўлган шаҳзодаларга шаҳар дарбозасини очмасликни тарғиб қилсалар-да, шаҳар аъёнлари дарвозани очадилар. Айни пайтда Бароқ Үғлон қўшини Мовароуннахрнинг шаҳар ва қишлоқларини аёвсиз равишда талон-тарож қилиб, Самарқандга яқинлашмоқда эдилар. Бемор Мұхаммад Жұки Мирзо Самарқандда қолади. Унга тегишли Қандаҳор ва Ҳирот кўшинларини Улугбек Мирзо ўз қўшинига қўшиб, Сирдарёни кечиб Шоҳруҳия орқали Тошкентга етиб келганда, Бароқ Үғлон қўшинининг орқага қайtgани ҳақида хабар эшигади.

• 1427 йил 28 майда Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротдан чиқиб, Самарқанд томон юради. Бу хабарни эшигтан Улугбек Мирзо аскарларини Тошкентга кўйиб, ўзи Термизга келиб, отаси Шоҳруҳ Мирзога пешвозди чиқади. Шоҳруҳ Мирзо Самарқандга келиб, мағлубият сабабларини ўрганиб билгач, Мовароуннахрлик бир неча амирларни дарра жазосига маҳкум этиб, Улугбек Мирзони эса қаттиқ қийин-қистов билан тергов қиласиди ва бир неча кун эътибордан четда сақлайди. Ниҳоят, бир неча дўқпўисалардан сўнг Мовароуннахр таҳтини яна Улугбек Мирзога топшириб, ўзи Ҳиротга қайтади.

Абулхайрхон ҳукмронлик қилған йилларда (1428—1468) кўчманчи ўзбеклар икки марта — 1431 ва 1435 йилларда Хоразм ҳудудига бостириб кириб, бир неча шаҳар ва қишлоқларни талон-тарож қиласидилар.

Шоҳруҳ Мирзо 1447 йил 14 март куни вафот этгач, темурий шаҳзодалар ўртасида таҳт-тоҷ учун яна қонли курашлар кучайиб кетади. Улугбек Мирзо Ҳурсон таҳти учун жияни Алоуддавла Мирзо билан Абулқосим Бобур Мирзоларнинг бирлашган қўшинига қарши курашади. Айни шу пайтда Улугбекнинг Ҳурсондали-

гидан фойдалантган кўчманчи ўзбеклар хони Абулҳайр-хон Мовароуннахрга бостириб киради ва Самарқандни камал қиласди. Самарқанд ва Бухоро атрофидаги қишлоқларни талайди. Бу хабарни эшитган Улугбек Мирзо Самарқандга қайтаётганда, Амударё бўйида ўзбек қўшинидан қаттиқ шикаст ейди.

Умуман, Улугбек Мирзо аслида олим ва бунёдкор киши бўлиб, омади чопмаган саркарда ва ноуддабурон ҳукмдор эди. Унинг даврида Самарқанд Шарқнинг энг гуллаган маданият ўчигига айланган эди.

Улугбек Мирзонинг биринчи устози «Замона Афлотуни» Салоҳиддин Мусо ибн Маҳмуд Қозизода Румий эди. Улугбек Мирзо Қозизода Румийдан фалакиётга доир сир-синоатларни ўрганиб, кейинчалик мазкур алломанинг маслаҳати билан кошонлик Ғиёсиддин Жамшид ибн Масъудни Самарқандга таклиф қиласди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Улугбек Мирзо яна бир кошонлик фалакиёт илмининг алломаси — Муъиниддинни ҳам Самарқандга таклиф қилган эди.

Улугбек Мирzonинг саъй-ҳаракати билан 1424—1428 йиллар мобайнида Самарқанднинг шимолий тарафида Обираҳмат аригининг бўйида, Кўҳак тепалиги бағрига жаҳонга машҳур расадхона қурилади. Бунгача фалакиёт илмининг кузатув ишлари 1417—1420 йилларда қурилган Улугбек мадрасасининг ҳужраларидан бирида олиб бориларди.

1417—1430 йиллар орасида Улугбек Мирзо Самарқанднинг маркази бўлмиш Регистон майдонида улкан мадраса, хонақоҳ, муқаттаъ масжиди ва ҳаммом қурдирди. Бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо шундай ёзади: «Улугбек Мирzonинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичидаги мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуг гумбаздир, оламда онча улуг гумбаз йўқ деб нишон берурлар... Яна бу мадрасасининг жанубида бир масжид солибтур, масжиди муқаттаъ дерлар. Бу жиҳатдин муқаттаъ дерларким, қитъя-қитъя йигочларни тарош қилиб, ислимий ва хитойи нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунилуктурс. Бу масжиднинг қибласи бирла мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Голибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тарики била амал қилибтурлар». Шунингдек, 1417 йилда Бухорода ва 1433 йилда Фиждувонда ҳам мадраса қурдирган. Мазкур мадрасаларда диний илмларга нисбатан математика, геометрия (ҳан-

даса), фалакиёт, табииёт, жуғрофия ва тарих каби дунёвий илмлар күпроқ ўқитилган.

Улугбек Мирзо бундан ташқари күпгина жамоат бинолари — карvonсаройлар, тимлар, чорсулар ва ҳаммомлар ҳам қурдирган. Карvonсаройлардан энг каттаси Регистонда, ҳозирги Тиллокори мадрасаси ўрнида жойлашган бўлиб, карvonсаройи Мирзойи номи билан машҳур бўлган. Бундай карvonсаройлар, ҳаммомлар факат пойтахт Самарқанддагина эмас, балки бошқа йирик шаҳарларда ва савдо йўлларида ҳам қурилган. Масалан, Самарқанддаги Улугбек мадрасаси ва хонақоҳи яқинида қурилган Улугбек Мирзо ҳаммоми ғоят нафис санъат билан ишланган ҳашаматли бино эди. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай сатрлар ёзилган: «(Мирзо Улугбек) яна ущбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур. Мирзо ҳаммомига машҳурдир, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хурсон ва Самарқандга онча ҳаммом маълум эмаским, бўлгай...»

Улугбек Мирзо Гўри Амир мақбарасига ҳам айrim қурилишлар билан ўзгача файз-тароват багишилади. Чунончи, мақбаранинг Шарқ тарафидан эшик очдириб, мақбара марказига етгунча гўмбазли накшинкор йўлак (галлерея) қурдирди. Саганаларни ўраб турган мармар панжаралар ҳам Улугбек Мирзо замонасида мансубдир.

Самарқанддаги Афросиёбнинг жанубидаги улкан қабристон марказида жойлашган Шоҳи Зинда обидаси меъморчилик санъатининг камёб дурдоналаридан ҳисобланади. Мазкур ёдгорлик асосан XI асрдан бошлаб қурилиб келинаётган бўлса-да, Амир Темур ва Улугбек Мирзо замонасида ниҳоясига етказилган. Улугбек Мирзонинг саъй-ҳаракати билан бу ерда ҳам меъморчилик ишлари олиб борилди. 1434—1435 йиллар мобайнинда ранг-баранг кошинлар билан ишланган Шоҳи Зиндининг асосий дарбозасининг қурилиши Улугбек Мирзо замонасининг меъморчилик санъатидан ёрқин нишонадур. Улугбек Мирзо ўз устози Қозизода Румий қабри устига қўш гўмбазли мақбара бунёд эттирган. Мазкур мақбара Шоҳи Зиндаидаги энг гўзал мақбаралардан биридир.

Улугбек Мирзо расадхона ёнида, яъни Кўҳак тепалигининг гарбий қисмида оромбахш бир боғ ҳам қурдирган. Мазкур боғ ўз даврида Боги Майдон номи билан шужрат толган. Боги Майдон ҳақида «Бобурнома»да шундай дейилган: «(Улугбек Мирзо) яна пуштайи Кўҳакнинг домонасида гарб сари бое солибтур. Боги

Майдонга мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ошёна, стунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар кўториб турларким, юқорига чиқар йўллар бу тўрт бурждандур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур, Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юқориги ошёнанинг тўрт тарафи айвондур, стунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу имораттин пуштайи Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуг айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичидаги бир улуг тош тахт қўюбтур, тули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлгай, арзи етти-саккиз қари, умқи бир қари. Мундоғ улуг тошни хили йироқ йўлдин келтурубтурлар. Ўртасида дарз бўлубтур. Дерларким, ушбу ерда келтирилгандин сўнг бу дарз бўлғондур. Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний. Чиннихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур».

Улугбек Мирзо ҳукмдорлар орасида буюк олим, олимлар орасида улуг аллома эди. У математика, фалакиёт, ҳандаса ва тарих фанларида ўзининг буюк кашфиётлари билан ўчмас из қолдирди. У 1437 йилда жаҳонга машҳур асари «Зичи жадиди Курагоний» номли асарини ёзиг тутгатади. Бу асар Самарқанд расадхонасининг кўп йиллик самарали маҳсулларидан бири бўлиб, фалакиёт фанининг назарий ва амалий масалаларини ўзида мужассамлаштирган шоҳона асардир. Улугбек Мирзо аниқ фанлардан ташқари тарих ва мусиқа илмида ҳам қалам тебратган. «Мухит уттаворих»да ёзилишича, Улугбек Мирзо зўр шинаванда мусиқашунос ҳам бўлган. У катта ва кичик нақораларда ижро этиладиган булужий, шодиёна, ахлоқий, улусий ва усули равон каби мусиқа асарларини яратган. Шунингдек, «Тарихи Рашидий»нинг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Улугбек Мирзонинг етук олим бўлганлигини таърифлаб, «Мирзо Улугбек тарихнавис донишманд эди ва «Тарихи арбаъ улус» (Тўрт улус) тарихини ёзиг қолдирган эди»,— дейди. Бу ҳақда тарихчи Фиёсиддин Хондамир (1475—1534) ҳам маълумот берган.

Улугбек Мирзо иирик олим бўлиш билан бирга, ўз даврида фан тараққиётига раҳнамолик қилиб, илму фан аҳлига ҳомийлик қилган. Унинг даврида Самарқанд шаҳри илму фан ва маданият марказига

айланиб, кўплаб етук олимлар, ўнлаб ҳассос шоирлар ва сухандон адилар саройда ўзларига муносиб мавқега эга эдилар. Чунончи, йирик математик ва астроном (ҳайатчи) Қозизода Румий, Фиёсiddин Жамшид, мавлоно Муъиниддин Кошоний ва Али Қуашчи, етук мударрислар Сайд Имодиддин ва Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, машҳур шарҳчи ва тиб олими Бурхониддин Нафис ибн Аваз Кирмоний, забардаст шоирлар Саккокий, Мавлоно Ҳиёлий, Исматулло Бухорий, Қамол Бадаҳший, йирик адабиётшунос, ҳамда тилишунос Ҳожа Фазлуллоҳ Абуллайсий шулар жумласидандир.

Улугбек Мирзо турк тилида ёзилган қадимий ёдгорликларни ўрганиш ва уларнинг халқ ўртасида тарқалишида ҳам катта хизмат қилди. Жумладан, 1444 йилд Аҳмад Юғнакий (XI — XII аср)нинг машҳур «Ҳибат ул — ҳақойик» (Ҳақиқатлар тухфаси) номли асари янгидан кўчирилган. Шунингдек, ўша вақтда Улугбек Мирзо саройида таржимонлик ишлари ҳам яхши ривожланиб, бир неча қимматли асарлар араб ва форс тилларидан туркий тилига таржима қилинган.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан (1447 йил 14 март) сўнг бир бутун темурийлар салтанати майда-майда бўлакларга бўлиниб кетди. Ғарбий Эрон ва Форсда Муҳаммад Султон Мирзо, Журжон ва Астрободда Абулқосим Бобур Мирзо, Хурсонда Алоуддавла Мирзо ўзларини ҳукмдор деб эълон қиласидар. Амударёнинг ҳар икки қирғогидаги ерлар: Балх, Хутталон, Қундуз, Бағлон, Арҳанг, Соли Сарой, Андҳўй, Шибиргон. Маймана ва Форёб Абдуллатиф Мирзо тасарруфида эди. Ироқ ва Озарбайжон эса Қорақўюнлилар сулоласидан Жаҳоншоҳ қўл остида эди.

Бу вақтда Шоҳруҳ Мирзонинг Улугбек Мирзодан бошқа барча ўғиллари ҳаётдан кўз юмган эдилар. Улугбек Мирзо ота таҳтига даъвогар бўлиб, ўз ўғ Абдуллатиф Мирзони Хурсон таҳтига қойим қилм мақсадида, 1448 йил баҳорида 90 минглик қўшин бил жияни Алоуддавла Мирзога қарши ҳужумга ўтад. Гарчи, Улугбек Мирзо Хурсонни жанг билан қўни киритган бўлса-да, бироқ бу галаба унга шуҳрат келтирмади. Аксинча, Улугбек Мирзо билан Абдуллатиф Мирзо ўртасида ўнгланмас низони вужудга келтирди.

Айни вақтда кўчманчи ўзбеклар хони Абулҳайрхон Улугбек Мирzonинг Хурсонда эканидан фойдалниб, Мовароуннаҳрга босиб кириб, кўпгина шаҳар ва

кишлoқларни талаб. Самарқандгача етиб келади. Бу хабарни эшитган Улугбек Мирзо Абдуллатиф Мирзони Ҳиротда қолдириб, ўзи Самарқанд томон кетади. Улугбек Мирзо шу кетишда отаси Шоҳруҳ Мирзонинг хоки ва синглиси Поянда Султон бегимни бирга олиб кетади. Улугбек Мирзонинг Ҳиротдан кетган хабарини эшитган Абулқосим Бобур Мирзо Сарахсдан Ҳиротга Абдуллатиф Мирзога қарши катта қўшин жўнатади. Жангла бардош бера олмаган Абдуллатиф Мирзо Ҳиротни ташлаб Балхга қочади.

1449 йил баҳорида Улугбек Мирзо Хурносонни қайтадан забт этиш учун жанг тараддудини кўраётган бир пайтда Абдуллатиф Мирзо ўз амакиваччаси Абулқосим Бобур Мирзо билан иттифоқ тузиб, отаси Улугбек Мирзога қарши жанг ҳаракатларини бошлаб юборади. 1449 йил кузида Самарқанд яқинидаги Дамашқ қишлоғи ёнида бўлган жангда Улугбек Мирзо маглубиятга учраб, Самарқандга қайтиб келади. Бироқ шаҳар ҳокими Мироншоҳ қавчин уни шаҳарга киритмайди. Ноилож қолган ҳукмдор Шоҳруҳияга кела-ди. Аммо Шоҳруҳия ҳокими Иброҳим ибн Пўлад ҳукмдорни шаҳарга киритиш ўрнига уни ушлаб Абдуллатиф Мирзога топшириш тараддудига тушади. Давлатшоҳ Самарқандий ҳамда «Тарихи Абулҳайрхоний»нинг муаллифи Маъсуд ибн Усмон Кўҳистоний, ана шундай мушкил ахволда қолган Улугбек Мирзо Абулҳайрхон ҳузурига бориб, ундан ёрдам сўрамоқчи бўлгани, лекин тезда бу фикридан қайтиб, «эгилган бошни қилич кесмас» қабилида ҳокимиятни Абдуллатиф Мирзога топшириб, умрининг қолган қисмини илму фанга сарфлаш мақсадида Самарқандга бориб, ўзини ўғлига топширганлиги ҳақида ёзib қолдирган-тар. Абдуллатиф Мирзо отаси Улугбек Мирзони Каъбатулло зиёратига жўнатиш ҳақида фармон беради.

Улугбек Мирзонинг ўлими тағсилоти ҳақида тарихчи Мирхонд шундай ҳикоя қиласди: «Каъбатуллони бир неча марта зиёрат қилган Ҳожи Муҳаммад Ҳусравнинг раҳнамолигида Улугбек Мирзо кечкурун Самарқанддан отлик йўлга чиқкан. Унинг вақти чоғ, турли мавзуларда сўзлашиб борарди. Кўп ўтмай орқадан бир чопар етиб келиб (сулдуз уругидан), собиқ ҳукмдорни Каъбатуллога кўзатиш маросимини шоҳона тарзда ўтказиш лозимлиги ва бунга тайёргарлик туталлангунга қадар қўшни қишлоқда дам олишлари ҳақидаги фармонни беради. Мазкур фармондан довди-

раб қолган Улугбек Мирзо қўшни қишлоқдаги уйлардан бирига кириб, тунашга мажбур бўлади. Ҳаво анча совук эди. Улугбек Мирзо олов ёқиб, гўшт пиширишга амр қилади. Олов ёқилади, гулхан ёнида чордана қуриб, исиниб ўтирган Улугбек Мирзонинг тиззасига учқун тушиб, чакмонини кўйдирали. Шунда Улугбек Мирзо оловга қараб, турк тилида «сен ҳам билдинг» — дейди-ю, унинг кайфияти бузилади. Ҳожи эса Улугбекка тасалли бериш учун беҳуда уринарди. Шу аснода эшик очилиб, хонага Аббос исмли шахс ўз навкари билан кириб келади. Улугбек Мирзо Аббосни кўрган ҳамоно ўрнидан туриб унга ташланади ва кўксига мушт туширади. Навкар Улугбекни ушлаб, унинг елкасидан «олтой пўстин»ини ечиб олади. Аббос аргамчи келтириш учун ташқарига чиқади. Улугбек Мирзо ўлим олдидан сўнгги таҳоратни қилиб олсин учун Ҳожи дарҳол эшикни ичидан занжирлаб олади. Сўнгра Аббос кириб, собиқ ҳукмдорнинг қўлларини боғлаб, ташқарига олиб чиқиб, ариқ бўйига чўккалатиб, фонус ёруғида қиличнинг бир зарби билан калласини танидан жудо қилади. Тарихчи Мирхонднинг ёзишича, бу фожиали ҳалокат 853 йил 8 рамазонда (1449 йил 25 октябр) содир бўлган. Аммо Улугбек Мирзонинг қабр тошига ёзилган лавҳада «853 йил 10 рамазон» битилган.

Мана шундай қилиб, улуғ олим, маърифатпарвар подшоҳ Улугбек Мирзо 56 ёшида шаҳид бўлади. Уни шаҳид қилинган вақти ҳақида тарих ёзилиб, арабий абжад ҳисоби билан тарих моддаси «Аббос күшт» (Аббос ўлдирди) жумласидан иборат бўлиб, 853 йил 8 рамазон (1449 йил 25 октябр)ни англатади.

Абдураззок Самарқандий Улугбек Мирzonинг Ҳирот Шайхулисломи билан учрашувини тасвиirlаркан, қуйидагича ҳикоя қилади: «Ҳурсонни Улугбек Мирзо томонидан забт қилиниши, табиийки, эътиборли маҳаллий руҳонийларга манзур эмас эди. Бинобарин, Шайхулислом Баховуддин Алоуддавла Мирзо билан Улугбек Мирзо ўртасида воситачи бўлиш ҳақида Алоуддавла Мирзодан топшириқ олган эди. Бироқ, Шайхулислом Баҳовуддин Тарноб (1448) урушигача Улугбек Мирзо ҳузурига келишга улгура олмади. Гарчи, Тарноб жангидан сўнг Шайхулислом билан Улугбек Мирzonинг учрашувлари Чилдухтаронда воқеъ бўлган бўлса-да, аммо Шайхулисломнинг кўнгли Улугбек Мирзодан озурда бўлиб, қаттиқ ранжиган эди. Сабаби, жангда Улугбек Мирzonинг қўшини Шайху-

лисломни ҳам назар писанд қилмай талаган эдилар. Гарчи воқеадан воқиғ бўлган Улугбек Мирзо Шайхулисломнинг барча мол-мулкини қайтариб беришга фармон берган бўлса-да, бироқ Шайхулисломнинг кўнгли ёришмади. Кейинчалик, гўё Шайхулислом ўз яқинларига Улугбек Мирзо ўз ўғлининг хоҳиш ва иродасига кўра, шариат қозисининг ҳукми билан ўлдирилади», — деб башорат қилган экан.

Хондамирнинг маълумотига кўра, Улугбек Мирзонинг беш хотини бўлиб, улардан фақат учтасининг номи қўрсатилган, холос. Улугбек Мирзонинг биринчи хотини Ўги Беги — Жаҳонгир Мирzonинг ўғли Муҳаммад Султон Мирzonинг қизи бўлиб, 1395 йилда Самарқандда туғилган. Улугбек Мирзо 1404 йилда 10 ёшида Ўги Бегига уйланган эди. Ўги Беги 1412 йилда қиз тугади. Унинг номини Ҳабиба Султон кўядилар. 1419 йил 3 февралда (822 йил 7 муҳаррам) Самарқандда касалланиб 25 ёшида вафот этади. Ўги Бегини Муҳаммад Султон Мирзо қурдирган мадрасага — отаси ёнига дағн қиласидилар.

Улугбек Мирzonинг иккинчи хотини Оқ Султон Хон Ого бўлиб, Амир Темур даврида номигагина хон қилиб кўтарилиган мўғул Султон Маҳмудхоннинг қизи эди. Улугбек Мирзо Оқ Султон Хон Огони севар ва ўни ўз сафарларида доим бирга олиб юради. Тарихчи Мирхондинг ҳикоя қилишича, кунлардан бир кун Улугбек Мирзо рамл (фол очиш) илмининг моҳир билимдони Муҳаммад Ардистоний била сұхбат асносида ундан яқин келажакда содир бўладиган воқеалар ҳақида фол очишни сўраган. Сұхбатда Али Қушчи ҳам бўлгани туфайли, Муҳаммад Ардистоний бўлажак воқеалар тугуни ҳарам билан боғлиқ эканлиги сабабли бегона кишилар олдида айттолмаслигини билдирган. Улугбек Мирзо эса «Али Қушчи менинг дўстим, ундан ҳеч нарсани сир тутмайман. Бинобарин, бемалол гапираверинг» — деган. Шундан сўнг, Муҳаммад Ардистоний «ҳукмдор яқин кунлар ичida хотинларидан бирини ўлдиради, иккинчи хотин, яъни «хон қизи»ни эса талоқ қиласиди» — дейди. Улугбек Мирзо рамлчининг сўзига ишонмайди. Чунки «хон қизи» Оқ Султон Хон Огони ниҳоятда севарди. Бироқ кўп ўтмай рамлчининг биринчи башорати амалга ошади. Шунда «хон қизи» кундош ўлимидан шодлигини яшира олмай, ошкора тантана билан ҳатто Улугбек Мирзони кинояли сўзлар билан маломат қиласиди. Улугбек Мирзо бу хотинни

Қанчалик яхши кўрмасин, таънасига чидолмай талоқ қилиб ажрашади.

Улугбек Мирзонинг учинчи хотини Ҳусн Нигор Ҳон Ото бўлиб, Ҳалил Султоннинг қизидир. Академик В. В. Бартольднинг эслатмасига кўра, Ҳусн Нигор Ҳон Ото мўгул хонларидан Шоҳ Жаҳоннинг қизи бўлган.

Булардан ташқари Улугбек Мирзо ўз қўл остидаги хос канизларидан олтитасини ўз никоҳига киритган эди. Чунончи, Руқия Султон Хотун исмли канизакдан икки қиз — Оқ Бош ва Султон Бахт туғилган эдилар. Иккинчи канизак Мехр Султон, учинчиси Давлат Бахт Саодат бўлиб, Улугбек Мирzonинг бу канизакдан Қуттуғ Туркон Ото исмли қизи бор эди. Тўртинчиси Хонд — Саъиднинг қизи — Давлат Султон, бешинчиси Бахти исмли ва олтинчиси Шайх Муҳаммад барлоснинг қизи Давлат Бахт эди.

Улугбек Мирzonинг биринчи хотини Ўги Беги 1412 йилда қиз туғади. Шоҳруҳ саройидаги тартибга мувофиқ ҳомиладор Ўги Бегини ой-куни яқинлашгач, Самарқанддан Ҳиротга олиб келадилар. 1412 йил 18 августда Ўги Беги ҳомиладан бўшайди. Туғилган қизга — Ҳабиба Султон деб исм қўядилар. Шунингдек, Ўги Беги ҳон авлодига мансуб бўлгани туфайли қизи — Ҳабиба Султонга «Хонзода бегим» унвонини берадилар. Ўғи Беги маълум муддатдан кейин Ҳиротдан Самарқандга қайтиб кетган бўлса-да, аммо унинг қизи — Ҳабиба Султон бегим Ҳиротда Гавҳаршод бегим мураббиялигига тарбияланади.

Тарихчи Ҳондамирнинг ёзишича, Ҳабиба Султон бегим икки ёшида вафот қилган. Агар Ҳондамирнинг сўзига амал қилинса, у ҳолда Ўги бегидан туғилган иккинчи қизга ҳам айнан Ҳабиба Султон номини бериб, Ҳонзода бегим деб атаганлар. Бундай хulosага келишимизга сабаб, Фасих ал-Хавофийнинг ёзишича, 1438 йилда Улугбек Мирзо қизи Ҳабиба Султонни Ҳиротдан Самарқандга юборишларини талаб қилган. Шунга кўра, Ҳабиба Султон ўша йили Самарқандга келган ва 1439 йил апрел ойида яна Ҳиротга қайтиб кетган.

Улугбек Мирzonинг Султон Бахт исмли қизи бўлган. Аммо унинг ҳақида тўлиқ маълумот учрамайди. Бундан ташқари Улугбек Мирzonинг Робия Султон бегим номли қизи ҳам бўлган. 1451 йилда Султон Абусайид Мирзо ўзбек хони — Абулҳайрхон ёрдамида Самарқанд-

ни забт қилган вақтда, Робия Султон бегимни Абулҳайрхон ўз никоҳига киритиб, Туркистонга олиб кетади. Робия Султон бегим Абулҳайрхондан иккى ўғил туғади, каттасига Кучкунчи, кичигига эса Суюнч деб ном берадилар. Хондамирнинг ёзишича, Улугбек Мирзо-нинг етти қизи бўлган. Булардан бири Туға Туркон ёшлигига вафот этган. Иккинчиси Ога Тўгон Шоҳдир. Аммо негадир Робия Султон бегим ҳақида ҳеч нима демайди.

Улугбек Мирзонинг тўнгич ўғли Ибодулло Мирзо бўлиб, 1412 йилда туғилиб, 1417 йилда вафот этган. Иккинчи ўғли Абдулло Мирзо эса 1420 йилда туғилиб, 1433 йилда 14 ёшида вафот этган. Учинчи ўғли Абдураҳмон Мирзо эса 1421 йилда туғилган. Тарихчи Мирхондинг ёзишича, 1425 йилда мазкур Абдураҳмон Мирзо ўз отаси Улугбек билан Мўгулистон юришидан қайтиб келаётган чогида учрашган. Аммо бу шаҳзода ҳам ёшлигига — 1432 йилда 12 ёшида Самарқандда вафот этган. Тўртиничи ўғли Абдуллатиф Мирзо 1428 йилда бешинчи ўғли Абдулазиз Мирзо эса 1430 йилда туғилган.

АБДУЛЛАТИФ МИРЗО Улугбек Мирzonинг тўртиничи ўғли бўлиб, Ҳиротда бувиси Гавҳаршод бегим тарбиясида ўсган. 1437 йилда Ҳиротда Абдуллатиф Мирzonинг хатна тўйи ўtkазилади. Абдўллатиф Мирзо саройдаги бошқа шаҳзодалар билан бирга тарбияланади. Ҳатто чет элдан келган элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳам иштирок қиласди.

1441 йилда Абдуллатиф Мирзо билан момоси Гавҳаршод бегим ораларида гап қочиб, аразлаб Самарқандга отаси Улугбек Мирзо ҳузурига кетиб қолади. Аразнинг бош омили ўзининг жizzакилиги эди. Саройда тарбияланётган шаҳзодалар орасида ўзидан ёши катта амакиваччи Алоуддавла Мирзо (Бойсунгур Мирzonинг ўғли) ҳам бор эди. Алоуддавла Мирзога ҳам Гавҳаршод бегим мураббийлик қиласди ва кези келганда бошқа шаҳзодалардан катта бўлгани учун уни қилган иши ёки сўзлаган сўзини маъқуллаб, бошқа шаҳзодаларни ундан ибрат олишга даъват қиласди. Ӯжар ва худбин Абдуллатиф Мирзога бундай панд-насиҳатлар ёқмасди. Бувиси Гавҳаршод бегимнинг Алоуддавла ҳақидаги нағбатдаги мақтовларини эшитаркан, қалбида Алоуддавла Мирзога нисбатан пайдо бўлган ҳасад ўтига чидайолмайди ва ниҳоят аразлаб Самарқандга кетиб қолади. Лекин 1442 йилда Гавҳаршод

бегим Абдуллатиф Мирзони Ҳиротга қайтариб олиб келиш учун ўзи Самарқандга боради ва уни кўндириб, Ҳиротга олиб келади.

Абдуллатиф Мирзо истеъоддли ва шуҳратпаст эди. У отаси Улугбек Мирзо каби илм-фани қадрига етар ва олимлар билан сұхбатлашишни яхши кўрарди. Ўзи ҳам фалакиёт, тарих ва шеърият билан шуғулланарди. Умуман, илм-маърифат ахлига ихлосманд эди. Масалан, Ғарбда — Қазвин, Рай, Қум ва Султония вилоятларининг ҳукмдори Султон Муҳаммад Мирзо (Бойсунгур Мирзонинг ўғли) 1446 йилда бобоси Шоҳруҳ Мирзога қарши бош кўтариб, Исфаҳонни босиб олади ва Шерозни қамал қиласиди. Шоҳруҳ Мирзо набирасининг ақлини киритиб кўйиш мақсадида Шерозга қўшин тортади. Мазкур ҳарбий юришда Абдуллатиф Мирзо ҳам бобоси билан бирга боради. Султон Муҳаммад Мирзо шаҳарни қамалдан бўшатиб қочади. Шоҳруҳ Мирзо шаҳзоданинг барча яқин кишилари ва маслаҳатчilarини ушлатиб, жавобгарликка тортади. Мазкур маҳбуслар орасида Султон Муҳаммад Мирzonинг энг яқин кишиси, ва маслаҳатчиси тарихчи Шарафиддин Али Яздий ҳам бор эди. Шоҳруҳ Мирзо ҳар бир маҳбусни шахсан ўзи тергов қиласар ва гуноҳига қараб жазо белгиларди. Навбат Шарафиддин Али Яздийга келганда, ўнинг шаҳзода учун ёзган газалида «Қариялар ёшларга йўл беришлари ва уларга имкон яратишлари лозим»лиги ҳақида сўз юритиб, гўё Шоҳруҳ Мирзо гарб томонга келмайди,— деб шаҳзодани хотиржам қилгани учун жазоламоқчи бўлади. Тергов жараёнида ҳозир турган Абдуллатиф Мирзо бобоси Шоҳруҳ Мирzonинг фикрини маъқуллаб, атайлаб, Шарафуддин Али Яздийни кинояли иборалар ишлатиб қойииди. Шоҳруҳ Мирзо тарихчини жазолаш ҳуқуқини Абдуллатиф Мирзога ҳавола қиласиди. Абдуллатиф Мирзо тарихчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун худди шундай фармонни кутиб турган эди. У дарҳол Шарафуддин Али Яздийни Ҳиротга жўнатиб юборади. Кейинчалик тарихчи Ҳиротдан ўзи туғилиб ўсган шаҳри Тафтга кетади.

Абдуллатиф Мирзо отаси Улугбек Мирзога нисбатан ўта гайратли ва қатъиятли бўлиб, ҳар қандай қаттиқ қўлликни ишлатиб бўлса-да, ўз мақсадини рўёбга чиқаради. Бинобарин, ўнинг кескин хатти-ҳаракати душманлар кўнглига ваҳима соларди Абдуллатиф Мирзо дунёвий илмлардан қанчалар хабардор бўлмасин, диний ақидалардан, аҳкоми шариатдан ҳам юз

ўгирмас, дин пешволарига, дарвешларга эҳтиром кўрсатар ва уларнинг анжуманларида иштирок этиб, уларнинг сухбатлари, панду пасиҳатларини жон қулоги билан тингларди.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг Хуросон тахтига марҳум Бойсунғур Мирзонинг катта ўғли Алоуддавла Мирзо ўтиради. Бу вақтда Шоҳруҳ Мирзонинг Улугбек Мирзодан бошқа барча ўғиллари ҳаётдан кўз юмган здилар. Улугбек Мирзо ота тахтига даъвогар бўлиб, ўз ўғли Абдуллатиф Мирзони Хуросон тахтига қойим қилмоқ мақсадида 1448 йил баҳорида 90 минглик қўшин билан жияни Алоуддавлага қарши хужумга ўтади. Алоуддавла Мирзо Тарноб деган жойда Улугбек Мирзо қўшинига дуч келиб енгилади ва Машҳадга, сўнгра укаси Абулқосим Бобур олдига — Кўчангча қочиб кетади. Улугбек Мирзро Абдуллатиф Мирзо билан Ҳиротга тантанали равишда кириб келадилар. Ана шу жангдан сўнг Улугбек Мирзо шуҳратпаст ва кекчи Абдуллатифнинг жигига тегадиган иш қиласи. Чунончи, Ҳиротдан 14 фарсан нарида бўлган Тарноб жангиди қўшиннинг чап қаноти Абдуллатиф Мирзога, ўнг қаноти эса номигагина касалманд Абдулазиз Мирзога топширилган эди. Зотан, жангни галаба билан тугалланишида Абдуллатиф Мирзо жасорат кўрсатиб, жонбозлик қилган эса-да, бироқ жангдан сўнг Улугбек Мирзо барча вилоятларга йўллаган ёрлигига галаба шаънини суюкли ўғли Абдулазиз Мирзо номига ёздирган эди. Боз устига пойтахт Ҳирот қўлга олингач, ўғли Абдуллатиф Мирзони Ихтиёриддин қалъасига киритмайди. Ҳолбуки, Шоҳруҳ Мирзо ҳаётлик даврида Ихтиёриддин қалъасини Абдуллатиф Мирзога инъом қилган эди. Бинобарин, 1446 йили Абдуллатиф Мирзо бобоси Шоҳруҳ Мирзо билан Исфаҳон юришига тараддулланаркан, ўзига тегишли бир неча минг мисқол олтин ва кумуш буюмлар ва 200 туман пулни Ихтиёриддин қалъасига беркитиб кетган эди. Улугбек Мирzonинг Абдуллатиф Мирзога нисбатан қўлланган хатти-ҳаракати унинг қалбида ўчмас дод бўлиб қолади.

Бу вақтда кўчманчи ўзбеклар хони — Абулҳайрхон Улугбек Мирzonинг Хуросонга кетганидан фойдаланиб, Мовароуннахрга босқин ясаб, кўпгина қишлоқ ва шаҳарларни талаб, Самарқандгача етиб келади. Бу хабарни эшитган Улугбек Мирзо Ҳиротни Абдуллатиф Мирзога топшириб, ўзи ҳар нечук бўлса-да, Самар-

қандни сақлаб қолиш учун шошилинч равишда йўлга тушади. Улугбек Мирзо ўзи билан бирга Шоҳруҳ Мирзонинг жасади солинган тобутни ҳамда Шоҳруҳ Мирзонинг Гавҳаршод бегим мадрасасига беркитиб қўйган бир бўлак хазинасини олиб Амударё — Калиф кечуви томон йўл олади. Шу пайтда Абулқосим Бобур Сарахсда эди. У амакиси Улугбек ортидан амир Хиндукини катта қўшин билан жўнатади. Амир Хиндука ярим кечада Улугбек Мирзо қароргоҳига ҳужум қиласиди. Бу босқинда Улугбек Мирзо кўп кишиси ва бойлиқдан ажрайди. Эртаси тонгда Улугбек Мирзо Калиф кечувидан ўтаётганда кўчманчи ўзбеклар ҳужумига учрайди. Ниҳоят, қолган қўшини билан қишини Бухорода ўтказади. Тобутни эса Самарқандга жўнатади ва Гўри Амир мақбарасига дағи эттирилади.

Улугбек Мирзо Амударёдан кечиб ўтиб кетгач, Абулқосим Бобур Мирзо Сарахсдан Ҳиротга — Абдуллатиф Мирзога қарши катта қўшин жўнатади. Абдуллатиф Мирзо жангга бардош беролмай Ҳиротни ташлаб чиқади ва Балх томон кетади. Балх ҳокимлиги бир неча майда вилоятлардан иборат бўлиб, Абдуллатиф Мирзонинг улуши ҳисобланарди. Тарихчи Мирхонднинг берган хабарига кўра, 1449 йил баҳорида Абдуллатиф Мирзо қўл остидаги мулкдор шаҳзодалардан бири исён кўтаради. Исён бостирилиб, шаҳзода қатл қилинади. Абдуллатиф Мирзо мақтулнинг чўнтағидан мактуб топиб олади. Мактуб Улугбек Мирзо қўли билан ёзилган бўлиб, гўё шаҳзодани Абдуллатиф Мирзога қарши исён кўтаришга даъват қилинган экан. Табиийки, ана шундан сўнг Абдуллатиф Мирзо ўз отасига бутунлай ишончини йўқотади ва душманлик йўлига киради.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, гўё Улугбек Мирзо билан Абдуллатиф Мирзо ўрталарида азалдан бир-бирларига ишончсизлик мавжуд бўлган. Зеро, ҳар икковлари ҳам фалакиёт илмига моҳир бўлиб, мунахжимлик жадвали юзасидан қуръа ташлаб, ўз шахсий тақдирларида қандай қисматлар вужудга келишини аниқлаганлар. (Ўрта асрларда одам тугилган пайтда сайёralарнинг қандай турганини кўрсатувчи ҳамда тугилган инсоннинг келажак тақдирини айтиб берувчи жадвал асосида қуръа (чек ташлаганлар). Қуръанинг далолатича, ота-боланинг тақдирларида содир бўла-жак фожиали қисматлар ўзгалардан эмас, айнан бир-бирларидан вужудга келишини билганлар ва шунга

ишонганлар, деган мунозарали маълумотлар ҳам учрайди. Амалда эса 1448 йилгача Абдуллатиф Мирзонинг хатти-ҳаракатларида отаси Улугбек Мирзога қарши бадгумонлик аломатлари сезилмайди.

Абдуллатиф Мирзо отаси Улугбек Мирзога қарши жанг тараддудини кўра бошлади. Улугбек Мирзо ҳам тақдирга тан бериб, ўз ўғли Абдуллатиф Мирзога қарши қўшин тортишга мажбур бўлади. Улугбек Мирзо пойтахт Самарқандга кичик ўғли Абдулазиз Мирзони қўйиб, жияни ва куёви Абдулло Мирзони (марҳум Иброҳим Мирзонинг ўғли) ўзи билан бирга олиб, Амударё соҳилида турган Абдуллатиф Мирзога қарши қўшин тортади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг маълумотига қараганда, Амударё қирғогида ота-боланинг қўшинлари уч ой мобайнида бир-бирларига қарама-қарши туриб ҳар икки томон қўшинидан кичик-кичик гуруҳлар дарёни кечиб ўтиб, тўқнашар эдилар. Аммо бу тўқнашувларда зафар кўпроқ Абдуллатиф томонида бўларди. Ана шундай тўқнашувлардан бирида Абдулло Мирзони ҳам асирга оладилар. Айни вақтда Улугбек Мирзо қўшини орасида исён вужудга келаётган эди. Бунга сабаб, Абдулазиз Мирзонинг Улугбек қўшинида хизмат қилаётган амир ва бекларнинг оиласига тинчлик бермаётгани ва турли камситишларга маҳкум этаётганида эди. Бу ҳақда қўшинга хабар келгач, амирлар ва беклар ўртасида норозилик шу даражага етдики, ҳатто Улугбек Мирзони тутиб, Абдуллатиф Мирзо қўлига топшириш ҳавфи ҳам йўқ эмасди. Улугбек Мирзо дарҳол амир ва бекларга мурожаат қилиб, уларни тинчишишга ҳаракат қиласиди ва ўғли Абдулазиз Мирзога панд-насиҳат ва дўқ-пўписалар билан мактуб йўллайди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, айни шундай қалтис вазиятда туркманларнинг Аргун қабиласи ўзларига 25 ёшли Абусайид Мирзони бошлиқ қилиб, Самарқандни қамал қилгани ҳақида хабар келади. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўэига кўра, мазкур қабила Улугбек билан ҳарбий юришда бирга бўлиб, Амударё соҳилига келгач, лашкаргоҳдан ажralиб чиқиб, Самарқандни муҳосара қилган. Улугбек Мирзо эса бу воқеадан бехабар бўлиб, фақат Самарқанд муҳосараси бошлангач, унга хабар етиб келган. Ўз-ўзидан маълумки, Улугбек Мирзо пойтахт Самарқанд тақдирини ўз ҳолига ташлаб қўя олмас эди. Бинобарин, дарҳол қўшинни Самарқанд томон буриб, Абусайид

Мирзони дәфъ этиб, Самарқандда осойишталик ўрнатиб, шаҳарга Мироншоҳ қавчинни бошлиқ тайинлайди ва Абдулазиз Мирзони ўзи билан бирга олиб, Амударё соҳилига йўл олади.

Бироқ бу пайтда Абдуллатиф Мирзо қўшинлари Амударёдан кечиб ўтиб, Термиз ва Шаҳрисабзни забт қилган эди. Нихоят, ота-бала ўртасидаги бўлажак жант, Самарқанд яқинидаги Димишиқ қишлоғида содир бўлади. Жангда Улугбек Мирзо мағлубиятга учраб, Самарқандга қайтади. Аммо шаҳар ҳокими Мироншоҳ қавчин Улугбекни шаҳарга киритмайди. Ноилож қолган Улугбек Мирзо ўз хоҳиши билан ўғли Абдуллатиф Мирзога таслим бўлади.

Абдуллатиф Мирзо тантанали равишда Самарқандга кириб келади. Тахтга ўтиргач, отаси Улугбек Мирзони Каъбатулло зиёратига жўнаташ ниқоби остида қатл қилинишига розилик билдиради. Нихоят, буюк аллома Улугбек Мирзо 1449 йил 25 октябрда қатл қилинади. Абдуллатиф Мирзо отасининг қатлидан икки кун ўтгач, укаси Абдулазиз Мирзони ҳам қатл қилдиради.

Абдуллатиф Мирзо ҳокимиятга келгач, мамлакатда мустабид тартиб ўрнатилади. У ўз муҳолифларини шафқатсизлик билан янчидан ташларди. Сарой аъёнлари — амирлар ва беклар орасида фожиали низолар ҳамда ҳалқнинг турли табақалари орасида зиддият кучаяди. Оддий меҳнаткаш ҳалқ бошига оғир кулфатли кунлар тушади. Абдуллатиф Мирзо отаси Улугбек Мирзога яқин турган кишиларнинг кўпини қатлга буюради. Айримларини салтанат ишларидан четлатди. Жумладан, амакиваччаси Абдулло Мирзони зинданга ташлади. Шунингдек, жангда асирга олинган Абусайид Мирзони ҳам Кўксарой авахтасида тутқунликда сақлайди. Аммо 1450 йил баҳорида Абу Сайд Мирзо авахтадан қочиб, Бухорога кетади.

Абдуллатиф Мирзо салтанати эътиборли руҳонийлар учун қўл келди. Чунки Абдуллатиф Мирзо отаси Улугбек Мирзо каби дунёвий илмлар билан шуғулланигина қолмай, дин пешволари билан ҳам яқин муносабатда эди. У ҳар жума куни жомеъ масжидига бориб, жума намозини адо этарди.

Абдуллатиф Мирзо даврида мамлакат салоҳияти бўлган қўшин ва оддий ҳалқнинг аҳволи низоятда ачинарли бир даражага етади. У ҳар қандай исён ва итоатсизликни шафқатсизлик билан бостиради. Абдураззоқ Самарқандийнинг ибораси билан айтганда, у

«кattага ҳурмат, кичикка шафқат», деган түшүнчани тан олмасди. Унинг тутган сиёсатидан норози бўлган кишилар, овоз чиқаришга ҳам журъат қилолмасдилар. Ана шундай қаттиққўллик натижаси ўлароқ, гўё Мовароуннаҳр ҳудудида осойишталик ҳукмрондек эди. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзига қараганда, ҳатто кўчманчи ўзбеклар ҳам Мовароуннаҳрга босқин қилишга журъат қилмас эдилар. Ҳолбуки, улар ҳар йили қиши фаслида Самарқандга беш фарсаҳ масофа қолгунча босқин қилиб қайтардилар. Эндиликда Абдуллатиф Мирзонинг ваҳшатидан қўрқиб, шаҳардан юз фарсаҳ наридан қайтиб кетардилар.

Аммо норозилик зимдан давом этарди. Бинобарин, ҳукмдор Абдуллатиф Мирзога қарши суиқасд ҳозирланмоқда эди. Суиқасдни уюштирувчилар Улугбек Мирзо ва Абдулазиз Мирzonинг навкарлари ҳамда яқин кишилари эди. Улар валинеъматларининг қасосини олишдек улуғвор вазифани ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар.

Абдуллатиф Мирзога қарши тайёрланаётган суиқасддан унинг яқин кишиларидан айримлари хабардор бўлсалар-да, аммо ҳукмдорнинг газабидан қўрқиб, айтишга журъат қилмаганлар ёки умуман «огоҳ» этишни истамаганлар. Абдуллатиф Мирzonинг яқин ҳамнишинларидан бири кейинчалик тарихчи Абдураззоқ Самарқандийга, суиқасдан хабардор бўлса-да, бироқ ҳукмдорнинг газабидан қўрқиб, огоҳлантирганлиги хақида сўзлаган.

«Тарих-и Абулҳайрхоний»нинг муаллифи Масъуд бин Усмон ал-Кўҳистонийнинг ҳикоя қилишича, Абдуллатиф Мирзо шаҳар четининг шимолий қисмida жойлашган «Боги майдон»да, тарихчи Мирхонднинг ёзишича, «Боги чинор»да айш-ишратга машғул бўлиб, анча кайфи ошиб ухлаб қолган. Шу кеча Абдуллатиф Мирзо уйқуда туш кўради,— деб ҳикоясини давом эттиради Масъуд бин Усмон ал-Кўҳистоний.— Тушида унинг олдига номаълум бир киши кириб келиб, қўлидаги усти ҳарир рўмол билан ёпилган лаганини унинг олдига қўяди. Абдуллатиф Мирзо оҳиста қўл чўзиз, лаган устидаги рўмолни кўтарганда ўзининг кесилган бошини кўради ва даҳшатдан қаттиқ қичқириб, уйғониб кетади. Абдуллатиф Мирзо мазкур қўрқинчли туш таъбирини Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сидан топмоқ истагида жовондан мазкур ки-

тобни олиб, түгри келган жойини очади. Очилган *
варақда қуидаги байт ёзилган экан:

Падаркуш подишохиро нашояд,
Ва гар шояд ба шаш мохи напояд.

Яъни «Отасини ўлдирган подшохликка нолойикдир,
агар лойик бўлса ҳам унинг ҳукмронлиги олти ойдан
ошмайдир».

Абдуллатиф Мирзо кўрган тушидан, боз устига
унинг таъбиридан қўркувга тушиб, бу бехосият боғдан
тезроқ жўнаб кетишга ҳаракат қилади. Абдуллатиф
Мирзонинг субҳидамда «Боги майдон»дан чиқиб, отга
миниб шаҳар томон кетаётганида, йўл устида содир
бўлган воқеалар «Тарих-и Абулҳайрхоний» номли
асарда қуидагича тасвиrlанади: «Жангу жадалларда
Рустами достон ва Исфандиёрдек бўлғон ва Абдулазиз
Мирзо тарафидин мартабаси юкорилатдирилғон Бобо
Хусайн баҳодир икки номдор подшоҳ — Улугбек Кура-
гон бирлан Мирзо Абдулазиз шаҳид этилғонларидан
сўнгра қасд қилуб, бадкирдор Абдуллатиф Мирzonинг
хизматига кирдилар ва кеча демайин, кундуз демайин
онга тиришиб хизмат қилдилар, аммо қалбida онга
кина сақлаб, ул бадкирдорни маҳв этиш хаёли бирлан
юрдилар. Бобо Хусайн баҳодир ўша куни камонни
елкага осуб, жонин шу ишга тикиди, содик навқари
бирлан Абдуллатифнинг йўлини пойлади. Шаҳзода-
нинг навқари чорраҳа дарбозасидин ташқарига чиқди ва
тор кўча бўйлаб йўлга тушди. Кўчанинг бир тарафи
жарлик бўлиб, иккинчи тарафи Боги Навнинг баланд
девори эди. Бобо Хусайн баҳодир ва анинг навқари от
устида йўл четидаги катта қайрагоч орқасида пойлаб
турдилар. Абдуллатиф аларнинг ёнгинасидин ўтиб
кетди, лекин беш-олти қадам ўтгач, Бобо Хусайн
баҳодир камонни елкасидин олди ва ани ўқлаб
шаҳзодани аниқ нишонга олди. Абдуллатиф фақат
«Оллоҳ, ўқ тегди!» деб айтишга улгурди, холос. У отдан
қулаб тушди ва шу топдаёқ жон берди. Ўқ анинг чап
курагини тешиб ўтиб юрагига қадалғон эркан. Мирзо-
нинг мулоzимлари олди-орқасига қарамайин тум-
тарақай бўлиб қочдилар. Бобо Хусайн баҳодирнинг
навқари чопуб боруб, Абдуллатифнинг бошини кесиб
олди ва хуржинга солди. Падаркуш Абдуллатифнинг бо-
шини шу пайтнинг ўзидаёқ Регистонга олиб боруб, Мир-
зо Улугбек мадрасасининг пештоқига осуб қўйдилар».

Дарҳақиқат, бу воқеа ҳижрий 854 йил рабби ул — аввал ойининг 26 сида, мелодий 1450 йил 9 май куни содир бўлганди.

Абдуллатиф Мирзонинг фожиали ҳалокатидан сўнг, аркони давлат бирлашиб, Абдулло Мирзони Кўксарой авахтасидин олиб чиқиб, салтанат таҳтига ўтказиб, подшоҳ деб эълон қиласидар.

«Тарихи Касира»да зикр қилинишича, Абдуллатиф Мирzonинг беш ўғли бўлиб, тўнгичи Абдураззоқ Мирзо, иккинчиси Аҳмад Мирзо, учинчиси Маҳмуд Мирзо, тўртингиси Муҳаммад Жўки Мирзо ва бешинчиси Муҳаммад Boқи Мирзо эди. Мазкур шаҳзодаларнинг оналари ҳақида маълумот йўқ. Ҳар ҳолда Абдуллатиф Мирzonинг ҳарамида бир эмас, бир неча хотинлари бўлган бўлиши керак.

Абдуллатиф Мирзо қатлидан сўнг, унинг фарзандларини Ҳиротга — Гавқаршод бегим ҳузурига жўнатган эдилар. Шаҳзодалар аввал бувилари Гавқаршод бегим тарбиясида, кейинчалик Ҳирот ҳукмдори Абулқосим Бобур Мирзо саройида мулоzиматда эдилар.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот қилгач, Султон Абусайд Мирзо Ҳурсон таҳтини ҳам ўз тасаруфига киритади. Табиийки, Шоҳруҳ Мирзо авлодига мансуб бўлган шаҳзодалар Султон Абусайд Мирзога нисбатан адоват ва хусумат назари билан қарай бошлайдилар. Бинобарин, Султон Абусайд Мирзо Шоҳруҳ авлодининг Мовароуннаҳр ва Ҳурсон таҳтига бўлган даъволаридан батамом ҳолос бўлиш мақсадида бир неча шаҳзодаларни, жумладан Абдуллатиф Мирzonинг тўнгич ўғли 17 ёшли Абдураззоқ Мирзога заҳар бериб ўлдиради. Шундан сўнг Аҳмад Мирзо Балхда қўзғолон кўтаради. Қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилиб, 16 ёшли Аҳмад Мирзо эса қатл қилинади.

Абдуллатиф Мирzonинг учинчи ўғли Маҳмуд Мирзо эса укаси Муҳаммад Жўки Мирзо билан биргаликда кўп йиллар давомида Султон Абусайд Мирзога қарши курашади. Ниҳоят, 1463 йилда Маҳмуд Мирзо кўлга олиниб қатл қилинади.

Муҳаммад Жўки Мирзо Абдуллатиф Мирzonинг тўртингичи ўғли бўлиб, 1447 йилда Ҳиротда тутилган эди. Отаси Абдуллатиф Мирзо қатлидан сўнг у ҳам Ҳиротда — Абулқосим Бобур саройида тарбия топиб, 1457 йилда эса Шоҳруҳия, Ахсикент, Тошкент ва Сайрам вилоятларини бошқариш учун юборилган эди.

«Тарих-и Абулҳайрхоний» асарининг муаллифи

Масъуд Кўҳистонийнинг ёзишича, Хуросон таҳтини Султон Абусайид Мирзо ўз тасарруфига киригтгач, 1458 йилда Муҳаммад Жўки Мирзо Яссига (Туркистон) — Абулҳайрхон ҳузурига кўмак истаб боради. Тарихдан маълумки, 1451 йилда Абулҳайрхон Султон Абусайид Мирзонинг Самарқанд таҳтига ўтиришига ёрдамлашган ва эвазига Улуғбек Мирзонинг Робия Султон бегим исмли қизини хотинликка олиб кетган эди.

Муҳаммад Жўки Мирзо аммаси туфайли Абулҳайрхон билан учрашади.

Абулҳайрхон шаҳзодани яхши кутиб олади. Абулҳайрхон ўзининг ҳарбий саркардаларидан Бўрка Султон бошчилигида катта қўшинни Муҳаммад Жўки Мирзо ихтиёрига беради. Бўрка Султон қўшини Мовароуннаҳр ҳудудига шиддат билан бостириб кириб, Султон Абусайид Мирзо қўшинини Кармана ёнида мағлубиятга учратади. Шундан сўнг ўзбеклар қўшини Шоҳруҳияни эгаллайди. Муҳаммад Жўки Мирзо ўзбеклар ёрдамида Шоҳруҳия, Ахсикент ва Сайрамни кўлга киригади. Султон Абусайид Мирзо Муҳаммад Жўки Мирзо билан сулҳ тузишдан бошқа иложи қолмайди. Муҳаммад Жўки Мирзо гарчи Султон Абусайид Мирzonинг ҳукмронлигини расман тан олса-да, амалда эса мустақил ҳукмронликка эришади.

1461 йилда Муҳаммад Жўки Мирзо Султон Абусайид Мирзога қарши бош кўтаради. Кўзғолонга Шоҳруҳиянинг барча аҳолиси қатнашади. Султон қўшинлари шаҳарни қамал қиласди. Аммо қамал кўпга чўзилиб, Султон Абусайид Мирзо кўзғолончилар билан сулҳ тузишга мажбур бўлади. 1461 йил охирида сулҳ тузилади ва шаҳар қамалдан озод қилинади. Аммо кўп ўтмай 1462 йилда шаҳар яна Султон қўшини томонидан қамал қилинади. Қамал бир йилдан ортиқ давом этади. Ниҳоят 1463 йил кузида кўзғолончиларнинг талабига мувофиқ Хўжа Аҳрорни воситачилик учун таклиф қиласдилар. Хўжа Аҳрор келиб ҳар икки томонни муросага келтиради ҳамда таслим бўлган кўзғолончиларнинг барчасини туноҳидан ўтиб, улага зарар етказмасликка Султон Абусайид Мирзони қасамёд қилдиди. Ана шундан сўнг Муҳаммад Жўки Мирзо бошлиқ шаҳар халқи Султонга таслим бўладилар. Султон Абусайид Мирзо ваъда қилган авфу умумийни фақат кўзғолон иштирокчиларигагина жорий қиласди. Кўзғолон бошлиғи Муҳаммад Жўки Мирзони эса

1464 йил январида ушлатиб, Ихтиёриддин қалъасининг зинданига ташлаттиради. Мұҳаммад Жұки Мирзо ўша йили зинданда вафот этади.

Абдуллатиф Мирзонинг бешинчи ўғли Мұҳаммад Боки Мирзо ёш болалик давридаёқ вафот этган эди.

АБДУЛАЗИЗ МИРЗО Улугбек Мирзонинг кенжә ўғли бўлиб, 1430 йилда Самарқандда туғилган. Шоҳруҳ Мирзо саройида ўрнатилган тартибга мұвофиқ, ҳар бир шаҳзоданинг тўнгич ўғли Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзо саройида тарбияланарди. Бу ўша даврда одат тусига кирган эди. Бинобарин, Улугбек Мирзонинг ҳам тўнгич ўғли Абдулло Мирзо Ҳиротда, Абдураҳмон Мирзо эса отаси Улугбек Мирзо ҳузурида Самарқандда тарбияланган бўлса ажаб эмас. Абдулло Мирзо вафот этгач, Абдуллатиф Мирзони Ҳиротда, бобоси Шоҳруҳ Мирзо саройида тарбиялашга жазм қилинган. Улугбек Мирзо эса кенжә ўғли Абдулазиз Мирзо билан қолган.

Улугбек Мирзо кенжә ўғли Абдулазиз Мирзони Абдуллатиф Мирзога нисбатан яхши кўрган ҳамда кўп соҳаларда унинг кўнглига қараб иш туттган. Бинобарин, Абдулазиз Мирзо эркатой ва арзанда бўлиб ўсган. Натижада, унинг хатти-ҳаракатлари отаси Улугбек Мирзога панд бера бошлаган. 1449 йил Улугбек Мирзо Абдуллатиф Мирзога қарши жангга кетаётib, Абдулазиз Мирзони ўз ўрнига қўйиб кетади. Абдулазиз Мирзо ота таҳтига ўтириши билан ҳеч бир истисносиз бейболарча ҳаракат қиласи. У Самарқанд шахридаги казо-казолар, жумладан отаси Улугбек Мирзо билан бирга жангга кетган бек ва амирларнинг хонадонларидаги гўзал қиз-жуонлар, чиройли канизакларни мажбуран саройга келтириб, айш-шуратга машгул бўлади. Албатта, бундай шармандаликка қарши шаҳар зодагонлари жанггоҳда турган³¹ бек³² ва амирлар ҳукмдор Улугбек Мирзога қарши исён кўтарадилар. Гарчи Улугбек Мирзонинг қўллаган оқилона чоратадбирлари натижасида хавф solaётган исён тинчлик билан бартараф қилинган бўлса-да, бироқ салтанат акобирларининг кўнглида Улугбек Мирзога нисбатан туғилган кина-кудурат мамлакат пойdevорига раҳна соглан эди. Улугбек Мирзонинг жангда мағлубиятга учраб, Абдуллатиф Мирзо ҳузурига бош эгиб боришининг, таслим бўлишининг ҳам бош омили шунда эди. Воқеанинг бундай қалтис ривожланишида арзанда ўғил Абдулазиз Мирзонинг ҳиссаси катта эди.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур ва «Тарихи Рашидий» - нинг муаллифи Мұхаммад Ҳайдарларнинг ёзғанларидан маълум бўлишича, Улугбек Мирзо кенжа ўғли Абдулазиз Мирзонинг ёшлигига ётказиб Юнусхоннинг (кейинчалик Тошкент хони) синглисини бешик кетти қилиб қўйган экан. Бинобарин, Абдулазиз Мирзо 1434 йилдан бошлаб «хон» узвонига эга эди.

ИБРОХИМ МИРЗО Шоҳруҳ Мирzonинг иккинчи ўғли бўлиб, 1394 йилда туғилган, Онаси Тўти бегим эди. Иброҳим Султон Мирзога махсус отабек тайинланади ва отабекнинг хотини эса энагалик вазифасини ўтайди. Шунингдек, Улувбек Мирзо Сарой Мулк хоним тарбиясига топширилтанидек, Иброҳим Мирзони Туман Оғо бегим ихтиёрига топширилади. Шоҳруҳ Мирзо 1409 йилда Халил Султон Мирзодан Мовароуннаҳрни тортиб олгач, ўз ўғли Иброҳим Мирзога Балх вилоятининг ҳокимлигини инъом қиласди. Кейинчалик форс ҳукмронлиги ҳам Иброҳим Мирзога топширилади.

Иброҳим Мирзо ўқимишли, табиатан мулоийим киши эди. У тарик ва жуғрофия илмининг билимдони эди. Иброҳим Мирзо ўз саройига олиму фозилларни йитар ва улар сұхбатидан баҳраманд бўлишини ёқтиради. Машхур тарихчи Шарафуддин Али Яздий ҳам Иброҳим Мирзо саройида кўп вақт яшаб, ўзининг «Зафарнома» асарини шу ерда ёзиб тутгаллаган.

Иброҳим Мирзо 1435 йил 4 майда касал бўлиб, 42 ёшида вафот этади. Иброҳим Мирзо уч ўғилнинг отаси бўлиб, тўнгич ўғли Султон Абу Исҳоқ Мирзо эди. Султон Абу Исҳоқ Мирзо 1419 йилда туғилган бўлиб, 1427 йилда 9 ёшида вафот қилган эди. Ўртанчи ўғли Исмоил Мирзо 1423 йилда туғилиб, 1432 йилда вафот этади. Иброҳим Мирзо вафотидан сўнг кенжа ўғли Абдулло Мирзо қолган эди. У 1433 йилда туғилган эди. Мазкур шаҳзодалар Иброҳим Мирzonинг Руқия бегим номли хотинидан туғилган эдилар. Иброҳим Мирzonинг Руқия бегимдан бошқа яна хотини бўлган-бўлмаганлиги ҳақида маълумот учрамайди.

АБДУЛЛО МИРЗО Иброҳим Мирzonинг кенжа ўғли бўлиб, 1433 йилда Руқия бегимдан туғилган эди. Абдулло Мирзо икки ёшга тўлганда отаси Иброҳим Мирзо оламдан ўтади. Шоҳруҳ Мирзо икки яшар набираси Абдулло Мирзони отасининг улуши — Форсга ҳоким қилиб тайинлайди. Аммо Абдулло Мирзо ҳали ўш бўлгани туфайли, давлат ишларини шаҳзоданинг

онаси Руқия бегим ва отабеги Шамсуддин Шерозий олиб борардилар.

Абдулло Мирзо отасининг саройига йигилган олиму фузалолар орасида ўси. У ақлли, зийрак ва замонасининг ўқимишли кишиларидан бўлиб етишди. У машҳур муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг таълим минни олган, бинобарин тарих илмига ҳаваси зўр эди. У ёшлигиданоқ Табарий, Жувайний, Вассооф, Гардизий ва Ҳамдуллоҳ Қазваний сингари йирик алломаларнинг асарларини мутолаа қилганди. Шунингдек, илми нужум, риёзиёт ва шеърият илмилардан ҳам хабари бор эди.

1447 йил ўргасида Абдулло Мирзонинг амакиваччаси Султон Мухаммад Мирзо Форс вилоятини босиб олгач, Абдулло Мирзо Ҳиротга қочиб келади ва маълум бир муддат Алоуддавла Мирзо билан бирга бўлади. 1448 йилда Улугбек Мирзо Ҳурсонга қўшин тортиб келиб, Тарноб яқинида Алоуддавла Мирзо билан жанг қилганди, Абдулло Мирзо Алоуддавла Мирзодан қочиб, амакиси Улугбек Мирзога келиб қўшилади. Улугбек Мирзо ақлли ва зийрак жияни Абдулло Мирзони зъязозлар ва доим ўзи билан бирга олиб юради. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Улугбек Мирзо жияни Абдулло Мирзога ўз қизини бериб, уни куёв ҳам қилган.

1449 йилда Улугбек Мирзо билан Абдуллатиф Мирзо ораларидаги жанг асносида Абдулло Мирзо Абдуллатиф Мирзо томонидан асирга олиниб, Кўксарой авахтасига ташланади. 1450 йил 9 майда Абдуллатиф Мирзо қатл қилингач, шаҳар аъёнлари Абдулло Мирзони Кўксаройдан олиб чиқиб, подшоҳ кўтарадилар ва унинг номини хутбага қўшиб ўқийдилар.

Абдулло Мирзо таҳтга ўтиргач, амакиси Улугбек Мирзо қўллаган сиёsatни қўллаб, меҳнаткаш халқ оммасининг аҳволни бир оз яхшилайди. Абдулло Мирзо амакиси Улугбек Мирzonинг жасадини Улугбек мадрасасидан қўчириб, Гўри Амирга келтириб дағн эттиради ва унга қабр тоши ўрнаттиради.

Аммо Абдуллатиф Мирзо қатл қилиниб, Абдулло Мирzonинг таҳтга ўтириш хабари атрофга тарқалгач, Самарқанд таҳтига даъвогарлар гимирлаб қоладилар. Жумладан, Мироншоҳ Мирзо авлодидан Султон Абусайид Мирзо Бухоро дин пешволарининг мадади билан дарҷол Самарқандга ҳужум қилади. Бироқ Абдулло Мирзо қўшинлари томонидан маглубиятга учраб, дашт

орқали шимолга қочади ва Ясси (Туркистон) шаҳарини босиб олиб, ўша ерда жойлашади.

Абдулло Мирзога таҳдид солаётган иккинчи рақиб ҳам бор эди. Алоуддавла Мирзо Балх, Ҳисор ва Шибирғонни босиб олиб, эндиликда Самарқандга юриш тараффудида эди. Абдулло Мирзо Алоуддавлага қарши ўз қўшини билан Шаҳрисабздан йўлга тушади. Бироқ, жанг бўлмай ҳар икки қўшин орқасига қайтиб кетади, сабаби Ҳурросонда Абулқосим Бобур Мирзо Алруддавлага қарши қўшин тортиб келади.

1450—51 йил қишида Абдулло Мирзо Яссига ўз қўшинини юборади ва шаҳар қамал қилинади. Султон Абусайид Мирзо макр-ҳийла билан бир неча айгоқчилирини самарқандлилар орасига юборади. Улар қўшин орасида «Абулҳайрхон туркистонликларга ёрдамга келаёттир»,—деб гап тарқатадилар. Самарқандликлар бу гапни рост фаҳмлаб, қамални ташлаб орқага чекинадилар. Бу хабар Абдулло Мирзога етгач, шахсан ўзи катта қўшинга бош бўлиб, Султон Абусайид Мирзога қарши йўлга чиқади. Абдулло Мирзонинг катта қўшин билан келаётганини эшитган Султон Абусайид Мирзо ёрдам сўраб ўзбек хони Абулҳайрхонга элчи юборади. Абулҳайрхон фурсатдан фойдаланиб, Самарқандни яна қайтадан талаш ниятида ўз қўшини билан йўлга чиқади. Абулҳайрхон Султон Абусайид Мирзо қўшини билан биргалашиб Тошкентга, у ердан Хўжандга келадилар. Бу вақтда Абдулло Мирzonинг аскарлари энди Сирдарёдан ўтган эдилар. Иттифоқчилар қўшини Мирзачўл орқали юриб, Булунгурда Абдулло Мирзо қўшинига рўпара келадилар. 1451 йил июн ойида Булунгур даштининг жанубидаги Шероз қишлоги яқинида ҳар икки қўшин ўргасида қонли жанг бўлади. Натижада, Абулҳайрхон қўшини Абдулло Мирzonинг кўп сонли қўшини устидан галаба қозонади. Абдулло Мирзо мардона курашиб, жанг майдонидан орқага қайтаётганда ўқ тегиб, 17 ёшида ҳалок бўлади. Султон Абусайид Мирзо эса ҳеч қандай қаршиликка учрамай Самарқандга кириб, таҳтни эгаллади.

БОЙСУНГУР МИРЗО Шоҳруҳ Мирzonинг учинчи ўғли бўлиб, 1397 йилда туғилган. Онаси Гавҳаршод бегим эди. Бойсунгур Мирзо табиатан хушчақчақ ва ўқимишли киши бўлган. 1414 йилдан 1416 йилгача Мозандарон, Астробод ва Журжон вилоятларига ҳокимлик қиласиди. У ўз саройига олимуму фузалолар ва

шоирларни йигиб, анжуманлар ўтказиб турган. Фазалхонликни ёқтирган, ўзи ҳам газаллар битган.

1416 йилдан то 1420 йилгача Ҳиротда отаси Шохруҳ Мирзога вазирлик мансабида қойим бўлган. Бойсунғур Мирзо вазирлик йилларида Ҳиротда кутубхона ташкил қиласан эди. Ўша замон тарихчиларининг гувоҳлик беришича, кутубхона қошида ўз даврининг машҳур ҳаттотлари, наққошлари, мусаввирлари, саҳроф ва заркорларнинг қирқ нафари тўпланиб, илмий ва ижодий иш олиб борганлар. 1425—1426 йилларда мазкур кутубхона қошидаги котиблар Бойсунғур Мирzonинг бевосита назорати остида Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарининг қирққа яқин қўлёзмаларини солишириб, асарнинг мукаммал матнини тузгандар. Мазкур нусхага «Бойсунғур сўзбошиси» деб аталган муфассал муқаддима ёзилган.

Бойсунғур Мирзо ўз ақл-заковати, маърифатпарварлиги, ҳунарпарварлиги ва айниқса адабиётга бўлган эҳтироси билан ҳалқ ўргасида шуҳрат қозонган. Отаси Шохруҳ Мирзо уни 1420 йилда Эрон Озарбайжонига, кейинчалик 1431 йилда Астрободга ҳоким қилиб тайинлайди. Аммо Бойсунғур Мирзо кейинги даврларида касалга чалиниб қолади. Ниҳоят (7 жумод ул¹—аввал 837) 1433 йил 20 декабр шанба куни 37 ёшида вафот этади. Зотан, Бойсунғур Мирзодан яхши ном қолган, у жаҳон санъат тарихида машҳур саналган Ҳирот тасвирий санъат мактабига асос солган эди. Шунингдек, Бойсунғур Мирзо Машҳадда қурилган Гавҳаршод бегим масжидининг деворларига китоба биттирган.

Бойсунғур Мирзодан уч ўғил қолади. Тўнгич ўғил — Алоуддавла Мирзо, иккинчиси — Абулқосим Бобур Мирзо, учинчиси — Султон Муҳаммад Мирзо эди.

АЛОУДДАВЛА МИРЗО Бойсунғур Мирzonинг тўнгич ўғли бўлиб, 1417 йилда Ҳиротда туғилган. Алоуддавла Мирзо ҳам бошқа шаҳзодалар каби бобоси Шохруҳ Мирзо саройида тарбияланган. Унга айниқса бувиси Гавҳаршод бегимнинг эътимоди зўр эди. Малика Гавҳаршод бегим Алоуддавла Мирзони таҳт валиахдлигига лойик ягона номзод деб билар, ҳатто эри Шохруҳ Мирzonинг ҳам бу масалада розилигини олишга тиришарди.

1446 йилда қариб қолган ҳукмдор Шохруҳ Мирзо қўзғолон кўтарган Форс ҳукмдори ўз набираси Султон

Мұхаммад Мирзога қарши юриш бошлайди. Алоуддавла Мирзони эса Ҳиротда қолдириб, Гавқаршод бегим ва Абдуллатиф Мирзоларни бирга олиб, Шероз томон юради. Султон Мұхаммад Мирзо Шерозни ташлаб, тоққа қочади. Құзғолон бостирилиб, Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротга қайтәтганды йўлда бетобланиб, 1447 йил 12 марта вафот этади.

Гавқаршод бегим қўшин қўмандонлигини Абдуллатиф Мирзога топширади. Аммо маҳфий равища Ҳиротга — Алоуддавла Мирзога чопар орқали Ҳиротни мустаҳкамлаш борасида мактуб жўнатади. Бундан огоҳ бўлган Абдуллатиф Мирзо бувиси Гавқаршод бегимни маҳбусликда сақлаб, Амударё томон йўл олади. Шунингдек, бобоси Шоҳруҳ Мирзонинг вафоти ҳақида ўз отаси Улуғбек Мирзога хабар юборади.

Алоуддавла Мирзо амакиси Улуғбек Мирзодан ҳайикиб, ўзини подшоҳ деб эълон қилишга журъат этмайди ва аввалгидек ҳар жума кунлари масжидларда бобоси Шоҳруҳ Мирзо номини хутбага қўшиб ўқитади. Бироқ, Абдуллатиф Мирzonинг кирдикорлари, айниқса бувиси Гавқаршод бегимга нисбатан қўллаган жазосини эшитгач, таҳтни ўз тасарруфига киритиб, ҳазинадан қўшинга ва қўшин бошликларига инъомлар улашиб, Абдуллатиф Мирзога қарши қўшин юборади. 1447 йил 29 апрел шанба куни Абдуллатиф Мирзо Нишопур яқинида тўсатдан Алоуддавла Мирзо қўшинига дуч келиб, мағлубиятга учрайди ва ўзи асир олинади. Маҳбусликдан озод қилинган малика Гавқаршод бегим маҳбус Абдуллатиф Мирзони бирга олиб, Ҳирот томон йўлга тушади. Маликани Жом шахрининг яқинидаги Саъдабод мавзеида Алоуддавла Мирзо кутиб олади. Абдуллатиф Мирзони Ҳиротга келтириб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўяди. Шоҳруҳ Мирzonинг жасадини эса Гавқаршод бегим мадрасасидаги Бойсунгур мақбрасига дағи қиласидилар. Шундан сўнг Алоуддавла Мирзо ўз қўшинларини Улуғбек Мирзога қарши олиб юради.

Вазиятни ҳисобга олган ҳолда Улуғбек Мирзо Алоуддавла Мирзо билан сулҳ музокараларини бошлайди. Улуғбек Мирзо Низомиддин Мирак Маҳмуд Садрни Алоуддавла ҳузурига злчи қилиб жўнатади. Низомиддин Мирак Маҳмуд Садр Алоуддавла Мирзога Улуғбек Мирzonинг пайтомини баён қиласкан, «амакингиз Улуғбек Мирзо Сиз олий зотни ўз ўғиллари деб ҳисоблайдилар ва кўнгулларида Ҳиротга қарши ҳеч

қандай ёмон ниятлари йўқ»,— дейди. Алоуддавла Мирзо учун бу айни муддао эди. Чунки Алоуддавла Мирзонинг укаси Абулқосим Бобур Мирзо Жом атрофига қўйилган Ҳирот соқчи қўшинларини тарқатиб, пойтахт Ҳиротга ҳавф түғдирмоқда эди. Улугбек Мирзо билан Алоуддавла Мирзо ўртасидаги битимга мувофиқ. Алоуддавла Мирзонинг шимолий чегараси Чечекту мавзеи деб тан олинади. Абдуллатиф Мирзо қамоқдан озод қилинади. У яна Балх ҳокими қилиб тайинланади. Шу йилнинг охирида Алоуддавла Мирзо билан Абулқосим Мирзо ўртасида ҳам битим имзоланади.

Аммо 1447/1448 йил қиш фаслида Абдуллатиф Мирзо билан Алоуддавла Мирзо ўртасида яна жанг бошланиб кетади. Бунга сабаб Чечектудаги чегара соқчи қўшинининг бошлиғи сифатида Солиҳ Мирзо (Пир Мұхаммад ибн Умар Шайх Мирзонинг ўғли) турарди. Солиҳ Мирзо Нишопур яқинида Абдуллатиф Мирзони асир олинишида қатнашган душманларидан бири эди. Абдуллатиф Мирзонинг ўзи озод қилинган бўлса-да, бироқ унинг ишончли навкарларидан 3—4 таси гаров сифатида Алоуддавла Мирзо авахтасида асирикда эдилар. Бинобарин, Абдуллатиф Мирзо зеки адовать юзасидан Солиҳ Мирзо қўшинига ҳамла қилиб, уни тор-мор қиласди. Солиҳ Мирзо Ҳиротга қочиб боради. Шундан сўнг Алоуддавла Мирзо Абдуллатиф Мирзонинг гаровда турган навкарларини қатл қилдиради ва қиш фасли бўлишига қарамай, дарҳол Балхга юриш қиласди. Абдуллатиф Мирзо чекинишга мажбур бўлади ва Балхда мустаҳкамлангач, отаси Улугбек Мирзодан кўмак сўрайди. Улугбек Мирзо Алоуддавла Мирзога мактуб жўнатиб, «Уруш бошлашдан аввал Абдуллатиф Мирзо устидан шикоят қилиб, Самарқандга — менга мурожаат қилмоқ лозим эди»,— дейди ва дарҳол Ҳиротга қайтиб кетишини талаб қиласди. Алоуддавла Ҳиротга қайтиб кетишга рози бўлади. У Чечекту қўргонини янгидан мустаҳкамлаб, урущдан зарар кўрган аҳолининг аҳволини яхшилашга ҳаракат қиласди.

1448 йил баҳорида Улугбек Мирзо ўзи қайтадан жанг бошлаб юборади. Улугбек Мирзо ўғли Абдуллатиф Мирзо билан биргаликда 90 минглик қўшин тўплаб, Алоуддавла Мирзога қарши юриш бошлайдилар. Жанг Ҳиротдан 14 фарсан народа бўлган Тарноб мавзеида бўлиб, Алоуддавланинг маглубияти билан тугайди.

1450 йил охирида Абулқосим Бобур Мирзо Ҳуро-

сонни ўз тасарруфига киритгач, Алоуддавла Мирзо салтанатдан маҳрум бўлиб, Мўгулистон чегараларида сарсон ва саргардонликда юради ва Хоразмда яшайди. Бироқ, унинг ўғли Иброҳим Мирзо Абулқосим Бобур Мирзо вафотини эшитгач, дарҳол Ҳирот доруссалтанини қўлга олади. Бу хабарни эшитган Алоуддавла Мирзо Ҳиротга ўғли Иброҳим Мирзо ҳузурига қайтиб келади. Аммо тез кунда туркман ҳукмдори Жаҳоншоҳ Ҳурсонга бостириб киради. Ундан сўнг Ҳурсон Султон Абусайид Мирзо тасарруфига киради. 1458 йилда Алоуддавла Мирзо, ўғли Иброҳим Мирзо ва Санжар Мирзолар бирлашиб Саражсда Султон Абусайид Мирзога қарши жанг бошлайдилар. Жангда Санжар Мирзо қатл қилиниб, Алоуддавла Мирзо ва Иброҳим Мирзолар жанг майдонини ташлаб қочадилар. Шундан икки йил ўтгач, яъни 1460 йил сентябр ойида Алоуддавла Мирзо 44 ёшида вафот этади. Уни Ҳиротга келтириб, Гавҳаршод бегим мадрасаси қошидаги Бойсунгур мақбарасига дағн қиласидилар. Ундан икки ўғил ва бир қиз қолади. Қизи Султон бегимни Султон Абусайид Мирзо Ҳурсонни забт этгач, ўз никоҳига киритади. Султон бегим 1460 йилда ўғил туғади. Исмини Шоҳруҳ Мирзо деб атайдилар. Алоуддавланинг катта ўғли Абул Ҳорис Бойсунгур Мирзо ва кичиги Муҳаммад Иброҳим Мирзолар эди.

МУҲАММАД ИБРОҲИМ МИРЗО Алоуддавла Мирзонинг кичик ўғли бўлиб, 1440 йилда Ҳиротда туғилган эди. Муҳаммад Иброҳим Мирзо аввал отаси Алоуддавла Мирзо юришларида иштирок қиласиди. 1451 йилда Алоуддавла Мирзо укаси Абулқосим Бобур Мирзо томонидан Ҳурсон салтанатидан маҳрум этилгач, Муҳаммад Иброҳим Мирзо ҳам отаси билан биргаликда амакиси Абулқосим Бобур Мирзога қарши курашади. Нихоят, 1454 йилда Абулқосим Бобур Мирзо жияни Муҳаммад Иброҳим Мирзони ушлаб Ихтиёридин қалъасига қамаб қўяди.

1457 йил 25 март сешанба куни Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадда вафот этгач, ҳукмдорнинг вафоти ҳақидаги хабар яшин тезлигига барча вилоят ва ноҳияларга тарқалади. Жумладан, бу хабар пойтахт Ҳиротга ҳам етади. Мамлакатда саросималик вужудга келади. Муҳаммад Иброҳим Мирзо Ихтиёридин қалъасида маҳбус эди. Қалъа беги ҳамда посбонлар тасодифий машъум хабардан бир лаҳза ўзларини йўқотиб

қўядилар. Қўққис вазиятдан фойдаланган Муҳаммад Иброҳим Мирзо қалъадан яширинча чиқиб, Мургоб суви томон қочади ва у ерда кўшин тўплаб, Ҳиротга юради. Шу аснода отаси Абулқосим Бобур Мирзо ўрнига таҳтга ўтирган Шоҳ Маҳмуд Мирзо ўз кўшини билан пойтахт Ҳиротга келмоқда эди. Муҳаммад Иброҳим Мирзо кўшини билан йўлда тўқнашади. Ҳар икки томон ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, Шоҳ Маҳмуд кўшинлари мағлубиятга учраб Машҳад томон кетади. Муҳаммад Иброҳим Мирзо эса Ҳиротга кириб келади.

Аммо бу пайтда туркман ҳукмдори Жаҳоншоҳ қулаг фурсатдан фойдаланиб, Ҳурносонга кўшин тортиб келмоқда эди. Иккинчи томонда Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Абусайид Мирзо кўпдан бери Ҳурносонни забт этишни ўйлаб юрар ва Абулқосим Бобур Мирзонинг вафоти унга ўз режасини амалга ошириш учун қулаг вазиятни вужудга келтирган эди.

Муҳаммад Иброҳим Мирзо туркман ҳукмдори Жаҳоншоҳга қарши курашмоқ учун Султон Абусайид Мирзодан қўмак сўрайди. Султон Абусайид Мирзо Муҳаммад Иброҳим Мирзонинг илтимосини қабул қиласи ва қулаг фурсатни ганимат билиб Ҳурносонга кўшин тортади. Муҳаммад Иброҳим Мирзо ўз кўшини билан Мургоб дарёсининг ўнг қирғозига Жаҳоншоҳ кўшини билан тўқнашади ва катта талофат кўриб, мағлубиятга учрайди. Султон Абусайид Мирзо эса Ҳиротни эгаллайди. Муҳаммад Иброҳим Мирзо қолдиқ кўшини билан Балх вилоятига чекинади. Бироқ Султон Абусайид Мирзо аста-секин Ҳурносон музофотини ўз тасарруфига кирита бошлайди. 1458 йилда Муҳаммад Иброҳим Мирзо отаси Алоуддавла Мирзо ҳамда Марв ҳукмдори Санжар Мирзо билан иттифоқ тузиб, Султон Абусайид Мирзога қарши жанг қиласи. Жанг султон Абусайид Мирзо фойдасига ҳал бўлади. Санжар Мирзо жанг майдонида ҳалок бўлиб, Алоуддавла Мирзо билан Муҳаммад Иброҳим Мирзо мағлубиятга учраб қочадилар.

Муҳаммад Иброҳим Султон мазкур жангдан қайтгач, асаб қасаллиги билан оғрийди. У кўп вақт давомида маҳбусликда ҳамда оғир шароитларда ҳаёт кечириб, асаб қасаллигига мубтало бўлган эди. Бинобарин, жанг майдонида катта талофат кўриб, мағлуб бўлгач, асаб қасали ҳуруж қилиб, 1458 йил 17 август (862 йил 6 шаввол)да 19 ёшида вафот этади. Унинг яқин

кишилари жасадини Ҳиротга келтириб, Гавқаршод бегим мадрасаси ёнидаги хонақохга дағын этадилар.

СУЛТОН МУҲАММАД МИРЗО Бойсунғур Мирзонинг иккинчи ўғли бўлиб, 1418 йилда Ҳиротда туғилган эди.

1442 йилда Султон Муҳаммад Мирзо учун Эроннинг Султония, Қазвин, Рай ва Кум вилоятларидан иборат янги давлат (ҳокимлик) ташкил қилинади. Аммо шаҳзода Султон Муҳаммад Мирзо ўз қўл остидаги вилоятлар билан қаноатланмади. 1446 йилда у бобоси Шоҳруҳ Мирзога қарши исён қўтариб, Исфахонни босиб олади ва Шерозни қамал қиласи. Аммо 1446 йилда бобосининг қўшин тортиб келаётганилигидан хабар топиб Шерозни қамалдан бўшатиб, тоқقا қочади.

1449 йил Султон Муҳаммад Мирзо Хурросонга қўшин тортиб келиб, Машҳад билан Жом оралигига укаси Абулқосим Бобур Мирзо қўшинини тор-мор қиласи ва Ҳиротни эгаллайди. Аммо Султон Муҳаммад Мирзо Ҳиротда узоқ турга олмайди. 1452 йилда Абулқосим Бобур Ҳиротни қайта қўлга киритади. Умуман, Султон Муҳаммад Мирзо Форс ва Ирокда ўн йил ҳукмронлик қиласи. Шу давр ичидаги укаси Абулқосим Бобур Мирзо билан уч марта жанг қиласи. Учинчи жанг олдидан ақа-укалар ўртасида муйян чегара белгиланиб, сулҳ тузилган бўлса-да, бироқ 1451 йил охирида Султон Муҳаммад Мирзо битимга хиёнат қилиб, укаси Абулқосим Бобур Мирзога қарши уруш ҳаракатларини бошлаб юборади. Ҳар икки томон қўшини Исфароин яқинида тўқнашадилар. Жанг майдонида Султон Муҳаммад Мирзо отир яраланади. Ярадор Султон Муҳаммад Мирзони асирга олишиб, Абулқосим Бобур Мирзо ҳузурига келтиришади. Ака-ука шаҳзодалар ўртасида истеҳзоли савол-жавоблар бўлиб ўтгач, голиб Абулқосим Бобур Мирзо маглуб Султон Муҳаммад Мирзони қатл қилдиради.

Султон Муҳаммад Мирзо 34 ёшида оламдан кўз юмади. Ундан икки ўғил — Саъд Баққос Мирзо ва Муҳаммад Ёдгор Мирзо қолади. Саъд Баққос Мирзо 1437 йилда туғилиб, 1452 йилда вафот этган.

АБУЛҚОСИМ БОБУР МИРЗО Бойсунғур Мирзонинг учинчи ўғли бўлиб, 1422 йилда Ҳиротда туғилган.

Маълумки, Шоҳруҳ Мирзо 1446 йилда Султон Муҳаммад Мирзога қарши сўнгги юришдан қайтаётган

вақтда йўлда вафот (1447 йил) этади. Мазкур юришда Абулқосим Бобур Мирзо ҳам иштирок қиласан эди. Малика Гавҳаршод бегим тўнгич ўғли Улугбек Мирзо ҳурмати юзасидан лашкар қўмондонлигига Абдуллатиф Мирзони тайинлайди. Ёш Абдуллатиф Мирзони бундай улуғ мартабага кўтарилиши кўпчиликка, жумладан Абулқосим Бобур Мирзога маъқул бўлмайди. Шу боис Абулқосим Бобур Мирзо ҳамда Муҳаммад Жаҳонгир Мирzonинг ўғли Халил Султон Мирзо биргаликда қўшиндан ажралиб, Хурсонга қочадилар.

Абулқосим Бобур Мирзо Журжонга келиб аскар тўплаб, Мозандаронни ўз тасарруфига киритади. Айни пайтда Алоуддавла Мирзо Машҳадни эгаллаб, aka-ука ўртасида низо чиқади. Аммо 1447 йилда Абулқосим Бобур Мирзо акаси Алоуддавла Мирзо билан битим имзолайди.

1448 йилда Улугбек Мирзо Алоуддавла Мирзога қарши уруш очгач Алоуддавла Мирзо укаси Абулқосим Бобур Мирзо ҳузурига — Кўчанга қочиб келади. Абулқосим Бобур Мирзо Улугбек Мирзо ҳузурига элчи юбориб, Улугбекни олий ҳукмдор деб таниганлигини билдиради.

Аммо Улугбек Мирзо ҳарбий юришни тўхтатмайди. Бундан хавфсираган Абулқосим Бобур Мирзо Дамғонга қочади. Улугбек Мирзо Дамғонгача бормай орқага қайтади. Улугбек Мирzonинг Самарқанд томон кетаётган хабарини эшитган Абулқосим Бобур Мирзо яна Машҳадга ҳужум қилиб, ўз тасарруфига киритади. Амударё кечигидан ўтаётган Улугбек Мирзо қўшинига қўқисдан ҳужум қилиб, катта талафот етказади. Айни вақтда Абулқосим Бобур Мирзо Ҳиротга Абдуллатиф Мирзога қарши қўшин юборади. Абдуллатиф Мирзо Ҳиротни ташлаб, Балхга қочади. Аммо 1449 йил феврал ойида Форс ҳукмдори Султон Муҳаммад Мирзо Ҳиротга ҳужум қилиб, укаси Абулқосим Бобур Мирzonи мағлубиятга учратади. Лекин Султон Муҳаммад Мирзо Ҳиротда узоқ муддат қололмайди. 1451 йил охирида Султон Муҳаммад Мирзо укаси Абулқосим Бобур Мирзога қарши яна уруш очади. Ҳар икки қўшин Исфароин яқинида бир-бирлари билан тўқнашадилар. Султон Муҳаммад Мирзо жанг майдонида оғир яраланиб, асирга олинади ва Абулқосим Бобур Мирзо фармонига кўра қатл қилинади.

1450 йил охирида Абулқосим Бобур Мирzonинг катта акаси Алоуддавла Мирзо билац бўлиб ўтган жангда,

Алоуддавла Мирзо асирга олиниб, маҳбусликда сақланарди. Абулқосим Бобур Мирзо кичик акаси Султон Муҳаммад Мирзони қатл қилдиргач, катта акаси Алоуддавла Мирзонинг кўзига мил тортишга фармон беради. Бироқ мил тортувчи ва назоратчилар Алоуддавла Мирзога раҳм-шафқат қилиб, кўз гавҳарига тиг теккизмай, фақат кўз милкигагина наштар тегизиб, кўйиб юборадилар.

1451 йилдан бошлаб Абулқосим Бобур Мирзо секин-аста Хурсонни ўз тасарруфига киритади. 1454 йилда Мовароуннаҳрни забт этиш учун Султон Абусайдига қарши муваффакиятсиз юриш қиласи ва тезда Султон Абусайд Мирзо билан сулҳ тузиб, Ҳиротга қайтади.

Абулқосим Бобур ҳам бошқа темурий шаҳзодалар каби илм-маърифатга ихлосманд бўлиб, олиму шоирларни ўз саройига тўплаб, уларга илтифотлар кўргазарди. Унинг табиатида шеъриятга мойиллик ҳувайдо бўлиб, ўзи ҳам турк ва форс тилларида газаллар битарди. Бинобарин, саройда шоҳона анжуманлар ўтказилиб, мушоиралар бўлиб туради. Зотан, Хурсоннинг бўлажак ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро ва буюк мутафаккир Алишер Навоий Абулқосим Бобур Мирзо саройида тарбияланиб, ҳимматидан баҳраманд бўлганлар. Абулқосим Бобур Мирзодан бирғина ўғил — 12 яшар Шоҳ Маҳмуд Мирзо қолган эди.

ШОҲ МАҲМУД МИРЗО 1446 йилда Ҳиротда тугилган эди.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот қилгач, унинг аркони давлати ва яқингишилари 12 ёшли Шоҳ Маҳмуд Мирзони Машҳадда шоҳ деб эълон қиласидилар. Шундан ўн кун ўтгач, Шоҳ Маҳмуд Мирзо пойтахт Ҳирот томон йўлга чиқади. Йўл асносида Марвга жўнатилган элчи Шайхзода келиб, Марв ҳокими Санжар Мирзо Шоҳ Маҳмуд Мирзога бўйсунишдан бош тортаётганини маълум қиласиди. Шунингдек, Ҳиротдан Ихтиёридин қалъасида маҳбусликда ётган Султон Иброҳим Мирзонинг қалъадан қочганлиги ҳакидаги хабар келади.

Шоҳ Маҳмуд Мирзо 1457 йил 21 апрелда (861 йил 26 жумод улаввал) Боги Мухторга тушиб, бир неча кундан сўнг Богизогонга киради. 16 майда (21 жумод ул — охир) Ҳирот доруссалтанасига кириб, тахтга

ўтиради. Бу вактда Султон Иброҳим Мирзо ўз қўшини билан Мургоб сувидан кечиб, Ҳиротга келаётгани ҳақида хабар келади. Шоҳ Маҳмуд Мирзо ўз қўшини билан Машҳадга жўнаб кетади. Аммо йўлда Султон Иброҳим қўшинига дуч келиб, қаттиқ жанг бўлади. Жангда Шоҳ Маҳмуд Мирзо мағлубиятга учраб, Машҳадга қочади. Султон Иброҳим Мирзо эса тантанали равишда Ҳиротга кириб боради.

Шоҳ Маҳмуд Мирзо Султон Ибродим Мирзодан енгилиб, Машҳадга бориб бир неча кун истироҳат қилгач, Мозандарон вилоятига қараб юради. Мозандарон ҳукмдори амир Бобо Ҳасан мархум Абулқосим Бобур Мирзонинг мухлисларидан бўлиб, бинобарин Шоҳ Маҳмуд Мирзога илтифотлар кўрсатиб яхши кутиб олади. Аммо шу аснода туркман ҳукмдори Жаҳоншоҳ Мозандаронга ҳужум қиласди. Мазкур жангда Шоҳ Маҳмуд Мирзо ва амир Бобо Ҳасан мағлубиятга учрайдилар. Шоҳ Маҳмуд Мирзо Сейистонга қочиб боради, Сейистон ҳукмдори амир Ҳалил Ҳиндука шаҳзодани яхши кутиб олади ва Кобул ҳукмдори амир Бобога қарши жангга бирга олиб кетади. Жанг майдонида Амир Ҳалил Ҳиндука душман кучини писанд қилмай, жангда сусткашлиқ қиласди. Кобул ҳукмдори амир Бобо қулай фурсатни ганишат билиб, амир Ҳалил Ҳиндукага ўнгланимас зарбани беради. Шу аснода камондан отилган ногаҳоний ўқ Шоҳ Маҳмуд Мирзога тегиб, ўша ернинг ўзида ҳалок бўлади. Бу воқеа 1459 йилнинг охирида содир бўлади. Шоҳ Маҳмуд 14 ёшида оламдан ўтади.

СУЮРГАТМИШ МИРЗО Шоҳруҳ Мирzonинг тўртинчи ўғли бўлиб, 1398 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Мулкат Оғо (Мулк Оғо) бегимдир.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, соҳибқирон Амир Темур вафот қилган вактда, Сујоргатмиш Мирзо ҳали саккиз яшар бола бўлган.

Сујоргатмиш Мирзо ёшлиқ даврини отаси Шоҳруҳ Мирzonинг ҳашаматли саройида ўтказади. У ҳам ўз ака-укалари каби ҳарбий санъат, қиличбозлик, чавандозлик билимларини тўлиқ эгаллаб, илм-маърифат ҳомийлари даврасида тарбияланиб, кенг маълумот соҳиби бўлиб етишади.

Сујоргатмиш Мирзо аввал саройда отаси ёнида хизмат қиласди. Кейинчалик, 1418 йилда Кобул ҳукмдори Қайду Мирзо вафотидан сўнг, Кобул улуси Су-

юргатмиш Мирзога суюргол тарзида инъом қилинади.^{*} Суюргатмиш Мирзо Кобулда тартиб ўрнатиб, меҳнаткаш халқ оммасиининг ҳаёт тарзини бир оз яхшилашга муваффак бўлади.

Бироқ 1426 йил октябр ойида Суюргатмиш Мирзо тўсатдан оғриб, 18 ноябрда вафот этади. Бу хабар Ҳиротга 1426 йил 2 декабр куни етиб қелади. Суюргатмиш Мирзодан Маъсуд Мирзо ва Қорачар Мирзо номли икки ўғил қолган эди. Шоҳруҳ Мирзо марҳум ўғли Суюргатмиш Мирзонинг ўрнига унинг катта ўғли Маъсад Мирзони ҳукмрон этиб тайинлайди. Абдураззоқ Самарқандийнинг хабарига қараганда, Маъсад Мирао ўта қаттиқ кўл, шафқатсиз ҳукмрон бўлган. У ҳокимијатга келиши биланок, ҳеч ким билан маслаҳатлашишни истамай, ўз билгича иш юрита бошлайди. Меҳнаткаш халқ аҳволи билан умуман қизиқмайди, аксинча уни ҳар хил тўловларга гирифтор қилиб, очиқдан-очик талайди. Тез кунда шаҳар ва қишлоқларда адолат барҳам топиб, қонунсизлик авжига чиқади. Натижада халқ норозилиги кучайиб, Кобул улусида аҳвол мушкуллашади.

Кобулдаги халқ галаёнларидан хавотирга тушган Шоҳруҳ Мирзо невараси Маъсад Мирзони дарҳол Кобул ҳукуматидан азл қилиб, ўрнига Қорачар Мирзони ҳукмрон қилиб тайинлайди. Қорачар Мирзо ҳокимијатга келгач, халқ галаёнлари сўниб, вилоятларда секинаста тартиб ўрнатилади.

МУҲАММАД ЖЎКИ МИРЗО Шоҳруҳ Мирzonинг бешинчи ўғли эди. У 1403 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Гавҳаршод бегим эди. Муҳаммад Жўки Мирзо ёшлигидан нимжон ва касалманд бўлиб ўси. 1419 йилда Муҳаммад Жўки Мирзога Мўгулистоннинг собиқ хони марҳум Шамъи Жаҳоннинг қизи Мехр Нигор Отони никоҳ қиласидилар. Тўй тароналари Гавҳаршод бегимнинг бевосита раҳбарлигига Боги Зогонда ўтказилади.

Муҳаммад Жўки Мирзо кўп вақтлар Ҳиротда отаси ёнида бўлган. У 1427 йилда акаси Улугбек Мирzonинг Бароқ ўғлонга қарши қилган юришида қатнашади. Шунингдек, отаси Шоҳруҳ Мирzonинг бир неча юришларида иштирок қиласиди.

1433 йилда Шоҳруҳ Мирзо ўғли Муҳаммад Жўки Мирзога Гармсер ва афғонлар вилояти ҳокимлигини инъом қиласиди. Бир неча марта Мовароуннахрга акаси

Улугбек Мирзо ҳузурига ташриф буюради. Зеро, Улугбек Мирзо, Бойсунгур Мирзо ва Муҳаммад Жўки Мирзолар бир-бирлари билан тез-тез мактуб орқали, айrim ҳолларда расмий мулоқотда бўлардилар. Чунки ака-ука шаҳзодалар ўртасида газалиёт, мантиқ ва фалсафа соҳаларида мунозарали ёзишмалар бўлиб турарди.

1443 йилда Муҳаммад Жўки Мирзо Балх вилоятининг ҳокими қилиб тайинланади. Шоҳруҳ Мирзо кейинги вақтларда тез-тез касал бўлиб туриши ҳамда ўғиллари ИброХим Мирзо билан Бойсунгур Мирзонинг бевақт оламдан ўтиши боис ўз ўрнига — тахтга валиаҳд тайинлаш фикрига тушиб қолади. Бинобарин, валиаҳдликка бешинчи ўғли Муҳаммад Жўки Мирзони тайинлашга қарор қиласди. Лекин ўқтам ва тадбиркор малика Гавҳаршод бегим ўғли Муҳаммад Жўки Мирзонинг номзодини қатъян рад этади. Ҳатто девон ишларига ҳам яқинлаштиришни хоҳламайди. Малика Гавҳаршод бегимнинг фикрича, валиаҳдликка Бойсунгур Мирзонинг тўнгич ўғли Алоуддавла Мирзодан кўра муносиброқ номзод йўқ эди.

Дарҳақиқат, малика Гавҳаршод бегим ўз фарзанди Муҳаммад Жўки Мирзони уччалик ёқтирилас, ҳатто салтанат ишларига ҳам аралаштирилас эди. Шоҳруҳ Мирзо маликани акси ўлароқ энг кичик ўғли Муҳаммад Жўки Мирзони яхши кўёради. Шаҳзода ҳам кўп вақтини отасининг ёнида ўтказарди. Нихоят, 1444 йил воқеасидан сўнг, Муҳаммад Жўки Мирзо онасининг илтифотсизлигидан қаттиқ ранжиб, Балхга қайтиб кетади. Лекин шаҳзоданинг қалбida пайдо бўлган жароҳат кундан-кун пасайиш ўрнига авж олиб, охир оқибат асаб қақшаш касалига мубтало бўлиб, 1445 йилда 43 ёшида вафот этади. Унинг жасадини Ҳиротга келтириб, онаси Гавҳаршод бегим мадрасаси ёнидаги Бойсунгур мақбарасига дағн қиласдилар.

Муҳаммад Жўки Мирзонинг уч ўғли бўлиб, Али Мирзо (1423—1424), Муҳаммад Қосим Мирзо ва Абубакр Мирзо эдилар.

МУҲАММАД ҚОСИМ МИРЗО Муҳаммад Жўки Мирзонинг катта ўғли бўлиб, 1422 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Мехр Нигор Отодир. 1445 йилда Муҳаммад Жўки Мирзо вафот этгач, унга тегишли бўлган Балх ва унинг атрофидаги вилоятлар икки ўғлига суюргол тарзида бўлиб берилган эди. Жумладан,

Балх, Шибирғон, Қундуз ва Бақлон Мұҳаммад Қосим Мирзога теккан зди.

Аммо Шоҳруҳ Мирзо вафот этгач, 1447 йил охирида Мұҳаммад Қосим Мирзонинг укаси Абубакр Мирзо катта қўшин билан келиб, акаси билан жанг қилиб, Балх, Шибирғон, Қундуз ва Бақлонни то Бадахшон чегарасигача ўз тасарруфига киритади. Мұҳаммад Қосим Мирзо жанг майдонида 27 ёшида ҳалок бўлади.

АБУБАКР МИРЗО Мұҳаммад Жўки Мирзонинг кенжা ўғли бўлиб, 1427 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Мехр Нигор Оғодир. Абубакр Мирзо акаси Мұҳаммад Қосим Мирзога нисбатан шиҷоатли, гайратли, қоплондек чаққон, ҳарбий салоҳиятга молик, шунингдек, хушбичим, кўркам, хушсурат йигит зди. Отаси Мұҳаммад Жўки Мирзо вафотидан сўнг, унга Ҳутталон, Арханг ва Соли Сарой вилоятларини суюргол қилиб берилган зди. У акаси Мұҳаммад Қосим Мирзони енггач, Балхни эгаллайди, дарҳол Балх қўргонини қайтадан таъмирлаб, мустаҳкам қалъага айлантиради. Шаҳзоданинг ҳарбий қудрати кундан-кунга ошиб бораради.

Айни вақтда Хуросон таҳти учун Улуғбек Мирзо, Алоуддавла Мирзо, Султон Мұҳаммад Мирзо ва Абулқосим Бобур Мирзолар орасида қонли курашлар давом этмоқда зди.

Улуғбек Мирзо Хуросон таҳтини қўлга олиш борасида турли-туман режалар тузмоқда зди. Зотан, Хуросонга қўшин тортишдан аввал Балхда турган жияни Абубакр Мирзони бирёклик қилиш зарур зди. Аммо Балхга ҳужум қилинса кўп талофот кўриши муқаррар зди. Чунки Улуғбек Мирзонинг Балхга йўллаган маҳфий жосусларининг берган маълумотига қараганда, Балх қўргони метиндек мустаҳкам, муҳофазада турган қўшиннинг ҳисоби йўқдек зди. Улуғбек Мирзонинг фикрича, агар Абубакр Мирзо билан жангга киришилса, у ҳолда Хуросонга қўшин киритиш анча кейинга сурилиб кетарди. Бинобарин, ёш шаҳзодани ҳийла билан ўзига ром қилишни афзал деб биларди.

Улуғбек Мирзо ўз режасини амалга ошириш учун Балхга — Абубакр Мирзо ҳузурига эътиимодли кишилардан шайхулислом мавлоно Исомиддин ва амир Таваккал барлосни қимматбаҳо анвойи совға-саломлар билан элчи қилиб жўнатади. Шайхулислом мавлоно Исомиддин ёш шаҳзода Абубакр Мирзога амакиси

Улугбек Мирзонинг бекиёс муҳаббатию, беадад ихлоси ҳақида ҳаддан ташқари муболагалар қилгач, сўзининг охирида ул зоти олий бобаракотнинг Сиз Олий најход шахзодага ихлослари багоят баланддур, бовужуд Сизни ўз фарзанди аржумандлариdek билиб, кўп соғунғондуруллар. Боз устига Сиздек шахзодайи жувонбактни ўзларига қуёв қилмоқ тараффудида бўлиб, пардайи исматда ўлтурғон Билқиси даврон Робия Султон бегимни Сиз жанобларининг аҳд-никоҳингизга киритмак фикридадурлар. Бинобарин, ул зоти олий бобаракот амакингизни зиёратларига биз билан бирга борсангиз савобдин ҳоли бўлмас эрди, дейди. Соддадил шахзода Абубакр Мирзонинг кўэ ўнгида ёшлигида кўрган лобар Робия Султон бегимнинг гўзал чехраси намоён бўлади. Гўё малика Робия Султон бегим уни ўз хузурига таклиф қилаётгандай эди.

Шахзода Абубакр Мирзо эртаси ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, ўз ўрнига оталиқни тайинлаб, элчилар билан бирга амакиси Улугбек Мирзо хузурига жўнайди. Бу пайтда Улугбек Мирзо ўз кўшини билан Термизда турарди. Улугбек Мирзо жияни Абубакр Мирзони очиқ кўнгил билан қаршилайди ва унинг шарафига бир неча кун зиёфат беради. Бироқ бир ҳафта ўтмасданоқ бир-иккита ғаламислар қариндошлар орасига нифоқ солишга муваффақ бўладилар. Абубакр Мирзони исёнкор қаттол душманликда айблайдилар. Улугбек Мирзо ҳам жиноятни муфассал текширмасдан, Абубакр Мирзони ҳибсга олишга фармон беради. Шахзодани дарҳол ушлаб Самарқандга жўнатадилар ва у ерда Кўксаройга қамайдилар. Орадан 3—4 кун ўтгач, Абубакр Мирзони Кўксаройда қатл қиласидилар. Абубакр Мирзо 22 ёшида оламдан ўтади.

ЁДГОР МУҲАММАД МИРЗО Султон Муҳаммад Мирзонинг кенжা ўғли бўлиб, 1451 йилда отасининг қатлидан сўнг туттилган. Ёдгор Муҳаммад Мирзо ёшлиқдан эрка ва тантиқ бўлиб ўсган. У нихоят даражада хушбичим, қадди-қомати келишган, чиройли йигит эди. Ёдгор Муҳаммад Мирзода салтанатга эга бўлиш истаги бўлса-да, бироқ бунинг учун жўшқин ҳаракат, гайрат ийӯқ эди. У айш-ишратга муккасидан кетган ва шаробхўрликни ҳар нарсадан устун кўярди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг аммаси Поянда Султон бегим ўта шуҳратпараст, қалондимоғ аёл бўлиб, шахзоданинг мураббияси ҳам эди. Бинобарин, Поянда

Султон бегим жияни Ёдгор Мұхаммад Мирзонинг қулогига «Хурсон тахти биз учун ота мерос», деган гапни қуярди. Шунинг асорати бўлса керакки, Ёдгор Мұхаммад Мирзонинг ҳам рухиятида шуҳратпастлик кенг қулоч ёзган эди.

Ёдгор Мұхаммад Мирзо бошқа темурий шаҳзодаларидек ҳарбий салоҳиятли, жанг кўрган, чиниқсан йигит эмас эди. Зотан, ўзига қолса Хурсон тахтига даъво ҳам қилмаган бўларди. Лекин унинг атрофидаги яқин кишилари, жумладан, амир Ҳасанбек, аммаси Поянда Султон бегим ва бошқаларнинг тазиики билан унда жаҳонгирилик ҳаваси шаклланиб қолади.

Ёдгор Мұхаммад Мирзонинг Хурсон учун бошлаган юришида аммаси, тадбиркор, жасур малика Поянда Султон бегим раҳнамолик қиласарди. Поянда Султон бегим туркман ҳукмдори Ҳасанбекдан катта ҳарбий кўмак олиб, ёш шаҳзода Ёдгор Мұхаммад Мирзони Журжон ҳокимининг устига кўққисидан ҳужум қилишга кўндиради. Журжонни осонгина қўлга киритгач, соддадил шаҳзодада Ҳирот тахтига ўтириб, тож кийиш ҳаваси пайдо бўлади.

1469 ийл сентябрда Ёдгор Мұхаммад Мирзо туркман қўшинининг ёрдамида Хурсон ҳудудига қараб юради. Бу ҳабар Хурсон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқарога етгач, дарҳол душманга қарши йўлга чиқади. Султон Ҳусайн Бойқаро Машҳадда қисқа муддат тўхтаб, Чинорон мавзеига қараб йўл олади. Шу аснода Ёдгор Мұхаммад Мирзо ҳам Чиноронга яқинлашиб келмоқда эди. Ҳар икки қўшин Чинорон яқинида бир-бирига тўқнашиб, ишиддатли жанг содир бўлади. Жанг оқибатида туркман қўшини парокандаликка учраб, Ёдгор Мұхаммад Мирзо чекинишга мажбур бўлади. Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротга қайтиб кетади.

Аммо кўп ўтмай, туркман ҳукмдори амир Ҳасанбек Ёдгор Мұхаммад Мирзони янги қўшин билан тъминлаб, Хурсонга жўнатади. Ёдгор Мұхаммад Мирзо қўшини Нишопур ва Сабзаворга бостириб киради. Бу ҳабарни эшитган Султон Ҳусайн Бойқаро бир неча ишбилармон амиrlар бошчилигига душманга қарши илгор жўнатади.

¹ Аммо Ёдгор Мұхаммад Мирзонинг қўшини Астрободни қўлга киритгач, эндиликда Ҳиротга яқинлашмоқ тараддуудида эди. Бинобарин, Ёдгор Мұхаммад Мирзонинг хуфия кишилари Ҳирот атрофида кун сайин кўпаймоқда эдилар. Боз устига Султон Ҳусайн Бойқаро

қўшинидан айрим сотқин амирлар Ёдгор Муҳаммад Мирзо томонига қочиб ўтардилар.

Ёдгор Муҳаммад Мирzonинг қўшинлари Машҳад томон юрганини эшитган Султон Ҳусайн Бойқаро дарҳол Нерату қалъаси томон юради. Шу аснода Ҳирот ташқарисида жойлашиб олган малика Поянда Султон бегим Фаридун барлос, Султон Аҳмад ва бошқа амирларнинг иғвоси ва ҳаракати билан Ҳиротга кириб, жияни Ёдгор Муҳаммад Мирзони Хуросон шоҳи деб эълон қиласди. Шахар ичida шодиёналар чалинади. Ёдгор Муҳаммад Мирзо пойтахт Ҳирот қўлга олингандилиги хабарини олгач, Тусдан Ҳиротга қараб йўл олади.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо Ҳиротга келиб, Боги зогонга ўрнашиб олади. Салтанат ишини аммаси Поянда Султон бегим олиб боради. Ёдгор Муҳаммад Мирзо эса айшу ишратга берилиб, эртаю кеч майхўрлик ва чиройли қизлар огушида эди. Туркман қўшини шаҳар халқини талаш, мол-мулк ортириш билан машгул эдилар. «Хулосат ул-ахбор» муаллифининг таъкидлашича, шаҳар халқи Ёдгор Муҳаммад Мирзо қўшинининг истибдодидан ниҳоят даражада оғир аҳволга тушган эдилар.

1470 йил августида Султон Ҳусайн Бойқаро ўз қўшини билан Ҳиротга яқинлашиб келиб, улуг мутафаккир Алишер Навоий билан биргаликда, Ёдгор Муҳаммад Мирзони қўлга олиш режасини тузадилар. Режага мувофиқ, Алишер Навоий бир неча беклар билан тун саҳар пайтида шаҳарга кириб, Боги зогонда гафлат уйқусида маст ҳолда ётган Ёдгор Муҳаммад Мирзони боғлаб олиб чиқадилар. Шундан сўнг шаҳар дарвозалари очилиб, Султон Ҳусайн Бойқаро қўшини шаҳарга бостириб киради. Ёдгор Муҳаммад Мирzonинг қўлга тушган хабари яшин тезлигида тарқалади. Бегам ва истеъдодсиз шаҳзоданинг қўшини ва яқин кишилари ўз жонларини саклаш учун ҳар томонга қочиб кетадилар. Султон Ҳусайн Бойқаро ёш шаҳзода Ёдгор Муҳаммад Мирзога раҳм-шафқат юзасидан уни ўлдирмасликка қарор қилган бўлса-да, бироқ аркон давлат дарҳол шаҳзодани қатл қилишни талаб қиласдилар. Султон Ҳусайн Бойқаро Шоҳруҳ Мирзо авлодининг энг сўнгги намояндаси бўлмиш шаҳзода Ёдгор Муҳаммад Мирзони қатл қилишга фармон беради. Шу билан Хуросонда Шоҳруҳ Мирзо авлодининг хукуматдорлиги батамом тутатилади.

ТУРГУН ФАЙЗИЕВ ТАРИХНИ ЯНГИТДАН ВАРАҚЛАМОҚДА

(хулоса ўрнида)

«Соҳибқирон Темур» пъесасини ёзиш жараёнида тарихчининг ёрдамига мұхтожлик сездим. Ихтиёримда бадий асарлардан Кристофер Марлонинг «Буюк Темурланг» драмаси, Сергей Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» эпопеяси, Соҳибқиронга багишланган бир нечтегина шеърлар, достонлар тарихий-илмий асарлардан Шўро хукумати даврида комфирқа назорати билан яратилган илмий ишлар...

Албатта, шўравий адабиётларнинг ҳаммасини бирваракайига коралаш инсоффдан бўлмас. А. Ю. Якубовский, А. А. Семеновнинг, Бўрибой Аҳмедов, Иброҳим Мўминов сингари олимларнинг ҳалол кўл, покиза виждонӣ билан битмиш тарихлари ҳам мавжудлигини эсада чиқармаслигимиз керак. Аммо кўп манбалардан ҳатто Амир Темур марҳамати ва тарбиясидан баҳраманд бўлган Ибн Арабшоҳ ҳам, уни қароқчи, босқинчи, конхўр, жаллод, золим каби «сифат»лар билан «сийлаган».

Иброҳим Мўминовни «Амир Темурнинг Урта Осиё маданияти ривожидаги роли» деган рисолоси учун шундай қалтаклашдики, ўша калтакдан сўнг домла ўнгланимади. Фан ва маданиятишимизга бекиёс фойда келтирадиган олим барвакт оламдан кетди.

Хуллас Амир Темурга қора бўёқ чапланди: биз лакалов болалар Петр биринчига, Иван Грознийга, Амир Темур олдида Дмитрий Донскойга, босқинчи Александр Македонскийга меҳр қўйдик. улар тарихини алоҳида иштиёқ билан ўрганиб, Темур тарихига, демакки туркий ҳалқ тарихига кўл силтадик. Мен пъеса ёзаётган пайтда озодлик шабадалари гир-гир эсар, бу шабадалар ҳудди гунчани сийпалагандек, тарихимиз, қадриятларимиз юзини ҳам сийпалаб очар эди.

Шундай шароитда Амир Темурни саҳнага олиб чиқиш жуда катта масъулият талаб этар эди.

Масъулиятнинг биринчи сабаби: Модомики, Амир Темурга барча феодал подшолар сингари қора бўёқ чаплаб юборилган экан унинг ўзига хос қиёфасини аниқлаш лозим эди. Манбаларда тасвирланган-дек, майиб-мажруҳми? Нотавон бир кимсами? Ёки Герасимов тасвирлагандек, бадковоқ, хунукми? Шу саволлар қаршисида лол турар эканиман. Турғун Файзиев менга «Амир Темурнинг ҳақиқий расми, бу инглиз манбаларидан олинди» деб бир расм кўрсатди. Келишган, салобатли, чиройли — оқца мойил юзли, қирра бурун, кўй кўзларидан шиддат, қатъият ёғилиб турибди, қошлари қоп-қора, ёйсимон. Елкадор одам кўринади. Бошида тўрт ўрам салла; олд

томонига шохона жига ўрнатилган. Ўша кезлари «Амир Темур қиёфаси» деб кўп ойнома ва рўзномаларда расмлар чоп этила бошлаган эди. Бу расмларнинг бирида Темур масжиднинг имоми, нари борса, мударрисга ўхшаб қолган бўлса, бошқасида яна мўгулга тортиб кетган. Тургун Файзиев топган расм эса ҳақиқатга якин, Темур қиёфасини ёникроқ тасаввур қилишда ёрдам берар эди. Ҳақиқатга якин, дейишилнинг сабаби тарихий манбаларда Темур қиёфасидан нишон қолмаган, агар унинг қиёфасини чизгудек бўлса, Ибн Арабшоҳ, Шарофиддин Али Яздий, Ғиёсiddин Али, Ҳофизи Абрӯ, Клавихо асарларидаги инсоний тасвиirlарга асосланниб қоғозга туширишга тўгри келади ва шунда ҳам реал Амир Темурни гавдалантириш анча кийин. Демак, яна бу ўринда Темурга бўлган таважжуҳ ва акс таважжуҳ кўл келади.

Энг муҳими Тургун Файзиев Амир Темурни (муарриҳ ҳеч қачон «Амир Темур» деб эмас, «Ҳазрат» деб улуглар эди) саҳнада қандай гавдалантириш, жисмоний ва руҳий томондан қай алпоэда кўрсатиш кераклиги ҳақида қимматли маслаҳат берди. «Ҳазрат жуда оғирвазмин, мулоҳазали, салмоқли, овозни баланд қўтармай аммо кесиб гапириувчи одам бўлганилар. Манбалар шундан гувоҳлик беради», — деди.

Толиб Каримовнинг саҳнада сарбаст гелириши, босиқлик билан юриши ва ҳар бир сўзни томошабин қулогига ва шуурига етказиши маъкул келди. Биз режиссёр ва актёrlар билан Амир Темурни саҳнада оксамаслиги керак жисмоний иуқсонга ургу бермаслар, деб яъни маслаҳатлашдик. Бу муаррихга ҳам маъкул келди, аммо икки саҳнада — сезимли хотини Чўллон Мулк бегим ўлганда ва Боязиднинг ўз жонига қасд қилгани ҳақидағи хабар келганда ана шу жисмоний айни кўрсатиб ўтишни маслаҳат берди. Ва биз ҳам шундай қилдик. Муаррихнинг мақбул маслаҳатлари билан Амир Темурни қаттиққўл ҳукмрон, моҳир саркарда, шу билан бир қаторда мутафаккир, кенг қалбли инсон сифатида ламайиш қилмоқка мушарраф бўлдик.

Масъулиятнинг иккичи сабаби: Амир Темур ҳақидағи шўравий тарих фанида, шу фан яратган дарсликларда ва ҳатто Ибн Арабшоҳда ҳам уни саводсиз, қароқчи бир одам сифатида ва бунинг устига, мўгул авлоди деб кўрсатилади. Бунинг тасдиги ӯлароқ, марксизмга асосланган ҳолда, «тотор» деб ҳақорат қилинади. Қизиги шундаки, ўша манбаларда Амир Темурнинг туркий ҳалқларнинг «барлос» уругидан эканлиги айтилса ҳам, барибир олиб бориб мўгулга тақалади. Иккичи томондан, Амир Темур ҳақида кейинги пайтда чоп этилган тарихи ва нотарийи асарларда у шу қадар идеаллаштириладики, гўё бу шахс пайғамбар сиймосида бўлгандек. Ана шу иккиланиш орасида яна Тургун Файзиев ёрдамга келди. У Амир Темур ҳаётни ва фаолияти ҳақида соатлаб, кунлаб ҳикоя қилиши мумкин эди. Боз устига, манбаларда учрамайдиган, теша тегмаган далилларни келтирди. Тургун Файзиевнинг бошқа тарихчилардан фарқи шундаки, атрофидаги қизиққан одамларни тарихдан маърифатли қилмоқ учун бор билимини, бор эхтиросини аямяди.

Менга нималар ҳикоя қилиб берганлари, пъесани ўқиш давомида қандай маслаҳатларни маъкул кўрганини бу ерда зэмаланиб айтмай қўя қолай: ҳаммаси ана шу «Темурийлар шажараси» китобида битилган.

Мен бу ерда китобдан чиқадиган хулосалар ҳақида тўхтаб ўтаман, колос.

Мен тарихчи эмасман ва тарих китоблари ёзилишининг методологиясини ҳам билмайман. Аммо бир нарсани биламан: ҳар қандай тарих синфсиз ва партиясидир. Агар ғирон синф, бирон партия

манбаатларидан келиб чиқиб тарих яратилса, у тарих әмас, ўша синф ва партияниң тарихга муносабатидир. Шўравий тарих фани марксизм-ленинизмни байроқ қилиб олди ва шу байроқ остида тарихга тош отди. Ўтмишга тош отма, у сени палахмон билан уради, деган гап гоят ибратли. Шўрони тарих палахмон билан уриб йикитди. «Ўзбекистон ССР тарихи» нинг 4 та китобикими, ёхуд турли даврларга багишланган тарих китобларини ю дарслиларини варақлаганда бир нарса кўзга ташланади: подшолар ёмон, тузум расво, зулм-зўрлик ҳаддан ошган, ишлаб чиқариш воситалари заиф ва хом ашё ишлаб чиқариш суст, социалистик жамиятгина инсониятни ботқодан олиб чиқди.

Бу хуросалар қанчалик бир ёқлама, қанчалик лаганбардорона эканлиги якъол кўриниб турибди.

Албатта, бу ўринда Турғун Файзиевни ўша шўравий тарих фанидан ажратиб олмок ияятим йўқ. Турғун Файзиев ҳам шўро мактабида ўқиган, «марксизм-ленинизм фани методологияси билан куролланган». Лекин муаррихнинг бир хусусияти шундаки, у шўро тазики остида бўлсада, ҳоли-бакудрат тарихни ҳалоллик билан ёритишига, бор гапни айтишига, далиллардан четта чиқмасликка ҳаракат килди. Шўро за комфириқанинг ижтимоий қиличи бошимиздан кетгач. Турғун Файзиев тарихни янгитдан варақлаб, ажойиб, ҳаққоний далиллар билан биз — омилашаёзган ўқувчиларга мақолалар тақдим эта бошлади. Ва энг диккатга сазовори шўро вақтида бекитиқча ёзиг юргая ушбу «Шажара»ни аста-секин, шошилмай поёнига етказди. Темур ва темурйлар тарихини баланд парвоз сўзлар билан ҳамдусанолар, смёисӣ шарҳлар, синфий ва партиявий қарашлар билан ифода кильмади. Самимийлик, холислик ва ҳаққонийлик билан ёзилган ушбу китобни худди гўзал бадий асар ўқигандек бир зарбда киприк қокмай ўқиб чиқасиз. Муаррих китобга хулоса ёзишни ҳам лозим кўрмади, мён бу вазифани ўз зиммамга олар эканман, унинг «камчилиги»ни тўлдириш мақсадида эмас, балки азбаройи олган таассеуротларимни баёни килиш учун ёздим холос.

Биринчи хулоса Амир Темурниң қиёфаси ҳақида. Муаррих тарихни янгитдан варақлар экан, у Амир Темур ибн Мухаммад Тарагай Беходурни шундай тасвирлайди: келбатли, ҳусндор, аммо ўта салобатли, ўрта бўй, оқ юзли, қиррабурун, кўйкўз одам эди. Ҳақиқатде ҳам Сийистонда булужлар билан урушган пайтда чап кўли ва чап оёғидан ўқ еб яраланган, шу туфайли оқсоқланиб юрган. Аммо доимий эмас. Оёқ-кўли оғриганде, совуқ пайтида ва асабийлашганда. Бироқ шунга қарамай ўнг кўл билан шундай қилич чопганки, чапдаст қиличбозлар ҳам унинг маҳоратига дош берга олмаганлар.

Бу тасвир бизнинг Амир Темур ҳақидаги илгари бад тасаввуризизи супуриб ташлаб, Соҳибқиронга бўлган таважжуҳимизни оширади.

Амир Темуримиг насиби ва маънавий қиёфаси ҳақида. Кўпгина тарихий манбаларда, шу тарихий манбаларнинг ибтидоси бўлган Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» асарида ҳам Амир Темурниң насиби негадир уни чўпонлар, ёки қуллар авлодидан деб кўрсатилади. Агар бу гап Ибн Арабшоҳга суюнган холда айтилган бўлса, у холда шуни таъкидлаш керакки Амир Темур Дамашқа босқин қилганда Ибн Арабшоҳ ёш гўдак бўлиб, Соҳибқирон унинг оиласини Самарқандга олиб келган эди. Уз ватанининг босқин бўлгани, Самарқандга келгани албатта Ибн Арабшоҳ юрагига алам солган ва бу алам Мисрга бориб ёзилган «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» асарида акс этган. Аммо даврлар ўтган сари тарих юзидан қора парда кўтарилиб, соф ҳақиқат аниқланди.

«Ажойиб ан-мақдур фи тарихи Таймур»дан кўра мўътабарроқ манбаларга асосланиб Амир Темур насиби ҳақида ҳақоний гап айтилди. Шулардан бири Тургун Файзиев бўлди. Амир Темур туркий ҳалқнинг «барлос» уругидан, бу уруг ҳалқ орасида бениҳоя нуфузга, ҳурматга сазовор бўлган, муҳими, ҳамиша салтанат ишларида пешқадам ўринни эгаллаган. Амир Темур йўлтўсарлик килмаган, карвонларни таламаган. Шу нарса аниқки, қарокчилик, йўлтўсарлик мол-мулкка учлиқдан, аламзадалиқдан, очкўзлик ва вахшийликдан келиб чиқадиган ҳодисадир. Амир Темур зодагон оиласида туғилди, зодагонлик тарбиясини олди. Демак, мактабда, сўнг мадрасада ўқиб, ўз даврида расм бўлган кўлтина билимларни эгаллади, хусусан, ўша даврда зарурий бўлган диний илмни — физх. Куръону ҳадисларни ўрганди. Амир Темур ҳатто фалакиёт, ҳандаса, математика, жугофия ва тарих илмларидан хабардор бўлган. Шеъриятни жуда нозик тушунган. Биз шўравий адабиётларда 17-йилдан аввали Шарқ подшоҳларини саводсиз, аҳмоқ деб ўқиб, шуну миямизга сингдириб олганмиз. Ваҳоланки, подшо бўлиш — юртни бошқариши учун билим, иқтидор, салоҳият лозим бўлади. Аммо Темур-ку жаҳоннинг ярмисига ҳукмини ўтказган, биргина «Амир Темур» деган номнинг ўзиёқ Соҳибқирон тириклигида сиёсатни, ҳарбий тактика ва стратегияни, ижтимоий тараққиётни төбраттган.

«Темур бениҳоя шафқатсиз бўлган, у истибодд билин салтанатни төбраттган», дейилади тарих китобларида. Тўгри. Амир Темур сиёсатидаги зулм-зўрликни инкор килиб бўлмайди. Бинобарин, салтанат, умуман давлат бор экан истибодд бўлиши табиий бир ҳолдир. Форобий, Томас Мор оразу қилган идеал давлат, идеал жамият ҳали узоқ асрлар армонлигича қолаверади. Амир Темур салтанатга келсак, шундай катта империяни — Каспий деңгизидан Парижкача, Орол бўйларидан Богоддогача, дунёнинг деярли ярмини эгаллаган салтанатни кўнгилчанлик билан бошқариб бўлмас эди. Шунинг учун Амир Темурнинг бир қўлида қилич, иккинчи қўлида адолат мухри турган бўлса не ажаб!

Устоз Бўрибай Аҳмедов таъкидлаганидек, Амир Темурнинг шундок белоён салтанатида еттитагина ноиби бўлган холос. Аммо шу етти ноиб давлат ишларини оқилона тебратиб, биргина Турон юртини эмас унинг қаламравида бўлган барча мамлакатларни ободонлаштирганлар. Соҳибқирон бу ўринда «Кўйчўпон кўп бўлса, кўйлар ҳаром ўлади», деган нақъла амал қилган бўлса ажаб эмас.

Учинчи куласа: Амир Темур салтанати тарихий зарурат эди. Ижтимоий ҳаёт, ҳалкларнинг ҳаёт тарзи шундай буюк бир шаҳснинг дунёга келишини кутар эди. Турон, бинобарин, Мовароуннахр, Эрон Озарбайжони, Хурросон мўгуллар оёғи остида инграр, нажот истар эди. Шундай нажот фариштаси Амир Темур бўлди. У тариз сажнисига чиқиб, Турон заминини мўгуллардан тозалади, аммо ўзи подшо бўлмади. Подшолик мўгуллар кўлида қолаверди. Лекин Амир Темур амрир ул-умаро эди; у мўгулзодалардан номигагина хон тайинлар ва бу кўғирчоқ ҳонлар Соҳибқирон қўлида ҳар мақомга йўргалар эдилар. Демак, мўгулзодаларнинг салтанат ишларида ҳеч кандай роли бўлмаган, деб хулоса чиқаришимизга асос бор. Амир Темур жуда катта, курок бир империяни бошқариш ишни нозик сиёсат, тадбиркорлик билан олиб борганлигини Тургун Файзиев ҳақоний ифодалай олган. Бинобарин, Амир Темур салтанат ишларини олиб боришида беш устунга суюнди: машварат, шариат, тўра-тузук, дипломатия, қаттиқўллик. Энг нозик сиёсий, ҳарбий ишларда курултой чақириш Амир Темурнинг одатларидан эди. Бу курултойга ноиблар, саййидзодалар, барлос уругининг йирик вакиллари, дин

пешъолари, саркардалар, шахзодалар, хонлар, султонлар тақлиф этилар ва курултой иродаси Сохибқирон учун қонун эди. Ислом ва руқнлари ҳар бир мусулмон ҳукмдор учун қонун, Амир Темур, айниқса, бунга қаттиқ риоя қилган. Тўра-тузук Амир Темурнинг ўзига хос давлат конституцияси эди, унга амал қилиш, тўра-тузук бўйича иш олиб бориш Сохибқирон зафарларини мустажзамлади. Амир Темурнинг дипломатия муносабатлари ҳамма даврлар учун намуна бўлгаликдир. Зотан, бирон давлатга қамситиш назари билан қарамаган, душман мамлакатни ўзига дўст қилмоқ учун ҳаракат қилган, аммо атрофидаги подшолар, султонликларга нисбатан хушёр бўлишини унуммаган. Салтанатнинг ички сиёсатида эса ноиблар, беклар, умуман амандорлар устидан назоратни жуда қаттий ва қаттиқ ўзиллик билан ўринатган эди. Сохибқироннинг хорижда хуфялари қаичалик кўп бўлса, салтанат ичкарисида ҳам улар он қадар эди. Оғина нохуш хабар, оғизина шубҳа туғилса, ўша ноиб Амир Темур томонидан мансабдан бўшетилар ёки бошқа бир қаттиқ жазога мустахих қилинар эди: у соҳа бегона бўлсин, соҳа ўз жигаргўшаси бўлсин, Сохибқироннинг учинчи ўғли Миронзоҳ Мирзо (1366—1408) ининг тўнгичи, ҳукмдорнинг севимли набириasi Халил Султон Мирзо (1384—1411) бирорининг хасмига чанг солиб, ҳарамига олиб келганда уни валиаҳдлик мартабасидан азл қилган, ҳатто Ҳиндистон уруши вақтида Темур лашкари кутурган филлар қарцисида лол қолиб, ортга чекиниш фикрига тушганда, Халил Султон маст туялар устига ҳашак ортиб, ҳашакларни ёндириб, уларни филлар томонга ҳайдаб, филларни қочириб галабани таъминлаганда ҳам Сохибқирон «Баракалла»дан нари ўтмаган, демак Халил Султонни ахлокий бузуқлиги учун кечирмаган. Амир Темур даврида бошқаларга нисбатан сайдиллар ва барлосларгина қаттиқ жазоланмасдилар. Бундай имтиёзига сабаб сайдилларнинг пайғамбар авлодидан бўлганилиги, барлосларнинг эса таҳт кўлга киритилишидаги хизматлари ва ҳалқ ўргасидаги катта нуфузга эгаликлари эди.

Тўртмичи хулоса: Китобхонда шундай бир иштибоҳ туғилиши мумкин: у ўзбекларга қарши уруш олиб борган-ку; нега энди биз ўз душманимизни мақтамиз? Амир Темур номига нисбат берилган «Темур тузуклари» ва «Зафар йўли» асрларида, «Бобурнома»да, «ўзбекларни аёвсиз кирдим», деган ибора — ҳозирги этник ҳалқ — ўзбеклар эмас, балки дашиби қипчоқлик кўчманчилардир. Темурийларга қарши ҳарбий куч эди улар, шунинг учун «ўзбеклар» деб аталган. Шуни назарда тутиш керакки, Амир Темур даврида, (ундан аввал ҳам), ундан кейин то 20-асрга қадар, тўғрироги октябр инқилобига қадар миллат тушунчasi бўлмаган: яъни ана у қозоқ, бу тоҷик, наригиси туркман, буниси ўзбек миллати деган гаплар бўлмай, умумтуркй ҳалқ тушунчасига ҳосил ҳоким эди. Шўро давригача, ахир, ҳозирги яшаб турган заминнимизни араблар Моваро-уннага, Хурросон деб атаганлар, ўзимиз эса Туркистон ёки Турон деб билганимиз. Хориждаги ватандошларимиз ҳануз ўзларини (қозоқ, қирғиз, туркман, тоҷик, ўзбек ва ҳакозо бўлишларидан қатти назар) Туркистоний деб атайдилар. Зоро: Амир Темурда ҳам, ундан аввалиги подшоларда ҳам ҳалқларни миллатларга ажратишдан ҳеч қандай сиёсий манфаат йўқ эди. Уша ҳукмдорларда маълум даражада уругчилик ва табакачилик иллари бўлган эса-да, ажабки, улар уругчилик манфаатларини умумдавлат манфаатларига хизмат қилидирганлар. Аммо Амир Темурдан кейинги даврда уругчилик иззатнафста, қонхўрликка, ҳўнхўр душманчиликка айлангани рост. Бу уругчилик бора-бора маҳаллийчилик иллатига айланниб кетди. Шўро замонида эса миллатчилик деган дард пайдо бўлди-ки, бу ҳалқларнинг бошига ёғилган кулфат эди.

Бешинчи кулоса: Амир Темур даврида маданият, санъат, илм-фан туркираб ўси. Жаҳонгир қаергаки бормасин, ўша ердан энг кўли гул усталарни, хунарманд ва санъаткорларни, шоиру олимларни озор етказмай олиб келди, уларни тарбиялаб вояга етказди. Унинг даврида Самарканд ер юзининг сайқалига, Бухоро ислом динининг кувватига айланди. Шахрисабз (Кеш), Шоҳрухия, Фориж, Султония шаҳарлари бунёд этилди. Хуллас, Турон юрти — ўз маданий тараққиёти билан жаҳоннинг кўзини қамаштириди.

Бу соҳада ҳам Амир Темурни айбловчилар кўп эди: бинобарик, у зўрлик, зўравонлик ишлатиб Туронга ўзга мамлакатларда маданият ва санъат усталарини олиб келган, деб айбладилар. Аммо муаррихлар Амир Темурни бу соҳада айблайдилар-да, Москва, Петербург, Екатеринбург, Гроэнай, Киев сингари шаҳарларнинг қандай зулм-зўрлик билан барпо этилганини түе унутадилар. Албатта, Амир Темурнинг босқинларини, бошқа мамлакатларни горат қилганини тарих авф этмайди. Аммо у тарихан зарурий шахс сифатида шу ишларни қилишга мажбур эди, зотан, Турон миңтакаси азалдан бошқа хукмдорларнинг ҳадафи бўлиб келган, демак Темур уларни забт этмаса, бошқа хукмдорлар Туронни юнонлар, форслар, араблар, мўгуллардан баттар талон-тарож қилиб, гадо қилишлари турган гап эди. Аммо Қизиги шундаки, Темур ўзи забт этган мамлакатларнинг подшоларини яна таҳтига қойиммақом қилган, агар ўша подшо жангда ҳалок бўлса, унинг зурриётидан подшо тайинлаган, демак миссионерлик ҳаракати унинг фаолиятида кўринмайди. Шу билан бирга забт қилган мамлакатида гуноҳкорларни катли ом қилиш билан бирга, ўша жойда ободончилик ишларини ҳам олиб борган эди. Албатта музaffer хукмдор сифатида ўз юртини обод қилмоқ учун бошқа юртларнинг маданият-ва санъат усталарини жалб этган бўлса, бунга ажабланмаслик керак.

Олтминчи кулоса: Турғун Файзиев ушбу китобни беш қисмга бўлади: Амир Темур ҳақида, Жаҳонгир Мирзо ва унинг авлоди ҳақида, Мироншоҳ Мирзо ва унинг авлоди ҳақида, Умар Шайх Мирзо ва унинг авлоди ҳақида, Шоҳруҳ Мирзо ва унинг авлоди ҳақида. Шу бобларда Соҳибқироннинг тўрт ўғлидан тарқаган зурриёт ҳақида мукаммал маълумот беради. Боз устига Амир Темур никоҳига кирган хотинлар ва унинг қизлари, қизларидан тарқаган зурриёт ҳақида ҳам маълумотлар учратамиз. Китоб ана шуниси билан ҳам жуда кимматли.

Муаррих Соҳибқироннинг тўнтич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо (1356—1376) ҳақида маълумот баён қиласининг амалларини тўла баён қилиб, 1471 йилгача давом этган зурриёти ҳақида кимматли маълумотлар келтиради. Соҳибқироннинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзо (1356—1394) ва унинг зурриёти ҳақида маълумотлар 1515 йилгача келади. Демак, Соҳибқирон хонадоннинг бу шоҳобчasi Бадиузвазон Мирзо билан туғайди. Учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо (1366—1408) шоҳобчаси 1613 йилгача давом этади. Тўртинчи ўғил Шоҳруҳ Мирзо (1377—1447) авлоди 1471 йилгача давом этган. Мироншоҳ Мирзонинг набираси, Умар Шайх Мирзо (1456—1494)нинг ўғли Захиридин Муҳаммад Бобуршоҳ зурриёти эса 1858 йилгача Хиндистонда давом этди ва темурийлар салтанати шу ерда туғади.

Муаррих ушбу китобга кирган маълумотларни эринмай, битталаб йиққан кўринади. Бундай ишини ҳалқимиз «игна билан кудук қазибди», деб бажолайди. Турғун Файзиев, назаримда тирноқ билан кудук қазиб, ташна дилларни қондирган. Темурийлар ҳақида бунчалар мукаммал маълумот берган тарихий баён ҳали яратилмаган эди.

Амир Темур зурриёти ҳақидаги бу китобни ўқир эканмиз, беихтиёр нима сабабдан Сохибқирон яратган буюк империя парчаланиб, йўқ бўлиб кетганилигига жавоб топғандек бўламиз. Бинобарин, биринчидан, империя асосчисининг васиятларига амал қилмаслик, шуҳратпастлик (Сохибқирон саъжиясида бу иллат бўлмаган), хотинбозлик, маишатпастлик, ўйгуваччалик ва бир оиласда тарбияланмаганлик ва энг муҳими салтанат ишларига аёлларнинг бевосита ва билвосита аралашувидир; фикримизнинг исботи ўлароқ Халил Султоннинг хотини Шоди Мулк, Шоҳруҳнинг хотини Гавҳаршод бегим, Ҳусайн Бойқароннинг хотини Ҳадича бегим сингариларни кўрсатиш мумкин. Биринчиси, салтанат ишларига фаол иштирок этганилиги туфайли Халил Султон таҳтдан азл этилди, иккинчиси маккорлик ва димогдорлик билан набирасини «куфрга кетган отага қарши қўйди, учинчиси макр-хийла билан набирасини қатл эттириб, салтанат тагига сув қўйди.

Дуруст, Амир Темурнинг ўзи ҳам аёлларни салтанат ишларига аралаштирган, жумладан Бибихоним (Сарой Мулк Ҳоним) йирик давлат арбоби даражасига кўтарилиган зўкко ва тадбиркор аёл эди. Аммо шундок эса-да салтанат жиловини қўлига ола билмаган, бинобарин Амир Темур бунга йўл ҳам кўймаган эди. Амир Темурда шундай бир одат бор эди. Бибихоним бирон маслаҳатта оғиз очса Сохибқирон уни сиртдан писанд қилмай эшитардии мулоҳаза ва мушоҳада торозусида тортиб кўриб, сўнг амалга оширад эди. Амир Темур тарихидан кўринади-ки, Бибихоним Сохибқиронене зелчиларни қабул қилганда ҳам, Самарқанд таҳтини Сохибқирон сафарда эканида тебратиб турганда ҳам йирик сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларда ўзбошимчалик билан ҳукм Чиқармаган. Эҳтимол Бибихоним аёллигига бориб биронта шахзодани гийбат қилгандир, ёмонлагандир, аммо Сохибқироннинг сажиисидан мъълумки, у гийбат ва бўғонларга эмас, далилларга сунянган. Аммо ундан тарқалган фарзандлар ва набираларда (Бобуршоҳ айнан бобокалонига ўхшар эди) кўнгилбўшлик, аёллар сўзига эътиmod, таважжух ва акста-важжух кучлироқ эди ва шу сабаблар каттакон империяни инқизозга олиб келган бўлиши эҳтимол.

Асосий хулоса: Бу китоб бир-икки йиллик меҳнат маҳсули эмас, бу ўтиз ийллик тинимсиз, бунинг устига жамоатчиликдан, хусусан шўравий ташкилотлардан пинҳона олиб борилган тадқиқотдир. Тургун Файзиев меҳнатини чумоли меҳнатига қиёс қилгулик: у тинимсиз, эринмай тарихий далилларни йигди, уларни бир жойга тўплади ва уларни яна янгитдан холис муаррих кўзи билан кўриб, муаррихнинг покиза қўлию иймони билан ёзib чиқди. Сўз боши муаллифи Бўрибой Аҳмедов айтмоқчи, натижга ўлароқ ҳаммага зарур китоб юзага келди.

Тургун Файзиев бу билан чекланиб қолгани йўқ: у тарихни янгитдан варақламоқда.

АСРОР САМАД

М У Н Д А Р И Ж А

Бўрибой Аҳмедов. Ҳаммага керак китоб.	3
Сўз боши	7
Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон.	13
Сарой Мулк Ҳоким (Бибихоним).	54
Амир Темурнинг ҳарами.	61
Амир Темур фарзандлари.	63
Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо.	69
Умар Шайх Мирзо Баходир.	84
Султони Ҳусайн Мирзо Бойкаро.	104
Мироншоҳ Мирзо.	165
Закириддин Муҳаммад Бобур Мирзо	217
Шоҳурҳ Мирзо	295
Асрор Самад. Турғун Файзиев тарихни янгитдан варақла-	
моқда	343

Тарихий илмий оммавий нашр

**ТУРҒУН ФАЙЗИЕВ
ТЕМУРИЙЛАР ШАЖАРАСИ**

Кичик мұхаррир *M. Назирова*
Техник мұхаррир *B. Н. Барсукова*
Мусақхыза *M. Усмонова*

ИБ № 203

Теріштеге берилди 23.03.94. Босишга рухсат этилди 23.12.94. Қоғоз бичими 84×108/32. Журнальная гарнитурада терилди. Юқори босма усулда босилди. Шартлы босма тобоги 18.48+091(вкл.) Нашр тобоги 20.2+1.3(вкл.) Адади 10000. Буюртма № 5120. Баҳоси келишилган нархда. Шартнома № 7—94

«Езувчи» нашириёти. 700129. Тошкент, Навоий күчаси, 30-үй, «Хазина» илмий-ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси. 700097, Тошкент, Ҳалқлар дүстлиги шохкүчеси, 28.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг Ижара пулратидаги Тошкент Матбаа комбинатида босилди. 700129, Тошкент, Навоий күчаси, 30.

Файзиев, Түргүн.

Темурийлар шажараси.— Т.: Ёзувчи, 1994. 3526.

Таникли мұхаррир, тарих фанлари номзоди Түргүн Файзиев жуда узоқ йиллар давомида Соҳибқирон Темур ҳазраттинг ҳаёт йүли, сиёсий ва ҳарбий шажараси ҳақида катта китоб битди. Бу китоб ажойиб бир кисса каби бир зарб билан ўқилади ва Соҳибқирон авлод-аждоди ҳақида янги-янги далилларга дуч келасиз.

Бу китоб оммабоп бўлиши билан бирга таълим муассасаларида қўлланма сифатида ҳам ўқилиши мумкин.

1202

4

